

# ДУНЁНИ ТЕБРАТГАН

"Ҳар бир қавмнинг ўз аслзодалари бўлади.  
Бану Умайянинг аслзода фарзанди  
**Умар ибн Абдул Азиз**дир. У Қиёмат Куни  
ёлғиз уммат бўлиб қайта тирилади".

"Агар орзу қилсам,  
**Абдуллоҳ ибн  
Муборак**ни  
ақли ва тақвосини  
орзу қилардим".

Ғаззолийни устози  
Имоми Ҳарамайн  
уни жуда ҳам яхши  
кўрар ва уни мақтаб:  
**«Ғаззолий тубсиз  
денгиздир»**, дер эди.

"Ораларида **Ҳасан Басрий**  
кабилар бор булган  
қавм қандай  
адашиши мумкин?"

**«Аврангзеб  
Оламгир**  
темурий подшоҳларининг  
ичида диёнатдорроғи  
Китоб ва Суннатни  
билувчироғи эди."



**Амир Темур**  
ўз одамларини  
чодирга тўплаб  
туриб, ким Қуръони  
Каримдан қор ҳақидаги  
оятни топиб берса,  
бир миқдор олтин  
мукофот беришини  
эълон қилади..."

**Салоҳиддин Айюбий**  
Аллоҳ таолонинг  
калимасини улуғлади,  
тавҳидни олий қилди,  
муслмонларнинг  
ҳукмдорлари энг-энг  
адолатли булишларини  
бутун дунёга ошқор қилди".

# БУЮЮК

АҲМАД МУҲАММАД ТУРСУН

*Дунёни тебратган*

ЕТТИ

БУЮК

АЗОН

KITOB LARI

УЎК 94(575.1) 28(575.1)

КБК 63.3(5Ў) 86.38

Т 91

**Аҳмад Муҳаммад Турсун**

Дунёни тебратган етти буюк [Матн]: / — Тошкент: "Azon kitoblari" 2021. — 584 б.

*Мазкур китобда дунё тамаддунига улкан ҳисса қўшган, ислом оламида ўз ҳаёти ва фаолияти билан ўчмас из қолдирган Ҳасан Басрий, Умар ибн Абдулазиз, Абдуллоҳ ибн Муборак, Абу Ҳомид Ғаззолий, Салоҳиддин Айюбий, Амир Темур, Аврангзеб Оламгир каби улўғлар ҳақида сўз боради. Мутолаа давомида юқорида тилга олинган шахслар ҳаёт йўлларига оид гўзал лавҳаларга дуч келасиз.*

Тақризчи

**Мубашиш Аҳмад**

ISBN 978-9943-6619-4-3

© Аҳмад Муҳаммад Турсун  
© "Azon kitoblari" нашриёти, 2021



## СЎЗБОШИ

Унингчи асрнинг атоқли мусулмон олимларидан андалусиялик Ибн Рушд умри давомида фақат икки кеча китоб ўқимаган экан: бири уйланган ва иккинчиси отаси вафот этган кечада. Тобеинлардан Урва ибн Зубайр розияллоҳу анҳу ҳаётида бир марта китоб (Қуръон) ўқишни тарк қилган: қорасон бошланган оёғи кесиб ташланганда, оғриқ зўридан ҳушини йўқотгани сабаб китоб ўқий олмай қолган...

Булар ўтмишда китобга бўлган муносабатнинг ажойиб манзаралари эса-да, яқин-яқингача ҳам ўзбек хонадонларида узун қиш кечалари хира чироқ ёруғида китобхонлик қилиш анъана тусига кирган эди. Китоб ўқишни билганлар халқ ичида обрўли саналар ва қаттиқ ҳурмат қилинар эди. Лекин ана шундай китобхон халқнинг ворислари ҳозир деярли китоб ўқимай қўйгани аянчли...

“Ахборот асри”, “технология замони”, “вақтнинг етишмаслиги” деган баҳоналар билан китоб ўқишга тоқатимиз етмай қолди, гўё... Оладиган маълумотларимиз ижтимоий тармоқлардаги қисқа ва узук-юлуқ хабар-далиллардан иборат, холос. Бу эса, айтиш мум-

кинки, миллатнинг савияси, дунёқараши, фикрий салоҳиятининг ўтмаслашувига олиб келяпти. Айниқса, ёшларнинг қизиқишлари ва илмий билимлари тобора саёзлашиб бормоқда: уларнинг “билимдонлик доираси” спорт ва санъат, оммавий маданият чегараларидан нарига ўтолмаяпти. Оқибат аянчали, натижалар хатарли. Бизлар эса хотиржаммиз, гўё ҳеч нарса бўлмаётгандай бутун ҳаётимизни, вақтимизни, ақл-идрокимизни ўраб-чирмаб олган қўл телефонига ёки “ойнаи жаҳон”га термилганимиз-термилган...

Бу билан бошқа ишларимиз каби қизиқишларимизнинг доираси ҳам тобора торайиб бормоқда. Дунёю охиратимизга мутлақо фойдаси тегмайдиган, фақат нафсимизни семиртирадиган ҳамма нарсага қизиқамиз. Уларга оид маълумотларни эринмай ўрганамиз, ҳатто, қанчалаб бефойда маълумотларни ёдлаб ҳам оламиз. Аммо икки дунё саодатига элтувчи билим ва маълумотларни ўрганишга вақтимизни қизғанамиз, ҳафсаласизлик қиламиз. Қайсидир спортчи ёки артистнинг таржимаи ҳолини-ю нонуштага нима ейишигача, хотини ким-у қанча боласи борлигигача қизиқиб ўрганамиз-у, аммо бой тарихий меросимиз, музаффар аждодларимизнинг ҳаётларини ўрганишга вақт, имкон тополмаймиз, булардан ибратланмаймиз. Бизга мутлақо дахли бўлмаган аллақандай майялар ва ацтеклар маданиятини ўрганамиз, уларга тақлид қиламиз-у, аммо динимиз тарихи ва маданиятини ўрганишга сабр-тоқатимиз, ҳафсаламиз етмайди...

Иброҳим Ҳаққий раҳимахуллоҳда гўзал сатрлар бор:

Оз е, оз ухла, оз ич,  
Тан тубанлигидан кеч.  
Дил гулшанига кел, кўч!..  
Кўрамиз, Мавлом найлар,  
Найларса, гўзал айлар!

Инсон бу ёруг дунёга фақат еб-ичиш, яхши кийи-ниш, мол-дунё топиб, роҳат-фароғатда яшаш учун келмайди. Одамзотнинг мартабаси, заковати, обрўси унинг топган бойлигию қаерда ишлашига ҳам боғлиқ эмас. Инсон зоти шахсий камолоти, фикри ва дунёқара-рашининг кенглиги, билимдонлиги ва ахлоқи билан сараланади. Шундай кишилар борки, улар ўз устла-рида ишлаб, жуда катта илмни, маърифатни мустақил қўлга киритишган. Бунга уларни ҳеч ким мажбурлама-ган ёки бунинг ортидан пул эса обрў топишни ўйлаш-маган. Ўзининг камолга эришуви, илми, савиясининг ошиши учун жон-дилдан ўрганган. Ҳозирги ёшлар машҳур спортчилар ва артистларни яхши танишади-ю, аммо жаҳон тамаддуни дарғалари, дунёни тебратган буюкларнинг шахсиятидан воқиф эмаслар. Ҳамма нарса мактаб ёки олий ўқув юрти дарсхоналарида ўр-гатилавермайди, буларни инсон ўзи учун камол топи-ши, дунёқараши кенгайиши учун холис ва мустақил ўрганади. Ёшларимиз таналарини чиниқтириш учун фойдали ва табиий маҳсулотларни истеъмол қилишга уринишади, спорт клубларига қатнаб, машқлар бажаришади, тош кўтариб, сувда сузишади. Аммо мутолаа ҳамда билим эгаллашга келганда эса...

Қисқаси, китобнинг ўрнини бошқа ҳеч нарса боса олмайди. Ҳатто, бу ҳақиқатни “китоб” деса, бур-

нани жийирадиган айрим маънавий танбаллар ҳам тан олишга мажбур бўлишди. Китоб ўқимаган халқ жоҳилликка маҳкумдир. Илмга интилмаган, руҳиятини бойитишга лоқайд қараган миллатнинг фарзандлари ўзлигини, эркини, маданиятини бой бериши муқаррар! Ана шундай кулфатлар бошимизга келмай туриб, китоб ўқиш, уни қадрлаш, болаларимизда китобга муҳаббатни уйғотиш сари юзланайлик!

Кўпдан буён бошқа юртларда кетма-кет чоп этилаётган бу хилдаги китобларнинг кўплигига ҳавас қилиб юргандим. Энди ўзбек ўқувчиларига ҳам шундай ибратли асарларнинг тақдим қилиниши маданий ҳаётимизда сезиларли воқеа бўлиши аниқ. Токи ўқувчиларимиз номлари ва ишлари бутун дунёга танилган машҳур кишилар ҳасби ҳолини ўрганиб, уларга эргашишса, қилган ишларидан ибрат олишса, нашриёт ҳам, муаллиф ҳам кўзлаган мақсадига эришган бўлади.

Мазҳаббошимиз Абу Ҳанифа шундай деганлар: “Уламолар ҳаёти ҳақидаги қиссалар мен учун айрим фикр ҳий масалалардан кўра суюклироқдир. Чунки унда олимлар одоби ва гўзал хулқлари ҳикоя қилинади”. Бошқа бир замондош олимнинг ушбу гаплари ҳам кишини фикрлашга ундайди: “Қиссалар тарбия учун энг қулай қўлланмадир. Бежизга Қуръони каримнинг каттагина қисмида ўтган пайғамбарлар ва уларнинг қавмларининг, ўтмишда яшаб ўтган халқларнинг қиссаларининг баёни келмаган. Қисса орқали буйруқ феълани ишлатмай ибодатга, яхшиликка буюриш мумкин, наҳий лафзини келтирмай кўп ёмонликлардан қайтариш мумкин. Қиссалар улуғликка ундовчи, сабр-матонатга, мардлик ва фидокорликка чорловчи нидосиз

чақирув, хорлик, қарамлик, жаҳолатдан қайтарувчи сассиз ундовдир. Қиссаларда ҳимматни жўштириб, олий қилувчи куч бор. Қиссалар овозсиз моҳир мураббийдир. Қиссалар орқали бир гал олам кезсангиз, бир гал мозийга саёҳат қиласиз. Қиссалар ибратларга кон, битмас-туганмас хазинадир. Бунинг тасдиги Аллоҳнинг Китобида келган: **“Дарҳақиқат, уларнинг қиссаларида ақли расолар учун ибрат бордир”** (Юсуф сураси 111-оят); **“Улар тафаккур қилишлари учун қиссалардан айтиб беринг”** (Аъроф сураси 176-оят).

Муҳтарам ўқувчим, келинг, сиз ҳам дунё ажойиботлари ҳақидаги қиссалар мутолаасини бошланг, жаҳон тарихида ўчмас ном қолдирган буюкларнинг ҳаёт йўллари билан танишинг, улардан ибрат олинг! Бу дунё ва охиратингизга улкан фойда, жамиятда ўрнингизни топишингизга сабаб бўлишига асло шубҳа қилмаймиз!

Муаллиф

### **Таҳририятдан:**

Мутолаа қилишга киришаётганингиз ушбу китобдаги етти нафар буюк зот ҳаёти ва фаолияти аввалроқ алоҳида-алоҳида чоп қилинган эди. Сиз азиз ўқувчига қулай бўлишини истаб, мазкур етти китобни жамлаб, ҳукмингизга ҳавола қилмоқдамиз.





# ҲАСАН БАСРИЙ

атоқли донишманд



## ТАҚДИМ

**Х**асан Басрий номи билан дунёда машҳур бўлган Абу Саид Ҳасан ибн Абул Ҳасан ибн Ясор Басрий энг атоқли тобеинлардан эди. У ҳижрий 21 (милодий 642) йили Мадинада тугилган. Онаси Хойра Пайгамбаримизнинг покиза завжалари Умму Салама онамизнинг хизматкорлари бўлган. Ҳасан саҳобийлардан бир юз ўттиз нафари билан учрашган, улардан кўплаб ҳадисларни нақл қилган. Ривоят қилган ҳадислари “Кутуби ситта” муаллифлари ўртасида эътиборли бўлган. Ҳасан ҳазрати Алининг назоратларида вояга етди, улуг мужтаҳид бўлиб етишди. 657 йилдан бошлаб Басрада яшади. 663–665 йилларда ҳозирги Афғонистон ерлари фатҳида иштирок этди, Форс диёри учун жангларда қатнашди. Хуросон волиий Рабаъ ибн Зиёднинг котиби ҳам бўлган. Ҳажжож ибн Юсуф Ироқ ҳукмдори бўлганида, Қуръонга ҳаракат белгиларини қўйишда қатнашган. Халифа Умар ибн Абдулазиз уни Басра қозилигига тайинлаган. Имом Ғаззолий унинг машҳур олим, фақиҳ, обид, фасиҳ, нотик, том маънодаги донишманд бўлганини ёзади. Кўп йиллар Басрада яшаб, ҳижрий 110 (милодий 728) йили вафот этган ва ўша ерда дафн этилган.

## ТАВАЛЛУДИ ВА БОЛАЛИГИ

Ҳасан Басрий номи билан танилган бу зотнинг тўлиқ исм-шарифи Абу Саид Ҳасан ибн Абул Ҳасан Ясор ибн Мутаҳҳир ибн Ғадир ва Фарҳод эди. Отасини Абул Ҳасан Ясор деб аташарди. У форслардан бўлиб, жанглardan бирида асир тушган ва қул қилиб сотилганди. Уни Мадинага олиб келишганидан кейин озод қилинди, у атоқли саҳобий, ваҳий котиби Зайд ибн Собит розияллоху анҳунинг хонадонидан яшади. Ясор Мадинада халифа Умар ибн Хаттоб замонида Пайгамбар алайҳиссаломнинг покиза завжаларидан бири Умму Салама онамизнинг озод қилган чўрилари Хойра исми аёлга уйланди. Халифанинг вафотидан икки йил олдин, ҳижрий 21 йили у фарзанд кўрди ва унга Ҳасан деб исм қўйишди. Чақалоқнинг танглайини халифа Умарнинг ўзи хурмо билан кўтарди ва “Эй Аллоҳим, унга дин илмини бергин ва одамларнинг муҳаббатига муяссар этгин!” деб дуо қилди.

Боланинг туғилиши ҳақида гўзал бир ривоят келтирилади: “Пайгамбаримиз Муҳаммад соллаллоху алайҳи ва салламнинг покиза завжалари Умму Салама розияллоху анҳонинг ҳузурига бир хушxabарчи келиб, мўминлар онасидан:

– Хойра исми озод қилинган чўрингиз ўғил кўрди!  
– деб суюнчи олди.

Умму Салама розияллоху анҳонинг қалбларини қувонч сурури эгаллади, юзларини севинч нурлари қоплади. Дарҳол хизматчиларини Хойранинг олдига юбориб:

– Нифос кунларини менинг уйимда ўтказсин, чақалогини ҳам олиб келгин! – деб тайинладилар.

Мўминлар онаси Умму Салама собиқ чўрилари Хойрани жуда эъзозлар, кўнгилларига яқин олар эдилар.

Айни пайтда эндигина дунёга келган чақалоқни кўришга жуда ошиқаетган ҳам эдилар. Боланинг бу хонадонда туғилишининг ўзи катта бахт, улкан саодат эди. Чунки Умму Салама Ҳинд бинти Абу Умайя розияллоҳу анҳо Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг покиза завжаларидан, мўминлар онаси эдилар. Аввал эрлари Абдуллоҳ билан Ҳабашистонга ҳижрат қилганлар. Абдуллоҳ Расулulloҳ аммаларининг ўгли ва эмиқдошлари эди. У Уҳуд ғазотида яраланиб, вафот этганида Пайғамбар алайҳиссалом унинг тўрт етим билан қолган беваси Умму Саламага уйландилар. Аёлга мусибат етганида бунга сабр қилиб, эвазига яхшилик сўраб Аллоҳга дуо қилганида Расули акрамдан совчи келгани ҳақида гўзал бир ривоят нақл қилинган. Фазл ва карам жиҳатидан фақат ҳазрати Оишадан кейинда турадиган Умму Салама онамиз Расулulloҳ алайҳиссаломнинг завжалари орасида энг охири вафот этганлари тарих китобларида ёзилган. Умму Салама онамиз араб хотинлари орасида энг ақл-заковатли, обрў-эътиборли ва фаросатли аёл эдилар. Шунингдек, илмда ҳам юксак мавқеда турар эдилар. Умму Салама розияллоҳу анҳо Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан уч юз саксон еттита ҳадис ривоят қилганлар. Яна бир фазилатлари шуки, у киши жоҳилият замонларида ҳам саводли ёза оладиган, маърифатли аёл бўлганлар. Ҳудайбия сулҳи куни бу кишининг Пайғамбаримиз алайҳиссаломга ниҳоятда муҳим, катта аҳамиятга эга маслаҳат берганлари сийрат китобларида келтирилган.

Хойра кириб келганида унинг қўлидаги юзи порлоқ чақалоқни кўриб, Умму Салама розияллоҳу анҳо ниҳоятда севиниб кетдилар, қалблари шодликка тўлди, кўзлари қувнади. Дарҳақиқат, янги меҳмон гоят кўркем, ҳар кимни мафтун этадиган даражада хушрўй, ёруғ юзли чақалоқ эди. Уни қўлларига оларканлар:

– Ўглингга исм қўйдингми, Хойра? – деб сўрадилар.

– Йўқ, унга муносиб исм танлашни ихтиёрингизга ҳавола қилмоқчимиз, – деб жавоб қилди.

Умму Салама:

– Аллоҳ баракотли қилиши учун унга Ҳасан деб исм қўяйлик, – дедилар.

Хойра бажонидил рози бўлди. Умму Салама онамиз қўлларини кўтариб, боланинг ҳаққига хайрли дуолар қилдилар. Шундай қилиб, Хойра (яхшилиқ) хонадонига Ҳасан (яхши) қўшилди.

Ҳасаннинг дунёга келишидан Мадинадаги яна бир хонадон бахтиёр эди. Бу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ваҳий котиблари, улуғ саҳоба Зайд ибн Собит розияллоҳу анҳунинг хонадони эди. Чунки боланинг отаси Ясор Зайд ибн Собитнинг озод этган қули эди. Ясор ҳам улуғ саҳобий ҳузурда ҳурматга сазовор, у зотнинг муҳаббатини қозонган эди.

Кейинчалик Ҳасан Басрий номи билан оламга танилган Ҳасан ибн Ясор Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг уйларида бирида улғайди. Пайгамбаримиз алайҳиссаломнинг завжаи мутоҳҳараларидан бири Умму Салама онамизнинг тарбияларини олди. Саодатманд Ҳасан Умму Салама розияллоҳу анҳога ҳар жиҳатдан мустаҳкам боғланган, бу аёл унга ҳатто сут она ҳам ҳисобланарди. Агар ўз онаси бирор юмуш билан кўчага чиқиб кетса, очликдан йиғлаган гўдакни мўминлар онаси бағирларига босар, уни юпатиш ҳамда онасининг йўқлигини билдирмаслик учун чақалоқ оғзига кўкракларини ҳам тутар эдилар. Умму Салама онамизнинг Ҳасанга меҳр-муҳаббатлари кучли бўлганидан гўдак оғзига тутган кўкракларига сут тўлиб келар, бола ҳузурланиб эмганча ухлаб қолар эди. Хуллас, Умму Салама розияллоҳу анҳо саодатманд Ҳасан учун ҳам мўминлар онаси, ҳам сут она ҳисобланади.

14

Ҳасан болаликдан набавий хонадоннинг тарбиясида улгайди. Сабаби, мўминлар оналарининг ўзаро гузал ва мустаҳкам алоқада бўлганлари ҳамда уйларининг бир-бирига яқин бўлгани бу бахтли болага Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам хонадонларининг барчасига кириб юриш ва эгаларининг хулқлари билан хулқланиш, тутган йўллари ушлаш бахтига муяссар қилди. Ҳасан Басрийнинг ўзи айтмоқчи: бу уйларни шўхлиги, қизғин ҳаракатлари ва ўйинлари билан тўлдириб турар, ҳатто, сакраб уйларнинг шифтларига қўлини теккизиб ўйнаб юрар эди. Ҳасан нубувват хушбўйликлари билан муаттар бўлган, унинг нури билан жилваланган муҳитда ҳаёт кечирарди. Мўминлар оналарининг ҳужралари тўлиб-тошган ирфон чашмаларидан қониб-қониб симиради.

Ҳасан кейинчалик Умму Салама онамиз хонадонидан ўйнаб юрганида бир сакраб уйнинг шифтига қўлини теккиза олганини эслаб юрарди. Пайғамбар алайҳиссаломдай улкан Ислому давлатининг раҳбарига завжа бўлган аёлнинг уйи ана шундай пастак ва зоҳидона эди. Шундай оддийлик, камтарлик ичра зуҳд тарбиясини олган бола умр бўйи набавий тарбиянинг талабларига содиқ қолди, бирор марта ҳам суннатдан чекинмади, набавий хонадон аъзолари каби ўзи ҳам оддий ҳаёт кечирди.

Умму Салама розияллоҳу анҳо болалигида Ҳасаннинг ҳаққиға: “Эй Аллоҳ, Ҳасанни дин имоми қилгил, уммат унга эргашиб юрсин”, деб дуо қилган эдилар. У зотнинг дуолари ижобат бўлди, Ҳасан Басрий Ислому умматининг таниқли имомларидан бўлди. Етмиш йил мобайнида бирор ерга таҳоратсиз қадам босмади. Зуҳду тақвоси, парҳезкорлиги билан бошқа одамлардан ажралиб турди. Илми шу даражаға етдики, бир куни катта илм йигинида ўтирганлардан бири:

– Манаман деган ёши улуг олимлар қатнашаётган ушбу мажлисда нега бир ёш йигит ҳаммамизга насиҳат қиляпти? – дея эътироз билдириб қолди. Шунда шайхлардан бири унга шундай жавоб қилди:

– Бутун халойиқ илм бобида унга муҳтождир, унинг бизга эҳтиёжи йўқ. Одамларга арпа донасича ҳам эҳтиёжини айтмайди, унинг сиздан устунлиги шундан.

Не бахтки, ёш Ҳасаннинг илм олиши ва тарбияси ҳам улуг саҳобийлар, тўғри йўлдаги халифаларнинг назоратида ва кўз ўнгида давом этди. У Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг масжидларида Усмон ибн Аффон, Али ибн Абу Толиб, Абу Мусо Ашъарий, Абдуллоҳ ибн Аббос, Абдуллоҳ ибн Умар, Анас ибн Молик, Жобир ибн Абдуллоҳ каби улуг саҳобалардан илм ўрганди, улардан ривоятлар қилди. Бола айниқса, мўминлар амири Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳуга қаттиқ муҳаббат қўйди. У кишининг диндаги салобати, ибодатдаги эҳсон ва дунё зебу зийнатларига зоҳидлиги Ҳасанни лол қолдирди... Ёрқин баёнлари, етук ҳикматлари, сермазмун сўзлари ва қалбларни ларзага солувчи панд-насиҳатлари уни ўзига ром этди... Шулардан қаттиқ таъсирлангач, у зотнинг ибодат ва тақводаги хулқлари билан хулқланди. Фасоҳат ва баёндаги йўлларида у кишига эргашди...

Ҳасаннинг ёши ўн тўртга етиб, катталар сафига қўшилгач, ота-онаси билан Басрага кўчиб ўтиб, ўша ерда истиқоматда қолди. Шу сабабдан ҳам Ҳасан илм ўчоғи бўлган ушбу муборак шаҳарга нисбат берилиб, одамлар орасида Ҳасан Басрий сифатида танилди.

## БАСРАДАГИ ЙИЛЛАР

Ҳасаннинг оиласи Басрага кўчиб келган пайтда бу ардоқли шаҳар Ислом давлатидаги илм энг кўп тарқалган ўлкалардан бири эди. Ундаги катта масжидда эса Басрага келган саҳобалар ва тобеинларнинг улуғлари ташкил этган дарс ҳалқалари одамларни оҳанрабо каби ўзига тортарди. Унда эртаю кеч ибодат, Аллоҳнинг зикри, исломий илмларнинг баҳсу мунозаралари тинмасди. Бу шаҳарда илм гўё денгиз тўлқинлари каби ҳамиша мавжланиб турарди. Турли кўринишдаги илм ҳалқалари масжидга файз багишлар, кўркига кўрк кўшарди.

Ҳасан ҳам мусофирликнинг илк кунлариданоқ масжидни ўзига макон қилиб олди. Муҳаммад алайҳиссалом умматининг етук олими ва обиди, улуғ саҳобий Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳунинг илм ҳалқаларидан жой олиб, у кишидан тафсир, ҳадис, қироат, фикҳ, луғат, адаб ва бошқа кўплаб илмларни қунт билан ўргана бошлади. Кўп ўтмай, Ҳасаннинг ўзи ҳам дин ва илм бобида одамлар масала сўрайдиган, унга суяниладиган етук фақиҳ ва мужтаҳид уламонинг бирига айланди. Одамлар унинг ҳалқасига қатнаб, қайнаб тошган илм булогидан қона-қона симирадиган, тош қотган қалбларини унинг ҳикматлари билан эритадиган, кўзлардан ёш оқизадиган ваъз-насиҳатларига қулоқ тутадиган, ақллари мафтун этувчи гўзал фикрларини ёдлаб, тадаббур қиладиган, бошқаларга такрорланмас ахлоқини ўзларига ўрнак қилиб оладиган бўлдилар.

Ҳасан Басрий раҳматуллоҳи алайҳнинг бундай маърифий ишлари атроф шаҳарлар ҳамда одамлар орасида тез ёйилиб кетди... Халифа ва амирлар ҳам қизиқиб, у ҳақида сўраб-суриштирар, гўзал фазилатларидан ибрат

олишга интилишар эди. Умар ибн Абдулазиз ва Ҳишом ибн Абдулмалик билан ҳамсуҳбат бўлган, аббосийлар давригача яшаган воиз Холид ибн Сафвон бундай ривоят қилади: “Мен Ҳийра шаҳрида умавийлар амири ва саркардаси Маслама ибн Абдулмаликни учратиб қолдим. У менга:

– Эй Холид, Ҳасан Басрий ҳақида менга гапириб бер, уни сендан кўра яхши биладиган киши йўқ бўлса керак, деб ўйлайман, – деди. Мен:

– Амиримизни Аллоҳ саломат қилсин, дарҳақиқат ўзимни Ҳасан Басрий ҳақида илм билан хабар берувчиларнинг энг яхшиси деб ўйлайман, чунки мен унинг қўшнисиман, қолаверса, илм мажлисида унинг ҳаммажлисиман ва Басра аҳли ичида уни энг яхши билувчиман, – дедим. Маслама:

– Билганларингдан айтиб бер, – деди. Мен шундай дедим:

– Ҳасан Басрий шундай одамки, унинг ичи билан таши, сўзи билан амали бир хил. Яхшиликка буюрса, ўзи шунга энг амал қилувчи, ёмонликдан қайтарса, ўзи шундан энг аввал қайтувчидир. Одамлардан беҳожат, уларнинг қўлларидаги нарсалардан ўзини тортган ва аксинча, одамлар унга муҳтож, ундаги нарсаларга талабгордирлар.

Амир Маслама ибн Абдулмалик:

– Бўлди, эй Холид, бўлди, етарли! Ҳасан Басрий каби инсон орасида бўлган қавм қанақасига ҳам адашсин?! – деди.

Тарихда “Золим Ҳажжож” лақаби билан ном чиқарган Ҳажжож ибн Юсуф Сақафий Ироққа волий этиб тайинланиб, у ерда зулм қилиб ҳаддидан ошганда Ҳасан Басрий унга қарши чиқиб, эътироз билдирди. Одамларга унинг ёмон ишларини ошкор қилиб, ҳақ сўзни ҳукмдор-

нинг ўзига очиқ айта олган оз сонли кишилар қаторида бўлди. Замондошлари ҳукмдор ва олим ўртасида кечган тўқнашувларнинг бири ҳақида шундай ҳикоя қилишади.

Ҳажжож Басра билан Куфа оралигидаги Восит деган шаҳарда ўзи учун ҳашаматли бир қаср қурдириб, одамлар уни томоша қилиб, дилхушлик қилишлари ва барака тилаб, дуо қилишлари учун ҳаммани қасрга чорлайди. Одамлар йигиладиган бундай фурсатни кўлдан бой бермай, ундан унумли фойдаланиш, уларга панд-насихат қилиш, дунё зеб-зийнатларига берилмай, Аллоҳ азза ва жалланинг ҳузуридаги нарсаларга интилиш каби эслатмаларни етказиш умидида Ҳасан Басрий ҳам қасрга бо-ради. Одамларни қасрнинг ҳашамати, нақшинкорлиги ҳамда зийнатларига маҳлиё ҳолда кўриб, уларга шундай хитоб қилади:

– Ёмонларнинг ёмони қурдирган бу қасрни ҳаммамиз кўриб турибмиз. Шуни яхши билинглarki, золим Фиръавн ҳам бундан-да катта ва ҳашамдор қасрларни қурдирган эди... Натижа нима бўлди? Аллоҳ Фиръавнни ҳалок этди, қурдирган қасрларини эса ер билан яксон қилди... Кошки, Ҳажжож ҳам осмонлар аҳлининг (яъни фаришталарнинг) уни ёмон кўришини, ердагилар уни мағрурлантириб қўйганини билса эди...

Ҳасан Басрий кескин ва қатъий гапиришда давом этарди. Тингловчилардан бири Ҳажжожнинг Ҳасан Басрийни жазолашидан ҳадиксираб: – “Етар, эй Абу Саид” деганида Ҳасан Басрий:

– Аллоҳ илм аҳлларидадан “...одамларга очиқ баён қиласизлар ва яширмайсизлар!” деб аҳд-паймон олган, деди ва сўзлашда давом этаверди.

Эртаси кунни Ҳажжож ғазабдан ўзини қўйгани жой топа олмай, еру кўкка сиғмай қароргоҳига кириб борди ва аъёнларига бақирди:

– Ҳалокат бўлсин сенларга, нонкўрлар!.. Басралик бир қул биз ҳақимизда хоҳлаганини гапирса-ю, уни тийиб қўядиган бирорта одам топилмаса-я... Аллоҳга қасамки, ҳаммангизга унинг қонини ичираман, кўрқоқлар! – деди ва қилич билан зеркунда (қатл қилишда тўшаладиган чарм тўшама) олиб келишни буюрди ва жаллодни чақиртирди. Айтган нарсалари ҳозир бўлгач, одамларини Ҳасан Басрийни олиб келиш учун жўнатди.

Кўп ўтмай Ҳасан Басрий келтирилди. Юзлаб кўзлар унга қадалди, юраклар ваҳимадан дукиллаб ура бошлади. Ҳасан Басрий қилич, зеркунда ва жаллодни кўргач, нимадир дегандай лабларини қимирлатиб қўйди... Сўнг Ҳажжожга юзланди. Улуғ олимда мўминнинг улуғворлиги, мусулмоннинг азизлиги ва Аллоҳ йўлига чақирувчи даъватчининг виқори намоён эди. Ҳасан Басрийни бундай ҳолатда кўрган Ҳажжож унинг ҳайбати қаршисида титраганча:

– Хуш келибсиз, эй Абу Саид, хуш келибсиз... Қани бу ёққа ўтсинлар, деб илтифот кўрсатиб, қандай қилиб ўз тахтига ўтказиб қўйганини ҳам билмай қолди. Ҳозиргина Ҳасан Басрийни қатл қилишга тайёр турган волийнинг бирдан бутунлай ўзгариб қолганини кўрган аъёнлар лол эди.

Ҳажжож тахтда ўтирган Ҳасан Басрийга юзланиб, айрим диний масалалар ҳақида сўрай бошлади. Ҳасан Басрий ҳар бир саволга ҳайиқмай, чуқур илм асосида чиройли баён билан жавоб берарди. Шунда Ҳажжож:

– Сиз уламоларнинг саййидисиз, эй Абу Саид, – деди ва қимматбаҳо хушбўйлик келтириб, у билан Ҳасан Басрийнинг соқолларини хушбўйлатиб, кузатиб қўйди.

Ҳасан Басрий қароргоҳдан чиқиб кетгач, Ҳажжожнинг дарбони (эшик қоровули) чопиб келиб:

– Эй Абу Саид, аслида Ҳажжож сизни бошқа мақсадда чақиртирган эди. Кирганингизда, қилич, зеркунда ва жаллодни кўриб, лабингизни пичирлатдингиз, айтинг-чи, ўшанда нима дегандингиз? деб сўради. Ҳасан Басрийнинг жавоби шундай бўлди:

– Эй неъматларимнинг Хожаси ва гам-аламда менга бошпана бўлувчи Зот! Сен оловни Иброҳим алайҳиссалом учун совуқ ва омонлик қилганинг каби бунинг ҳам қаҳр-газабини мен учун совуқ ва омонликка айлантиргин, деб илтижо қилдим.

Волийлар ва амирлар билан шунга ўхшаш ҳолатлар Ҳасан Басрийнинг сермазмун ҳаётида кўп содир бўлган. Бу ҳолатлардан у ҳар сафар Аллоҳ тарафидан ҳимояланган, азиз ва виқорли ҳамда ҳокимлар кўз ўнгида янада обрў-эътиборли бўлиб чиқар эди... Бу каби ишлар ҳақида яна шундай ҳикоя қилишади: “Зоҳид халифа Умар ибн Абдулазиз вафотидан сўнг халифалик Язид ибн Абдулмаликка ўтгач, у Ироққа Умар ибн Хубайра Фазорийни волий этиб тайинлайди. Кейин унинг ҳокимиятини янада катталаштириб, унга Хуросон ўлкасини ҳам қўшиб беради. Аммо Язид ўзидан аввалги солиҳ халифа изидан кетмай, Ироқдаги волийси Умар ибн Хубайрага мактублар жўнатиб, улардаги буйруқларни, гарчи гоҳида ҳаққа зид бўлса ҳам сўзсиз ижро қилишга буюрди. Шунда Умар ибн Хубайра таниқди тобеинлардан Ҳасан Басрий ҳамда Шаъбий номи билан танилган Омир ибн Шураҳбийлни чақиртириб, шундай деди:

– Аллоҳ таоло мўминлар амири Язид ибн Абдулмаликнинг халифа бўлишини ирода этиб, унга итоат қилишни мусулмонларга фарз қилган. Биласизки, халифа мени Ироққа, сўнг бунга қўшиб Форсга волий этиб тайинлади. Аммо халифа гоҳида менга шундай амр-фармон мактубларни юборадики, ундаги буйруқларнинг

адолатли эканига қалбим таскин топмайди. Халифага итоат этиб, унинг бу амрларини бажаришим учун менга диндан бирор ечим топиб бера оласизларми? Шаббий халифага илтифот ва волийга енгиллик бўладиган бир сўз айтди. Ҳасан Басрий эса сукут сақлаб жим ўтирар эди...

Умар ибн Ҳубайра Ҳасан Басрийга юзланиб:

– Сиз нима дейсиз, эй Абу Саид? – деди. Ҳасан Басрий унга шундай хитоб қилди:

– Эй ибн Ҳубайра, сиз Язиднинг амрларини бажаришда Аллоҳдан қўрқинг, Аллоҳнинг амрларини бажаришда Язиддан қўрқманг. Шуни билингки, Аллоҳ таоло сизни Язиддан ҳимоя қила олади, аммо Язид сизни Аллоҳдан ҳимоя қила олмайди... Эй ибн Ҳубайра, шу нарса яқинки, осмондан қаттиқдил ва қаттиққўл, Аллоҳ ўзларига буюрган нарсага итоатсизлик қилмайдиган фаришта тушиб, сизни бу ўрнингиздан четлатиб, кенг қасрдан тор қабрга кўчириб қўйса, у ерда Язидни топа олмайсиз, балки Язиднинг Парвардигорига хилоф қилган амалингизни топасиз... Эй ибн Ҳубайра, агар сиз Аллоҳ таоло билан бирга ва Унинг итоатида бўлсангиз, оламлар Парвардигори сизни Язиднинг тазйиқларидан бу дунёда ҳам, охиратда ҳам сақлайди... Агар сиз Аллоҳга осийлик қилишда Язид билан бирга бўлсангиз, унда Аллоҳ сизни Язиднинг қўлига ташлаб қўяди. Шуни билингки, эй ибн Ҳубайра, Холиқ таолога гуноҳ бўлган ишларда, у ким бўлишидан қатъи назар, махлуққа итоат қилинмайди.

Волий Умар ибн Ҳубайра ўз ҳузурда жасорат билан сўзлаётган Ҳасан Басрийнинг хитобидан кўзёшлари соқолини ҳўл қилгудек даражада қаттиқ йиглади. Сўнг Шаббийдан кўра Ҳасан Басрийга мойиллик кўрсатиб, уни кўпроқ иззат-икром билан кузатиб қўйди. Икковлари волий ҳузуридан чиқиб, масжид тараф юра бошлашгани-



да атрофларига бир қанча одам йиғилиб, волий билан бўлган суҳбат ҳақида сўрашди. Шаъбий одамларга юзланиб:

– Эй инсонлар, ораларингизда ким ҳар қандай ўринда ҳам Аллоҳ таолони Унинг махлуқотларидан ортиқ қўя олса, шуни қилсин! Аллоҳга қасамки, Ҳасан Басрий волийга айтган сўзларни мен ҳам билар эдим, лекин мен ўз сўзим билан волийни риоя қилган бўлсам, Ҳасан Басрий Аллоҳнинг риоясини қилиб сўз сўзлади. Натижада, Аллоҳ мени волийнинг назаридан узоқлатди, Ҳасан Басрийни эса волийга яқин ва севимли қилди, деди.

Ҳасан Басрийнинг дарс ҳалқалари ҳамиша турли тоифадаги илм аҳллари билан тўлиб-тошар, у ҳеч кимдан билганларини аямай ўргатарди. Унинг атрофига уюшган ҳалқалар нафақат Басра фикрий ҳаётининг, балки бутун умавийлар давлатининг энг илғор мактабларидан, ҳатто айтиш мумкинки, ўша даврнинг етук фикҳ академияларидан бирига айланган эди. Уни суннийлар ҳам, бошқа мазҳабларнинг эргашувчилари ҳам бирдай ҳурматлашар, билим сарчашмаларидан баравар қониб ичишарди. Масалан, мўътазилийлар оқимига асос солган Восил ибн Ато ҳам Ҳасан Басрийнинг таниқли шогирдларидан эди. Мўътазилийлар адашган фирқалардан бўлиб, унинг пайдо бўлиши Восил ибн Ато (ҳижрий 80–131) номи билан боғлиқ. Восил ибн Ато “Гуноҳи кабира қилган киши мўмин ҳам, кофир ҳам бўлмайди” деган тушунчани тарқатгач, шайх Ҳасан Басрий “Восил биздан ажради”, деган ва шу тариқа мўътазилийлар (ажралганлар) пайдо бўлган. Мўътазилийлар Аллоҳнинг илм, қудрат, ҳаёт, эшитиш, кўриш, ирода сингари субутий сифатларини инкор қилишади. Қадарга, қиёматда Аллоҳни кўришга, шафоатга, пайгамбарлик мўъжизаларига, кароматларга ишонишмайди. Аллоҳнинг қазо ва қадарини инкор этганлари учун “қадариялар” деган номи ҳам бор. Улар эътиқодларига зид келадиган саҳиҳ ҳадисларни ҳам инкор этишган.

## БЕБАҲО НАСИҲАТЛАР

Ҳасан Басрий раҳматуллоҳи алайҳ салкам саксон йиллик умри давомида дунёни етук илм, пурмаъно ҳикмат ҳамда Аллоҳнинг маърифатига чорловчи насихатларга тўлдириб юборди. Улуғ донишманднинг ўзидан кейинги авлодларга қолдирган бебаҳо мероси – асрлар оша дилларни забт этган, қалбларга титроқ солиб, таъсирлантирадиган, кўзлардан ёш оқизадиган, адашганларни Аллоҳга йўллайдиган, бепарво-ғофилларни эса дунёнинг ҳақиқати ва ундаги одамларнинг ҳоли билан огоҳ этадиган бебаҳо ваъз-насихатларидир. У ўзидаги теран илм, кучли тақво, обидлик ва зоҳидлик, шахсий ибрат ва суннат талаб этган гўзал хулқ билан одамларни яхшиликка, тақвога, хокисорликка, Аллоҳга бўлган буюк итоатга ҳамда илоҳий маърифатга чорларди.

Дунё ва унинг ҳоли ҳақида сўровчига айтган ушбу пурмаъно сўзлари ана шундай гўзал насихатларнинг намунасидир: “Дунё ва охират ҳақида мендан сўрайдиган бўлсанг, сенга шуни айтаман: дунё билан охиратнинг ми-соли машриқ билан мағрибга ўхшайди... Қачон уларнинг бирига яқинлашсанг, бошқасидан узоқлашасан. Менга бу дунёни сифатлаб беринг, дейсан!.. Аввали офат-бало, охири йўқлик–фано бўлган дунёнинг нимасини сенга сифатлай... Ҳалолига ҳисоб қилинса, ҳаромига азоб қилинса... Бойиганлар мафтун, камбағаллар маҳзун қолса...”

Яна ўзи ва одамлар ҳоли ҳақида сўраган кишига айтган ушбу сўзлари ҳам бебаҳо насихатларининг қаймоғидир: “Ҳолимизга вой бўлсин, ўзимиз учун нима қилдик?! Динимизни оздириб, дунёмизни семиртирдик... Ахлоқимизни эскиртириб, буюму либосларимизни янгиладик...”

Биримиз чап ёнига ястаниб, бировнинг молини еган... Кимдир бировнинг таомини зўрлик билан тортиб олган... Хизматчини ҳақсиз ишлатган... Нордондан сўнг ширинни, совуқдан сўнг иссиқни, қуруғидан сўнг хўлини талаб қиладиган бўлди... Ҳатто, тўйиб кетганидан товуш чиқариб кекиради, сўнг ҳазми таом нарса талаб қилиб, овқатини ҳазм қилмоқчи бўлади... Эй аҳмоқ, сен овқатни эмас, динингни ҳазм қилмоқдасан... Муҳтож кўшининг қаерда қолди? Қорни оч етим қариндошинг қаерда? Сенга кўз тикиб турган мискин-бечора-чи? Аллоҳ таолонинг сенга буюрган амрлари қаерда қолди? Қаерда?! Кошки, ўзинг бир қанча сонлар (йигиндиси)дан иборат эканингни, ҳар бир кун ўтганида биттадан сонга камайиб боришингни билсайдинг!..”

Ҳасан Басрийдан “Ота-онага яхшилик қилиш қандай амалга оширилади?” деб сўраганларида у киши: “Бор-йўғингни улардан аямайсан. Сўзларига итоат қилсан, фақат маъсиятга буюрсалар, итоат қилмайсан”, деб жавоб берган экан. Ҳасан Басрий бир жанозада ёнидаги кишидан: “Нима деб ўйлайсан, маййит ҳозир дунёга қайтганида солиҳ амал қилармиди?” деб сўраган эди, у “Ҳа” деб жавоб берди. Шунда Ҳасан Басрий айтди: “Агар у бундай қила олмаса, сен қилгин (яъни, вақтни бой бермагин)”.

Ҳасан Басрий раҳматуллоҳи алайҳнинг мавъизалари саҳоба розияллоҳу анҳум даврларидаги каби сўздаги қувват ва фаолиятдаги энгиликни ўзида жамлар эди. У кишининг пурмаъно панду насиҳатлари кўп ҳолларда ҳаётнинг қисқа ва арзимас матоҳ экани, дунёнинг бевафалигию охиратнинг абадийлиги ҳақида бўлиб, ўз суҳбатларида имон, солиҳ амал, тақвога ундар, ғурурга берилиш ва узун орзулар қилишдан қайтарар эди. Шубҳасиз, мол-дунё ва моддият исканжасию шаҳватлар гирдобида қолиб, дабдаба, орзу-истакларга муккасидан кетган

жамият кўзлардан жаҳолат пардасини олиб ташловчи, қалбларни ларзага солувчи ана шундай панд-насиҳатларга ниҳоятда муҳтож эди.

Ҳасан Басрий ўз мавъизаларида кўпинча саҳобалар даврини, ўша пайтдаги одамларнинг ахлоқи ва фазилатларини эслатар, буларни ўзлари яшаётган замон билан таққослаб, Ислом жамияти бошига тушган имон ва хулқдаги инқирозни кучли мисоллар ва шахсий ибрат билан кўрсатар эди. Гап ана шу нуқтага келганда қалблар тўлқинланиб, тингловчилар юзида қайғу ва таассуф намён бўлар эди. У зотнинг насиҳатлари мисоли одамларни ўзига оҳанрабодай жалб қилувчи мафтункор бир насл, адаб ва ахлоқни ўргатувчи адабиётнинг гўзал намунаси, адиб ва танқидчининг тортишуви эди. Қуйида у кишининг ана шундай бетакрор ва қалбларга қўрқув солувчи насиҳатларидан келтирамыз.

Ҳасан Басрий саодат асридаги саҳобалар даврини эслатиб, ўша давр мўминларини шундай таърифлади: “Ҳайҳот, ҳайҳот! Инсонларни орзу-истаклар, амалсиз сўзлар, сабрсиз маърифат ва ишончсиз имон ҳалок қилди. Менга нима бўлдики, одамларни кўряпман-у, аммо ақл, фикр кўрмайман. Ғала-ғовур эшитяпман-у, суҳбатдош кўрмайман! Одамлар кириб, сўнг яна ортига қайтиб чиқиб кетмоқда. Билиб, сўнг инкор этмоқда. Бир нарсани ҳаром қилиб, сўнг уни ҳалол санашмоқда. Демак, сизларнинг динингиз тилда, холос. Бирортангиздан: “Ҳисоб кунига ишонасанми?!” дея сўралса, у: “Ҳа”, дейди. Қиёмат кунининг Подшоҳига қасамки, унинг сўзи ёлғон...

...Динда собитлик, қатъий имон, мулоҳазали илм, илм билан мулойимлик ва доноликнинг омухталиги, сабрли бўлиш, бой бўлса-да тежамкорлик, нафақада шафқатлилик, бошига қийинчилик тушганларга раҳмли бўлиш, ҳақларни адо этиш, вожиботларда давомий бўлиш мў-

миннинг ахлоқидир. У адоват қилган кимсага адолатсизлик қилмайди. Суюкли кишисига ёрдам бериш йўлида гуноҳга қўл урмайди. Беҳаё ва ноўрин сўзларни сўзламайди, гийбат ва тухмат қилмайди, бировнинг устидан кулмайди, кўнгилхушликка берилмайди. У чақимчилик қилмайди, фойдасиз ишлар билан машгул бўлмайди. Ҳақдан юз бурмайди, узр сўралса, рад этмайди, ўзгаларнинг бахтсизлигидан кулмайди. Бошқалар гуноҳ қилса, шодланмайди...

...Мўмин киши намозда итоаткор, ибодатга ўч, сўзи – шифо, сабри – тақво, сукути – тафаккур, қараши – ибрат бўлади. У илм илинжида олимларга аралашиб юради. Саломат бўлиш учун уларнинг ҳузурида сукут қилади. Фурсат бўлганда – фойда олиш учун гапиради. Агар яхшилик қилса – шодланади, хато қилса – кечирим сўрайди. Мабодо бирор киши мўминга таъна-дашном етказса, ундан ҳовуридан тушишини илтимос қилади. Ўзига қўполлик қилишса, у мулойимлик қилади. Агар зулм кўрса – сабр, жабр кўрса – адолат қилади...

...Мўмин Аллоҳдан ўзгага суюнмайди. Фақат Ундангина мадад тилайди. Кишилар орасида виқорли, хилватда шукрли, ўзига берилган ризққа қаноатли бўлади. У кенглик чоғларида ҳамд айтувчи, машаққат кезларда сабрли бўлади. Агар у ғофиллар билан бирга ўтирса, “зикр қилувчилардан” деб ёзилади. Зокирлар билан ўтирса, “истиғфор айтувчилардан” деб ёзилади. Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобалари ҳам, солиҳ салафларимиз ҳам то Аллоҳга йўлиққунларигача ана шундай бўлишган. Сизлар эса ўзингиз ўзгарганингиз учун ўзгартирилдингиз”, деди ва Аллоҳ таолонинг: **“Албатта, бирор қавм ўзидаги нарсани ўзгартирмагунча Аллоҳ уларнинг ҳолатини ўзгартирмайди. Агар Аллоҳ бирор қавмга ёмонликни ирода қилса, уни ҳам қайтариб бўлмайди. Улар учун Ундан ўзга мададкор ҳам**

йўқ” (Раъд сураси, 11-оят)ини ўқиди.

Ҳасан Басрий бошқа бир насихатида келадики Фурқон сурасининг 63–65-оятларини тафсир қилиб, олдин ўтган мўминларни шундай таърифлаган: “Аллоҳ таолодан мўминларга ушбу чақириқ (имон чақириғи) келганда улар мазкур даъватни тасдиқладилар. Бу даъватнинг ишончи уларнинг қалбларида чуқур ўрнашди – юраклари, таналари ва кўзлари Аллоҳга итоат қилди. Аллоҳга қасамки, агар уларга қарасангиз, гўё мазкур чақириқни ўз кўзлари билан кўрган қавмга назар солган бўлардингиз. Аллоҳга қасамки, улар баҳслашмасдилар, ботил аҳлдан ҳам эмасдилар. Уларга Аллоҳдан бирор буйруқ келганида уни тасдиқладилар. Аллоҳ таоло уларни Қуръони каримда энг гўзал сифатлар ила мақтаб, бундай дейди: **“Раҳмоннинг (суюкли) бандалари ерда камтарона юрадиган кишилардир...”** Араблар ишла-тадиган бу камтарлик – юмшоқлик, сакинат ва виқордир. **“...Жоҳил кимсалар (бемаъни) сўз қотганда “саломат бўлсинлар!” деб жавоб қиладиган кишилардир”**. Улар мулоиймдирлар, асло нодонлик қилмайдилар. Агарда уларга жоҳиллик қилинса, улар ҳалимлик қиладилар. Кун бўйи Аллоҳ таолонинг бандаларига ўзлари эшитган яхши сўзларни айтиб берадилар. Аллоҳ уларнинг тун-лари ҳам энг хайрлиси эканини айтиб, бундай дейди: **“Улар яна тунларни Парвардигорга сажда қилган ва тик турган (ибодат билан бедор) ҳолда ўтказадиган кишилардир”**. Аллоҳнинг ибодатида тик оёқда тура-дилар, пешоналарини эса Раббига сажда қилган ҳолда тупроққа қўядилар. Раббилари қўрқувидан кўзёшлари ёноқларини ювади. Қайсидир иш сабаб тунларини бе-дор ўтказсалар, яна қайсидир иш сабаб кунларини ибо-дат-ла ўтказишади. Аллоҳ таоло улар ҳақида яна шун-дай марҳамат қилади: **“Улар: “Парвардигоро, Ўзинг**

бизлардан жаҳаннам азобини даф этгин”, дейишади. **Дарҳақиқат, унинг азоби ҳалокатлидир**”. Одам боласининг бошига тушиб, сўнг ундан кетадиган нарса ҳалокатли ҳисобланмайди, балки унинг бошига тушиб, ҳеч қачон аримайдиган, осмонлару ер тургунча кетмайдиган мусибат ҳалокатли ҳисобланади. Ўзидан бошқа илоҳ бўлмаган Аллоҳга қасамки, у жамоа ўз сўзларида ростгўйдир. Аллоҳ сизларга раҳм қилсин. Умид қилган ҳолда амал қилинглар. Фақат орзу қилиб ўтираверманглар. Аллоҳ таоло бирор бандага дунё ва охирада фақат орзунинг ўзи билангина яхшилик бермайди”.

Умар ибн Абдулазиз насиҳат қилишни сўраб Ҳасан Басрийга мактуб жўнатди. Ҳасан Басрий унга бундай насиҳат қилди: – “Дарҳақиқат, олдинда улуг кўрқинч ва муҳим ишлар турибди. Мушоҳада эт: ё нажот топасан, ё ҳалокатга юз тутасан. Билки, нафсини ҳисоб-китоб қилган одамнинг савдоси фойдали бўлди. Ким бундан гофил қолди – савдоси касод бўлди. Амали оқибати-га назар солган киши нажот топди, ҳавосига эргашган адашди. Ҳалимлик – бойлик. Аллоҳдан хавфи кўп одам ибратланувчидир. Ибратланган киши басират эгасидир. Ким басират эгаси бўлса, тушунган зотдир. Тушунган зот Аллоҳни танувчидир. Буларни англа! Йўлдан тойган заҳотинг йўлга қайт! Пушаймонлик туғилган заҳоти гуноҳлар ичидан суғурилиб чиқ! Билмасанг, сўра! Ғазаблансанг, ғазабингни бос!”

Халифа Умар ибн Абдулазиз Ҳасан Басрийга: “Аллоҳ таолонинг амрларини бажаришда кимлардан ёрдам сўрашим мумкин, уларни кўрсатиб берсангиз”, деб мактуб ёзди. Ҳасан Басрий шундай жавоб қайтарди:

“Дин аҳли сизнинг ҳузурингизга боришни хоҳламайди. Аммо дунё аҳлини эса, сиз хоҳламайсиз. Лекин сиз шарафли зотларни маҳкам тутинг, чунки улар хиёнат билан булғанишдан шаънларини муҳофаза қиладилар”.

Ҳасан Басрий умавийлар халифаси Умар ибн Абдулазизга шундай мазмунда мактуб ёзди: “Эй мўминлар амири, бу дунё қолиш диёри эмас, кетиш диёридир. Зеро, Одам алайҳиссалом жазоланиш учун жаннатдан бу дунёга туширилган. Аллоҳнинг мукофоти нималигини билмайдиган баъзи одамлар дунёни мукофот деб ўйлайди. Аллоҳнинг жазоси нималигини биладиганлар эса бу дунёнинг жазо эканини билишади. Бу дунё ҳаёти курашлардан иборат. Аммо бу оддий кураш эмас. Бу кураш дунёдаги ҳурматли инсонларни ерга уради, азизларни хорлайди, обрўиларни йиқитади. Дунёнинг ҳар лаҳзасида қурбонлар бор. Дунё бамисоли бир заҳардир, билмаганлар ундан еб, ҳалок бўлади. Бу дунёда охиратга захира тўплаш учун дунёни тарк қилиш керак. Дунёдаги фақирлик охиратдаги бойликдир. Эй мўминлар амири, бу дунёда танасидаги жароҳатни даволайдиган одам каби бўлинг. Жароҳатини даволайдиган киши узоқ давом этадиган қийноқдан қутулиш учун дорининг машаққатига сабр қилади. Дунёда фазилатли бўлган кишилар тўғри сўзловчи, тавозе билан юрувчи, пок ризқлардан егувчи ва ҳаромлардан кўзини тийувчилардир. Уларнинг қуруқликдаги қўрқуви денгиздаги қўрқуви билан бир хил бўлади, хурсандчилик пайтдаги дуолари эса қийинчиликдаги дуолари билан бир хил бўлади. Холиқни буюк деб билганлари учун уларнинг наздида махлуқлар кичикдир. Билинги, эй мўминларнинг амири, тафаккур яхшиликка ва унга амал қилишга чақиради. Ёмонликка пушаймон бўлиш ёмонликни тарк этишга чақиради. Фоний ва ўткинчи нарса, гарчи кўп ва талаби катта бўлса ҳам, боқий нарсага таъсир ўтказмайдиган. Оқибати узоқ роҳат бўлган вақтинчалик қийинчиликка тоқат қилиш узоқ надомат ва абадий қийинчиликка сабаб бўладиган нақд роҳатдан яхшироқдир. Ҳалок қилувчи бу дунёдан

эхтиёт бўлинг. У ўзининг ҳийла-найрангини чиройли қилиб кўрсатадиган, алдовлари билан ҳалок қиладиган ва орзулари билан алдайдиган хорликка олиб борувчи қотилдир”.

Умар ибн Абдулазиз Ҳасан Басрийга мактуб йўллаб,  
– Менга дунё ишини тўплаб, охират ишини васф қилиб беринг, деб айтган эди, Ҳасан Басрий қуйидаги сўзларни ёзиб юборди: – “Албатта дунё туш, охират эса уйғоқлик, ўлим унинг ўртаси, бизлар эса алғов-далғов туш кўрмоқдамиз. Ким ўз нафсини ҳисоб-китоб қилса, фойдани қўлга киритади. Ким ғафлатда бўлса, ютқазади. Ким оқибатга қараса, нажот топади. Ким ҳавои нафсига эргашса, адашади. Ким ҳалим бўлса, ўлжани қўлга киритади. Ким Аллоҳдан кўрқса, омонда бўлади. Ким ибрат назари билан боқса, кўради. Ким кўрса, англайди. Ким англаса, билади. Ким билса, амал қиладди. Агар тўғри йўлдан тойилсанг, ортга қайт. Агар афсуслансанг, ўша афсус келтирган нарсани илдизи билан суғуриб ташла. Агар билмасанг, сўра. Агар ғазабинг келса, ўзингни бос. Билиб қўй: энг афзал амал нафслар ёқтирмаган нарсалардир”.

Ҳасан Басрий Умар ибн Абдулазизга мактуб ёзиб, унда: – “Аллоҳдан бошқа бирор кишидан ёрдам кутманг, агар шундай қилсангиз, Аллоҳ сизни у кишига ташлаб қўяди”, деди.

Ҳасан Басрий яна шундай деган: “Ҳақимнинг тили юрагининг орқасидадир. Агар гапиришни хоҳласа, юрагига қарайди, мабодо унда яхшилик бўлса, гапиради. Агар бировнинг зарарига бўлса, гапирмайди. Жоҳилнинг юраги тилининг атрофидадир, у юрагига қарамайди. Тилига нима келса, гапираверади”.

Ҳасан Басрий айтади: “Аллоҳ таоло сизлардан хато ва эсдан чиқаришнинг гуноҳини кўтарди ва яна мажбур қилинган ишларингизни ва тоқатингиздан ортиқ нар-

саларни ҳам кечирди. Сизларга зарурат ҳолларда баъзи ҳаром нарсаларни ҳалол қилди. Сизларга бешта нарса берди: дунёни ортиғи билан берди ва уни қарз сифатида қайта сўрайди. Дунёдан хурсанд бўлиб берганларингизни ўн баробардан то етти юз барабаригача зиёда қилиб қайтаришга ваъда берди; сизлардан баъзи нарсаларни олиб қўйди, қаноат ва саор қилдинглар, кейин бу билан сизлар учун салавот ва раҳматни берди: **“Ана ўшаларга Парвардигорлари томонидан салавот ва раҳмат бордин”**; **“Агар шукр қилсанглар, албатта, зиёда қиламан”**, деди; агар гуноҳларни қилавериб, унинг гуноҳлари куфргача етса, кейин тавба қилса, тавбасини қабул қилиб, уни яхши кўради: **“Албатта, Аллоҳ тавба қилувчиларни ва ўзларини мудом пок тутувчиларни севади”** (*Бақара сураси, 222-оят*); агар сизларга берилган нарсалар Жаброил ва Микоилга ҳам берилганда, уларнинг ажрлари каттароқ бўларди. Бас, Аллоҳ таоло айтдики: **“Менга дуо қилинглар, Мен ижобат қиламан”** (*Ғофир сураси, 60-оят*).

Ҳасан Басрий айтади: “Илм олишни Аллоҳ йўлида жиҳод қилишдан афзал деб биламан. Ҳа, илм Аллоҳ йўлида жиҳод қилишдан афзалдир. Ким уйдан илм талабида чиқса, уни малоикалар қанотлари билан ўраб оладилар, унга осмондаги қушлар, қуруқликдаги ҳайвонлар, денгиздаги балиқлар салавот айтадилар. Аллоҳ таоло унга етмиш иккита сиддиқнинг ажрини беради. Одамлар, илмни эгалланглар ва илм олиш учун сокин, мулойим, виқорли бўлинглар, таълим олаётган ва таълим бераётганларга тавозули бўлинглар. Олимлик билан фахрланманглар, аҳмоқлар билан тортишманглар ва илм билан амирларга аралашиб кетманглар. У билан Аллоҳнинг бандаларидан ўзингизни баланд тутманглар, агар ундай қилсангиз, Аллоҳнинг ғазабида қолган, жаҳаннамга

юзтубан ташланадиган зулмкор уламолардан бўлиб қола-сизлар. Илмнинг Аллоҳга ибодатда халал бермайдиганини талаб қилинглар... Илм ўзича фойда бермайди, фақат юқоридаги гапларга амал қилинсагина фойда беради. Илмни ташлаб, фақат ибодатга юз тутган қавмдек бўлманглар. Уларнинг терилари баданларига ёпишиб кетса ҳам одамларнинг олдига қиличлари билан чиқадилар. Агар улар илмни талаб қилсалар эди, илмлари қилган ишларидан тўсган бўларди. Илмсиз амал қилувчи йўлдан адашган кишига ўхшайди. У ғайратни кучайтирмайди, балки қийинчиликни зиёда қилади, ислоҳидан фасоди кўп бўлади”. У кишидан:

– Эй Абу Саид, бу гапларни ким айтган? – деб сўрашди. Басрий:

– Бадр урушида қатнашган етмишта киши билан учрашдим, илм талабида қирқ йил сафар қилдим, – деди.

Ҳасан Басрий айтади: “Саҳобаи киром шом – кечки вақтни эрталабки вақтдан ҳам кўпроқ ҳурмат айлаб, кўп ганимат билардилар. Бу вақтда тасбеҳ айтиш кўп мустаҳабдир. Хусусан, истиғфор айтиш яхши. Мағриб бўлиши (кун ботиши) билан кундузги вирдлар ниҳояланади. Бас, банда аҳволини мулоҳаза этиб, ўзининг ҳисоб-киتابини қилсин, зеро ҳаёт йўлининг бир масофаси бугун камайди. Билсинки, умр кунлардан иборат, унинг ҳар бир кунининг ўтиши билан жумла умр тугаб бораверади”.

Ҳасан Басрий яна шундай дейди: “Эй Одам боласи! Дарҳақиқат, сен кунлардан иборатсан, агар бир кунинг ўтса, баъзи аъзойинг ўтади. Киши бугунги кунни кечаги кунига барабар бўлдими, деб фикр этсин. Агар бугун яхшилик этган бўлса, Аллоҳга бу тавфиқ учун шукрлар айлаласин. Агар бунинг акси бўлган бўлса, бас, у тавба қилиб, кундузги нуқсон ва камчиликларини тунда бартараф этишга азму қарор этсин. Зеро, яхшиликлар ёмонлик-

ларни ювиб кетказади. У соғ-саломат бўлгани учун Аллоҳга шукроналар айтсин! Қолган умрида камчиликларни тўлдириш мумкин бўлади. Салафи солиҳлардан бир жамоа ҳар куни садақа-эҳсон этишни хуш кўрардилар ва имкон борича турли хайротларда жаҳд этардилар”.

Ҳасан Басрий бундай деган: “Аллоҳ таоло Одам алайҳиссаломга тўрт калимани ваҳий қилиб юборди. Унда бундай деб айтади: “Бу сўзларда сен ва фарзандларинг учун барча ишлар жам бўлган. Бири Менга хос, бири сенга тегишли, бири Мен билан сенинг ўртангда, бири сен билан халқ ўртасида. Менга қарашлиси – Менга ибодат этасан ва Менга ҳеч нарсани шерик этмайсан. Сенга тегишлиси – амалиннга яраша мукофот бераман. Сен унга қандай ҳам муҳтожсан. Мен билан сенинг ўртангдагиси – Менинг Ўзимдан дуо қилиб сўрайсан, Мен уни ижобат этаман. Ўзинг билан одамлар ўртасидагиси – ўзингга қандай муомала этишларини севсанг, улар билан ҳам шундай муомалада бўласан”.

## БИР КУНИ ҲАСАН БАСРИЙ...

Ҳасан Басрий раҳматуллоҳи алайҳдан қилинган ривоятлар мусулмон уммати учун адаб, ахлоқ китобидир. У зот ҳаётнинг турли ҳолатларида атрофларидаги кишиларга айтган панду насиҳатлари, ўз ахлоқи, фазилатлари билан шахсий ибрат кўрсатган мусулмонларнинг ахлоқини ўнглашда, уларни тақво ва гўзал хулққа чорлашда бебаҳо қўлланмаларга айланиб бўлган. У кишининг Пайғамбар алайҳиссалом суннатларига мос хатти-ҳаракатлари, гўзал хулқлари, одоблари тилларда дoston бўлиб кетган. Келинг, у кишининг ахлоқ бўстонларида сайр қилиб, ибрат бўларли феъл-атворларининг айрим қирралари билан яқиндан танишайлик.

Бир куни Ҳасан Басрийга “Бир киши сизни гийбат қилди”, деб айтишди. Ҳасан Басрий ўша кишига бир товоқ хурмо жўнатиб, шундай деди:

– Ўзингдаги яхши фазилатларингни менга ҳадя қилибсан, бу ишинг учун сени мукофотлашни хоҳладим. Сендан узр сўрайман, мукофотингни охирига етказишга қодир бўлмадим”.

Ҳасан Басрий кулаётган йигитнинг олдидан ўтди ва унга қараб:

– Ҳой ўғлим, сиротдан ўтдингми? деди. Йигит:

– Йўқ! деб жавоб берди. Ҳасан Басрий яна:

– Сенга жаннатда ёки дўзахда бўлишинг айтилдими? деб сўради. Йигит яна:

– Йўқ! деди. Ҳасан Басрий:

– Унда кулгиннинг сабаби нимада? деб сўради. Бу суҳбатдан кейин ўша йигитнинг қайтиб кулганини кўришмади. Ҳасан Басрийнинг сўзлари унинг қалбига шунчалар ўрнашиб, кулишдан тавба қилган экан.

Юнус Ҳасан Басрийнинг: “Мўмин хафа ҳолатда кечани ўтказди ва хафа ҳолатида тонг оттиради”, деганини ривоят қилиб, “Уни қачон учратсам, бошига янги мусибат келган ҳолатда кўрардим” деган.

Замондошлари Ҳасан Басрийнинг яна шундай гапларини келтиришади: “Ҳакимнинг тили юрагининг орқасидир. Агар гапиришни хоҳласа, юрагига қарайди, мабодо унда яхшилик бўлса, гапирди. Агар бировнинг зарарига бўлса, гапирмайди. Жоҳилнинг юраги тилининг атрофидадир, у юрагига қарамайди. Тилига нима келса, гапираверади”.

Ҳасан Басрий яна айтади: “Аллоҳ таоло Мусо алайҳиссаломга шундай ваҳий қилди: “Эй Мусо, энг севимли бандам ва ер аҳлининг энг яхшиси вафот этяпти. Бор, уни ювиб-кафанла ва қабрга қўй”. Мусо алайҳиссалом

уни Имрондан излаб тополмадилар. Харобда ҳам топилмади. Кейин лой қилаётган бир қавмни учратдилар. Улардан:

– Кеча бу ерда касал бўлган ёки ўлган кишини кўрдингларми? – деб сўрадилар. Лойчилар:

– Кеча манави харобада бир касални кўрган эдик, балки сиз излаётган киши ўшадир, – дейишди. Мусо алайҳиссалом “хўп” деб ўша томонга кетдилар. Борсалар, бир одам касал ётган экан. Бошининг тагига гишт қўйилган, ўзини ўзи даволар эди. Шу пайт боши гишдан пастга тушиб кетди. Мусо алайҳиссалом йиғладилар ва:

– Эй Раббим, уни энг яхши бандалардан, деб айтдинг-ку, лекин унинг олдида касалига қаровчи бирор кишини кўрмадим, дедилар. Аллоҳ таоло шунда:

– Эй Мусо! Агар Мен бандамни яхши кўрсам, уни бутун дунёдан тўсиб қўяман, деб ваҳий қилди”.

Ҳасан Басрий яна айтади: “Биринчи зарб қилинган динорни иблис олиб, кўзига суртди ва: “Сени ким яхши кўрса, ўша одам менинг қулимдир”, деди”.

Сафурийнинг “Нузхатул мажолис” асарида зикр қилинишича, Ҳасан Басрий замоналарида ҳамиша гуноҳ қилиб юрадиган бир йигит бор эди. Онаси кўп бора қайтарса ҳам, унинг гапига кирмас эди. Онаси ўғлимга насиҳат қиладилар, тўғри йўлга бошлайдилар деган ниятда Ҳасан Басрийнинг олдиларига келиб, ўглидан шикоят қилар эди. Улими яқинлашиб қолганини билган ўша йигит бир куни онасига:

– Ҳасанни бу ерга чақиринг, менга тавбани ўргатсин, деди. Онаси Ҳасан Басрийнинг ёнларига келиб, ўглининг орзусини айтди. Ҳасан Басрий раҳимахуллоҳ эса йигитдан қаттиқ хафа бўлгани учун унинг олдига бормади. Йигит Ҳасан Басрийнинг келишидан ноумид бўлгач, онасига:

– Менинг жоним чиққач, бўйнимга бир арқон боғлаб, юзимни ерга қаратиб, мени уй ичида судранг ва: “Бу Раббига осий бўлган банданинг жазоси”, деб айтинг. Қабримни уйимдан кавланг, чунки мен жуда ёмон одамман. Ҳаётлигимда кўплаб одамга озор берганман, ўликлар ҳам мендан озор топмасин, деб васият қилди. Охири унинг жони узилди. Онаси васиятни бажариш мақсадида бўйнига арқон боғламоқчи бўлган эди, го-йибдан: “Аллоҳнинг валийси(дўсти)га мулойим бўл!” деган овоз келди. Бу гапни эшитган она арқонни жасаднинг бўйнидан чиқариб, васиятга кўра уни уйга дафн қилди. Шунда эшик тақиллади. Она:

– Эшикдаги ким? – дея сўради. Келган Ҳасан Басрий эди. У киши шундай деди:

“Мен ҳозир тушимда Аллоҳ таолони кўрдим. Аллоҳ таоло: – “Эй Ҳасан, сен бандамни Менинг раҳматимдан ноумид қиласанми? Бандамнинг юзига йўлни тўсасанми? Мен эса уни кечириб, жаннатимга киритдим”, деди”.

Ибн Оишадан нақл қилинади: “Бир куни Ҳажжож Басра ва Куфа фақиҳларини чақиртирди. Биз ҳам ўша ерда эдик, Ҳасан Басрий ҳам келди. Ҳажжож Ҳасан Басрийга кўп ҳурмат кўрсатди, ёнига бир курси қўйиб, у кишини унга ўтиргизди. Кейин Ҳажжож одамлар ҳақида гапира бошлади, ҳатто ҳазрат Алини гапириб, у кишининг устидан шикоят ҳам қилди. Биз ҳам Ҳажжожга мувофиқ бўлиб, ғийбатга қўшилдик. Ҳасан Басрий гапга қўшилмасдан, бармоқларини тишлаб жим ўтираверди. Шунда Ҳажжож:

– Нима учун жим ўтирибсан? Али ҳақида сен нима дейсан? – деди. Ҳасан Басрий:

– У кишига Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам ўз қизларини берганлар, у кишини ниҳоятда қаттиқ яхши кўрганлар, у киши Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи

ва саллам амакиларининг ўгли бўлган, – деди. Ҳажжож бу гапларни эшитиб хафа бўлди, юзлари қизарди. Сўнг ўрнидан туриб, хонасига кириб кетган эди, биз ҳам туриб жўнаб кетдик”.

Ҳасан Басрийдан шундай ривоят қилинади: “Саҳобалардан бири жоҳилиятда таниган бир аёлни кўриб қолди. У билан бир оз гаплашди. Кейин у аёл билан ажрашди ва ортига қараб-қараб кета бошлади. Бирдан деворга урилди ва юзида бир из пайдо бўлди. У Пайғамбар алайҳиссаломнинг ҳузурларига келиб, воқеани сўзлаб берди. Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам айтдилар: “Агар Аллоҳ таоло бирор бандасига яхшилиқни ирода қилса, унинг гуноҳига жазони шу дунёда беради”.

Ҳасан Басрийдан яна шундай ривоят қилишди: “Мусо алайҳиссалом Парвардигордан сўрадилар:

– Эй Раббим, касални кўрувчилар учун қандай ажр-мукофот бор?

– Уни худди янги туғилгандек гуноҳлардан пок чиқараман. Мусо сўрадилар:

– Эй Раббим, ўликни қабристонгача кузатиб борувчига қандай ажринг бор? Айтди:

– Ўлган вақтида малоикаларни жўнатаман, уни қабристонга байроқлар билан олиб боришади, кейин маҳшарга ҳам. Мусо айтдилар:

– Эй Раббим, боласини йўқотган онага таъзия айтган кишига қандай ажринг бор? Аллоҳ айтди:

– Қиёмат куни Аршнинг соясидан бошқа ҳеч соя бўлмаган кунда уни Аршнинг соясига оламан”.

Ҳасан Басрийдан: “Хўжайин қулини бир нарсага юборса ва намоз вақти бўлиб қолса, қай бирини бажаради?” деб сўрашди. “Хўжайинининг ҳожатини қилади”, деб жавоб берди у.

Ҳасан Басрий айтади:

– Бир гуноҳ қилган эдим, ўшанга қирқ йилдан бери йиғлайман.

– У қандай гуноҳ, Аллоҳнинг бандаси? – деб сўрашди.

– Мени бир биродарим зиёрат қилгани келди. Унга балиқ сотиб олгандим, ундан еди, сўнг қўшнимнинг деворига бориб, бир бўлак кесак кўчириб олдим ва у билан қўлимни артдим, деди”.

Ҳасан Басрий айтади: “Бировнинг гапи сени алдаб қўймасин. Киши яхши кўргани билан биргадир. Аммо яхшиларнинг қаторига фақат уларнинг амалларини қилиш билан қўшиласан. Яҳудийлар, насоролар ва бидъат аҳллари пайғамбарларини яхши кўрадилар, аммо улар билан бирга эмаслар”.

Ҳасан Басрийга бир киши бундай деди: “Бизларнинг фақиҳлар шундай-шундай гапларни айтяпти”. Ҳасан Басрий: “Сен ҳеч ҳақиқий фақиҳни кўрганмисан? Фақиҳ дунёда зоҳид, охиратга рағбат қилувчи, динида закий ва Раббига ибодатда давомли бўлган кишидир”, деди.

Ҳасан Басрий айтади: “Мусо алайҳиссалом Аллоҳдан: “Эй Раббим, инсон қандай қилиб Сенга шукр қила олади? Уни қўлинг билан яратдинг, руҳингдан оғзига пуфладинг, жаннатингдан жой бердинг, фаришталарингни унга сажда қилишга буюрдинг”, деб сўради. Аллоҳ тало: “Эй Мусо, одам бу нарсаларнинг ҳаммаси Мендан эканини билди, сўнгра Менга ҳамд айтди. Бу айтган ҳамду саноси яратган нарсаларимнинг шукри бўлди”, деб жавоб қилди”.

Ҳасан Басрийдан шундай ривоят қилинади: “Ҳаммомга икки изор билан кирилади. Биринчи изор аврат учун, иккинчиси кўз учун, яъни, кўзини одамларнинг авратидан тўсиш учун”.

Яна ривоят қилинишича, Ҳасан Басрий ҳукмдор ибн

Хубайранинг эшиги олдидан ўтаётганида (у киши бой бўлган), қорилардан бир нечасини кўриб, шундай дебди: “Эй қорилар! Нима деб ўйлайсизлар? Бу тақводорларнинг мажлисидан эмас”.

Яна бир ривоятда Ҳасан Басрий бир кишининг қабристонда овқатланаётганини кўрди. Сўнгра: “Бу одам мунофиқ экан, ўлим икки кўзи орасида бўлатуриб, иштаҳаси таом тортяпти”, деди.

Ҳасан Басрий шундай деди: “Киши дўзахда минг йил азобланади. Сўнг ундан жаннатга чиқади”. Кейин Ҳасан айтди: “Шоядки, мен ўша киши бўлсам эди”. У зот, албатта, бунни айтган, чунки у киши ўз оқибатидан қўрқарди. Шунингдек, солиҳ кишилар ҳам ишларининг охиридан мана шундай қўрқишарди.

Ҳасан Басрийдан сўрашди: “Киши гуноҳ қилиб тавба қилади, сўнг гуноҳ қилиб тавба қилади. Сўнг яна гуноҳ қилиб тавба қилади. Бу қачонгача?” У шундай жавоб қилди: “Бунни мўминларнинг ахлоқидангина деб биламан”.

Ҳасан Басрий айтди: “Вақтики одамларда илм кўришиб, унга амал қилмаса, тил билан айтишни яхши кўришиб, қалблари билан ғазабланишса, қариндошлари билан узилишган бўлса, Аллоҳ уларни лаънатлайди, кар қилади ва кўзларини кўрмайдиган қилиб қўяди”.

Ҳасан Басрий айтганки: “Риёкор ўзи ҳақидаги Аллоҳнинг тақдирдан ғолиб бўлишни хоҳлайди. У ўзини “солиҳ” деб аташларини истайди. Уни қандай қилиб солиҳ десинлар, ҳолбуки, у Парвардигори наздида тубан ўринга тушиб қолган бўлса. Мўминларнинг қалблари уни таниб, ажратиб олишлари шарт”.

Ҳасан Басрий шундай деган: “Аллоҳ кимнинг ризқини кенг қилиб қўйган бўлса-ю, “Аллоҳ менга макр қиляпти” деб билмас экан, у ақлсиздир. Кимга ризқини қатра-қатра қилиб тор қилиб қўйган бўлса-ю, “Аллоҳ менга

қараб турибди”, деб билмас экан, у ҳам ақлсиздир”.

Ҳасан Басрийдан “Яхши инсон ким?” деб сўрашганида бундай жавоб берган: “Тўрт нарса кишининг яхши эканига далолат қилади: тилининг ростгўйлиги, дўстларининг хато-камчиликларини кечириши, замона аҳлининг таниқли кишисига саховат кўрсатиши, таниш ва қўшниларга озор беришдан тийилиши”.

Ҳасан Басрийдан яхшилик ҳақида сўрашганда бундай жавоб берди: “Яхши гап амри маъруф, наҳий мункар, ҳилму афв, кечириш ва ширин сўзлардан иборат. Сўз амал билан дуруст бўлади. Амал ва сўз ният билан дуруст бўлади. Сўз, амал ва ният суннат билан дуруст бўлади. Кимнинг каломи ҳикмат бўлмаса, у ёлғондир, кимнинг тафаккури сукут бўлмаса, у хатодир, кимнинг назари ибрат бўлмаса, у ўйиндир. Тўрт нарса кишининг яхши эканига далолат қилади: тилининг ростгўйлиги, дўстларининг хато-камчиликларини кечириши, замона аҳлининг таниқли кишисига саховат кўрсатиши, таниш ва қўшниларга озор беришдан тийилиши”.

Ҳасан Басрий: “Агар Аллоҳ бирор бандага яхшиликни хоҳласа, уни аҳд ва мол билан машғул қилмайди”, деди (Ибн Абул Ҳаворийнинг айтишича, бунинг маъноси унинг оиласи ва моли бўлмайди, дегани эмас, балки ана шу иккиси бўлса ҳам уни машғул қилмайди, дегани).

Ҳасан Басрий “**Раббимиз, бизларга бу дунёда ҳам, охирадда ҳам яхшилик ато эт**” (Бақара сураси 201-оят) оятини шундай тафсир қилади: “Дунёдаги яхшилик илм ва ибодат, охираддагиси эса жаннатдир”.

Ҳасан Басрий айтади: “Сизлардан олдингилар орасида Исломга киришда муқаддам ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг суҳбатларига эришган бир зот бор эди (Абдуллоҳ ибн Муборак: “Ҳасан Басрий Саъд ибн Абу Ваққосни назарда тутган”, деган). У подшоҳлар

атрофида ўралашиб юрмасди ва ўзини улардан четга олар эди. Фарзандлари унга: “Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва салламнинг суҳбатларида ва Исломига киришда пешқадамликда сиз каби бўлганлар ҳам уларнинг ҳузурига боряпти. Сиз ҳам борсангиз-чи?!” дейишди. У зот: “Эй фарзандларим! Қавм бир ўликни ўраб олган бўлса, унга мен ҳам борайми?! Аллоҳга қасамки, кучим етганича улардан қочаман”, дедилар. Фарзандлари: “Эй отажон! Унда биз очликдан ўлиб кетамиз-ку”, деди. У зот: “Эй болаларим! Тўқ (семиз) мунофиқ бўлган ҳолда ўлишдан кўра оч мўмин ҳолда ўлишим менга суюклироқдир”, дедилар. Аллоҳга қасамки, тупроқ имонни эмас, балки сут ва ёғларни ейишини билганидан кейин фарзандлари жим қолишди”.

Анча йиллар кейин Ҳасан ваъзларининг бирида шундай деди: “Эй Одам болалари, сизларга вой бўлсин! Наҳотки Раббимизнинг амрларига қарши чиқишда ўзингизда куч-қудрат топа олсанглар?! Аллоҳга қасам, мен шундай одамларни кўрдимки, улар учун бу дунё ва унинг бутун сарвати оёқ остидаги тупроқдан ҳам арзимас эди. Мен шундай одамларни кўрдимки, уларнинг ҳар бири оқшом тушганида гарчи кечки таоми қорнига юқ бўлмаса ҳам, “Мен бунча нарсани ея олмайман” деб, олдидаги егуликнинг бир қисмини Аллоҳ йўлида эҳсон қилиб юборар эди. Ҳолбуки, таомини тортиқ қилиб юборган кишисига қараганда ўзи овқатга муҳтожроқ бўларди”.

Ҳасан Басрий айтади: “Ниҳоятда гўзал, соҳибжамол бир аёл бор эди. Бутун гўзалликнинг учдан бири унга берилган эди. Бироқ у бузуқлик қилиб, танасини сотар, ҳуснига ишониб, “хизмати”га юз динордан камига кўнмас эди. Бир обид банда уни кўриб, ёқтириб қолди. Обид унга етишиш учун астойдил меҳнат қилиб, юз динор пул тўплади. Сўнг аёлнинг олдига борди. Унга:

– Сени кўриб, ёқтириб қолдим. Бориб, ўз қўлларим билан меҳнат қилиб, юз динор пул тўпладим, деди. Аёл уни ичкарига таклиф қилди. Ичкарига кирди. Аёлнинг тилладан ясалган каравоти бор эди. Аёл каравотга ўтириб, уни ўзи томон чорлади. Обид аёлнинг олдига яқинлашган эди, шу пайт эртага қиёматда Раббининг ҳузурда туриб жавоб беришини эслаб, қалтираб-титрай бошлади. Аёлга:

– Мени қўйиб юбор, кетаман. Майли, шу юз динор ҳам сенга, деди. Аёл:

– Сенга нима бўлди? Ахир сен мени кўриб, ёқтириб қолган экансан. Кейин бориб, пешона теринг билан меҳнат қилиб, юз динор пул тўплабсан. Энди мақсадинга етганингда нега бундай қиялпсан? – деди. Обид:

– Аллоҳдан қўрқиб, эртага қиёматда Унинг ҳузурда туриб жавоб беришимни эслаб шундай қиялпман. Энди сени ёмон кўриб қолдим. Мен учун дунёдаги энг ёмон одам сенсан! – деди. Аёл:

– Агар гапинг рост бўлса, энди мен учун сендан бошқа эр йўқ, деди. Обид:

– Мени тинч қўй, кетаман, деди. Аёл:

– Йўқ, менга уйланмагунингча сени қўйиб юбормайман, деди. Обид:

– Йўқ, кетаман, деди. Аёл:

– Агар олдинга борсам, менга уйланасанми? – деди. Обид:

– Билмадим, – деди ва кийимини бошига ёпиб, чиқиб кетди. Шундан сўнг аёл тавба қилиб, қилган ишларидан пушаймон бўлди, обидни қидириб, унинг шаҳрига борди. Одамлардан унинг исмини, манзилини сўради. Одамлар унга обиднинг уйини кўрсатишди, обидга эса:

– Сенинг уйингга бир малика келяпти, дейишди. Обид аёлни кўриб, қаттиқ оҳ урдию шу заҳоти жон тас-

лим қилиб, аёлнинг қўлларига йиқилди. Аёл:

– Мен бу одамни йўқотдим. Унинг бирорта яқини борми? – деб сўради. Одамлар:

– Унинг бир камбагал укаси бор, дейишди. Шунда аёл:

– Акасига бўлган муҳаббатим туфайли унга турмушга чиқаман, – деди ва ўша кишига турмушга чиқди”.

Ҳасан Басрий айтиди: “Қуръони каримнинг тўқсон жойида Аллоҳ ризқларни ўлчаб қўйганини ва яратганларининг ризқига кафил бўлганини ўқидим. Фақат биргина ўринда “Шайтон сизларга камбағалликни ваъда қилади” дейилганини ўқидим. Биз тўқсон жойда келган тўғри сўзга шак-шубҳа қиламиз-у, бир ўринда келган ёлгон сўзга ишонамиз!”

## ОДАМЛАР БИЛАН МУНОСАБАТИ

### Ҳасан Басрий ва Робия Адавийя

Фаридуддин Атторнинг “Манتيкут тайр” (“Қуш нутқи”) асарида шундай ҳикоя келтирилган: “Басра шайхи Ҳасан Басрий Робия ҳузурига борди ва унга шундай деди:

– Эй Аллоҳ ишқида ягона! Ҳеч кимга айтмаган, ҳеч кимдан эшитмаган, ўзингдан кечган ва ўзингга нурдай аён бўлган сирларингдан менга айт, мен шунинг шавқида ҳузурингга келдим. Шунда Рабия айтди:

– Эй замона шайхи, бир неча вақт ўтириб ип йигирдим, калава қилдим ва бозорга олиб бориб сотдим, хушвақт бўлдим. Калавамнинг баҳоси икки пора кумуш бўлди. Уларни биттадан ҳар икки қўлимда ушлаб турдим. Шунда мени қаттиқ қўрқув босди: бойлик менга ҳамроҳ бўлиб, қароқчидай йўлдан урса нима қиламан, ахир буни яшириб бўладими? Раббимга ҳаммаси аён-ку. Дунё одами жону дилини қонга (мол-мулкка) гаровга қўяди, бу

йўлда юз минг тузоқ қўйиш билан шуғулланади. Мақсади бир парча ҳаром олтинни қўлга киритиш, буни қўлга киритгач, жон таслим қилади, вассалом. Олтин унинг ворисига қолади, меросхўри ҳам жон таҳликасида яшаб, олтинни ўз ворисларига қолдириб кетади... Эй Симуруғни олтинга алмаштирган, зар ишқида дили оташда ёнган киши, бу йўлда соч толаси ҳам сиғмайди, олтин, кумуш, бойлик сигадами, ахир! Жонон томон бир соч толасичалик йўл бўлмаса, ҳеч ким бунга журъат қилмагай!

### Ҳакимини топди

Кунларнинг бирида бир киши Ҳасан Басрий ҳазратларининг ҳузурига келиб:

– Ҳазратим, Аллоҳ йўлида бизга ёрдам беринг! – деб ёлборди. Имом Ҳасан Басрий:

– Қандай дардинг бор? Сенга қандай ёрдам қилай? – деб сўради. Ўша киши шундай деди:

– Менинг жуда ақлли бир қизим бор, ўша қизимга нимадир бўлдики, кеча-кундуз тинмай йиғлайди, Куръон ўқийди ва яна йиғлайди, кўз ёши тўкавериб, кўзлари яхши кўрмай қолди, энди кўр бўлиб қоладими деб кўрқяпман. Сиздан ўтиниб сўрайман, бизникига бориб, унга насиҳат қилиб қўйсангиз.

Ҳасан Басрий рози бўлиб, ўша одамнинг уйига бордилар. Унинг қизига:

– Қизим, нега йиғлайсан? Йиғлайверсанг, кўздан ажраб қолишинг мумкин. Илтимос қилсам, йиғлашинг сабабини айтасанми? – деди. Қиз:

– Ҳазратим, мен соппа-соғман, ҳеч қандай дардим ҳам йўқ. Кўзларимнинг кўр бўлишига икки сабаб бор. Бу кўзларимиз охират дунёсида Аллоҳ таолони ё кўради, ё

кўрмайди. Агар кўзларимиз Ҳақ таолони кўриш неъматига эришса, бунинг учун мингларча кўз Уни кўрмоққа фидо бўлсин. Агар кўрмаса, у ҳолда Аллоҳ таоло Ўз Зотини кўришга муносиб этмаган кўзларни кўр қилсин. Аллоҳни кўрмайдиган кўзни нима қиламан? деди. Ҳасан Басрий бу жавобдан жуда таъсирланди, ҳаяжонга тушди, кўзларидан ёш жаласи қуйилди. Сўнг бундай деди: “Насиҳат қилгани келган эдик, ўзимиз насиҳат олдик, ҳақим бўлиш учун келган эдик, ҳақимимизни топдик”.

### Истиғфор айт!

45

Бир киши Ҳасан Басрий раҳматуллоҳи алайҳнинг ҳузурларига келиб:

– Бизга осмондан ёмғир ёғмаяпти, – деди. Ҳасан Басрий:

– Аллоҳга истиғфор айт, – дедилар. Сўнг бошқаси келиб:

– Фақирликдан қандай қутулсам бўлади? – деди. Ҳасан Басрий:

– Истиғфор айт, – дедилар. Сўнг яна бошқаси келиб:

– Аёлим бепушт, туғмайди, – деди. Ҳасан унга ҳам:

– Истиғфор айт, – дедилар.

Ўша ерда ҳозир бўлган кишилар У зотга:

– Ҳузурингизга шикоят қилиб келган кишиларнинг ҳаммасига истиғфорни тавсия қилдингиз-а? – дейишди.

Шунда Ҳасан Басрий:

– Аллоҳ таолонинг ушбу оятларини ўқимаганмисизлар? – дедилар! “Мен дедимки: “Раббингиздан мағфират сўранглар, албатта У мағфиратли Зотдир. У Зот устларин-

гизга осмондан ёмғир қуйдиради ва сизларга мол-дунё, бола-чақа билан мадад беради ҳамда сизларга боғу бўстонлар (ато) қилади ва сизларга оқар дарёлар (ато) қилади”.

### Аёлнинг сўзи ҳайратга солди

Бир куни Ҳасан Басрийнинг ҳузурига бир аёл келиб, шундай деди:

– Эй Аллоҳнинг дўсти! Сизга саволларим бор, жавоб беришингизни истайман.

– Суранг! – деди Ҳасан Басрий.

– Эй имом! Дин поклиги, дин жавҳари, дин хазинаси нима? – деди аёл. Ҳасан Басрий:

– Сиз айтинг, биз ҳам эшитиб, ўрганайлик, – деди. Аёл айтди:

– Дин поклиги – таҳорат олиш; дин жавҳари – Аллоҳдан қўрқиш; дин хазинаси – илмдир. Аёл яна шундай кўшимча қилди: “Дин маъдани – ҳаёдир. Аллоҳ ҳаёли қулини мақтайди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам “Ҳаё имондандир” деганлар”. Ҳасан Басрий аёлнинг сўзларини эшитиб, севинчдан ҳайрату ҳажонга тушди, унинг сўзига мухлис бўлди.

### “Аллоҳни кўрамизми?”

Ҳасан Басрийдан сўрашди:

– Аллоҳ таоло шу дунёда кўзга кўринадими?

– Йўқ!

– Уни охиратда кўра оламизми?

– Ҳа!

– Бу иккисининг орасида нима фарқ бор?

– Фарқи шундаки, дунё фоний-ўткинчидир, ундаги барча мавжудот ҳам ўткинчидир. Охират эса боқий,



шунингдек, ундаги барча нарсалар ҳам боқийдир. Фонийнинг ичида Боқийнинг кўриниш бериши, Азалий қадим бўлган Зотнинг муҳдас ва ўткинчи дунёда намоён бўлиши амри маҳолдир. Вақти келиб қиёмат қойим бўлса, Аллоҳ таоло бандаларига боқий кўз яратиб беради ва улар шу кўзлари ила Раббиларини кўрадилар. Бу уларга Аллоҳдан фазл ва икром сифатида берилади.

### **Икки кун ва икки тун**

Ҳасан Басрий раҳимаҳуллоҳ айтади: “Икки кун ва икки кеча борки, бандалар улар ҳақида бирор нарса эшитмаганлар. Биринчи кеча қабрдагилар билан бирга ўтказиладиган илк кечангиз бўлиб, илгари буни сира кўрмагансиз. Иккинчи кеча эса Қиёмат куни бошланадиган ва Аллоҳ таолонинг хабарчиси сизга ё жаннат, ёки жаҳаннамдан хабар берадиган, номаи аъмолингиз ўнг ёки чап тарафингиздан бериладиган куннинг кечасидир”.

47

### **Йигирма йиллик сабр**

Ҳасан Басрийнинг насроний қўшниси бор эди. Унинг ҳовлисида ҳожатхона бўлиб, ўша ҳожатхонадан ерости йўли қазиб қўйган эди. Ундан Ҳасан Басрийнинг ҳовлисига нажосат оқиб кирарди. Ҳасан Басрий ўша нажосат кирадиган жойга бир идиш қўйиб қўйди. Кечқурунлари тўлган идишни тўкиб, яна жойига қўйиб қўярди. Мана шу ҳол йигирма йил давом этди. Бир куни Ҳасан Басрий касал бўлиб қолди. Насроний қўшни у кишини кўргани чиқди. Чиққач, ҳалиги идишга кўзи тушди ва буюк тобеиндан:

– “Сизга бераётган бу азиятимга неча йилдан бери чидаб келяпсиз?” – деб сўради. Ҳасан Басрий:

“Йигирма йилдан бери” – деб жавоб бердилар. Буни эшитган насроний қўшни шу заҳоти белидаги зуннорини ечиб ташлади ва Исломни қабул қилди.

### **Нима уни Аллоҳдан тўсиб қўйди?**

Хаворижлардан бири Ҳасан Басрийнинг мажлисига келар, ёмон гаплар ёки қилиқлар билан беодоблик қилиб, мажлис аҳлига озор етказар эди. Одамлар Ҳасан Басрийга:

Эй Абу Саид, мана бу одамни амирга айтмайсизми, бизни безовта қилмайдиган қилиб қўярди, – дейишди. Ҳасан Басрий уларга жавоб бермай, сукут сақлашни афзал кўрди. Бир куни ҳалиги хавориж яна Ҳасан Басрийнинг мажлисига келиб, ҳар доимгидек беодоблик қила бошлади. Шунда Ҳасан Басрий: “Аллоҳим, унинг бизларга қилган озорини Ўзинг кўриб, билиб турибсан. Ўзинг хоҳлаганингдай, унга кифоя қил!” деб дуоибад қилди. Бу воқеани ривоят қилган одам айтади: “Ҳасан Басрий шундай деб дуо қилиши билан ҳалиги хавориж турган жойида ерга йиқилди. Уни кўтариб уйига олиб боришганда, жони чиқиб бўлган экан. Ҳасан Басрий ҳар гал ўша одамни эсласа, йиглар ва: “Нима уни Аллоҳдан тўсиб, алдаб қўйди?” дер эди.

### **“Эслатиб юбординг”**

Ҳасан Басрий раҳимаҳуллоҳи алайҳ бир уйлари бўлиб, унинг эшиги очиб қўйилса, “Киришга рухсат” дегани бўлар эди. У кишининг дўстлари келганда эшик очик бўлса, кириб келаверишарди. Бир куни бир одам ўша уйга келди. Эшик очиклигини кўриб, уйга кирди. Қараса, Ҳасан Басрий йўқ экан. Каравотнинг тагидаги саватга кўзи



тушиб, уни тортиб олди. Ичида ёгулик бор экан. Ундан ея бошлаган эди, Ҳасан Басрий келиб қолдилар. Дўстининг қилаётган ишига қараб, кўзларига ёш тўлиб, йиғлай бошладилар. Ҳалиги одам ҳайрон бўлиб, “Эй Абу Саъид, нега йиғлаяпсан?” деди. Ҳасан Басрий: “Утмишдаги қавм (саҳобалар)нинг хулқини эслатиб юбординг”, дедилар.

### Охират ғами

Ҳакам ибн Утайба Муҳаммад ибн Сийриннинг дўсти эди. Ибн Сийрин вафот этганида ниҳоятда маҳзун бўлиб, ғамга ботди. У худди беморни зиёрат қилгандек, унинг қабрини кўргани келар эди. Бу ҳақда Ҳакамнинг ўзи шундай ҳикоя қилади: “Биродарим Муҳаммадни жуда гўзал ҳолатда туш кўрдим. Тушимда ундан: “Эй биродарим, сени кўзни қувонтирадиган ҳолатда кўряпман. Ҳасан Басрийнинг ҳоли не кечди?” деб сўрадим. У: “Ҳасан Басрий мендан етмиш даража юқорига кўтарилди”, деди. Мен ҳайрон бўлиб, “Нима сабабдан? Биз сени ундан афзал деб билар эдик-ку?” деб сўрадим. У: “Охират ғами кўп бўлгани учун”, деб жавоб берди”.

Салом ибн Абу Мутиъдан ривоят қилинади: “Ҳасан Басрий раҳматуллоҳи алайҳ ифтор қилиш учун бир идишда сув олиб келди. У сувни оғзига яқинлаштирдию бирдан йиглаб юборди ва шундай деди: “Дўзах аҳлининг орзуси ёдимга тушди: **“Дўзах аҳли жаннат аҳлига: “Устимизга сувдан ёки Аллоҳ сизларни ризқлантирган нарсадан тўкинглар”, деб нидо қилади. Улар эса: “Аллоҳ буларни кофирларга ҳаром қилган”, дейдилар**” (Аъроф сураси, 50-оят). Шу гапларни эслаб, йиглаб юбордим”.

## Ҳали Раббимнинг ибодатига тўймаган эдим

Абу Айёш Қаттон айтади: “Басрада Мунийба исми ибодатли аёл яшарди. Унинг ўзидан ҳам обидроқ қизи бор эди. Ҳасан Басрий ўша қизни кўриб, ёш бўла туриб ибодатга бунчалик берилганидан таажжубга тушган эди. Бир куни Ҳасан Басрийнинг ёнига бир киши келиб, “Фалончи қизни танирмидингиз? Ўша ҳозир жон талвасасида ётган экан”, деди. Ҳасан Басрий ўрнидан сакраб туриб, унинг олдига борди. Қиз Ҳасан Басрийни кўриб, йиғлаб юборди. Ҳасан Басрий: “Нега йиғлайсан, синглим?” деди. У: “Шу ёшимда юзимга тупроқ тортиладиган бўлди. Мен эса ҳали Раббимнинг ибодатига тўймаган эдим. Эй Абу Саид, онамни қаранг, отамга мен учун кенгроқ қабр қазиб, чиройли кафан танлашни буюряптилар. Аллоҳга қасам, Маккага тайёргарлик кўраётган бўлсам ҳам кўп кўзёш тўккан бўлардим. Қандай қилиб қабр зулмати ва қўрқинчига, қурт-қумурсқалар маконига тайёргарлик кўриб турганимда йиғламайин?” деди”.

### Чинакам эҳсон

Ҳабиб ибн Муҳаммаднинг дунёдан юз ўгиришига Ҳасан Басрий раҳимахуллоҳнинг мажлисига қатнаши сабаб бўлган. Унинг қалбига Ҳасан Басрийнинг насиҳати ўрнашган эди. Эҳсонини Аллоҳга қаттиқ ишонган ҳолда, У Зотнинг мукофотига комил ишонч билан берар, шу йўл билан нафсини Аллоҳдан сотиб олган эди. У ҳар куни қирқ минг дирҳам эҳсон қиларди. У бу эҳсонни тўртга бўлар, биринчи ўн минг дирҳамни куннинг биринчи қисмида бериб, “Раббим, бу билан Сендан нафсимни сотиб олдим”, дерди. Сўнг яна ўн минг дирҳам эҳсон қилиб, “Бу биринчи ўн мингни эҳсон қилишимга

тавфиқ берганинг шукронаси”, дер эди. Кейин яна ўн минг дирҳам бериб, “Раббим, биринчи ва иккинчи эҳсонимни қабул қилмаган бўлсанг, шу учинчисини қабул эт” деб, сўнг яна ўн минг дирҳамни садақа қилар, “Раббим, учинчи берган садақамни қабул қилган бўлсанг, бу ўшанинг шукри”, дер эди.

### Нечун йиғламайсиз?

Бир куни Ҳасан Басрий одамларга ваъз қиларди. Одамлар унга яқинроқ бўлиш учун сиқилишиб ўтиришарди. Ҳасан Басрий: “Эй биродарларим! Менга яқин бўлиш учун сиқилишяпсизлар. Эртага қиёмат куни тақводорлар Аллоҳга яқинлаштирилиб, зolimлар Аллоҳдан узоқлаштирилганда, ҳолимиз қандай бўлар экан?” деб ҳўнграб йиғлаб юборди-да, беҳуш йиқилди. Ҳамма ўтирганлар юм-юм йиғлашарди. Ҳасан Басрий ўзига келиб, яна одамларга юзланди ва шундай нидо қилди: “Дўзахдан қўрқиб йиғламайсизларми? Билиб қўйинглар, ким Аллоҳнинг жамолини кўриш шавқида йиғласа, агар охирада Аллоҳ таоло раҳмати ва мағфиратини дариг тутмаса, уни ўзига қарашдан маҳрум қилмайди. Осийларга эса Унинг азоби қаттиқдир. Эй биродарларим! Қиёмат кундаги чанқоқликдан қўрқиб йиғламайсизларми? У кунда барча махлуқотлар тўпланади. Лаблар сувсизликдан бир-бирига ёпишиб қолганда Муҳаммад мустафо соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳавзларидан бошқа ҳеч қандай сув топилмайди. Ундан ҳам маълум бир қавмгина ичади, бошқаларга ундан ичиш ман қилинади. Билиб қўйинглар, ким ўша куннинг чанқоғидан қўрқиб йиғласа, Аллоҳ таоло унга Фирдавс булоқларидан ичишни насиб қилади. Агар қиёмат куни Мустафо соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳавзларидан сув ича олмасам, ҳолимга вой бўлсин!..”

Сўнг Ҳасан Басрий йиғлаганча бир воқеани сўзлаб берди: “Бир куни бир ибодатгўй аёлнинг олдидан ўтиб қолдим. У: “Илоҳим, Сенга бўлган шавқимдан бу ҳаётдан зерикиб кетдим”, дер эди. Мен унга: “Амалинг билан нажот топишингга ишончинг комилми?” дедим. Аёл: “Аллоҳга бўлган муҳаббатим ва Унга етишишга бўлган шавқим билан овунаман. Мен Уни яхши кўра туриб, У мени азоблайди деб ўйлайсанми?” деди. Мен унга шундай деб турганимда, олдимга ўз аҳлимдан бир ёш бола келиб қолди. Мен болани кўтардим, қучоғимга олиб, юзидан ўпдим. Аёл менга: “Бу болани яхши кўрасанми?” деди. “Ҳа”, дедим. Аёл йиглаб: “Агар одамлар эртага уларни нималар кутаётганини билганларида эди, кўзлари қувонмас, қалблари дунёдаги бирор нарса билан лаззатланмас эди”, деди. Шу пайт аёлнинг ўгли келиб қолди. Унинг исми Зоғим эди. Аёл унга: “Эй Зоғим, эртага қиёмат куни Маҳшарда онам мени кўради деб ўйлайсанми?” деди. Йигит қаттиқ бақириб юборди-да, ҳушидан кетиб йиқилди. Мен унинг юраги ёрилиб кетди деб ўйладим. Онаси ҳам унинг тепасида йиғлай бошлади. Унинг йиғлашини кўриб, мен ҳам йиглаб юбордим. Йигит ўзига келгач, онаси: “Эй Зоғим!” деди. Йигит: “Лаббай, онажон”, деди. Онаси: “Ўлимни яхши кўрасанми?” деди. У: “Ҳа”, деди. Онаси: “Нима учун, ўғлим?” деди. Йигит шундай деди: “Сиздан яхшироқ Зотга етишиш учун. У раҳмлиларнинг раҳмлисидир. У Зот мени сизнинг қорнингизда, зулматдалигимда озиқлантирди. Мени тор йўл орқали чиқарди. Агар хоҳлаганида, ўша тор йўлдан чиқаётганимда ҳам мени ўлдириши мумкин эди. Оғриқнинг зўридан сизни ҳам ўлдириши мумкин эди. Лекин Ўзининг лутфу марҳамати туфайли менга ҳам, сизга ҳам осон қилди. Аллоҳ азза ва жалланинг **“Бандаларимга хабар бергинки, Мен Ғофуру Роҳимман... Азобим эса**

аламли азобдир...” (Ҳижр сураси, 49-50-оятлар) деганини эшитмаганмисиз? Кейин у “Шўрим қурсин, агар эртага Аллоҳнинг азобидан нажот топмасам, ҳолимга вай!” деб йиглаб-йиглаб, охири ерга йиқилди. Онаси унга яқинлашиб, бошини силай бошлади. Бола эса ўлиб бўлган эди. Онаизор: “Оҳ Зоғим ўғлим, оҳ Мавлосининг қурбони!” деб тинмай йиғлайверди, ниҳоят, бир марта қаттиқ оҳ тортиб, ерга йиқилди. Бориб, уни қимирлатиб кўрсам, у ҳам жон таслим қилибди. Уларга ҳам, бизларга ҳам Аллоҳнинг раҳмати бўлсин!”

### Ҳасан Басрийнинг дуоси

53

Ҳасан Басрий Ҳажжож ибн Юсуф Сақафийга кўринмай қўйди. Ҳажжожнинг одамлари Ҳасан Басрийни излаб, унинг олдига олти марта киришди. Ҳар сафар Ҳасан Басрий Аллоҳ азза ва жаллага дуо қилар, шунда Ҳажжожнинг одамлари уни кўрмай чиқиб кетишарди. Ҳасан Басрий ўзига азият берадиган хаворижлардан бирини ҳам дуо қилган эди, унинг жони узилиб, ерга йиқилди.

### Миннатдорлик

Бир киши ўғлидан хафа бўлиб, Ҳасан Басрийга шикоят қилди. Ҳасан Басрий раҳматуллоҳи алайҳ у кишидан: “Ўглингиз тез-тез кўздан йўқолиб турадими?” деб сўраганида: “Ҳа, кўпинча гойиб бўлиб кетади”, деб жавоб берди. Шунда Ҳасан Басрий: “Ўглингиз сиздан узоқларда юрaversин. Зеро, у гойиб бўлгани сайин сизнинг мукофотингиз зиёдалашаверади”, деб маслаҳат берди. “Эй Абу Саид, бу гапингиз билан ўғлимга нисбатан сақлаган кекимни тарқатиб юбораёздингиз”, деб миннатдор бўлди йигитнинг отаси.

## Сукутдаги насиҳат

Ривоят қилишларича, Ҳасан Басрий никоҳ тўйига даъват этилди. Тўйда кумуш жомда ҳолва тарқатилди. Ҳасан кумуш жомни олиб, унинг ичидаги ҳолвани патирга ағдарди ва насиба олди. Шунда ёнидаги одам: “Бу сукутдаги наҳйи, яъни индамаслик билан ёмонликдан қайтариш”, деди. Чунки динимизда олтин-кумуш идишда таом ейишдан қайтарилган.

## Тақволига бер!

Бир киши Ҳасан Басрийдан: “Қизимни кимга турмушга берай?” деб сўради. Ҳасан Басрий: “Аллоҳдан кўрқиб, тақво қиладиган кишига бергин, чунки у қизингни севса, икром қилади. Бордию, севмаса ҳам, қизингга зулм қилмайди”, деб жавоб бердилар.

## Меҳрибонлик сабаби

Бир куни Ҳасан Басрий йўлда кетаётиб тупроқда ағнаб ётган бир мастни кўриб қолди. Тепасида бир оз қараб турди-да, сўнг сув олиб келиб, мастнинг оғиз-бурунларини яхшилаб чайди, юз-қўлини ювди. У одам ҳамон беҳуш ётар эди. Кейин уни йўл четидаги деворга суяб, йўлида давом этди. У кишининг бу ишларини кўрган баъзилар: “Маст одамга нечук бунчалар марҳамат кўрсатдингиз?” деб сўрашди. Ҳасан Басрий уларга шундай деди: “Мен унинг намозхон ё тақводор бўлишидан умидвор бўлиб бу ишни қилганим йўқ, балки лой-тупроққа беланган, жирканч ҳолатга келган бадбўй оғзидан “Аллоҳ” деган ном чиқиб кетиши мумкинлигини ўйлаб, оғиз-бурнини тозалаб қўйдим”.

Ҳасан Басрийнинг ҳузурига бир аёл келиб аҳволдан шикоят қилди. “Уйинг қаерда?” деб сўради. “Сизнинг уйингиздан етти эшик нарида”, деди аёл. Ҳасан Басрий бор пуллариани санаб кўрса, етти танга экан. Ҳаммасини аёлга берди ва: “Эй Аллоҳ, ҳалокатга учрашимга оз қолибди-я!” деди (У зот етти хонадон наридаги қўшнилариининг оғир аҳволда эканидан беҳабарлигини ҳалокат деб билган).

### Диннинг асоси

Ҳасан Басрий Маккага бориб, Масжидул Ҳаромга кирибди. Қараса, Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳунинг авлодларидан бири Каъбага суюнганича одамларга ваъз қилаётган экан. Ҳасан унинг олдида тўхтаб:

- Диннинг асоси нима? – деди.
- Парҳезкорлик, – деди.
- Диннинг офати нима? – деди.
- Тама, – деди.

Ҳасан воизга қойил қолди, сўнг “Бир зарра мисқолича вараъ (парҳезкорлик) минг мисқол намоз ва рўзадан афзалдир”, деди.

### ЗАМОНДОШЛАРИ ҲАСАН БАСРИЙ ҲАҚИДА

Муҳаммад ибн Саъд шундай сатрларни битади: “Ҳасан Басрий жуда кўп мақтовли сифатлар соҳиби эди. У нотиқлик илмини пухта эгаллаган атоқли воиз, фикҳни мукаммал эгаллаган олим, Аллоҳдан қаттиқ қўрқувчи зот эди. Унинг заковат даражаси Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳуга тенглашарди. У Пайғамбар алайҳиссаломнинг саҳобалари Имрон ибн Муъин, Мугийра ибн Шуъба, Абу Бакр Сақафий, Нуъмон ибн Башир, Абдуллоҳ ибн Аббос, Анас ибн Молик розияллоҳу анҳумдан ҳадис ривоят қил-

ган. Умму Салама ҳузурига етаклаб келган ёш Ҳасанни Умар ибн Хаттоб дуо қилиб, Аллоҳдан унга илм ва тақво сўраган эди. Ҳасан Басрий учинчи халифа Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳу билан ҳам учрашган, унинг бир неча жума намозидаги мавъизаларини тинглаган. У бошқа бир неча саҳобалар билан ҳам учрашиш шарафига муяссар бўлган. Собит Баноний, Молик ибн Динор каби кўпгина тобеинлар Ҳасан Басрийдан илм олиб, уни ўзларига устоз санашган. Унинг айрим шогирдлари устознинг фикҳ илмидаги билимларини қунт билан ўзлаштира, бошқалари Басрийнинг зуҳди ва тақвосига тақлид қилар эди. Шогирдларнинг бири ўзаро суҳбат чоғида Ҳасан Басрийнинг зуҳди, Ибн Сирийннинг художўйлиги, Амир ибн Абдуқайсининг тавозеси ҳамда Саъид ибн Мусайябдаги фикҳ илмининг комиллигини орзу қилишини айтган эди. Кейин билса, бу сифатларнинг ҳаммаси биргина Ҳасан Басрийнинг ўзида мужассам экан”.

Муҳаммад ибн Саъд яна бундай дейди: “Ҳасан Басрий барча илмларни ўзида жамлаган, фақих, ишончли, ибодатгўй, равон нутқли, хушсурат киши эди. У киши Маккага келиб бир сўрига ўтирди. Унинг атрофида одамлар тўпланди. Шунда одамлар: “Бундай инсонни ҳеч ҳам кўрмаганмиз”, дейишди.

Қатода шундай дейди: “Ҳасан ҳалол ва ҳаром ҳақидаги масалаларнинг энг билимдони эди. Агар у сўзлай бошласа, гўё сўз инжулари марварид каби тўкила бошларди. У ваъз қилганида унинг сўзлари одамлар қалбининг энг тубигача етиб борар, насиҳатлари одамларни сергак торттирар эди”.

Ҳасан Басрий ўз даврининг энг кучли воизларидан бири эди. У ваъз қилаётганда ундаги юксак ақлий устунлик ва чуқур билим барқ уриб турарди. Бу фикрни Рабиъ ибн Анасининг ушбу сўзлари ҳам яққол исботлайди: “Мен ўн йил мобайнида Ҳасаннинг суҳбатларида бўл-

дим, аммо ҳар куни олдин эшитмаган бирор янги гапни тинглашга муяссар бўлардим.

Унинг хотираси, зехни жуда кучли эди. Бу ҳақда Анас ибн Молик шундай фикрларни келтиради: “Ҳасандан сўрайверинглар. У ҳаммасини эслаб қолади, биз эса унутиб қўяверамиз”.

Буларнинг ҳаммаси бу кишининг улкан олижаноблиги ва чуқур билим эгаси эканига далолат қилади. Унинг қалби ниҳоятда пок эди, бу унинг сиймосида акс этиб турарди. У бирор нарсага чақирадиган бўлса, биринчи навбатда ўша нарсага ўзи амал қилар эди, бирор нарсадан қайтармоқчи бўлса, энг аввал ўзи ўшани қилишдан нари турарди.

Собит ибн Қурра Ҳасан Басрий раҳматуллоҳи алайҳни қуйидагича таърифлайди: “Ҳасан Басрий илмда, тақвода, зуҳдда, парҳезде, иффатда, мулойимликда, фикҳда ва маърифатда порлоқ юлдуз эди. Унинг мажлисида турли хил кишилар тўпланар эди. Бир жамоа у зотдан ҳадис эшитса, бошқаси таъвил (тафсир илми)ни ўрганарди. Яна бири ҳалол ва ҳаромни эшитар, бошқаси фатво сўрар, яна бири ҳукм чиқариш ва қозиликни ўрганар, яна бошқа бир гуруҳ эса панд-насиҳат тингларди. У зот бу илмларнинг ҳаммасида тубсиз денгиз, порлаб турган чироқ каби эди. Ҳасан Басрийнинг амирларга узил-кесил сўзлар ила қилган амри маъруф ва наҳйи мункарлари ҳеч қачон унутилмайди”.

Язид ибн Хушаб шундай деган: “Мен Ҳасан Басрий ва Умар ибн Абдулазиздан кўра тақводорроқ одамни кўрмаганман. Улар гўёки дўзах уларга атаб яратилгандай таассурот қолдиришарди. Ҳасан Басрий шундай дерди: “Эй Одам фарзандлари! Аллоҳга қасам, агар сен Қуръон қироат қилсанг ва унга имон келтирсанг, унда сенинг дунёдаги ғам-ташвишинг янада ортади, қўрқувинг кучаяди ва йигинг кўпаяди”.

Маслама ибн Абдулмалик айтади: “Мен Ҳасан Басрийга ҳам қўшни, ҳам суҳбатдош бўлганман. У кишининг сўзи амалига мувофиқ эди. Ҳеч қачон одамлардан тама қилмас, Аллоҳ таолога муҳаббати кучли эди”.

## ШАХСИЯТ ЖИЛОЛАРИ

Ислом дини ўз тарихида вақти-вақти билан келиб турадиган етук салоҳият ва кучли иқтидор соҳиблари билангина яна ҳаётга, ўзининг навқирон даврига қайтади, яна-да гуллаб-яшнайти. Ислом жамияти янги замон руҳияти билан ҳамоханг бўлиш учун ана шундай етук иқтидор эгалари, мужаддид (динни янгиловчи) ислоҳотчиларнинг хизматига эҳтиёж сезади. Зеро, улар кўпчилик инсонларда учрамайдиган мустаҳкам имон ва кучли руҳиятга эга бўлишади. Улар дунё шахватларига берилмаган, дин йўлига чақиришда фидойилик кўрсатадиган асл тақво эгалари бўлишади. Улар замонасидаги бошқаларга нисбатан илмда, ақлда ва тафаккурда етук бўлишади. Улар ўз шахсиятлари ва ибратлари билан динга эргашганларга қайтадан ишонч ва янги руҳ бағишлай олишади. Улар Аллоҳнинг калимасини олий қилишда ва суннати Набавияни тирилтиришда ибрат ўлароқ намуна бўла олишади. Ана шундай етук шахсиятлардан, динни янгиловчилардан бири Ҳасан Басрий раҳматуллоҳи алайҳ эди.

Аллоҳ таоло бу кишида инсонлар қалбига таъсир эта олиш салоҳиятини, жамиятда дин ва диндорларнинг қадрини юксалтириш имконини берувчи фазилат ва иқтидорларни мужассам қилиб қўйганди. Ҳасан Басрий раҳматуллоҳи алайҳ тафсир ва ҳадис борасида чуқур билимга эга эди. Ўша даврларда мазкур фанлар билимдони бўлган кишигина ўз тарғиботини кенгайтирар ва ислоҳотларни амалга ошира олар эди. У зот саҳобалар

розияллоҳу анҳумнинг мулоқотига сазовор бўлди, уларнинг кўпчилиги билан замондош бўлиб яшади. Ҳасан Басрий раҳматуллоҳи алайҳнинг ҳаёт йўли ва панд-насиҳатларидан у кишининг саҳобалар даврида чуқур илм олганлари ҳамда унинг руҳини ҳис қилганлари кўриниб туради. Мазкур фазилатлар самараси ўлароқ, у киши Ислоҳ жамияти қай тарзда ривожлангани ва қаерда ўз йўлидан оғишганини яхши англаб етди.

Ҳасан Басрий раҳматуллоҳи алайҳ ўта билимдон, ҳаётни яхши англайдиган ҳамда жамиятнинг барча қатламлари, урф-одатлари, ахлоқи, камчилик ва хасталиклари ҳақида теран тасаввурга эга эдилар. Шу билан бирга Аллоҳ таоло у зотни равон тил, ёқимли нутқ ва эшитувчилар қалбига таъсир эта олиш каби фазилатлар ила неъматлантирган эди. Абу Амр ибн Ало айтадилар: “Ҳасан Басрий ва Ҳажжож ибн Юсуфдан нутқи равон кишини кўрмадим. Аммо Ҳасан Басрий Ҳажжож ибн Юсуфдан кўра фасоҳатлироқ эди”.

Булардан-да ҳайратланарлиси, яъни кишилар қалбига таъсир этишлари, одамларни ўз тарғиботларига маҳлиё қилишлари ва кўпдан-кўп уламоларнинг насиҳатларини тинглаб ҳам қалби юмшамаган инсонлар у зотга бўйин эгишлари, буларни барчасининг сири ул зотнинг кучли руҳият ҳамда қизгин ҳиссиёт соҳиби эканлиги, софдил зотларнинг энг улуғларидан бўлиб, нутқ равонлиги ҳамда имон қувватини ўзларида мужассам этолгани, гапларига ўзлари ишонганлари, эътиқод қилган нарсаларига амал қилганлари ҳамда айтаётган сўзлари қалбдан чиқиб, тингловчининг қалбига ўрнашишида эди.

Агар Ҳасан Басрий раҳматуллоҳи алайҳ саҳобалар розияллоҳу анҳум ҳақида сўзласалар ёки охиратни васфласалар, қалблар тўлқинланиб, кўзларга ёш қалқарди. Чунки у киши имондан завқ олар ва юрак-юракдан

сўзлар эдилар. Шу сабабли Басра шаҳридаги энг катта илм ҳалқаси у кишига тегишли бўлиб, инсонлар у кишига гўдак онага интилгани каби интилар эди. Ҳамма замонларда ҳам буюк қалб ва чин ихлос соҳибларининг ҳолати ана шундай бўлган.

Ҳасан Басрий раҳматуллоҳи алайҳни бошқа уламолардан ажратиб турувчи энг катта жиҳат бу – у зотнинг сўзлари анбиё алайҳимуссаломлар сўзларига ўхшашида эди. Имом Ғаззолий “Иҳёу улумид дин” асарида бундай дейди: “Шубҳасиз, Ҳасан Басрий инсонлар ичида сўзи пайғамбар алайҳимуссаломлар сўзларига энг ўхшаши, ҳидояти саҳоба розияллоҳу анҳумлар ҳидоятига энг яқин киши эди. У зот ҳақидаги бу сўзларга ҳамма иттифоқ қилган”.

Аллоҳ таоло томонидан берилган буюк иқтидор ва кўплаб фазилатлар натижаси ўлароқ Ҳасан Басрий раҳматуллоҳи алайҳ барчага бирдек маҳбуб ва кучли шахсият соҳибига айланди. Инсонлар у зотнинг шахсиятига эргашар, улўғворлиги олдида бўйин эгар эдилар. Собит ибн Қурра Ҳаким Ҳарроний бундай дейди: “Ҳасан Басрий раҳматуллоҳи алайҳ уммати Муҳаммаднинг бошқа умматларга кўз-кўз қилиб мақтанадиган, фахрланадиган кишиларидан биридир”.

Ўзига инъом этилган заковат ва фаросат туфайли Ҳасан Басрий Ислом жамиятида ҳали-ҳамон мунофиқлик мавжудлиги, улар бу давлатда ўзига яраша куч-қудратга, сиёсий ҳаётда маълум мавқега эгаллиги, улкан шаҳарлар ва Ислом пойтахтлари эса уларнинг мақтанчоқлик ва дилхушлик қиладиган ерлари эканини кўрсатиб берган. Бир киши у зотга: “Эй Абу Саид, ҳозир ҳам мунофиқлар борми?” деганда Ҳасан Басрий: “Агар улар Басра кўчаларини ташлаб кетишса, сизлар у ерда ёлғизланиб қолар эдингиз”, деб жавоб берган экан.

Ҳасан Басрийнинг жамиятга, кишилар қалби ва ақлига кучли таъсир қилганининг асосий сабаби, у зот одамларнинг нозик ҳиссиётларини биладиган – ҳассос эди. Жамиятнинг энг қуйи тоифалари даражасига тушиб, уларнинг касалликларини аниқлар ва меҳрибон, ширинсухан табиб янглиғ маънавий хасталикларини муолажа қилар эдилар. Ҳасан Басрий яшаган давр даъватчи ва воизларга бой эди. Аммо одамлар ҳеч кимнинг мавъизаларини Ҳасан Басрийнинг панд-насихатларига қулоқ тутгандек берилиб тингламас ва чин дилдан амал қилмас эди. Сабаби, у зот инсонлар қалбига етиб борадиган услубда сўзлар, ҳақиқий ҳаётни чуқур англар, жаҳолатга қарши муросасиз ҳаракат қиларди.

Одамлар орасида ҳаётни мангу деб билиш ва шаҳватларга берилиш у зотни ғам-қайғуға соларди. Чунки бу икки иллат жамиятда кенг тарқалган эди. Ҳасан Басрий одамларга тинмай, ўлимни эслатар, охират сафарига тайёргарлик кўришлари лозимлигини қайта-қайта уқтирарди. Аммо тўкин ва фаровон ҳаётга муккасидан кетган кимсалар уни унутиб, алдамчи орзулар ва ширин хаёллар ила ўзларини овутишар эди. Осуда ҳаётларини гўё “лойқалантирадиган”, гўзал турмушларининг мусаффолигини “булғайдиган” гаплар уларнинг юрагини сиқарди. Ҳасан Басрий эса жаҳолатга қарши тинмай, аёвсиз курашарди. Маълумки, жаҳолат ўзига қарши курашган кишиларгагина буйсунади, унга уруш очган зотларнигина эътироф этади.

Ҳасан Басрий раҳматуллоҳи алайҳ ана шундай киши эди. Шу сабабли, у зотнинг жамиятга таъсири кучли бўлди ва одамлар орасида тавба қилганлар, ўзларининг жоҳилона ҳаётларидан воз кечганлар ва гуноҳ ишлардан ташлаганлар сони кўпайди. Ислоҳотларнинг таъсири кучайиб, жамиятда кенг тарқала борди. Чунки Ҳасан Басрий

панд-насихатлар билангина чекланиб қолмади, атрофидагиларнинг тарбиясига ҳам алоҳида эътибор қаратди. У зот даъват ва мураббийлик, амалий тарбия ва руҳий ҳамда ахлоқий покланиш орасини мужассамлаштирганди. У киши сабаб ҳисобсиз одамлар ҳидоятга эришди; имон ҳаловатини тотди ва ҳақиқий Ислом ила неъматланди. Авам ибн Ҳавшаб Ҳасан Басрий ҳақида: “Ҳасан Басрийни қавми ичида олтмиш йил туриб, уларни Аллоҳнинг динига чақирган набийга ўхшатаман”, деган эди.

У Раббига қаттиқ ибодат ва итоат қиладиган тақволи зот бўлган. Камдан-кам ҳолларда кулар, ҳамиша худди ғамга ботган кишидай маҳзун юрарди. Айтишларича, у ўттиз йил умуман кулмаган, қирқ йил мобайнида ҳатто ҳазил ҳам қилмаган экан. У Аллоҳнинг Китобини ўқиганида оятларнинг маъносидан қаттиқ кўркувга тушар, гоҳо ҳатто ҳушдан ҳам кетиб қоларди. Бир сафар ўзига сув келтиришларини сўради. Финжонда сув олиб келганида шу заҳоти у ҳушдан кетиб қолди. Ўзига келганида нима содир бўлганини сўрашди. У Қуръоннинг бир оятини эслаб қолганини айтди, унинг маъноси шундай эди: **“Биз зolimларга алангаси уларни ўраб оладиган ўт-оловни тайёрлаб қўйганмиз. Агар ёрдам сўрасалар, эритилган ёғ каби юзларни қовурувчи сув берилади”** (Каҳф сураси, 29-оят).

Одамлар ундан таълим олгани келишганида устозларининг илми унинг хатти-ҳаракатларида шундоққина кўриниб турганига гувоҳ бўлишарди. Бунини насихатлари ҳам, боқишлари ҳам, зоҳидона ҳаёт тарзи ҳам яққол исботлаб туради. У Исломни шунчалар ҳимоя қилар эдики, бирор ҳукмдор ўз юртини шунчалар муҳофаза қила олсин! У туриш-турмуши билан асл мусулмон эди: ҳамиша пок юрар, ташқи қиёфаси тартибли ва покиза бўлиб, оқариб кетган сочларини хинада бўяб оларди.

Имом Абу Ҳомид Ғаззолийнинг “Ихёу улумид-дин” асарида келтирилишича, бир саҳобий йигирмата ҳадиси айтди. Одамлар ундан бу ҳадисларни шарҳлашни сўрашди. Саҳоба: “Мен ривоят қилганимдан бошқа нарсани билмайман”, деди. Шундан сўнг мажлисда ўтирган Ҳасан Басрий ҳадисларни бирма-бир шарҳлай бошлади. Одамлар унинг гўзал шарҳларию хотирасининг кучлигидан ҳайратланишади. Шунда ўша саҳоба ўтирганларга бир ҳовуч майда тошларни сочиб юборди ва: “Олдингида шундай олим турганида илми мендан сўрайсизларми?” деди.

Ҳасан Басрийнинг тақволари, зуҳдлари ҳақида кўп-лаб ривоятлар бор. Бирида келтирилишича, хуросонлик бир киши Ҳасан Басрий мажлисларида бўлиб, юртига қайтиш чоғида у зот ҳузурларига беш минг дирҳам пул ва чиройли матолардан тикилган ўнта кийим солинган халтани кўтариб кирди. Шунда Ҳасан Басрий: “Аллоҳ таоло сенга офият берсин, нафақа ва кийимларингни қайтариб ол, бизнинг бунга эҳтиёжимиз йўқ. Ким мен каби мавқеда бўлса (яъни мавъиза қилса) ва одамлардан бундай нарсаларни қабул қилса, қиёмат куни ҳеч қандай насибасиз ҳолда Аллоҳга рўбарў бўлади”, дедилар.

Фарқад Сабкий Ҳасан Басрийдан бир масала ҳақида сўради. У киши жавоб берди. Фарқад: “Фақиҳлар сизнинг фатволарингизга қарши чиқишяпти”, деди. Шунда Ҳасан Басрий бундай деди: “Онанг сени йўқотиб қўйсин, Фарқадча, сен фақиҳни ўз кўзинг билан кўрганми-сан? Дунёдан юз ўгириб охиратга интилган, динни яхши тушуниб Раббининг ибодатида бардавом бўлган, тақволи, мусулмонларга фақат яхшилиқ тилаган, уларнинг мол-мулкидан беҳожат ва уларнинг жамоатларига панду насиҳат қилиб турувчи киши ҳақиқий фақиҳдир”.

Ҳасан Басрий айтардики, “Раббим олимлардан одам-

ларга фақат ҳақни айтиш, улардан ҳеч нарсани яширмаслик бўйича аҳднома олган”. Дунёда ҳеч бир нарса у зотни ушбу буюк аҳдномани бажаришдан қайтара олмасди. Вазиятнинг қандайлиги бунда аҳамиятсиз эди, олим инсонларга фақат ҳақни сўзларди ва уларни фақат ҳаққа чақирарди. Агар у Аллоҳнинг йўлидан чекиниш ва ҳақсизликни кўриб қолса, на одамларнинг маломатлари, на ҳаётига ҳамла қилиб турган хавф ҳам уни бу ҳақда сукут сақлашга мажбурлай олмасди.

Муҳаммад ибн Абу Алқама ҳукмдор Абдулмалик ибн Марвоннинг олдига кириб, “Басранинг саййиди ким?” деб сўради. Абдулмалик ибн Марвон: “Ҳасан”, деб жавоб берди. Муҳаммад ибн Абу Алқама: “У ажамми ёки арабми?” деди. Абдулмалик: “Мавла”, яъни дин хизматидаги киши, деди. Муҳаммад ибн Абу Алқама: “Эй шўринг қурғур, мавла бўлган киши ҳам арабларнинг саййиди бўладими?” деди. Абдулмалик: “Ҳа, шундай”, деди. Муҳаммад ибн Абу Алқама: “Нима учун?” деб сўради. Абдулмалик: “У бизнинг қўлимиздаги дунёга муҳтож эмас. Лекин биз ундаги илмга муҳтожмиз”, деди. Муҳаммад қизиқиб қолиб, “Қани менга уни сифатлаб бер-чи”, деди. Абдулмалик: “Одамларга буюрган нарсасини биринчи бўлиб ўзи бажаради, қайтарган нарсасидан энг биринчи бўлиб ўзи тийилади” деб, бутун Ислом умматининг энг парҳезкор уламоларидан бири, тобеинлар улуғи ҳамда Басранинг саййиди бўлган Ҳасан Басрий раҳматуллоҳи алайҳни сифатлаб берди.

Ҳасан Басрий кўрдик, одамлар қалбида тақво, Аллоҳга муҳаббат, раҳм-шафқат ва бошқа мақталган сифатлар бўлмаса, уларнинг дин илмларини ўрганишидан унча фойда бўлмас экан. У яна шунга гувоҳ бўлдики, одамлар шарият талабларини тушунишади, Аллоҳнинг Китобини қироат қилишади, аммо қилаётган ишлари мусулмон-

ларга хос бўлмаган хунук қилмишлардир. Шунинг учун у шариат илмларини ёйиш билан бир қаторда, қалбларни муолажа қилиш илмини ҳам кенг тарқатишга эътиборни қаратди. Уни ҳақли равишда тасаввуф илмининг асосчиси деб ҳисоблашади ва кейинги асрлардаги жуда кўп сўфийлик пири-муршидларининг занжири бевосита унга бориб тақалади. У тасаввуфда янгилик кашф этгани йўқ, у фақат одамларни холисликка, қалбан покликка чақирди, чунки бу нарса Ҳасан Басрий ўзи ўсган биринчи авлод мусулмонлари орасида одатий ҳол эди.

Ҳасан Басрий яшаб ўтган асрда дунё ҳаётининг жозибалари мусулмонларни тобора кўпроқ қучоғига тортаётганига қарамай, барибир ўзининг покизалиги, одамлар олимларнинг ҳақиқий баҳосини берадиган ва уларга эҳтиром билан муомалада бўладиган саодатманд бир давр бўлган. У пайтларда ҳозиргига ўхшаб шариатнинг айрим масалаларинигина ўрганиб олиб, ўзини катта олим санайдиганлар замони эмас эди. Бунинг устига, кўпчилик одамларнинг қалблари ҳақиқий олимларнинг чақириқларига тақа-тақ беркитиб қўйилган ҳолатлар ҳам йўқ эди. Бугунги кунимизда шунақанги жоҳилларни кўриш мумкинки, уларни баҳсу мунозарадан бошқаси қизиқтирмайди, ҳақиқий олимларга ҳар томондан қопагон итлар каби ташланишни билади, ваҳоланки, уларнинг ўзлари одамлар қалбини поклашга ёрдам беришда зарра қадар иш қилмайди. Ҳасан Басрий каби олимлар ўшанда ҳам, ҳозирда ҳам ана шу маҳобатли масъулият юкини елкага ортмоқлаб, одамларга илму ирфон тарқатиш ишида ҳамиша фидойилик кўрсатишган. Ҳасан Басрийнинг ваъз-иршодлари одамлар қалбининг энг тўридан жой олар, унинг суҳбатларига турли тоифадаги кишилар дарё каби оқиб келишарди. Чунки у ҳол тили билан сўзларди, айтганларига ўзи амал қиларди, тақво ва

зухд бобида қолганларга чинакамига ибрат эди.

Ҳасан Басрий сўзларининг жозибадорлиги, одамларни бир зумда ўзига жалб қилиб олиши ортида унинг ҳеч кимникига ўхшамайдиган хуш хулқи, ўта камтарлиги, дунёдан зоҳидларча этак силкигани, замондошлари орасида чуқур илм эгаллагани каби омиллар яшириниб ётарди. Шунинг учун унинг ваъз-иршодлари одамларни ҳайратга солар, ҳукмдорлар тинчини бузар, оддий кишиларни дунё ва охираат ҳақида ҳар лаҳза фикр юритишга ундар эди. Ўта самимий, ихлосли ва зукко бу инсон эътиқод, тақво ва илмига амал қилишда комиллик тимсолига айланган эди. Имомнинг замондошларидан бири у зот ҳақида шундай сатрларни ёзиб қолдирган: “Ҳасан охираат дунёсида бўлиб қайтиб, ўз кўзи билан кўрган нарсаларни атрофидагиларга сўзлаб бераётган кишига ўхшарди”. Жаъфари Содиқ эса олим ҳақида: “Унинг ваъзлари худди пайгамбарлар ваъзига ўхшаб кетади”, деган эди.

Улуғ олим илмнинг турли соҳаларида кенг билимга эга эди. Басра масжидларида унинг атрофига одам тўлиб кетар, тарқатаётган илмларини ютоқиб-ютоқиб онги ва жисмига сингдирарди. У зотга яқинлашган ҳар одам ўзига керакли илмга эга бўларди: ҳадис ўрганаман деб келган киши Ҳасаннинг ёнида ўзига керакли маълумотларни топа оларди. Қуръон тафсирини билиш учун келганлар ҳам олим суҳбатини миннатдор ҳолда тарк этишар, чунки у Аллоҳнинг Китоби оятларини шунчалар гўзал тафсир қилардики, одамларда савол қолмасди. Нотиқликни эгаллаш илинжида келганлар ҳам унинг марҳаматидан қуруқ қолишмасди; Ҳасан ўзидаги бор билим ва тажрибаларни бошқалар билан баҳам кўришдан завқу шавққа тўлиб кетарди. Унинг ҳузурида ким дарс эшитса, ундаги чуқур билим, кенг тафаккур ва теран заковатдан ҳайратга тушмай қолмасди. Шогирдларидан бири “Устозимга

қараганда, жаннатга бориш йўлларини яхшироқ биладиган одамни кўрмаганман”, деганида юз бора ҳақ эди.

Масжиддаги ҳалқалардан ташқари Ҳасан ўтказадиган яна бир мажлис бор эди. Бу мажлисларда шариат масалалари ҳақида сўзланмас, балки қалбнинг ҳолати, ихлос билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинарди. Бундай дил суҳбатларини у ўз уйида ўтказарди. Уларда бирор киши шариатдан савол бериб қолса, “Бунинг учун масжиддаги масжлисларимизга бор” деган жавобни эшитарди.

Ҳасан Басрийнинг ҳузурида жаҳаннамда минг йил азобланиб, сўнгра озод қилинган киши ҳақида гапиришди. Шунда у: “Қани энди ўша одам мен бўлсам...” деди.

Молик ибн Динор Ҳасан Басрийга шундай деди: “Олимлар дунёга муҳаббат қўйса, оқибати нима бўлади?” Саволга у шундай жавоб берди: “Бунинг оқибатида қалби ўлади! Олим дунёга муҳаббат қўйса, дунёни охират амали орқали қидиришга тушади. Натижада, ундан илмнинг баракаси кетиб, фақат расми қолади, холос”.

Жобир ибн Зайдга ўлими олдидан: “Нима истайсиз?” дейишди. У: “Ҳасан Басрийни кўргим келяпти”, деди. Ҳасан Басрий келгач, “Мана, Ҳасан Басрий келдилар”, дейишди. Шунда у: “Эй биродарлар, мен ҳозир сизлардан айриламан. Борадиган жойим ё жаннат, ё дўзах бўлади”, деди.

Ҳасан Басрий раҳимахуллоҳнинг олдида бир киши келиб, “Дунёдан воз кечганингнинг сири нимада?” деб сўради. Ҳасан Басрий шундай дедилар: “Тўрт нарсада. Ризқимни ҳеч ким олиб қўя олмаслигини билиб, қалбим таскин топди. Ҳеч ким мен учун амал қилиб бермаслигини билиб, бунга ўзим тиришдим. Аллоҳ таоло мени кўриб турганини билиб, гуноҳ устида кўринишдан ҳаё қилдим. Ўлим мени кутиб турганини билиб, Раббимга йўлиқишга ҳозирлик кўрдим”.

## ПУРМАЪНО ҲИКМАТЛАРИ

Ислом уммати Ҳасан Басрийни нафақат улуг олим, етук фақиҳ, атоқли муҳаддис, балки Аллоҳнинг маърифатига етишган донишманд, мутафаккир инсон сифатида ҳам яхши билади. Унинг жавомиъул калим, яъни қисқа сўз билан катта маъноларни ифода қилувчи пурмаъно ҳикматлари ҳозиргача мусулмонларни Аллоҳнинг маърифатига ва тақвога чорлаш, яхшиликка буюриш, ёмонликдан қайтариш, дунё ва охират масаласини тўғри англаш каби ишларда катта дастуриламал хизматини ўтамоқда. Қуйида нуктадон донишманднинг ҳикматларидан сизларга тақдим қилишни лозим топдик.

\* \* \*

*Кўп ибодат қиламан деб мағрурланмагин. Иблиснинг минг йшлаб қилган ибодати нима бўлганини эслаб, фикр юрит!*

\* \* \*

*Мўминнинг энг яхши фазилати унинг кечиримли эканидир.*

\* \* \*

*Олимларнинг жазоси қалблари ўлишидир, қалбнинг ўлими эса охират амали билан дунё талаб қилишидир.*

\* \* \*

*Сизлар хоҳлаганча илм ўрганаверинглар. Аллоҳга қасамки, амал қилмагунингизча Аллоҳ сизларга бунинг учун ажр-мукофот бермайди. Аҳмоқлар ҳиммати ривоят қилиш, уламолар ҳиммати риоя қилишидир.*

\* \* \*

*Илм талаб қилинглари, фақат илмни ҳилм (мулойимлик) ва виқор билан яширинглари.*

\* \* \*

Олимларнинг илмини, файласуфлар назариясини тўплаб,  
амалда нодонлар даражасида иш кўрувчилардан бўлма!

\* \* \*

Олимлар юлдузларга ўхшайди. Агар кўриниб турса,  
одамлар улар ёрдами билан ўзларига йўл топишади. Агар  
улар кўздан йўқолиб, ўзлари зулматда қолишса, қаёққа  
юришни билмай ҳайрон қолишади.

\* \* \*

Бир кишининг илм ўрганиб, сўнг уни бошқаларга ўрга-  
тиши ҳам амал ҳисобланади.

\* \* \*

Оқиллар зикрдан тафаккурга, тафаккурдан зикрга  
ўтадилар. Қалбларининг гапиришини талаб қиладилар.  
Ва ниҳоят, қалблари ҳикматли сўзларни айта бошлайди.

\* \* \*

Бир соатлик тафаккур кечаси билан қоим туришдан  
яхшироқ.

\* \* \*

Кимнинг каломи ҳикмат бўлмаса, у лағвдир, кимнинг  
сукути тафаккур бўлмаса, у саҳвдир, кимнинг назари  
ибрат бўлмаса, у лаҳв(ўйин)дир.

\* \* \*

Бировни кўрганда “У мендан афзал экан” дегувчи одам  
зоҳиддир.

\* \* \*

Ёмгир аслида раҳматдир, фақат инсонларнинг бадкирдорлиги туфайли Аллоҳ уни офатга айлантириши мумкин.

\* \* \*

Ким нифоқдан қўрқмаса, у мунофиқдир.

\* \* \*

Яхши гап яхшиликка чақириш, ёмонликдан қайтариш, афв-кечирим ва ширин сўзлардан иборатдир.

\* \* \*

Сўз иш билан дуруст бўлади. Иш ва сўз ният билан дуруст бўлади. Сўз, амал ва ният суннат билан дуруст бўлади.

\* \* \*

Агар мунофиқларнинг гуноҳлари Ер юзидаги ўсимликлар сингари бўлсайди, оёқ босишга жой тополмасдик.

\* \* \*

Пулни ўйлаб сарф қилиш ярим фойдадир.

\* \* \*

Дунё ҳаёти уч кун: кеча, бугун, эрта. Кеча ўтди, эртанинг бўлиши номаълум. Шундай экан, бугунги кунни қадрлаш лозим.

\* \* \*

Дунё кезиб охиратини топганни кўрмадик, лекин охиратини қидириб, дунёсини топганларни кўрдик.

\* \* \*

Одам боласи бир кунни ўтса, бу ҳақда фикр қилсин: агар бугунги кунни яхшилик келтирган бўлса, бунга муваффақ

этгани учун Парвардигорига шукр қилсин, агар бунинг акси бўлса, тавба қилсин, кундузги нуқсон ва камчиликларини тунда бартараф этишига азму қарор қилсин. Зеро, яхшиликлар ёмонликларни ювиб кетказади. У соғ-саломат бўлгани учун Аллоҳ таолога шукроналар айтсин! Қолган умрида камчиликларини тўлдириши мумкин бўлади.

\* \* \*

Мен шундай инсонларни кўрдимки, улар учун дунё ҳаёти сизлар кезиб юрган тупроқдан ҳам тубан. Дунё ортдими ё йўқ бўлдимми, унга кулиб боқдимми, бунга кулиб боқдимми – сира аҳамият бермайдилар.

\* \* \*

Одамзот уч нарсага афсусланиб бу дунёдан кўчади: тўплаган моли ва бойлиги билан тўймайди, орзуларига эришолмайди, охираат ҳаёти учун ҳозирлигини қилолмайди.

\* \* \*

Энг қутурган ҳайвон ҳам пишиқ қармоқ билан илнтиришига нафсингчалик лойиқ эмас.

\* \* \*

Торлик-зиқналик қилманглар, акс ҳолда сизларга ҳам торлик қилинади.

\* \* \*

Гўзал хулқнинг ҳақиқати яхшилик қилиш, озор бермаслик ҳамда очиқ юзлиликдир.

\* \* \*

Агар мўминнинг бир эҳтиёжи бўлса ва унга эришса, Аллоҳнинг берганини қабул қилиб, Унга ҳамд айтади. Агар унга муяссар бўлмаса, тарк этади-да, ўзини қийнамайди.

\*\*\*

Бир киши Ҳасан Басрийнинг олдиларига келиб: “Эй Абу Саид, сизга қалбимнинг қаттиқлигидан шикоят қиламан”, деди. “Уни зикр билан эритгин”, дедилар.

\*\*\*

Икки нарса ҳеч учрашмайди: қаноат ва ҳасад; икки нарса ҳеч ажрашмайди: ҳирс билан ҳасад.

\*\*\*

Агар шайтон сени Аллоҳнинг тоатида давомли кўрса, олдинга серқатнов бўлиб қолади. Шундаям тоатда давомли эканингни кўрса, сендан зерикади ва ташлаб кетади. Агар бир марта ундай, бир марта бундай кўрса, сендан умидланиб қолади.

\*\*\*

Яхши қўшничилик қўшига озор беришдан тийилишнинг ўзигина эмас, балки ундан етган озорни кўтариши ҳамдир.

\*\*\*

Эртага ўладиган бугун ўлганни кўймоқда.

\*\*\*

Бир соат тафаккур қилиши бир кечалик (нафл) намоздан яхшироқ.

\*\*\*

Бир қавмнинг ҳолига ажабки, сафар озуқаси олишига буюрилган, кўчишига эълон бўлган, аввалгилари ортидан охиргилари сафга терилган бўлса-ю, билмайман, яна нимани кутиб туради?!

\*\*\*

Дунёни унинг устидан ўтиб олинadиган кўприкка айлантир, уни обод этишига уринма.

\*\*\*

Тафаккур яхшилик ва ёмонликларни кўрсатувчи ойнадир.

\*\*\*

Агар банда сажда қилиб ухлаб қолса, Аллоҳ фаришталарига мақтаниб: “Бандамга қаранглар, у менга ибодат қилмоқда-ю руҳи эса Менинг ҳузуримда сажда қилмоқда”, дейди.

\*\*\*

Одамларда илм кўриниб, унга амал қилмаса, тил билан айтишни яхши кўришиб, қалблари билан газабланиши-са, қариндошлари билан узилишган бўлса, Аллоҳ уларни лаънатлайди, қар қилади ва кўзларини кўрмайдиган қилиб қўяди.

\*\*\*

Ким сенга гап етказса, билгинки, у сенинг гапингни бошқага ҳам етказди.

\*\*\*

Эй одам фарзандлари! Нима учун биродарингизга ҳасад қиласиз. Агар уни ҳурматлаш учун Аллоҳ ўз фазлидан берган бўлса, нима учун Аллоҳ ҳурмат қилган кишига ҳасад қиласиз? Энди бундан бошқа нарсада бўлса, унинг боражак жойи дўзах бўлганидан ҳасад қилмогингиз ҳам яхши эмасдир.

\*\*\*

Аллоҳ бандадан воз кечганининг аломати банданинг бефойда нарса билан машгул бўлишидир.

\*\*\*

Хулқини ёмон қилган киши жонини қийнабди.

\*\*\*

Олимлар бўлмаса инсонлар ҳайвонлар каби бўладилар.

\*\*\*

Банданинг орзу-ҳаваси узайгани сари иши ёмонлаша-  
веради.

\*\*\*

Дунёга зоҳидлик қалб ва баданга роҳат беради.

\*\*\*

Динда сен билан мусобақалашадиган киши билан мусо-  
бақалаш, мол-давлатингда сен билан мусобақалашса, уни  
тарк қил.

\*\*\*

Ҳар бир умматнинг сигинадиган бут-санами бўлади.  
Бу умматнинг санами динор ва дирҳамдир.

\*\*\*

Эй Одам боласи! Албатта, имон безаниш ва орзуда  
эмас, у қалбдаги виқор ва амалдаги содиқликдадир.

\*\*\*

Илм толиби хушуъси, зуҳди ва тавозусида кўринишни  
сусайтирмайди.

\*\*\*

Эй одамлар! Ортга суришдан эҳтиёт бўлинглар! Мен  
баъзи солиҳ инсонларнинг “тавба қилмагунча ўлишни  
хоҳламаймиз” деганларини эшитганман. Кейин улар тав-  
ба қилишга улгурмай, вафот этишиди.

\*\*\*

Ахлоқи мақталадиган инсонларни дўст тут. Албатта, одамлар орасида бунақалари кам бўлади.

\*\*\*

Тун қоронгусидаги намоздан кўра кучлироқ ибодатни кўрмадим.

\*\*\*

Агар тунлари бедор бўлиб, кундузи рўза тутолмасанг билгинки, сен маҳрум бўлибсан. Сени ҳақиқатда гуноҳларинг занжирбанд қилибди.

\*\*\*

Киши гуноҳ қилар экан, тунги намоздан маҳрум бўлади.

\*\*\*

Албатта, ҳавои нафс ёмонликларга бошлиқдир. Тоатда у сенга бўйсунмаса, гуноҳ ишларда сен ҳам унга бўйсунма.

\*\*\*

Банда жаҳаннамни тасдиқловчи амалларни қилса, дўзах ери кенг бўлишига қарамасдан тораяди.

\*\*\*

Эй одам боласи, кунинг сенинг меҳмонингдир. Унда яхшилик қил. Кунингда яхшилик қила олсанг, Аллоҳга ҳамд айт. Агар кунингда ёмонлик қилсанг, ўзингни айбла.

\*\*\*

Мусулмон биродаринг ҳожатини чиқариш бир ойлик эътикофдан суюклидир.

\* \* \*

Биродари устидан фойда кўриш мурувватдан эмас.

\* \* \*

Сабр жаннат хазинасидандир. Чунки инсон бир соатлик сабри билан барча яхшиликларга эришади.

\* \* \*

Фаросатли оқил мўминга Аллоҳ яхшиликни зиёда қилгани сари, унинг Аллоҳдан кўрқуви зиёда бўлаверади.

\* \* \*

Тақводорлар тақвода давомли бўлишар экан, ҳаромдан кўрқиб, кўп ҳалол нарсаларни ҳам тарк қилишади.

\* \* \*

Кўл бериб кўришиши меҳрни зиёда қилади.

\* \* \*

Мўминни фақат “нима қилишни хоҳлайсан, нима ейишни хоҳлайсан?” каби ўзини сўроқ қилаётган ҳолатда топасан. Фожир ўзини сўроқ қилмай қадам ташлайди.

\* \* \*

Тун қоронгусидаги инфоқдан кучлироқ амални билмай-миз.

\* \* \*

Одамларнинг ҳузуридаги нарсаларни сўрамасанг, сени ҳурмат қилишади. Агар сўрасанг, сендан қочиб беркинишади.

\* \* \*

Кўзим билан бирор нарсага қарасам, тилим билан би-

рор нарса гапирсам, қўлим билан бирор нарсани ушласам ва оёгим билан бирор жойга юрсам, у тоатдами ёки маъсиятдами эканига қарайман. Агар тоатда бўлса, олдинга юраман. Агар маъсиятда бўлса, ортга чекинаман.

\* \* \*

Кулувчидан ажабланиман: унинг ортида дўзах-ку! Хурсанд бўлувчидан ажабланиман: унинг ортида ўлим-ку!

\* \* \*

Сўз амал билан дуруст бўлади. Амал ва сўз ният билан дуруст бўлади. Сўз, амал ва ният суннат билан дуруст бўлади.

\* \* \*

Кимнинг сўзи кўпайса, хатоси кўпаяди; кимнинг моли кўпайса, гуноҳи кўпаяди; ким хулқини ёмон қилса, ўзига азоб беради.

\* \* \*

Тавротда бешта сўз ёзилган: бойлик – қаноатда, саломатлик – узлатда, ҳурлик – шаҳватлардан бош тортишида, муҳаббат – рағбатни тарк қилишида ва дунёдаги озгина кундан сабр билан узун кунлар учун фойдаланишида.

\* \* \*

Ажабо, бир қавм охираатга тайёргарлик кўришига буюрилди, аммо аввалгилари кейингиларига қараб ўйнаб ўтиришиди.

\* \* \*

Қуръондан ортиқ бойлик, ундан маҳрум бўлишдек камбағаллик йўқ.

\*\*\*

Сизлар Қуръон ўқишни қисмга бўлиб олгансиз, кечаларни эса туяга айлантириб олдингизлар. Уни миниб, қисмларни босиб ўтасиз. Сиздан аввалгилар эса Қуръонни Парвардигорининг рисоласи деб билиб, кечалари уни тадаббур қилар, кундузлари эса уни амалга оширардилар.

\*\*\*

Олимлар бўлмаганида инсонлар чорва ҳайвонлари каби бўлиб қолишарди (яъни, олимлар инсонларни илм ўргатиши йўли билан ҳайвонлик даражасидан инсонлик мартабасига кўтаради).

\*\*\*

Олимларнинг илмини, ҳақимларнинг ҳикматини ўрганиб, амалда эси настлар йўлида юрувчилардан бўлма.

\*\*\*

Олимлар қаламларининг сиёҳи шаҳидлар қони билан ўлчанади. Шунда олимлар қаламларининг сиёҳи шаҳидлар қонидан оғир келади.

\*\*\*

Олимларнинг жазоси қалбларининг ўлишидир. Қалбнинг ўлими эса охират амали билан дунё талаб қилишдир.

\*\*\*

Олим қаламининг қиртиллаши тасбеҳдир. Илмни ёзиши ва уни мулоҳаза этиши ибодатдир. Сиёҳлари шаҳиднинг қони билан тенг. Қабридан турса ҳамма унга қарайди. Маҳшаргоҳда пайгамбарлар билан бирга бўлади. Кечасидан бир вақт илм билан шугулланиш, бошқа нарса

билан тўлиқ тунни бедор ўтказишдан афзалдир. Илмни дарс қилиш зикрдан яхшидир.

\* \* \*

Киши аҳли аёлига ишлатиш учун қарз сўраб, кейин уни узишга ҳаракат қилса-ю, шу қарз билан вафот этиб қолса, Аллоҳ таоло унинг даъвогарларини рози қилади.

\* \* \*

Биродарларимиз биз учун аҳли оиламиздан ҳам қимматлироқдир. Чунки аҳлимиз бизга нуқул дунёни эслатади, биродарларимиз эса – охиратни!

\* \* \*

Аллоҳ бандани воз кечганининг аломати, банда бефойда нарса билан машғул бўлишидир.

\* \* \*

Бандани орзу ҳаваси узайгани сари иши ёмонлашаверади.

\* \* \*

Дунёга зоҳидлик қалб ва баданга роҳат беради.

\* \* \*

Ўлим дунёни фош қилади ва ақл эгасини ақли тарк қилмайди.

\* \* \*

Неъматга зикрни кўпайтиринглар. Албатта, унинг зикри шукрдир.

Эй Одам боласи! Албатта, имон безаниши ва орзу билан  
эмас. Лекин у қалбдаги виқор ва амалдаги содиқликдадир.

\*\*\*

Илм толиби хушуси, зуҳди ва тавозусида кўринишни  
сусайтирмайди.

\*\*\*

Агар тунлари бедор бўлиб кундузи рўза тутолмасанг,  
билгинки, сен маҳрум бўлибсан.

\*\*\*

Албатта, ҳавои нафс ёмонликларга бошлиқдир. Тоатда  
у сенга бўйсунмаса, гуноҳ ишларда сен ҳам унга бўйсунма.

\*\*\*

Албатта, ҳақиқий фақиҳ дунёда зоҳид ва охираатга  
рағбат қилувчидир.

\*\*\*

Мусулмоннинг динидаги ҳасад унинг жасадини тезда  
ейдиган нарсадир.

\*\*\*

Фаросатли, оқил мўминга Аллоҳ яхшиликни зиёда  
қилгани сари Аллоҳдан қўрқуви зиёда бўлаверади.

\*\*\*

Минг мисқол нафл рўза ва нафл намоздан зарра  
мисқолидаги тақво яхшидир.

\*\*\*

Динор ва дирҳам улардан ажралмагунингча сенга фой-  
да бермайдиган қандай ҳам ёмон ҳамроҳ.

\*\*\*

Албатта, сен жамланган кунлардасан. Кунларинг ўтгани сайин умринг ҳам ўтиб боради.

\*\*\*

Мўмин дунёда асир кабидир. Асирлик бўйинбогидан озод бўлишга ҳаракат қилади.

\*\*\*

Тақводорлар тақвода давомли бўлар эканлар, ҳаромдан қўрқиб, кўп ҳалол нарсаларни ҳам тарк қиладилар.

\*\*\*

Мўмин имон ва қўрқувни жамлайди. Мунофиқ бузғунчилик ва хотиржамликни жамлайди.

\*\*\*

Илм икки турлидир: Тилдаги илм, бу одам боласининг зарарига Аллоҳнинг ҳужжатидир. Қалбдаги илм, бу фойдали илмдир.

\*\*\*

Ҳусни хулқ бу яхшилик улашиши, ёмонликдан тийилиши ва очиқ юзли бўлишидир!

\*\*\*

Банда билан Аллоҳнинг орасида гуноҳларнинг маълум чегараси бор. Банда шу чегарани босиб ўтганида унинг қалбига муҳр босилади. Шунда яхшилик сари унга асло тавфиқ берилмайди”.

\*\*\*

Ҳилм (ҳалимлик) илмнинг вазири, мулоимлик отаси, камтарлик эса либосидир!

\*\*\*

Қуръон ҳомиллари уч хилдир: айримлари Қуръонни ўзларига дастмоя қилиб олган, шаҳарма-шаҳар кезиб, унинг ортидан мол топишади; яна баъзилар Қуръонни ёдлаган-у, амал қилишни унутган. Бундайлар бойларникида уйма-уй юришади, ҳамшаҳарларига катталиқ қилишади, ўзларини олий кўришади. Қуръон ҳомиллари ичида шу тоифа кўпайди. Аллоҳ уларни кўпайтирмасин; яна бир Қуръон ҳомиллари Қуръонни ўқишади, қалб хасталиқларини у билан муолажа қилишади, тунлари тиловат билан бедор бўлишади. Аллоҳга қасамки, бу тоифа ҳомили Қуръонлар қизил олтингугуртдан ҳам камроқдир. Аллоҳ таоло шулар туфайли ёмғир ёгдиради, мусулмонларга нусрат беради ва балоларни даф қилади.

\*\*\*

Аллоҳга қасамки, Қуръонсиз бойлик йўқ! Қуръонга эга бўлгач, қашишоқлик йўқ!

\*\*\*

Дунё асли зулматдир, фақат уламолар мажлисигина мустасно.

\*\*\*

Агар илму маърифатнинг расми бўлганида у қуёшдан, ойдан, осмон-у юлдузлардан-да, гўзалроқ бўлур эди.

\*\*\*

Эй Одам фарзанди! Дунёдан олган насибанг сени асло муҳтожликдан чиқара олмайди, балки сен охиратдан оладиган насибангга муҳтожроқсан.

\*\*\*

Одам боласига ҳайронман... бошида икки қўриқчи-

си бор. Унинг тили у иккисининг қалами, сўлаги эса сиёҳидир. Шундай бўлишига қарамасдан у бефойда сўзлар билан банд...

\* \* \*

Дунё севгисини кабира гуноҳлар қатори кўрмаган кишидан ҳайрон бўлганимчалик бошқалардан ҳайрон бўлмаганман. Аллоҳга қасамки, дунё севгиси гуноҳи кабираларнинг ҳам каттарогидандир. Ахир барча катта гуноҳлар дунёга муҳаббат туфайли эмасми?! Бутларга топиниш, Раҳмонга осий бўлиш булар ҳам аслида, дунёга муҳаббат ортидан эмасми?!

\* \* \*

Хушу қалб билан узвий боғлиқ бўлган доимий қўрқувдир!

## ОЛИМНИНГ ВАФОТИ

Юқорида Муҳаммад ибн Саъднинг ўз замондоши Ҳасан Басрий ҳақидаги шундай сўзларини келтирган эдик: “Ҳасан Басрий бир инсон учун ҳатто кўплик қиладиган жуда кўп фазилатлар соҳиби эди: у чиройли хутба қиладиган улкан олим, фикҳни теран англовчи фақиҳ, Парвардигорига ҳамиша итоатда бўлувчи софдил инсон эди. Унинг илмий салоҳияти ҳатто Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳуга тенглашарди”.

Дарҳақиқат, бу каби ихлос, даъватдаги шижоат ва қалбларга таъсир эта олишнинг натижаси ўлароқ, барча одамлар Ҳасан Басрий раҳматуллоҳи алайҳни қаттиқ севди, у зотнинг фазлини эътироф этди ҳамда бутун Басра аҳолиси у кишининг ортидан эргашди. Ўша даврларда Басра шаҳри нуфуз ва эътибор жиҳатдан Дамашқдан кейинги ўриндаги Ислом маданияти маркази эди.

Бир киши тушларни таъвил қилиш билан ном чиқарган Ибн Сирийнинг олдига келиб, кўрган тушини айтиб берди. У тушида бир қушнинг масжидга отилиб кириб, ундаги энг чиройли тошни тишлаб олиб чиқиб кетганини кўрган экан. Шунда Ибн Сирий: “Агар сенинг тушинг солиҳ бўлса, Ҳасан Басрий тез кунларда вафот этар экан”, дебди.

Аллоҳ таолонинг изни-иродаси билан Ҳасан Басрий ҳижрий 110 йилнинг ражаб ойи бошида, жумага ўтар кечаси фоний дунёни саксон тўққиз ёшида тарк этди. У Парвардигорининг чақирғига “лаббай” деб ижобат қилди... Тонг отиб, одамлар орасида унинг вафоти ҳақидаги хабар тарқаганида Басра ларзага келди. Уни ювиб, кафанлаб, дафнга тайёрлашди. Ҳаётининг каттагина қисмини олим, муаллим ва даъватчи сифатида одамларга ваъз-иршод ва даъват билан ўтказган ўша катта масжид-

да жума намозидан сўнг жанозаси ўқилиб, дафн қилишга олиб кетилди... Дафн маросимида эса бутун Басра аҳолиси иштирок этди. Шаҳардаги барча одам жанозага эргашиб кетиб қолдики, шаҳар худди бор аҳолиси кўчиб кетгандай ҳувиллаб қолди. Барча одамлар дафн ортидан кетиб қолгани учун ўша куни масжидда аср намози жамоат билан ўқилмай қолди. Чунки масжидда аср намозини ўқийдиган бирорта ҳам одам қолмаганди. У зотнинг жанозаларида қатнашганлардан баъзилари: “Исломда (Басра жоме масжидида) ўша кундан бошқа аср намози тарк қилинганининг асло гувоҳи бўлмаганмиз”, дейишган.

Қатода шундай деган: “Айтишларича, Ер юзида етти киши бор эканки, Аллоҳ улар туфайли ёмғир ёғдириб, Ер юзидагилардан балоларини қайтариб туради. Ҳасаннинг ҳам ана шу етти кишининг бири эканига ишонаман”.

Одамлар Ибн Сирийнинг олдига кириб, Ҳасан Басрийнинг вафот этгани хабарини айтишганида у “Инна лиллаҳи ва инна илайҳи рожибун” дея дуо ўқиди, юзини ғам-андух тўрлари ўради ва кун ботгунча оғзидан бирор сўз чиқармай, сукутда қолди.

Ҳасан Басрий раҳматуллоҳи алайҳнинг вафотидан сўнг у зотнинг шогирдлари кишиларни Аллоҳнинг динига чорлаш, охиратни эслатиш, имон ҳақиқати ва Ислом сийратига чақириб ишини давом эттирдилар. Руҳий-тарбиявий ислоҳотлар, имонни янгилаш, ҳақиқий Исломга даъват ана шу тарзда муттасил давом этди. Ҳасан Басрий вафотидан йигирма икки йил ўтиб, халифалик пойтахти Дамашқдан Бағдодга кўчирилди. Ироқ Ислом оламида маданият ва сиёсат марказига айланди.





**ИККИНЧИ  
УМАР**

Хулафои рошидиннинг бешинчиси” деб ном олган, қирқ йил умр кўриб, элни адолат билан бошқарган Абу Ҳафс Умар ибн Абдулазиз ибн Марвон умавий султонларнинг саккизинчиси бўлиб, ҳижрий 99–101 йилларда халифалик қилди. У раиятга адолати ва идора ишларидаги ислоҳотлари билан тарихда машҳур. Шу боис бобоси Умар ибн Хаттоб розияллоху анҳуга ишоратан “Иккинчи Умар” ҳам дейишади. У милодий 681 йили туғилган. Миср, Дамашқда яшаган, Мадина ноиби бўлган. Халифа Абдулмалик топиширигига кўра Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг масжидларини қайта таъмирлаган. Унинг ўта тақволи, зоҳид, камтар, адолатпарвар, раиятпарвар бўлгани ҳақида кўплаб ривоятлар бор. Халифа ҳижрий 101 (милодий 720) йили Шомда вафот этган.

## ЁШЛИК ЙИЛЛАРИ

Ҳазрати Умар розияллоҳу анҳу халифалик йилларида кўпинча Мадина кўчаларини тунда ёлғиз айланар, муслмонларнинг ҳоли-ҳаётидан, турмушидан шу тариқа хабардор бўлиб оларди. Уша куни ҳам оддий кийимдаги халифани Мадина кўчаларида кўрганлар таний олишмади, эътибор ҳам беришмади. У катта-катта қадам ташлаб бораркан, чор атрофга синчковлик билан назар ташлар, нигоҳидан майда-чуйда нарсалар ҳам қочиб қутила олмасди. Шу пайт хонадонларнинг бирида икки аёлнинг гўнғир-гўнғир гаплашаётгани қулоғига чалинди. Қизиқсиниб деворга яқин борди. Девор ортидан бир хотиннинг қизига айтаётган гаплари баралла эшитилиб турарди:

– Қизим, бугун соққан сутимиз негадир кўзимга оз кўриняпти, шунга бироз сув қўшиб кўпайтирмасак бўлмайди, шекилли. Шунга, сув олиб келиб бергин.

Қизи ҳайратланиб:

– Вой онажон, нималар деяпсиз? Мўминлар амири сутга сув қўшманглар деб буюрган эди-ку, – деди. Онаси унга жавобан:

– Қизим, биласанки, тирикчилигимиз сут билан ўтади. Мен бир бева аёлман, бошқа даромадимиз йўқ. Сутга бироз сув қўшсак, кўпаяди, эҳтиёжимизга ишлатамиз, – деди. Аллоҳдан қўрқиш қалбига жо бўлган одобли қиз:

– Онажоним, бугун сизга нима бўлди? Сизнинг бундай деганингизни халифа эшитса, нима бўлади? – деди.

– Қизим, кечаси бу вақтда халифа ухлаб ётибди. Бизнинг бу ерда сутга сув қўшганимизни қандай билади, қандай кўради?! – деди. Қиз онасини гуноҳдан қайтаришга ҳаракат қилиб:

– Онажон! Бугун сизга бир нарса бўлибди! Сиз шундай номақбул сўзларни айтмоқдасиз! Сиз айтган ҳийла-

ни агар халифа кўрмаса, ҳамма нарсани билувчи Аллоҳ билади ва кўради! Сутга сув қўшиш гуноҳдир! – деб онасини гуноҳдан сақлаб қолди.

Ҳазрати Умар бу суҳбатни охиригача эшитди. Эртасига эрталаб бу ерга келиб, Аллоҳдан қўрқувчи, гўзал ахлоқли, яхши фазилатли, иффатли ва тарбияли қизни ўғлига сўради. Ҳазрат Умар ўғли Осимни шу тақволи қизга уйлантирди. Уларнинг никоҳидан эса Умар ибн Абдулазизнинг онаси туғилган эди. Ана шу муборак келиндан шундай фарзандлар дунёга келдики, улардан бири ҳазрат Умар каби адолатли бўлиб, тарихда иккинчи Умар исмини олган Умар ибн Абдулазиз эди.

Кичкина Умарнинг ота-онаси ўз даврининг атоқли кишиларидан, тақво ва илмда ном чиқарган эди. Онаси Умумул Осим бинти Осим Умар ибн Хаттобнинг неварасидир. Ҳамид ибн Занжавийнинг ёзишича, Аҳмад ибн Ханбал Умарнинг отаси ҳақида шундай деган: “Ҳадисга кўра, Аллоҳ таоло ҳар юз йилнинг бошида динини жонлантирадиган бир кишини юборади. Олдинги юзйилликда бундай киши Абдулазиз ибн Марвон эди, иккинчи юз йилликда эса имом Шофейй бўлди”.

Умар ибн Абдулазиз болалигида ҳамиша илм талабида юрар эди. У олимлардан билмаган нарсаларини сўрар, улар билан маслаҳатлашишни канда қилмасди. У ўзининг талабалик йиллари ҳақида Умар ибн Абдулазиз шундай дейди: “Мен адолатли инсонлар билан дўстлашардим, илмни эса олимларнинг аслзодаларидан ўрганардим. Одамларни бошқаришни қўлга олганимда эса халққа яқин бўлган арзимас илмлар ҳам зарур бўлиб қолди. Шунинг учун бундай оддий илмларни ўрганишга ҳам эътибор қаратиш керак экан”.

Кичкина Умар Қуръони каримни ёд олганидан сўнг отаси уни Мадинага илм олиши учун юборди. У отасига

“Мени Мадинага юборинг, Мадина фақиҳларидан фикҳ илмини ўрганиб, уларнинг гўзал хулқларидан баҳраманд бўлай, улардек гўзал хулқ эгаси бўлиб етишай”, деди. Отаси ундаги илмга чанқоқликни кўриб, ўғлининг илтимосини қондирди. Аллоҳ унинг қалбига илмга муҳаббатни жо қилган ва буни унга муваффақ этганди. Унинг ёшидаги болалар бекорчи нарсалар билан овора бўлиб, умрини совураётган бир пайтда у илмга ташна бўлгани учун фақиҳлар ва олимлар ҳузурида илм олиш, улардек забардаст, ўз замонасининг алломаси бўлиш истагида тинимсиз шуғулланар эди.

Отаси Абдулазиз ибн Марвон ўгли Умарни шариат илмларидан таълим олиши учун ўша даврнинг етук олими, ҳофизи, обиди ва омонатдор кишиси Солиҳ ибн Кайсоннинг тарбиясига берди. Умар кўп ўтмай у зотнинг илмини тўла ўзлаштиришга улгурди. Шундан сўнг, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ходимлари, улуг саҳобий Анас ибн Молик розияллоҳу анҳунинг кўлига шогирдликка келди. Кейин Мадина муфтийси, атоқли олим ва фақиҳлар имоми Убайдуллоҳ ибн Абдуллоҳ ибн Утба ибн Масъуд олдига келиб, у кишининг одоби билан хулқланди, у зотдан кўпгина илмларни олди.

Шундан сўнг имом, зоҳид, ҳофиз, фақиҳ Солим ибн Абдуллоҳ ибн Умарга ҳам шогирд тушди. У кишининг илмларини эгаллашга эришди. Натижада Умар ҳам улардай олим бўлди. Замонасининг етук шайхи, таниқли фақиҳи, зоҳиди ва обидига айланди. Олимлар унинг илмда, динда, зоҳидликда, тақвода, хикматда ва бошқа фазилатларда ўша даврнинг якто шахсиятлардан бирига айланганига гувоҳ бўлишди. Бутун дунёга илм зиёсини тарқатишда халифанинг мислсиз ғайрати ва шижоати бор эди. Шунинг учун ҳам, у киши бошқарган мамлакат ниҳоятда шавкатли ўлкага айланди ва ҳаммани ҳайрон қолдирадиган даража-

даги юксак тараққиётга эришди. Бунинг бош сабаби илм бўлганини ҳеч ким инкор қила олмасди.

Абдуллоҳ ибн Умар айтади: “Умар ибн Абдулазиз мавлоси Ибн Умарни Миср аҳлига суннатдан таълим бериш учун юборди. Миср фақиҳларидан ўн кишини эса Африқога суннатни ёйиш учун юборди. Улар у ерларда инсонларга фикҳ илмидан таҳсил беришди ва уларга динларини ўргатишди”. Имом Молик айтади: Умар шаҳарлардаги олимларга ўз юртларидаги одамларга суннат ва фикҳдан таълим беришни сўраб, уларга мактублар йўллади”. Ҳасан Басрий шундай деган: “Умар бизга мактуб йўллаган бўлса, унда суннатни тириштириш, бидъатни йўқ қилиш ва зулмларга чек қўйиш талаби бор эди”.

Замондошларининг ҳикоя қилишларича, Умар болалигида Қуръони каримни ёд олишни тугаллаётганида, бирдан қаттиқ йиглаб юборди. Онаси “Нега йиғлаяпсан?” деб сўраб қолди. “Қуръонни ёд олиб бўлганимдан севиниб йиғлаяпман”, деб жавоб берди бола. Она ҳам унинг йиғисига қўшилди. Унинг кўз ёшлари ўғлининг Аллоҳнинг Каломига ошно бўлганидан тўкилаётган қувонч ёшлари эди.

У ҳадис илмини ўрганишга, улуғлардан ҳадис ривоят қилишга ҳам алоҳида эҳтимом кўрсатарди. Умар Пайгамбар алайҳиссаломнинг саҳобалари ва тобеинлардан ҳадис ривоят қиларди. У Анас ибн Молик, Абдуллоҳ ибн Умар, Абдуллоҳ ибн Жаъфар ибн Абу Толиб, Умар ибн Абу Салама, Солиб ибн Зайд, Юсуф ибн Абдуллоҳ ибн Салом ва бошқалардан ҳадис ривоят қилган. У энг олдинги саҳобалардан ҳам ҳадисларни мурсал ҳолда ривоят қилди: булар – Убода ибн Сомит, Муғийра ибн Шуъба, Тамим ад-Дорий, ҳазрати Ойша ва Умму Ҳонийлардир (Аллоҳ барчаларидан рози бўлсин).

Унинг илми ва тақвоси ҳақида шундай фикрлар бор. Анас ибн Молик розияллоҳу анҳу айтади: “Имомлар

орасида намоз ўқиши Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламниқига ўхшайдиган Умардан бошқа бирор кишини кўрмадим”. Умар қироатни чўзмай, мўътадил қилар, руку ва саждада узоқ турар, намозни енгил ўқиб берарди. У билими чуқур олим, фасоҳатли сўзлайдиган хатиб эди. Маймун ибн Меҳрон шундай деган: “Бирор ёрдамимиз тегиб қолармикин, деган ниятда Умар ибн Абдулазизнинг ҳузурига келгандик. Лекин қаршимизда катта устозни кўриб, ўзимизни талаба каби ҳис эта бошладик. У чинакамига олимларнинг ҳам устози эди”. Мусулмон тарихчиларининг маълумотларига кўра, Умар кўп йиллар исломий билимларни, айниқса фикҳни ўрганди.

Йигирма олти ёшида Умар Мадина, Макка ва Тоиф волийи (ҳокими) этиб тайинланади. У мазкур вазифада иш олиб борган олти йил ичида катта ишларни амалга оширди, янги йўллар чиқарди, экинларни сугориш учун қудуқ ва ариқлар қаздирди. Волийликдан бўшагач, халифа қўшинида оддий аскар бўлиб хизмат қилди.

Волийлигининг охиригача у барча умавийларга хос бўлган ҳаёт тарзини танлади: ҳою ҳашамни ёқтирар, ноёб кийимлар кияр эди. Тансиқ таомларни яхши кўрар, бунинг оқибатида ҳатто қорин солиб юборган эди. Юнус ибн Абу Шайбадан шундай ривоят қилинади: “Мен Умар ибн Абдулазизнинг Байтни тавоф қилаётганини кўрдим. Ушанда изорининг белбоғи қорнининг семиз қатлами ичида кўринмас эди. Кейинчалик унинг халифа бўлганидан сўнг ҳам кўрдим. Қовурғаларини ушлаб кўрмасдан ҳам санай олардим”.

Ҳижоз шаҳарларига волий этиб тайинланганида Умарнинг обрў ва мақоми жуда баланд эди. Умар ташқи кўриниши гўзал инсон эди: қорачадан келган юзи, ихчам бурни, чиройли кўзлари, қуюқ соқоли унга чинакам салобат багишлаб турарди. Бадавлат оилага раҳбарлик

(йиллик даромад қирқ минг дирҳамдан ошарди), жамиятдаги юқори мартаба ва келишган қомат бўлажак халифани бошқалардан ажратиб турарди. Шаҳар аҳолиси ўз кийимларини ювдиришга берганда токи ундаги хушбўйликлардан юқсин деган мақсадда кирчилардан Умарнинг кийимига қўшиб ювишни сўрашарди. Аммо аста-секин ундаги салибий хислатлар ўрнини тақво, зоҳидлик, хокисорлик, дунёдан этак силкиш, меҳр-шафқат каби фазилатлар эгаллай бошлади. Унинг орзуси мусулмон умматини юз йил олдинги Пайгамбар алайҳиссалом ва у зотнинг икки халифаси давридаги маъмурий-ҳуқуқий ҳаёт тарзига қайтариш эди. Халифа этиб тайинланганидан кейин ана шу орзуни амалга оширишнинг гўзал имкониятлари пайдо бўлди.

Бироқ Мадинадаги ҳокимлигининг охирги ойларида бирдан ўзгариб қолди. Ҳаётидаги бу ўзгаришга бир фожиага иштирокчи бўлиб қолганини сабаб қилиб кўрсатишарди. Халифа Валид ибн Абдулмалик Мадина волиийи Умар ибн Абдулазизга собиқ халифа Абдуллоҳ ибн Зубайрнинг ўғли Ҳубайбни қаттиқ жазолашни буюради. Буйруқни бажаришга киришган Умар ибн Абдулазиз уни дарахтга боғлаб қўйишни топширади. Кейин маҳбус устидан совуқ сув қуйиб, қиш куни масжид ҳовлисида банди ҳолда қолдиришарди. Ҳубайб қийноқлардан ўлиб қолади.

Ислом тарихчиларининг хабар беришларича, Ҳубайбнинг вафотидан кейин Абдулазиз ўзини қўйгани жой тополмай қолади. У тинмай тавба-тазаррулар қилар, Ҳубайбга аза чекар, куну тунини ибодат билан ўтказар эди. Амалда у ўзининг бевосита вазифаларини адо этишни ҳам эсдан чиқаради. Бироз вақт ўтганидан кейин эса, истеъфога чиқиб, Шомга кетиб қолади. У ерда зуҳд ва тақво билан ҳаёт кечирди, одамларга панду насиҳатлар қилди, халифаларга маслаҳатлар бериб турди, ҳатто

улардан адолатсиз ҳукмдорларни жазолашни талаб этди. У амалдорларни халққа адолат қилишга, Аллоҳ олдидаги масъулиятларини ҳамиша эсда тутишга чақирди. Оила аъзоларининг байтулмолдан (давлат хазинасидан) олган барча маблағларини жойига қайтаришни талаб этди. Ҳатто хотини Фотима олдига шарт ҳам қўйди: ё олтин ва қимматбаҳо тошлардан ясалган маржонингни хазинага топширасан ёки сен билан ажарашаман. Фотима маржонни хазинага топширди.

Сулаймон ибн Абдулмалик халифа бўлгач, Умар ибн Абдулазизни ўзига вазир ва маслаҳатчи қилиб олди. Ҳажжожнинг вазири бўлган Язид ибн Абу Муслимни эса ўзига котиб қилмоқчи бўлди. Умар ибн Абдулазиз:

– Эй мўминларнинг амири, Аллоҳ учун сиздан ўтириб сўрайман, Язидни котиб қилиб, Ҳажжожнинг зикрини қайта тириктирманг, - деди. Халифа:

– Эй Умар, мен унинг бирор дирҳам ёки динорга хиёнат қилганини кўрмаганман-ку? – деди. Умар ибн Абдулазиз:

– Эй мўминлар амири, дирҳам ва динорга хиёнат қилмасликда иблис ундан ҳам иффатлироқ, лекин у ҳамани адаштириб, йўлдан урди-ку? Молга хиёнат қилмасликнинг ўзи инсоннинг яхши одам эканига далолат қилмайди, – деди. Буни эшитган Сулаймон ибн Абдулмалик Язидни котиб қилиш ниятидан қайтди.

## ХАЛИФАЛИККА САЙЛАНИШИ

Умар ибн Абдулазиз ҳижрийнинг 99 йили, халифа Сулаймон ибн Абдумаликнинг вафоти куни Ислом салтанатининг раҳбарлигига тайинланди. Халифа Сулаймон безгак дардига чалиниши билан ўзидан кейинги ҳукмдорликни Умарга васият қилганди. Сабаби, ўзининг ўғли Айюб ҳали балоғатга етмаган, катта ўғли Довуд эса Қустантанияга кетганича, ҳозиргача ўлик-тиригидан бирор хабар йўқ эди. Сулаймон тахтни ака-укаларидан бирига ҳам бериши мумкин эди. Аммо улар билан муносабати жуда таранг бўлиб, улкан Ислом салтанатини уларга топширишдан хавотир оларди. Охири ҳукмдорликни бета-раф Умар ибн Абдулазизга васият қилди. Васиятда шундай ёзилган эди: “Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан. Бу мактуб Аллоҳнинг қули, мўминлар амири Сулаймондан Умар ибн Абдулазизга. Ҳақиқатан, мен уни ўзимдан кейин халифаликка тайинлайман, ундан кейин эса ҳукмдорлик Язид ибн Абдумаликка тегади. Унга қулоқ солинлар ва итоатда бўлинглар, тафриқага борманглар, оқибати аянчли бўлади”.

Умарнинг тахтга ўтиришга кўнмай қолишидан хавфсирарган халифа васиятни унга билдирмай, вафот этганидан кейингина эълон қилишни буюрди. Ўзи ҳам кутмаган ҳолда халифаликка тайинланиб қолган Умар ибн Абдулазиз бошига туйқус тушган катта масъулият ва бурчдан тамоман эсанкираб қолди, ҳатто бу ишдан бошқалар фойдасига воз кечишни ҳам ўйлади. Аммо халқ бир овоздан унинг номзодини қўллаб турганини кўргач, васиятни бажаришга киришди.

Сулаймон вафот этганида Умар уни кафанлатиб, жанозасини ўқиди. Ҳукмдорни дафн этиб бўлишгач, халифанинг извоши ва отини Умарга келтиришди. У:

– Нима бу? – деб сўради.

– Халифанинг извоши, – дейишди.

– Нимага уни менга олиб келдинглар, менинг буларга нима дахлим бор? Ўзимнинг хачиримни келтирсанглар, кифоя, – деди у. Унга ўтириб, уйига ташвишланган ҳолда қайтиб келди.

– Сиз нимадандир ташвишдамисиз? – сўради хизматкори.

– Бошимга туйқус ағдарилган халифалик масъулияти мени хавотирга соляпти. Дарҳақиқат, машриқдами ё мағрибда, қаерда бўлмасин, уммати Муҳаммадиядан бирортасининг ҳаққини адо этишим керак бўлса-ю, у менга ёзиб, ҳаққини талаб этмаса, буни бажариш учун ҳаққи поймол бўлгани қандай аниқлай оламан, деган хавотир мени қийнаяпти, – деди янги халифа.

Умарнинг хотинидан қилинган бошқа бир ривоятда шундай дейилган: “Бир куни оқшом тушганида у ишларидан бўшаб, ўз пулига сотиб олинган шамни ёқди. Кейин икки ракат намоз ўқиб, қўлини иягига тираганича узоқ ўтириб қолди. Икки ёногидан кўз ёшлари тинимсиз оқа бошлади. У тонг отгунча шу ҳолатида ўтириб чиқди. У янги тонгни рўзадор ҳолида кутиб олди.

– Эй мўминлар амири, не бўлдики, ушбу тунни бунчалар безовта ўтказдингиз? – деб сўрадим.

– Мен ўзимни бу умматнинг ҳомийси этиб тайинланганимни бугун чуқур ҳис этдим. Мен ер юзининг турли бурчакларида кезиб юрган нотаниш, озига қаноат қилган, тентираб-адашиб юрган, муҳтож, хорланган, мазлум ва шуларга ўхшаш инсонларни ўйладим. Яна Аллоҳ таолонинг улар ҳақида мендан сўрашини, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг улар борасида менга қарши гувоҳ бўлишларини ҳам билдим ва ана шу катта масъулиятдан қўрқиб кетдим, – деди Умар.

“Тўғри йўлдаги халифаларнинг бешинчиси” шарафли номини олган Умар ибн Абдулазиз ҳукмдор этиб сайлангач, тўғри масжидга бориб, минбарга кўтарилди ва одамларга шундай хитоб қилди:

– Эй одамлар, бу ишга менинг фикрим ҳам, талабим ҳам инобатга олинмади, мусулмонлар билан машварат ҳам қилинмади. Шунинг учун зиммангиздаги байъат мажбуриятидан сизларни соқит қилмоқчиман, ўзларингиз танланглар.

Тўпланганлар бир овоздан:

– Биз сени танладик, эй мўминлар ҳукмдори, сендан розимиз ва сенга бўйсундик”, деб қичқира бошлашди.

Умар ҳамманинг розилигини билгач, Аллоҳ таолога ҳамду сано, Унинг Расулига салавоту дурудлар айтиб, сўнгра шундай хитоб этди:

– Мен сизларни тақвога буюраман, албатта Аллоҳ таолодан кўрқиш ҳамма нарсанинг ўрнини босади. Тақвонинг ўрнини босадиган нарса дунёда йўқдир. Охиратингиз учун амал қилинглар, зеро, ким охирати учун амал қилса, Аллоҳ таоло унинг дунё ишларига Ўзи кифоя қилади. Яширин қиладиган ишларингизни тўғриласангиз, Аллоҳ таоло ошкор қиладиган ишларингизни Ўзи тўғрилайди. Ўлимни кўп эсланглар, ўлим сизларга етиб келишидан олдин унга яхши тайёргарлик кўринглар.

Халифа этиб тайинлангач, Умарнинг ҳаёти буткула ўзгариб кетди. Волийлигидаги умавий ҳукмдорларга хос бўлган маишатхўрлик, ҳашам ва дабдабага ўчлик, шоҳона яшашга интилиш каби одатлардан воз кечди, зуҳд йўлини тутиб, оилавий харажатларини кескин камайтирди. Аёли Фотима бинти Абдумаликдаги мол-дунё, тақинчоқ-жавохирларни ҳам хазинага қайтариб берди. Шунингдек, Бани Умайядан уларга берилган ерлар ва ҳибаларнинг ҳаммасини қайтариб байтул молга топширди. Ражо ибн

Хайва айтади: “Мўминлар амири бўлганидан сўнг, у барча мол-мулкани эҳсон қилиб юборди, бир қисмини байтул-молга (хазинага) топширди. Ўзида фақат қалпоги, салласи, кўйлаги, чакмони, ридоси ва кавушларини (ҳаммасининг қиймати тахминан ўн икки дирҳам) қолдирган эди”.

У ҳокимлик пайтидаги дабдабозлик ва роҳат-фароғатни батамом тарк этди, обид ва зоҳид инсонга айланди. У байтулмолдан ҳеч нарса олмасликка қасам ичди ва Сувайдадаги (Шом яқинидаги мавзеъ) еридан келадиган икки юз динор миқдоридаги йиллик даромад ҳисобига ҳаёт кечирди. Ҳарбий юришлардан келадиган ўлжадан бирор дирҳам (кумуш пул) ҳам олмас эди. Иш шунга бориб етдики, атрофидагилар унга тўғри йўлдаги халифа Умар (яъни, боболари) ҳам ўта тақволи, имонли ва адолатпарвар бўлганлари ҳолда давлат хазинасидан бироз нафақа олиб турганларини эслатишди. Бунга у Умар ибн Хаттобнинг ҳеч қандай мол-мулки бўлмаганини, ўзида эса мулк борлигини рўкач қилди.

Халифанинг бадавлат ва ҳашамни ёқтирувчи қариндошларига ҳам унинг фармойишидан сўнг, аввалги шоҳона ҳаётдан воз кечишларига тўғри келди. Улар учун давлат хазинасидан бирор нарса олиш батамом тақиқлаб қўйилди. Умар шунингдек, саройдаги жуда кўп ходимлар ва маддоҳларнинг хизматидан ҳам воз кечди. Ўша пайтларда халифанинг бир сидирғадан иборат кийимларида бир нечадан ямоқни санаш мумкин эди. Ҳатто, кўпинча биттагина кўйлагини ювишга бериб қўйгани учун унинг қуришини кутиб, жума хутбасини қилишга шошиб қоларди.

Умар ибн Абдулазиз раҳбарликка сайлангач, табрик-лаш учун турли жойлардан келган вакиллар унинг ҳузурига киришди. Зиёратчилар орасида ҳижозлик ўн-ўн бир ёшлар атрофидаги бир бола ҳам бор эди. Ўша йигитча Умарни қутлаш учун олдинга чиқди. Шунда Умар:

– Шошиламай тур, сендан ёши улуғлар бор, – деди. Бола бунга жавобан:

– Мўминлар амирини Аллоҳ қўлласин. Инсон икки кичик аъзоси – қалби ва тили билан инсондир. Агар Аллоҳ таоло бандасига бурро тил, сақловчи қалб ато этган бўлса, гапиришга ҳақли эмасми? Ҳақиқатан, сиз айтгандек, гап ёшда бўлса, мажлисингизда ёши сиздан улугроқ, гапиришга ҳақлироқ одамлар ҳам бор-ку! – деди. Шунда Умар ибн Абдулазиз боланинг сўзларидан таъсирланиб, ушбу маънодаги шеърни айтди:

– Эй инсон, илм олгин, ҳеч ким олим бўлиб туғилмайди, илм соҳиблари жоҳил каби бўлишмайди, илмсиз ёши улуғ одамнинг мажлисдаги мавқеи ҳам паст бўлади.

Умар ибн Абдулазиз халифаликнинг масъулиятини дилдан ҳис этгани учун ҳақ йўлдан чалғиб кетишдан, одамларга адолатсизлик ёки зулм қилиб қўйишдан қаттиқ кўрқар, бу борада ўзини тинмай ҳисобга тортиб турарди. Амр ибн Муҳожирдан шундай ривоят қилинади: “Менга Умар ибн Абдулазиз шундай деди: “Эй Амр, агар менинг ҳақдан огаётганимни кўрсанг, қўлингни кўксимга қўйиб, мени бир силкитгин ва “Эй Умар, нима қиялпсан?”, дегин”. Умар ибн Абдулазиз бошқа бир дўстига шундай деди: “Йўлдан озиб, адашганимни кўрсанг, кийимимдан тортқилаб, “Эй Умар! Аллоҳдан кўрқ, барибир бир кун ўласан”, дегин”.

Ривоят қилишларича, Умар ибн Абдулазиз тахтга ўтирганида қўй боқаетган чўпонлар “Бугун қайси солиҳ инсон тахтга ўтирди экан, қўйларимизга бўрилар хужум қилмай қўйди”, деган экан.

Ҳукмдор, шунингдек, жарчига кимда шикоят бўлса, халифанинг ўзига мурожаат қилиши мумкинлиги ҳақида жар солдирди. Шу тариқа у амакиси Сулаймон ва унинг аъёнлари қилгани каби ҳар бир одамнинг шикояти жа-

вобсиз қолмаслиги анъанасини тиклади. Одамлар бундан жуда хурсанд бўлиб кетишди ва Умарнинг ҳукм юритишидан мамнунликларини изҳор эта бошлашди. Умарнинг барча одамлар шикоятига қулоқ солаётганини эшитган хаворижлар ўзларича тўпланиб, “Бу одамга қарши кураш олиб бормаслигимиз керак” деган қарорга келишди.

## УЛКАН ИСЛОҲОТЛАР

Умар ибн Абдулазизнинг халифалик йиллари ҳарбий юришлар ва машҳур фатҳлар билан ном чиқармаган эсада, унинг даврида жуда катта ички ислоҳотлар бўлди: у бўш ерларга экин эктирди, қудуқлар қазитди, кўплаб масжидлар бино қилдирди. Салтанатнинг энг овлқ ерларигача садақаларни тарқатиб, уммат орасида фақирликни бутунлай йўқотди. Унинг даврида закот ва садақаларни оладиган одам топилмай қолди. Золим волийларнинг ҳаммасини ишдан олди. Бу халифанинг солиҳлиги, тақвоси, адолати учун кўпчилик одамлар уни рошид (тўғри йўлдаги) халифалардан бири деб баҳолашди.

Умар ибн Абдулазиз халифаликка тайинланганидан кейин мусулмон қўшинлари қўмондони Маслама ибн Абдулмаликни ортга қайтишга буюрди. Умардан олдинги халифалик қўшини Қўстантания (Константинопол) ни эгаллаш учун жўнатишган бўлиб, икки йилдан буён касаллик ва озик-овқат етишмовчилигидан азият чекаётган эди. Шомга қайтиб келган Маслама ва унинг аскарлари халифа шаънига мақтов сўзларини ёғдиришди. Умар ибн Абдулазиз нисбатан жуда оз муддат халифалик қилган бўлса ҳам жуда кўп ишларни қилди. Хусусан, у киши ўзининг шахсий ва оилавий ҳаёти билан, раъиятга кўрсатган адолати билан тилларда дoston бўлди. Ўзи илми одам бўлгани учун илмга ва илм аҳлига алоҳида аҳамият берди.

Умар ибн Абдулазизнинг энг буюк хизмати шундаки, у биринчи бўлиб Пайгамбаримиз Муҳаммад алайҳис-саломнинг ҳадисларини ёзиб, китоб таълиф қилишни буюрган ҳукмдор бўлди. Маълумки, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳаётликларида Қуръон оятларига аралашиб кетмаслиги учун ўз ҳадисларини ёзиб боришни ман этган эдилар. Саҳобалар ҳам ўз даврларида ана шу йўлдан бориб, ҳадисларни ёд олишса-да, уни алоҳида ёзишга ботинмаган эдилар. Қуръон мусҳаф шаклида жам қилиниб, унга бошқа матнлар киритишнинг олди олинган, ҳадисларни ёд билувчи саҳобаларнинг бирин-кетин вафот этиб бораётгани туфайли Пайгамбар алайҳис-салом ҳадисларининг унутила бошлашидан хавотирга тушган халифа Умар ибн Шиҳоб Зухрий ва бошқа муҳаддислардан омма учун ҳадис китоб ёзишни сўради. Ибн Шиҳоб Зухрий содда қилиб бир китоб таълиф қилди. Бошқалар ҳам унга эргашдилар. Расмий равишда ҳадис китоблар ёзиш мана шундан бошланди.

Умар ибн Абдулазиз халифалик даврларида кенг ҳудудли Ислom давлатида закот тўпланиб, закот оладиган одам топилмай қолган. Бу улкан бир давлатдаги ҳар бир оила закот бериш даражасига етган деганидир. Шунда уламолар йигилишиб, тўпланган закотни “Аллоҳнинг йўлида” бандига амал қилган ҳолда Африқода Ислomни тарқатиш ишларига сарфлаш керак, деган фатво чиқаришган. Энди бир мулоҳаза қилиб кўрайлик. Араб жазирасидан тортиб Шимолий Африқогача, Ҳиндистондан тортиб Марказий Осиёгача, Эрон, Ироқ, Қофқоз, Миср, Испания ва Фарангистон жанубини қамраган шунчалик катта ҳудуддаги давлатда закот олишга одам топилмаслиги жуда кам учрайдиган ҳолатдир. Бу дегани, мазкур бепоён салтанатдаги барча одамлар йил давомида саксон беш грамм тилла миқдоридан зиёд жамгармага эга бўлган, деганидир. Бун-

дай иқтисодий туқинчилик инсоният тарихида учрамаган ва ҳали-бери учрамаса ҳам керак.

Халифа Умар ибн Абдулазиз ҳузурларига закот моллари билан келишганида у:

– Фақирларга эҳсон қилинг! – деди.

– Ислом умматининг фақири қолмади, – дейишди унга.

– Унда қўшинларга қурол-яроғ сотиб олинглар, – деди ҳукмдор.

– Ислом қўшини тўқислиги билан дунёни ҳайратга солмоқда, – дейишди.

– Ёшларни уйлантиринглар! – деди Умар.

– Уйланмоқчи бўлганларни уйлантирдик, маблағдан яна ортиб қолди, – дейишди.

– Қарздорларнинг қарзига беринг! – деди Ҳукмдор.

– Уздик, барибир ортиб қолди, – дейишади. Умар бошқача фармон беришга мажбур бўлди:

– Қаранглар, кимни (яхудий ва насронийлардан) қарзи бўлса, узинглар! – деди Умар. Аҳли китобларнинг қарзи ҳам узилди, аммо маблағ ортиб қолаверди. Шунда:

– Илм аҳлларига беринглар! – деган амр бўлди. Уларга ҳам беришди, маблағ баракотли бўлгани учун бундан ҳам ортиб қолди. Шунда адолатли ҳукмдор охириги чорани қўлади:

– Бугдой сотиб олинглар-да, тоғ чўққиларигача сепиб боринглар! Токи ҳеч ким “Ислом диёрларида қушлар оч қолибди”, демасин!

Иккинчи Умар даврида ҳар куни жарчи “Мискинлар қани?! Қарздорлар қани?! Никоҳ талаблар қани?!” деб жар солар экан. Келганларга закот молидан берилар экан. Бу пайтда бошқа бир жарчи кўчаларда шундай нидо қилиб юраркан: “Ким уйланишни истаса, уйлантирамиз! Кимга уй керак бўлса, қуриб берамиз! Кимнинг қарзи бўлса,

тўлаб берамиз! Ким ҳаж ё умрага боришни истаса, олиб борамиз, юборамиз!” Таассуфки, бундай ишлар Умар ибн Абдулазиз давридан кейин анча сусайиб кетди.

Иккинчи Умар ўз фуқароларига эркин ҳаракатланиш ҳуқуқини берди, мусофирлар учун карвонсаройлар қурдирди, кўплаб қудуқлар қазитди, йўллар чиқарди. У ўтказган иқтисодий ислохотлар натижасида аҳолининг яшаш даражаси анча ошди – халифалик ҳудудида бирор-та ҳам қашшоқ қолмади. У давлат амалдорларининг хизмат вазифаларини суиистеъмол қилмасликлари, пора олмасликлари, давлат хазинасидан ўмармасликлари ва тамагир бўлмасликлари учун уларнинг маошини оширди. Халифа адолатсиз ҳукм юритган ва давлат маблағларини талон-тарож қилган волий ва давлат амалдорларини ишдан олиб ташларди. У фаол даъват ишларини олиб борар, мусулмон уламоларини иззат-икром қилар ва рағбатлантирар эди. Унинг ҳукмронлиги даврида халифаликнинг кўплаб аҳолиси Ислом билан шарафланди.

Унинг замонида турклар Озарбойжонга ҳужум қилиб, кўплаб мусулмонларни қириб ташлашди. Бунга жавобан Умар ибн Абдулазиз уларга қарши Ҳотам ибн Нуъмон Бохилийни юборди. Унинг ўрдуси (армияси) туркларнинг кўпини мағлуб қилди, оз сонли жангчиларгина қочиб қутулишди. Бир пайтнинг ўзида Византия билан ҳам уруш борарди. Ғарбий Оврупада Шамс ибн Молик Куланий қўмондонлигидаги қўшинлар Пиреней тоғларидан ўтиб Септимания ва Провансни (Франция жанубидаги қадимги вилоятлар) эгаллашди. У ердан Аквитания вилоятига бостириб кириб, Тулузани қамал қилишди. Бироқ герцог Аквитанийский катта ўрдуси билан мусулмонларга зарба беришга эришди. Жангда Шамс ҳалок бўлди, қолган мусулмон сариялари (отрядлари) Нарбонига чекинишди.

Умарнинг халифалиги даврида жуда оламшумул бўл-маса-да, барибир бир неча фатҳлар бўлди: мусулмонлар Хитой шимолига, шимолий Кавказга ва Фарангистон жанубига Ислом гоёларини етказиб боришди. Маҳаллий халқнинг дарду ҳасратларига қулоқ солмай қўйган волийларга танбеҳ берди, баъзиларини ишдан олди. Ислом жамиятида адолатнинг қарор топиши учун бошқа тадбирларни ҳам ўйлай бошлади. Ҳою ҳашам ва дабдабага ўрганган умавийлар хонадонидан фарқли ўлароқ у оддий яшаш йўлини танлади: муҳташам саройни тарк этиб, камтарона ҳовлига кўчиб ўтди. Барча бойлигини давлат хазинасига топширди. Шоирлар иштирокидаги тўкин зиёфатлар, аёллар ва тансиқ таомлар мавзуидаги ширин суҳбатлар ўрнини охират ва қалбни поклаш ҳақидаги мавъиза ва насиҳатлар эгаллай бошлади. Уларда анвойи таомлар ўрнига оддийгина ясмиқ шўрва ва нон тортиладиган бўлди. У тахтга ўтиргач, жуда кўп бидъатларга қарши ўт очди.

Халифа Умар ибн Абдулазизнинг ҳукмдорлик даврида халққа зулм қилиб, адолатсизликка йўл қўйган ёки байтулмолга кўз олайтирган ёхуд ҳукмдорга итоатсизлик кўрсатиб, амр-фармонларини бажаришдан бўйин товлаган айрим ноинсоф мансабдор ва волийларнинг обрў-насабию қилган хизматларига қарамай вазифасидан бўшатиш, ҳатто зиндонга ташлаш ҳолатлари ҳам юз берди. Умар барчага намуна қилиб Миср хазинабони Усома ибн Зайдни вазифасидан олиб ташлади. У “ортиқча шафқатсизлик кўрсатгани”, яъни топшириғини бажармаган ходимининг қўлини кестиргани учун жазоланган эди. Халифа фақат уни мансабидан олиб ташлаш билан кифояланмади, оёқ-қўлини занжирбанд қилиб, зиндонга ташлатди. Занжирлар фақат намоз ўқиётгандагина ечиб қўйиларди. Усомани шу тарзда бир йил Миср

зиндонларида ушлаб туришди, кейин уни Шомнинг ҳар бир вилоятида бир йилдан тутқунликда сақлашди.

Волийлардан Абдулмалик ибн Рифоъа, Африканинг волийи Язид ибн Муслим, халифаликнинг шарқий ҳудудлари волийси бўлган Язид ибн Муҳаллаблар ҳам ана шундай шармандаларча ишидан бўшатишган эди. Умар ибн Абдулазизнинг саховати ва муҳтожларга раҳм-шафқати тилларда дoston бўлиб кетган. Халифалик тахтига ўтириши билан хизматчиларга тўланадиган маошни 10 дирҳамга кўпайтирди, пойтахтда моховлар учун очилган шифохонага ёрдамни кўпайтирди, йўللарни таъмирлашга ҳам катта-катта маблағ ажратди. Тарихчилардан Табарий ва Куфийлар халифанинг ажойиб фармойишларини ёзиб қолдиришган. Уларга кўра, синиб, бор-будидан ажраган тожир ва ҳунармандлар, фақир кишиларнинг барча қарзлари давлат хазинасидан қопланди. Саройда ҳозирда урфга киргани каби “очиқ эшиклар куни” ўтказилар, унда ҳар бир киши шахсий арзу-шикоятини халифага айта оларди. Ҳукмдор ва раъият ўртасидаги бундай ошқора мулоқот туфайли қисқа вақт ичида қўл остидагиларга зулм қилувчи ёки беъътибор бўлувчи бирорта мансабдор қолмади.

Яна тарихчиларнинг ёзишича, қайси динда бўлишидан қатъи назар, халифалик ҳудудида яшаётган барча одамларнинг қарзлари Умарнинг ўзи ташкил этган маҳсус жамғарма ҳисобидан тўлаб берилган. Оқибатда икки йил ичида халифаликнинг улкан ҳудудида бирорта ночор одам қолмаган, закот берувчилар закотларини кимга беришни билмай бошлари қотган. Олимлар ва тадқиқотчиларнинг бари давлат таъминотига ўтказилди. Халифанинг ўзи “Молиявий муаммолар илмий изланишларга халал бермаслиги керак”, деб ҳисобларди.

Унинг даврида ҳарбий юришлар кўп бўлмаса-да, аммо Ислom дунё бўйлаб энг кўп тарқалган бир замон

бўлди. Халифаликка қарашли ерлардаги аҳоли ёппасига Исломга кира бошлади. Бунинг натижасида халифалик заминида яшаб турган номусулмонлардан олинадиган жизя (солиқ) камайиб кетишидан хавотирга тушган айрим волийлар Умарга янги мусулмон бўлганларга нисбатан жизяни бекор қилмаслик таклифини беришди. Шунда ғазабланиб кетган халифа жаҳл билан: “Аллоҳ таоло Ўзининг Пайғамбари Муҳаммад алайҳиссаломни ҳидоят йўлига даъват қилиш учун юборган, солиқ йиғиш учун эмас!” деди.

Ислом тарихида энг тақводор ва адолатли ҳукмдор сифатида қолган Умар ибн Абдулазиз даври Аллоҳ таоло низомига тўла жавоб берган олдинги тўрт рошид (тўғри йўлдаги) халифаникига тенглашади. Шунинг учун ҳам уни тўғри йўлдаги бешинчи халифа деб улуғлашган. Аммо унинг кучли тақвоси, халқ дарди билан яшаши, ҳаммага бирдай адолат кўрсатиши айрим мансабпараст, мол-дунёнинг қулига айланган, давлат хазинасига кўз олайтирувчи бидъат эгаларига хуш келмади. Улар одил халифани жисман йўқ қилиш режасини туза бошлашди ва уни авжи навқирон ёшида заҳарлашди.

Умар ибн Абдулазиз давлат бошқаруви тизимида ҳам кўп ислохотлар қилган. Тарих уламолари Ислом салтанатининг энг ривожланган вақти у давлат раҳбари бўлган вақтига тўғри келишини айтиб ўтишган. Умар ибн Абдулазиз хулафои рошидининг бешинчиси номини олганининг сабаби, унинг умавийлар сиёсатини ислоҳ қилиши, диний-ҳуқуқий масалаларни давлат миқёсида татбиқ этишга ҳаракат қилгани бўлди. Шунинг учун, унинг сиёсати халқ ва илм аҳли томонидан яхши қабул қилинди. Умавийлар тарихи китобларида келтирилган мақтов сўзлари умавийларнинг барчасига эмас, Умар ибн Абдулазиз каби зотларнинг ўзларига тегишлидир.

Умар ибн Абдулазиз қозиларни тайинлашда “қозида беш хислат бўлсагина у мукамал қози даражасида бўлади” деган қоидага амал қилган. Бу хислатлар қуйидагилар: ўзидан олдингилар ҳақида илми бўлиши; тамадан сақланиши; томонларга нисбатан юмшоқлик билан муносабат кўрсатиши; имомларга иқтидо қилиши; илм ва раъй аҳли билан маслаҳатлашиши.

## ТАҚВОНИНГ КўЛАМИ

Мўминлар амири Умар ибн Абдулазиз бошқа фазилатлар қатори улкан тақвоси, яъни Аллоҳдан қаттиқ кўрқishi билан ҳам ажралиб турарди. Бу борада муаррихлар бир-биридан ибратли воқеаларни ёзиб қолдиришган.

Зиёратчилардан бири ҳукмдор Умар ибн Абдулазизга ҳадя сифатида олма келтирди. Аммо, у ҳадяни қабул қилмади. Шунда зиёратчи: “Ҳадяни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳам олганлар, нечун сиз олмаяпсиз?” деб сўради. Бунга жавобан Умар ибн Абдулазиз: “Расулуллоҳга берилган нарса, шубҳасиз, ҳадядир. Аммо бизга берилган нарса ришва (пора) бўлиб қолиши мумкин”, деди.

Яъқуб Фасавий “Маърифа ваттарих” асарида шундай ҳикояни келтирган. Халифа Умар ибн Абдулазиз хос хизматчиси-вазири Музоҳимга қараб:

– Бадавлат қариндошларим менга бир богни ҳадя қилишибди. Мен уни олмаслигим керак, улар ҳам беришлари керак эмас эди. Шунинг учун богни эгаларига қайтариб бермоқчиман, – деб қолди. Шунда Музоҳим:

– Унда фарзандларингизни қандай боқасиз? – деб сўради. Халифа Умар ибн Абдулазизнинг кўзлари жикқа

ёшга тўлди-да, ёноқларига оқа бошлаган ёшларини бармоғи билан артар экан, шундай деди:

– Уларни Аллоҳга топшираман.

Абдуллоҳ (ҳикояни Музоҳимдан нақл этувчи ровий) шундай дейди:

Бошқалар ўз фарзандларини яхши кўрганидек, Умар ҳам фарзандларини яхши кўрар эди. Музоҳим халифанинг гапига қоникмай, унинг тўнғич ўғли Абулмалик ибн Умарнинг олдига бориб, унга шундай деди:

– Мўминлар амири шундай ишга қарор қилдики, бу нарса сенга ҳам, ука-сингилларингга ҳам фақат зарар келтиради. Чунки у Ямомадаги катта боғни эгаларига қайтармоқчи. Фарзандларининг ҳаёт кечириши шу боғдан бўлиши кутилаётган эди.

Абдулмалик унга жавобан:

– Сиз отамга нима дедингиз? – деб сўради. Музоҳим бўлиб ўтган суҳбатни айтиб бергач, халифанинг ўғли Абдулмалик унга:

– Халифага вазир бўлмай қолинг, – деди-да, отаси – халифа ҳузурига кирмоқчи бўлиб ўрнидан турди. Бу пайтда халифа Умар ибн Абдулазиз бироз қайлула қилиб оладиган пешиндан олдинги вақт эди. Киришга рухсат сўраган эди, “эндигина дам олишга ётди” деган жавоб бўлди.

– Кирмасам бўлмайди, – деди ўғил.

– Субҳаналлоҳ! Отангизга раҳмларинг келмайдими? Бир оз дам оладиган вақти шу бўлса! – дейишди. Умар ўғлининг овозини эшитиб:

– Абдулмаликми? – деди.

– Ҳа, – дейишди.

– Кирсин, – деди ҳукмдор. Кейин ўғлидан сўради:

– Нима гап?

– Музоҳим бундай-бундай хабар келтирди.

– Ҳа, сен нима маслаҳат берасан? Бугун кечкурун шу ишни қилмоқчи бўлиб турибман.

– Менимча, буни кечиктирмай ҳозироқ қилиш керак. Кечкурунгача ким билади, одамнинг ўзига бирор нарса бўлиб қолиши ёки фикри ўзгариб қолиши мумкин, – деб жавоб берди ўғил.

Умар ибн Абдулазиз бу гапни эшитиб, қўлларини кўтарганча:

– Зурриётимдан диним учун ёрдам берадиган фарзандни чиқариб қўйган Аллоҳга ҳамдлар бўлсин, – деди-да, ўша заҳоти ўрнидан туриб, одамларни ҳузурига чорлади ва богни эгаларига қайтаришга буйруқ берди.

Халифанинг тақвosi шунчалар кучли эдики, у инсонлар уёқда қолиб, ҳатто ҳайвонларга ҳам озор бермасликни, уларни машаққатга солмасликни талаб этарди. Умарнинг хачирида юк ташиб, ҳар куни бир ярим динордан пул олиб келадиган бир ходими бор эди. Бир куни у уч дирҳам пул келтирди. Бунинг сабабини сўраган эди, ходим уловни тезроқ чоптириб, фойдани икки баравар кўпайтирганини айтди. Халифа “Сен хачирни қийнаб қўйибсан”, деди ва уч кунгача уни ўз ҳолига қўйишни буюрди.

Халифа, шунингдек, отларга озор бермаслик учун юганларини қаттиқ тортмасликни, уловларни тезлашда учли қамчиларни ишлатмасликни буюрганди. Ҳайвонларни қийнамаслик учун уларни пойгага солишга ижозат бермас, қўйларни кушхонага олиб боришни, сўйиладиган ҳайвон кўз олдида пичоқни қайрашни тақиқлаган эди. Адолатли халифа Миср волийига мактуб юбориб, шундай амр қилди: “Эшитишимча, юртингда айрим туяларга минг футдан юк ортилаётган экан. Мактубим етиб бориши билан уларга беш юз футдан ортиқ юк юкламаслик ҳақида фармойиш чиқар!”

Ибн Жавзийнинг “Маноқибни Умар ибн Абдулазиз” китобида келтирилишича, мусулмонлар хазинаси бўл-

миш байтулмолдан Умар ибн Абдулазизга олма келтиришганида унинг кичик ёшдаги бир ўғли олмадан бир дона олди. Буни кўрган ҳукмдор боланинг қўлидан олмани тортиб олди. Бола йиглаганича онасининг олдига чопиб кетди. Онаси бир кишини бозорга олма харид қилиш учун юборди. Умар уйга қайтганида хонадан олманинг ҳиди келди ва хотинига: “Ҳой Фотима, анави байтулмолдан келган олмалардан олдингларми?” деб сўради. “Йўқ ҳукмдорим, ўз пулимга бозордан олиб келтирдим”, деди хотини. Шунда Умар айтди: “Аллоҳга қасамки, ўғлимнинг қўлидан олмани тортиб олганимда гуё уни юрагимдан суғуриб олгандай бўлдим. Аммо мусулмонлар молидан олинадиган биттагина олма туфайли Аллоҳнинг ҳузурда ўзимни маломат қила олмайман”.

Бир куни Умар ибн Абдулазиз бошқа юртдан шаҳрига келган бир одамдан: “Менинг амалдорларим сизлар билан қандай муомала қилишяпти?” деб сўради. У киши бундай жавоб берди: “Катта ва бош ариқнинг суви тиник, тоза ва пок бўлса, ундан ажралиб чиқадиган ариқчаларда оқадиган сувлар ҳам тиник, тоза, покиза бўлади”.

Абдуллоҳ ибн Шавзаб айтади: “Сулаймон ҳаж қилди. Умар ибн Абдулазиз ҳам у билан бирга эди. Иккови Тоифга келишганда чақмоқ чақиб, момақалдироқ гумбурлади. Сулаймон унинг овозидан кўрқиб кетиб, Умар ибн Абдулазизга: “Буни қаранг, Абу Ҳафс, қандай даҳшат-а!” деди. Умар ибн Абдулазиз ибратомуз оҳангда: “Аллоҳнинг раҳмати нозил бўлаётган пайтда шундай даҳшатли момақалдироқ бўлиб, чақмоқлар чақса, азоби тушаётганида қандай бўларкин?” деди.

Авзоъийдан ривоят қилинади: “Умар ибн Абдулазиз ҳар куни ўз мол-мулкидан мусулмонлар таоми учун бир дирҳам ажратар, сўнгра ўзлари ҳам улар билан бирга ер эдилар. Зиммийларнинг (мусулмон мамлакат ҳимоясида

яшайдиган бошқа дин вакиллари (нинг) олдига борсалар, улар у зотга сут, ўсимликлар ва шунга ўхшаган маҳсулотлардан ўзлари тайёрлаган таомлардан беришарди. Умар ибн Абдулазиз зиммийларга улар берган таомдан ҳам кўпроқ таом берар ва улар билан бирга қўшилиб ер эдилар. Агар зиммийлар у зот берган нарсаларни қабул қилишмаса, ўзлари ҳам ундан емас эдилар. Бироқ мусулмонлар бирон нарса берса, уни зинҳор қабул қилмасдилар.

Авф ибн Муҳожир айтади: “Умар ибн Абдулазиз мусулмонларнинг иши билан шугулланаётганда, давлат хазинасидан олинган шамни ишлатар, давлат ишларидан бўшаб, ўз эҳтиёжлари учун чироқ ёқиш керак бўлса, ўз пулларига олинган шамни ишлатар эдилар”.

Назр ибн Зурора ишончли ровийдан ривоят қилади: “Умар ибн Абдулазизнинг Солим деган бир қул дўсти бўлиб, у билан Аллоҳ учун дўст тутинган эдилар. Умар ибн Абдулазиз амирликка тайинланганларида дўстлари Солимни чақирдилар. Солим келгач, унга: “Эй Солим, мен нажот топмайманми деб қўрқаман, – дедилар. Солим: Қўрқаётган бўлсанг, яхши. Мен мана шу нарсадан қўрқмаслигиндан қўрқаётган эдим. Аллоҳ бир бандага бир ҳовли бериб, у ерда қилган битта гуноҳи учун чиқариб юборган эди (Одам алайҳиссаломнинг жаннатдан чиқарилиши назарда тутиляпти). Биз эса сон-саноксиз гуноҳларимиз билан ўша ҳовлида яшамоқчи бўляпмиз”, – деди”.

Муҳаммад ибн Каъб айтади: “Умар ибн Абдулазиз амир бўлгач, менга одам юборди. Мадинада эдим, унинг олдига бордим. Ҳузурига кирганимда уни таниёлмай, таажжуб билан тикилиб қолдим. У:

– Эй Ибн Каъб, менга шундай қараяпсанки, илгари менга ҳеч бундай қарамаган эдинг! – деди. Мен таажжубланганимни айтдим. У сабабини сўради. Мен унга ҳола-

тимни тушунтириб: – “Эй мўминларнинг амири, рангингиз ўзгариб, озиб кетибсиз, сочингиз тўзиганидан сизни таниёлмай қолдим, – дедим. Умар ибн Абдулазиз: “Ўлганимдан кейин уч кун ўтиб, қабрда ётган ҳолатимни кўрсанг нима бўлар экансан? Унда кўзим юзимга оқиб тушган, бурнимдан йиринг ва қон оқаётган бўлади. Ўшанда мени ҳозиргидан ҳам танимай қоларсан? – деди”.

Сафурийнинг “Нузхатул мажолис” асарида зикр қилинишича, бир куни Умар ибн Абдулазиз қиёматни эслаб, ҳушидан кетгунча йиглади. Кейин эса кула бошлади. Одамлар бунинг сабабини сўрашса, у киши шундай жавоб қилди: “Тушимда қиёмат қойим бўлибди. Бир жарчи: “Абу Бакр Сиддиқ қаерда?” деб нидо қилди. У киши олиб келинди ва енгил ҳисоб қилинган, жаннатга киришлари буюрилди. Сўнг Умар, Усмон ва Али розияллоху анҳум ҳисоб-китобга чақирилдилар. Кейин жарчи: “Умар ибн Абдулазиз қани?” деб чақирган эди, мен юзим билан ерга йиқилдим. Икки фаришта келиб, мени Аллоҳнинг ҳузурига турғизди. У Зот мени енгил ҳисоб қилиб, сўнг ҳолимга раҳм қилди. Икки фаришта билан турганимда бир ўлимтикка (мурдага) кўзим тушди ва ундан:

- Сен кимсан? – дея сўрадим. У:
- Мен Ҳажжожман, – деди.
- Аллоҳ сенга қандай муомала қилди? – деб сўрасам,
- Унинг азоби қаттиқ экан. Энди муваҳҳидлар (Аллоҳни бир деб эътиқод қилувчилар) интизор бўлган нарсага, яъни Аллоҳнинг кечеришига мен ҳам интизор бўлиб, кўз тутиб турибман.

Иброҳим Сукуний айтади: “Умар ибн Абдулазиз раҳимаҳуллоҳнинг мавлолари билан Сулаймоннинг мавлолари ўртасида низо чиқди. Сулаймон буни Умар ибн Абдулазизга айтди. Сулаймон гапнинг орасида Умар ибн Абдулазизга “Ёлғон айтдинг”, деб юборган эди, Умар раҳи-

маҳуллоҳ шундай дедилар: “Ёлғон гапириш шармандалик эканини билганимдан бери ёлғон гапирмаганман!”

Умар ибн Абдулазизнинг ўғиллари минг дирҳамга узук сотиб олгани хабари етиб келди. Шунда у зот (узук ўлкадаги ўғилларига) мактуб ёзиб: “Менга етиб келишича, сен минг дирҳамга узук харид қилибсан. Зудлик билан уни сотиб, мингта оч кишини тўйдир. Кейин бир дирҳамлик темир узук сотиб олгин-да, унга: “Ўз қадрини билган кишига Аллоҳ раҳм қилсин” деб ёзиб ол”, дедилар.

Молик ибн Динор айтади: “Одамлар мени зоҳид, деб билишади. Ҳолбуки, ҳақиқий зоҳид Умар ибн Абдулазиздир. Зеро, дунё бутун дабдабаси билан унга келди, у эса дунёдан юз ўгирди”.

Боласини етаклаб олган бир аёл мўминлар амири Умар ибн Абдулазиздан Байтулмолдан берилаётган нафақасини кўпайтиришни сўраб келиб қолди. Шу пайтда унинг ўғли амирнинг боласи ўйнаётган ўйинчоққа талпинди ва унинг қўлидан тортиб олди. Амирнинг ўғли ўйинчоғини қайтариб оламан деганида аёлнинг ўғли уни туртиб юборди. Шунда боланинг юзи қонади ва бошқа оналар каби фарзандига меҳрибон амирнинг хотини ҳам боласи томон чопди, уни багрига босганча ярасини боғлади. Кейин у аёл ва боласига танбеҳ беришга чоғланди. Халифанинг хотини – Фотима бинти Абдумаликнинг нафақат эри, отаси, оға-инилари ҳам вақтида халифалик қилишган инсонлар эди. Халифа Умар ибн Абдулазиз узр сўрагандай аёл ва боласининг юзига табассум билан боқди. Улар кўрқувдан тошдай қотишганди, амир икковини тинчлантирди. Сўнг ўглидан ўйинчоқни олиб, боланинг қўлига тутқазди. Шу заҳоти аёл оладиган нафақасини кўпайтириб бериш ҳақида топшириқ берди. Сўнг ўз ўғилларини юзидан ўпиб, уни ҳам тинчлантирди. Кейин

хотинига: “Азизам, аёл ва боласини қўрқитиб юбординг. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам: *“Ким бир мусулмонни қўрқитса, Аллоҳ уни қиёмат куни қўрқитади”*, деганлар”, деди.

Уқорида зикри келган ривоят ва қиссалардан шу нарса аён бўляптики, инсон Аллоҳ таоло ато этган мол-дунёда бошқаларнинг ҳам ҳақи борлигини ҳис этиб, атрофидагилар билан баҳам кўрсагина, У Зотнинг розилигига эришади. Баҳам кўрганда ҳам бераётган нарсасининг миқдорини чекламай, ўзи энг яхши кўрган нарсасини бошқаларга ато этсагина, кўзлаган мақсадига эришади. Улуғларимиз “Фақат суйган нарсаларни берибгина мақсадга етилади”, деб таълим беришган. Насафий ўз тафсирида шундай ривоятни келтиради: “Умар ибн Абдулазиз шакар сотиб олар, сўнг уни садақа қилар эди. Ундан: “Нима учун шакарнинг пулини садақа қилиб қўя қолмайсиз?” деб сўрашди. Шунда у: “Шакар менга суюклироқ, шу сабаб суйган нарсамдан эҳсон қилишни хоҳладим”, деб жавоб берди”.

Мадинанинг олими, қозиси ва устози Салама ибн Динор шундай ҳикоя қилади: “Мусулмонлар халифаси Умар ибн Абдулазиз билан кўришиш ниятида сафар қилгандим. Халифа Ҳалабнинг ноҳияларидан бири бўлмиш Хуносирада турганида ҳузурига етиб бордим. Ёшим улғайиб, анча кексайиб қолган эдим, Умар ибн Абдулазиз билан кўришмаганимизга ҳам анча йил бўлган эди. Ҳузурига кирсам, у хонанинг тўрида ўтирган экан. У билан Мадинада волий бўлиб турганида кўришганимиздан буён қайта кўрмаганим ҳамда қиёфасининг ўзгариб кетгани туфайли бошда унча таний олмадим. У менга илтифот кўрсатиб: “Яқинроқ келинг, эй Абу Ҳозим”, деди. Яқинроқ бориб, уни танигач:

– Мўминларнинг амири Умар ибн Абдулазизмисиз?  
– деб сўрадим.

– Ҳа, деди халифа.

– Сизга нима бўлди? Олдинлари ёш, кўркем, тароватли эдингиз, ҳаётингиз ҳузур-ҳаловатда, роҳат-фароғатда эмасмиди?

– Ҳа.

– Олгину кумушларга эга бўлганингиз ва мўминларнинг халифасига айланганингиздан сўнг сизни нима бу даражада ўзгартириб юборди?

– Нима ўзгарибди, эй Абу Ҳозим?

– Озиб-тўзиб кетибсиз, юзингиз сарғайиб, ажин тушибди, кўзингизнинг нури ҳам сўнибди.

Умар ибн Абдулазиз бу гапларни эшитиб, йиғлаб юборди ва:

– Мен қабрга қўйилгач, икки кўзим лунжимга осилиб тушган, қорним шишиб, титилган ва бутун баданим қуртларга емиш бўлганини кўрсангиз эди, бугунгидан кўра кўпроқ танимаган бўлар эдингиз. Мадинада менга айтганингиз ҳадис ёдингиздами, эй Абу Ҳозим?

– Мен сизга кўп ҳадислар айтганман, қай бирини назарда тутяпсиз? – дедим.

– Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу ривоят қилган ҳадис.

– Ҳа, эсладим, мўминлар амири, – дедим.

– Шу ҳадисни яна айтиб беринг, уни сиздан эшитишни хоҳлайман.

– Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан эшитганман, у киши айтдилар: “Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан эшитганман, у зот дедилар: **“Олдингизда ошиб ўтиш машаққатли ва кескир, учли тошлардан иборат довон бор, ундан** (ибодат ва жиҳод қилиш билан) **чиниққан кишигина ўта олади”**.”

Умар ибн Абдулазиз қаттиқ йиғлади, ҳатто мен унинг



жигари ёрилиб кетмаса эди, деб қўрқдим. Сўнг кўзёшларини арта-арта менга қараб: “Мана шу довондан ўтиш ва нажот топиш мақсадида жисмимни ориқлатганимга мени маломат қиласизми? Бироқ мен ўзимни нажот топувчи деб ўйламайман”.

Умар ибн Абдулазиз бир куни шундай деди: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ва у зотдан кейинги раҳбарлар бизга тайёр дастур қолдириб кетишган. Унга амал қилиш Аллоҳнинг китобини маҳкам тутиш ва динни қувватлашнинг ўзгинасидир! Ҳеч ким уни ўзгартириши, алмаштириши, унга мухолиф дастурларга эътибор қилиши мумкин эмас! Ким у билан йўл қидирса, тўғри йўлни топади! Ким у билан нусрат истаса, унга илоҳий нусрат берилади. Ким уни тарк этса ва ўзга йўлдан юрса, Аллоҳ уни танлаган йўлига ташлаб қўяди ва охир-оқибат у жаҳаннамга боради. Жаҳаннам қандай ҳам ёмон жойдир...”

Умар ибн Абдулазизнинг хизматчиси совуқ кунларда хожаси учун таҳорат сувини иситиб берарди. Бир куни халифа хизматчисидан:

– Бу иссиқ сувни қаердан олиб келасан? – деб сўради.  
У:

– Байтулмол ўтинларида сув иситиб келаман, – деди. Бундан ҳукмдорнинг ранги ўзгариб, қўрқиб кетди ва афсус билан:

– Таҳорат сувимизни бузибсан-ку (ҳаром қилибсан-ку), – деди. Кейин хазинага бориб, хизматчиси қачондан бери бу ернинг ўтинига сув иситган ва бу учун қанча ўтин кетган бўлса, барини ҳисоблашни буюрди. Кейин ўзининг шахсий маблағидан ўтин ҳақини келтириб берди.

## ГҶЗАЛ ФАЗИЛАТЛАР ЭГАСИ

Мўминлар амири мансабга минганида ҳам камтар, тавозели, хокисор, ҳолида қолди. Ўзни паст санаш киши одобининг чиройли кўринишларидан эканини исботлади. Зикр қилинишича, Умар ибн Абдулазизнинг уйига бир куни меҳмон келди. Хуфтон намозини ўқигандан кейин, Умар қоғозга бир нарса ёза бошлади. Меҳмон олдиларида экан, чироқнинг нури хиралашиб қолди. Меҳмон:

– Эй мўминлар амири, туриб чироққа ёг тўлдирайми? – деб сўради. Умар:

– Меҳмонига бир иш қилдириш кишининг мурувватидан эмас, – деди. Меҳмон:

– Хизматчини уйғотайми? – деди. Умар:

– Йўқ, у ҳозиргина уйқуга кетди, – деди. Сўнгра ўзи туриб, идишдан ёг олиб, чироқни тўлдирди. Меҳмон:

– Ўзингиз тўлдирдингиз-ку, эй мўминлар амири, – деди. Умар ибн Абдулазиз:

– Мен турганимда ҳам Умар эдим, қайтиб келиб ўтирганимда ҳам ўша Умарман. Одамларнинг яхшиси Аллоҳ наздидаги камтарин кишилардир, – деб жавоб қилди.

Хуросон ҳукмдори Жарроҳ ибн Абдуллоҳ бир куни халифага мактуб ёзиб, Хуросон халқини ёввойи ва исёнкор деб атади. Уларни фақат қамчи ва қилич билангина бошқариш кераклигини айтди. Бу мактубга халифа Умар ибн Абдулазиздан шундай жавоб келди: “Халқни фақат қамчи ва қилич билан ушлаб туриш ҳақидаги иддаоларингизга қўшилмайман. Уларни ҳақиқат ва адолат билан ҳам итоат қилдириш мумкин. Ҳақни ва адолатни бошқарув воситаси қилиб олинг”.

Бир киши Умар ибн Абдулазизга:

– Менга насиҳат қилинг, – деди. Умар ибн Абдулазиз шундай дедилар:

– Солиҳ одамлар билан юриб, улардан манфаат олмасликдан ёки гуноҳкорларни маломат қила туриб, гуноҳлардан четланмасликдан ёки шайтонни лаънатлаб, унга пинҳона итоат қилишдан эҳтиёт бўл!

Умар ибн Абдулазиздан ҳазрати Алий билан Муовия ўрталарида бўлиб ўтган ҳодиса хусусида сўрашганида, у киши: “Ўшанда шундай фитналар бўлганки, Аллоҳ қиличларимизнинг унга қўшилиб қолишидан омонда сақлаган эди. Энди ўша фитналарга тилимиз билан қўшилиб қолишдан сақланайлик”, деди.

Халифа кўпинча ювдирилган кийимининг қуришини кутаркан, жума намозига боришга кечикиб, шошиб қоларди. Чунки унинг жамоатга кийиб борадиган кийими биттагина бўлиб, иккинчисини харид қилишга зуҳди йўл қўймас эди. Унинг бундай зоҳидона ҳаёт кечиршига ўша даврнинг улуғ олими ва зоҳиди Ҳасан Басрий билан яқиндан мулоқоти сабаб бўлган. Улар тез-тез учрашар, ёзишма орқали маслаҳатлашишар, олим халифага тақво ва зуҳд борасида гўзал насиҳатлар қиларди.

Тарихчиларнинг ёзишларича, Умар ибн Абдулазиз тахтга янги ўтирганида ҳузурига ўша даврнинг уч атоқли олими – Солим ибн Абдуллоҳ, Муҳаммад ибн Каъб ва Ражоъ ибн Ҳайвани таклиф этиб, уларга:

– Бошимга бу бало (мансаб) юклатилди. Энди менга маслаҳат беринглар, – дебди. Умар ибн Абдулазиз халифаликни “бало” деб қабул қилган эканлар. Умар ибн Абдулазизга Солим:

– Агар нажот истасанг, дунёдан рўза тут (ундан тийил), ундаги ифторлигинг ўлимнинг бўлсин, – дебди. Муҳаммад ибн Каъб:

– Агар Аллоҳнинг азобидан нажот истасанг, мусулмонларнинг катта ёшдагиларини ўзингга ота ўрнида, ўртанча ёшдагиларини эса оға-инидек, кичик ёшдаги-

ларини эса фарзанд мақомида кўр. Отангни улуғла, оғанингни хурмат қил, болангга меҳрибон бўл, – дебди. Ражоъ ибн Ҳайва эса:

– Агар Аллоҳнинг азобидан нажот истасанг, ўзинг яхши кўрган нарсани мусулмонлар учун ҳам раво кўр. Ўзинг ёмон кўрган нарсани уларга ҳам раво кўрма. Ушандай ҳолатда яшаб ўт, – дебди.

Халифа Умар ибн Абдулазиз ҳикмат ва мулоимликда таниқли кишилардан бири эди. Кунларнинг бирида ўғилларидан бири ҳузурларига кириб:

– Эй отажон! Нима учун баъзи ишларга енгил қарайсиз? Аллоҳга қасам, агар сизнинг ўрнингизда бўлганимда ҳақни айтишда бирор кишидан қўрқмас эдим, – деди. Шунда халифа ўғилларига:

– Эй ўғлим, шошқалоқлик қилманг! Аллоҳ таоло аввалига ароқни Куръонда икки марта ёмонлади. Охири учинчисида ҳаром қилди. Мен ҳам одамларга аввалги мартадаёқ мажбурлаб, кейин улар уни рад қилиб қолишларидан ва оқибатда фитна келиб чиқишидан қўрқаман, – дедилар.

Ўғил оталарининг яхши тадбирларини эшитгач, рози бўлган ҳолда чиқиб кетди. Оталари бу нарсани заифҳолигидан эмас, динини яхши фаҳмлаганидан шундай қилишини билди.

Айтишларича, Умар ибн Абдулазизнинг қизчалари бир кун ҳузурларига йиғлаб кирди. Ўша пайтда у ёшгина қизча бўлиб, у кун эса ҳайит эди.

– Нега йиғлаяпсиз, қизим? – деб сўради мўминлар амири. Қизлари:

– Ҳамма болалар бугун янги кийимлар кийишди, мен мўминлар амирининг қизи бўла туриб, эски кийимданман, – дея жавоб қилди. Умар унинг йигисидан таъсирланиб, Байтулмол хазиначиси олдига борди ва унга:

– Кейинги ой маошимни менга бериб тура оласизми? – деди. Хазинабон:

– Нега, эй мўминлар амири? – деди. Умар унга бўлган воқеани айтиб берди. Шунда хазинабон:

– Мен қаршимасман, лекин битта шартим бор, – деди. Умар:

– У қандай шарт экан? – деди. Хазинабон:

– Менга кейинги ойгача тирик қолиб, олдиндан олмақчи бўлган маошингизни тўлаб бера олишингизга кафолат беринг, – деди. Умар уни қолдириб, уйига қайтди. Фарзандлари:

– Отажон, нима бўлди? – деб сўрашди. Умар ибн Абдулазиз шундай деди:

– Ё сабр қиласизлар ва ҳаммамиз баробар жаннатга кирамиз ёки сабр қилмайсизлар ва отангиз дўзахга кирасиз. Шунда болалари:

– Сабр қиламиз, отажон, – деб жавоб қилишди.

Энди бир мулоҳаза қилиб кўринг: бизлардан Умар каби сабр ва адолат пешвоси бўлган ҳукмдорлар нега чиқмаяпти? Омонатдорлиги, тақвоси ва ҳалоллиги билан зарбулмасал бўлган хазинабон каби ходимлар нега камайиб кетди? Энг асосийси, фарзандларимиз мана шундай ҳолга тушиб қолишганида ҳайитни янги кийимсиз ўтказишга кўнишармикин? Мана шу саволларга ижобий жавоб бера олишимиз бизларнинг сабр-қаноат бобида нималарга амал қилишимизга кўп жиҳатдан боғлиқлиги аён бўлади.

Айтишларича, Умар ибн Абдулазиз халифаликка сайланганидан кейин бир куни ҳовлида йиғи овози эшитилиб қолибди. Одамлар йиғи сабабини суриштиришса, Умар хотинига шундай шарт қўйган экан: ҳовлида яшайсанми ёки отангникида турасанми, энди менга барибир, чунки бошимга шундай катта масъулият тушганидан кейин аёллар билан ишим бўлмайди. Бунга эшитган аёли йиглаб юборибди, унга қўшилиб хизматчилари ҳам

йиғига тушишибди. Кейинчалик хотини Фотима бинти Абдумаликдан сўрашганида бундай жавоб қилган экан: “Аллоҳнинг иродаси билан халифа бўлганидан кейин мен унинг жанобатдан ёки эҳтиломдан ғусл қилганини эслай олмайман”, деб жавоб берган экан.

Бир куни Умар ибн Абдулазиз масжидга кетар эканлар, қўлларини оҳиста тебратиб борар эдилар. Шу вақт бирдан тўхтаб қолдилар, кўзларидан ёш қуйила бошлади. Одамлар нима учун йиғлаётганларини сўрашганида: “Бу дунёда тебратиб юрган қўлларим охиратда боғланса, ҳолим не кечишини ўйлаб йиғлаяпман”, дедилар.

Умарнинг қўриқчиларидан бири шундай ҳикоя қилади: “Ҳазрати Умарни халифа бўлмасидан олдин кўрганимда у соғлом, юзлари қип-қизил, қимматбаҳо кийимларда кўрган эдим. Халифа бўлганидан кейин ҳузурига кирганимда уни қорайиб кетган, озгинлигидан териси суягига ёпишган ҳолда кўрдим. Эғнида ювилавериб униқиб кетган эски кийим бор эди. У қўлимга каттагина пул бериб, муҳтожларга садақа қилиб юборишни буюрди. Қўлини узатган ҳар бир кишига садақа беришимни тайинлади.

Умар ибн Абдулазизнинг қизларидан бири дугонасида қимматбаҳо чиройли ёқут зирак кўриб қолди. Қиз отасининг олдига кириб:

– Менга ҳам шундай зирак олиб беринг, – деб илтимос қилди. Шунда мўминлар ҳукмдори ходими Музоҳимга иккита ёниб турган кўмир келтиришни буюрди. Музоҳим кўмирни олиб келганида Умар қизига:

– Агар ушбу кўмирларни қулоғингга осиб, азобига чидасанг, сенга ҳам ўшандай қимматбаҳо зирак олиб бераман, – деди.

Яна ривоят қилишларича, Умар ибн Абдулазиз бир маст одамни кўриб қолиб, унинг таъзирини беришни

хоҳлабди. Ҳалиги маст у кишини сўкибди. Сўкаётганида Умар қайтиб кетибди. Сўнгра ундан сўрашибди:

– Эй мўминларнинг амири, сизни сўкаётганда нима учун уни тарк қилдингиз? Умар:

– Чунки у менинг ғазабимни келтирди, шу пайтда унга таъзир берганимда нафсимнинг истаги учун бўлар эди. Ўзимнинг ҳамиятим учун мусулмон кишини уришни хоҳламайман, – деди.

Ҳикоя қилинишича, Абдулмалик ибн Умар ибн Абдулазиз отасининг олдига кирса, у ухлаб ётган эди. Уни уйғотиб, отасига:

– Отажон, одамлар эшик олдида кутиб турганида ҳам ухлайсизми? – деди. У киши:

– Угилгинам, нафсим менинг уловимдир, мен уни чарчатиб қўйишни ёқтирмайман. Акс ҳолда, у мени кўтармай қўяди, – деди.

Маймун ибн Маҳрон шундай деган: “Умар ибн Абдулазиз менга ҳар ойда икки марта келиб туришимни буюрдилар. Бир куни у кишининг олдиларига келдим. У киши деворнинг устидан қараб турган эканлар. Эшикка етмасимдан киришга рухсат бердилар. Уйга кирганимда шолчалари устида ўтирган эдилар. Шолчага тенг келадиган супача бор эди. У киши қўйлақларини ямаб турардилар. Салом бердим, алик олдилар. Мени дарров супачага ўтқаздилар, кейин амирларимиздан, миршабларимизнинг ишларидан, тартибни сақловчиларимиздан, қамоқхоналаримиздан ва нарх-наволардан, сўнг ўзимдан ҳол-аҳвол сўрадилар. Кейин кетмоқчи бўлиб ўрнимдан тураётганимда:

– Эй мўминларнинг амири, уйингизда сиз учун бу ишни қиладиган бирор киши йўқми? – деб сўрадим. Мўминлар амири:

– Эй Маймун, сенга қорнинг тўядиган миқдордаги мол-дунё кифоя қилади. Биз бугун бу ерда бўлсак, эртага бошқа жойдамиз, – дедилар. Сўнг уйдан чиқдим”.

Қаттиқ исиб кетган кунларнинг бирида Умар чўри-сига ўзини елиб қўйишни буюрди. Чўри ҳукмдорни ел-пиётиб, кўзи уйқуга кетиб қолди, қўлидан елпигичи ту-шиб кетди. Шунда Умар елпигични олиб, чўрини елпий бошлади. Бирдан уйғониб кетган чўри ҳолатни кўриб, эсанкираганидан қичқириб юборди. Шунда Умар чўри-га шундай деди: “Дарҳақиқат, сен ҳам мен каби инсон-сан, мени қийнагани каби иссиқ сени ҳам машаққатга солди. Сен мени елиб совутганинг каби мен ҳам сени елиб қўйгим келди”.

Умар ибн Абдулазизнинг жун чакмонини сақлайдиган бир сандиғи бўларди. Шунингдек, уйининг бир бурчагида ибодат қиладиган жойи бўлиб, у ерга ҳеч ким кирмасди. Тун кириши билан Умар сандиқдан чопонини олиб кияр, жойнамоз устига келиб, ибодат қилар, тонг отгунча йиғи-дан бўшамасди. Умар бутун ҳаётининг Суннатга мувофиқ бўлишига ҳаракат қилар, витр намозидан сўнг ҳеч ким би-лан сўзлашмас, душанба ва пайшанба кунлари, Ашуро ва арафада рўзадор бўлар, оз-оздан бўлса ҳам ҳар куни Қуръ-он ўқишни канда қилмас эди. Умар Қуръонни йигисиз ўқий олмас, унга қўшилиб Фотима ҳам йиғига тушарди. Улар ортидан уйдагиларнинг бари кўзёши тўкишни бош-лашарди. Йиғи сабабини ҳеч ким билмасди.

Бир куни Фотима эридан: “Эй мўминлар амири, сиз нега йиғлаяпсиз?” деб сўради. Умар: “Аллоҳнинг ҳузу-рида тўпланган одамларни эсладим: бир гуруҳи – жан-натда, бошқа бир гуруҳи эса дўзахда”. У шундай дедию қичқирганича ҳушидан кетди.

Бир куни Ибн Ахтам халифа Умар ибн Абдулазиз-нинг ҳузурига кириб, насиҳат қилишни бошлаши билан ҳукмдор маънос тортиб қолди. Охирига бориб, йиғига тушди ва ҳушидан кетди.

Халифа ҳар куни оқшомда олимларни ҳузурига тўп-ларди. Улар ҳукмдорга ўлим ва қиёмат куни ҳақида сўз-

лаб беришарди. Кейин ҳаммалари шундай йиғи солишардики, кўрган одам кимнидир дафн қилишаётган бўлса керак, деб ўйларди. Умар ҳузурида ўлимни эслашлари билан у худди ярадор қуш каби типирчилаб қолар, йиғлайверганидан соқоллари жиққа ҳўл бўлиб кетарди.

Мўминлар амири Умарнинг ходимларидан бири шундай ҳикоя қилади: “Бир куни ярим тунда ҳукмдор кўзида ёш билан уйғонди. Унинг йиғи товушидан уйғониб кетдим. “Эй ҳукмдорим, нима сабабдан йиғлаяпсиз?” деб сўрадим. У: “Эй ўғлим, Аллоҳнинг ҳузурида қандай туришимни эсга олдим”. У шундай деди-ю, ҳушидан кетиб қолди ва эртасига тонгда ўзига келди. Шундан кейин унинг то вафот этгунича кулганини кўрмадим”.

Ироқлик бир камбагал аёл Умар ибн Абдулазизни қидириб келди. Одамлардан: “Мўминлар амирининг уйи қаерда?” деб сўраган эди, унга бир хароба кулбани кўрсатишди. “Мана шу эски уй мўминлар амирининг уйими?” деб ажабланди аёл. Сўнг ўша ҳовлига кирди, кўзи бир аёлга тушди. У офтобда ўтириб олганича бугдойни янчиб, ун қилаётган эди. Ироқлик аёл уни хизматкор деган гумон билан:

– Мўминлар амирининг хотини қаерда? – деб сўради.

– Ундан нима истайсан? – деди амирнинг хотини Фотима.

– Юмушим бор эди. Мен Ироқдан келдим.

– Мўминлар амирининг хотини менман.

Аёл ажабланди. Амирга хотин бўлган аёлнинг бу ҳолатидан таажжубга тушди: “Ранглари оқарган, чарчаган, кийимлари эски. Шу амирнинг хотиними, шу-я?! Бизда қоровулнинг хотини бундан тузукроқ кийинади. Амир хотинининг кийими йиртиқ-а! Ё Аллоҳ”, деган ўй ўтди.

Бир оздан кейин Умар ибн Абдулазиз келди. Қудуқдан сув олиб, тупроққа аралаштириб, лой қилди-да, ну-

раб кетган деворни сувай бошлади. Ҳар лаҳза-ҳар лаҳзада хотини Фотимага қараб қўярди.

Шунда ироқлик аёл Умарни мардикор деб ўйлаб, Фотима бинти Абдумаликка:

– Эй синглим! Бу лойкаш сенга кўп қараяпти, бошингни беркитсанг бўларди, – деди.

Фотима унга жавобан:

– Эй Аллоҳнинг бандаси. Бу киши эрим – мўминлар амири бўлади, – деди.

Аёл ўзини тутолмай, йиглаб юборди. Кўзларидан шашқатор ёшлар тўкилди. Бир оздан кейин Умар ибн Абдулазиз қўлларини ювиб, аёлнинг олдига келди ва:

– Нима юмушингиз бор, холажон? – деб сўради.

Аёл айтди:

– Эй мўминлар амири. Мен эски уйимни тузатиш учун ёрдам сўрагани келган эдим, аммо бу уйнинг меникидан ҳам хароб эканини кўрдим. Мўминлар амирининг уйи меникидан хароб экан.

Шунда Умар:

– Эй Аллоҳнинг бандаси. Билгинки, бу уйнинг хароблиги ўйларингизнинг обод бўлишига сабабдир. Бу уй кошона бўлса, сизларники харобага айланади. Агар мен эски уйда яшасам, бу ҳолни ҳис қилиб, ўйларингизни яхшилаб қуриб бераман. Эй холажон! Айтинг, яна нима истайсиз? – деди.

– Менинг ўнта қизим бор, барчаси бошпанасиз. Уларнинг эри ҳам, бола-чақаси ҳам йўқ. Уларга бир оз мол беришингизни истайман, – деб ниятини баён этди аёл.

Умар ибн Абдулазиз Ироқ волийига мактуб ёза бошлади. Аёлдан: “Каттасининг исми нима?” деб сўради. Аёл айтди. Умар “Фалонага юз динор”, деб ёзди. Аёл Аллоҳга ҳамд айтди. Кейин иккинчи қизининг исмини сўради. Аёл айтди. Умар яна “Фалонага юз динор”, деб ёзди. Аёл

“Алҳамдулиллаҳ”, деди. Шу тариқа ёза-ёза унингчисига етиб келди. Аёл унинг ҳам исмини айтди. Унга ҳам юз динор ёзганида, аёл амирга раҳмат айтиб, миннатдорчилик билдирди. Шунда Умар бирдан унингчисининг исмини ўчириб ташлади. Аёл ҳайрон бўлиб:

– Нега уни ўчирдингиз? – деб сўради.

– Мен қизларингизнинг ҳар бирига ҳақ ёзганимда “Алҳамдулиллаҳ” деб турдингиз. Мен байтул молдан улуш ажратавердим. Аммо унингчисининг номини ёзганимда менга раҳмат айтдингиз. Менда мол бўлмаса, у юз динорни қаердан олиб бераман? Бир кунлик даромадим динорнинг тўртдан учига тенг. Бўлмаса, шуни ола қолинг. Опаларига айтинг, берилган моллардан унга ҳам улуш ажратишсин, – деб Умар Ироқ волийига ёзган мактубини аёлга узатди. Хуллас, мўминлар амири ўзига айтилган “раҳмат” деган сўзга рози бўлмади. Ироқлик аёл эса унинг ҳузуридан хурсанд бўлиб чиқиб кетди.

Бир куни Умар ибн Абдулазиз қизлари билан суҳбатлашаётиб, ғалати бир воқеанинг гувоҳи бўлди. Қизларидан бири ҳар гал сўзлаётиб қўли билан огзини ёпиб оларди. Ота қизидан бунинг сабабини сўради. Шунда қизи: “Бугун уйимизда ейишга нон билан пиёздан бошқа егулик қолмаган экан, шунинг учун оғзимдан чиққан нохуш ҳид сизни безовта қилмасин деб, оғзимни тўсишга мажбур бўляпман”, деди.

Энди ўзингиз бир тасаввур қилиб кўринг. Бу ҳолат кимнинг хонадонида содир бўлганига эътибор қаратинг. Умавийлар сулоласининг атоқли халифаси, Атлантика уммони соҳилларидан Помир тоғларигача бўлган улкан ҳудуднинг ҳукмдори, олдинги халифа Абдулмалик ибн Марвоннинг жияни ва куёви бўлган халифанинг оила аъзолари қандай ҳаёт кечирганига бир қаранг. Қизининг сўзларини эшитган ҳукмдор йиглаб юборди. Кейин



уларга қарата: “Айтинглар-чи, нимани маъқул кўрган бўлардинглар – ноёб, тансиқ ва қимматбаҳо таомларни ейишними ёки отангизнинг дўзахга тушишиними?!” деди. Бу саволни эшитиб, қизлар ҳам йиғлаб юборишди.

Унинг оила аъзолари ҳам Умардаги ноёб фазилатларни ўзларига ҳаёт дастури қилиб олишган эди. Ҳукмдор Умарнинг вафотидан сўнг унинг ўрнига халифаликка сайланган Язид Умарнинг хотини Фотимага эри тириклигида ўз тақинчоқларини байтулмолга топширтириб юборганини эшитганини, агар хоҳласа, уларни қайтариб бериши мумкинлигини изҳор этади. Шунда Фотима: “Бу тақинчоқлардан эрим тириклигида воз кечган бўлсам, энди унинг вафотидан сўнг нега уларни қайтариб олишим керак экан?” деб жавоб берди.

Ҳақиқатан, ўзи ҳукмдорлик қилган улкан салтанатни гуллайтиб, яшнатиб юборган, мамлакатга бойлик сел каби оқиб келаётган, аҳоли орасида муҳтож одамлар қолмаганидан закот беришга одам топилмаган бир пайтда, ана шу салтанат халифасининг ниҳоятда камтарона, дунё ҳою ҳашамларидан четланиб яшаши кишини ҳайратга солади. Шундай бой ва қудратли мамлакатнинг ҳукмдори ҳатто ҳаж қилиш учун етарли маблағга эга бўлмаганини бугунги кунимиз одами тасаввур ҳам қила олмайди. Ҳолбуки, ундан олдинги айрим умавий ҳукмдорлар халифаликни оилавий бойиш манбаига айлантириб, ҳашам ва дабдабалар ичра ҳаёт кечириб ўтган бўлса, Умар ибн Абдулазиз бундай ҳаёт тарзидан воз кечди бобоси ҳазрати Умар каби зуҳд ва тақво йўлини танлади.

Умарнинг ўқиган намозлари худди Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи ва салламнинг намозларига ўхшаш бўлганига Анас ибн Молик гувоҳлик берганлар. У кишининг хушувари ҳақида Ибн Жавзий ўзининг маноқибида шундай дейди: “Умар ибн Абдулазиз саждадан бошлари-

ни кўтарсалар, сажда қилган ўринлари кўз ёшга тўлган бўларди”.

Тарихдан маълумки, мўминлар амири Умар ибн Абдулазиз Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг амалларини худди ўзларидай адо этиш учун у зот алайҳиссаломга тақлид этишга умр бўйи ҳаракат қилганлар. Яна Умар ибн Абдулазиз ўзининг барча амалларини бобоси Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳуга ўхшатишга интиланлар. Ҳатто ҳазрати Умар каби адолат билан иш юритиб, тарихда “Иккинчи Умар” номини олди. Умар ибн Абдулазиз бобоси Умар ибн Хаттобга ўхшаб парҳезкор, виқорли, шижоатли эди ва унда ҳаммани ҳайратда қолдирадиган фазилатлар жам эди.

Умар ибн Абдулазизнинг аёли Фотиманинг шундай сўзлари бор: “Эй Муғййра, инсонлар ичида Умардан ҳам кўра рўза ва намозни кўпроқ қиладиган ким бор? Мен ҳалигача Умардан кўра Раббисидан кўрқадиган одамни асло кўрмаганман. Агар у хуфтон намозини ўқиса, саждасида узоқ қолиб кетади. Намозни тугатганидан сўнг қўлини дуога кўтаради. Дуо қилиб йиғлайди, ҳар куни кечаси бу ҳолат такрорланади”.

Умар ибн Абдулазиз шаҳарларнинг энг чекка жойларига ҳам илм-маърифат тарқалиши учун кўп ҳаракат қилган. Қолаверса, муҳаддислар, қорилар, фақиҳлар ва илм талаб қилувчиларга таом бериш, уларнинг уй-жой таъминотини яхшилаш ва ундан ташқари, қандай ҳожатлари бўлса, барини ўз кафиллигига олган. Мақсад, зикр қилиб ўтилган кишиларнинг дунё ишлари билан машгул бўлиб қолиб, илм зиёси йўқ бўлиб кетмаслиги эди. Бунинг исботи ўлароқ Умарнинг Ҳимс волийига йўллаган мактубини келтириб ўтиш kifоя: “Сен давлат хазинасидан илм талаб қиладиганлар, Куръон ёдлайдиган қорилар ва ҳадис ёдлаб, муҳаддис бўладиган кишиларга улар

беҳожат бўладиган даражада маблағ сарфлагин”. Волийга яна мактуб йўллаб, шундай деган: “Сен яна фикҳ учун ўз нафсларини қийнаб бўлса ҳам тик туриб бераётган фақиҳларга ва масжидларда, уйларида дунё талабидан кўра илм зиёсини тарқатишни афзал кўрадиган кишиларга қарагин. Улар илм ривожига учун болалари нафақасига ҳам эътибор бера олишмаяпти. Шуларга эҳтиёжга ярашасини бер, улар бундай салмоқли ишларни қўйиб, бола-чақа боқаман деб, ўзларини уринтириб қўймасинлар. Уларнинг ҳар бирига юз динордан пул бергин. Менинг иккинчи танбех мактубим сенга етиб келмасидан олдин бергин. Албатта энг мақбул иш яхши ишни тезлашиб қилишдир. Сенга салом бўлсин”.

Умар ибн Абдулазиз раҳимаҳуллоҳ фақиҳ ва ҳаким бўлган. У киши инсонларни Қуръон ва суннат йўлини маҳкам тутишга чақирарди. Умар бир куни Имом Доримий ҳузурда ўтирганида шундай сўзларни айтди: “Эй инсонлар! Албатта, Аллоҳ сизларга набийларингиздан бошқа набий ва расул юбормади ва Пайғамбаримизга нозил қилган бу китобдан ташқари бошқа китоб юбормади. Бас, шундай экан, Аллоҳ Ўз набийсининг тилидан нимани ҳалол деган бўлса, ўша нарсалар қиёмат кунигача ҳалолдир. Шунингдек, Аллоҳ Ўз набийсининг тилидан нимани ҳаром деган бўлса, ўша нарса қиёмат қойим бўлгунча ҳаром бўлади. Билиб қўйинглар! Мен қози эмасман, балки ижро этувчиман. Мен бидъатчи ҳам эмасман, балки эргашувчиман. Мен сизлардан кўра яхшироқ эмасман, балки сизларнинг оғир юқларингизни кўтарувчиман. Огоҳ бўлинглар, Аллоҳ яратган бирор бир кишига, Аллоҳга осий бўлишда итоат қилинмайди”.

Айтишларича, Саид ибн Мусаййаб розияллоҳу анҳу кечалардан бирида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам масжидларида Умар ибн Абдулазизнинг жаҳрий қи-

роат қилаётганларини эшитдилар. У зот хушовоз эдилар. Саид ибн Мусаййаб гуломига:

– Ана у намоз ўқиётганга бориб айтгин, овозини пайсайтирсин, – дедилар. Гулом бунга жавобан:

– Масжид бизники эмас-ку, бу одамнинг ҳам насибаси бор-ку?! – деди. Шу пайт Саид овозларини баланд қилиб:

– Эй намозхон, агар намозинг билан Аллоҳни хоҳласанг, овозингни пастроқ қилавер, агар одамларни хоҳласанг, зеро улар ҳаргиз сени Аллоҳ ҳузурида бирор нарсада ҳеч қандай беҳожат қилолмайди, – дедилар. Шундан сўнг, Умар ибн Абдулазиз сукут сақлаб, намозининг ракатини енгиллаштирди. Салом бергач, оёқ кийимини қўлига олиб, тезда чиқиб кетди. Ваҳоланки, у ўша пайтда Мадинанинг амири эди.

## ОДАМЛАР ОРАСИДА

Умар ибн Абдулазиз айтади: “Аллоҳга севимли ишлар учтадир. Биринчиси – ўч олишга қодир бўлган вақтда кечириш; иккинчиси – газаби келганда ўзини босиш; учинчиси – Аллоҳнинг бандаларига юмшоқлик қилиш. Ким Аллоҳнинг бандаларига юмшоқлик қилса, унга ҳам юмшоқлик қилинади”.

\* \* \*

Умар ибн Абдулазиздан зикр қилинишича, у киши хутба қилаётганида мағрурланиб қолишдан қўрқса, хутбани тўхтатарди. Ёзаётганида ҳам мағрурланишдан хавфсираса, варақни йиртиб ташларди ва: “Эй Раббим, Сендан нафсимнинг ёмонлигидан паноҳ тилайман”, дерди”.



\*\*\*

Умар ибн Абдулазиз бир уламога: “Менга ваъз қилинг”, деди. “Сен ўладиган биринчи халифа эмассан”, деди. “Яна зиёда қилинг”, деди. “Одамгача бўлган оталарингдан бирортаси ўлимни татимай қолмаган. Энди сенинг навбатинг келди”, деди. Шунда Умар ибн Абдулазиз йиғлаб юборди.

\*\*\*

Умар ибн Абдулазиз бемор ётган ўглининг олдига кириб:

– Эй ўгилгинам, ўзингни қандай ҳис қиляпсан? – деб сўраган эди, ўгли:

– Ҳақ йўлда барқарорман, – деб жавоб берди. Шунда у киши:

– Эй ўгилгинам, мен учун менинг мезонимда бўлишинг сенинг мезонингда бўлишимдан кўра суюклироқ”, дедилар. Шунда ўгли:

– Эй отажон, мен учун сиз яхши кўрган нарсанинг бўлиши мен суйган нарса бўлишидан кўра суюмлироқ, – деб жавоб берди.

\*\*\*

Халифа Умар ибн Абдулазиз масжидга кирса, қоронги масжидда бир киши ерда чўзилиб ётар эди. Умар қоронгида ўша кишини кўрмай, оёғи билан туртиб юборди. Шунда ҳалиги киши:

– Бу нима қилганинг, эшакмисан? – деди. Умар:

– Йўқ, мен Умарман, – деди. Умарнинг ҳамроҳлари:

– Эй мўминлар амири, сизни “эшак” деди-ку, – дейишди. Умар:

– “Эй эшак”, – деб айтмади, балки “эшакмисан”, – деган эди, мен “йўқ” деб жавоб бердим-ку, – дедилар. Бундай гўзал ахлоқни яна кимда ва қаерда топиш мумкин?



\*\*\*

Фузайл айтади: “Менга хабар беришларича, Умар ибн Абдулазизнинг бир ходими устидан шикоят қилинди. Умар ибн Абдулазиз унга:

– Эй биродарим, сизга дўзах аҳлининг унда абадий қолишини эслатаман. Аллоҳнинг даргоҳидан қувилишдан сақланинг. Бу сўнгги умиднинг узилиш куни бўлади, – деб хат ёзиб юборди. Ходим хатни ўқигач, шаҳарни топшириб, халифанинг ҳузурларига келди. Халифа ундан:

– Бу ерга келишингизнинг боиси нима? – деб сўради. Ходим:

– Хатингиз билан қалбимни бежо қилдингиз. Энди мен Аллоҳга йўлиққунча раҳбарликка қайтмайман, – деди.

\*\*\*

Маслама ибн Абдулмалик Умар ибн Абдулазизнинг ҳузурига келди. Унинг эғнида Миср матосидан кийим бор эди. Халифа Умар ибн Абдулазиз:

– Буни неча пулга олдинг, Абу Саъид? – деб сўради. Маслама унинг нархини айтди. Халифа:

– Нархини бироз туширсанг, обрўйинг камайиб қолармиди? – деди. Маслама:

– Йўқ, – деди. Халифа:

– Нархига яна қўшиб берсанг обрўйинг кўтарилиб қолармиди? – деди. Маслама:

– Йўқ, – деди. Халифа:

– Билиб қўй, Маслама, савдолашишнинг афзали бадавлат бўла туриб савдолашишдир. Кечиришнинг афзали жазолашга қодир бўла туриб кечиришдир. Мулойимликнинг афзали волий (ҳоким) бўлгандан кейинги мулойимликдир, деб унга насиҳат қилди.

\*\*\*

Шузабдан ривоят қилинади: “Умар ибн Абдулазиз Ироқдаги баъзи ишларга Солиҳ ибн Абдурраҳмон ва унинг бир шеригини волий қилиб тайинлаган эди. Бир куни иккови Умар ибн Абдулазизга одамлардан шикоят қилиб, “Уларни қилч ишлатмай ислоҳ қилиб бўламаяпти”, деб мактуб ёзишди. Умар ибн Абдулазиз уларга жавобан: “Сен икки аҳмоқ, мусулмонларнинг қонини тўкишни сўраяпсанларми? Мен учун битта мусулмоннинг қони тўкилгандан кўра икковининг қонинг тўкилгани энгилроқ”, деб ёзди”.

134

\*\*\*

Маймун ибн Меҳрон айтади: Бир роҳиб Умар ибн Абдулазизнинг олдига кирди. Умар ибн Абдулазиз ундан:

– Нима учун тинмай йиглаяпсан? - деб сўради.

– Эй мўминларнинг амири, мен шундай одамларни кўрганманки, улар учун диндан афзалроқ нарса йўқ эди. Бугун эса одамлар учун дунёдан афзалроқ нарса йўқ. Билдимки, бугун художўй одам учун ҳам, фожир одам учун ҳам ўлим яхши экан, – деди. У чиқиб кетгач, Умар ибн Абдулазиз:

– Рост айтдинг, эй роҳиб Абу Айюб, – деди”.

\*\*\*

Абул Аъюн айтади: “Байтул Мақдис ҳовлисида Холид ибн Язид ибн Муовия билан бирга эдим. Бир ёш йигит келиб, Холидга салом берди. Холид унинг саломига алик олди. Йигит:

– Бизнинг устимизда бирор кузатувчи борми? – деди. Мен Холиддан илгари:

– Ҳа, тепангизда эшитадиган ва кўрадиган Зот бор, – дедим. Йигитнинг кўзлари ярақлади, қўлини Холиддан тортиб, кетиб қолди. Мен Холиддан бу йигитнинг

кимлигини сўрадим. “Уни танимайсанми, бу мўминлар амирининг жияни Умар ибн Абдулазиз-ку? (Умар ибн Абдулазиз халифа Абдулмалик ибн Марвоннинг жияни бўлади). Агар Аллоҳ икковингизга умр берса, ҳали унинг йўлбошчи бўлганини кўрасан”, деди.

\*\*\*

Авзойидан ривоят қилинади: “Умар ибн Абдулазиз оила аъзоларига улушларни тақсимлаб бериб, уй-уйларига тарқалишни буюрди. Анбаса ибн Саид айтади:

– Эй мўминларнинг амири, бизнинг қариндошчилигимиз бор-ку? дедим. Умар ибн Абдулазиз:

– Сизларга берадиган ортиқча молим йўқ, бу молда сизларнинг қандай ҳаққингиз бўлса, Баркул Ғимоднинг энг чеккасида яшайдиганларнинг ҳам шундай ҳаққи бор. Улар узоқда яшагани учун ҳаққини ололмайди, холос. Аллоҳга қасамки, ишлар чаппасига айланиб, ҳамма ҳам сизлар каби фикрлайдиган бўлиб қолса, Аллоҳнинг азоби тушади, – деди. Умар ибн Абдулазиз намоздан сўнг қавмнинг бир четига бориб ўтирар, улар дуога қўл кўтарганда қўшилиб дуо қиларди”.

\*\*\*

Ривоят этилишича, Абдумалик ибн Умар ибн Абдулазиз вафот этганида отаси Умар ибн Абдулазиз уни дафн этди ва устига тупроқ тортди. Сўнгра ўрнидан туриб қаддини ростлади. Атрофида одамлар уни ўраб туришарди. Шунда у айтди: “Эй ўғлим! Аллоҳ сени раҳматига олган бўлсин! Сен отангга меҳрибон эдинг. Аллоҳ номига қасамки, Аллоҳ таоло сени менга ато этганидан бери сендан масрур эдим. Аллоҳга қасамки, сен туфайли қаттиқ хурсанд бўлган эдим. Энди Аллоҳ таоло ихтиёр этган шу манзилга танангни қўйганимдан буён Аллоҳ таолодан сен туфайли бўладиган саодатимни кўпроқ умид этяпман”.

## ХАЛИФА ВА ҲАСАН БАСРИЙ

Умар ибн Абдулазиз халифалик тахтига ўтирганидан кейин ҳаётини тубдан ўзгартириб, зоҳидлик, камтарлик ва хокисорлик йўлини танлашига ўша пайтдаги атоқли олим ва зоҳид Ҳасан Басрий раҳматуллоҳи алайҳ билан олиб борган ёзишмалари ва қилган суҳбатлари катта фойда берди. Адолатли ҳукмдор ва тақволи олимнинг ўзаро муносабатлари Ислом тарихидаги ибрат бўларли энг шонли саҳифалардандир.

Ҳасан Басрий ҳукмдор Умар ибн Абдулазизга бир куни шундай маънода мактуб ёзди: “Эй мўминларнинг амири, бу дунё қолиш диёри эмас, кетиш диёридир. Зеро, Одам алайҳиссалом жазоланиш учун жаннатдан бу дунёга туширилган. Аллоҳнинг мукофоти нималигини билмайдиган баъзи одамлар дунёни мукофот деб ўйлайди. Аллоҳнинг жазоси нималигини биладиганлар эса, бу дунёнинг жазо эканини билишади. Бу дунё ҳаёти курашлардан иборат. Аммо бу оддий кураш эмас. Бу кураш дунёдаги ҳурматли инсонларни ерга уради, азизларни хорлайди, обрўлиларни йиқитади. Дунёнинг ҳар лаҳзасида қурбонлар бор. Дунё бамисоли бир заҳардир, билмаганлар ундан еб, ҳалок бўлади. Бу дунёда охиратга захира тўплаш учун дунёни тарк қилиш керак. Дунёдаги фақирлик охиратдаги бойликдир. Эй мўминлар амири, бу дунёда танасидаги жароҳатни даволайдиган одам каби бўлинг. Жароҳатини даволайдиган киши узоқ давом этадиган қийноқдан қутулиш учун дорининг машаққатига сабр қилади. Дунёда фазилатли бўлган кишилар тўғри сўзловчи, тавозе билан юривчи, пок ризқлардан еювчи ва ҳаромлардан кўзини тиювчилардир. Уларнинг қуруқликдаги кўрқуви денгиздаги кўрқуви билан бир хил бўлади, хурсандчилик пайтдаги дуолари эса қийинчи-

ликдаги дуолари билан бир хил бўлади. Холиқни буюк деб билганлари учун уларнинг наздида махлуқлар кичикдир. Билингки, эй мўминларнинг амири, тафаккур яхшиликка ва унга амал қилишга чақиради. Ёмонликка пушаймон бўлиш, ёмонликни тарк этишга чақиради. Фоний ва ўткинчи нарса, ғарчи кўп ва талаби катта бўлса ҳам боқий нарсага таъсир ўтказа олмайди. Оқибати узоқ роҳат бўлган вақтинчалик қийинчиликка тоқат қилиш узоқ надомат ва абадий қийинчиликка сабаб бўладиган нақд роҳатдан яхшироқдир. Ҳалок қилувчи бу дунёдан эҳтиёт бўлинг. У ўзининг ҳийла-найрангини чиройли қилиб кўрсатадиган, алдовлари билан ҳалок қиладиган ва орзулари билан алдайдиган хорликка олиб борадиган қотилдир”.

Умар ибн Абдулазиз насиҳат қилишни сўраб, Ҳасан Басрийга мактуб жўнатди. Ҳасан Басрий унга бундай насиҳат қилди: “Дарҳақиқат, олдинда улуғ қўрқинч ва муҳим ишлар турибди. Мушоҳада эт: ё нажот топасан ё ҳалокатга юз тутасан. Билки, нафсини ҳисоб-китоб қилган одамнинг савдоси фойдали бўлди. Ким бундан ғофил қолди – савдоси касод бўлди. Амали оқибатига назар солган киши нажот топди, ҳавосига эргашган адашди. Ҳалимлик – бойлик. Аллоҳдан хавфи кўп одам ибратланувчидир. Ибратланган киши басират эгасидир. Ким басират эгаси бўлса, тушунган зотдир. Тушунган зот Аллоҳни танувчидир. Буларни англа! Йўлдан тойган заҳотинг йўлга қайт! Пушаймонлик туғилган заҳоти гуноҳлар ичидан суғурилиб чиқ! Билмасанг, сўра! Ғазаблансанг, газабингни бос!”

Халифа Умар ибн Абдулазиз атоқли тобеинлардан Ҳасан Басрийга: “Аллоҳ таолонинг амрларини бажаришда кимлардан ёрдам сўрашим мумкин, шуларни кўрсатиб берсангиз” деб мактуб ёзди. Ҳасан Басрий шундай жавоб қайтарди: “Дин аҳли сизнинг ҳузурингизга бо-

ришни хоҳламайди. Дунё ақдини эса сиз хоҳламайсиз. Лекин сиз шарафли зотларни маҳкам тутинг, чунки улар хиёнат билан булганишдан шаънларини қаттиқ муҳофаза қиладилар”.

Умар ибн Абдулазиз Ҳасан Басрийга мактуб ёзиб, “Менга дунё ишини тўплаб ва охират ишини васф қилиб беринг” деб айтган эди, Ҳасан Басрий қуйидаги сўзларни ёзиб юборди: “Албатта дунё туш, охират эса уйғоқлик, ўлим унинг ўртаси, бизлар эса алғов-далғов туш кўрмоқдамиз. Ким ўз нафсини ҳисоб-китоб қилса, фойдани қўлга киритади. Ким гафлатда бўлса, ютқзади. Ким оқибатга қараса, нажот топади. Ким ҳавои нафсига эргашса, адашади. Ким ҳалим бўлса, ўлжани қўлга киритади. Ким Аллоҳдан кўрқса, омонда бўлади. Ким ибрат назари билан боқса, кўради. Ким кўрса, англайди. Ким англаса, билади. Ким билса, амал қилади. Агар тўғри йўлдан тойилсанг, ортга қайт. Агар афсуслансанг, ўша афсус келтирган нарсани илдизи билан суғуриб ташла. Агар билмасанг, сўра. Агар газабинг келса, ўзингни бос. Билиб қўй: Энг афзал амал нафс ёқтирмаган нарсалардир”.

Ҳасан (Басрий) Умар ибн Абдулазизга мактуб ёзиб, унда: “Аллоҳдан бошқа бирор кишидан ёрдам кутма, агар шундай қилсанг Аллоҳ сени у кишига ташлаб қўяди”, деди.

Абуд Дунё зикр қилади: Ҳасан Басрий Умар ибн Абдулазизга мактуб йўллаб, унда қуйидагиларни ёздилар: “Ҳамду санодан кейин! Дунё жўнаб кетиладиган диёр, яшаб қолинадиган диёр эмас. Одам алайҳиссаломни дунёга азоблаш учун туширилган. Эй мўминларнинг амири, эҳтиёт бўл! Дунёни тарк қилиш уни жамғариш дегани, дунёда йўқсил юриш бадавлат бўлиш, деганидир”.

## САМАРҚАНД ЭЛЧИСИ БИЛАН УЧРАШУВ

Қутайба ибн Муслим томонидан Самарқанд фатҳ қилинганида Ислом дунёсига тақвоси, зуҳди, адолати, обидлиги ва солиҳлиги билан тилларда дoston бўлиб кетган Умар ибн Абдулазиз халифалик қиларди. Рум қайсарии ва Форс шоҳлари эга бўла олмаган ерлар Умар ибн Абдулазизга тобе эди. У ҳукмдорлик қилган салтанат ҳудудлари чегараси Атлантика уммонидан бошланиб, Хитойгача етган эди. Самарқанд фатҳи билан боғлиқ ушбу ажойиб воқеа кўпгина тарих китобларидан жой олган.

Машҳур саркарда Қутайба ибн Муслим бошчилигидаги мусулмонлар қўшини Самарқанднинг шарқий тарафига келганида шаҳар аҳолиси бундан хабар топиб, шаҳар ортидаги тоққа қараб юришади. Бу билан мусулмонлар орқа тарафдан ҳужум қилиш имкониятига эга бўлишади. Сўнг улар яшин тезлигида шаҳарга бостириб киришади ва такбир айтган ҳолларида Самарқанд марказини тез эгаллашади. Аҳolini эса ўзларига тўла бўйсундира олишмайди. Шаҳар ҳокими бошлиқ коҳинлар ва қўмондонлар тоғлар орасидаги бутхоналарга қараб қочишади. Аҳоли эса мусулмонлардан кўрқиб, уйларига беркиниб олади.

Бироз вақт ўтганидан кейин самарқандликлар сув ва таом топиш учун уйларидан аста-секин чиқа бошлайди. Улар бошда синаш учун ўз болаларини ташқарига чиқаришади – қарашса, мусулмонлар уларга мутлақо тегмаяпти. Аксинча, керакли нарсаларини уйларига олиб келишда ёрдамлашиб ҳам туришибди. Болалар эса хурсанд ҳолларида уйларига егулик ва ичимликларни ташиб келтиришар эди. Шу тариқа шаҳарликларнинг кўнгли хотиржам бўлиб, ўз ер ва мулкларига қайта бошлашади. Энг қизиги, улар мол-мулкларини қандай ҳолатда қолдиришган бўлишса, қайтиб келгач, уларни ўша ҳолатда



топишади. Чунки араб қўшинлари уларнинг бир чўпига ҳам тегмаган эди. Самарқанд аҳли олдинги одатий ҳаётини давом эттиришга киришади. Мусулмонлар ва самарқандликлар орасида савдо-сотик ва бошқа муносабатлар ўрнатила бошланади.

Самарқандликлар мусулмонларда омонатдорлик, холислик, адолат ва тўғрилиқни кўришди. Мусулмонлар тарафидан уларга ҳеч қандай зулм ҳам бўлмади.

Шу орада бир самарқандлик киши билан мусулмон аскарлари ўртасида баҳсли тортишув содир бўлди. Мусулмонларнинг шаръий маҳкамаси (суди) бунда самарқандликнинг фойдасига қарор чиқарди. Бу шаҳар аҳолисининг чексиз ҳайратига сабаб бўлди. Ушбу воқеа ҳақидаги хабарлар тоққа қочиб кетган роҳибларга ҳам етиб борди. Ўшанда улар “агар босқинчилар адолат билан ҳукм қилаётган бўлса, уларнинг амирлари ҳам солиҳ киши эканига шубҳа йўқ”, деб ўзларидан бир кишини элчи қилиб, пойтахтга юборишди.

Ҳамюртларидан топшириқ олган ёш коҳин юрагида кўрқув ва хавотир билан Дамашққача етиб борди. Кўзи катта бир саройга тушди. Амирнинг саройи бўлса керак, деб ўйлади. Бироқ одамлар негадир бу саройга бемалол кириб-чиқиб туришарди. У ҳам дадилланиб саройга кирди. Бу бино чиройли ва қимматбаҳо тошлар билан безатилган, узун минорали машҳур Умавийлар масжиди бўлиб, йигит кириб борганида кимдир сажда қилаётган, кимдир рукуда эди... Бундай мўъжизавий ҳолатни кўрган элчи бу ҳақда ўйлай бошлади: “Бу қандай жой? Шунча одам нима билан шугулланыпти?” У мусулмонларнинг тезда саф тортаётганини кўриб, бунчалик кўп одамнинг қисқа лаҳзада бир текис сафланганидан ҳайрати ортди.

Намозни адо қилиб бўлган одамлар масжиддан чиқа бошлашди. У мусулмонлардан бирининг олдига бориб,

уларнинг амири турадиган саройи қаердалигини ва амир билан қандай кўришиши мумкинлигини сўради. Мусулмон:

– Ахир амиримиз намозда имом бўлди-ку, наҳотки уни кўрмаган бўлсанг? – деди. Йигит:

– Намоз нима? – деб сўради. Мусулмон:

– Ягона ва шериги бўлмаган Аллоҳ таолога таслим бўлиш ва унга ибодат қилиш, – деб жавоб берди. Сўнг у йигитдан:

– Сен мусулмон эмасмисан? – деб сўради. Элчи:

– Йўқ, – деб жавоб берди. Мусулмон эса табассум билан:

– Сен қайси диндасан? – деб сўради. Йигит:

– Мен Самарқанд коҳинлари эътиқод қилаётган диндаман. Улар эса бутларга сиғинишади, – деди. Мусулмон:

– Биз мусулмонлар Аллоҳ таолога ибодат қиламиз ва Унга ҳеч бир нарсани шерик қилмаймиз, – деди. Сўнг у мўминлар амирининг манзилини тушунтириб берди.

Элчи йигит унинг айтганларига қараб уйни топиб борди. Уй олдида бир киши деворини таъмирлаётган экан. Унинг кийимига лой теккан, ўзи ночорроқ бир ҳолда эди. Йигит масжидга қайтиб келиб, ҳалиги мусулмонни топди ва:

– Устимдан куляпсанми, мен мўминлар амирини сўраяпман, сен эса деворини таъмирлаётган бир фақир одамга йўллабсан, – деди. Мусулмон йигит билан қайтиб келиб, халифа Умар ибн Абдулазизнинг уйига келишди. У деворини тузатаётган одамнинг амир эканини айтганида, йигит “Ҳазиллашмаяпсанми?” деди. Мусулмон эса Аллоҳ номи билан қасам ичди. Элчи йигит юртидаги коҳинларнинг кибри ва калондимоғлигини эслаб, қаршисидаги одамнинг амир эканига ишона олмас эди.

Бўлаётган воқеалардан кўнглига таскин ва хотиржам-

лик тушган йигит мўминлар амирига яқинлашиб, арзи ҳоқ қилишга ўзида журъат топа олди. Халифа ундан нима мақсадда келганини сўраганида, у шундай жавоб қилди:

– Амирим, сиздан Самарқанд аҳлининг ҳақ-ҳуқуқини сўраб келдим. Сизга саркардангиз Қутайба ибн Муслимнинг устидан шикоят қилиб келдим. Биз сизнинг адолат-парварлигингизни биламиз, бизларга инсоф қилишингиздан умидвормиз. Қутайба бизга тўсатдан ҳужум қилди. Сиз, мусулмонларнинг душманга уч кун муҳлат беришингизни ҳам, кириб борган ўлкаларингиз аҳолисига Ислом ёки жизя ёхуд урушдан бирини танлаш ихтиёрини бериш одатингиз борлигини ҳам билардик, – деди. Умар:

– Бу бизнинг одатимиз эмас, балки Аллоҳнинг амри ва Унинг Расули суннатларидир, – деди. Шунда йигит:

– Қутайба эса бундай қилмади, – деди.

Йигитнинг гапларини диққат билан тинглаган амир дарров қарор чиқаришга шошилмади, зотан унинг бир тарафни тинглабоқ хулоса чиқарадиган одати ҳам йўқ эди. У бир парча қоғоз олди ва икки қатор сўз ёзиб, йигитга шундай деди:

– Буни Самарқанд ноибига етказ, у сизларга зулм қилишдан тўхтайти. Йигит Дамашқдан Самарқандга қараб йўлга тушди. Чўл ва тоғлардан ўтиб борар экан, ўзича: “Шу биргина мактубнинг Қутайба қиличларига қарши кучи етармикин?” деб ўйларди.

Самарқандга етиб келиб, у мактубни коҳинларга берди. Улар эса, бу мактубга кўра қарор чиқариши учун уни ноибга беришди. Самарқанд ноиби Жамиъ ибн Ҳозир Божий номадан ҳайратга тушса ҳам мўминлар амирининг қўли билан ёзилган битикни дарров таниди. Мактубда эса қуйидаги сўзлар битилган эди: “Мўминлар амиридан Самарқанд ноибига. Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва барокатуҳ! Самарқанд коҳинлари билан

Қутайба ўртасидаги мубоҳасани ҳал қилиш учун қози тайинла. Ўзинг эса, Қутайба ибн Муслимнинг ўрнини эгалла”. Ноиб Қутайбани ғалаба ва фатҳлардан чалғитмаслик учун орқага қайтаришни истамас эди. Бироқ на чора: амирнинг буйругини бажариш керак.

У тезда қози тайин қилади. Қози Қутайбага одам юбориб, маҳкамага чорлади. Маҳкаманинг масжидда бўлиши тайин қилинди. Коҳин ва аҳolini ҳам масжидга йиғишди. Қутайба ибн Муслим ҳам етиб келди. Унга қозининг буйруги етиб борганида у Самарқандга қайтиш учун икки кун одан тушмай йўл босган эди. Коҳинлар Қутайбанинг қайтиб келганини эшитиб, қўрқувдан қора терга ботишди.

Қутайба масжидга кирди, қиличини қўйди ва қозининг олдига келиб ўтирди. Қози эса Қутайбага даъвогарлар ёнида ўтиришни буюрди. Маҳкама бошланди. Қози коҳинга юзланиб, даъвосини айтишини сўради. Коҳин: “Бу қўмондонингиз Қутайба ибн Муслим диёримизга огоҳдантиришсиз кирди. Ҳамма мамлакатларга уч танлов; ислом, жизя ёки ҳарбни таклиф қилди. Аммо бизни ҳийла билан босиб олди”, деди. Қози Қутайбага юзланиб:

– Бу шикоятга нима дейсан? - деди. Қутайба унга жавоб қилди:

– Аллоҳ қозини ислоҳ қилсин! Ҳарб бу ҳийладир. Бу мамлакат ўта қудратли. Фатҳ олдида тўғаноқ бўлиб турганди. Мен билардимки, агар икки томон урушадиган бўлса, қонлар анҳор бўлиб оқарди. Аллоҳ мени бу режага йўллади. Бу кутилмаган ишимиз билан мусулмонларни катта зарардан муҳофаза қилдик ва душманимизнинг ҳам жонини асраб қолдик. Ҳа, биз уларни фавқулодда ҳолатга солиб қўйдик, лекин уларни қутқардик ва уларга Исломни танитдик!

**Қози унга:**

– Эй Қутайба, уларни Исломга ёки жизяга ёхуд ҳарбга чақирдингларми? – деди. Қутайба шундай жавоб қилди:

– Йўқ. Айтган сабабларимга кўра, уларнинг устига кутилмаганда ҳужум қилдик. Шунда қози айтди:

– Эй Қутайба, сен иқрор бўлдинг. Агар даъво қилинаётган киши айбига иқрор бўлса, муҳокама тугайди. Эй Қутайба, Аллоҳ бу умматга фақат дин туфайлигина нусрат берган. Хиёнатдан сақланиш ва адолат билан туриш диннинг буюкликларидандир. Аллоҳга қасамки, биз уйимиздан Аллоҳ йўлида жиҳод қилиш учунгина чиққанмиз. Ерга эга бўлиш, мамлакатларни босиб олиш ва унда ноҳақ устун бўлиш учун чиқмаганмиз!

Сўнг қози башарият тарихидаги энг ҳайратланарли ва ажойиб ҳукми чиқарди:

– Барча мусулмон қўшини Самарқанддан уч кун ичида қандай тез кирган бўлса, шундай тез чиқиб кетсин ва шаҳарни ўз аҳлига қайтариб берсин. Улар учун урушга ҳозирланишга муҳлат берилсин. Сўнг уларни огоҳлантириб, Ислом ёки жизя ёхуд ҳарб ўртасида ихтиёр берсинлар. Агар улар ҳарбни танласалар, у ҳолда уруш бўлади. Бу Аллоҳ таоло шариатининг ва Пайгамбар суннатининг татбиқи бўлади.

Муаррихлардан Мустафо Ҳусний Сибабий шундай ёзади: “Аҳли Самарқанд бу ҳолни кўриб ҳайратда қолди, қўшини ва қўмондонининг зарарига бўлса ҳам адолат билан ҳукм юритаётган бу давлатнинг мисли йўқ эканини англади. “Бу миллатга қарши курашилмайди, чунки унинг ҳукми раҳмат ва неъматдир”, деб Ислом қўшинининг қолишига рози бўлишди ва ўз ораларида мусулмонларнинг яшашларини маъқул кўришди”.

Мусулмонлар шаҳарни тарк қила бошлашди, қози ҳам ўрнидан туриб, коҳинлар олдидан чиқиб кетди.

Коҳинлар ўз кўзларига ишонмай қолишди, Самарқанд аҳли эса мусулмонлар шаҳарни қандай тарк қилаётганини ажабланиб кузатиб қолишди. Шунда элчи йигит: “Аллоҳга қасамки, уларнинг дини – ҳақ”, деди ва шаҳодат калимасини айтди. Йигитнинг ортидан коҳинлар ҳам Аллоҳнинг ягоналигига шаҳодат келтириб, Исломни қабул қилишди. Ушанда иш узоқ чўзилмай, Самарқанд аҳлининг ҳаммаси Исломни қабул қилган эди.

## УМАРНИНГ АДОЛАТИ

145

Мужоҳиддан ривоят қилинади: “Умар ибн Абдулазизга суиқасд уюштирилди. Хизматкори унинг таомига заҳар солган эди. Умар ибн Абдулазиз мени чақириб:

– Одамлар мен ҳақимда нима дейишяпти? – деб сўради.

– У сеҳрланган дейишяпти, – дедим.

– Мен сеҳрланган эмасман, – деди. Кейин хизматкорини чақириб:

– Шўринг қурсин! Нима учун менга заҳар ичирмоқчи бўлдинг? – деди. Хизматкор:

– Озод бўлиш учун минг динор беришим керак эди. Уша пул учун бу ишни қилдим, – деб жавоб берди. Умар уни чақириб, хазинага олиб борди ва шунча миқдордаги пулни унга бериб,

– Ҳеч ким кўрмайдиган жойдан чиқиб кет, – деди. Бундан ортиқ ҳам афв, кечиримлилик бўлиши мумкинми?”

Ҳимс ҳокимларидан бири Умар ибн Абдулазиз розияллоҳу анҳуга: “Ҳимс шаҳри вайрон бўлди. У ислоҳга муҳтож” деб хат ёзган эди, Умар розияллоҳу анҳу унга: “Шаҳарни адолат билан мустаҳкамла (идора қил), кўчаларини жабр-зулмдан тозала. Вассалом”, деб ёзиб юборди.

Умар ибн Абдулазиз бошқа юртдан келган бир одамдан: “Менинг амалдорларим сизлар билан қандай муомала қилишяпти?” деб сўради. У киши бундай жавоб берди: “Катта ва бош ариқнинг суви тиниқ, тоза ва пок бўлса, ундан ажралиб чиқадиган ариқчаларда оқадиган сувлар ҳам тиниқ ва покиза бўлади”. Ҳақиқатан ҳам, ўзининг қисқагина ҳукмдорлик йилларида халифа Умар ибн Абдулазиз Ислом салтанатини шунақанги одиллик ва тадбиркорлик билан бошқарган эдики, ундан ибрат олган бошқа катта-кичик амалдорлар ҳам адолат, инсоф ва раиятга меҳрибонликда бир-бирлари билан мусобақа ўйнашар эди.

Умар ибн Абдулазиз ҳокимлардан бирига шундай мазмунда хат юборди: “Амма баъд: агар сени кишилар устида қодир бўлиб турганинг уларга зулм қилишга ундаб қолса, дарҳол Аллоҳнинг сенга қудратини, улар олдига боришинг тугашини, уларнинг сенга келиши боқийлигини эсла! Вассалом”.

Миср қишлоқларидан Жизада Фартуна исмли қоратанли аёл яшарди. Унинг ёши етмишдан ошган бўлса-да, на бола-чақаси, на қариндош-уруғи бор эди. Бир куни у мўминлар раҳбари Умар ибн Абдулазизга қуйидаги мазмунда мактуб ёзди: “Ҳовлимнинг деворлари нураб, йиқилай деб турибди. Бир неча товугим бор эди, болалар кириб ўғирлаб кетишяпти. Деворни кўтариб уриш учун куч-қувватим ҳам, пулим ҳам йўқ. Ҳовлимга девор урдириб беришингни сўраб, сенга хат ёздим”.

Умар ибн Абдулазиз қўлига қоғоз ва қалам олиб, қуйидаги мактубни битди: “Мўминлар амири Умар ибн Абдулазиздан Миср волийи (ҳокими) Айюб ибн Шураҳбилга. Қоратанли Фартунанинг Жизадаги уйига бориб, унга мендан салом айт ва ҳовли деворларини кўтариб уриб бер”.

Хатни Миср волийга етказишди. Волий: “Қоратанли Фартуна ким?” деб суриштира бошлади. Ниҳоят Жизага келиб, бир аёлнинг ташландиқ уйига кўзи тушди. Ҳовлига кириб аёлдан сўради:

– Сен Умар ибн Абдулазизга хат ёзганмидинг?

– Ҳа, уйим деворини кўтариб беришини хоҳлайман.

– У сенга салом йўллаб, деворларингни янгилаб беришимни буюрди.

– Сен лойкашмисан?

– Мен волийман.

– Йўқ, менга девор урадиган лойкаш устани юбор.

– Бу ишни ўзим бажараман, – деди-да, волий кийимларини алмаштириб Фартунанинг деворини уриш учун ғайрат билан лой қоришга киришиб кетди.

Халифа Умар ибн Абдулазиз ҳикмат ва мулоимликда таниқли кишилардан бири эди. Кунларнинг бирида ўғилларидан бири ҳузурларига кириб:

– Эй отажон! Нима учун баъзи ишларга енгил қарайсиз? Аллоҳга қасам, агар сизни ўрнингизда бўлганимда ҳақни айтишда бирор кишидан қўрқмас эдим, – деди. Шунда халифа ўғилларига:

– Эй ўғлим, шошқалоқлик қилманг! Аллоҳ таоло аввалига хамрни Қуръонда икки марта ёмонлади. Охири учинчисида ҳаром қилди. Мен ҳам одамларга аввалги мартадаёқ мажбурлаб, кейин улар уни рад қилиб қолишларидан ва оқибатда фитна келиб чиқишидан хавф қиламан, деди. Ўғиллари оталарининг яхши тадбирларини эшитгач рози бўлган ҳолда чиқиб кетди. Оталари бу нарсани заифҳоллигидан эмас, динини яхши фаҳмлаганидан шундай қилишини билди.

Умар ибн Абдулазиз халифалик мансабига ўтиргач, у кишининг атрофида сарой аъёнлари таъзим билан қўл қовуштириб тик турган ҳолда илтифот кўрсата бошлаш-

ди. Умар ибн Абдулазиз бу каби такаллуф ва мулозаматни ёқтирмас эди. У аъёнларига шундай деди: “Агар сизлар тик турсангиз, биз ҳам тик турамиз. Ўтирсангиз биз ҳам ўтирамиз. Инсон фақат Оламлар Раббиси – Аллоҳни улуғлаб тик туради, холос. Аллоҳнинг фарзлари, суннатлари бор. Ким уларни маҳкам тутса, бизга қўшилади. Тарк этганлар эса сафимиздан чиқарилади. Биз билан дўст бўлишни истаганлар қуйидаги беш нарсага амал қилишсин: 1) муаммоларини бизга етказа олмаганларнинг муаммоларини бизга етказишсин; 2) биз билмаган адолат йўлларига бизни йўллашсин; 3) ҳақни рўёбга чиқаришда бизга кўмакчилик қилишсин; 4) одамларнинг бизга аталган омонатларини бизга, бизнинг омонатларимизни эса одамларга етказсин; 5) ҳузуримизда ҳеч кимни ғийбат қилмасин. Шу беш қоидамизга кўнмаганлар биз билан алоқасини узсин!”

Умар ибн Абдулазиз навбатчи соқчилари олдига чиққанида уларга шундай дер эди: “Менинг учун ўрнингиздан тик турманг! Менга биринчи бўлиб салом берманг! Сизларга салом бериш бизнинг бурчимиздир!”

## ЗАМОНДОШЛАРИНИНГ ФИКРЛАРИ

Адолатли ҳукмдор Умар ибн Абдулазиз ҳақида имом Аҳмад ибн Ҳанбал шундай деган: “Мадина волийлигига Умар ибн Абдулазиз раҳбар бўлган пайтларида Анас ибн Молик зиёрат мақсадида келдилар ва намозда у кишига иқтидо қилдилар. Ва ажабланган ҳолатда шундай дедилар: “Мен қанчадан-қанча саҳобалар ортида намоз ўқидим. Лекин Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан кейин Расулуллоҳнинг намозларига ўхшатиб ўқийдиган бу имомингиздан бошқасининг ортида намоз ўқимадим”.

Тобеинлардан имом Заҳабийнинг халифа Умар ҳақида шундай сўзи бор: “Умар ибн Абдулазиз аҳли илмлар наздида, амалли олимлардан ва хулафои рошидинлардан ҳисобланади. У имом, фақиҳ, мужтаҳид, суннатни билувчи, шаъни буюк, ҳужжатни сақловчи зотдир. У илмларнинг асли ва фаръиларини билишда инсонларнинг энг билимдонидир. Умар ибн Абдулазиз ҳузурларида олимлар шогирд бўларди, холос. Тобеинлар ичида фақат Умар ибн Абдулазизнинг сўзи ҳужжат эди”.

Сухайл ибн Абу Солиҳ айтади: “Биз ҳаж мавсумида Арафотда турган эдик. Ёнимиздан Умар ибн Абдулазиз ўтганларида одамлар ўринларидан туриб, унга қарашарди. Мен отамга:

– Отажон, Аллоҳ таолонинг Умар ибн Абдулазизни яхши кўришини тушуниб қолдим, – дедим. Отам менга:

– Нима сабабдан бундай деяпсан? – деди.

– Умар ибн Абдулазизга одамлар қалбида катта муҳаббат бор, – дедим. Отам шундай деди:

– Бўлмаса отангдан эшит. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан шундай ривоят қилади: **“Агар Аллоҳ бир бандасини яхши кўрса, Жаброил алайҳиссаломни чақириб, “Мен фалончи бандамни яхши кўрдим, сен ҳам уни яхши кўргин”, дейди. Шунда уни Жаброил алайҳиссалом яхши кўради. Сўнгра осмонга нидо қилиб: “Албатта, Аллоҳ фалончини яхши кўрди, сизлар ҳам уни яхши кўринглар”, дейди. Шунда осмон аҳли уни яхши кўради. Сўнгра Ер аҳли ҳам уни яхши кўради”** (Муслим ривояти). Шундан сўнг одамлар ўша бандани ўз-ўзидан яхши кўриб қолишади. Аллоҳ таоло бир бандасини ёмон кўрса ҳам худди шу тариқа бўлади. Яъни: “Агар Аллоҳ бир бандасини ёмон кўрса, Жаброил алайҳиссаломни чақириб, Мен фалончи бандамни ёмон кўрдим, сен ҳам уни ёмон кўргин, – дейди...”

Зоҳид ва олим Молик ибн Динор айтади: “Инсонлар Молик ибн Динорни зоҳид одам дейишади. Мен қанақасига зоҳид бўлайин? Зоҳидликнинг бари Умар ибн Абдулазизда. Дунё унинг олдига менинг хазиналаримни олгин деб, огзини очиб келди. У дунёни бутунисича тарк қилиб, зоҳидлардек яшади. Зоҳид одам шу киши-да, бошқа ким ҳам бўларди?”. Ҳақиқатан, Умар ибн Абдулазиз ҳукмдор бўлса ҳам нафсини дунё матоларидан тия олган зотлардан бири эди. Дунё молларига эга бўлатуриб, ундан ўзини тия олиш ҳақиқий зоҳиднинг ишидир.

Жассор Қассоб айтади: “Мен Умар ибн Абдулазиз замонларида қўйларни соғардим. Кунларнинг бирида қўй боқадиган чўпоннинг олдига иш юзасидан борсам, унинг ёнида ўттизта бўри айланиб юрган экан. Мен уни қўйларни қўриқлайдиган итлар бўлса керак, деб ўйлабман. Бундан олдин бўрини сира кўрмагандим. Шунинг учун чўпондан:

– Шунча итни нима қиласиз? – десам, чўпон менга:

– Эй ўғлим! Булар ит эмас, бўри! – деди. Мен ажабланиб:

– Субҳаналлоҳ! Бурилар қўйлар ичида бемалол юрибди-я! Сизга ва қўйларга бу ваҳший бўрилар зарар етказиб қўймайдими, ғажиб ташламайдими?! – десам, у хотиржам холатда:

– Эй ўғлим, бу қўйларнинг закоти берилган, закоти берилган моли дунёни бўри емайди, сувда чўкмайди, оловда ёнмайди, қароқчилар тунамайди. Мен очиқ гувохманки, агар одам ўз зиммасидаги закотни қизғанчиқлик қилмай, белгиланган муддат ичида берса, унинг мол-дунёсини Аллоҳ еру осмонлар ва улар ўртасидаги барча нарсаларнинг балосидан сақлайди. Кейин чўпон яна шундай деди: – Эй ўғлим, агар бош соғлом бўлса, жасадга ҳеч нарсанинг зарари йўқ! Яъни агар давлат бошлиги солиҳ бўлиб, закотни ўз халқидан мажбурлаб

бўлса ҳам олиб, ҳақдорларига тарқатса, Аллоҳ таоло уни ва халқини барча офатлардан сақлайди. Умар ибн Абдулазиз халифа бўлган пайтларида закотни халқидан ўз вақтида йиғиб олиб, уни ҳақли кишиларга тарқатишни жуда яхши йўлга қўйган эди”.

Мусо ибн Аъян айтади: “Умар ибн Абдулазиз даврида давлат хазинасига тегишли қўйларини далаларда боқардик. Бир жойнинг ўзида қўйлар, бўрилар ва ваҳший ҳайвонлар бемалол юрарди. Бир кун тунда бўри бир қўйни судраб олиб кетди. Биз уни излаб, ўлган ҳолида топдик. Кейин билсак, унинг закоти берилмаган экан”.

Яҳё ибн Кассир ёзади: “Умар ибн Абдулазиз қўл остидаги амалдорларга шундай мазмунда мактуб йўллади: “Илм талабидаги кишиларга нафақа беришни жорий қилинглар. Илм олиш учун ўзларини фидо қилсинлар ва уларни илм олиши учун нима имконият бўлса, сарфланглар”.

Ибн Шиҳоб шундай деган: “Менга Умар ҳадисларни жамлашни буюрди. Мен уни варақларга ёзиб чиқдим. Ва Умар уни ўзи бошқарувида бўлган барча жойлардаги волийларга тарқатди”.

Зоҳидларнинг улуғи Абу Сулаймон Дороний айтади: “Умар ибн Абдулазиз Увайс Қаранийдан ҳам зоҳидроқдир. Чунки Умарга дунё мулки ҳар тарафлама берилса ҳам, Умар дунёдан юз ўгирди. Биз Увайс Қаранийнинг ҳолини билмаймизки, агар унга Умарга берилган мулк юкланганида нима қиларди, ҳоли нечук бўларди?”

Муҳаммад ибн Али ибн Ҳусайн шундай дейди: “Мен ҳар бир қавмда бир зоти улуг, насли тоза кишини билман. Бани Умайянинг энг зоти улуги Умар ибн Абдулазиздир. Албатта, у қиёмат кунида якка бир уммат қилиб юборилади”.

Абдуллоҳ ибн Абдуллоҳ: “Умар ибн Абдулазиз ҳузуридаги уламолар унга шогирд каби бўлиб қоларди”, деган.

Мужоҳиднинг шундай сўзлари бор: “Биз Умар ибн Абдулазизнинг ҳузурига келганимизда унинг бизга муҳтожлигини кўрардик. Биз унинг ҳузуридан чиқганимизда эса унга муҳтожлигимизни билардик. Биз Умарнинг олдига таълим олиш учун келардик. Ундан бирор нарсани ўрганмай туриб уни тарк қилмасдик”.

Маймуна ибн Миҳрон: “Умар ибн Абдулазиз уламоларнинг муаллими эди”, деган.

## ХАЛИФАНИНГ ВАФОТИ

Абу Салим Ҳузалий шундай дейди: “Умар ибн Абдулазиз халифалиги охирида хутба қилиб, шундай деди: “Амма баъд. Аллоҳ таоло сизларни бекорга яратмаган ва ишларингиздан ҳеч бирини ҳисоб-китобсиз қолдирмайди. Сизлар, албатта, оламдан ўтасизлар. Аллоҳ таолонинг раҳматидан мосуво бўлган одам ер ва осмонлар кенглигича бўлган жаннатни ўзига ҳаром қилади ва кўп нарсанинг эвазига оз нарсани олади. Ўткинчи дунёни абадий дунёга, омонликни кўрқинчга алмаштиради. Кўрмайсизларми, сизлар ҳалок бўлганларнинг ўрнидасизлар ва тез орада ўрнингизни сиздан кейин келувчилар эгаллаб олишади. Ҳар куни – баъзан кечаси, баъзан кундузи вафот этганларни Аллоҳнинг ҳузурига тайёрлайсизлар. Ризқи тугаб, ажали етган кишини ердан кавланган бир чуқурга кўмасизлар ва ҳатто устини текисламай, ташлаб кетасизлар. У имкониятларидан, меҳрибонларидан ажрайди, тупроқни ўзига маскан қилиб олади ва ҳисобга йўлиқади. Шундай бўлгач, ўлим келишидан олдин Аллоҳдан кўрқинглар. Аллоҳга қасам, сизларнинг гуноҳларингизни ўзимдаги

гуноҳларни билганчалик билмайман. Сизлардан бирортангизнинг ҳузуримдаги қай бир ишга қодир экани менга маълум эмас. Бироқ сизлар билан ўз ҳаётимни тенглашга имкон беришларингни истардим. Агар гўзал ҳаётни хоҳлаганимда эди, яхши яшаш сабаблари ҳақида тилим айланган бўларди. Бироқ Аллоҳ азза ва жалладан сўзловчи Китоб, адолатли Суннат келди. Аллоҳ таоло Ўзига итоат қилишни буюрди ва Унга гуноҳкор бўлишдан қайтарди”. Ҳукмдор шундан сўнг ридосининг бир тарафини юзига босиб, ҳўнграб йиглади. Одамлар ҳам йиглашди. Бу унинг охирги хутбаси бўлди.

Халифа Умар ибн Абдулазиз ҳижрий 101 (милодий 720) йили ражаб ойи тугашига ўн кун қолганда Дамашқда ўз аъёнларининг фитнаси қурбони бўлди. Улар Умарнинг ўзидан кейин халифаликни Язид ибн Абдулмаликка топширмай қўйишидан қўрқиб, бу муадҳиш жиноятга қўл уришган эди. Умавийлардан бирининг хизматкори Исломнинг буюк халифаси жонига қасд қилди ва номини абадий лаънатга мубтало қилди.

Аайс ибн Абу Руқиянинг ривоят қилишича, ўлим тўшагида ётган Умар ибн Абдулазиз атрофдагиларга “Мени ўтиргизиб қўйинглар”, деган эди, уни ўтқазди. Шунда у Аллоҳга илтижо қилди: “Эй Аллоҳ, Сен менга буюрган эдинг, аммо мен тўлиқ бажармадим. Сен қайтарган эдинг, лекин Сенга итоатсиз бўлдим. Аммо шунга гувоҳлик бераманки, Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқдир!” Кейин бошини кўтариб, ҳаммага тикилиб қаради. Шунда унга “Сиз қаттиқ тикиляпсиз”, дейишди. У: “Мен ҳозир бўлганларни кўряпман, улар инсонлар ҳам эмас, жинлар ҳам эмас”, дедию жони узилди.

Амр ибн Қайс айтади: “Умар ибн Абдулазизнинг ўлими яқинлашгач, “Эй мўминларнинг амири, бизга нима васият қиласиз?” дейишди. “Менинг ушбу ҳалокатимдан

огоҳ бўлинглар. Мени кўмгандан кейин қабрим устига қўйилган биргина ғиштга қаранг, бу дунёдан менга теккан нарса нима эканини кўринглар”, деди.

Аммора ибн Абу Ҳафсадан ривоят қилинади: “Умар ибн Абдулазиз бетоб бўлиб ётганда Маслама ибн Абдулмалик унинг ҳузурига кирди. Умар ўлим тўшагида эди. “Аҳлингиздан кимга васият қиласиз?” деб сўради Маслама. “Аллоҳни унутганимда менга эслатганларга”, дедилар Умар ибн Абдулазиз. Маслама яна “Аҳлингиздан кимга васият қиласиз?” деб сўради. Шунда Муслмонлар амири: “Менинг эгам Китоб нозил қилган Аллоҳдир. У солиҳ зотларни дўст тутати”, (*Аъроф сураси, 196-оят*) деб жавоб берди.

Ўлим тўшагида ётганида Умар ибн Абдулазиздан одамлар: “Фарзандларингизга нима нарса қолдирдингиз, эй Умар?” деб сўрашганида у киши: “Уларга Аллоҳдан тақво қилишни қолдирдим. Агар улар солиҳ бўлишса, Аллоҳ солиҳларни қўллайди. Агар ундай бўлишмаса, улар учун Аллоҳга нисбатан осий бўлишда ёрдам қиладиган нарсани ҳаргиз қолдирмайман”, деб жавоб қилди. Халифанинг вафотидан сўнг ундан бор-йўғи 17 динор маблағ мерос қолгани маълум бўлди. Бу пулларни ҳам ўзи ижарага олиб яшаган уйнинг пулини тўлашга ва дафн учун ажратилган ернинг ҳақини беришга сарфлашди.

Масламадан ривоят қилинади: “Умар ибн Абдулазиз вафот этган куни унинг ҳузурига кирдим. Абдулмаликнинг қизи Фотима унинг бош тарафида ўтирар эди. У мени кўриб, ўрнидан турди ва оёқ тарафига ўтиб олди. Мен унинг бош томонига ўтирдим. Маййитнинг эғнида чўнтаги тешик эски бир кўйлак бор эди. Мен Фотимага: “Бу кўйлакни алмаштирсангиз бўлмайдимиз?” дедим. У индамади. Бир неча марта сўзлашга огиз жуфтлади, аммо гапира олмай, йиғлаб юбораверди. Ниҳоят ўзини

босиб олгач, “Аллоҳга қасам, унинг шундан бошқа кўй-лаги йўқ эди”, деди”.

Яҳё ибн Абу Касирдан ривоят қилинади: “Умар ибн Абдулазизнинг ўлим соати келгач, у йиғлади. “Нимага йиғляяпсиз, эй мўминларнинг амири? Сиз туфайли Аллоҳ кўп суннатларни тирилтирди, адолатни зоҳир қилди-ку”, дейишди. Умар яна йиғлади ва: “Ахир Қиёмат куни Аллоҳнинг ҳузурда халқим ҳақида сўралмайманми? Аллоҳга қасамки, гарчи мен уларга адолат қилган бўлсам ҳам, бунинг ҳужжати талқин қилинмагунча Аллоҳ ҳузурда уларга ҳужжат келтира олмаслиқдан қўрқаман. Шунча ишлардан сўнг қандай қилиб хотиржам бўламан”, деди. Кейин кўзлари юмилди. Бир муддат ўтгач, вафот этди. Аллоҳ уни раҳматига олсин”.

Халифа Умар ибн Абдулазизнинг ўлими хабари Ислом мамлакатининг ашаддий душмани бўлган Рум императори Лев Учинчи Исаврга етиб келганида у қаттиқ йиғлади. Унинг йиғиси атрофидаги аъён ва епископларини даҳшатга солди. Улар императордан йиғиси сабабини сўрашганида, у шундай жавоб бердики, унинг айтган сўзи халифа Умар ибн Абдулазизнинг вафотларига атаб айтилган сўзларнинг энг тўғриси ва етуғи бўлди: “Аллоҳга қасам! Бугун шундай бир адолатли инсон вафот топдики, адолатда унинг тенги йўқдир. Агар Исо алайҳиссаломдан кейин ўликларни тирилтирадиган одам бўлганида Умар ибн Абдулазиз тирилтирган бўларди, деб ўйлайман. Мен эшигини ёпиб олиб, дунёни рад этган, роҳиблик қилиб, ибодат билан машғул бўлган роҳибга қойил қолмайман. Лекин дунё оёғининг остида бўла туриб, уни тарк қилган одамга тан бераман”.

Муҳаммад ибн Маъбаддан шундай ривоят қилинади: “Умар ибн Абдулазиз румликлар билан бўлган жангларда уларнинг асирларини жўнатиб юбориб, эвазига душман

тарафга асир тушиб қолган мусулмонларни қайтариб олди.

Мен Рум подшоҳининг олдига кирсам, Румнинг катта амалдорлари ҳам киришар эди. Бир куни унинг ҳузурига кирсам, ғамгин ва хафа бўлиб, ерда ўтирган экан.

– Аҳволингиз яхшими? – десам,

– Нима бўлганини билмадингми? – деди. Мен нима бўлганини сўрадим. У:

– Солиҳ зот вафот этди, – деди.

– Ким? – деб сўрадим.

– Умар ибн Абдулазиз, – деди у.

Атодан шундай ривоят қилинади: “Умар ибн Абдулазизнинг вафотидан сўнг у кишининг аёллари Фотима бинти Абдулмалик ҳузурига кириб,

– Эй Бинти Абдулмалик, менга мўминларнинг амири ҳақида гапириб беринг, – дедим. Аёллари:

– Хўп, айтиб бераман. Лекин тирик бўлганида бундай қилмас эдим. Умар одамлар учун ўзидан буткул кечган эди. Уларни деб куни билан бир жойда ўтирар эди. Куни билан ишлагандан сўнг ҳам айрим ишлари тугамай қолса, кунни тунга улар эди. Одамларнинг ишларини тамомлагач, ўз пулига сотиб олинган чироқни ёқишни буюрар эди. Кейин ўрнидан туриб, икки ракат намоз ўқир, сўнг ўтириб, бошини қўлига қўяр ва кўз ёшлари шашқатор ҳолда дуо қиларди. Хириллаб йиғлаган пайтида жигари эзилиб, жони чиқиб кетдимикан, деб қолардим. Бир куни тонг отгунга қадар шундай ўтирдилар. Кейин рўза тутдилар. У кишига яқин келиб,

– Эй мўминларнинг амири, кеча сизга бирон нарса бўлди? – дедим. У киши:

– Ҳа. Мени ўз ҳолимга қўй. Ўз ишинга қара –, дедилар.

– Мен сизнинг ҳолатингиздан ибрат олмоқчиман, – дедим. Умар шундай деди:

– Бўлмаса айтиб бераман. Уйлаб кўрсам, бу умматнинг каттаси-ю кичигига, қорасию қизилига амир эканман. Кейин ҳеч нарсаси йўқ ғариблар, муҳтож, фақирлар, дом-дараксиз йўқолган маҳбуслар ва шунга ўхшаш шаҳар ҳамда мамлакат атрофидаги одамларни эсладим. Билдимки, Аллоҳ таоло мендан улар ҳақида ҳам сўрайди. Бунга Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳужжат бўладилар. Шундан кўрқиб, кўзларимга ёш келди, шунинг учун қалбим кўрқувга тушди. Бир сўз айтганим сари кўрқувим янада ортиб борди. Эслаганим сари даҳшатим зиёда бўлди. Мен сенга айтиб бердим. Хоҳласанг, ҳозир ибрат ол, хоҳласанг унут! – дедилар.

Муқотил ибн Сулаймон халифа Абу Жаъфар Мансурга байъат қилинган куни унинг ҳузурига кирди. Шунда Мансур:

– Менга насиҳат қилинг, эй Муқотил! – деди. Муқотил:

– Сизга кўрганим ҳақида гапирайми ё эшитганим ҳақидами? – деди. Халифа “Кўрганингиз ҳақида” деганидан кейин Муқотил унга шундай деди:

– Эй мўминлар амири, Умар ибн Абдулазиз ўн бир фарзанд кўрди. Вафотидан кейин ўн саккиз динор қолдирди. Шундан беш динорига кафанланди, қабри учун тўрт динор сарфланди. Қолган тўққиз динор эса фарзандлари ўртасида тақсимланди. Кейинги умавий халифа Ҳишом ибн Абдулмалик ҳам ўн бир фарзанд кўрди. Ҳар бир фарзанднинг меросдаги ҳиссаси мингу минг (яъни миллион) динорга тўғри келган. Эй мўминлар амири, Умар ибн Абдулазизнинг бир фарзанди ғозийлар учун юзта от садақа қилганини ва Ҳишом ибн Абдулмаликнинг бир фарзанди бозорларда тиланиб юрганини бир куннинг ўзида кўрдим.

Умар ибн Абдулазиз вафот этганида ёши ўттиз тўққиздан сал ошган эди. Қисқагина умрини Аллоҳ бу-

юрган эзгу ишларга бахшида этган, уч йилга ҳам етмаган ҳукмдорлик йилларини адолат ва инсоф, раҳм-шафқат ва меҳрибонлик билан безади. Унинг қисқа муддатли раҳбарлиги худди Аллоҳнинг раҳмат ёмғирига ўхшаб юртга қут-барака ва фаровонлик олиб келди. Унинг “ялт” этиб чақнаган чақмоқ мисоли тез ўтган ҳукмронлиги чоғида Ислом шавкати янада ошди. Унинг адолати ва зуҳду тақвосига гувоҳ бўлган шимолий Африқонинг барча барбарлари ва олис Ҳиндистоннинг аслзода инсонларидан олти миллиондан ортиқ киши ўз ихтиёри билан мусулмон бўлди. Халифа Умар ибн Абдулазиз розияллоҳу анҳу ана шундай гўзал фазилатли, чиройли хулқли, Аллоҳдан қўрқувчи чин инсон бўлган эди. Аллоҳ таоло Ислом умматидан яна Умар ибн Абдулазиз каби Ўзи суйган инсонларни кўплаб чиқарсин, омин!

## УМАР ИБН АБДУЛАЗИЗ ҲИКМАТЛАРИ

\* \* \*

*Менга тақдир ҳукмларига рози бўлишдан ўзга хурсандчилик қолмади.*

\* \* \*

*Қалб сирларнинг идишидир, лаблар унинг қулфи, тил эса калитидир. Демак, ҳар бир киши сирининг калитини сақласин.*

\* \* \*

*Ким Аллоҳнинг бандаларига мулойим бўлса, Аллоҳ ҳам унга мулойим муомала қилади.*

\* \* \*

*Ёлгончилик инсонни шарманда қилишини билганимдан кейин, бирор марта ёлгон гапирмадим.*

\*\*\*

Йўлдан озиб, адашганимни кўрсангиз, кийимимдан тортқилаб: “Эй Умар! Аллоҳдан қўрқ, барибир бир кун ўласан”, денглар.

\*\*\*

Шаҳарни адолат билан мустаҳкамла (идора қил), кўчаларини жабр-зулмдан тозала.

\*\*\*

Ўлимни кўп эсла. Агар тирикчилигинг кенг бўлса, торайтиради. Агар тирикчилигинг танг бўлса, кенг қилади.

159

\*\*\*

Бир киши Умар ибн Абдулазизни ҳақорат қилиб, сўкди. Шунда Умар ибн Абдулазиз: “Қиёмат бўлмаганида, мен ҳам сенга жавоб қайтарар эдим”, деди.

\*\*\*

Солиҳ одамлар билан юриб, улардан манфаат олмасликдан ёки гуноҳкорларни маломат қила туриб, гуноҳлардан четланмасликдан ёки шайтонни лаънатлаб, унга пинҳона итоат қилишдан эҳтиёт бўлинг!.

\*\*\*

Банда жаннатдаги тўъбо дарахти остида бўлмагунича унга роҳат йўқ.

\*\*\*

Ким ўлим зикрини кўпайтирса, оз нарсага ҳам рози бўлаверади. Ким сўзини амалидан деб билса, фойдали сўздан бошқасини гапиришдан ўзини тияди.





**БУЮК МУҲАДДИС  
ВА ФАҚИҲ**

## ТАҚДИМ

**А**бу Абдураҳмон Абдуллоҳ ибн Муборак Марвазий қоддиси сирраҳу Хоразм туркларидан Муборак ибн Возихнинг ўғли бўлган. Ҳижрий 118 (милодий 736) йили Марвада туғилиб, Маккада турғунлашган. Таба тобеин ва буюк муҳаддис, фикҳда етакчи олим эди. Йигирма минг ҳадисни ўз ичига олган йигирмата асарини Абу Ҳанифанинг абвоби фикҳига кўра тартиблаган. Илк бор жиҳод ҳақида асар ва биринчи марта арбаъин ёзган. Тасаввуф илмига тартиб берган Зуннун Мисрийдан олтмиш уч йил аввал тасаввуф илми ҳақида китоб ёзган. Бундан ташқари, ҳадис илмига доир кўплаб китоблари, ваъз қабалидаги ҳикматли сўзлари ва насихатомуз шеърлари бор. Ҳижрий 181 (милодий 797) йили олтмиш уч ёшида Ҳийт шаҳрида вафот этган.

## ТАВАЛЛУД ВА ТАЛАБАЛИК

Абу Абдурахмон Абдуллоҳ ибн Муборак ибн Возих Марвазий Ҳанзалий исми-шарифи билан бутун Ислом оламига танилган бу атоқли олим ҳижрий 118 (баъзи манбаларда 110 ёки 119) йили Мовароуннаҳрнинг машҳур Марв шаҳрида туғилган. У кишининг отаси Муборак туркий қавмлардан, Ҳамадоннинг Бани Ҳанзала қабила-сидаги бир кишининг озода этилган қули бўлган. Онаси хоразмлик бўлган. Уламолар Ибн Муборакнинг таваллуд санасида ихтилоф қилишган. Абдон ибн Усмон: “Мен Ибн Муборакнинг “119 ҳижрий санада туғилганман” деганини эшитганман”, дейди. Имом Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Ҳанбал ва Абу Ҳафс Амр ибн Али Боҳилийлар: “Абдуллоҳ ибн Муборак 118 санада туғилганлар”, дейишади. Жамолиддин Абдул маҳосин ибн Тоғирий: “Ибн Муборак ҳижрий 110 санада туғилганлар”, дейди.

Абдуллоҳ ибн Муборакнинг ота-онаси ҳақидаги маълумотларда отаси Муборак ҳалол, кўркам сиймоли, ниҳоятда тақволи бўлгани, шу сабабдан асли Бани Ҳанзала қабиласи мавлоси (хожаси) ўзининг тақводор қизини унга хотинликка бергани ва улардан тақвони мерос қилиб олган ўғли Абдуллоҳ туғилгани айтилади. Ҳасан ибн Алий: “Ибн Муборакнинг онаси туркий бўлган. Бунга шубҳа қиладиганларга аниқ далиллар бор”, дейди. Шубҳасиз, Абдуллоҳ ибн Муборакнинг художўй ва фазилатли бўлиб улғайишига авваламбор оталарининг, қолаверса, устозларининг таъсири катта бўлди. Бу ҳақда Ибн Халликон: “У ниҳоятда тақводор эди”, деганди. Ибн Маръий “Футуҳотул Ваҳбийя” асарида шундай ёзади: “Ибн Муборакнинг отаси ҳамадонлик бир кишининг қули эди. Қуллик пайтида унинг тақвоси ва амалларининг чиройлилигини кўрган хожаси уни ўзига куёв қилиб олган. У фарзанд кўриб, номини Абдуллоҳ қўйган”.

Ривоятларда келишича, Муборак хожасининг боғида ишлаб, ўша ерда истиқомат қилиб юрган. Бир куни хожаси келиб:

– Богдан ширин анорлардан узиб чиқ, – дейди. Муборак бир идишга анорлардан солиб келтиради. Хожа бирини кесиб еб кўrsa, нордон экан.

– Ширин анор сўрасам, менга нордонини келтирибсан, ширин анор келтир, – дейди. Муборак бошқа анорни узиб келтиради. Хожаси уни ёриб кўrsa, яна бемаза бўлиб чиқади. Бундан хожанинг ғазаби келади. Бу ҳолат уч бора такрорланади. Шундан сўнг у Муборакка:

– Ширин анор билан нордонини ажрата олмайсанми? – дейди. Муборак:

– Йўқ, – деб жавоб беради. Мавлоси:

– Қанақасига ажрата олмайсан? – дейди. Муборак:

– Чунки боғдаги мевалардан бирортасини ҳам тотиб кўрмаганман, тотиб кўрганимда билар эдим, – деб жавоб беради. Мавлоси:

– Нима учун еб кўрмагансан? – деганида Муборак:

– Чунки менга бунда ижозат бермагансиз, – деб жавоб беради. Бу сўзлардан ҳақиқатни англаб етган хожа ҳузурида ҳалол ва тақволи бир инсон турганини тушуниб этади. Унинг балоғатга етган бир қизи бор эди. У Муборакка қараб:

– Эй Муборак, мана бу қизимга сени уйлантириб қўйсам, нима дейсан? – деб ўз қизига уйланишни таклиф этади. Шунда Муборак:

– Жоҳилият даврида аҳли аёлга насаби учун, яҳудийлар молу давлати учун, насоролар ҳусни жамоли учун уйланишган. Бу уммат эса аёлга дини учун уйланади, – деб жавоб беради. Муборакнинг бу жавоби хожани лоққолдиради. Қизи учун Муборакдан бошқа жуфтни лойиқ кўрмаслигини айтиб, қизини озод қилинган қули Мубо-

ракка турмушга беради. Бу саодатманд ота-онадан эса умматнинг фахри бўлган Абдуллоҳ дунёга келади.

Хожасининг Муборакни қандай куёв қилгани ҳақида “Ризқ ҳақида рисола” асарида бошқа бир ривоят ҳам келтирилган: “Ҳар куни эшигини совчилар тақиллатиб келар, лекин хожа шошилмасди. Чунки сўраб келганларнинг ҳеч қайсиси унинг кўнглидагидек эмасди. Кўнларнинг бирида хожа туш кўради. Тушида қизини Муборак исми гуломига никоҳлаб бериши айтилади. Лекин буни пайсалга солиб юради. Туш қайта-қайта кўрилавергач, гуломини зимдан кузата бошлайди. Бир оз вақт ўтиб унинг солиҳ инсон эканига, хайрли куёв бўлишига ишонч ҳосил қилганидан кейин бу фикрини ёру дўстларига, яқинларига маълум қилади. Айримлари бойу бадавлат, янада муносиброқ оилалар борлигини билдириб, бу аҳдга рози бўлмаган эса-да, хожа қарорида қатъий туради.

Шундай қилиб, у қизининг ҳам розилигини олади ва ёшларнинг бошини қовуштириб қўяди. Никоҳдан кейин бир ой ўтиб, ота қизидан хабар олиш ниятида унинг уйига боради. Қизи отасининг келганидан хурсанд бўлади, бироқ кичкина муаммо борлигини маълум қилиб:

– Отажон, куёвингиз жуда ҳам яхши. Аммо ҳалигача рўмолимни бошимдан олгани йўқ, никоҳимиздан буён мендан узоқ юради. Сабабини била олмадим: – Едиради, ичиради, жуда ҳам меҳрибон, фақат қўлини қўлимга теккизмайди, – дейди. Ота бу гапдан ҳайрон бўлиб куёвини чақиради, секингина бунинг сабабини сўрайди ва куёвининг жавобини эшитганидан сўнг йиғлаб юборади. Кўзининг нури — қизини ўзи истаган одамга узатганига севиниб шукрлар келтиради.

Куёв одоб сақлаган ҳолда қайнотасига бундай дейди:

– Отажон, сиз бообрў, катта одамсиз. Олдингизга турли одам келиб-кетади, уйингизга ҳам турли ҳадялар

юборишади. Аллоҳ таолонинг менга берган омонати ва ҳадяси бўлган қизингиз ўша шубҳали нарсалардан еб қўймаганмикин деб андиша қилдим. Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг танадаги ҳаром луқманинг таъсири фақат қирқ кунда кетиши ҳақидаги сўзларини ўрганган эдим. Ҳурматга сазовор аёлимни қирқ кун пешона терим билан топган ҳалол луқма билан боқишни хоҳладим, токи Аллоҳ насиб этиб тугилажак фарзандларимиз ҳам солиҳлардан бўлсин”.

Ана шундай покиза инсонлардан вужудга келган Абдуллоҳ бошланғич таълимни ўз шаҳрида олди, ёшлигидан турли билимларни пухта эгаллади. У дастлаб Яъқуб ибн Қазқоъ Таймий Марвазий ва Мансур ибн Абу Сарира Марвазийлардан илм олган. Хусусан, саҳобаларнинг (Аллоҳ улардан рози бўлсин) шогирдларидан бўлиш уламолардан ва Марв шайхлари дарс ҳалқасида Пайғамбаримиз алайҳиссалом сийратларидан, ҳадисдан, Қуръони каримдан ва араб тилидан яхшигина илм ўрганиш эришди. Ибн Муборакнинг Соҳр исми дўсти унинг қувваи ҳофизаси (ёд олиш қуввати) ниҳоятда кучли экани бошланғич мадрасадаёқ маълум бўлгани тўғрисида хикоя қилиб шундай дейди: “Биз бошланғич мадрасада таҳсил олиб юрган давримизда ёш бола эдик. Бир куни Абдуллоҳ ибн Муборак билан бирга хутба қилаётган бир кишининг яқинидан ўтиб борардик. У киши хутбани жуда узун қилди. Ибн Муборак менга:

– Унинг хутбасини ёдлаб олдим, – деди. Бу гапни ўтирганлардан бир киши эшитиб қолиб:

– Қани, бир айтиб бер-чи, – деди. Шунда у хутбани бирор ҳарфини ҳам қолдирмай ёддан айтиб берди. Ибн Муборак хутбани эшитган заҳотиёқ ёдлаб олган эди”.

Отаси Муборак ўғли Абдуллоҳни диний илмлардан ташқари шеърлар ёдлашга ундар ва қизиқтирар эди. Бу

нарса унинг қувваи ҳофизасини кучайтиришга ёрдам беришини ота яхши биларди. Ёш Абдуллоҳ айниқса Пайгамбар алайҳиссаломнинг ҳадисларини ёдлаш, уларни таҳқиқ ва тадқиқ қилишга қаттиқ қизиқарди. Ибн Муборак марвлик таниқли олим шайх Юнус ибн Нофeъ Хуросонийдан илк бор ҳадис эшитган эди. У қози Гоним Марвазийнинг отаси бўлган. Шундан кейин тобеинлардан бўлган Рабеъ ибн Зиёд Бакрийдан ҳам ҳадис эшитиш имкониятига эга бўлди. Абдуллоҳ Марвга келган басралик Абу Исом Музанийдан ҳам ҳадис эшитган. Уша даврнинг уламолари Музанийни ҳурмат қилишар ва иззат-икром кўрсатишар эди. У уловга минган пайтда Ибн Муборак унинг кийимларини тузатиб кўяр эди.

Яна Ибн Муборак бироз вақт Марвда қозилик қилган басралик Муҳаммад ибн Собит Абийдан ҳам ҳадис ривоят қилган. У илм талабида Ибн Умар, Жобир ибн Абдуллоҳ ва Анас ибн Моликлар билан учрашган. Уша даврда Анас ибн Молик Ҳажжождан қочиб, Марвга келган ва Марвдаги Бараз деган бир қишлоқда яшаган эди. Кейинчалик у Сазвар деган бошқа бир қишлоққа кўчиб ўтиб, уша ерда умрининг охиригача яшади.

Ибн Муборакнинг тобеин ва таба тобеинлардан араб тили, фикҳ ва ҳадис илмларини мукаммал ўрганиш учун бошқа Ислом мамлакатларига сафар қилиши зарур эди. Унинг илм олиш йўлида Марв шаҳрини тарк қилгани ҳақида бағдодлик хатиб Абдон ибн Усмон шундай дейди: “Абдуллоҳ илк бор 141 ҳижрий йили Ироққа сафар қилган”. Шу маълумотга қараганда, Ибн Муборак илм олиш учун сафарларини бошлаганда йигирма уч ёшда бўлган. Аббос ибн Мусъаб “Тарих” асарида Ибн Муборакнинг шундай деганини ривоят қилади: “Мен тўрт минг шайхдан илм олдим. Уларнинг мингтасидан ҳадис ривоят қилдим”.

Болалик даврининг катта қисмини илм олишга бахшида этган Ибн Муборак кейинчалик ҳам илм талабидан бирор кун воз кечмаган. У кўп бора ҳаж қилди, тижорат ва илм олиш билан узлуксиз шуғулланди. У ўз замонасида шайхулислом, ҳадис илмида ҳофиз, тижоратда уларнинг саййиди, ҳаётда шижоат ва сахийликни ўзида жамлаган кишиларнинг бири эди. Абдуллоҳ ибн Муборак турли илмларда, айниқса, ҳадис илмида имом ва муҳаддисларнинг энг улуғларидан бўлган. У ҳадис ва фикҳ илмларини улуг мазҳаббошимиз Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳдан олган. Абдуллоҳ устози Абу Ҳанифанинг сўзи билан фатво берар ва унинг сўзини фикҳда ҳужжат қилиб юрарди. У Абу Ҳанифанинг машҳур шогирдларидан бири бўлиб, унинг ривоятлари мазҳабимиз китобларида жуда кўп келтирилган.

## АЛЛОМАИ ЖАҲОН

Ибн Муборакнинг Марвдаги ҳовлиси катта эди. Марвга борган илм эгалари ва бошқа мурувватли кишилар унинг уйига бориб, у билан илмий мажлислар қуришар эди. Шунингдек, у ерда илму толиблар йигилиб, ибн Муборакдан араб тили, фикҳ ва ҳадис илмидан таълим олишар эди. Ана шундай илмий мажлислар ва дарс ҳалқалари олимда ўзидаги билимлардан қониқмаслик ҳиссини уйготди ва уни бошқа Ислом мамлакатларидаги фуқаҳо ва муҳаддис уламолар билан учрашишга чорлади.

Шундан сўнг олим Куфада Абу Ҳанифа Нўъмон (Имоми Аъзам) билан учрашди ва у билан суҳбат қуриб, у зотнинг фикҳий билимларидан баҳраманд бўлди. Шунингдек, у тобеинлардан Исмоил ибн Абу Холид, Сулаймон ибн Меҳрон Аъмаш ва таба тобеинлардан Суфён

Саврийдан ҳам ҳадис эшитди. Уша пайтда Куфадан кейин иккинчи аҳамиятли шаҳар ҳисобланган, Басрада Ҳамд ибн Тайравайҳ Тобий ва Сулаймон ибн Тархон ат-Тамийдан ҳам ҳадис тинглаган. Етти қорининг бири бўлган Абу Амр ибн Ало Мазоний Басрийдан Қуръон тиловати сабоқларини олди. Марвлик олим Ироқдан сўнг Ҳижоз, Шом, Миср, Яманга сафар қилди ва бу мамлакатлардаги уламолардан ҳам таҳсил олди. Шундай қилиб, Ибн Муборак ўз давридаги машҳур Исломи мамлакатлари уламоларининг барчасидан илм олган дейиш мумкин.

Олим Мадинага борганида Молик ибн Анасдан фикҳ илмини ўрганди ва унинг машҳур “Ал-Муваддо” китобини ривоят қилди. У Маккада Абдулазиз ибн Журайждан ҳам фикҳни ўрганди. Абдулфараж Исбаҳоний келтирган бир хабарда Ибн Журайж ироқликларга ҳадис айтиб бераётган пайтда улар ичида Ибн Муборак ҳам борлигини айтган эди. У Шом аҳлининг фақиҳи ва муҳаддиси бўлган Авзоъийдан ҳам фикҳ ва ҳадис илмини ўрганди, Яман муҳаддиси Муаммар ибн Рашиддан ҳадис эшитди.

Фикҳ ва ҳадис илмида ўз даврининг энг пешқадам олимларидан бирига айланган ибн Муборак ҳадис илми соҳибларининг энг фақиҳларидан ҳисобланади ва бу соҳада Суфён Саврий, Авзоъий, Айюб Сахтиёний, Ибн Журайжлар билан бир қаторда туради. Ҳар қандай кишининг ҳам ҳадис ёдлаб, бир пайтнинг ўзида фақиҳ ҳам бўлиши жуда мушкул иш. Бу фикрнинг тасдиғини Рабеъ ибн Сулаймон муҳаддис бўлиш билан бирга фақиҳликни ҳам хоҳлаган Абу Али Шофёий исми кишига: Бу жуда мушкул иш, сенга қаёқдан ҳам у насиб этсин, деганидан ҳам билса бўлади.

Ибн Муборак исломий илмларни чиройли ўрганишнинг энг ёрқин тимсоли бўлган. У ҳадис, фикҳ, қироат ва одоб-ахлоқ илмларини бирга қунт-ғайрат билан ўрганган ва ўзи:

“Мен одоб-ахлоқ илмини ўттиз йил ўргандим ва йигирма йил илм талабида бўлдим. Яъни ўша даврнинг илм толиблари аввал одоб-ахлоқ ўрганишар, сўнг бошқа илмларни олишга киришишар эди. Шомликлар ундан: “Сиз қачонгача илм ўрганасиз? – деб сўрашганида, “Мен ўлгунимча илм толиби бўлишимни кўришларингизни хоҳлайман. “Толиби илмга барча нарса истиғфор айтади, ҳаттоки сувдаги балиқлар ҳам”, дейилган. Шундай экан, уни ташлаб бўлмайди”, деб жавоб берган.

Абдуллоҳ Шом соҳилидаги Тарсус, Масиса ёки олис Ҳижознинг Маккаи мукаррама ва Мадинаи мунаввара шаҳарларига қилган узоқ муддатли сафарларида ўша шаҳарларнинг мусулмон аҳлига Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг муборак ҳадисларини устозларидан қандай эшитган бўлса, шундай етказар эди. Шунингдек, у Куфа, Басра, Шом, Хуросон, Макка ва Мадинага қилган сафарлари чоғида бу шаҳарлар аҳолиси ўртасида пайдо бўлган баъзи бидъатчиларнинг мазҳабий ихтилоф ва келишмовчиликларига қарши ўз фикрларини очиқ изҳор этар эди.

Халифа Умар ибн Абдулазиз давригача тобеинлар суннатларни (шаръий ҳукмларни) ёзишга қийналишар эди. Ҳижрий иккинчи асрнинг иккинчи ярми бошида шаръий ҳукмларни ёзиш масаласида имомлар турлича фикрда эдилар, чунки Каломуллоҳ билан ҳадиси набавийнинг аралашиб кетиши ёки ҳадис билан тобеинларнинг фикрлари аралашиб кетиши хавотири суннатларни ёзишда анча қийинчилик тугдирар эди. Мана шу илмий вазият Ибн Муборакнинг суннатни жамлаш ва уни ҳар хил нуқсонлардан тозалаш, уни китоб қилиб ёзиш ёки алоҳида бобларга ажратиш соҳасида тинмай меҳнат қилишга ундади.

Абу Абдуллоҳ Заҳабий шундай ривоят қилади: “Бу даврда Басрада Амр ибн Убайд Обид ва Восил ибн Ато каби олимлар пайдо бўлиб, одамларни тақдирдан чекинишга, у ҳақда ҳар хил гап тарқатишга даъват қилишар эди. Хуросонда муфассир Муқотил ибн Сулаймон чиқди. У эса Аллоҳнинг сифатлари тўғрисида жуда муболаға қилиб, бидъатга йўл қўйди”. Ана шундай одамларнинг фикрларига ўша давр уламолари қарши чиқишди ва уларнинг бидъатларидан эҳтиёт бўлишга чақаришди. Бу улуг уламолар суннатни ёзишга ва китоб қилиб чиқаришга киришдилар. Кейинчалик бундай хайрли ишлар Ҳорун ар-Рашид даврида кўпайди, кўплаб китоблар тасниф ва таълиф қилинди. Уламоларнинг илмни ёд олишлари камая бошлади, улар китобларга эътимок қилиб қолишди. Илгарилари саҳоба ва тобеинлар илмларини хотираларида сақлашар эди, уларнинг қалблари гўё илм хазиналари эди.

Дарҳақиқат, Ибн Муборак суннатни мустаҳкамлашда буюк мартабага эришди. Ҳатто у киши тўғрисида: “Агар бирор киши Ибн Муборак тўғрисида нолойиқ гап гапирса, Исломи динига тухмат қилган бўлади”, дейишган экан. У ҳадислар ёзар ва уларнинг саҳиҳларини ғайрисаҳиҳларидан ажратар эди. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳадиси шарифлари, саҳоба ва тобеинларнинг асарлари устида кўп ишлар эди. Олим фақиҳ ва ҳадис ровийсигина бўлиб қолмай, балки ибодатда комил, парҳезкор, омонатли ва олийҳиммат инсонлардан эди. Унинг бу хайрли амалларида Қуръони карим ва Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг суннатлари йўлбошчи эди.

Ибн Муборак илм талабида ва уни тарқатиш мақсадида Бағдодга бир неча мартаба келган. Шунда у ернинг илғор фикрли кишиларидан Абу Абдуллоҳ Розий Тамимий Ҳофиз, Ҳасан Марвазий, Али ибн Исҳоқ Салмо

Марвазий, Ибн Муборакнинг яқин дўстларидан Даркиний ва Анбаса ибн Саъид Умавий Қурайшийлар ундан ҳадис эшитишар эди. Лекин Бағдод Ибн Муборакка ёқмади, чунки бу шаҳар шариатга тўлиқ амал қилувчи, тоат-ибодат аҳли учун муносиб жой эмас эди. Бу тўғрисида Ибн Муборак шеърлар ҳам ёзган. Унинг пурҳикмат, чиройли шеърлари ва насрий асарлари ҳам бор. Асарлари аҳамияти жиҳатидан муфассир, тилшунос, муҳаддис ва фуқаҳоларнинг асарларига яқин.

Абдуллоҳ ибн Муборак даврида ундан кўра илмга интилувчан, ҳарис киши бўлмаган. У кучли эслаб қолиш қобилиятига қарамай, ҳадисларни ёзиш, китоб тузишдан эринмасди. У 141 ҳижрий санада биринчи бор илм талабида сафарга чиққан эди ва бу йўлда қирқ йил машаққат чекиб, меҳнат қилди.

Ибн Саъд унинг кўплаб китоб тасниф этгани тўғрисида хабар беради. Албатта, бу китоблардан кўп киши фойдаланган. Бу ҳақда Абу Абдуллоҳ Заҳабий Яхё ибн Одам айтади: “Бир ҳадисни Муборакнинг китобларидан топмасам, ундан умид узардим ва бошқа изламасдим”. Унинг ҳадис китобларида йигирма минг ҳадис бўлган. У ҳадисдан ташқари фикҳ, тақво, художўйлик ва бошқалар тўғрисида бир неча илмий асарлар ёзди.

Уша даврнинг энг улуг муҳаддислари ҳам Ибн Муборакнинг китобларига муҳтож эдилар. Ҳадис илмининг султони Имом Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий илк бор ҳадис эшитганда ва Ибн Муборакнинг таснифларини ёд олганда ёш бола эди. Бу ҳақда у шундай деган эди: “Ун олти ёшга кирганимда эса Абдуллоҳ ибн Муборак Марвазий ва Вақийъ ибн Жарроҳ ибн Мулайҳ Равоийнинг китобларини тўлиқ ёд олиб, асҳобур раъйларнинг каломларини ҳам билиб олганман. Шундан кейин волидам ва акам Аҳмад билан муборак ҳаж сафарига йўл олдим”.

Ибн Надийм ўз китобининг “Ҳадис асҳобларини фуқаҳолари ҳақида хабарлар” мавзуси остидаги олтинчи бўлимида қуйидаги китоблар Ибн Муборакники эканини келтиради:

1. “Китобас Сунан фил фикҳ” (Фикҳ қонунлари ҳақида китоб);
2. “Китобат тафсир” (Тафсир китоби);
3. “Китобат тарих” (Тарих китоби);
4. “Китобал бирри вассила” (Яхшилик ва силаи раҳм китоби);
5. “Китобаз зуҳд вар рақоик” (Зуҳд ва тариқат илми китоби).

Муҳаммад ибн Жаъфар Каттоний Фосий қуйидаги икки асарни ҳам Ибн Муборакнинг китоби деб зикр қилган:

1. “Китобал истеъзон” (Изн сўраш китоби). Бу китоб дурдона асарлардан ҳисобланади.

2. “Китобал жиҳод” (Жиҳод китоби) Муҳаммад ибн Жафар бун Ибн Муборакнинг жиҳод тўғрисидаги биринчи тасниф қилган китобидир, деган.

Ибн Жавзий: “Китоб ал-маносик” (Ибодат қоидалари китоби)ни ҳам Ибн Муборакники, деган. Ибн Жавзий бу китобни у Куфада таълиф қилган, дейди.

Юқорида номи келтирилган саккизта китобни Абдуллоҳ ибн Муборак тасниф қилган, лекин мазкур китоблардан олтитаси ҳақида деярли маълумот учрамайди. Бу олтита китоб йўқолиб кетган бўлса керак. Булардан “Китоб ал-жиҳод”нинг қўлёзмаси ҳозир Лейпциг кутубхонасида сақланмоқда. “Китоб аз-зуҳд вар-рақоик” китоби 1966 йили Ҳиндистондаги “Иҳёул маориф” мажлиси томонидан нашр этилди. Бу китобда ҳикматлар, мавъизалар, масалаалар, ахлоқ-одоб, Аллоҳнинг марҳамати, тавбанинг қабули ҳамда ёлғончилик ва риёни мазаммат қилиш, му-

сибатга сабр қилишга ўхшаш нарсалар тўғрисида Пайгамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳадиси шарифлари ҳамда саҳобалар, тобеинларнинг асарлари жам қилинган.

Дарҳақиқат, Ибн Муборакни жиҳод, тақводорлик ва тариқат илми тўғрисида китоб ёзганларнинг биринчиси деса бўлади. Унинг “Китобияз зуҳд вар рақоик” китоби қуйидаги мавзулардаги ҳадисларни ўз ичига олади: 1. “Ал-Масоний ал-мардуъот”; 2. “Маросийл ва фийҳаал-мўъзал ва мўзамуха маросийл лит тобеин”; 3. “Марфуъотаъла ас саҳобати бимаа фийҳи ақволухум ва афъолиҳум”; 4. “Мавқуфот аълат тобеин ва атбоиҳим”.

Ибн Муборак “Китобаз зуҳд вар рақоик” китобини ўқиётган пайтида жуда қаттиқ ҳаяжонланиб кетар эди. Бу ҳақда Хатиб Бағдодий шундай хабар беради: “Наим ибн Ҳаммод айтади: “Ибн Муборак “Рақоик” китобини ўқиганда унинг йиғиси ҳўкизнинг бўкирганидек бўлиб кетар эди. Бизлардан бирор киши ундан бирор нарса сўраш ёки унга яқин боришга журъат қила олмас эдик”. Дарҳақиқат, у зотнинг бундай амаллари мол-дунё, бола-чақа фойда бермайдиган, фақат салим қалб билан Аллоҳнинг розилигига эришган киши нажот топувчи қиёмат кунида Аллоҳ таолодан қўрқиши ва қаттиқ тақводорлигига далолат қилар эди.

Маълум бўлишича, Абдуллоҳ ибн Муборак ўз китобларини кўчириб ёзиш ва ривоят қилишни марвликларга хос билиб, уларгагина рухсат берар эди. Ҳусайн ибн Ҳасан Марвазий “Китобаз-зуҳд вар-рақоик”нинг ровийси эди. Ибн Муборак яна Суфён ибн Абдул Малик Марвазийга ишонар ва китобларини унга келтириб берар эди. Яна бир марвлик Иёз ибн Усмон ҳузурида Ибн Муборакдан ривоят қилинган китоблар сақланар эди.

Ибн Муборак ҳадис иламида ўзига хос табиб ва фикҳда беназир аллома сифатида эътироф этилгандир.

Шу билан бирга Ибн Муборак бошқа илмларда ҳам ўзига хос қомусий олим сифатида шуҳрат қозонган. Масалан, у моҳир адиб, иқтидорли шоир, луғатшунос, муфассир, муаррих (тарихчи), наҳв (грамматика) илмининг билимдон сифатида ҳам шуҳрат қозонган. Унинг нафақат ҳадис ва фикҳ, балки ушбу зикр этилган илмларга доир фаолияти чуқур илмий услуб, пухта тадқиқ этиш, синчковлик билан ўрганиш, аниқлик (дақиқлик) хусусиятлари билан ажралиб туради.

## УСТОЗ ВА ШОГИРДЛАР ДАВРАСИДА

175

Абдуллоҳ ибн Муборак раҳматуллоҳи алайҳ умр бўйи илм талабида бўлгани учун унинг устозлари ҳам ниҳоятда кўп бўлган. Ровийларнинг айтишича, ибн Муборак тўрт минг шайхдан ҳадис тўплаган ва уларнинг мингтасидан ҳадис ривоят қилган. Бир ўринда айтадики: “Бир минг бир юз шайхдан ҳадис ёзиб олдим. Улар ичида улуглардан Суфён Саврий ҳам бор эди”. Дарҳақиқат, ибн Муборак жуда кўп тобеинлар билан учрашиб, улардан ҳадис ривоят қилган. Устозларининг кўпчилиги эса табаа тобеинларнинг улугларидан эди.

Ҳижрий 141 йилдан бошлаб, яъни йигирма ёшларидан илм талабига киришган Ибн Муборакнинг илк устози – Раби ибн Анас Хуросоний эди. Хуросоний зиндонда бўлганларида иложини топган ҳолда у кишининг олдиларига кириб, қирқтача ҳадис эшитишга муяссар бўлган. Аҳли ҳадис ижмоси билан у кишининг ҳадислари ҳужжат, бутунлигича олинади. Ривоятлари барча муътабар ҳадис китобларида мавжуд.

Қуйида унинг тобеинлардан бўлган устозлари номларини келтириб ўтамыз: Раби ибн Анас ибн Зиёд Бақрий

Басрий кейин Хуросоний (ҳижрий 139 йили вафот этган); Мужолид ибн Саид ибн Умайр ибн Бустом Ҳамадоний Абу Амр ва Абу Саид Куфий (144 ҳижрийда вафот этган); Исмоил ибн Абу Холид Абу Абдуллоҳ Аҳмасий Бажлий (145 ҳижрийда вафот этган); Сулаймон ибн Мехрон Асадий Коҳимий (ҳижрий 145 йили вафот этган); Абу Ҳанифа Нумон ибн Собит Таймий Куфий (ҳижрий 150 йили вафот этган); Осим ибн Сулаймон Аҳвал Абу Абдуррахмон Басрий (141 ҳижрийда вафот этган); Сулаймон ибн Тархон Таймий Абу Муътамир Басрий (143 ҳижрийда Басрада вафот этган); Забон ибн Ало ибн Аммор Абу Амр Мазоний Таймий Басрий – етти қироат қориларидан бири (154 ҳижрийда вафот этган, Ибн Муборак у зотдан Куръон қироатини ривоят қилган. Баъзи кишилар уни табааа тобеинларидан деб ҳисобларди); Саъб ибн Саид ибн Қайс ибн Амр Ансорий Маданий (141 ҳижрийда вафот этган); Мусо ибн Ақаба ибн Абу Аёш Асадий (141 ҳижрийда вафот этган). Ҳишом ибн Урва ибн Зубайр ибн Аввом Асадий (145 ҳижрийда вафот этган). Абдуллоҳ ибн Саид Абу Ҳинд Фазорий (ҳижрий 146 йили вафот этган); Иброҳим ибн Абу Абла Шамар ибн Яқазон ибн Абдуллоҳ Уқайли (ҳижрий 151 санада вафот этган); Абдуррахмон ибн Зиёд ибн Анъом Абу Айюб (156 ҳижрийда вафот этган).

Булардан ташқари, Ибн Муборакнинг таба тобеинларнинг улуғларидан бўлган устозлари ҳам жуда кўп. Масалан: Хуросондаги Марв, Балх, Ҳирот, Райгондан, Ироқдаги Куфа, Басра, Восит, Мўсул, Рай, Ктесифондан, Шомдаги Дамашқ, Ҳимс, Ӯрдундан, Ҳижоздаги Мадина, Макка, Тоифдан, Мисрдаги Искандариядан, Айла, Ямандан ҳам жуда кўп устозлари бўлган. Улардан ҳадис ва бошқа соҳа илмларини ўрганган.

Юқорида Ибн Муборак ҳадис соҳибларининг фақиҳларидан экани зикр қилинган эди, лекин у фикҳ бобида олий

мақомга етган эмас. Чунки киши бир вақтнинг ўзида ҳам муҳаддис, ҳам фақиҳ бўлиши жуда мушкул иш. Абу Ҳанифа ҳадисдан кўра фикҳ масаласида моҳир билагон эдилар. Молик ибн Анас ҳам худди шундай эдилар. Аҳмад ибн Ҳанбал эса фикҳдан кўра ҳадис масаласида моҳир эдилар. Шунинг учун ҳам баъзи уламолар уни фақиҳдан кўра муҳаддис деб ҳисоблар эди. Ироқда фикҳ аҳлининг имоми Абу Ҳанифа Нуъмон ибн Собит ҳузурларида Ибн Муборак фикҳ илмидан баҳраманд бўлди. Ҳеч шак-шубҳа йўқки, у Куфада яшаган пайтларида ҳам бир қанча вақт Абу Ҳанифа билан бирга бўлди ва у зотдан фикҳ илмини ўрганди.

Ибн Абул вафо Қураший Мисрий Абдуллоҳ ибн Муборакни ҳанафия тоифасида эканини исботлайди ва у кишини кўп чиройли мақтовлар билан зикр қилади. Жуда кўп ривоятларда ҳам Ибн Муборакнинг умри охиригача Абу Ҳанифа мазҳабида бўлгани зикр қилинади. Ибн Муборак ўзининг бир қанча шеърларида Абу Ҳанифани мақтайди ва улуглайди.

Шунингдек, Абу Ваҳаб Муҳаммад ибн Мазоҳим қуйидаги ривоятни келтиради: “Абдуллоҳ ибн Муборакнинг шундай деганларини эшитдим: “Одамларнинг обидрогини кўрдим, одамларнинг билимдонрогини кўрдим, одамларнинг фақихроғини кўрдим, одамларнинг обидроғи Абдул Азиз ибн Абу Раввон, одамларнинг тақводорроғи Фузайл ибн Иёз, одамларнинг билимдонроғи Суфён Саврий, одамларнинг фақихроғи Абу Ҳанифадирлар. Сўнгра: – “Фикҳ масаласида у зотга ўхшаганни кўрмадим, – дедилар”.

Абу Ҳанифага ҳамаср бўлган шомлик фақиҳлардан Авзоъий Ибн Муборакка:

– Ким у Абу Ҳанифа деб куняланган, Куфадан чиққан, – дейди. Ибн Муборак унга жавоб бермай чигал масала-

ларни сўзлаб, уни тушуниш, фаҳмлаш йўллари ҳақида ва у масалалар тўғрисида фатвони айта бошлайди. Авзоий:

– Бу фатволарнинг соҳиби ким? – деб сўрайди. Ибн Муборак:

– Ироқда бир шайхни учратган эдим, ўша, – дейди. Авзоий:

– У киши устозларнинг ўткири экан, боргин-да, ундан кўпроқ сўра, – дейди. Ибн Муборак:

– Бу зот Абу Ҳанифа бўладилар, – дейди. Шундан кейин Авзоий Абу Ҳанифа билан Маккада ҳамсуҳбат бўлади. Ибн Муборак айтган масалаларни эслашади. Абу Ҳанифа ўша масалаларни кенг ёритиб, шарҳлаб берадилар. Улар ажрашиб кетганларидан сўнг Авзоий Ибн Муборакка бориб:

– У зот илмининг мукаммаллигига ва ақлининг етуқлигига ҳавасим келди, мен эса очиқ нотўғри фикрда эканим учун Аллоҳ таолодан мағфират сўрайман. Ўша зотни маҳкам тутиб, бирга бўлгин. У зот тўғрисида менга нотўғри хабар етган экан, – деган экан.

Ибн Муборак Мадинага келганида эса Молик ибн Анас билан ҳамнишин бўлиб, у зот ҳузурида фикҳ илмидан баҳраманд бўлган. Ибн Муборак аввалда фикҳ илми соҳасида Абу Ҳанифадан таълим олган бўлса-да, кейинчалик Суфён Саврий, Молик ибн Анас ва Авзоийлар ҳузурида фикҳ илмидан баҳраманд бўлган. Ибн Фархун Яъмурий Моликий машриқ аҳли ичидан Ибн Муборакни Молик ибн Анаснинг асҳоблари жумласидан деб зикр қилади. Ибн Фаҳрун келтирган бир ҳикояда Молик ибн Анас Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам ҳадисларини нақадар эъзозлагани маълум бўлади. Бу воқеани Ибн Муборакнинг ўзи шундай ривоят қилади: Имом Молик Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламнинг ҳадисларини бизга сўзлаб бераётганида, у зотнинг ҳузурида

эдим. Ўша пайтда чаён уни ўн олти марта чақиб олди. Имом Моликнинг ранги ўзгариб бораётганини кўрдим, лекин сўзлашдан тўхтатмади. Мажлис тугагач, одамлар тарқалиб кетишди. Мен унга: “Эй Абу Абдуллоҳ, бугун сенда ажиб ўзгаришлар кўрдим, – дедим. У:

– Ҳа, шундай бўлди. Аммо, мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳадисларининг улуғлиги ва муътабарлиги ҳурматида сабр қилдим, – деб жавоб қилди. Балки, ўша пайтдаги Расулуллоҳ алайҳиссалом ҳадисларини улуғлаш ва эҳтиромлаш ибн Муборакнинг имом Моликка нисбатан ҳурматини ошириб, унга ихлосманда қилиб қўйгандир? Молик ибн Анас ибн Муборакни “Хуросоннинг фақиҳи” деб ҳурматлар эди.

Ибн Муборакнинг устозлари каби шогирдлари ҳам жуда кўп бўлган. Масалан, Бухорода Муҳаммад ибн Салом ибн Фараж Салмо, Мовароуннаҳрдаги буюк муҳаддис Абу Абдуллоҳ Бухорийнинг отаси Исмоил ибн Иброҳим ибн Муғйра Жуъфий, шунингдек, Найсобур, Ҳирот, Балх, Куфа, Басра, Бағдод, Шом, Антокия, Масис, Раққа, Миср, Марв ва бошқа жуда кўп жойларда ҳам шогирдлари ундан таҳсил олишган. Масалан, унинг машҳур шогирдларидан Сувайд ибн Наср Марвазийни олиб кўрайлик. Имом Бухорий ва Ибн Ҳиббоннинг ёзишларича, у тўқсон ёшга кириб, ҳижрий 240 (милодий 854) йили вафот этган. Муҳаммад ибн Муқотил Марвазий, аввал Бағдодда, сўнгра Маккада яшаб, ҳижрий 226 йили шу шаҳарда вафот этган. Абдуллоҳ ибн Усмон (ҳижрий 145–221), Аҳмад ибн Муҳаммад Марвазий (ҳижрий 235 йили вафот этган), Абу Курайб – Муҳаммад ибн Алоъ Марвазий (ҳижрий 161–248), Ҳаннод ибн Сирри (ҳижрий 152–243), Абу Бакр ибн Абу Шайба (ҳижрий 159–253), Ҳасан ибн Исо Мосаржасий Найсобурий (ҳижрий 140 йили вафот

этган), Абулҳасан Али ибн Ҳажар ибн Иёс ибн Муқотил Саъдий Марвазий (ҳижрий 154–244), Али ибн Ҳасан ибн Шақиқ Марвазийлар (ҳижрий 137–210) Ибн Муборакнинг энг машҳур шогирдларидан ҳисобланади.

Ибн Муборакнинг шогирдлари шу даражада кўп эдики, уларнинг ҳисобига етиш қийин. Унинг шогирдлари қаторига нафақат унинг тенгқурлари ёки замондошлари, ҳатто Суфён Саврий ва бошқа буюк алломалар каби ўзи илм ўрганган устозларини ҳам айтиш мумкин. Бу хусусда машҳур тарихчи Шамсиддин Заҳабий шундай деган: “Унинг шогирдлари кўплигининг сабаби шундаки, ибн Муборак ёшлик давридан бошлаб илмий фаолият ривожланган кўплаб мамлакатларга сафар қилиб, ўзи борган шаҳар ва қишлоқлар, ҳатто кичик маконларда ҳам жамоат ўртасида ҳадис айтиб тарқатар эди. Шу боисдан турли иқлимларда унинг шогирдлари кўп бўлган”.

Юқоридаги фикрлардан маълум бўладики, Абдуллоҳ ибн Муборак илм олиш, айниқса, исломий илмлардан фикҳ ва ҳадисни чуқур эгаллашда бутун куч ва салоҳиятини сарфлаб, шундай улуг бир мақомга эришган. У ўз даврида дин илмларининг деярли барча жабҳаларида жўшқин фаолият олиб бориб, етук олим сифатида бутун мағрибу машриққа танилган.

## ХУЛҚИ ГЎЗАЛ ЭДИ...

Дунё ҳаётининг зийнати бўлмиш бойлик, мол-дунёдан парҳез қилишдан ҳам улғуроқ зоҳидлик борми? Динимиз мусулмон кишининг моли нисобига етса, закотни адо этганидан сўнг садақа қилишга ундайди. Ибн Муборак ҳам молларини муҳтожларга инфоқ-эҳсон қилар эди. Хусусан, фозил кишилар, толиби илмлар ва уламо биродарларига бирор баҳона билан молини шунчаки бериб юборарди. Ўнг қўли қилган садақани чап қўли билмас, тақводорлигини ва парҳезкорлигини пинҳона қиладиган зоҳид эди.

Ҳадиси шарифда “Ким Аллоҳ таоло учун холис камтарлик қилса, Аллоҳ таоло унинг мартабасини баланд қилади”, дейилган. Ибн Муборак илмда ва зоҳидликда ўта камтарин эди. Яҳё ибн Яҳё Андалусий Мадинаи мунаввара имоми Молик ибн Анас ҳузурда илмий мажлисга қатнашгани ҳақида шундай ҳикоя қилади: “Бу мажлисга қатнашиш учун ибн Муборак рухсат сўраб кирди. Шунда имом Молик ўрнидан сурилиб, ёнидан жой берди. Шу пайтгача у бошқа бирор кишига ўрнидан сурилиб жой бермаган эди. Қачон бирор масала ҳақида сўз кетса, имом Молик ибн Муборакдан: – “Бу масала тўғрисида қандай фикр билдирасиз? – деб сўрар эди. Шунда Абдуллоҳ Ибн Муборак унга аста жавоб берар эди. Мажлисдан сўнг, у туриб чиқиб кетди. Имом Молик у кишининг одоби ва камтарлигидан ҳайратда қолди ва ўтирганларга: – Бу киши Ибн Муборак – Хуросон элининг фақиҳидир, – деди”.

Абу Али Равзойининг қуйидаги сўзи Ибн Муборакнинг ҳамсафарларига ихлоси, уларга хизматда садоқати ва камтарлигига далолат бўлади. У айтади:

“Мен Ибн Муборакка Макка йўлида ҳамсафар бўдим. Сахрога кирганимиздан кейин у менга:

– Сен амир бўласанми ёки мен бўлайми? – деди. Мен:

– Сиз бўлинг, – дедим. У:

– Ундай бўлса, менга қулоқ солиб, итоат этасан, – деди ва халтани елкасига кўтариб олди. Мен унга:

– Қўйинг, мен кўтараман, – дедим. У менга:

– Мен амирми ёки сен? – деди. Мен:

– Сиз амирсиз, – дедим. Бир кеча йўлда тунаб қолганимизда ёмғир қуйиб берди. Ибн Муборак бир кийимни олиб, тонг отгунча мени ёмғирдан тўсиб чиқди. Мен у кишига:

– Сиз амир бўлинг, дегандан кўра ўлимимни афзал билдим. Биз манзилимизга етиб ажрашаётганимизда, у менга:

– Эй Абу Али, агар бирон инсон билан ҳамсафар бўсанг, худди шундай йўл тутгин, – дедилар”.

Бундай воқеалар Ибн Муборакдаги камтаринлик, одамлар хизматида ихлос ва садоқатининг кўринишларидир. Булар ибн Муборак эгаллаган мусулмон ахлоқининг гўзал манзараларидир. Бундай улуғ хислатлар уни одамларга яқинлаштирди ва замондошлари ўртасида фазилатли ва машҳур қилди. Ваҳоланки, у ўзини ҳеч ким танимаслигини, ҳар бир қилган яхшилиги яширин бўлишини хоҳларди. У Аллоҳ таоло учун камтарлик, хокисорлик қилди. Аллоҳ таоло унинг борган жойидаги, яшаган еридаги мартабасини кўтарди ва машҳур қилди. Хатиб Бағдодий, ибн Халлиқон ва бошқаларнинг ҳикоялари Ибн Муборакка нисбатан одамлар қалбидан ўрин олган меҳр-муҳаббат ва у етган улуғ мартабага ишора қилади.

Ашъас ибн Шуъба Миссисий шуларни айтиб берган: “Ҳорун ар-Рашид Раққага келди. Одамлар кавушларининг иплари узилиб, йиртилиб кетишига ҳам қара-

май, Абдуллоҳ ибн Муборакнинг ортидан югуришарди. Чанг-тўзон кўтарилди. Ҳорун ар-Рашиднинг онаси қасрдан туриб бу ҳолатни кўрди ва:

– Нималар бўляпти? – деб сўради.

– Хуросонлик бир олим келганлар, исмлари Абдуллоҳ ибн Муборак, – дейишди. Ҳоруннинг онаси:

– Аллоҳга қасамки, ҳақиқий подшоҳлик мана шу. Миршаблар ва амалдорлар билан одам тўплаган Ҳоруннинг подшоҳлиги бунинг олдида ҳеч нарса эмас, – деди”.

Абу Наъим Асбаҳонийнинг “Хуляту авлиё ва табақотул асфие” китобида Ибн Муборакнинг сийратлари, манокиблари ва айтган сўзлари батафсил баён қилинган. Бир ривоятда айтиладики, Абу Ҳанифа ундан тақводорлигининг бошланиши ҳақида сўрайди. Ибн Муборак буни шундай ҳикоя қилиб беради: “Боғда дўстларим билан бирга кечгача еб-ичиб ўтирдик, мен танбур ва удалишни яхши кўрар эдим, сўнгра саҳаргача ухлаб қолдим. Тушимда бошим тепасидаги дарахт устида ўтирган қушни кўрдим. У қуш менга: **“Имон келтирганлар учун диллари Аллоҳнинг зикрига ва нозил бўлган ҳаққа мойил бўлиш, илгарн китоб берилган, сўнг муддат ўтиши билан диллари қотиб кетганларга ўхшамаслик вақти келмадими?! Уларнинг кўплари фосиқдирлар!”** (Ҳадида сураси, 16) оятини айтиб берди. Мен: Ҳа шундай деб, сесканиб ўзимга келдим ва удимни синдирдим. Сўнгра олдимдаги чолғу асбобларни ёқиб юбордим, мана шу тақводорлигимнинг бошланиши эди”.

Ибн Муборакнинг Хуросон, Куфа, Басра, Мадина, Макка ва Шомда истиқомат тутган тақводор, покдомон, зоҳид, фозил, шайхларга шогирд тушиши унинг зоҳидлик ҳаётига катта таъсир кўрсатди. Унинг зоҳид ва муҳаддис бўлиб етишишида сезиларли таъсир кўрсатган улуғ

шайх зоҳидлик, тақводорлик ва ҳадис илмида мўминлар амири бўлган олим Суфён Саврийдир.

Муҳаммад ибн Мусаннога Абдуллоҳ ибн Синон қуйидагиларни айтган экан: “Ибн Муборак ва Муътамир ибн Сулаймон билан Тарасусда эдим. Бирдан жарчи: “Душман...” деб жар солди. Ибн Муборак одамлар билан чиқдилар. Икки томон сафланганида бир румлик чиқиб, яккама-якка олишувга одам чорлади. Бир киши чиқди, румлик қаттиқ курашиб, уни ўлдирди. Шу тарзда олти мусулмон шаҳид бўлди. Сўнгра у икки саф ўртасида гердайиб юриб, ўзига яна рақиб талаб қила бошлади. Юраги дов бериб, ҳеч ким унга рақиб бўлиб чиқавермади. Ибн Муборак менга юзланиб:

– Эй фалончи, мабодо мен ўлдирилсам, у-бу ишларни қиласиз, – дедилар. Сўнгра уловларини тез ҳаракатлантириб ўртага чиқдилар ва ўша румлик билан олишиб кетдилар. Чамаси бир соатча олишиб, румликни ўлдирдилар ва бошқа рақиб талаб қилдилар. Иккинчи киши чиқди, уни ҳам ўлдирдилар. Шу тариқа олти ёғийни ўлдирдилар ва яна рақиб талаб қилдилар. Рақиблардан ҳеч кимнинг юраги дов бермади. Ибн Муборак уловларини югуртириб, икки саф орасидан ўтдилар-да, кўздан ғойиб бўлдилар. Биз нима бўлганини сезмай қолдик. Қарасам, у киши ўз жойларига келиб турган эканлар. Менга қараб:

– Эй Абдуллоҳ (ибн Синон), агар менинг тириклигимда бу воқеа тўғрисида бирор кимсага оғиз очсанг, – деб, баъзи сўзларни айтдилар”.

Бир киши Ибн Муборакка:

– Менга насиҳат қилинг? – деганида у киши:

– Ортиқча назарни тарк қил, намоздаги хушунни қўлга киритасан. Ортиқча сўзни тарк қил, ҳикматга муваффақ бўласан. Ортиқча овқатни тарк қил, ибодатга мушарраф бўласан. Одамларнинг айбларини қидиришни тарк

қил, ўз айбингни билишга киришсан. Аллоҳнинг зотига шўнгишни тарк қил, шубҳа ва ишончда эҳтиёткор бўласан, – деб жавоб бердилар.

Абдуллоҳ ибн Муборак ҳақида бундай ривоят бор у киши Шом шаҳрида ҳадис ёзаётган эди, ёзаётган қалами синиб қолиб, бир кишидан қайтариб бериш шарти билан қаламини олди. Ёзиб бўлгач, қайтариш ёдидан кўтарилиб, қаламдонга солиб қўйди. Марв шаҳрига келганида қаламни кўриб қолди ва уни қайтаришни унутгани ёдига тушди. Сўнг қаламни эгасига етказиш учун яна Шом сафарига отланди.

Бир куни Ибн Муборакдан бир гадой пул сўраган эди, у бир дирҳам эҳсон қилди. Дўстлари:

– Бу гадойлар қовурилган гўшт ва ширинликлар, ноёб таомларни истеъмол қилишади. Унга бу пулнинг бир қисмини берсангиз ҳам, кифоя қилар эди, – дейишди. Шунда Ибн Муборак:

– Аллоҳ ҳаққи, улар кўкат ва нондан бўлак бирор таом йейишмайди деб ўйларканман. Агар улар ширинлик ва гўшт ейишса, унда уларга бир дирҳам етмас экан, деди ва ўз хизматкорларидан бирига: Гадойни қайтариб келгин-да, унга ўн дирҳам бер, деб буюрди.

Абдуллоҳ ибн Муборак шундай ҳикоя қилади: “Бир йили Маккада қургоқчилик бўлди. Халқ уч кунгача истиско (ёмғир сўраш) намози ўқиди. Аммо ёмғир ёғавермади. Ўзим ёлғиз дуо қилай деб халқдан четландим ва бир горга кирдим. Бир пайт бир ҳабаш қул кириб, икки ракат намоз ўқишга киришди. Гор қоронги бўлгани учун у мени кўрмади. Қул бошини саждага қўйганича, “Илоҳим, бандаларинг уч кун ёмғир сўрашди, бермадинг. Сенинг иззатинг ҳаққи, ёмғир юбормагунингча бошимни саждадан кўтармайман”, деб дуо қилди. У ҳали бошини кўтармай туриб, ёмғир қуя бошлади. Кетаётганида унинг ортидан

эргашдим. Бир ҳовлига кириб кетди. Бир оздан сўнг ҳовлидан бир киши чиқиб келди. Мен унга қул сотиб олмақчилигимни айтдим. Уй эгаси менга бир қулини кўрсатди. Бошқасини сўрадим.

– Яна биттаси бор-у, сал дангасароқ, сизга тўғри келмайди, – деди уй эгаси. У ўша қул эди. Мен уни йигирма динарга сотиб олдим. Шунда қул менга:

– Эй Ибн Муборак, мени нега сотиб олдингиз? Мен сизга хизмат қила олмайман, – деди. Уни уйга олиб келдим. У таҳорат қилмоқчи бўлди. Таҳорат олгач, намоз ўқиди. Саждага борганида нимадир деб пичирлади. Сўзини эшитиш учун яқинроқ бордим. У: Эй Сирлар соҳиби, сир фош бўлди, мен танилиб қолганимдан кейин ортиқ яшашни истамайман деб илтижо қилаётган экан. Сўнг, бир муддат жим бўлиб қолди. Қарасам, ўлган экан...”

Абдуллоҳ ибн Муборак нафақат мусулмонларга, балки мусулмон бўлмаган бошқа дин вакилларига ҳам яхшилик қилардилар. Хоразмий “Муфидул улум” китобида ушбу воқеани келтиради: “Абдуллоҳ ибн Муборакнинг яҳудий қўшниси бор эди. У уйини сотмоқчи бўлди. Ундан уйни қанчага сотмоқчилигини сўрашганида, икки мингга сотишини билдирди. Унга:

– Уйингнинг баҳоси бир минг туради, – дейишди.

– Тўғри, лекин минги уй учун, қолган минги Абдуллоҳ билан қўшни бўлиш учун, – деди. Ибн Муборакка бу хабар етгач, қўшнилари чақирдилар ва уйнинг пулини бериб:

– Уйни сотмагин, – дедилар”.

Бу воқеадан шундай ибрат чиқади: яҳудий бир киши Ибн Муборакдек яхши қўшниси борлиги учун уйининг баҳосини икки барабарга баҳолади. Ибн Муборак эса, Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва салламнинг қўшничилик ҳақидаги: “Аллоҳ наздида қўшнилarning яхшиси

қўшнисига яхши бўлганидир”, деган ҳадисларига мувофиқ иш тутдилар.

Мовароуннаҳрнинг улуғ олими Абдуллоҳ ибн Муборак бир неча йил Марвада дарс берган эди. Феъли бузуқ бир одам ҳам ҳузурларига келиб турарди. Бу кимса бир куни Марвдан кетиб қолди. Абдуллоҳ ибн Муборак бундан жуда афсусланди.

– Нега унинг кетганидан афсусланияпсиз? – деб сўраганларга, Ибн Муборак армон билан шундай жавоб берган эди:

– У биздан айрилиб кетди-ю, аммо ёмон феълидан айрилмади. Агар яна бироз вақт қаторимизда юрганида, балки хулқи тузалармиди...

Аллоҳ таоло Абдуллоҳ ибн Муборакка баланд мартаба ато қилган эди. Вафот топганида бир киши тушида у зотни кўрди ва:

– Аллоҳ сизга қандай муомала қилди? – деб сўради. Абдуллоҳ ибн Муборак:

– Аллоҳ таоло мени мағфират қилди, фазлига олиб, улкан марҳамат кўрсатди, лекин менга уйимнинг рўпарасидаги темирчига берилган мақом насиб бўлмади, – деди. Киши уйқудан уйғонди, дилида темирчининг кимлиги ва қандай қилиб Абдуллоҳ ибн Муборакка берилмаган нарса унга берилганини ўйлаб қолди ва ибн Муборакнинг маҳалласига борди. Суриштириб кўрса, ҳақиқатда у кишининг уйи рўпарасида бир темирчи бўлиб, у ҳам вафот этган экан. Бориб, темирчининг хотинидан:

– Эрингиз нима қилар эди? – деб сўради ва тушида кўрганларини айтиб берди. Аёл:

– Эрим темирчи эди, кун бўйи ишлар, кечаси эса ухларди. Кечаси Абдуллоҳ ибн Муборакнинг таҳажжуд ўқишига ҳаваси келиб, ҳасрат қилар:

– Биз ҳам кенгчиликда бўлганимизда, мен ҳам туни

билан таҳажжуд ўқир эдим, – дер эди. Яна у ишлаётганида қулоғига азон товуши эшитилса, мабодо болғасини тепага кўтарган бўлса, шуни уриб қўяйин, демасди. Ўша заҳоти болғасини пастга туширар ва: “Азонни эшитганимдан кейин менга болғани ушлаб туриш ярашмайди”, дер эди ва масжидга қараб кетар эди, – деди.

Туш кўрган киши: Абдуллоҳ ибн Муборакдан ҳам мартабасининг юқори бўлишига шу нарса сабаб бўлган экан-да”, деди.

Ибн Муборак хулқ-одобда, муомалада ва мусулмонларга яхшиликни раво кўришда, насиҳат қилишда намуна эди. Ҳар гал Қуръони каримни хатм қилганида, барча мусулмонларни баравар дуо қилар, уларни насиҳатдан ибратланишга чорлар эди. У кишидан:

- Амалларнинг қайсиси афзал? – деб сўрашса,
- Аллоҳ учун холис қилингани, – деб жавоб берарди.

Яна:

– Замонамизда насиҳатни очик қалб билан қабул қилиб оладиган бирор-бир киши қолганини билмайман, – дер эди. Шу сабабли ҳам, ниҳоятда илтифот ва меҳрибонлик билан насиҳат қилар, дўстлари берган ҳадяларни қабул қилиб, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам каби уларга ҳам совға берарди. Дўстлари, яқинлари билан бирга ўтирганда, уларга ниҳоятда эътиборли бўлар, яхшилик ва эҳсонлар қилар, – “Нарсаларнинг энг лаззатлиси дўстлар билан ҳамсуҳбат бўлиш, кифоя қиладиган миқдорга қаноат қилиш ва Аллоҳ йўлидаги доимий дўстлик,” дер эдилар.

Ибн Муборак дўстларини ҳурматлаб, улар ҳақида:

– Ким дўстлик, оға-инилик муносабатларига енгил-елпи қараса, уларни менсимаса, мурувватидан айрилади, дер эди. Ўзи билан ҳамсуҳбат бўлган ҳар қандай кишига яхшилик илинар, уни тўғри йўлга солиш учун

ҳаракат қилар, бунинг уддасидан чиқолмаса, қаттиқ афсусланар эди.

Алий ибн Фузайл шуларни айтиб берган: “Отам ибн Муборакка:

– Сиз бизни зоҳид бўлишга, камига қаноат қилишга, бори билан кифояланишга ундайсиз. Лекин ўзингиз тижорат қиласиз. Буни қандай тушунса бўлади?! – дедилар.

Абдуллоҳ ибн Муборак:

– Эй Абу Али, мен юзим ёруғ бўлиши, шаънимни сақлаш, Раббимнинг тоатига мадад бериши учун тижорат қиламан, – дедилар. Отам:

– Эй ибн Муборак, агар тижорат ҳалол бўлса, қолганлари ҳам ҳалол бўлади, – дедилар”.

Абдуллоҳ ибн Муборак раҳматуллоҳи алайҳнинг хулқи шунчалар гўзал эдики, у кишининг ўзи бирор айб иш қилмасликдан ташқари, уни бошқалар томонидан қилинишига ҳам қаттиқ қарши турарди. Айниқса, ғийбатга асло йўл қўймас эди. У киши: “Кимдир бировни ғийбат қилиб қўйса, ғийбат қилганини унга айтмасин, балки Аллоҳ таолодан мағфират сўрасин”, деб таъкидлашдан чарчамасди. Абдуллоҳ ибн Муборакнинг мажлисида биров имом Абу Ҳанифани ғийбат қилди. Абдуллоҳ ибн Муборак: – Эй одам, сен нима учун имомнинг айбларини баён қиялсан? У киши қирқ беш йил давомида бир таҳорат билан беш вақт намозни адо қилган, – деб унга танбеҳ берди.

Ибн Муборакнинг фазлини оширадиган хислатларидан бири у кишининг ҳар бир ишда ниятни тўғри ва пок қилишлари эди. У киши амалдан кўра ниятга кўпроқ эътибор қаратардилар. Ибн Муборакнинг шундай насихатлари ҳам бор: “Қанчадан қанча кичик ишлар борки, пок ният ўша арзимас ишни буюклаштиради. Қан-

чадан-қанча буюк ишлар борки, ният унинг қадрини тамоман тушириб юборади. Ният буюк ишлардан бўлиб, у қалбий ибодатдир. Уни тилга чиқариш шарт эмас. Ниятга қараб бандаларнинг амаллари орасида фарқ бўлади. Масалан, бир киши фақат намоз ўқиш ниятида таҳорат қилади. Иккинчи одам эса, намоз ўқиш нияти ҳамда Аллоҳ буйруғига бўйин эгиш мақсадида таҳорат қилади. Учинчи киши намоз ўқиш нияти, Аллоҳ буйруғига бўйин эгиш ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг таҳоратдаги суннатларини татбиқ қилиш ниятида таҳорат қилади. Тўртинчи одам намоз ўқиш нияти, Аллоҳ буйруғига бўйин эгиш, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг таҳоратдаги суннатларини татбиқ қилиш ва гуноҳларига каффорат бўлиши ниятида таҳорат қилади. Мазкур тўрт киши бир хил таҳорат қилишди, барининг таҳорати ҳам тўғри. Лекин ибодатга қалби билан берилиб ният қилишидаги савоб даражаси тафовут қилади. Аҳли илмлар баланд даражага кўтарилишларининг сабабларидан бири шуки, улар энг улкан ажрларни қандай қилиб қўлга киритишни билишади. Шундай экан, ниятларингизни янгидан бошланг, Аллоҳ таоло учун амалга ошираётган ибодатларингизни қалбингиз билан ҳис қилинг, шунда ажр ва савоблар зиёда қилиб берилади”.

## ТАҚВОДА ЯГОНА

Абдуллоҳ ибн Муборакнинг тақводор, художўй ва шубҳалардан узоқ бўлиб шаклланишида устозлари Суфён Саврий, Анас ибн Молик ва Абу Ҳанифанинг таъсири салмоқлидир. Устозларидан Вухайб ибн Вард бу борада уларнинг энг аввалгиси эди. Чунки у ниҳоятда парҳезкор, тақводор киши бўлиб, у ҳақида кўплаб

мавъиза ва ибратли сўзлар бор. Суфён Саврий доим одамлар билан сўзлашиб бўлгач: “Бизни яхши киши, яъни Вуҳайбга қараб тўтирланглар”, дер эди. Ибн Муборак ҳам кўплаб ҳадисларни ундан ривоят қилар, унинг мавъизаларидан ва хушмуомалалигидан мутаасир бўларди. Устози ҳақида: “У сўзлаганда кўз ёшлари юзига томчилаб турарди”, дер эди. Ундан кўп фойда кўргани ва унинг сўзларидан қаттиқ таъсирланганини эслаб, унинг тақвоси, ўзини дунё шаҳватларидан тийиши ҳақида ақлни лол қолдирувчи воқеаларни ҳикоя қилиб, шундай деди: “Менга ҳамсуҳбатлар ичида Вуҳайбдан-да манфатлиси бўлмаган. У мева истеъмол қилмасди. Йил охирлаб, мевалар тугаб кетгач, қорнини очиб унга қараганча: “Эй Вуҳайб, сен меваларни тарк қилганинг учун ҳеч бир зарар кўрганингни кўрмаяпман”, дер эди.

Унинг художўйлигини баён қилишдан олдин тақвоси қандайлиги ва тақводор мўмин қандай бўлиши лозимлигига далолат қилувчи ушбу сўзларини келтирамиз. У: “Агар киши юзта нарсадан ўзини сақлаб, эҳтиёт бўлса-ю, биттасидан сақланмаса, у тақводор-парҳезкор эмасдир. Кимда жоҳилликдан бир хислат бўлса, демак, у жоҳиллар зумрасидан(гуруҳ)дир”. Абдуллоҳ ибн Муборак наздида ана шундай киши тақволи инсондир. Ўзининг тақвоси ҳам ана шундай эди.

Унинг тақво ва парҳезкорлиги ҳақида шундай ривоят келтирилади. “У ўзи хоҳлаб турган таомдан дўстлари ҳам қўшилиб емагунларича, татиб ҳам кўрмасди. Агар бирор бир таомни емоқчи бўлса, бирор кишини меҳмонга айттар ва у билан бирга ўша таомдан тановвул қиларди.” Бу хусусда Авзойининг ушбу сўзларини эслар эди. У: “Уч таом хусусида; саҳарлик ва ифторлик учун ҳозирланган ҳамда меҳмон учун тортилган таом учун ҳисоб йўқдир”, дер эди.

Ибн Муборакнинг тақвosi шунчалар кучли эдики, у бу борада энг майда жиҳатларга ҳам эътибор берар, нима иш қилмасин, Аллоҳдан қўрқув уни ҳамиша таъқиб этиб турарди. Агар хизматкорлари мол сотаётган вақтида Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламга салавот айтиб сотган бўлса, у молнинг пулидан овқатланмас эдилар ва унга: “Сен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга салавот айтиб, у зот алайҳиссаломни кўкларга кўтардинг, шу сабабли ўзинг ҳам мақталдинг ва одамлар сенинг нарсаларингни сотиб олишди, дер эди. Марвдаги жоме масжидида фақат жума намозини ўқир, нафл ибодатларни эса, масжидда адо қилмасди. Унинг фикрича, Абу Муслим масжид еридан бир қисмини ғасб қилиб олганди.

Абдуллоҳнинг опа-сингиллари бор эди. Оталарининг Марвда бир боғи бўлиб, уни Абдуллоҳга ҳадя қилганди. Абдуллоҳ улғайиб, балоғат ёшига етгач, илм аҳллари билан суҳбат қурди, ўзи ҳам илм толиби бўлди. Бир куни Абдуллоҳ опа-сингилларининг ёнига келиб:

– Отамиз бу боғни сизларга бермасдан, менга тортиқ қилиб, ўзига муносиб бўлмаган ишни қилди. Орангизда бу боққа мендан кўра ҳақлироқ киши йўқ, чунки у менинг боғимдир. Энди мен бу боғни Аллоҳ азза ва жалланинг китобига мувофиқ ўртамизда ўзаро тақсимланиши учун қайтараман, сизлар отамиз қилган ишни тузатишга ижозат беринглар, – деди. Опа-сингиллари:

– Сенга ҳам, отамизга ҳам бу боғнинг тасарруфоти учун ижозат. Бу боғ отамиз сенга ҳадя қилганларидек, сен учун ҳалолдир, – дейишди. У:

– Йўқ, бу боғни ўртамизда мерос қилиб тақсимланишига ижозат беринглар, – деди. Улар рухсат беришди. Абдуллоҳ уйланиб, бир ўғил фарзанд кўрди.

Опа-сингиллари ўз улушларини унинг ўглига ҳада қилдилар. Уша фарзанд ҳам кейинроқ вафот этди ва Абдуллоҳ фарзандининг улушини меросхўр сифатида қабул қилди. Боғ бир вақтлар отаси берганидек, яна Абдуллоҳга қайтиб келди. Ушбу боғ воқеасида тафаккур қиладиганлар учун ибрат ва насихатлар бордир. Агар инсон Аллоҳнинг ҳаққини билиб, шубҳалардан парҳез қилса, унинг ризқи асло камаймайди. Ибн Муборак қиёмат куни Аллоҳнинг азобидан нажот топиш учун тинимсиз ҳаракат қиларди.

Ибн Муборакнинг Аллоҳдан қаттиқ кўрқиши унинг энг майда нарсаларда ҳам парҳез қилишида намоён бўлади. Бу борада замондошлари томонидан, у кишининг тақвоси қанчалар кучли эканини кўрсатувчи ўнлаб ривоятлар келтирилган. Бир киши унга:

– Бу китобни фалон жойгача кўтаришиб элтиб бер, – деди. У:

– Сен учун бир туякашни ёллайман ва унинг ижара ҳақини ҳам ўзим тўлайман, – деди. Ҳеч қандай оғирлиги бўлмаган китобга нисбатан у кишининг ҳурмат-эътибор билан қилган муомаласига эътибор беринг!

Ривоят қилинишича, у киши кенг бир далага сафарга чиқдилар. Дарёга етгач отдан тушиб, найзаларини ерга қададилар ва отни унга боғлаб қўйдилар. Таҳорат олиб, намозга киришдилар. Салом бергач қарасалар, отлари бировнинг экинзоридида ўтлаб юрган экан. “У ҳаромдан озиқланди, энди у билан ғазотга чиқиш дуруст эмас”, деб отни экин эгасида қолдирдилар ва бошқа от сотиб олиб, у билан йўлларида давом этдилар. Мана шулар динининг саломат бўлиши учун дунёсидан зарар кўрса ҳам парво қилмайдиган, ҳисоб кунидан хавфсирайдиган, художўй Ибн Муборакнинг тақвосидир. У Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ўз ҳадисларида зикр этган кишилар тои-

фасидандир. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам шундай марҳамат қилганлар: **“Зарарли нарсадан эҳтиёткор бўлиб, безарар нарсаларни ҳам тарк қилмагунича, киши тақводор бўла олмайди”** (Термизий ривояти).

Бир киши Абдуллоҳ ибн Муборакнинг ҳузурларига келиб:

– Менга насиҳат қилинг?, – деди. У зот:

– Аллоҳга мууроқаба қил! – дедилар. У киши:

– Аллоҳга мууроқаба қилиш нима? – деб сўраган эди,

у зот:

– Аллоҳдан ҳаё қилиш, – деб айтдилар.

Атоқли олим ва зоҳиднинг тақвоси, унинг Аллоҳ азза ва жаллага қанчалар яқинлиги ҳақида замондошлари бир неча ривоятларни келтиришган. Улардан бирида айтилишича Абдуллоҳ ибн Муборакнинг ҳалқасида таҳсил олаётган шогирдлардан Саҳл ибн Абдуллоҳ бир куни устозига шундай деб қолди:

– Энди машғулотларингизга асло қатнашмайман. Сабаби, бугун дарсга келаётганимда, чўриларингиз том бошига чиқиб олиб: “Саҳл меники!”, “Саҳл меники!” деб басма-басига қичқира бошлашди. Уларга тарбия берсангиз бўлмайдимиз ахир?”. Уша куни тунда Абдуллоҳ ибн Муборак барча шогирдларини тўплади ва:

– Юринглар, Саҳлнинг жанозасига борамиз, – деди. Шогирдлар етиб бориб, Саҳлнинг ўлиб ётганини кўришди ва ҳайратдан ёқа ушлаб қолишди. Шогирдлар ўз устозларидан Саҳлнинг ўлиmidан қандай хабар топганлари ҳақида сўрашганида, у киши шундай жавоб берди:

– Менинг қизларим ҳам, чўриларим ҳам йўқ. Саҳл кундузи томда уни ўз ҳузурига чорлаётган жаннат ҳурларини кўрибди.

Ибн Муборакнинг художўйлиги, тақвоси ва Аллоҳ-

нинг ҳадларига яқинлашмасликдаги қаттиқ қўрқуви ҳақида олимнинг ўзи шундай ҳикоя қилади: “Бир куни бир мажусий билан ишлашимга тўғри келиб қолди. Намоз вақти киргач, ибодат қилаётганимда ҳеч қандай зарар етказмаслиги ваъдасини олдим. Шу тариқа намозимни хотиржам адо этиб, яна ишим билан машғул бўлдим. Кейин мажусийнинг оловга сиганадиган пайти бўлиб қолди. Мен ҳам ибодати чоғида унга халақит бермасликка ваъда қилдим. Аммо мажусий оловга таъзим қилиши билан унинг устига ташландим. Бироқ, “Сўз бергандан кейин, охиригача ваъдангда тур!” деганини эшитиб, уни қўйиб юбордим ва ибодатини тугаллашига имкон бердим. Бу қилигимдан ҳайратга тушган мажусий:

– Нега бошида менга ҳужум қилиб, кейин фикрингдан қайтиб қолдинг? – деди. Мен унга:

– Агар бирор кимсанинг Аллоҳ таолони қўйиб, бошқа нарсага сиғинаётганини кўриб қолсам, бардошим тугаб, чидолмай қоламан. Шунинг учун сенга ташланиб, ўлдирмоқчи бўлдим. Аммо, “Сўз бергач, охиригача ваъдангда тур!” деганингни эшитгач, аввалги фикримдан қайтдим”, – дедим. Шунда мажусий:

– Сенинг Раббинг – ҳақиқий илоҳдир! Зеро, Ўз душмани туфайли Ўз дўстига ҳам танбеҳ бериши мумкин. Шу боис, ҳузурингда Исломга кирмоқчиман, – деди. Ушбу сўзларни айтиб, у шаҳодат калимасини келтирди ва мусулмон бўлди”.

Худди шунга ўхшаш воқеани бошқа бир олим ривоят қилади: “Жанглarning бирида Абдуллоҳ ибн Муборак Рум элининг жуда кучли, ҳайбатли аскарлари билан тўқнаш келдилар. Яккама-якка олишдилар, қилич солдилар, гурзи билан урдилар, хуллас ҳарчанд уринишмасин, бир-бирларини енга олмадилар. Абдуллоҳ ибн Муборак:

– Танаффус қилайлик, жангни тўхтатиб турайлик, мен намозимни ўқиб олай, – деб рақибдан озгина муҳлат сўрадилар. Рақибга бу илтимос маъқул келиб:

– Яхши, мен ҳам ибодатимни қилиб олай, – деб нари кетди. Абдуллоҳ отни соҳилга боғлаб, оқаётган сувда таҳорат олдилар. У одам ҳам ўз эътиқодига кўра нималардир қилди. Абдуллоҳ намозни ўқиб бўлиб, дуо қилар чоғларида ўзларича: “Шу одамни отдан ҳеч ағдара олмадим, ҳозир отидан тушган, ҳимоясиз ҳолда ўтирибди. Фурсатдан фойдалансам-у бостириб бориб, ўлдирсам-чи?” деб ўйладилар. Аммо, бир қарорга келмай туриб, Қуръони каримдаги: *“Аҳдга вафо қилинглар, зеро, аҳд-паймон Қиёмат кунинда сўраладиган ишдир”* мазмунли оят эсларига тушди ва дарҳол ниятларидан қайтдилар”.

Абдуллоҳ ибн Муборак шогирдларидан бошқа одамларнинг ҳақ-ҳуқуқларини бузмаслик ва поймол этмасликни қаттиқ талаб қилар эди. У бу дунёнинг фонийлиги ва алдамчилиги, шариат талабларига жиддий эътибор қаратиш зарурлиги ҳақида уларни тинмай огоҳлантирарди: “Мустаҳаб амални бажаришга эътиборсиз бўлган одам, суннатни етарли адо этиш ҳақида унча қайгурмайди. Суннатни осон тарк этадиган одам, фарз амални бажаришга рағбат кўрсатмайди. Буларнинг барига эътиборсиз бўладиган киши ҳақни таниш ва Аллоҳнинг розилигини топиш неъматидан маҳрум бўлади”. Яна у шогирдларига “Динни ўзининг дунёвий орзуларига етишиш воситаси қилиб олган одам, энг қаттиқ адашгандир”, деб насиҳат қилишни қанда этмасди.

Ибн Муборакнинг бу насиҳатлари унинг ўзи ривоят қилган Абу Хурайра розияллоҳу анҳунинг ҳадисида келтирилган набавий кўрсатмалар билан ҳамоҳанг эди: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам шундай деганлар: *“Менга жаннатга энг аввал кирадиган ва дўзахга*

*энг аввал тушадиган уч киши билдирилди: жаннатга биринчи бўлиб, Аллоҳ йўлида шаҳид бўлганлар; Раббига тўлақонли сизинадиган ва хожасига итоаткор бўлган қул; катта оиланинг бошлиғи бўлатуриб ёмон сўз ва ишлардан ўзини сақлаган киши киради. Дузахга биринчи бўлиб мустабид ҳукмдор; мол-мулки бўлатуриб, закотини бермаган бой; Аллоҳнинг ҳукмига қарши чиққан фақир киради”.*

## ҲИММАТ ВА САХОВАТНИ КЎРИНГ!

Ибн Муборак тижорат билан ҳам шуғуланар, ипак ва мўйна билан савдо қилар эди. Молларни Хуросондан Макка ва Мадинага ёки Шом чегараларига олиб борар эди. У тижоратдан фақат мол-дунё тўплаб, топган бойлигини сандиққа босишни мақсад қилмаган, балки бу мол-дунё воситасида ўз шаъни-обрўсини сақлаш, олимлардан муҳаддис ва фақиҳларига саховат кўрсатиш, хайру эҳсон қилиш эди.

Ибн Муборакнинг тижорати катта бўлиб, йилига фақирларга юз минг дирҳам хайру эҳсон қилар эди. Унинг мамлакатлар орасида тижорат қилиб юрган сармояси тўрт юз минг дирҳамга етар эди. Қаерда бирор олим билан учрашиб қолса, унга албатта мурувват кўрсатар, ҳадялар бериб, кўнглини олар эди. Ҳар йили ҳалол йўл билан топган фойдасининг ҳаммасини ибодат аҳлига, зоҳидларга ва аҳли илмларга эҳсон қилиб берар эди. Гоҳо сармоясидан ҳам эҳсон қилиб турар эди.

Савдогарчиликдан бирон миқдорда фойда қилса, рўзгорига озик-овқат олар эди ёки ҳаж сафарига харажат қилар эди. Қолганини биродарларига эҳсон қилиб юборар эди. Эҳсонларини ўз юртига сарфламай, ўзга

элларда тарқатиб юргани учун Ибн Муборакни таъна қилишади. Чунки, динимиз кўрсатмаларида хайр-эҳсон аввало ўз элига қилинади, сўнгра атрофдаги яқин юртларга тарқатилади. Лекин Ибн Муборак бошқа юртларга эҳсон қилишга интилар, қилаётган харажатларида ўзини оқлар эди. “Мен фазилатли ва садоқатли кишиларнинг жойини биламан. Улар ҳадис учун ҳаққоний хизмат қилишяпти, улар одамларнинг ёрдамларига муҳтож. Агар уларни ташлаб қўйсақ, илмлари зое бўлади. Агар одамлар уларга ёрдам беришса, улар Муҳаммад алайҳиссалом умматларига илм тарқатишади. Пайғамбарликдан кейин, илм тарқатишдан кўра афзалроқ нарсани билмайман”, деб жавоб берар эди. Дарҳақиқат, Ибн Муборак бу афзалликни ҳадисларни тарқатиш ва уни толиби илмларга етказиш учун ўз ҳаётларини бағишлаган ана ўша муҳаддисларнинг эҳтиёжларини қоплашда кунларнинг бирида деб билар эди. У уламоларнинг ёрдамга муҳтожликлари уларнинг ялқовликлари ёки ишёқмасликларидан эмас, балки уларнинг ҳадис тарқатиш, толиби илмларга етказиш ҳамда ҳадиснинг пайида бўлиб турганликлари сабабидандир деб ҳисобларди.

Кунларнинг бирида Абдуллоҳ ибн Муборак ҳаж ибодатини азму қарор қилди ва Марвлик шерикларига: “Сизлардан ким бу йил ҳажга боришни ният қилган бўлса, ўзи билан олиб бормоқчи бўлган маблагини менга келтириб топширсин, у киши учун керакли харажатни мен тўлайман”, деди. Кейин уларнинг пулларини йигиб олди-да, пул солинган ҳар бир халта устига эгасининг исмини ёзиб, махсус бир сандиққа солиб, қулфлаб қўйди. Сўнгра ҳаммага етарли от-уловларни ёллаб, улар билан биргаликда Марвдан Бағдод томон сафарга чиқди. Сафардаги зарурий харажатлар масаласими, от-улов масаласими, зиёратга отланганларнинг ўзаро муносабатиди-

ги одоб-ахлоқими, улар учун қулайликлар масаласими – барчаси мукаммал адо этилди. Ибн Муборак уларнинг барча харажатларини тўлар, уларни энг мазали таомлар, ширин ҳалволар билан сийлар эди.

Сўнгра ўша хушфеълиги, мулойимлиги ва муруввати билан Бағдоддан чиқиб, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг шаҳарлари – Мадинаи мунавварага етиб келгунларигача улар билан бирга юрди. Мадинага етиб келгач, ҳамроҳларининг ҳар биридан оила аъзолари Мадинадан қандай қимматбаҳо совғалар сотиб олишни буюрганини сўради. Улар:

– Фалон ва фалон нарсаларни айтишган эди, – деб жавоб қилишди. Шунда Ибн Муборак улардан ҳар бирининг аҳли оиласи буюрган нарсаларни сотиб олиб, уларга улашди. Шундан сўнг, у зиёратчилар билан Мадинадан чиқди-да, Макка томон йўл олди. Маккага етиб келиб, ҳаж ибодати арконларини адо этиб бўлгач, у ҳамроҳларига қараб:

– Аҳли-аёлингиз Макка томонлардан нималарни харид қилишни буюрган? – деб сўради. Улар:

– Фалон ва фалон нарсаларни буюришган, – дейишгач, у уларга ўша нарсаларни харид қилиб олиб берди.

Зиёратчилар Маккадан чиқиб, ўз юртлари томон равона бўлишди. Ибн Муборак эса сафар ниҳоясигача ана шундай йўл тутди. Ўз юртларига қайтгач, зиёратчилар уларининг таъмирланган, деворлари оқланган, кўримсиз, эскирган жойлари сувалиб тартибга солинган, эшиклари бўялган ҳолда кўриб, ҳайрон бўлишди. Улар манзилларига етиб келганларидан уч кун ўтгач, Ибн Муборак бир зиёфат уюштириб, ҳаммаларини чақириб меҳмон қилди. Келганлар овқатланиб бўлгач, уларга янги кийимлар улашиб, янада хурсанд қилди. Шундан кейин, зиёратга

борганларнинг пуллари қўйилган сандиқни очиб, унга қўйилган халтачаларни чиқариб, ёзилган исмларига қараб уларни ўз эгаларига тарқатди. Улар ўз маблағларини бекаму кўст олдилар, Ибн Муборакка ташаккур ва миннатдорликлар изҳор қилган ҳолда уй-уйларига тарқалдилар. Абдуллоҳнинг бундай олий ҳимматига одамлар бошқа пайтларда ҳам кўп бора гувоҳ бўлишган.

Ибн Муборакнинг ҳиммати нақадар олий бўлганлигини, унинг баъзи қарздор кишиларнинг қарзини ўша заҳоти тўлаб юборишидан ҳам билса бўлади. Ибн Жавзий шундай ёзади: “Мусаяиб ибн Возеҳ шундай деган: “Абдуллоҳ ибн Муборакнинг ҳузурда ўтирган эдим. Шу пайтда унга бир кишининг етти юз дирҳам қарздор экани ҳақида сўзлаб беришди. Ибн Муборак ўша одам яшайдиган жойдаги вакилига шундай мазмунда хат ёзди: Агар сенга бу хатимни олиб боришса, уни ўқиб бўлгандан сўнг, шу хатни олиб борган кишига етти минг дирҳам бер”. Хат вакилнинг қўлига етиб келгач, уни ўқиб кўрди ва у кишига юзланиб:

– Сенга қанча берай? – деди. У киши:

– Унга етти юз дирҳам қарздор эканимни айтишган эди, – деди. Вакил:

– Хатда хатога йўл қўйилибди, лекин жойингда ўтириб тур, сенга айтилган маблағни бераман ва хўжайинимга одам юбориб, бу тўғрида маслаҳатлашиб оламан, – деди. Вакил Абдуллоҳ ибн Муборакка хат ёзиб: “Менга ёзган хатингиз келди, уни ўқиб кўриб, нима деганингизни тушунмадим ва хатни келтирган кишидан сўрасам, етти юз дирҳам қарздор эканини айтди. Бу хатда эса “етти минг” деб ёзилган экан. Агар сиз адашиб ёзган бўлсангиз, тўғирлаб беринг, шунга қараб ҳисоб қиламан”, деди. Ибн Муборак унга: “Агар сенга бу хатим етиб борса, уни ўқиб кўриб, унда айтил-

ган гапга тушунсанг, шу хатнинг эгасига ўн тўрт минг дирҳам бер” деб ёзди. Вакил унга: “Агар ишимиз шундай ҳолатда бораверса, тезда мулкимизни тугатиб битирамиз”, деб ёзди. Абдуллоҳ ибн Муборак унга: “Агар сен вакилим бўлсанг, буюрганганимни бажар, агар мен сенинг вакилинг бўлсам, ўрнимга кел, мен сенинг ўрнингга бориб, буюрганларингни бажараман. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: **“Ким бир мусулмон биродарига бир хурсандчилик келтирса, Аллоҳ таоло унинг гуноҳларини кечириб юборади”**. Мен ҳам у биродаримга кутилмаган бир хурсандчилик келтиришни хоҳладим”, деб жавоб ёзган экан.

Абдуллоҳ ибн Муборак икки йилда бир бор ҳаж қилар эди. У шундай ҳикоя қилади: “Ҳаж қиладиган йилим беш юз динор олиб, туя сотиб олиш учун Куфадаги туя бозорига чиқдим. Бораётиб қарасам, бир аёл ўлган ўрдакнинг патини юлаётган экан. Олдига бориб,

– Буни нима қиласиз? – дедим. Аёл:

– Ишинг бўлмасин, Аллоҳнинг бандаси, – деди. Бу гапдан бироз шубҳаланиб, ўрдакни нима қилмоқчилигини қайта-қайта сўрайвердим. Ниҳоят аёл сабабини айтди:

– Сиримни очишга мажбур қилдингиз, Абдуллоҳ. Аллоҳ сизга раҳм қилсин. Эрим вафот этди, тўртта қизим билан қолдим. Бугун туз тотмаганимизга тўрт кун бўлади. Шунинг учун бизга ўлимтик ҳалол бўлди. Бу ўрдакни тозалаб, қизларимга олиб бормоқчиман. Ичимда: “Эй Ибн Муборак! Шўринг қурсин, кўзинг қаёқда эди?” дедим. Аёлнинг этагига бор пулларимни тўкиб:

– Уйингизга боринг, бу пулларга керакли нарсаларни олинг, – дедим. Уша йили Аллоҳ қалбимдан

ҳаж қилиш истагини олиб қўйди. Ҳожилар қайтиб келгач, улар орасидаги қўшниларим ва дўстларим билан кўришмоқчи бўлиб чиқдим.

– Аллоҳ ҳажингизни қабул қилсин, амалингизга мукофот берсин, – десам, улар ҳам:

– Аллоҳ сизнинг ҳам ҳажингизни қабул қилсин, амалингизга мукофот берсин, – дейишар эди. Мен ҳайрон бўлиб:

– Қандай ҳаж? Ахир Куфадан чиққанам ҳам йўқ-ку! – десам, улар:

– Қанақасига, ахир ўзингиз фалон жойда бизга сув улашдингиз-ку! Фалон жойда баъзи амалларни бажаришга ёрдам ҳам бердингиз, – дейишарди. Бу гапни кўпчиликдан эшитдим, аммо улар келишиб олишлари мумкин эмасди. Бунинг сабабини ўйлаб, ўйимга етолмай уйқуга ётдим. Тушимда Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламни кўрибман. У зот:

– Ажабланма, Абдуллоҳ. Бир ночор аёлга ёрдам берганинг учун, Аллоҳдан сенинг суратингда сенинг номингдан ҳаж қиладиган бир фаришта яратишини сўраб дуо қилдим, – дедилар.

Ибн Касир Дамашқийнинг ушбу ҳикояси ҳам Ибн Муборакнинг ҳиммати ҳақидадир: “Ибн Муборак бир йили ҳаж қилиш учун йўлга чиққанда, бир мамлакатнинг ичидан ўтди. Шунда ахлатхона ёнидан ўтаётиб, яқиндаги ҳовлидан бир аёлнинг чиқиб, ерда ётган ўлик қушни олиб, шошганча уйига кириб кетаётганини кўрди. Ибн Муборак келиб, ўша аёлдан бу ўлимтикни нега олганини сўраганида аёл:

– Бу жойда болаларим билан ёлғиз яшаймиз. Бизнинг мана шу битта кийимдан бошқа ҳеч нарсамиз йўқ, ейишга овқатимиз ҳам йўқ. Мана шу ахлатга ташланган нарсалардан олиб еймиз. Бир неча кундан бери мана

шу қушнинг ўлимтигига эга бўлдик. Отамиз дунёдор эди, унга зулм қилган ҳолда молини тортиб олишди, ўзини эса ўлдиришди, – деб жавоб берди. Шундан сўнг, Ибн Муборак юкларни қайтаришни буюрди ва вакилга айтди:

– Қанча маблағимиз бор? У деди:

– Минг динар. Шунда Ибн Муборак:

– Ундан йигирма динарни олиб қол, Марвга қайтишимизга етади, қолганини ана шу аёлга бер. Бу ишимиз бу йил ҳаж қилишимиздан ҳам афзалроқдир, – деди. Шу тариқа ҳажга бормаи, Марвга қайтиб кетишди”.

Юқорида зикр қилинганлардан хулоса қилиб айтиш мумкинки, Ибн Муборак бу дунёдаги тижоратини молмулк йигиб жамлаш учун эмас, балки охират савдосида фойда-савобга эришиш учун қилар эди. Абдуллоҳ ибн Муборак бир куни Фузайл ибн Иёзга: “Сен ва асҳобларинг бўлмаганида, мен тижорат билан шугуланмасдим”, деган эди. Мана шу тариқа у зоти шарифнинг меҳнати, тижоратидан кўзлаган мақсади фақат садақа, хайр-эҳсон, мурувват кўрсатиш эди.

У ҳамиша одамларга яхшилик қилиш пайида бўлар, уларга маслаҳатлар берар, йўл кўрсатар, хуллас, атрофидагилар нимада муҳтожлик сезса, уни адо этишга шошар эди. У ҳатто беморларга қандай муолажа қилиш тавсиясини бераётганда ҳам, одамларга яхшилик қилишни устун қўярди. Алий ибн Ҳасан ибн Шақиқ бундай деган: “Бир одам Ибн Муборакдан тузалмас дарди ҳақида сўраганини эшитгандим:

– Эй Абу Абдуллаҳмон, бундан етти йил муқаддам тиззамдан қонаб турадиган бир яра чиққан эди, уни тузатаман деб қилмаган дори-дармоним ҳам, бормаган табибим ҳам қолмади, бироқ булардан ҳеч наф кўрмадим. Шунда Ибн Муборак унга:

– Теварак-атрофни айланиб кўриб, одамлар сувга эҳтиёж сезган бир сувсиз жойни топ-да, ўша жойда бир қудуқ қазигин. Аминманки, ўша жойда отилиб чиқадиган бир булоқ пайдо бўлади ва ярангдан қон оқиши ҳам тўхтайди, – деди. Шунда бояги одам унинг айтганини қилган эди, яраси битиб, тузалиб кетди” (*Байҳақий ривояти*).

Ибн Муборакнинг ўзи ҳатто жазирама иссиқ кунларда ҳам рўзадор бўлар, муҳтож одамларни энг яхши таоми билан сийлар эди. Ҳеч қачон бир ўзи овқатланмас, таомини, албатта, бирор меҳмон билан баҳам кўрарди. Бу хусусда Ҳасан: “Мен Ибн Муборакнинг Хуросондан то Бағдодгача қилган сафарида ҳамроҳлик қилгандим, лекин шу сафар давомида бирор марта ҳам унинг ёлғиз ўзи овқатланганини кўрмадим”, деб ҳикоя қилган. У хурмо харид қиларди-да, уни мискину бечораларга улашиб:

– Ким менинг хурмоларимдан еса, ҳар бир еган хурмоси учун бир дирҳам мукофот олади, – дерди. Кейин ейилган хурмо данакларини санаб, ҳар бир данакка бир дирҳамдан пул тарқатарди. Яна у:

– Оч кишига берилган бир бурда луқма (нон, таом), назаримда масжид қурганимдан ҳам афзалдир, гарчанд у масжидни бир ўзим қурадиган бўлсам ҳам, – дер эди.

Ибн Муборак бир марта Аллоҳ йўлида эзгу ишлар қилиш ниятида Бағдоддан Масусага, яъни Румнинг бир чегараси ҳисобланадиган жойга боради. Унинг ҳамроҳлари ўзларини дину диёнатни мустаҳкамлаш йўлида яхши амалларга ихтиёрий бахшида этган сўфийлар эди. Ибн Муборак:

– Эй гулом, тоғорани бу ёққа келтир, – деди. Сўнгра тоғора устига рўмолини ёзди-да:

– Ҳар бирингиз ёнидаги бор пулини тоғорага ташласин, – деди. Шу тариқа улардан бири ўн дирҳам, бошқа бири йигирма дирҳамдан бор пулини ташлади. Ибн Му-

борак Масусага етгунга қадар, уларга хайр-эҳсон қилиб, барча харажатларини ўзи кўтарди. Манзилга етганларидан кейин уларга:

– Бу ерлар чегара жойи, энди қолган пулларимизни ўзаро бўлишиб оламиз, – деди ва ҳар бир одамга йигирма динордан эҳсон қила бошлади. Шунда баъзилар:

– Эй Абу Абдурраҳмон! Ахир мен йигирма дирҳам бермаган эдим-ку? – дейишса, у киши:

– Аллоҳ таоло дин йўлида яхши амалларга бел боғлаган инсонларнинг мол-дунёсини баракали қилишини билмай-сизларми? – деб жавоб қилар эди.

Абдуллоҳ ибн Муборак Рум чегараларидан бири бўлган Тарсуста тез-тез бориб турарди ва Раққадаги бир қўноқхонада тўхтар эди. Бу ерда бир ўспирин йигит унинг ҳузурига келиб, хизматларини бажарар ва ундан ҳадис эшитар эди. Бир сафар Абдуллоҳ ибн Муборак Раққага келганида ўша йигитни учратмади. Кўнгилли лашкарлар билан ҳарбий юришга шошиб тургани боис у билан ортиқча қизиқмади. Юришдан Раққага қайтиб келганидагина, ўша йигит ҳақида сўраб-суриштирди. Шунда унга:

– У йигит карвоннинг қарзи туфайли ҳибсга олинган, – дейишди. Абдуллоҳ ибн Муборак:

– Унинг қарзи қанча? – деб сўради. Улар:

– Ўн минг дирҳам, – деб жавоб қилишди. Шунда у қарз берганини чақириб, масалани чуқур ўрганди ва ўша кечанинг ўзида унга ўн минг дирҳамни санаб беради. Унга то Абдуллоҳ ибн Муборак ҳаёт экан, бу ҳақда энди минбаъд оғиз очмасликка қасамёд қилдирди. Абдуллоҳ:

– Тонг отгач йигитни ҳибсдан чиқар, – деди ва шу кечанинг ўзида йўлга тушиб, сафарини давом эттирди. Мол эгаси йигитни ҳибсдан озод қилади ва унга:

– Абдуллоҳ ибн Муборак шу атрофда эдилар, сени эсладилар, сўнгра шаҳардан чиқиб кетдилар, – деди. Йи-

гит унинг орқасидан йўлга чиқиб, Раққадан икки ёки уч чақирим масофада унга етиб олди. Шунда Абдуллоҳ ибн Муборак унга қараб:

– Эй йигит, қаерда эдинг, қўноқхонада сени кўрмадим, – деди. Йигит:

– Эй Абу Абдурахмон, қарзим туфайли ҳибсда эдим, – деди. Абдуллоҳ ибн Муборак:

– Ҳибсдан қандай озод бўлдинг? – деб саволга тутди. Йигит:

– Бир киши келиб қарзимни тўлабди, у одамни мутлақо танимайман, ҳатто ҳибсдан чиқиб ҳам унинг кимлигини билолмадим, – деди. Абдуллоҳ унга:

– Эй ўғлон! Аллоҳга ҳамд бўлсин, қарзингни тўлаш унга насиб этибди, – деди. Ўша одам бу ҳақда Абдуллоҳнинг вафотигача бирор кишига чурқ этиб оғиз очмади...

Бир куни Абу Усома қарздор бўлиб қолгани хусусида Ибн Муборакка шикоят қилиб, баъзи дўстлари орқали ёрдам уюштиришини ўтиниб сўради. Шунда Ибн Муборак унга ўз пулидан беш юз дирҳам ёрдам кўрсатишга қарор қилиб, вакили орқали бу пулни унга тунда бериб юборади. Вакилига бу пулни ўзи тарафидан юборилганини Абу Усомага билдирмасликни тайинлайди. Вакил қарздорнинг олдига келиб, унга беш юз дирҳам топширади. У бу маблағни қабул қилиб, бошқа киши томонидан юборилган, деб ўйлайди. Шундан кейин кўп ўтмай, Абу Усома ибн Муборакни учратиб қолиб, ўз қарзи ҳақидаги гапини эслатади. Ибн Муборак уни сукут сақлаб тинглайди. Абу Усома бу гапини икки-уч марта такрорлагач, Ибн Муборак:

– Балки аллақачон ўша қарзлардан халос бўлгандирсан? – дейди.

## УЛАМОЛАР НАЗДИДА ИБН МУБОРАК

Ибн Муборак ҳақларида замонасидаги ва ўздан кейинги уламоларнинг жуда кўп ажойиб фикрлари бор. Имом Шамсуддин Заҳабийнинг “Сияру аъламин нубало” асарида (Азизхўжа Инояттов таржимаси) ва доктор Абдулмажид Мухтасибнинг бир асарида ана шундай фикрларнинг бир қанчаси келтирилган. Уша уламолар ибн Муборакнинг шогирдлари ва яқин биродарлари эди. Уларнинг гаплари ибн Муборакнинг улуглиги, билимдонлиги, илмда ишончилиги ва моҳирлиги, тақводорлиги, одоби, саховати ва шижоатига далил бўлади. Қуйида уларнинг айрим сўзларини келтирамиз.

Молик ибн Анас: “Ибн Муборак Хуросоннинг фақиҳидир”, деган.

Аҳмад ибн Ҳанбал айтади: “Ибн Муборак замонида ундан кўра илмга чанқоқроқ ва талабчанроқ киши йўқ эди. У илм йўлида Яманга, Мисрга, Шомга, Басрага, Куфага сафарлар қилиб, илм ривоят қилди ва аҳли илмлардан бўлди. Кичиклару катталар тўғрисида ёзиб, буюк ишлар қилди ва ҳадис илмининг буюк ҳофизи бўлди”.

Суфён Саврий шундай деган: “Умримнинг барчаси Ибн Муборакнинг умрини бир йилича бўлишини хоҳлардим, аммо унинг уч кунича бўлишга ҳам қодир бўла олмадим”.

Авзойи Абу Усмон Килобийга шундай деган экан: “Агар Ибн Муборакни кўрганингда эди, кўзларинг ором олар эди”.

Фузайл ибн Иёз айтади: “Раббимга қасамки, кўзларим ибн Муборакка ўхшаш кишини кўрмади”.

Абу Исҳоқ Фазорий: “Ибн Муборак барча мусулмонларнинг имомидир”, деган.

Насойи айтади: “Ибн Муборак даврида ундан улўғроқ ва барча мақтовли хислатларни ўзида мужассам қилган бошқа кишини билмайман”,

Нуъайм ибн Ҳаммод шундай ривоят қилади: “Абдуллоҳ ибн Муборак кўп вақт уйларида ўтирардилар. У кишидан:

– Сиз уйда ўтиришдан зерикмайсизми? – деб сўрашди.

– Мен Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳамда у зотнинг саҳобалари билан ўтиришдан қандай зерикай?! – дедилар”.

Аҳмад ибн Синон Қаттон айтади: “Менга хабар беришларича, Ҳаммод ибн Зайднинг ҳузурига келганларида Ибн Муборакнинг кўринишлари бу кишини ажаблантирди. Шунда Ҳаммод:

– Қаердансиз? – деб сўради. Ибн Муборак:

– Хуросондан – Марвданман, – деб жавоб бердилар.

Ҳаммод:

– Абдуллоҳ ибн Муборакни танийсизми? – деб сўрадилар.

– Ҳа, танийман, – дедилар.

– У киши ҳозир нима билан машғуллар? – деб сўради

Ҳаммод.

– Сиз билан гаплашиб турибди, – деб жавоб бердилар. Ҳаммод ибн Зайд Абдуллоҳ ибн Муборакка бошқатдан салом берди ва у кишига ҳурмат-эҳтиром кўрсатди”.

Аббос ибн Мусъаб айтади: “Абдуллоҳ ибн Муборак ҳадис, фикҳ, араб тили, тарих илмини ўзларида мужассам этган, шижоатли, саховатпеша, тожир, инсонларни яхши кўрувчи зот эдилар”.

Муҳаммад ибн Абдулваҳҳоб Фарро шундай деган: “Хуросон ушбу учтасига ўхшаш олимни вояга етказмаган: Абдуллоҳ ибн Муборак, Назр ибн Шумайл, Яҳё ибн Яҳё”.

Усмон Доримий айтади: “Нуъайм ибн Ҳаммоддан эшитдим. У киши Яҳё ибн Одамнинг: “Айрим нозик масалаларга дуч келганимда, уни Абдуллоҳ ибн Му-

боракнинг китобларидан тополмасам, ноумид бўлардим” деганларини эшитган эканлар”.

Усмон ибн Хурразозга Муҳаммад ибн Ҳайён, у кишига Абдуррахмон ибн Зайд Жаҳзамий қуйидагиларни айтиб берган: “Авзойи мендан:

– Ибн Муборакни кўрганмисан? – деб сўрадилар.

– Йўқ, – дедим.

– Кўрганингда эди, кўзларинг қувонарди, – дедилар”.

Абдулазиз ибн Абу Ризма айтади: “Шуъба менга: “Сиз тарафлардан бизга Абдуллоҳ ибн Муборакдек киши келмади”, дедилар”.

Дағулийга Абдулмажид ибн Иброҳим, у кишига Ваҳб ибн Замъа, у кишига Муъоз ибн Холид қуйидагиларни айтиб берган: “Исмоил ибн Айёшга Абдуллоҳ Ибн Муборакни таърифлаганимда, у киши шундай дедилар: “Ер юзида Абдуллоҳ ибн Муборакдек киши йўқ. Аллоҳ таоло яратган барча яхши хислат борки, улар Абдуллоҳ ибн Муборакда мужассамдир. Менга дўстларим айтиб беришди. Улар ибн Муборак билан Мисрдан Маккага борибдилар. Сафар давомида ибн Муборак уларга зиёфат берибдилар. Ўзлари эса рўзадор эканлар”.

Ибн Муборакнинг ходимларидан бирининг хабар беришича, Абдуллоҳ ибн Муборак охирги сафаридида зиёфат уюштириб, одамларга йигирма беш хонтахта фалужа ҳалвосидан тортиқ қилган.

Муҳаммад ибн Мунзирга Иброҳим ибн Баҳр Дамашқий, у кишига Имрон ибн Мусо Тарасусий шуларни айтиб берган экан: “Бир киши Суфёндан:

– Сиз қаердансиз? – деб сўраганда

– Машриқданман, – дедилар. Яна:

– Сизларда машриқ аҳлининг зўр олими бор эканми?

– деб сўрашди. Суфён:

– Ким экан у киши? – деб сўрадилар. Абдуллоҳ ибн Муборак деган жавоб бўлди. Суфён:

– Ҳа, у киши – нафақат машриқ, балки мағрибнинг ҳам олими, – дедилар”.

Муҳаммад ибн Мусанно айтадилар: “Абдурраҳмон ибн Маҳдийнинг “Кўзларим тўрт кишидек улугни: ҳадисда Саврийдан ҳофизроғини, Шувбадан зоҳидроғини, Моликдан оқилроғини, ибн Муборакдан насихатгўйроғини кўрмади”, деганларини эшитганман”.

Абу Нашитнинг айтишича, у киши Нуъайм ибн Ҳаммоннинг шундай деганларини эшитган экан: “Ибн Маҳдийдан:

– Ибн Муборак афзалми ёки Суфён Саврийми? – деб сўрадим.

– Ибн Муборак афзал, – деб жавоб бердилар. Мен:

– Одамлар бу сўзингизнинг аксини айтишади, – дедим. Ибн Маҳдий:

– Одамлар у кишини синаб кўришмаган. Мен Ибн Муборакдек одамни кўрмаганман, – дедилар”.

Муҳаммад ибн Мунзирга Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Ҳусайн Қураший, у кишига Аҳмад ибн Абда қуйидагиларни айтиб берган экан: “Фузайл, Суфён ва бир неча шайх Масжиди Ҳаромда ўтирган эдилар. Шунда Ибн Муборак кўриндилар. Суфён:

– Бу киши – машриқ аҳлининг олими, – деган эдилар, Фузайл:

– Машриқ, мағриб ва уларнинг ўртасидаги юртларнинг ҳам олими, – деб қўшиб қўйдилар”.

Мусайяб ибн Возих айтадилар: “Мен Абу Исҳоқ Фазорийнинг “Ибн Муборак барча мусулмонларнинг имомидирлар” деганларини эшитганман. Абу Исҳоқнинг бу сўзлари “Ўз асрларидаги мусулмонлар пешвоси” деб тушунилади”.

Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Қўҳзоз айтади: “Мен Абул Вазирнинг: “Суфён ибн Уяйнанинг ҳузурларига келдим. У кишига: “Бу киши Абдуллоҳнинг ворислари” дейишганда: “Аллоҳ Абдуллоҳни раҳмат айласин. Хуро- сонда ундайи қолмади” деганларини эшитдим”.

Аҳмад ибн Абул Ҳаворийга Абу Исмаил қўйидаги- ларни айтиб берган: “Мен Суфён ва Фузайл ибн Иёзни кўрдим. Ибн Муборақнинг вафотларидан кейин Суфён Фузайлга қараб:

– Эй Абу Али, қандай зот ўтиб кетдилар-а?! – деган- ларида у киши:

– Эй Абу Муҳаммад, Ибн Муборақдан кейин у киши- дан уяладиганларгина қолишди, – деган экан”.

Мусайяб: “Абу Исҳоқни Ибн Муборақнинг ҳузурла- рида чўккалаб ўтириб, савол сўраётган ҳолатда кўрган- ман”, деган.

Сувайт ибн Насрнинг котиблари Абу Ваҳб Аҳмад ибн Рофеънинг айтишларича, Али ибн Исҳоқ ибн Иброҳим шундай деган: “Ибн Уяйна: “Саҳобаларнинг ва Абду- лоҳнинг ишларига, яъни ҳаёт йўлларига назар солдим: саҳобаларнинг Абдуллоҳ ибн Муборақдан устунликлари – Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг суҳбатларидан баҳраманд бўлганлари ва у киши билан бирга ғазот қил- ганлари экан”, дедилар”.

Абдуллоҳ ибн Муборақнинг мавлолари Ҳасан ибн Исо ибн Мосаржис шундай деган: “Ҳазрат ибн Мусо, Махлад ибн Ҳусайн каби олимлар йигилишиб: “Келинлар, Ибн Муборақнинг яхши фазилатларини санайлик: олимлик, фақиҳлик, адиблик, тилшунослик, зоҳидлик, фасоҳат, шоирлик, кечалари қоимлик, ибодат, ҳаж, ғазот, ботир- лик, чавандозлик, бақувватлик, беҳуда сўздан сақланиш, холислик, шериклари билан муроса-ю мадора”, дейишди”.

Нуъайм ибн Ҳаммод айтади: “Ибн Муборақка бир киши: “Кеча Қуръони каримни бир ракатда ўқиб чиқдим”,

деди. Ибн Муборак: “Мен шундай кишини биламанки, у кеча тун бўйи “Алҳакумут такасур...” оятидан нарига ўтолмади”, дедилар. Бу киши ўзлари эдилар”.

Ибн Муборакнинг дўстлари Мансур ибн Динор: “Абдуллоҳ ибн Муборак Бағдодда яшаётганларининг шукронасига ҳар куни бир динор эҳсон қилардилар”, деган.

Нуъайм ибн Ҳаммод айтади: “Мен Абдуллоҳ ибн Муборакдан кўра ақлли ва ибодатга тиришқоқ одамни кўрмадим”.

Муътамир ибн Сулаймон: “Мен Ибн Муборакдек инсонни кўрмадим. Бошқалардан тополмаган барча нарсангизни у кишидан албатта топасиз”, деган.

Абдулкарим Суккарий шундай деган: “Абдуллоҳ ибн Муборак Қуръон хатмининг якунида саждада дуо қилишни яхши кўрардилар”.

Амр Ноқид айтади: “Ибн Уяйнанинг “Биз тарафларга Ибн Муборак ва Яҳё ибн Абу Зоида каби киши келмаган” деганларини эшитдим”.

Махлад ибн Ҳусайн шундай дейди: “Айюб ва Ибн Авн билан суҳбатдош бўлдим. Улардан бирортасини Ибн Муборакдан кўра фазилатлироқ демайман”.

Абу Ваҳб Марвазий шундай ҳикоя қилади: “Ибн Муборакдан:

- Кибр нима? – деб сўрадим.
- Инсонларни писанд қилмаслик, – дедилар.
- Ужуб нима? – деб сўрадим.
- Ўзида бор фазилатни бошқаларда йўқ деб ўйлаш.

Намозхонларда ужубдан кўра ёмонроқ иллат борлигини билмайман, – деб жавоб бердилар”.

Имом Закариё Нававийнинг шундай сўзлари бор: “Абдуллоҳ ибн Муборак ҳамма улуғликларни ўзида жамлаган имомдир. Унинг номини зикр қилиш билан раҳмат нозил бўлиб, уни яхши кўриш билан Аллоҳнинг мағфирати умид қилинади”.

Алишер Навоий “Насойим ул муҳаббат”да ёзади: “Абдуллоҳ ибн Муборак қуддиса сирраҳуни уламонинг шаҳаншоҳи дер эрмишлар ва жидду шижоатда замонининг яғонаси эрмиш. Ва тариқат асҳобининг муҳташамми. Ва бу қавмнинг машойихининг кўпининг суҳбатиға мушарраф бўлубдур. Ва машҳур тасонифи бор. Бир кун ул келур эрди ва Суфён Саврий ва Фузайл ибн Аёз қуддиса сирраҳумо ҳозир эрдилар. Уни кўрган Суфён Саврий: “Бу одам Машриқ аҳлидан”, деди. Шунда Фузайл кўшимча қилиб: “Бу одам Машриқ ва Мағриб ҳамда уларнинг ўртасидаги ҳудудлардан”, деди эҳтиром билан”.

Иброҳим ибн Шаммос: “Агар орзу қилсам, ибн Муборакнинг ақли ва тақвосини орзу қилар эдим”, деган.

Муҳаммад ибн Абдурраҳмон ибн Саҳмдан Абдуллоҳ ибн Абдулваҳҳоб шундай ривоят қилган: “Абдуллоҳ ибн Муборак билан бирга эдим. Ҳар куни овқатланишлари учун ширбоз гўшти ва ҳалво келтириларди. У кишидан бу ҳақда сўраганларида: “Мен хизматчига минг динор бериб, дастурхонни тўкин-сочин қилишни буюрганман”, дедилар”.

Мусайяб ибн Возиҳ айтадилар: “Абдуллоҳ ибн Муборак Абу Бакр ибн Айёшга: “Бу билан қавмнинг фитнасидан омонда бўлинг” деб, тўрт минг дирҳам жўнатганлар”.

Али ибн Хашрам айтадилар: “Мен Исо ибн Юнусдан: – Ёшлари кичик бўлса ҳам, Ибн Муборак сизлардан қандай ўзиб кетдилар? – деб сўрадим. У киши:

– Ибн Муборак хуросонлик бир неча йигит билан юрардилар, олимларга сарполар улашиб, улардан илм ўрганардилар. Биз эса бунга қодир эмасдик, – деб жавоб бердилар”.

Нуъайм ибн Ҳаммод айтадилар: “Абдуллоҳ ибн Муборак Айлага Юнус ибн Язидни кўришга келганларида, ёнларида ҳалвогар бир йигит бор эди. У фақат муҳаддислар учун ҳалво пишириш билан машғул бўлар эди”.

Убайд ибн Жанод: “Мен Ибн Муборақдек ҳеч бир кишини кўрмадим. Агар дўстларини зикр қилса, уларга эҳтиром кўрсатиб улуғлар, “Аллоҳ улуғлаган итоаткор кимса улуғ, Аллоҳ паст қилган кимса эса пастдир”, дер эдилар”, деган.

## МУҲАДДИСААР АМИРИ

Исломий илмларнинг бошқа соҳалари каби ҳадис боида ҳам Абдуллоҳ ибн Муборақ замонасининг пешқадам олимларидан бўлган. Ҳадис кишиларини яхши биладиган уламоларнинг гувоҳликларига эътибор қаратадиган бўлсак, ҳақиқатан ҳам Абдуллоҳ ибн Муборақ ишончли муҳаддислардан бўлгани ойдинлашади. У зоҳид, тақводор, кўзга кўринган фақиҳ бўлган. Шеърлари ўтмишдаги улуғларнинг хабарлари ва асарларини ўз ичига олган шоир бўлишидан ташқари, ҳадис илми пешволаридан, муҳаддислар амири дея сифатланган улуғ муҳаддислардан эди. Буни уламоларнинг қуйидаги фикрлари ва мақтовлари ҳам яққол исботлаб турибди:

Абдураҳмон ибн Маҳдий: “Ибн Муборақ менга ҳадис айтиб берган. Унинг тенги йўқ эди, у Саврийдан ҳам афзалроқдир” деганида унга: “Одамлар сенинг фикрингга қўшилишмайди”, дейишди. У: “Одамлар ибн Муборақни синаб кўрмаган, мен ибн Муборақка тенг келадиган кишини кўрмаганман”, деди.

Абу Усома шундай дейди: “Ҳадис асҳобларидан ибн Муборақ одамлар ичида мўминлар амиридек эдилар”.

Шуъайб ибн Ҳарб: “ибн Муборақ ҳузурига келиб ҳадис эшитиб, ёзиб олар эдик, аммо унга бирон нарса илова қила олмас эдик”, деган.

Қаворирий айтади: “Ибн Маҳдий Ибн Муборақ ва Молиқдан бошқа бирор кишини ҳадис илмида юқори қўймас эди”.

Ибн Саъд: “Ибн Муборак илм талаб қилиб, жуда кўп ривоятлар қилди, илм бобида жуда кўп китоблар тасниф қилди, у зот ишончли, орзу қилса арзийдиган, ҳужжатли ҳадисни кўп биладиган киши эди”.

Абу Абдуллоҳ Ҳофиз Заҳабий: “Ибн Муборак заковатда ҳам бош эди, шижоат ва жиҳодда ҳам бош эди, хотамтойликда ҳам бош эди”, деган.

Исмоил Хутабий айтади: “Менга хабар беришлари-ча, Абдуллоҳ ибн Муборак Ҳаммоод ибн Зайднинг ҳузурларида бўлган пайтларида, ҳадис аҳли Ҳаммоодга: “Абу Абдурраҳмон ибн Муборак бизга ҳадис айтиб берсинлар”, дейишди. Ҳаммоод:

– Эй Абу Абдурраҳмон, илтимос қилишяпти, буларга ҳадис айтиб берсангиз! – деди. Ибн Муборак:

– Субҳаналлоҳ, эй Абу Исмоил, сиз шу ерда бўла туриб, мен ҳадис айтаманми?! – дедилар. Ҳаммоод:

– Қасам ичиб айтаманки, шундай қилинг, – деди. Ибн Муборак:

– Бизга Абу Исмоил Ҳаммоод ибн Зайд ривоят қилдилар..., – деб фақат Ҳаммооддан эшитган ҳадисларини айтиб бердилар”.

Аҳмад Ижлий: “Ибн Муборак – ҳадис илмида сиқа (ишончли) ва солиҳ киши. Шеър ҳам айтганлар. Қомусий олимлардан”, деган.

Али ибн Зайд Фароизий шундай деганлар: “Бизга Али ибн Садақа айтиб бердилар. У киши Шуайб ибн Ҳарбнинг: “Абдуллоҳ ибн Муборак ким билан учрашган бўлсалар, улардан афзал эдилар” деганларини, Абу Усоманинг: “Инсонлар орасида амирлар қандай ажралиб турса, муҳаддислар орасида Абдуллоҳ ибн Муборак ҳам шундай ажралиб турардилар”, деганларини эшитган эканлар”.

Аббос Дуврий айтадилар: “Яҳёнинг: “Мен фақат Аллоҳ учун ҳадис ривоят қилган ва шу билан машғул бўлган

олти кишинигина биламан. Улардан бири ибн Муборак-дир” деганларини эшитдим”.

Абу Ҳотим: “Бизга Ибн Таббоъ ибн Маҳдийнинг: “Буюклар тўрттадир: Суфён, Молик, Ҳаммод ибн Зайд ва ибн Муборак” деганларини айтиб бердилар”, деган.

Ибн Маҳдий айтади: “Мен Суфёндан кўра ҳадисларни билувчироқ, Моликдан кўра ақли гўзалроқ, Шуъбадан кўра зоҳидроқ, ибн Муборакдан кўра умматга насиҳатгўйроқ олимни билмайман”.

Нух ибн Ҳабиб шундай деган: “Бизга ибн Маҳдий: “Замоналарининг беназиру яғонаси Ибн Муборак айтиб бердилар”, деб ҳадис ривоят қилардилар”.

Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Қосим ибн Муҳриз айтади: “Яҳё ибн Маъиндан эшитдим. У киши Ибн Маҳдийнинг: “Ибн Муборак Суфён Саврийдан кўра олимроқ” деганларини эшитган экан”.

Муҳаммад ибн Аъян шундай деган: “Абдурраҳмон ибн Маҳдийнинг ҳузурларида муҳаддислар тўпланишди. Улар Ибн Маҳдийдан: “Саврий билан ўтиргансиз. У кишидан ва Ибн Муборакдан ҳадис эшитгансиз. Қайси бирлари устунроқ?” деб сўрашди. “Суфён ҳеч бўлмаганда бир кун Абдуллоҳдек бўлишга уриниб кўрсалар ҳам, бунинг урдасидан чиқолмасдилар”, дедилар ибн Маҳдий”.

Ҳошим ибн Марсад айтади: “Бизга Усмон ибн Толут айтиб бердилар. У киши Али ибн Мадинийнинг: “Илм чўққиси икки киши: Абдуллоҳ ибн Муборак ва Яҳё ибн Маъийн билан эгалланди”, деганларини эшитган эканлар”.

Аҳмад ибн Яҳё ибн Жоруд шундай деган: “Али ибн Мадиний: “Абдурраҳмон ибн Маҳдий ва Яҳё ибн Одамдан кўра Абдуллоҳ ибн Муборакнинг илмлари чуқур эди”, дедилар”.

Абу Салама Табузакий: “Саллом ибн Абу Мутеънинг: “Машриқда Абдуллоҳ ибн Муборақдек киши қолмади”, деганларини эшитдим”, деган.

Иброҳим ибн Абдуллоҳ ибн Жунайд айтади: “Яҳё ибн Маъиннинг мажлисида Абдуллоҳ ибн Муборақ зикр қилинганларида кимдир: “У киши ҳадис ҳофизи бўлмаганлар”, деди. Шунда Яҳё ибн Маъин: “Абдуллоҳ ибн Муборақ (Аллоҳ у кишини раҳмат қилсин) ниҳоятда зийрак, ривоятлари аниқ, сиқа, саҳиҳ ҳадислар олими эдилар. У кишининг йигирма ёки йигирма бир минг ҳадис тўпланган китоблари бор эди”, деди”.

Абу Маъшар Ҳамдавайҳ ибн Хаттоб Бухорий айтади: “Наср ибн Муғйра Бухорийдан эшитдим. У киши Иброҳим ибн Шаммоснинг: “Одамларнинг фақихроғи – ибн Муборақ, тақводорроғи – Фузайл, ҳофизроғи – Ваки ибн Жарроҳ”, деганларини эшитган эканлар”.

Аҳмад ибн Абу Хайсама айтадилар: “Яҳё ибн Маъин Суфённинг шерикларини зикр қилганларида, ушбу беш кишини Ибн Муборақдан бошлаб санадилар: ибн Муборақ, Вакиъ, Яҳё, ибн Маҳдий, Абу Нуъайм”.

Жаъфар ибн Абу Усмон шундай деган: “Ибн Маъиндан:

– Агар Қаттон ва Вакиънинг фикрлари икки хил чиқса, нима қиламиз? – деб сўраганимда:

– Яҳё Қаттоннинг сўзлари олинади, дедилар.

– Абдурраҳмон ва Яҳёнинг фикрлари икки хил бўлса-чи? – деганимда:

– Уларнинг ораларига ҳакам лозим бўлади, – дедилар. Мен:

– Абу Нуъайм ва Абдурраҳмоннинг фикрлари икки хил чиқса-чи? – деб сўрадим. У киши:

– Уларнинг ҳам ораларига ҳакам лозим бўлади, – деб жавоб бердилар.

– Ашжаъий-чи? – дедим. У киши:

– Ашжаъий вафот этганлар. Ўзлари билан бирга ҳадислари ҳам кетган, – дедилар.

– Ибн Муборак-чи? – дедим.

– У киши ҳадисда мўминлар амиридир, – дедилар”.

Маҳмуд ибн Волон айтади: “Муҳаммад ибн Мусодан эшитдим. У киши Иброҳим ибн Мусонинг шундай деганларини эшитган экан: “Яҳё ибн Маъиннинг ҳузурларида эдим. Бир киши келиб:

– Маъмарнинг ҳадисларини мукамалроқ билувчи ким? Ибн Муборакми ёки Абдураззоқми? – деди. Яҳё ёнбошлаган ҳолда эдилар, ўтириб олдилар-да:

– Ибн Муборак Абдураззоқдан ҳам ва ўз замоналаридаги барча олимлардан ҳам яхшироқ. Абдуллоҳ ибн Муборак мусулмонларнинг саййидларидан бўлганлар, – дедилар”.

Иброҳим Ҳарбийдан: “Маъмарнинг шогирдларининг фикрлари ихтилофли чиқса, кимнинг фикрини оламиз?” деб сўрашганда, у киши: “Сўз ибн Муборакники бўлади”, деб жавоб берибдилар.

Дағулийга Яҳё ибн Закариё, у кишига Муҳаммад ибн Назр ибн Мусовир, у кишига оталари айтиб берганлар: “Ибн Муборакдан:

– Сиз ҳадис ёзишда бирор марта эҳтиётсизлик қилиб қўймаганмисиз? – деб сўрадим. У кишининг ранглари ўзгариб:

– Бу нима деганингиз? Ҳар сафар китоб кўрганимда, ҳадисларнинг саҳиҳ ва заифлигини қалбан сезиб турардим”, – деб жавоб бердилар”.

Ҳасан ибн Исога ибн Муборакнинг дўстлари Саҳр куйидаги воқеани айтиб берган: “Мен билан ибн Муборак бошланғич мактабга борардик. Бир киши узоқ амри маъруф қилди. Амри маъруф тугагач, ибн Муборак:

“Мен бу кишининг ҳамма гапларини ёдлаб олдим”, дедилар. Бу гапни эшитиб қолган биров:

– Айтиб бер-чи? – деди. Ибн Муборак айтиб бердилар. Ҳақиқатан, ҳаммасини ёд олган эканлар”.

Нуъайм ибн Ҳаммод Ибн Муборакнинг: “Отам:

– Агар сенда бирор китоб кўрсам, ёқиб юбораман, – дедилар. Шундан сўнг, ҳамма нарсани ёд оладиган бўлдим”, деганларини эшитган эканлар.

Абу Ваҳб Муҳаммад ибн Музоҳим айтади: “Ибн Муборакнинг бирор ровийдан айтган ҳадисларини эшитиб олиб, буни ибн Муборакнинг номларидан эмас, ўша ровийнинг номидан ривоят қилган одамга ажабланаман”.

Ибн Хирош ҳам: “Абдуллоҳ ибн Муборак Марвазий – сиқа (ишончли)”, деган.

Нуъайм ибн Ҳаммод айтади: “Ибн Муборак “Риқоқ” китобини ўқисалар, кўп йиғлаганларидан, бўғзига пичоқ тортилган ҳўкиздедек бўлиб қолардилар. Агар бирортамиз у кишидан бирор нарса сўрашга журъат эта олсак, уни берардилар”.

Абу Усома айтади: “Илм талабида Ибн Муборакдан кўра гайратли инсонни кўрмадим. Подшоҳлар халқ ичида қай даражада бўлишса, у киши муҳаддислар ичида шундай даражада улуг эдилар”.

Аббос ибн Мусъаб шундай дейди: “Менга Иброҳим ибн Исҳоқ Буноний Абдуллоҳ ибн Муборакнинг: “Тўрт минг устоздан илм олдим. Мингта шайхдан ҳадис ривоят қилдим”, деганларини айтиб бердилар. Мен уларнинг саккиз юзтасини топишга эришдим”.

Маҳбуб ибн Ҳасан айтади: “Ибн Муборакнинг: “Ким илмда бахиллик қилса, уч нарса билан мусибатланади: вафот этиб, илмини ўзи билан олиб кетади; илми эсидан чиқади; амалдорлар билан ўралашиб қолиб, илмини йўқотади”, деганларини эшитдим”.

Мусайяб ибн Возих айтади: “Ибн Муборакка: “Бир киши Аллоҳ йўлида ҳадис ўрганмоқчи бўлиб, унинг санадида қаттиқ туради”, дейишди. Ибн Муборак: “Агар Аллоҳ учун бўлса, унинг санадида қаттиқ тургани яхшироқдир”, дедилар”.

Абдуллоҳ ибн Идрис: “Абдуллоҳ ибн Муборак билмайдиган ҳар қандай ҳадисдан йироқ бўлмоғимиз керак”, деган.

Али ибн Хасан ибн Шақиқ айтади: “Абдуллоҳ ибн Муборак билан совуқ бир кечада масжиддан чиқмоқчи бўлдик. Эшикка яқинлашганимизда ё мен, ё у киши бир ҳадис айтдик. Шу ҳадис устида баҳс-мунозара қилдик. Ҳатто бомдод намозига азон айтиш учун муаззин келди”.

Фазола Насайй айтади: “Куфада ҳадис илми ҳалқасида ўтирар эдим. Бирор ҳадис тўғрисида қаттиқ баҳс-мунозара бўлса: “Туринглар, ҳадислар табиби Ибн Муборакдан бориб сўраймиз”, дейишарди”.

Ваҳб ибн Замъа Марвазий шундай деган: “Жарир ибн Абдулҳамид Абдуллоҳ ибн Муборак номларидан бир ҳадис айтиб берганларида у кишига: “Эй Абу Абдулҳамид, Абдуллоҳдан ҳадис айтасиз. Ваҳоланки, сиз Мансур ибн Муътамир билан ҳам учрашгансиз-ку”, дейишди. У киши даргазаб бўлиб: “Мен Абдуллоҳга ўхшаб Хуросон, Ироқ, Ҳижоз, Яман ҳамда Шом аҳлининг илмини кўтариб юрман”, дедилар”.

Мусайяб ибн Возих айтадилар: “Бир киши ибн Муборакдан:

– Ҳадисни кимдан ривоят қилайлик? – деб сўради. У киши:

– Баъзида инсон сиқа (ишончли) одамни учратади. У сиқа бўлмаган кишидан ривоят қилади. Баъзан эса сиқа бўлмаганни учратади. У сиқадан ривоят қилади. Лекин ҳадис ривоят қиладиган одам сиқа бўлиши ва сиқадан ривоят қилиши зарурдир, – дедилар”.

Усмон ибн Саид Доримий айтадилар: “Нуъайм ибн Ҳаммодиннинг: “Абдуллоҳ ибн Муборак бирор марта “ҳаддасана” (яъни “айтиб бердилар”), демасдилар. Бунинг ўрнига “ахбарана” (яъни “хабар бердилар”), лафзини ишлатардилар. Агар биров у кишига ҳадис ўқиб берса, қайта ўқиб беришини сўрамас эдилар”, деганларини эшитдим”.

Ҳасан ибн Рабиъ шундай деган: “Абдуллоҳ ибн Муборак: “Савбоннинг Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилган **“Сизларга адолатли бўлишса, қурайшликларга итоат қилинглр”** ҳадислари Умму Саламанинг “Намоз ўқишса, улар билан уришманглр”, деган ҳадислари билан шарҳланади”, дедилар”.

Аҳмад ибн Ҳанбал айтадилар: “Абдуллоҳ ибн Муборак китобдан ҳадис ўқиб берар эдилар, шунинг учун у киши деярли хато қилмасдилар. Вакиъ эса ёддан айтиб берар эдилар, шунинг учун у кишида хатолар бўлиб турар эди. Киши хотирасида қанча нарсани сақлаши мумкин?!”

Бир неча уламолар шундай ривоят қилишган: “Абдуллоҳ ибн Муборакдан: “Қачонгача илм ўрганасиз?” деб сўрашганда у киши: “Эҳтимол, ҳали менга манфаат берадиган илмни ўрганмаган бўлсам керак”, дебдилар”.

Аббос ибн Мусъаб шундай дейди: “Марвдан қулар наслидан тўрт киши етишиб чиқди, уларнинг ҳар бири ўз асрининг етакчи имоми бўлган, улар: Абдуллоҳ ибн Муборак (Муборак қул бўлган), Иброҳим ибн Маймуна Соиғ (Маймуна қул бўлган), Ҳусайн ибн Воқид (Воқид қул бўлган), Абу Ҳамза Муҳаммад ибн Маймуна Сукарий (Маймуна қул бўлган)”.

Имом Аҳмад ибн Муборакнинг илми ҳақида гапирса, у: “Дарҳақиқат, Аллоҳ уни шундай улў даражага кўтарди. Унинг замонида ундан ўтадиган илм толиби йўқ эди”, деган.

Аҳмад ибн Ҳанбал яна шундай деган: “Абдуллоҳ ибн Муборакдан ҳадис эшитиш учун ҳузурларига бордим, ле-

кин тополмадим. Бағдодга келиб, у ердан чегара тарафга чиқиб кетган эканлар. У кишини кўриш насиб қилмади”.

Аҳмад ибн Саид Садафий “Тарих” китобида Муҳаммад ибн Ваззоҳ Яҳё ибн Яҳё Лайсийдан қуйидаги ривоятни келтирган: “Биз имом Моликнинг ҳузурларида эдик. Абдуллоҳ ибн Муборак киришга рухсат сўрадилар. Имом Молик ижозат бердилар. Молик ўтирган ўринларидан сурилиб, ёнларидан жой кўрсатдилар. Мен имом Моликнинг ўринларидан сурилиб, ёнларидан жой кўрсатганларини илгари ҳеч кўрмагандим. Имом Молик ҳадисдан сабоқ бераётганларида, Абдуллоҳ ибн Муборакдан: “Бу ҳадисга фикр-муносабатингиз қандай? Сизда шу мавзуда яна ҳадис борми?” деб сўрар эдилар. Абдуллоҳ ибн Муборак саволларга жавоб берардилар. Ибн Муборак чиқиб кетдилар. Имом Молик у кишининг одобларига қойил қолдилар. Бизга: “Бу киши Хуросон фақиҳи Абдуллоҳ ибн Муборак бўладилар”, дедилар”.

Навфал айтади: “Ибн Муборакни тушимда кўриб:

– Раббингиз сизни нима қилди? – деб сўрадим.

– Ҳадис йўлида қилган сафарларим учун мени кечирди. Қуръонни маҳкам тут, Қуръонни маҳкам тут! – деди, деб айтдилар”.

Али ибн Аҳмад Саввоқ айтадилар: “Менга Закариё ибн Адий айтдики, у киши Ибн Муборакни тушларида кўриб:

– Раббингиз сизни нима қилди? – деганларида:

– Илм йўлидаги сафарларимнинг шарофатидан мени кечирди, – дедилар”.

Имом Насоий: “Авзоъийдан ҳадис ривоят қилган энг собит киши – Абдуллоҳ ибн Муборакдир”, деганлар.

Абу Солиҳ Фарро шундай деган: “Ибн Муборакдан илмни ёзиб қолдириш тўғрисида сўрадим. У киши: “Агар китоблар бўлмаганида биз илмни ёдлай олмасдик”, дедилар”.

Абу Усома айтади: “У ҳадис ривоят қилиш борасида мўминларнинг амиридир. Ибн Муборакнинг зеҳни ниҳоятда ўткир эди. У бир эшитибоқ ёдлаб оларди”.

Олимларнинг ёзишларича, Ибн Муборак ҳадисларнинг ровийларига ҳам ўта талабчанлик билан ёндашар эди. Чунки у фақат ишончли ровийларга таянган ҳолда ҳадислар ривоят қиларди. Ибн Муборак тўрт минг устоздан ҳадис олган (ўрганган) бўлса-да, улардан фақат мингтасидан ҳадислар ривоят қилган. У санад (ровийлар силсиласи)да гоят даражада қатъиятли эди. Баъзан бир ровий ишончсиз ровийдан ҳадис айтган бўлса ҳам, уни ишончли санар, баъзан ровий ишончли бир ровийдан ҳадис ривоят қилган бўлса-да, уни ишончсиз санар эди.

Абу Исҳоқ Талақоний шундай деган: “Мен ибн Муборакдан Иброҳим Ҳавзий ривоят қилган ҳадис ҳақида сўраган эдим, у бу санад билан менга ҳадис хусусида бирор нарса айтишдан бош тортди. Абдулазиз ибн Абу Разма:

– Эй, Абу Абдурраҳмон, унга шу санад билан ҳадис айтиб бер,– деди. Шунда у:

– Гуноҳга ботганимда, тавба қилган нарсага яна қайтишимни буюраяпсанми? – деди”.

## ИБН МУБОРАК ДЕЙДИКИ...

Қуйида Абдуллоҳ ибн Муборак роҳматуллоҳи алайҳнинг инсонларни эзгулик, тақво, илм ва зуҳдга чорловчи ҳикматли фикрларидан бир нечтасини эътиборингизга ҳавола этамиз.

\* \* \*

*Қалб дунё муҳаббати билан тўлиб, уни гуноҳлар қуршаб олган бўлса, бундай қалбга эзгулик қачон етсин?!*

\*\*\*

Илмнинг дастлабки манфаати – бир-бирига ўргатиш.

\*\*\*

Мискинлар билан ўтириб туринглар. Бидъатчиларнинг суҳбатларидан йироқ бўлинглар.

\*\*\*

Киши ўзининг кимлигини билса, ўзини итдан ҳам хорроқ санарди.

\*\*\*

Оилани ҳалол луқма билан боқиш ўрнини ҳеч нарса, ҳатто Аллоҳ йўлидаги жиҳод ҳам боса олмайди.

\*\*\*

Кўпинча ният оз амални кўпайтиради, кўп амални озайтиради.

\*\*\*

Шунчалик кўп саҳиҳ ҳадислар борки, саҳиҳ бўлмаган ҳадисларни олишга эҳтиёж йўқ”.

\*\*\*

Илмни дунё учун ўргандик, шунда у бизни дунёни тарк этишга йўллади.

\*\*\*

Бу замондаги (баъзи) қориларда ҳаром ва шубҳали нарсаларни ейиш кучайди. Охири улар қорин ва фарж шаҳватига гарқ бўлишди. Илмларини дунёни овлайдиган тўр қилиб олишди.

\*\*\*

Дарҳақиқат, уламолар Пайгамбарларнинг меросхўрларидир. Борди-ю, улар таъмагир бўлишса, унда кимга эргашилади?

\* \* \*

Пайгамбарликдан кейин илм тарқатишдан кўра афзалроқ нарсани билмайман.

\* \* \*

Зухд – фақирликни севиши билан биргаликда Аллоҳ таолога ишонишдир.

\* \* \*

Агар бирор кишини гийбат қиладиган бўлсам, ота-онамни гийбат қилган булар эдим, чунки менинг савобларимни олишга фақат улар ҳақлидирлар.

225

\* \* \*

Ким ҳаромдан бир тийин олса ҳам, у ишончли киши эмас.

\* \* \*

Кибр – одамларни назар-писанд қилмаслик, шуҳрат-парастлик – ўзингда бор нарсани сендан бошқаларда йўқ деб ўйлашинг.

\* \* \*

Дунё аҳли ундаги энг ёқимли нарсадан баҳраманд бўлолмай, дунёдан чиқдилар. Зеро, ундаги энг ёқимли нарсаси, Аллоҳ азза ва жаллани танимоқдир.

\* \* \*

Дунё мўминнинг зиндонидир. Унинг зиндондаги энг буюк амаллари сабр ва газабни ичга ютишдир. Мўмин учун дунёда роҳат-хурсандчилик йўқ. Унинг роҳати фақат охирададир.

\*\*\*

Шафийқ деган киши Ибн Муборак раҳимаҳуллоҳга:

– Биз билан бирга намоз ўқийсиз-у, нега биз билан бирга ўтирмайсиз? – деди. У зот:

– Саҳобалар ва тобеинлар билан бирга ўтираман, – дедилар. Биз у кишига:

– Саҳобалар ва тобеинлар билан бирга қандай ўтирасиз? – дедик. Шунда у зот:

– Амалимга назар соламан. Уларнинг асарлари ва амалларига назар соламан. Сизлар билан ўтириб нима қиламан? Сизлар одамларни гийбат қиласизлар, – дедилар.

226

\*\*\*

Гийбатдан тавба қилиш гийбатини қилган одамнинг учун истигфор айтишидир.

\*\*\*

Оқил одам уч нафар кишини наст санамайди: уламоларни, султонни, биродарларни. Ким уламоларни менсимаса, охирати кетади. Ким султонни менсимаса, дунёси кетади. Ким биродарларни менсимаса, муруввати, одамгарчилиги кетади.

\*\*\*

Тўрт мингта ҳадисдан танлаб олинган тўртта гап ушбу гаплардир: Аёлга ишонма! Молга алданма! Ошқозонингга у кўтара олмайдиган нарсани юклама! Илмдан фақат сенга фойда берадиганини ўрган!

\*\*\*

Ибн Муборак раҳимаҳуллоҳдан:

– Инсонга берилган энг яхши нарса нима? – деб сўрашди.

– Ақл, – дедилар.

– Агар, у бўлмаса-чи? – дейишди.

- Чиройли одоб, – дедилар.
- Агар, у ҳам бўлмаса-чи?.
- Маслаҳат берадиган меҳрибон дўст, – дедилар.
- Агар, у бўлмаса-чи?.
- Узун сукут, – дедилар.
- У ҳам бўлмаса-чи? – деб сўрашди.
- Тезда ўлиш, – дедилар.

Гуноҳларга минии қалбларни ўлдиради, доим гуноҳ қилавериши хорликни келтиради, гуноҳларни тарк этиши қалбларнинг ҳаётидир. Сен нафсинга қарши исён қилиши ни ихтиёр эт!

\*\*\*

Хорлик – таъмададир.

\*\*\*

Ҳаромдан бўлган бир тангани тарк этишим, юз минг тангани садақа қилганимдан афзалдир.

\*\*\*

Киши илм талаб қилишда давом этар экан, олим ҳи-собланади. Ўзи ҳақида “Ҳамма нарсани билдим”, деб ўйла-ши биланоқ жоҳилга айланади.

\*\*\*

Инсонга етадиган энг катта мусибатлардан бири – ўз нафсидаги камчилик, нуқсонни билганидан кейин ҳам унга парво қилмаслиги, ўша нарса учун қайгурмаслигидир.

\*\*\*

Зоҳид шундай кишики, агар дунёга эришса, хурсанд бўлмайди, агар дунё қўлидан кетса, хафа бўлмайди.

\*\*\*

Одоб диннинг деярли учдан иккисидир.

\*\*\*

Мажлисинг (ўтиришинг) мискинлар билан бирга бўлсин!

\*\*\*

Бидъатчи билан бирга ўтиришдан сақлан!

\*\*\*

Кўпинча ният кичик амални катта қилади, катта амални эса, кичик қилади.

\*\*\*

Ортиқча гапни тарк эт, ҳикматга муваффақ қилинасан, ортиқча назарни тарк эт, хушувга муваффақ қилинасан.

\*\*\*

Кийимдаги сиёҳ доғлари олимликдан нишонадир.

Кўни-қўшни билан аҳиллик мен учун икки одил гувоҳликдан афзалроқдир.

\*\*\*

Эс-ҳушли инсон борки, тўрт нарсадан хотиржам бўлмайди: қилиб қўйган гуноҳи учун Аллоҳ таоло нима қилишини билмайди; қолган умри давомида қандай ҳалокатларга дучор бўлишини билмайди; эришаётган ютуқлари макр ёки истидрож эканини, ҳидоят деб ўйлагани залолат бўлиши ҳам мумкинлигини билмайди; лаҳзалик гафлат динидан мосуво қилишини билмайди.

\* \* \*

Нафс ҳиммати одамлар қўлидаги нарса билан саховатли бўлишдан қийинроқдир.

\* \* \*

Чиндан ҳам солиҳ кишилар яхшиликни ўз-ўзидан адо этишади. Биз эса, яхшиликни мажбуран қиламиз.

\* \* \*

Киши илм ўрганишида давом этаётган паллада олимдир. "Олим бўлдим, энди бас", деб хулоса чиқарган чоғидан бошлаб жоҳилдир.

\* \* \*

Илм ўрганмасдан туриб, улугликка интилган кишига ҳайрон бўламан.

\* \* \*

Масъулиятсиз, кайфу сафо ичра яшаиш иштиёқи ва гуноҳлар қалбни бутунлай ўраб олади. Кейин яхшилик ва ҳақиқат туйғулари қалбга қандай қилиб кирсин?!

\* \* \*

Ниятларга кўра қанча-қанча ишлар улуг бўлади, яна қанча-қанча катта ишлар ниятларга кўра арзимасга айланади.

\* \* \*

Мусибатларнинг энг улкани шуки, киши ўзидаги камчиликни билади-ю, унга эътибор ҳам бермайди, хафа ҳам бўлмайди.

\*\*\*

Кимнинг кўзи ўйноқи бўлиб, дуч келган жойга назарини қаратаверса, ўша одамнинг афсус-надомати кўп бўлади.

\*\*\*

Эй ибн Муборак! Агар сен ўзингни яхши билсанг, сен ҳақингда айтаётганларининг зарари бўлмайди.

\*\*\*

Агар ота-онанг сен билан муроса қилишни бошласа, сенга гапирганда, безовталанишингдан, газабинг чиқишидан қўрқиб, эҳтиёткорлик билан, сўзларни саралаб гапирга бошлашса, билиб қўйки, ота-онангга оқ бўляпсан!

## ВАФОТИ

Абдуллоҳ ибн Муборак ўзларини Аллоҳдан жаннатни сўраб, илтижо қилишга нолойиқ деб ҳисоблардилар. Бир кун асҳоблари олдига чиқиб: “Шу кеча мен журъат қилиб, Аллоҳдан жаннатни сўрадим”, дедилар. Абдуллоҳ ибн Муборак ғазотдан қайтаётиб, Ҳийт шаҳрига етганларида вафот этдилар ва ўша жойда дафн қилиндилар.

Доктор Абдул Маждид Мухтасибнинг ёзишича, ибн Муборак Марвазий Тарсусдаги ғазотдан қайтгач, Ҳийт шаҳрига бориб, у ерда 181 ҳижрий йилнинг Рамазон ойида вафот этади. Ҳажаб Бағдодий Ибн Муборакнинг вафот кунларини аниқ қилиб шундай дейди: “Ҳийт шаҳрида, Рамазоннинг ўн уч куни ўтганда, 181 ҳижрий йили вафот этди”. Ушанда у зотнинг ёши 63 ёшда эди. Ҳийт шаҳри Фурот дарёси соҳилида жойлашган бўлиб, у ердаги ибн Муборакнинг қабри кўзга ташланиб туради ва зиёратчилар уни зиёрат қилиб туришади. Ривоятларда

зикр қилинишича, Ибн Муборак Ҳийт қишлоғида вафот этмасликни Аллоҳдан сўрар эди, лекин тақдирда шундай буюрилган экан. Унинг бундай илтижосининг сабаби ҳақида аниқ маълумот йўқ, аммо маълум бўлишича баъзи йиллар Фурот дарёсидан сел келиб, Ҳийт қишлоғини сув босиши ва шу сабабли у ерда турли юқумли касалликлар тарқалиб туриши ибн Муборакка ёқмас эди.

“Ибн Муборак улуғ мартаба ва буюк шон-шухратга эришганидан сўнг, ҳеч нарсага қизиқмай, ёлғизлик ва узлатни ихтиёр қилган ҳолда чўлларда саёҳат қилиб юриб вафот этди, деб зикр қилади Ёфазий ва ибн Аммад Ханбаллийлар. Эртага ўладиган одамдек охират учун тоат-ибодат қилувчи, абадий яшайдиган одамдек, бу дунёнинг ишларини қилувчи ва ўз нафсига берилмаган кишининг бундай ғарибона, таркидунё қилиб вафот этиши ажабланарли ҳолат. Чунки у ҳаётни илм олиш, шогирдлар етиштириш, китоблар ёзиш, ҳаж қилиш, тижорат мақсадида сафарлар қилиш, кези келганда фидойилар сафида жангларда қатнашиш билан ўтказган тиниб-тинчимас инсон эди. Кўпчиликнинг фикрига қараганда, ибн Муборакнинг ҳаёти охирида бундай қарорга келиши баъзи тасаввуф аҳлининг фикрлари таъсирида бўлса керак. Чунки, тасаввуф аҳли бундай ҳаёт тарзига ўтиш охират неъматларига эришишнинг эвази бўлади деб ҳисоблайдилар. Нима бўлганида ҳам, ибн Муборак Раббидан рози бўлган ва унинг розилигига эришишга умид қилган ҳолда жон таслим этди”.

Фасавий “Тарих” китобида қуйидагиларни ёзган: “Ҳасан ибн Рабеъ: “Абдуллоҳ ибн Муборакнинг вафотларига гувоҳ эдим. Ҳижрий 181 йил, Рамазон ойининг ўнинчи куни саҳар чоғи оламдан ўтдилар. Ҳийт шаҳрида дафн қилдик”, деди”. Ҳасан ибн Рабеъ: “Абдуллоҳ ибн Муборак вафотларидан олдин менга олтимиш уч ёшга кирганларини айтган эдилар”, деган.

Аҳмад ибн Абдуллоҳ Ижлийга отаси қуйидагиларни айтиб берган экан: “Абдуллоҳ ибн Муборакнинг вафотлари яқинлашганда бир киши “Лаа илааҳа иллаллоҳ”ни айтишларини кўп маротаба таъкидлаган экан. Абдуллоҳ ибн Муборак: “Бу сўзни тўғри айтолмас экансан. Шундай талаффузинг билан мендан кейин, бирор мусулмонга озор беришингдан қўрқаман. “Лаа илааҳа иллаллоҳ”ни айтганман. Ундан кейин бошқа сўз айтмадим, мени ўз ҳолимга қўй. Агар бу калимадан бошқа сўз огзимдан чиқса, шунда “Лаа илааҳа иллаллоҳ”ни айтишимни эслат, токи охирги сўзим “Лаа илааҳа иллаллоҳ” бўлсин”, дедилар”.

Ҳасан ибн Рабеъ айтади: “Абдуллоҳ ибн Муборак ўлим тўшагида ётганларида “Толқон егим келяпти”, дедилар. У нарса султоннинг саройида ишлайдиган, бир пайтлар бизга кемада йўлдош бўлган бир кишидагина бор экан. Абдуллоҳ ибн Муборакка буни айтганимизда у киши: “Қўйинглар, ундай бўлса, керак эмас”, дедилар. Толқон емай вафот қилдилар”.

Абдуллоҳ ибн Муборакнинг ўлим соати яқинлашганида хизматкори Насрга:

– Бошимни тупроққа қўй, – деди. Наср йиғлади. Абдуллоҳ унга:

– Нега йиғлаяпсан? – деди. Наср:

– Ўзимнинг неъматлар ичида қолганимни, сизнинг эса, фақир ва ғариб ҳолда ўлишингизни кўриб йиғлаяпман, – деди. Абдуллоҳ:

– Жим бўл. Мен Аллоҳ таолодан бойларнинг ҳаётида тирилтиришини ва фақирларнинг ўлими каби жонимни олишини сўрадим, – деди. Сўнгра:

– Менга калимаи шаҳодатни талқин қилиб тур ва ўзим гапирмагунимча, мени қайта гапиртирма, – деди. Ривоятларда келишича, “Абдуллоҳ жон таслим қилаётган пайтида кўзларини очди ва кулиб ушбу оятни ўқиди: *“Амал қилув-*

**чилар мана шунга ўхшаш нарсага амал этсинлар”.**

Халифа Ҳорун ар-Рашидга Абдуллоҳ ибн Муборакнинг вафотлари ҳақида хабар етганда у киши: “Бугун олимларнинг саййиди вафот этибдилар-да! Одамларга айтинглар, бизга таъзия билдиришсин...” деган экан.

Суфён ибн Уяйна Ҳилолийга Ибн Муборакнинг вафоти ҳақида хабар етганида у киши: “Уни Аллоҳ Ўз раҳмати-га олсин, у зот фақиҳ олим, обид, зоҳид, сахий, шижоатли, шоир инсон эди”, деган экан. Яна у: “Биз ибн Муборак ва ибн Абу Зоидага ўхшаш бирор кишини учратмадик. У ишончли имом, пешқадам эди”, деган. Яна у: “Саҳобалар-да Пайғамбаримиз алайҳиссалом билан ҳамсуҳбат бўлиш ва бирга газот қилишдан бошқа ишларида Ибн Муборакдан ортиқ фазилатларни кўрмадим”, деган экан.

Аббос ибн Муҳаммад Насафий Абу Ҳотим Фирабрийнинг шундай деганларини эшитганлар: “Ибн Муборакни тушимда жаннат эшиклари олдида, қўлларида калит ушлаб турган ҳолда кўриб:

– Бу ерда нима қилиб турибсиз? – дедим. У киши айтдилар:

– Бу – жаннат калитлари. Уни менга Набийимиз солаллоҳу алайҳи ва саллам бердилар ва:

– Мен Парвардигоримни кўриб келгунимча, сиз шу ерда тура туринг, сиз менинг ердаги ишончли кишим эдингиз, энди осмондаги ишончли кишим ҳам – сизсиз, – дедилар”.

Аллоҳ таоло Абдуллоҳ ибн Муборак раҳматуллоҳи алайҳни Ўз раҳмати ва мағфирати билан ўраб олсин, ундан рози бўлсин!





**АБУ ҲОМИД  
ҒАЗЗОЛИЙ**

## ТАҚДИМ

**Х**ужжатул ислом Имом Абу Хомид Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Аҳмад Тусий Ғаззолий Шарқнинг буюк мутафаккирларидан. У ҳижрий 450 (милодий 1058) йили Тус шаҳрининг Табарон ноҳиясида тугилган. Ёш Муҳаммад Тус, Журжон, Найсобур, Бағдод шаҳарларида илм олди. Камолга эришиб, уламолар интилан энг олий даражага мушарраф бўлди: Найсобурдаги машхур Низомия мадрасасига бош бўлди. Мадраса ва хонақоҳлар ташкил этиб, умри охиригача Қуръон қироати, ваъз-иршод, китоб таълиф этиш, тақво аҳллари ва тасаввуф шайхлари билан суҳбатлар қуриш ила машгул бўлди. У юзга яқин китоб ёзган, булардан кўп жузли “Иҳёу улумиддин” (Дин илмларини жонлантириш) олимнинг шоҳ асари ҳисобланади. Бундан ташқари, унинг “Мукошафатул-қулуб”, “Басит”, “Важиз”, “Қавоидул-ақоид”, “Рисолатул-қудсия”, “Иқтисод фил-эътиқод”, “Таҳофутул-фалосифа”, “Мунқиз миназ-зола”, “Рисалатул-Валадийя”, “Дурратул фохира фи аҳвалил-охира” кабилар ҳам машхур. Ҳижрий 505 (милодий 1111) йили Тус шаҳрида вафот этди, Табарон қабристонига дафн этилди.

## ҒАЗЗОЛИЙ ЯШАҒАН ДАВРГА БИР НАЗАР

Имом Ғаззолий ҳижрий 429–590 (милодий 1038–1194) йиллари ҳукмронлик қилган салжуқийлар давлати даврига тўғри келади. Салжуқийлар умавийлар ва аббосийлардан кейинги йирик салтанат ҳисобланган. Ана шу улкан давлат ташкил этилганидан сўнг мусулмон дунёси шарқидаги турли ҳудудларда араб-форс сулолаларининг таъсири сусая бошлади. Шундан сўнг кўп асрлар мобайнида Шарқдаги сиёсий раҳнамолик асосан турк сулолалари ихтиёрида бўлиб келди.

Салжуқийлар давлати бошқа турк ҳоконликлари қатори Ислом тарихининг ҳал қилувчи палласида ташкил топди. Салибчилар Яқин Шарққа юриш бошлашидан олдинги мураккаб вазиятда яқиндагина Исломни қабул қилган турклар ташаббусни қўлга олишга муваффақ бўлишди. Оврупа давлатлари босқинига қарши тура олган бирдан-бир куч ҳам аслида турклар эди. Илк жангларда эришган зафарларига қарамай, салибчилар мусулмон дунёси билан тўқнашувни ўз фойдаларига ҳал қилишга эриша олишмади ва бунда асосан салжуқийлар ҳамда уларнинг волийлари хизмати катта бўлди. Салжуқийлар Византия империяси билан бўлган жангларда улкан ғалабага эришишди. Улар бир неча аср мобайнида мусулмон давлатлари билан уруш олиб борган румликларни тор-мор этибгина қолмай, уларнинг қудратини ҳам батамом синдиришди.

Бундан ташқари, салжуқийлар (кейинчалик Айюбийлар) фидойи суннийлар бўлгани сабабли бошқа диний-сиёсий оқимлар томонидан чеклов ва тўсиқларга учраган сунний Исломнинг мавқеини анча тиклашди. Шу туфайли Ислом дунёсида Бағдод халифаларининг обрўи яна ошди. Салжуқийларнинг расмий йўли ҳанафий мазҳа-

бидаги сунний Ислом эди. Салжуқийлар сулоласининг асосчиси ўғузларнинг қиниқ қабиласидан чиққан Маликул Ғозий Салжуқ бўлган. У ўғуз саркардаси Дўқоқнинг ўғли эди. Отаси вафотидан кейин унинг ўрнини эгаллаб, қўмондон бўлди.

Салжуқ катта ҳурмат қозонган, эл суядиган киши эди. Шу сабабли у Ўрта Осиёнинг каттагина қисмида ҳукмронлик қилаётган ўғуз ёбгуси (ҳоқони) билан ихтилофга бориб қолди. Бу зиддиятдан кейин у Жендага (харобалари ҳозирда Сирдарё соҳилидаги Қизил Ўрда яқинида сақланиб қолган қадимий шаҳар) кўчиб ўтди ва бу шаҳарни ўзи тузган беклик пойтахтига айлантирди. Унинг обрўйи шунчалик ошиб кетдики, чор атрофдан одамлар келиб қўшила бошлади. Унинг тарафдорлари Ислом динига киришди. Кўп ўтмай Салжуқ мажусий қабилadoшларига қарши юриш бошлади. Ана шу урушлар асносида кўплаб ўғузлар мусулмон бўлишди.

Салжуқ узоқ умр кўрди ва тақрибан ҳижрий 380 йили бир юз етти ёки бир юз ўн беш ёшида вафот этди. Унинг ўлиmidан сўнг Жендадаги ҳокимият ўғли Микоилбекка ўтди ва у ҳам мажусий туркларга қарши урушни давом эттирди. Юришларнинг бирида у ҳам ҳалок бўлди. Ундан икки ўғил Тўғрул Муҳаммадбек ва Довуд Чағрибек қолди. Аммо Салжуқ вафотидан кейинги салжуқийлар ёбгуси вазифасига расман унинг бошқа ўғли Алп Арслон тайинланди. У ўғузларнинг бир қисми билан Бухоро яқинига келиб ўрнашди.

Салжуқийлар тарк этган ва “Али ёбғу” деб атала бошлаган ўғуз ёбгуси ҳам ҳижрий 393 йилга келиб расман Исломни қабул қилди. У сосонийлар ҳукмдори Исмоилга куёв бўлган эди. Али ёбгудан кейин ўғуз давлатига унинг ўғиллари Ҳишомуд Давла ва Шоҳ Маликлар ҳукмдор бўлишди. Шоҳ Малик даврида Янги-

кент (Сирдарёнинг чап соҳилидаги кейинчалик “Ўтрор – Фораб” деб ном олган тарихий шаҳар) бошқа бир турк қабиласи – қипчоқлар томонидан босиб олинди. Улар ҳамон мажусийлигича қолиб, Кук Тангри деган “илоҳ”ларига сифинишар эди.

Янгикентдан ажраган Шоҳ Малик Жендага қараб юрди. Бу эса салжуқийларнинг шаҳардан кетишига ва Мовароуннаҳрга бостириб киришига сабаб бўлди. Шундан кейин ўғузларнинг икки қабиласи ўртасида қонли тўқнашувлар бошланиб кетди. Салжуқийларга яхшироқ бас келиш мақсадида Шоҳ Малик ёбғу газнавийлар ҳимоясига ўтиб олди. Ҳижрий 430 йили газнавий султони Масъуд Шоҳ Маликни Хоразмга ҳукмдор этиб тайинлади. Лекин у ўлкани эгаллаб олган қипчоқларни ҳайдагачгина ўз вазифасини бажаришга киришди. 434 йили салжуқлардан Микоилбекнинг ўғли Чағрибек унга қарши юриш бошлади ва Хоразмни эгаллаб олди. Кейин Жендага кириб, Шоҳ Малик ёбғуни асир олди. Шундан сўнг ўғузларнинг ёбғу унвони Маликул Ғозий Салжук авлодларига ўтди. Кейинчалик эса қипчоқлар Марказий Осиёнинг каттагина қисмини эгаллашди ва салжуқийлардан Жендани тортиб олишди.

Салжуқийлар қабиладошлари ва қипчоқлардан ташқари Марказий Осиёдаги яна икки қудратли давлат – газнавийлар ва қорахонийлар билан ҳам урушишга мажбур бўлишди. Бу тўқнашувларда уларни анчагина кучли ҳисобланган сомонийлар давлати қўллаб-қувватлади. Сомонийлар ҳали сулола бошлиги ҳаётлигидаёқ салжуқийларга Бухоро яқинига келиб ўрнашишга ижозат берган ва жангари салжуқийлардан ўз чегараларини бошқа турк қабилаларидан ҳимоялашда фойдаланган эди.

Сомонийлар давлати инқирозга юз тутганидан кейин, ҳижрий 390 йили унинг ҳудудини қорахонийлар ва

газnavийлар эгаллашди, биринчиси Мовароуннахрга, иккинчиси эса Хуросонга ҳукмрон бўлди. Бу вазиятда салжуқийлар ва қорахонийлар ўртасидаги уруш кескинлашди. Қорахонийлардан Илкхоннинг юришлари бошлангач, салжуқийлардан Тўғрулбек ва Чағрибек қорахонийларнинг ҳоқони Аҳмад ҳузурига бош уриб келишга мажбур бўлишди. Лекин у ака-укага душманлик кайфиятида бўлгани учун Тўғрулбекни асир олди. Якка қайтган Чағрибек қўшин тўплаб, қорахонийлар ҳоқонига қарши юриш бошлади ва ғалаба қозониб, акасини қутқариб олди.

Бироқ салжуқийлар ёбғуси қорахонийлар ва газnavийлар билан келгусида уришишга умуман қодир эмас эди. Тор-мор бўлган салжуқийлар аста-секин Марказий Осиёни тарк этиб, гарбга – Хуросон, Онадўли ва Кофқоз сари кетишга мажбур бўлишди. Салжуқийлар янги ерларга кўчиш билангина қудратли ғанимларга қарши тинимсиз урушлардан жон асрасак, нажот топамиз, деб билишар эди. Киндик қони тушган заминдан кетиш истаги шунчалик кучли эдики, ҳатто газnavийлар ва қорахонийлар устидан ғалабага эришиб ҳам Марказий Осиёда қолишмади. Ўғуз туркларидан каттагина қисмининг гарбга оммавий кўчиши шундан бошланди. Юз минглаб салжуқлар оилалари билан бир неча ўн йиллар мобайнида янги ерларга бориб ўрнашишди. Улардан кўпчилиги Кичик Осиё (Онадўли) ва Озарбойжонда иккинчи ватанларини топишди.

Янги кўчиб келганларни кўпинча туркман ёки турк деб аташар эди. Шу номлар уларга ўрнашиб қолди. Улар асрлар мобайнида давом этган вайронгарлик урушларида хароб бўлган шаҳар ва қишлоқларни қайта обод қилишди. Шунингдек, турк ва озар халқларининг шаклланиши ҳамда этногенезида салжуқийларнинг алоҳида ўрни бор.

Ҳижрий 463 (милодий 1071) йили Алп Арслон раҳбарлигидаги мусулмон салжуқийлар билан византиялик румлар орасидаги Малазгирд жанги бўлди. Салжуқийлар ҳукмдори Тўғрулбекнинг ўгли, Алп Арслон таназзулга юз тутган салжуқийлар салтанатининг аввалги куч-қудратини қайта тиклади. Аббосийлар заифлашганини кўриб ҳаддан оша бошлаган византияликлар ўзларига чегарадош подшоҳликлар вужудга келиши билан мусулмонларга қарши сурункали уруш олиб боришга киришдилар. Алп Арслон Кичик Осиёга юриш қилди. Малазгирд яқинида Византия императорига қақшатқич зарба бериб, уни асир олди. Ўша галабадан кейин мусулмонлар Кичик Осиёнинг қоқ юрагига кириб бориб, у ерда мустаҳкам ўрнашиб олдилар ва шундан кейин улар Онадўлини тарк этмадилар. Алп Арслон ўз амакиваччаларидан бири Сулаймон Қутлимишни Кичик Осиё марказининг ҳокими қилиб тайинлади. Бу ўлкани мусулмонлар Рум деб атаётган бошлашди. Рум салжуқийлари у ерда усмонли турклар пайдо бўлгунга қадар ҳукмрон бўлиб туришди. Шундай қилиб, румликлар султони Осиёдан бутунлай чиқиб кетди. Ушбу маърака Ислом тарихидаги энг катта жанглардан ҳисобланиб, умуман Ғарб тарихининг, Осиё тарихининг энг асосий нуқталаридан ҳисобланади. Чунки бу урушда румликларнинг нуфузини битириш, Кичик Осиёдан уларни бутунлай сиқиб чиқариш имкони пайдо бўлди, янги юришларга йўл очилди. Кучлар тенг эмаслигига қарамай, Алп Арслоннинг жангчилари дунёнинг энг кучли ўрдуларидан бири бўлмиш Византия армиясини тор-мор қилдилар. Византия империяси Онадўлидаги ерларидан маҳрум бўлди. Шарқда Рум деб аталган, авваллари насроний византияликларга тегишли бўлган улкан ҳудуд энди “Салжуқ-Рум салтанати” деб аталиб, унга мусулмон султонлар ҳукмронлик қила бошлашди.



Мана шу нарса Оврупани қаттиқ ташвишга солиб қўйди. Уларнинг салиб (хоч) урушларини бошлашларига сабаб бўлган асосий омилардан бири ҳам айнан шу эди. Ҳижрий 489 – 692 (милодий 1095 – 1292) йилларда бўлган салиб юришлари оврупалик масихийлар томонидан Исломни йўқ қилиш мақсадида, Ўрта Шарққа – Байтул Мақдисга эга чиқиш учун қилинган ҳарбий юришлардир. Бу юришларнинг бошловчиси Рим Папаси бўлиб, у одамларни Исломга қарши, қўлдан кетган ерларни қайтариб олиш учун бўладиган урушга даъват қилганди.

## ОЛИМНИНГ БОЛАЛИГИ

Аксари ҳолларда улуғ олимларнинг оталари оддий ҳунарманд-косиблар бўлишган, яъни олимдан ҳадеганда олим туғилавермайди. Масалан, имом Абу Ҳанифанинг оталари ипак-шойи савдогари эди, у кишидаги илмга, олимларга ихлос туфайли тожирдан улуғ мазҳаббоши дунёга келди. Дунёга машҳур мисрлик олим Муҳаммад Ғаззолийнинг отаси ҳам оддий ҳунарманд эди. “Абу Ҳомид Ғаззолийдай улуғ олим бўлиб етишсин” деган орзуда фарзандига Ғаззолий тахаллусини танлаганди. Отаниятига етди ва ўғли “Иккинчи Ғаззолий” номи билан оламга танилди. Ҳозирги замоннинг яна бир машҳур олими Ваҳба Зухайлийнинг отаси ҳам савдогар-зироатчи бўлган. Дунё тан олган Қуръон ҳофизи ва омили Халил Хусарийнинг отаси оддий бўйра тўқувчи эди, Хусарий тахаллуси ҳам касбларига ишора.

Ҳақиқатан, фарзанд камолида холис ният, Парвардигоридан қаттиқ ёлбориб сўраш, боланинг таълими йўлида ҳамма нарсани қурбон қила олиш ҳамиша зафарга элган. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Абу

Ҳомид Ғаззолийнинг отаси оддий ҳунармандлигига қарамай, солиҳ ва обид киши эди. Кичкинагина дўконида жун йигириш билан тирикчилик ўтказарди. Олимнинг тахаллуси ҳам ота касбига ишора: “газзол” сўзи йигирувчи маъносини билдиради.

У оддий киши бўлишига қарамай, фақиҳларни зиёрат қилар, ҳамиша улар хизматида бўлар, азбаройи илмга ихлосидан имкон борича олимларга эҳсонлар қиларди. Уламоларнинг суҳбатини эшитиб йиғлар, тавба-тазарру қилиб, ўзига ҳам бир ўғил ато қилишини Аллоҳ таолодан сўрар, унинг динда фақиҳ (теран англовчи) инсонлардан бўлишини орзу қилар эди. Аллоҳ таоло у кишининг дуосини ижобат қилди, унга икки ўғил ато этди.

Илму маърифатга беҳад муҳаббатли бўлишига қарамай, камбағаллиги туфайли дунёдан саводсиз ўтаётган ота умри охирида ўзидан кейин қолаётган икки сагир фарзанди Муҳаммад ва Аҳмадни бир аҳли солиҳ мутасаввиф дўстига топширди. Уй-жойини сотиб, пулини ўғилларининг илм олиши учун сарфлашини васият қилиб оламдан ўтди. Дарҳақиқат, ота илтижолари ижобат бўлиб, ўғилларидан Аҳмад ўз замонасининг тенгсиз воизи, Муҳаммад эса ҳамма бирдек тан олган буюк олим, беназир донишманд бўлиб етишди.

Ота вафот этгач, ўша дўсти Муҳаммад ва Аҳмадни ўз уйида тарбия қила бошлади. Бу ота қолдириб кетган озгина нафақа тугагунча давом этди. Маблаг тугагач, мутасаввиф икки болани энди боқа олмаслигини айтиб, узрхонлик қилди. У дўстининг фарзандлари билан хайрлашар экан, уларга шундай насиҳат қилди: “Сизларга аталган нафақани ўзларингга сарфлаб бўлдим. Мен фақир одамман. Сизларни яна боқишга менда ортиқча маблағ йўқ. Энди олимлар ҳалқасига боринглар, чунки икковингиз ҳам ўша ерда етарли билим оласизлар. Дарс

ҳалқаларида маълум вақтгача сизларга етарли нафақа ҳам бўлади”. Шундай қилиб, Муҳаммад ва акаси Аҳмад сўфийнинг айтганидек қилишди.

Муҳаммад ёшлигиданоқ илм олишга қаттиқ киришди. У олдин ўз шаҳрида Аҳмад ибн Муҳаммад Розконий ҳалқасида фикҳ илмидан илк сабоқларни ўрганди. Сўнгра Журжонга, ўша даврнинг улуг қомусий олими имом Абу Наср Исмоилий ҳузурига сафар қилиб, у ерда ҳам фикҳдан таҳсил ола бошлади. У устозининг ҳар бир дарсларини мунтазам қоғозга тушириб борар, бу “таълиқ”ларни кейин такрорлаш учун алоҳида жилдга йигиб юрарди (Илмнинг алоҳида бобига тааллуқли оят, ҳадис, саҳоба ва тобеинларнинг сўзлари ва фатволаридан олинган иқтибослар истилоҳда “таълиқ” дейилади. Таълиқлар бобдан олинадиган ҳукмларни қувватлашга хизмат қилади – муаллиф). Кейинчалик илм толибининг бу ишида қандай ҳикмат бўлганини йўлдаги бир воқеа исботлаб берди.

Муҳаммад она шаҳри Тусга қайтаётганида йўлда қароқчилар босқинига учради. Илм толибининг ўзи бу ҳақда шундай ҳикоя қилади: “Қароқчилар йўлимизни тўсиб, мендаги бор нарсани тортиб олиб кетишди. Мен улар орқасидан эргашдим. Шунда уларнинг каттаси менга қараб: “Орқангга қайт, ҳолингга вой бўлгур! Агар қайтмасанг, ҳалок бўласан”, деди. Мен унга “Сенга кераги бўлмаган нарсани, яъни “таълиқ”ларимни қайтариб беришингни сўрайман, холос. Уларнинг сизларга ҳеч бир фойда йўқ”, дедим. У киши менга “Таълиқларинг нимаси?” деди. “Анави тўрвадаги ёзувларимни қайтаринглар. Унда менинг бор илмим – жуда кўп китоблардан кўчириб олинган илмий шарҳ ва изоҳлар бор. Неча йиллардан бери мусофирлик азобини тортиб топган бор бойлигим шу. Мен уларни эшитиш, ёзиб олиш ва уларда

йиғилган илмни ўрганиш учун ҳижрат қилиб юрганман”, дедим. Шунда ҳалиги киши кулиб юборди ва: “Сен қанақасига илм ўрганганингни даъво қиласан. Ҳар қандай одам олиб қўйиши мумкин бўлган нарсани “менинг илмим” дейишга уялмайсанми? Биз сендан уларни тортиб олиб қўйгач, сен мутлақо илмсиз қолдинг-ку!” деди-да, шерикларига халтани қайтариб беришни буюрди... Бу ҳодиса кўзимни катта очди. Аллоҳ таоло мени тўғри йўлга бошлаш учун қароқчини гапиртириб қўйганди. Мен Тусга қайтиб келгач, уч йил мобайнида таълиқ қилган нарсаларимнинг ҳаммасини ёдлаб чиқдим. Энди ҳар қандай йўлтўсар “таълиқ”ларимни олиб қўйса ҳам, илмимдан маҳрум бўлмайдиган бўлдим”.

## ИЛМ САРҲАДЛАРИ САРИ

Абу Ҳомид Ғаззолий илм талабида салжуқийлар пойтахти ва Бағдоддан кейинги иккинчи илм шаҳри ҳисобланган Найсобурга келди. У ерда “Имомул Ҳарамайн” (Икки Ҳарам имоми) номи билан машҳур бўлиб кетган улуғ олимдан таҳсил ола бошлади. У қаттиқ жидду жаҳд қилиб, ўз асрининг етук олими бўлиб етишди. Мазҳаб, хилоф, жадал (диалектика) ва усул илмларида қуёш каби порлади. Муҳаммадаги зийраклик, ҳар бир нарсани дақиқ маъноларигача англаш ва маълумотларнинг кенглиги Имомул Ҳарамайнни ҳайратга солар, ўз шогирди ҳақида “Ғаззолий тубсиз денгиздир” деб қўйишни унутмас эди. Имомул Ҳарамайн дарсхонасида таҳсил олаётган илм толибларининг сони тўрт юздан ошарди. Ёш Муҳаммад уларнинг ҳаммасидан пешқадам эди, ҳатто устози уни ўзига ёрдамчи қилиб ҳам тайинлаганди.

Ҳижрий 478 йили Имомул Ҳарамайн вафот этгач, Муҳаммад халифанинг вазири, илм-маърифатга ихлоси

ва ҳомийлиги билан оламга танилган Низомулмулкнинг олдига борди. Ўша пайтда олим йигирма саккиз ёшда эди. Ўшандаёқ ёш олимнинг фазли ва шуҳрати ҳамма-ёққа кенг тарқалиб улгурган эди. Низомул мулкнинг мажлислари эса илм аҳлининг ҳақиқий олий кенгашига айланган эди. Бирор бир мажлис бўлмасин, ҳатто мотам маросимлари ҳам фикҳий мунозаралар ва ақидавий баҳсларсиз ўтмас эди.

Абу Ҳомид Низомулмулк мажлисидаги уламолар билан мунозарага киришиб, у ердагилардан устун эканини исботлади. Уламолар унинг фазлини, салоҳиятини тан олиб, эътироф қилишди. Вазир ҳам олимнинг иқтидори ва билим даражасини улуғлаб, Бағдоддаги ўзи ташкил этган Низомия мадрасасига мударрис қилиб тайинлади. Бу мартаба уламоларнинг ҳамишалик орзуси ва унга етишиш учун улар мусобақалашадиган илмий мақомнинг олий чўққиси эди.

Абу Ҳомид Ғаззолий ҳижрий 484 йили Бағдодга келди. Ўшанда у ўттиз тўрт ёшда эди. Мана шу ёшида Низомиядек машҳур мадрасада бош мударрис сифатида дарс бериш камдан-кам олимга насиб этадиган олий шараф эди. Ёш мударриснинг ширин сўзлари, фазли, фасоҳати, нуктадонлиги ва латиф ишоралари талабаларни ўзига маҳлиё қилган ва устозларни чин дилдан севдирган эди. Ўша асрда яшаб ўтган Абдулғофир Форисий айтади: “Абу Ҳомид Ғаззолийнинг Бағдоддаги ҳурматлари ва даражалари ҳатто, амирлар ва ашрофларнинг ҳурматида ҳам юқори эди”.

У кишидан таҳсил олаётган талабаларнинг адади тинмай ортиб борарди. Олимнинг ўзи Низомия мадрасасининг ҳолати ҳақида “Мунқиз миная зола” асарида шундай ёзади: “Мен Бағдодда уч юз талабага дарс бераётганимдан мамнунман”. Халифа Мустанзхир Ғаззолийнинг салоҳиятидан ҳайратга тушар, унинг фазлини

холис эътироф қилар эди. Халифанинг илтимоси билан Ғаззолий адашган ботиний фирқасига раддия сифатида бир китоб ёзди ва уни “Мустазҳирий” деб номлади.

У илм сарҳадлари сари шитоб билан интиларкан, бу йўлда турли муаммолар, маънавий тўсиқлар ва мубҳамликларга ҳам дуч келарди. Олимнинг ўзи кейинчалик бу ҳақда шундай ёзади: “Мен ёшлигимдан ишларнинг ҳақиқатига етишишга қизиқар эдим. Бу қизиқиш Аллоҳ таоло тарафидан менинг яратилишимга жойлаштирилган табиий бир фитрат эди. Бу хислатни ўз ҳаракатим билан касб қилмаганманки, мендан бу тақлид арқони ечилса ва ёшлигимдан мерос бўлиб келган ақоидлар йўқ бўлса. Чунки насроний болаларнинг насронийликда, яҳудий болаларнинг яҳудийликда, мусулмон болаларнинг эса Исломда ўсганларини кўрганман. Пайгамбар алайҳиссаломдан ривоят қилинган ҳадисни ҳам эшитдим. У зот соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Ҳар бир фарзанд Ислом фитратида тугилади. Кейин унинг ота-онаси ё яҳудий ёки насроний ёки мажусий қилади”, деганлар. Шунда ички ҳиссиётим аслий фитрат ҳақиқатига, ота-она ва устозларга тақлид қилиш билан пайдо бўлган ақоидлар ҳақиқатига ва улар орасини ажратишга талпинди. Ақоидларнинг аввалида талқинотлар (оғизма-оғиз келган нарсалар) турарди. Уларнинг ҳақиқийсини ботилидан ажратиб олишда эса бир неча ихтилофлар мавжуд эди.

Ўзимга ўзим биринчи бўлиб шундай савол бердим: “Менинг талаб қилаётган нарсам ишларнинг ҳақиқатини билиш. Демак, илмнинг ҳақиқатини талаб қилиш керак. Илмнинг ҳақиқати нима ўзи у?”. Шунда менга аён бўлдики, албатта, яқийний (ҳақиқий) илм – маълум нарсаси, унда шак қолмайдиган, унга адашиш ва гумон яқин йўламайдиган, қалб уни ўлчашга қодир бўла олмайдиган, балки хатодан (адашишдан) омонда бўладиган даражада

кашф бўлади. Масалан, тошни олтинга, асони (ҳассани) илонга айлантира оладиган киши маълумлиги равшан бўлган нарсанинг ботил экани ҳақида мен билан тортишадиган бўлса, унинг бу тортишуви менга маълум нарсада ҳеч қандай шак-шубҳа уйғота олмайди. Масалан, мен ўн сонининг уч сонидан кўплигини биламан. Шунда менга бир киши: “Йўқ, уч ўндан кўпроқ, бунга далил сифатида мен ҳассани илонга айлантира оламан”, дейди. Илонга айлантиради ҳам. Ўзим бунга гувоҳ бўлдим ҳам. Лекин мен унинг бу ишидан уч сонининг ўндан кам эканлигида асло шубҳа қилмайман. Унинг қилган ишидан ҳайратга тушишим мумкин, лекин билган нарсамда асло шубҳа қилмайман. Агар бир нарсани шунчалик даражада ишончли билмасам, бу илмим ишончли ва соғлом бўлмайди. Шундай бўлгандан кейин бундай илмни “яқийний илм” дея олмаймиз”.

Сўнги асрнинг улуғ уламоларидан Абул Ҳасан Надавий ўзининг “Фикр ва даъват кишилари” китобида шундай ёзади: “Абу Ҳомид шундан сўнг илмини қандай тафтиш қилгани, натижада, ҳиссий ва ҳужжат талаб қилинмайдиган зарурий илмлардан ташқари яқийний илмдан ажралган ҳолатда топганини айтади. Сўнгра ҳиссий ва зарурий илмлар ҳақида чуқур фикр юритиб, бунда ҳам шакка бора бошлади. Бора-бора ҳиссий илмларга бўлган ишончи ҳам шакка айланди. Унинг ўзи бу ҳақда шундай дейди: “Бу дард икки ой давомида бедаво бўлди. Мен шу икки ой ичида ташқаридан сезилмаса-да, аслида, сафсата мазҳабида бўлдим. Сўнгра Аллоҳ таоло менга бу касалликдан қутқариб, шифо берди. Нафс яна ўз сихати-га ва муътадиллигига қайтди ҳамда ақлий заруриётлар ишончга айланди. Бу нарсалар назм билан, далил билан ва сўзларни тартиблаш билан бўлмади, балки Аллоҳ таоло тарафидан қалбга ташланган нур сабабли бўлди”.

## САОДАТ ТАЛАБИДАГИ РИҲЛАТЛАР

Абу Ҳомид Ғаззолийнинг шуҳрати ва Ислом оламидаги илмий мақоми ўша асрларда олимлар орзу қилган, улар етишиши мумкин бўлган улуглик ва мартабанинг энг олий чўққиси эди. Талабалар турли жойлардан у кишининг ҳузурига келишар, олимлар, амирлар ва вазирлар олимнинг айтганларига бўйсунушар эди. У Ислом олами пойтахтида дарс берар, ўзи китоблар ҳам таълиф қилар эди. Аслини олганда, бу мавқе илмни тарқатишга ҳарис бўлган олимни ҳам, раҳбарлик ва улугликни истайдиган ҳар қандай иззат-талаб кишини ҳам рози қиладиган энг олий мартаба эди.

“Низомия” мадрасасидаги дарслар олимнинг шуҳратига шуҳрат кўшди, уни имомлик даражасига олиб чиқди. Имом Ғаззолийга нафақат аҳли илм, балки аҳли давлатлару аҳли ҳукмлар ҳам бўйин эгди. Ҳатто халифалар имом Ғаззолийга яқин бўлишга интилишарди. Аббосий халифалардан Муқтадий Биллаҳ у кишидан баъзи ишларни илтимос қиларди. Халифа Мустанзҳир Биллаҳ имом Ғаззолийни ўзига дўст тутарди, халифанинг илтимосига биноан Имом ботинийларга раддия китобини ёзганди. Шу тариқа, имом Ғаззолий ҳамма тарафдан обрў-эътиборнинг чўққисига чиқди. У киши учун бу дунёда интилиш керак бўлган мансаб, мартаба, шуҳрат ёки улуглик қолмаган эди. Бугунги кун таъбири билан айтганда, инсон боласининг қўл узатган еригача етадиган даражага эришган эди.

Аmmo олимнинг кўнгли гаш, дилида безовталиқ ҳукмрон эди. Ўзи эришган мавқе-мартабалар хурсандчилик олиб келмас, аксинча руҳий сакинатдан йироқ қилган эди. Чунки у ҳали яқийн илмига эришмаган эди. Ичида қаттиқ нафсоний кураш борар эди. Бор ҳақиқатни англаб етишга ҳаракат қилар, бунинг учун шон-шуҳратдан

ўзини олиб қочар, чуқур ва атрофлича илмий баҳслар ва изланишлар олиб боришга интиларди.

Ақдан ўйлаб кўрилса, Абу Ҳомид Ғаззолийнинг илмий марказда қолиши ва ҳаётини талабалар ҳалқасида, ўзини ўраб олиб, сўзларига мунтазир турган кишиларга хизмат қилиши ҳар қандай салоҳиятли олим орзу қилган гўзал мақом эди. У кишининг устозлари, ҳамасрлари ва шерикларидан аксарияти шундай йўл тутишганди ҳам. Лекин Ғаззолий бундай қилмади. Унинг тиниб-тинчимас нафси ва улуғ ҳиммати ўз ҳаётини ана шундай осуда ва бир маромда давом эттиришига йўл қўймади. Аслида, у зотнинг буюклиги ҳам шунда эди. Шунинг учун ҳам Абу Ҳомид Ғаззолий “Хужжатул ислом” деган унвонга муносиб кўрилди.

Ўзидаги кучли ирода, талаб қилаётган нарсасининг тўғрилиги ва ҳимматининг олийлиги туфайли у ўз асрида уламолар ва закий инсонлар орзу қиладиган, узоқ муддат давомида фақат бир кишидан кейингина бошқа киши эриша оладиган катта мансаб ва улуғ мартабадан воз кечишга қодир бўла олди. У зотга бу мавқеълардан кечиш, ўзи эгаллик қилиб турган мол-давлатдан юз ўтириш ва ёлғиз ўзи ҳукм қилиб, бошқариб турган илм салтанатидан фақирлар ва ғариблар яшайдиган хилват саҳроларга кўчиб ўтиш осонгина кечди. Бу ишига у надомат ҳам чекмади, қайгурмади ҳам, аксинча қалбда бир сакинат, хотиржамлик, қониқиш ҳисси билан янги ҳаёт тарзини танлади.

Бу унча-мунча кишига насиб бўлмайдиган буюк бир эврилиш эди. Унча-мунча одам ўзи эришган мақомнинг энг олий чўққисида турганида бирданига, бунинг ғирт аксини хоҳлаб қолиши ақлга сигмайдиган, тасаввур қилиб бўлмайдиган бир оний ҳолат эди. Ўзи хоҳлаган нарсасига эришиб, қалби таскин топганида ҳамма нарсани бирданига ташлаб чиқиб кетиб, қалбини ҳақиқий имон

билан тўлдириб қайтиш ҳақиқатан улуғ саодат ва жасо-  
рат эди. У охири дунёдан юз ўгириш, мартаба ва шон-  
шухрат жозибалари ва лаззатларидан қўлини батамом  
тортишга муяссар бўлди. Руҳий саодат ва ҳақиқий маъ-  
рифат истагида мадрасадаги суюмли ишларини ташлаб,  
халифалик пойтахти Бағдоддан чиқиб кетди. Аллоҳ тао-  
ло у зотнинг илтижосини қабул этган, сўраган нарсаси  
билан икром қилган эди. Камолот ва шухратнинг олий  
чўққисида турганида жисми ва руҳида содир бўлган  
бу эврилиш, ўзидаги ботиний ўзгаришнинг сабаблари  
ва узоқ муддатли муолажаси йўлидаги нафсий кураши  
ҳақида олимнинг ўзи шундай ҳикоя қилади:

“Мен олти ой мобайнида дунё шаҳватларининг жо-  
зibasию охират истакларининг изтироблари ўртаси-  
да қолдим. Бу нарса ҳижрий 488 йилнинг ражаб ойида  
бошланган эди. Мана шу ойда иш ихтиёрий чегарадан  
мажбурийликка ўтди. Чунки Аллоҳ таоло тилимни қулф-  
лаб қўйган, ҳатто, у дарс айтишга айланмас эди. Ўзимни  
дарс ўтишга мажбурлар эдим. Тилим калимага келмас,  
фикримни изҳор қила олмасдим. Тилимдаги бу дудуқлик  
қалбимда маҳзунликни келтириб чиқарди. Маҳзунлик  
сабабли ҳазм қилиш меъёри бузилиб, таом ва ичимлик-  
нинг мазасини сезмай қўйдим. Томоғимдан сарид (ёв-  
гон шўрва) ҳам ўтмас эди. Бир луқма таомни ҳам ҳазм  
қилолмасдим. Тобора кучдан қолиб, танам борган сари  
ожизланиб борарди. Ҳатто ҳозиқ табиблар ҳам дардимга  
даво топа олмай қолишди. Улар: “Бу қалбнинг хасталиги,  
у қалб орқали мижозга ўтган. Бунинг давоси йўқ, фақат  
ботиний гам-ғуссалардан холи бўлсагина дардман туза-  
лиши мумкин, дейишди.

Сўнгра ўзимнинг ожизлигимни ва ихтиёрим қол-  
маганини сезгач, Аллоҳ таолога ҳеч бир ҳийла-тадбири  
қолмаган, ноилож одамнинг илтижоси билан ёлбордим.

Шунда “...ноилож одам дуо қилган вақтида уни ижобат қиладиган...” (Намл сураси, 62-оят) Зот дуо-илтижойимни қабул қилди. Аллоҳ таоло қалбимга мансаб-мартаба, мол-давлат, аҳли аёл ва фарзанд, ёр-дўстлардан юз ўгиришни осон қилиб қўйди. Ичимда Шом сафарининг режасини тузиб юрган бўлсам-да, одамларга Маккага бориш ниятим борлигини эълон қилдим. Бунга сабаб, халифанинг ва ёр-дўстларимнинг Шомга боришимдан хабардор бўлиб қолиб, бу ниятимдан қайтаришларидан қўрққан эдим. Пойтахтга умуман қайтмаслик мақсадида чиройли ҳйллалар билан Бағдоддан чиқиб кетдим. Бу ишим билан Ироқ аҳли имомларининг барчасига маломат нишони бўлдим. Чунки улар ичида мен турган мансабдан юз ўгиришга диний сабаб келтира оладиган инсоннинг ўзи йўқ эди. Уларнинг фикрича, мен турган мансаб диндаги энг олий мартаба, илм аҳли етишиши мумкин бўлган олий манзил эди.

Олимлар етишишни орзу қилган Бағдодни ва ўзимдаги бор мол-дунёни ташлаб, йўлга чиқдим. Молимдан болаларимга ва ўзимга етарлисини олдим, холос. Чунки Ироқнинг хазинаси мусулмонларга вақф қилинган бўлиб, уларнинг манфаати йўлидагина ишлатилар эди. Мен дунёда олим киши ўз аҳли аёлига оладиган бундан кўра яхшироқ молни билмадим.

Сўнгра Шомга бордим. У ерда икки йилга яқин истиқомат қилдим. Бу давр мобайнида фақат узлат, хилват, риёзат, мушоҳада, нафс ва ахлоқни поклаш билан, қалбни Аллоҳнинг зикрига холи қилиш билан машгул бўлдим. Дамашқ масжидида бир қанча муддат эътикоф ўтирдим. Кундузлари масжид минорасига чиқиб, устимдан қулфлаб олар эдим. Сўнгра Дамашқдан Байтул Мақдисга кўчиб ўтдим. Ҳар куни “Сахро”га (Қуддуси шариф масжиди яқинидаги қадимий бино) кириб, устимдан қулфлаб олар

эдим. Кейин ичимда ҳаж қилиш, Макка ва Мадина баракотларидан насибадор бўлиш ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни зиёрат қилиш туйғуси пайдо бўлди. Ҳажга боришдан аввал Иброҳим алайҳиссаломни зиёрат қилиш ниятида Ҳижозга қараб йўл олдим.

Сўнгра мени ҳиммат ва болаларни ватанга бўлган чақириқлари қамраб олди. Ватанимга қайтиб, у ерда ҳам хилватга чекиниб, Аллоҳнинг зикрига, У Зотга тасбеҳ айтишга ҳирс қўйдим.

Замон ҳодисалари, бола-чақа ташвишлари ва тирикчилик заруратлари мақсадни ўзгартириб, хилват осудалигига ҳалал беради. Менга баъзи вақтлардагина узлат қилиш учун учун вақт топилар эди, холос. Шундай бўлса-да, узлатни бутунлай тарк қилиб қўймадим. Қийинчиликлар мени ундан четлатар, мен эса яна унга қайтаверар эдим”.

Имом Ғаззолийнинг осуда ҳаётини ағдар-тўнтар қилиб юборган бу оғир танловга аспиди, осонликча келмаганди. Энди бир тасаввур қилинг: сиз ҳаётингизнинг асл мақсади саналмиш барча орзуларга эришгансиз. Дунёдаги етакчи илм даргоҳида юзлаб, минглаб ташна қалбларга руҳоний илмларни етказяпсиз. Аллоҳ таоло сизни мартаба ва обрў билан ҳам, мол-давлат билан ҳам, аҳли аёл билан ҳам, борингки, суйган бир бандасига ато этадиган барча неъматлари билан сийлаган. Ҳар қандай инсон бу хилдаги ҳаётига рози бўлади, умри охиригача шундай давом этишини истайди.

Аммо буюкликнинг ўлчови оғир, феъли тушунарсиз экан. Ана шу қоидага биноан ҳамма нарса рисоладагидай кетаётганида, бирдан қалбингизда бир руҳий пўртана бошланади, сўз ва амалингиз бир-бирига мос келмаётгандек туюлади, фикрларингиз бир-бирига қилич ўқталиб, мужодалани бошлайди. Эришган мавқеингиз, қилаётган ишларингиз ўзингизга ёқмай қолади. Бошқа-

лар мақтаётган сифатларингиздан ҳатто уяла бошлайсиз. Бу қанақаси бўлди? Ҳаётдан қоникмасликми ёки неъматга ношукрликми? Ҳаммадан бошқачаликми ёки тўғри йўлдан адашишми? Ёки ҳақиқатни излаш йўлида ўзни машаққатга уришми ёхуд бунинг инсон ақли ҳис эта олмайдиган бошқа ботиний сабаблари борми?

Маълумки, Ғаззолий ўзида содир бўлган руҳий эврилиш чоғида “Низомия” мадрасасининг энг ўткир мударрисси эди. Кучли заковати, фасоҳатли нутқи, тақвоси ва иқтидори сабаб уни талабалар ҳам, мударрислар ҳам “Низомия”нинг булбули” дейишарди. У ўз ҳалқасидаги дарсларни шундай бир илҳом ва ихлос билан берилиб ўтардики, қуйма фикрлари талабаларнинг юрак-юрагига етиб борарди. Бунинг устига, бу фикрлар олдингиларникига ўхшамаган, ўзига хос ва янгича эди. У тасаввуф ғояларини тарғиб этар экан, уларни шарият аҳкомлари билан уйғунлаштириб юборишга интиларди. У ўз тингловчиларини сўфийларники каби сабр-қаноатга ундарди-ю, қалбни дунё бойликларига эмас, Аллоҳга бағишлашга, дунё лаззатларидан юз ўгиришга, мол-дунёни фақирларга ва етим-есирларга улашишга чорлар эди. Ва шу йўлни гўзал охиратга олиб борадиган энг тўғри йўл деб биларди.

Лекин аини пайтда унинг ўзи бу дунёнинг деярли барча неъматларидан баҳраманд, баланд мартабали амалдорлар ҳомийлигида ҳаёт кечираётган ўзига тўқ олим эди. Кейинчалик сўз билан ҳаёт тарзининг ана шундай номутаносиблиги Ғаззолийнинг руҳини қийнай бошлайди. Бу қийноқ ва иккиланишлар вақт ўтгани сайин кучли руҳий изтирабга айланади. Натижада, у бир ҳафтадан ортиқроқ туз тотмади. Айтишларича, мадрасадан ҳам қадами узилади. Фақат кучли изтироб ва руҳий азоблар ичра тинимсиз ибодат билан машғул бўлади. Аллоҳга илтижолар қилиб, Ундан тўғри йўл кўрсатишини сўрайди.

Ниҳоят, ўн кунлар чамаси ана шундай таҳликали кунлар ўтганидан сўнг қатъий бир қарорга келиб, ҳаж сафарига отланади. У Аллоҳнинг Байтини зиёрат қилгач, Қуддуси шариф, Шом, Искандария каби шаҳарларда дарвишона ҳаёт кечиради, илм билан шуғулланади. Сўфийлик тариқати вазифаларини тўла бажарган ҳолда тариқат сирларидан огоҳ бўлади. Хонақоҳларда узлатда яшаб, дарвишлар ҳаёти билан ҳар томонлама танишади. Айнан ана шу даврларда у ўзининг шоҳ асари бўлмиш кўп жилдли “Иҳёу улумиддин” (“Дин илмларининг жонлантририлиши”) китобини ёзишга киришади.

## КАЛОМ ИЛМИГА МУНОСАБАТ

Аллоҳ таоло имом Ғаззолийга сафсата ва васваса хасталигидан шифо бериб, ҳиссий ва зарурий нарсаларда шакка боришдан халос қилганидан кейин у атрофидаги илм толибларининг нималарни ўрганишаётганига назар солди. Толиби илмлар бу борада тўрт тоифага: мутакаллимлар (калом илмини ўрганувчилар); ботинийлар; файласуфлар ва сўфийларга ажралишган эди. Абу Ҳомид Ғаззолий ушбу илмларни яхшилаб ўргангач, қай бири ҳақ эканини аниқлашга киришди ва улардан ўз дардига шифо излай бошлади. Биринчи бўлиб калом илмини ўргана бошлади. Калом илми борасида муҳаққиқ олимларнинг китобларини ўқиб чиқди, бу илми мустаҳкам эгаллаб бўлгач, унга оид китоблар ҳам ёзди.

Бу ҳақда у “Мунқиз миназ золал” китобида шундай ёзади: “Аллоҳ таоло фазлу эҳсони билан мени ўзим йўлиққан хасталиқдан қутқарганидан сўнг ҳақиқатни қидирганларнинг тўрт гуруҳга бўлинганларини тушуниб етдим: 1) мутакаллимлар (каломчилар) – булар раъй

ва назария соҳиби эканларини иддао қилишади; 2) ботинийлар – булар ўзларининг таълимия аҳлидан эканларини, ҳақиқатни хатолардан маъсум бўлган имомдан олганларини даъво қилишади; 3) файласуфлар – булар ҳам мантиқ ва қатъий далил эгаси эканларини гумон қилишади; 4) сўфийлар – Ҳақ субҳанаҳу ва таолонинг хос бандалари, мушоҳада ва кашф аҳли эканларига ишонишади. Шунда ўзимга ўзим: “Ҳақиқатни излаганлар мана шу тўрт гуруҳдан ташқарида бўлишмайди”, дедим”.

Калом Ислом динидаги илмлардан бирининг номи. Бу илм ҳақида машҳур уламолар турлича фикрлар айтишган. Имом Ғаззолийнинг фикрича, “калом илмининг мақсади Аҳли сунна ақидасини аҳли бидъат ташвишидан муҳофаза қилиш ва қўриқлашдир”. Калом илми ҳақидаги илк ғояларни Жаъд ибн Дирҳам ва Жаҳм ибн Савфон илгари сурган (иккови ҳам 742-745 йиллари қатл қилинган). Кейинчалик каломнинг ашъарий ва мотуридий мактаблари вужудга келди. Бора-бора калом илми бўйича фақат Аҳли суннат вал жамоа таълимоти ҳукмрон бўлиб қолди. Ҳозирги пайтда “калом илми” истилоҳининг ўзи ҳам истеъмолдан чиқиб кетган. “Калом илми” истилоҳининг ишлатилиши эътиқодий баҳсларнинг энг машҳури, баҳс қилувчилар ўртасида энг кўп низоларга сабаб бўлгани ва ихтилофлар келтириб чиқарганининг сабани, Аллоҳнинг Каломи ҳақидаги масала шу илмда ўрганилганидандир.

Имом Ғаззолий бу ҳақда шундай сўзларни битади: “Калом илми толибларининг мақсадига етказишини англадим, аммо бу менинг мақсадларим учун етарли эмасди. Албатта, каломнинг мақсади Аҳли сунна эътиқодини сақлаб қолиш, уни бидъат аҳлининг тартибсизликларидан ҳимоя қилиш ва мутакаллимлар ўз хусуматчилари ҳам таслим бўлган муқаддималарга суюниш эди. Мута-

каллимлар хусуматчилар билан баҳс қилинадиган нарсаларни чиқаришга ва ҳамма таслим бўладиган далиллардан келиб чиқадиган нарсаларни ушлашга шўнгиб кетишган эди. Бундай ишларнинг заруриётлардан бошқасини тан олмайдиган кишиларга фойдаси кам бўлар эди. Шунинг учун ҳам калом илми менга кифоя қилмади, шикоят қилиб юрган дардимга даво бўлмади”.

Абу Ҳомид Ғаззолий аста-секин калом илмининг даргаларидан бирига айланади. У тинмай камол топиб борган чуқур илми, теран ақли ва юксак иқтидоридан фойдаланиб, ўзидан олдинги мутакаллим олимларнинг илмларини талабаларга етказар, уни шарҳлаб берар эди. Ёзган китоблари ва юритган фикрларида олимнинг илмий шахсиятини топиш мушкул эди, шунчалар илм эгаси бўлишига қарамай, ўзича бирор нарсани қўшиб айтмас, балки ўтган олимларнинг сўзларинигина келтирар эди.

Калом илми бошқа илмлардан кўра ўсишга, ривожланишга ва замон билан ҳамнафас бўлиб юришга катта эҳтиёж сезар эди. Чунки инсондаги шубҳаларни кетказиш ва унинг бир масалада қаноат ҳосил қилишига айнан мана шу илм сабабчи бўлиши мумкин эди. Чунки мазкур илм жонланаётган даврда инсон ақли ривожланиб бораётган, борлиқнинг моҳияти ва ундаги низом ҳақида янги шубҳалар ва саволлар пайдо бўлаётган эди. Чунки ҳар бир асрнинг ўз мушкулотлари, муаммолари ва ғолиблик қилувчи ўз фикрлари бўлади. Лекин калом илми нақлий илмлар каби қотиб, ривожланишдан тўхтаб қолаётган эди. Бу илми ҳар томондан танқид қилиш кучайиб бораётган эди. У худди ривоятга ўхшаб ҳикоя қилинадиган илмга айланиб қолаётганди.

Ашъария мутакаллимлари ўз ақидаларига таслим бўлибгина қолмай, балки имом Абулҳасан Ашъарий ва аллома Абу Бакр Боқиллонийлар келтирган далиллар ва

муқаддималарга бўйсуннишни қаттиқ талаб қилишар эди. Улар бу ақоидни исбот қилишар ва у билангина кифояланишда қаттиқ туришар эди. Ашъарийнинг йўлидан заррача четга чиқишни бидъатнинг бир кўриниши ва ҳақ йўлдан оғиш деб баҳолашар эди. Бироқ Абу Ҳомид Ғаззолий калом илмидаги ва Ислом ақидасини исбот қилишдаги бу фикрларга ва бундаги тақлидга бўйсунмади, балки китобларида Ислом ақидаси, калом илми баҳслари ҳақида мужтаҳид инсон каби ўз фикрларини, аниқ сўзларини айтди.

Имом Аллоҳ таолонинг сифатлари, пайғамбарларнинг муъжизалари, шариатда буюрилган нарсалар, азоб ва савобни исбот қилиш, барзах ва қайта тирилиш, жабр ва ихтиёр, қазо ва қадарларни бир неча муқаддима ва мисоллар билан тушунтириб берди. Унинг бу ҳужжатли сўзларига одамлар бўйсунар, бундан қалblлари имонга тўлар эди. Масаланинг нозиклигини ҳис қилган олим мутакаллимларни (яъни калом илмининг вакилларини) шубҳалантирадиган ва мантиқий муқаддималари борасида фақат хослар ва олимлар муноқаша қиладиган йўлни танламади, балки халқ оммаси ҳам бемалол тушуна оладиган услубга ўтди. Имом Ашъарий ва унинг издошлари сингари калом илмида фақат тақлид йўлини тутмади, балки баъзи бир масалаларда бу йўлдан бошқасига ҳам юрди.

Абу Ҳомид Ғаззолий ана шу услуби билан охири пайтда ёш илм толибларини қониқтира олмаётган калом илмини жонлантиришдаги янги даврни бошлаб берди. Бунинг натижасида, калом илми олимлари, хоссатан, ашъария мадрасаси мутафаккир олимларнинг олқишларига сазовор бўлди. Чунки Ғаззолий калом илмига жонланишни, виқорни қайтариб берган эди. Лекин бошқа бир тарафдан Ғаззолий ашъария имомларининг, ўша замон олимларининг таъна-маломатларига ҳам қолган эди. Чунки Ғаззолий олдин белгилаб қўйилган тайёр йўлдан

четга чиққан ва бу илмга олдинги китобларда бўлмаган, устозлардан эшитилмаган янгиликни олиб келган эди. Шу боис у айрим масалаларда Ашъарий ва у кишининг издошлари билан ихтилофга борди ва бундан фойдаланган айрим ҳовлиққанлар Ғаззолийнинг янги баҳсларида гўёки “йўлдан четга чиқиш ва залолат” ҳидини сезишди. Олимнинг “Ихёу улумуддин” китоби Ислом оламида кенг тарқаб, унга эътибор кучайгач (бу китоб юқорида айтилган баҳсларнинг кўп қисмини ва бир қанча мисолларни ўз ичига олган эди), айримларнинг Ғаззолийга маломати ва хусумати янада кучайиб кетди. Ҳатто айримлар Ғаззолий ақидасининг тўғри эканига шубҳа қилиб, шакка туша бошлади. У кишининг баъзи шогирдлари ва ихлосмандлари мактублар ёзиб, уларда ўша аср уламолари тарафидан у кишига бўлаётган ҳужумлар, олимнинг ақидаси борасида шак-шубҳалар ва у кишини тўғри йўлдан адашганликда айблалардан хафа эканларини, ташвишга тушаётганларини изҳор этишган.

Абу Ҳомид Ғаззолий бу мактубларга “Файсалут тафриқа байнал ислам ваз зандиқа” (Ислом ва зиндиқлик орасини ажратувчи ўлчов) номли китобида қуйидагича жавоб берган: “Эй раҳмдил биродар, мутаассиб дўст! Мен сени ичи тўла ғазаб, фикри тарқоқ бир ҳолатда кўриб турибман. Дин муомалотларининг сирлари ҳақидаги биз ёзган айрим китобларимизга баъзи ҳасадчиларнинг таънасини эшитибсан. Улар бу китобларда “ўтган уламолар ва мутакаллим машойихлар тутган йўлга тескари нарсалар бор”, деб ўйлашади. Ашъария мазҳабидан гарчи бир қарич бўлса-да ташқарига чиқиш куфр, нодир ўринларда ҳам бу мазҳабдан чиқиш залолат ва ҳасратга сабаб бўлади, дейишади.

Эй мутаассиб ва раҳмдил биродар, ўзингга раҳминг келсин. Бундай хабарларга сиқилиб юрма, эҳтиросла-

рингга берилма! Улар айтаётган сўзларга сабр қил ҳамда уларни чиройли тарзда тарк эт! Ҳасад қилинмайдиган ва тош отилмайдиган одамдан ҳазар қил! Ўз фикри билан танилмаган кишини назарга илма! Яхшиликка чақирувчи қайси бир одам Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан комилроқ ва ақллироқ бўлган?! Кофирлар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳақларида “У мажнунларнинг бири” дейишди-ку! Қайси сўз оламлар Парвардигорининг Сўзидан тўғрироқ? Кофирлар Аллоҳ таолонинг каломи ҳақида “У аввалгиларнинг афсонаси” дейишди-ку! Сен улар билан хусуматлашиб, огзини ёпиб қўяман, деб ўйлама. Бундай қиладиган бўлсанг, ўрни бўлмаган жойга гапираётган бўласан. Шоирнинг шундай деганини эшитмаганмисан:

*Ҳар қандайин адоватни жиловлашга умид бор,  
Ҳасаддан адоват қилганни тўхтатиш кўп душвор.*

“...Менга бўлаётган бу таъна-дашномларга сабаб мансаб-мартаба ва мол-давлат умиди, холос”.

Абу Ҳомид Ғаззолий бу мактубдаги тор фикрли хусуматчиси билан баҳслашиб, ҳақиқий уламолар ва мустақил фикр эгалари масалаларга мужтаҳид сингари қарашлари, ўз фикрларига ишонишлари ва айрим масалаларда олдингилардан бошқача фикрлашни диндан чиқиш деб билмасликларини айтиб, шундай дейди: “Агар инсоф билан қарайдиган бўлсанг, ҳақни бир кишига хослаб қўядиган кишининг куфрга ва ўзаро зиддиятга яқинлигини биласан. Куфрга яқинлигининг сабаби шуки, бу одам ҳақни бир кишига хослаши билан гўё ўша одамни имон унга мувофиқ келиши билан собит бўладиган, куфр эса унга хилоф қилиши билан юзага чиқадиган, хатодан холи пайғамбарлар ўрнига қўймоқда. Ўзаро зиддиятга яқинлигининг сабаби эса, ҳар бир киши далилларга ўзича қарайди. Сен фақат кўрган нарсангни айтасан, ҳар бир

кўрган нарсангни ҳужжат деб биласан. Энди “менинг мазҳабимнинг ўзигагина эргаш” деб айтувчи киши билан мазҳабим ва далилларимнинг ҳаммасига эргаш деб айтувчининг орасида қандай фарқ бор? Бу зиддиятнинг айнан ўзи-ку?”

Ғаззолий Ислом оламида танилган улуғ мутакаллим ва мутафаккир олим бўлишига қарамай, унинг барча қарашлари ҳам калом илмига мувофиқ келавермас эди, у бу илми ғудувга кетгани учун қоралар эди. У яна мутакаллимлардан “Барча мусулмонлар калом илмини ўрганишлари шарт, улар бу илмнинг далиллар ва тақсимот тартибларини билишлари лозим, уни билмаган, калом илми ва унинг далиллари орқали Аллоҳ таолони танимаган кишининг дини ноқис ёки имонида шубҳа бор”, деб айтувчиларни қораларди.

Абу Ҳомид Ғаззолий мутакаллимлар айтган иш улар ўйлаётганидан кенгроқлигини, Аллоҳ таолога имон келтириш фақат калом илмига чегараланиб қолмаганини ҳам таъкидлайди.

Ғаззолий калом илмини чуқур ўргангани сайин илмий тажрибалари зиёдалашганидан туфайли Қуръон услуби инсонларнинг барча табақаларига мос келишини тушуниб етди. Калом илми вақтинчалик даъво ва шак-шубҳаларда қолган кишиларга хос экани, қалби салим ва ақли расо кишиларга бу нарсаларнинг ҳожати йўқлигини ҳам англаб етди. Қуръони каримнинг ҳар қандай инсон муҳтож бўлган, ундан барчалари фойдаланадиган ҳамда зарари ҳам, хавф-хатари ҳам бўлмаган тотли таом ва мусаффо сув каби руҳий-маънавий озуқа эканига амин бўлди.

Олим охирги ёзган китобларидан бири бўлмиш “Илжамул авом ан илмил калом”да (Авомни калом илмидан тўсиш) қуйидаги сўзларни келтиради: “Қуръон далилла-

ри фойдаси кўп таом кабидир, ундан ҳар қандай инсон фойдаланади. Мутакаллимларнинг далиллари эса дори-дармон кабидир, ундан айрим инсонлар фойда олса, кўпчилик ундан зарар кўради. Балки Қуръон далиллари эмизикли гўдак ҳам, бақувват йигит ҳам фойдаланадиган сув кабидир. Бошқа далиллардан бир ўринда бақувват кишилар фойда олса, бошқа бир ўринда ўзга кишилар фойдаланади. Бундай далиллардан ёш болалар асло фойдалана олмайди. Мутакаллимлар донг таратиб, калом илми кенг ёйилгандан бери фақат ёмонлик авж олди. Саҳобалар даври бундай нарсалардан омонда эди”.

Абу Ҳомид Ғаззолий калом илмини ва фалсафани танқид қилишда мустақил фикрлаши, таъсири кучлилиги, соғлом фикри, назари чуқурлиги билан ажралиб турар эди.

## ҒАЗЗОЛИЙ ФАЙЛАСУФМИ?

Ғаззолийнинг замондошлари ҳам, ундан кейинги олиму уламолар ҳам бу буюк олимни улуғ файласуфлардан санаб, фалсафага қўшган буюк ҳиссаси ҳақида тўлқинланиб гапиришади ва ёзишади. Ғаззолий нима сабабдан фалсафани ўргангани ҳақида шундай дейди: “Калом илмидан кейин фалсафани ўргана бошладим. Яқийнан шуни англадимки, бир илмдаги фасод ва нотўғри жиҳатларни шу илмда жуда ҳам чуқур илмий даражага эришган кишигина тушуна олади. Бу даража шундай бўлиши керакки, мазкур илмнинг энг билимдони бўлган олимнинг илмига тенг, ҳатто бундан зиёदारоқ ҳам бўлсин. Яъни у илм аҳли англаб етмаган нозик нуқталар, таҳликали ўринларни англаб етиши зарур”.

Имом Ғаззолий фалсафани чуқур ўрганиш асносида файласуфларнинг бир қанча тоифаларга бўлинишини

англаб етди ва буларни ўзининг фалсафага оид китобларида батафсил баён қилиб берган. Бу тоифаларнинг энг қадимийси ва қаттиқ адашгани “дахрийлар” бўлиб, улар буюк қудрат ва ҳикмат соҳиби, борлиқдаги ҳамма нарса-нинг ягона яратувчиси бўлган Зотни инкор қилишади. Улар оламнинг азалдан борлигини, у Яратувчининг аралашувисиз ўз ҳолича пайдо бўлганини, азалдан ҳайвоннинг манийдан (нутфадан), манийнинг эса ҳайвондан ҳосил бўлганини даъво қилишади. “Тухум олдин пайдо бўлганми ёки товук?” қабилидаги бемаъни тортишувлар айнан ана шулардан қолганмикин?

Мазкур тоифаларнинг иккинчиси “табиийлар-табиатчилар” бўлиб, булар кўпроқ табиатдан, ҳайвонот ва набототнинг ҳайратланарли ҳолларидан сўз юритишади. Улар эътиқодига кўра, жонзот ва набототлар йўқ бўлганидан кейин яна ортга қайтиши мумкин эмас. Шу боис улар ўзларининг “Нафс (руҳ) ўлади, иккинчи бор тирилмайди” деган эътиқоди нуктаи назаридан охиратни, жаннат-дўзахни, ҳисоб кунини инкор қилишади.

Ғаззолий наздида фалсафачиларнинг охирги тоифаси “илоҳийюнчилар” дир. Қадим юнон файласуфи, фалсафа асосчиси Сукрот ана шу тоифадан бўлиб, у бошқа бир юнон файласуфи Афлотуннинг устози эди. Мантиқ илмини тартибга солган Арасту Афлотунга шогирд эди. У фалсафа илмларини тўплаб, осон тушуниш даражасига келтирди. Бу гуруҳга кирувчи файласуфлар дахрийлар ва табиатчиларнинг фикрларини рад этиб чиқишди, уларнинг хатолари ва чиркин мулоҳазаларини шунчалар рўй-рост ва ошкора фош этишдики, бошқа гап-сўз айтишга эҳтиёж ҳам қолмади. Арастунинг хизмати шунда эдики, у Афлотунни ҳам, Сукротни ҳам, ўзидан олдинги барча илоҳийюнчи файласуфларни рад этди. Аммо унинг фикрлари ичида уларнинг бузук, бемаъни

куфрларидан, бидъатларидан айрим асоратлар қолганди. Шунинг учун Арасту изидан борган Ибн Сино ва Шарқда Арастудан кейинги “иккинчи муаллим” номини олган Форобий каби мусулмон файласуфлар ҳам унинг фикрий хатоликларидан омонда қолишмаган. Ғаззолий юнон фалсафасини рад этар экан, шундай дейди: “Арастунинг бу бемаъни қарашлари шунчалик мураккаб ва айқаш-уйқашки, ўқиган одам ҳеч нарсани тушунмайди. Инсон ўзи тушунмаган, англай олмаган нарсасини қандай қилиб рад этади ёки қабул қилади?”

Ғаззолийнинг фалсафий қарашлари ҳақида устоз шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф “Сунний ақидалар” китобида шундай ёзадилар: “Ўрта асрларда гайбиёт олами ҳақида фалсафий тортишувлар авж олди. Бу тортишувларда ҳамма, жумладан, мусулмонлар ҳам иштирок этишди. Аммо айни мусулмонлар ичидан мазкур тортишувлардан одамларга ҳеч қандай фойда йўқлигини англаб етганлар ҳам чиқди. Ана шулардан бири ҳужжатулислом Абу Ҳомид Ғаззолий раҳматуллоҳи алайҳ эдилар. Имом Ғаззолий фалсафани чуқур ўрганган зот эдилар. Ўзларининг ҳақиқатни излаш йўлида олиб борган изланишлари давомида “ҳақиқат фалсафада бўлса, ажаб эмас” деган фикрга ҳам борган эдилар. Аммо фалсафа у киши ахтараётган ҳақиқатни бера олмаслигини тушундилар. Шу билан бирга, фалсафанинг заиф жойларини чуқур англаб етдилар.

Имом Ғаззолий фалсафанинг энг катта хатоларидан бири ғайб олами – метафизика ҳақидаги тортишувлар эканини очиқ-ойдин айтдилар. Бу фикрнинг нақадар тўғрилигини исботлаш учун файласуфларнинг метафизикага оид тортишувларидан бир нечасини олдилар. Масалан, оламнинг азалийлиги ёки кейин пайдо бўлгани ҳақидаги масалани олиб кўрайлик. Қадимдан файласуф-

лар бу масалада иккига бўлиниб олиб, тортишиб келишган. Баъзилари “олам азалий” деса, бошқалари “олам ҳодис – кейин пайдо бўлган”, деган. Икки тараф ҳам ўз гапининг тўғрилигига ақлий далил олиб келади. Иккисининг далили ҳам ўзига тўғри кўринади. Иккиси ҳам қарши тарафга бир хил муваффақият билан раддия қилади. Қадимдан шундай бўлиб келмоқда. Бу тортишув бундан кейин қиёматгача ҳам давом этаверади”, дейдилар имом Ғаззолий. Аммо бундан одамларга заррача фойда бўлмайди.

Имом Ғаззолийнинг фикрича, файласуфларнинг мазкур тортишувлари охирига етиши мумкин ҳам эмас. Чунки улар ўзларидан мутлақ гайбдаги, пинҳон нарса ҳақида тортишмоқдалар. Ўзлари ичида турган оламнинг асли ҳақида тортишувни уларга ким қўйибди? Бирор нарса ҳақида баҳо бериш учун унинг ташқарисида бўлиш керак. Оламнинг ичида турган одам унинг азалий ёки янги пайдо бўлганини қаердан билсин?!

“Бунинг ўрнига инсон қўл остида турган нарсаларни ўрганишга ҳаракат қилиши керак”, дейдилар имом Ғаззолий. Масалан, нима учун темирни оловга тутса куймайди-ю, пахтани тутса куяди? Мана шу масалани ўйлаб кўриш керак. Пахта ўзида куйишга қобилияти борлиги учун куймоқдами ёки оловдаги куйдириш қобилияти туфайли куймоқдами?” Имом Ғаззолий раҳматуллоҳи алайҳнинг бу фикрлари мусулмонларда тажрибий илмларнинг келиб чиқишига сабаб бўлди. Шу тариқа ўрта асрларда Ислом оламида табиий илмлар кенг ривож топди. Бу илм кейинчалик улардан аста-секин оврупаликларга ўтди ва улар бу илмларни янада ривожлантириб, катта муваффақиятларга эришишди.

Имом Ғаззолий ва бошқа мусулмонлар инсонга ўзидаги ақл-заковатни ўз имкони даражасида, ўзига фойда

берадиган тарзда ишлатишни таклиф қилишади. Инсоннинг ақл доирасидан ташқарида, минг тортишса ҳам фойда бермайдиган гайбий олам – метафизикага оид маълумотларни эса тайёр ишончли манбадан, яъни Аллоҳ таолонинг Ўзи динлар орқали берган хабарлардан олишни таклиф қилишади. Диний ақийдаларга оид маълумотлар айнан гайбиёт олами – метафизикага оиддир”.

Абу Ҳомид Ғаззолий бутун ихлоси ва жидду жаҳди билан фалсафани чуқур ўрганганидан кейин яна ундан ноумидликка туша бошлади. Лекин аксар дин уламолари сингари фикрини очиқ билдиришга шошилмади. Фақиҳлар ва фатво аҳлларининг аксарияти каби фалсафани ёмон кўриб, уни лаънат ва куфрларга кўмиб ташламади, балки фалсафани таҳлил ва тақсим қилишга киришди. Фалсафанинг синфлари, қисмлари, унинг фойдалари ва зарарлари, диннинг файласуфларнинг фикри ва баҳсларидан олган нарсалари, унга алоқадор жойлар, ундан олинмаган жойлари, алоқаси бўлмаган нарсалар, у сабабли куфрга кетиб қолинадиган ва умуман динга алоқаси бўлмаган нарсаларини зикр қилиб ўтди. Шунинг учун ҳам Ғаззолий мана шундай амалий таҳлилни бажарган, фалсафа тарихини таниган, унинг асл эгалари ва тадвин қилган кишилар табақасини ўрганган биринчи диний олим ҳисобланади. У яна фалсафанинг фойдали илмларини тасниф қилган, улардан баъзиларининг саҳиҳлигини ва бу илмлар фойдасини эътироф қилган биринчи диний олим ҳамдир.

Абу Ҳомид Ғаззолий фалсафа илмларини олти қисмга бўлади:

- 1) риёзиёт илми;
- 2) мантиқ илми;
- 3) табиий илмлар;
- 4) илоҳиёт илми;

- 5) сиёсат илми;
- 6) ахлоқ илми.

Олим шундай ёзади: “Риёзиёт илми ҳисоб-китоб, ҳандаса ва олам кўринишини ўрганишга тааллуқли бўлган илмдир. Бу илмда диний ишларга на нафий (инкор) ва исбот тарафлама ҳеч қандай алоқаси йўқ. Балки риёзиёт илмлари ҳужжатли (аниқ) ишлар бўлиб, уни тушунган ва уни танигандан кейин инкор қилишга имкон қолмайди”.

Бундай мулоҳаза юритиш фикр эгасининг соғлом фикрлилигига, қарашлари теранлигига далолат қилади. Аммо олим риёзиёт илмларининг саҳиҳлигини эътироф қилиш билан чекланмади, балки бу илмдан қасд қилинмаган ҳолатда пайдо бўладиган ва унинг таъсири оқибатида ўша пайтда Ислом жамиятида кўринадиган офатларни ҳам зикр қилиб ўтган.

Ғаззолийнинг бундай қилиши бежизга эмасди. У ўз асрида ақли заиф ва дангасаларнинг аксариятига риёзиёт илмининг таъсирини зикр қилаётиб янги авлод тушунчасини тасвирлаб ўтади. Унинг хавотири тўғри чиқди: милодий йигирманчи асрда жуда кўп мусулмонлар Оврупанинг табиий илмларда ва ихтироларда ривожланганини кўриб, уларнинг фан-техника, иқтисоддаги ишларидан ҳайратга тушишди ва уларни тўғри йўлда деб ўйлаб қолишди. Кейин улардаги худосизлик, зиндиқлик ва ахлоқий бузуқликни кўргач, уларнинг бу йўли ҳам тўғри деб, уларга тақлид қилишни бошлашди.

Имом Ғаззолий бу ҳолатни худди кейинги асрларда яшаб турган кишидек тасвирлаб беради: “Қанчадан-қанча мана шу миқдор (риёзиёт илмига бошқа илмларни таққослаш) билан ҳақдан адашган кишиларни кўрдим. Унга: “Бир ҳунарда моҳир бўлган инсон ҳар бир ҳунарда моҳир бўлади, дегани эмас. Масалан, фикҳ ва эътиқод илмида моҳир киши тиббиётда ҳам моҳир бўлавермай-

ди. Ёки ақлиётларни билмайдиган инсон наҳв илмини ҳам билмайди дегани эмас, балки ҳар бир илмда унинг ўз билимдонлари бўлади. Аввалгиларнинг риёзиёт ҳақидаги сўзлари ҳужжатли бўлган, илоҳиёт ҳақида бўлса тахминий фикрларга эга бўлишган, холос. Бу нарсаларни тажрибадан ўтказган ва унга қаттиқ киришган инсонларгина билади” дейилса, у бу фикрни қабул қилмайди, балки ҳавойи нафси уни файласуфларни ҳамма илмларда олим деб ўйлашга ундайди”.

Олим табиий илмлар ҳақида ҳам шунга ўхшаш сўзларни айтиб ўтган. Бу илмларни шарҳлаб бўлганидан кейин у шундай дейди: “Тиб илмини инкор қилиш диннинг шартларидан бўлмаганидек, фалсафа илмини ҳам маълум масалалардан бошқасида инкор қилиш диннинг шартига кирмайди. Инкор қилиниши шарт бўлган масалаларни “Таҳафутул фалосифа” китобида зикр қилиб ўтганмиз”.

Ғаззолий яна айтади: “Аммо сиёсат илмига келадиган бўлсак, бу борада файласуфлар томонидан айтилган барча сўзлар дунёвий ишларга ва ҳокимиятга алоқадор ҳукмларга оид гаплардир. Улар бу сўзларни пайгамбарларга нозил қилинган китоблардан ва олдин ўтган пайгамбарлардан қолган ҳукмлардан олишган эди. Аммо ахлоқий илмлар бу борадаги файласуфларнинг сўзлари нафснинг сифатларига, хулқларига, жинсларига, турларига, уни қандай қилиб тарбиялашга оид сўзлардир. Файласуфлар бу гапларни сўфийлар сўзларидан олишган. Ўша пайтда, балки ҳар бир асрда Аллоҳни бор деб айтувчилар бўлган”.

Олим Ислом динига камдан-кам ҳолатларда зид келувчи бу илмлар хусусида фикр билдириб бўлгач, Ислом ва фалсафа ўртасида курашга сабаб бўлувчи илмларни зикр қилиб ўтди, бу илоҳиёт илми эди: “Аммо илоҳиёт илмига келадиган бўлсак, файласуфлар бу илмда жуда



кўп адашдилар. Мантиқда шарт қилган нарсаларига тўла ҳужжат келтира олишмади. Шунинг учун уларнинг орасида илоҳиёт илми ҳақида ихтилофлар кўпайиб кетди”.

Шуни очиқ айтиш керакки, Ғаззолийнинг кучли файласуф бўлгани аниқ. У юксак иқтидорли ва кучли файласуф бўлибгина қолмай, фалсафада туб бурилиш ясаган ва уни тўғри йўналишга йўллаган аллома сифатида танилган. Имом Ғаззолийнинг жаҳон фалсафасида тутган ўрнини тушуниб олиш учун уни дунёда донғи кетган бирорта мусулмон бўлмаган файласуф билан солиштириб кўриш лозим бўлади. Келинг, ана шу файласуф соҳа олимларининг энг каттаси, “янги фалсафа отаси” унводини олган франциялик машҳур файласуф Рене Декарт бўлақолсин. Декартни машҳур қилиб, номини дунёга танитган асосий нарса унинг “шак назарияси”дир. У ҳақиқий маърифатга эришишдан олдин шак зарурлигини таъкидлайди. Унинг бу назарияси имом Ғаззолийнинг шакларига жуда ўхшайди. Ғарбда имом Ғаззолийни билмаганлари учун “шак назарияси факат Декартга тегишли” деган эътиқод билан уни кўкларга кўтариб мақташади. Шарқда имом Ғаззолийни яхши билганлари учун буюк файласуф Декартнинг назариясига ўхшаш гапни айтган шахс сифатида эслаб кўйишади. Баъзилар журъат қилиб, Декарт ва Ғаззолийнинг шакларини солиштириб ҳам кўйишади.

Аmmo бу борадаги асл ҳақиқатни ҳеч ким билмайди. Ушбу ҳақиқатни англаб етиш учун устоз Муҳаммад Саъид Рамазон Бутийнинг “Шахсийётун иставқофатний” китобига мурожаат қилайлик. Бутий мазкур китобнинг 99-100-бетларида қуйидагиларни ёзади: “Сўнгра бу масалада барча иккиланиш ва ноаниқликка чек қўядиган васиқа – ҳужжат юзага чикди. Уни устоз Маҳмуд Бийжу доктор Зақзўқдан нақл қилди. Унда айтилишича, тунис-

лик тадқиқотчи Усмон Каок раҳматуллоҳи алайҳ Декартнинг кутубхонасида Ғаззолийнинг “Мунқиз миназ золал” китобининг таржимасини топган. Унда Имом Ғаззолийнинг “Шак яқийн – ишончли илмнинг биринчи погонасидир” деган машҳур ибораси Декартнинг эътиборини жалб қилгани ҳақида белги бор эди. Декарт ўша иборанинг тагига қизил қалам билан чизиб қўйган ва унинг тўғрисига, ҳошияга “Бу бизнинг назариямизга кўчирилади” деб ёзиб қўйган экан. Энциклопедиячи, тарих тадқиқотчиси устоз Усмон Каок 1975 милодий санада Жазоирнинг Аннаба шаҳрида бўлиб ўтган “Исломи фикри” ўнинчи анжуманида маъруза қилди. Унда қандай қилиб Декарт Имом Ғаззолийнинг назариясини ўзиники қилиб олгани ҳақида батафсил тўхталиб ўтди. Декартнинг ўз қўли билан ҳошияга ёзган нарсасини ўқиганини ҳам гапириб ўтди. Мен ўша учрашувда иштирок қилган ва унинг мазкур маърузасини эшитган юзлаб одамларнинг бири эдим”.

## ФАЛСАФАНИ ТАНҚИД ҚИЛИШИ

Ғаззолий юқоридаги илмларнинг ҳаммасини чуқур ўрганиб чиққанидан кейин бу илмлар орқалигина мақсадга етиша олмаслигини англаб етди. Унинг ўзи бу ҳақда шундай дейди: “Мен фалсафа илмини тўлиқ ўрганиб бўлганимдан сўнг, билдимки, бу илм мақсадга кифоя қилмас экан. Албатта, ақл мустақил равишда ҳамма талабларни қамраб ололмас ва барча чигалликлар устидан пардани олиб ташлолмас экан”.

Унинг бу борада қилган ишларини икки қисмга бўлишимиз мумкин: биринчиси – фалсафани танқид қилиб, унга муноқаша қилиш ҳамда сўниб бораётган калом илмини жонлантириш; иккинчиси – ўша пайтдаги Исломи

жамиятини тартибга солиш, исломий ахлоққа, рухий тарбияга ва ҳақиқатлар билан зийнатланишга чақириш. Фалсафанинг танқиди эса қуйидаги баҳсни ўз ичига олади: Ғаззолий фалсафага қарши турарди, лекин у киши билан фалсафага қарши турган аввалги олимлар орасида фарқ бор эди. Чунки аввалгилар Ислом ва унинг ақида-сини ҳимоя қилиш ва Ислом дини тарафидан узр айтиш йўлини ушлашган эди (яъни аввалги уламолар Исломни ҳимоя қилар ва унинг фалсафага аралашмаганини баён қилишар эди). Бунга сабаб, фалсафа Исломга ҳужум қилар, уламолар эса Исломни ҳимоя қилиш ва унга қаратилган туҳматларни даф қилиш билан машғул бўлишар эди. Исломни турли бузуқликлардан поклар, унинг ақоиди ва назарияларини сақлаб, уларни ҳимоя қилишар эди. Калом илми гўё фалсафа ҳужумларига қарши турадиган ва исломий ақидаларни қўриқлайдиган қалқон эди.

Мутакаллимлардан бирор киши фалсафага ҳужум қилишга, унинг туб моҳиятига кириб боришга журъат қила олмас эди. Чунки мутакаллим олимлар фалсафани чуқур ўрганмаган, унинг асли ва фаръи (қўшимчаларини) билишмас эди. Уларнинг фалсафага қарши жанг қилишга, жароҳат ва танқидлар етказишга қурол-аслаҳалари йўқ эди. Шунинг учун ҳам ўзларига келаётган ҳужумлардан ҳимояланишар эди, холос. Ҳимояланиш эса ҳамиша заиф иш ҳисобланган.

Имом Ғаззолий фалсафага қарши чиқиб, уни текшириш ва танқид қилишга киришди. Фалсафага илмий баҳслар билан, фалсафанинг ҳужжати каби ҳужжатлар ва файласуфларнинг ақли каби ақл билан кураш олиб борди. Шундан сўнг фалсафачилар ҳам ҳимояланишга мажбур бўлишди. Бу нарса эса дин ва фалсафада катта ўзгаришларга сабаб бўлди, исломий ақидага катта ёрдам келтирди. Мўминларнинг ўзларига бўлган ишончлари қайтди. Улар онгидан фалсафанинг ҳайбати ва илмий ҳукмронлиги йўқолди.

Абу Ҳомид Ғаззолий фалсафага қарши курашда кўр-кўрона иш қилмади, шунингдек, бирор кишига тақлид ҳам қилмади. У зот кенг фикрли инсон эди. Аввал фалсафа илмини чуқур ўрганиб, кейин унга раддия берди. Буни “Мунқиз миназ-зола” китобида ҳам айтиб ўтган. У киши аниқ билардики, бир илми мукамал билмай туриб ўша илмининг нотўғрилигини англаш мумкин эмас. Шунинг учун ҳам олим фалсафани ўрганишга, унинг ҳақиқатлари ва тағ-тубигача етиб боришга қаттиқ киришганди. У фалсафа илмини тўлиқ эгаллаганидан кейин ҳам фалсафага ҳужум қилишга шошилмади. Сабаби, фалсафий баҳсларни инсонлар онги қабул қила олмас эди. Фалсафа чигаллик ва чалкашликлардан иборат эди. У ҳақда ёзилган китоблар ҳам ишоравий луғатда ва ноаниқ услубларда битилган эди.

Имом Ғаззолий фалсафий баҳсларни, назарияларни ва масалаларни ўз ичига олган ва инсонларни жалб қиладиган енгил услубда бир китоб ёзишни мақсад қилди ва илмий баҳсларни кенг очиб берадиган китобни ёзди. Мана шу китоб орқали файласуфлар пайдо қилган тўсиқни йўқ қилиб, илмий яккаҳукмронликни тўхтатди. Бу китоб “Мақосидул-фалосифа” деб номланган бўлиб, унда фалсафий истилоҳлар ва баҳслар ҳеч қандай изоҳсиз ва танқидсиз зикр қилинган. Олим фалсафанинг сохталигини исботлаб, илмий қийматини пучга чиқарганидан кейин иккинчи босқичга, яъни фалсафани танқид қилишга ўтди ва бунда ғолиб чиқди. Мана шу ишларидан сўнг у зот “Ҳужжатул ислом” дея шарафланидиган бўлди.

Ғаззолий иккинчи босқичда ҳам кўр-кўрона иш тутмади ёки фалсафани тамомила инкор қилиб чиқмади. Табиий илмларда эса фалсафанинг барча қарашлари хато эканини исботлаб берди. Файласуфларнинг зарарлари фойдаларидан кўра каттароқ эди. Айтган сўзлари ва китоблари-

нинг илмий қиймати ҳам йўқ эди. Ғаззолий айтади: “Биз юқорида айтиб ўтган илмлардан катта қисмининг диний илмларга ҳеч қандай алоқаси йўқ. Балки диний илмлар очиқ-ойдин равшан бўлиб, уларни ўрганиб-тушунгандан сўнг улар ҳақида талашиб-тортишишга ҳожат қолмайди”.

Олим мана шундай услуб билан фалсафа илмларининг барчасини, илмий ҳақиқатларни инкор қилишни “диний хизмат, Исломга ёрдам бериш, куфр ва залолатга қарши курашиш” деб ўйлаган кишиларни танқид қилиб ўтди. Бундай кимсалар гўё душмансиз жанг қилаётган кишига ўхшашар эди, уларнинг бу бемаъни жанглари динга катта зарар бераётган эди. Ғаззолий “Мунқиз миназ золал” китобида шундай ёзади: “Иккинчи офат Исломнинг жоҳил дўстидан келиб чиққан эди. У динга хизмат фалсафага мансуб барча илмларни инкор қилиш орқали бўлади деб ўйлаб, фалсафанинг барча илмларни инкор қилди. Файласуфларни нодонликда айблади. Ҳатто, файласуфларнинг ой ва қуёш тутилиши ҳақида айтган сўзларини ҳам инкор қилди. Улар айтган нарсаларни шариатга хилоф деб ўйлади. Энди ана шу одам нотўғри деб юрган нарсасининг қатъий ҳужжатлар билан тўғрилигини билса, уни тан олишдан ўзга чораси қолмайди. Кейин бўлса, Исломни жоҳиллик ва қатъий ҳужжатларни инкор қилиш асосига қурилган деб ўйлайди. Натижада, фалсафани ёқтириб қолади. Ислом динини ёмон кўриши ортиб бораверади. “Фалсафий илмларни инкор қилиш билан Исломга ёрдам берилади” деган киши динга қарши катта жиноят қилган ҳисобланади. Шариатни бу илмларга ҳеч қандай алоқаси йўқ. Шунингдек, бу илмларни диний ишларга ҳам ҳеч қандай алоқаси йўқ”.

Имом Ғаззолий фалсафа масалаларига назар солиб, улардан баъзиларининг тўғрилиги ва фойдасини эъти-

роф қилганидан кейин фалсафачиларнинг энг кўп адашгани илоҳиёт масаласида эканини билди. Чуқур ўйлаб кўрган одам фалсафачиларнинг риёзиёт ва табиий илмларда тўғри йўдалигини, илоҳиёт илмида эса адашганлиги сабабини билиб олади. Бу сабаб – риёзиёт ва табиий илмларда ҳис қилинадиган муқаддима ва асослар бўлиб, уларни файласуфлар билишар ва улар орқали номаълум нарсаларнинг ҳақиқатига етишар эди. Аммо илоҳиёт илми бунинг аксидир. Унда асослар, муқаддималар, ҳис қилинадиган нарсалар йўқ, илоҳиётда қиёс қилиш бўлмайди. Шунинг учун ҳам файласуфлар илоҳиёт масалаларининг катта қисмида адашиб кетишди. Илоҳиёт борасидаги уларнинг фалсафалари – гумону тахминлар ва қиёслар жамланмаси эди, холос. Бунинг оқибатида хатодан холи, шариат тарафидан билинадиган ғайбий ишлар ҳақида бўлмағур тасаввурларни даъво қилиша бошлашди.

Газзолий фалсафага раддия сифатида “Таҳафутул фалосифа” номли китобини ёзди. Унинг муқаддимасида китобнинг ёзилиш сабаблари, фалсафанинг ёш авлодга таъсири, ёшлар фалсафанинг риёзиёт, мантиқ ва табиий илмлардаги санъатига қандай маҳдиё бўлиб қолишгани, натижада, ёшлар файласуфларни буюк шахс сифатида ҳисоблашгани зикр қилинган: “Ёш авлод файласуфларнинг юксак ақл ва илм эгалари бўлатуриб шариат ва дин аҳкомларини инкор қилаётганини кўргач, уларга эргашди, ҳатто динни инкор қила бошлади. Шу тариқа фитна катталашди. Бора-бора юнон файласуфларининг ақидаси нотўғрилигини баён қилиб берадиган, уларнинг илоҳиёт борасидаги сўзларининг бир-бирига қарама-қарши эканини очиб берадиган китоб таълиф қилишга эҳтиёж сезилди. Бундай китоб муқаллидлар тақлид қилаётган илмий ҳақиқат ва ақлий ҳукмлар ҳақидаги масалаларни баён қилиб берар эди”.

“Таҳафутул фалосифа” китоби таъбир беришдаги қуввати, ибораларининг текислиги ва услубларининг осонлиги билан бу мавзуда ёзилган бошқа барча китоблардан ажралиб туради. Бу китоб унинг муаллифининг ўз динига бўлган имон ва ишончининг тўлиб-тошганига, ўзига ва фикрига ишонадиган инсон эканига далолат қилади. Олим унда олдин ўтган файласуфларга худди асрдош инсон каби ақл ва фикрларига қараб уларга муноқаша қилган, ҳужжатга ҳужжат билан ғолиб келган.

Абу Ҳомид Ғаззолийнинг “Таҳафутул фалосифа” китоби мана шундай сифатлар билан зийнатланган эди. Бу китоб ўз вақтида ёзилиб, замонасининг мушкулотларини ҳал этишда катта хизмат қилди, бу йўлда муаммоларга дуч келганларнинг ҳожатини чиқарди. Олимнинг фалсафага қарши чиқиши файласуфларга далиллар ёрдамида ҳужум қилиш билангина чекланиб қолмади, балки гоҳида фалсафани қаттиқ танқид ва ҳақорат қилишигача етиб борди. Чунки бу икки услубнинг фалсафа сеҳрига маҳлиё бўлган жамиятга катта таъсири бор эди. Жамиятнинг кўп қисми фалсафага бўйсуниб, мафтун бўлиб қолган эди. Олимнинг фалсафани қаттиқ танқид қилиши хаста нафсларга керакли даво бўлди.

Имом Ғаззолий китобининг бошидан охиригача мана шундай фалсафани танқид қилиш ва шарҳлаш билан машғул бўлди. Бу мавзуда жавоб бериш керак бўлган барча масалаларни айтиб ўтдики, уларнинг кўпи илоҳиёт ҳақида эди. Олим файласуфларни учта масалада куфрга ҳукм қилади. Биринчиси – “оламни қадим дейиш” масаласи. Файласуфлар “барча жавҳарларни қадим” деб эътиқод қилишади. Иккинчиси – “Аллоҳ таоло шахслардан содир бўлган ишларни билмайди” деб эътиқод қилишади. Учинчиси – жасадларнинг қайта тирилишини инкор қилишади. Ғаззолий айтади: “Бу уч масала Исломга ҳеч бир

жиҳатдан тўғри келмайди. Бу нарсаларни эътиқод қилган киши пайғамбарларни ёлгончига чиқарган бўлади. Бу сўзлар очик куфр саналиб, мусулмонлардан бирортаси бундай эътиқод қилмаган”. У файласуфларнинг қолган масалалари бўйича куфрга чиқаришда очик-ойдин бирор ҳукм айтмаган.

Бу китобнинг аҳамияти файласуфларни куфрга чиқариш эмас, балки ундаги бош мақсад фалсафанинг илмий қийматини йўқ қилиб, унинг обрўсини тушириш ва фалсафа – фикр, хаёл, қиёс ва тахминлар жамланмаси эканини исбот қилишдир. Олим шу йўл билан динга улкан хизмат қилди. Тезлик билан дадил одимлаб, ёш авлод ақлига сингиб, уларда улуғлик ва ҳурмат қозонаётган фалсафани оғриқли зарбалар ва қаттиқ ҳужумлар билан орқага чекинтирди. Ҳеч бўлмаганда, фалсафа ривожланишдан тўхтаб, ўзини ўзи ҳимоя қилишга тушди. Фалсафий доиралар Ғаззолийнинг “Таҳофутул фалосифа” китобига раддия бўла оладиган бирорта ҳам китоб тақдим қила олишмади. Охири, 595 ҳижрий йили Ибн Рушд “Таҳофутул таҳофут” китобини ёзди. Оврупалик олимлар айтади: “Ғаззолий араб Шарқида фалсафани қаттиқ таъна остига олди. Агар Ибн Рушд фалсафани ҳимоя қилмаганида Ғарбда ҳам шундай бўлар эди”.

## ТАСАВВУФИЙ ҲАЁТ

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, бу фоний дунёдаги барча ожиз бандалар каби Имом Ғаззолийнинг ҳаётида ҳам хато-шубҳалар ва зиддиятли ҳолатлар етарлича бўлган. Унинг ҳаётида икки марта шубҳа-тарадду инқирози юз берган. Биринчисида: навқирон йигитлик пайтида ҳамма нарсадан шубҳаланган, ўрганган илмла-

рининг барида камчиликлар тўлиб ётибди деб ўйлаган, эгаллаган фанларидан сира қаноатланмай, ўзича ҳақиқат излай бошлаган эди. У ҳақиқатни ё туйғуларда, ё аниқ билимларда бўлиши мумкин, баъзан икковида ҳам бўлиши мумкин эмас деб ҳисобларди. Дастлаб у ҳақиқат туйғуларда деб билган, аммо тез орада туйғулар алдаши мумкинлигини кўргач, аниқ билимлар ҳақ, деган хулосага келган, аммо кейинроқ “балки ақл ҳам алдар” дея иштибоҳга тушган. Охир-оқибатда Аллоҳнинг ҳидояти қалбига ёруғлик бериши билан маънавий илмлар каби аниқ илмлар ҳам ҳақиқат эканига ишонч ҳосил қилган.

Ғаззолийнинг иккинчи руҳий инқироzi ўттиз саккиз ёшида рўй беради. Бир куни у “Бутун қилаётган ишларим шон-шухрат, амал-мансаб, обрў-нуфуз, мол-дунё учун эмасмикин?” деган шубҳага тушади. Сўнгра “Ҳақиқат фақат мутасаввифларнинг яшаш тарзида бўлиши мумкин” деган хулоса унинг тинчини бузади. Шунинг учун у Бағдоддаги мадрасани тарк этиб, фақирона ҳаёт кечиришга ўтади. Шу аснода у ейиш-ичишни ҳам кескин камайтиради, оқибатда жисмонан заифлашиб кетади. Ғаззолийнинг шахсий табиблари нима қилишни билмай бошлари қотарди. Шу аҳволда у ўн йил юртма-юрт саргардон кезди. Бир дафъа вазирнинг сўзига кириб, Найсобурда бир муддат ишлаган бўлса ҳам, барибир ишига қаттиқ боғланмади, тузуккина мутасаввифга айланди, вафотига қадар бошқалар кўзига ташланмай яшади. У тасаввуфга мана шундай кириб келган эди. Тасаввуф у зотнинг саодат ва ҳақиқатни топиш йўлидаги охирги орзуси эди.

Абу Ҳомид Ғаззолийнинг ўзи бу ҳақда шундай дейди: “Бу илмларни ўрганиб бўлганимдан кейин, бор куч-ғайратимни сўфийликка қаратдим. Шуни аниқ билдимки, сўфийларнинг йўллари илм ва амал билан якунланар экан. Уларнинг илмларини натижаси нафс тўсиқларини кесиш,

қораланган ахлоқлар ва ёмон сифатлардан покланиш экан. Охир-оқибат бу илм орқали қалбни Унинг зикрига холи қилишга етишилар экан. Илм ўрганиш менга амал қилишдан енгилроқ эди. Шунинг учун сўфийларнинг илмларини, уларнинг китобларини мутолаа қилиш орқали ўргана бошладим. Бу борада Абу Толиб Маккийнинг “Қуутул-қулуб”, Ҳорис Муҳосибийнинг китобларини, Жунайд Бағдодий, шайх Шиблий, Абу Язид Бастомий ва булардан бошқа машойихлардан келган асарларни етарлича ўргандим. Сўфийларнинг илмий мақсадлари моҳиятини тушуниб етдим. Уларнинг таълим олиш, эшитиш орқали ўрганиш мумкин бўлган барча нарсаларини ўзлаштирдим. Шунда билдимки, фақатгина ўрганиш билан етиб бўлмайдиган, балки унга завқ, ҳол ва сифатларни ўзгартириш билан етиладиган нарсаларни ҳам билишим керак экан. Аниқ билдимки, сўфийлар ҳол эгалари экан. Илм билан ҳосил қилиш мумкин бўлганларини ўрганиб бўлдим. Энди фақат “завқ” ва “сулук” орқали билинадиганлари қолди, холос”.

Шу пайтда олим соғлом фитрати ва дақиқ текширувлари билан ўзидаги ноқисликни ва ҳақиқатдан, ҳолдан ва ихлосдан йироқда эканини англаб етди. Агар шу аҳволда давом этадиган бўлса, ўзини қуршаб олган хатарга йўлиқишини тушунди. Мана шу ҳис-туйғу ва шуурлар у кишини ўз асридаги бошқа олимлардан ажратиб турар эди. Мана шу ҳис-туйғу ва шуурлар у кишини ўз асридаги даражасини олий мақомга кўтарди, у зотнинг номини ва ишини тарихда абадий қолдирди. У бу мақомга кучли ички зиддиятларни енгиш, ҳақиқатни топиш йўлида ҳамма нарсадан мосуво бўлиш, Аллоҳга етишиш учун инсоний муносабатларни қурбон қила олиш синовларидан машаққат билан ўтди. Имом Ғаззолий руҳи ва қалбидан рўй берган улкан эврилишлар, ўзидаги ожизлик

ва хасталикларни даф қилишдаги изтироблари, ўзи етиб борган олий манзил, машаққатли сафар орқали эришилган натижа, жуда кўп тааммуллар ва баҳслар ҳақида шундай фикрлар силсиласини ёзади:

“...Сўнгра ҳолатларимни мулоҳаза қилиб кўрсам, ўзим ҳар хил нарсаларга ўралашиб қолибман. Турли аҳамиятсиз нарсалар атрофимни ўраб олибди. Кейин амалларимни мулоҳаза қилиб кўрдим. Қилаётган ишларимнинг энг гўзали илм тарқатиш билан шугулланишим бўлиб чиқди. Қарасам тушунарсиз, охиратга фойдаси бўлмаган илмлар ичида эканман”.

“... Сўнгра дарс беришдаги ниятим ҳақида тафаккур қилдим. Ўйласам, бу ишим холис Аллоҳ учун бўлмаётган экан, балки бунинг ортида мартабани талаб қилиш ва шон-шухратнинг ёйилишини кўзлаш ётибди. Шунда аниқ билдимки, агар аҳволимни тузатишга киришмасам, жар ёқасига ва олов ёнига келиб қолибман”.

“...Бир муддат ўйланиб қолдим. Бир Бағдоддан чиқиб кетишга, бир куннинг ўзида турли ҳолатлардан ажраб чиқиб, ўша куннинг ўзида қасдланган нарсамга киришишга қарор қилар эдим. Бу мақсадда бир қадам ташлаб, бир ташламай қатъиятсизлик қилардим. Эрталаб охират талабида рағбат қиладиган бўлсам, бу рағбатга шаҳват аскарлари ҳамла қилар, кечга борганда рағбатимни кучсизлантириб-сусайтириб қўярди. Дунё шаҳватлари мени ўз кишанлари билан қолишга ундарди. Имон жарчиси эса: “Кўч! Кўч! Умрингдан озгина муддат қолди, холос. Олдиндаги сафар эса узун. Сен жамлаган илм ва амаллар риё ва хаёлий нарсалар, холос. Ҳозир тайёргарлик кўрмасанг, охиратга қачон тайёргарлик кўрасан? Ҳозир бу алоқаларни узмасанг, қачон узасан?” деб тинмай нидо қилар эди. Шунда ички чақириқ уйғониб, қочиб қолишга ундарди. Сўнгра шайтон келиб: “Бу вақтинчалик ҳолат.

Сен унга бўйсунмагин. Албатта, бу ҳолат тезда ўтиб кетади. Агар ҳис-туйгуларингга бўйсуниб, бу кенг мақом ва хусуматчиларнинг тортишуvidан омонда бўлган мартабангни тарк этадиган бўлсанг, сен учун бу мартабага қайтиш осон бўлмайди. Нафсингнинг ўзи бунда қолишни хоҳлаётган бўлса, бунга эришиш янада оғирроқ кўчади”, дер эди”.

“... Мана шу ҳолат ўн йил давом этди. Бу узлат мобайнида ҳисоби йўқ нарсалар менга кашф бўлди. Аниқ билдимки, сўфийлар, албатта Аллоҳ таолонинг йўлида юрган кишилар экан. Уларнинг сийратлари энг гўзал сийрат, юрган йўллари энг тўғри йўл, хулқлари энг гўзал хулқ экан. Агар сўфийларнинг сийратлари ва хулқларидан бирон нарсани ўзгартириб унинг ўрнига яхшироғини қўйишга барча оқилларнинг ақли, ҳақимларнинг ҳикмати ва шарият сирларидан хабардор олимларнинг илми жамланса ҳам бунга йўл топа олишмас экан. Чунки сўфийларнинг ичларию-ташлари, барча ҳаракатлари нубувват тоқчаси нуридан олинган. Ер юзида бирон-бир нур нубувват нури каби ёғду соча олмаслиги кундек равшан”.

“Ақлий ва шаръий илмларни ишғол қилган эдим. Жуда кўп талабаларим бор эди. Қарасам, турли эҳтиромларга ўралиб қолибман. Шунда илм олишдан мақсадимни тушунгандай бўлдим. Амалим Аллоҳ ризоси учун эмас, мақом савдоси ва шуҳрат орзуси йўлида экан. Билдимки, ҳалок бўлишим муқаррар. Жарнинг ёқасига келиб қолибман. Ўз-ўзимга: “Қани, тезроқ ҳаракат қил. Умринг оз қолди. Ўрганган илмларинг ҳақиқатга айланмас экан, бу бир алданишдир. Энди вақтингни бўш ўтказишда давом этаверсанг, оқибатинг нима бўлади?” дедим”.

“Шу пайт ўзимда бир ўзгариш сездим. Дунё ва унинг савдоларидан қочиш билан дунё орзулари ва охираат орзуси ўртасидаги ҳайрат водийсида олти ой жонсарақ



ҳолда қайгу ва кўз ёшлари ичида қолдим. Юрагим изти-  
раб чекарди. Нақадар ожиз эканимни тушуниб етдим.  
Ихтиёримнинг қўлдан кетаётганига томошабин бўлиб  
турар эдим. Давосиз дардга, чорасиз хасталикка дучор  
бўлган киши каби Аллоҳга ёниб-ёлбордим, тазарру айт-  
дим. Ниҳоят, Намл сурасида: “... Ёки ноилож одам дуо  
қилган вақтида (дуосини) ижобат қиладиган ва (ун-  
дан) ёмонлик (мусибат)ни йўқ қиладиган...” (62-оят)  
дейилгани каби Аллоҳ таоло дуоларимни қабул айлаб,  
қалбимни уйғотди. Ичимдаги мол ва мақом орзуси йўқ  
бўлди. Ҳаммасидан юз ўгирдим. Зикр, узлат, хилват,  
нафсни тийиш, риёзат ва ахлоқимни мукаммаллашти-  
риш билан машғул бўлдим. Яқийн илми билан билдим-  
ки, Аллоҳга етишганлар ва ҳидоят йўлида юрганлар та-  
саввуф аҳли бўлган буюклар экан. Энг гўзал сийрат ва  
ахлоқ уларда экан. Зеро, уларнинг зоҳирий ва ботиний  
ҳоллари пайгамбарлик нуридан олингандир. Ер юзида  
эса пайгамбарлик нуридан ҳам порлоқроқ нур йўқдир”.

Воқелик шуни кўрсатардики, Имом ўз хилватлари-  
да қолиб, нафс тарбияси билан машғул бўлиши мумкин  
эди. Лекин у киши ҳаммадан ажралиб, ёлғиз яшаш учун  
яратилмаган эди. Ислом довюрак, жасоратли, инсон-  
лар ақлини эгаллаган, фалсафадан қутқара оладиган бир  
шахсга муҳтож эди. Ислом жамиятида бузуқ ахлоқлар,  
фикрий тойилишлар ва илмда оқсашлар кузатилаётган  
эди. Шунинг учун ҳам Ислом мана шу иллатларга қарши  
уруш қила оладиган, фикрларни уйғотадиган ва илмни  
қайта жонлантирадиган кишига эҳтиёж сезарди. Имом  
Ғаззолий бундай шарафли вазифани адо этишга инсон-  
ларнинг энг муносиби эди. У кишида фикрий ва илмий  
илмларнинг барчаси мужассам эди. Бу ҳақда олимнинг  
ўзи шундай дейди: “Мен бу шубҳаларни кашф қила оли-  
шимни англадим. Чунки буларни очиб бериш мен учун



сув ичишдан кўра осонроқ эди. Сабаби, уларнинг имла-рига, яъни, сўфийлар ва файласуфларнинг йўлларига кўп бора кирган эдим”.

Мана шу ўринда Ғаззолийда аввалда бўлгани каби “Узлатда қолсаммикан ёки кураш майдонига чиқсаммикан?” деган иккиланиш пайдо бўлади. Охири кураш майдонига чиқди. Ана шу ҳолатни Имомнинг ўзи шундай таърифлайди: “Ичимда бир учкун чақнаб: “Бу иллатларга қарши туриш, файласуф ва ботинийларга раддия бериш ҳозирги вақтда албатта вожиб. Хилват, узлат сенга нима берди? Касаллик ёйилиб, табиблар ҳам касал бўлиб, халқ жар ёқасида турибди-ку?!” дер эди. Шунда ўзимга ўзим айтдим: “Бу ғамларни, бу зулмат тўқнашувларини қачон ҳал этишга киришасан? Замон фитрат замони (олимлар фаолиятсиз тўхтаб турган вақт), давр эса ботил давр бўлиб турган бўлса? Инсонларни ҳаққа чақирмайдиган бўлсанг, эртага бутун жамият сенга душман бўлади. Ушанда уларга қандай қарши тура оласан? Улар билан қандай бир жамият бўлиб яшайсан?”

“... Қалб ва мушоҳада эгаларининг бир қанчасига ишим ҳақида маслаҳат қилдим. Уларнинг ҳаммаси узлатни тарк этишимни маъқуллашди. Бу фикрга солиҳларнинг жуда кўп тушлари ҳам қўшилди. Мазкур ишлар гувоҳлик берар эдики, албатта, бу ҳаракат яхшилик ва тўғри йўлнинг бошланиши эди. Аллоҳ таоло бундай ҳаракатни ҳар юз йилнинг бошида тақдир қилади. Аллоҳ таоло Ўз динини ҳар юз йилнинг бошида қайтадан тирилтириш ваъдасини берган. Юқоридаги сўзлар сабабидан умидим мустаҳкамланди. Бу гувоҳликлар туфайли чиройли гумон ғолиб бўлди. Аллоҳ таоло 499 йилнинг зулқаъда ойида бу муҳим вазифани бажариш учун Найсобур сари қилинган ҳаракатни осон қилди”.

Абу Ҳомид Ғаззолийнинг Бағдоддан узлатга чиқиб кетиши 488 йили рўй берган эди. Бу узлат ўн бир йил да-



вом этди. Олимдаги бундай ўзгаришлар Аллоҳ таолонинг тақдиридан бошқа нарса эмас. Худди Бағдоддан чиқиб кетиш, у ердаги ҳолатлар, мансаб мартабалардан суғурилиб чиқиш хаёлан мумкин бўлмаганидек, энди узлатдан халқ ичига қўшилиш мушкул ишлардан эди. Имом узлатдан чиққач, илм толибларига дарс бериш, китоблар ёзиш ва даъват ишларини бошлаб юборди.

Аммо бу икки ҳолатнинг манзаралари турлича эди. Аввалги ҳолатда, яъни Бағдоддан узлатга чиқиб кетишидан олдин бу ишини одатий иш ёки бир вазифа ўрнида ёхуд нафснинг хоҳиши билан қилар эди. Энди эса мансаб талабию нафснинг насибаларидан холи бўлган ҳолатда бажараётган эди. Олимнинг ўзи бу икки ҳолат орасидаги фарқни шарҳлаб шундай дейди: “Илм тарқатишга қайтсам ҳам аввалги ҳолатимга қайтмаслигимни билиб турар эдим. Чунки “қайтиш” деб аввал қилган ишга қайтишга айтилади. Аввалда мансабни касб қиладиган илмни тарқатар эдим – бу илмга сўзим ва амалим билан чақирар эдим. Ниятим ва мақсадим ҳам айнан шу эди. Аммо ҳозир эса, мансаб тарқ қилинадиган илмни тарқатяпман. Ҳозир ниятим ҳам, мақсадим ҳам, орзум ҳам мана шу! Аллоҳ мақсадимни билувчи Зот, ўзимни ва бошқаларни ислоҳ қилишини истайман. Билмайман, муродимга етаманми ёки мақсадимсиз ўлиб кетаманми? Аллоҳ таолодан аввало ўзимни ислоҳ қилишини сўрайман. Сўнгра менинг сабабимдан бошқаларни ҳам ислоҳ қилишини, мени ҳидоят қилиб, сўнгра менинг сабабимдан бошқаларни ҳам ҳидоят қилишини сўрайман. Менга ҳақни ҳақ қилиб кўрсатмоғини ва унга эргашишни насиб этмоқдигини, ботилни эса ботил қилиб кўрсатмоқдигини ва ундан сақланишга муяссар айлашини сўрайман”.

## СЎНГГИ КУНЛАР

Абу Ҳомид Ғаззолий ҳижрий 499 йили Найсобурдаги “Низомия” мадрасасига бош мударрис қилиб тайинланди. Бу пайтда мамлакатни Шоҳ Маликнинг ўгли Санжар Салжуқий бошқарар эди. Низомулмулк Тусийнинг ўгли Фахрулмулк эса вазир эди. 500 йили Фахрулмулк хиёнаткорона ўлдирилди. Бу ҳодисадан кейин Абу Ҳомид Ғаззолий дарс беришни тарк этиб, ўз шаҳри Тусда истиқомат тутди. Уйининг бир четига мадраса қурдириб, ўша ерда илм аҳлига таълим-тарбия беришга қаттиқ киришди.

284

Султон Муҳаммад ибн Малик Шоҳ Аҳмад ибн Низомулмулк 500 ҳижрий йили вазирликка тайинлангач, Ғаззолийдан яна Бағдодга қайтишини сўради. Олимнинг Низомия мадрасасидаги мартабаси улкан эди. Аббосий халифалар бу мадраса билан фахрланар, Бағдод у билан шуҳратланар эди. Халифа тарафидан ҳам Ғаззолийнинг Низомия мадрасасига қайтишига қизиқиш бошланди. Вазир Қовамуддин Низомулмулк Ғаззолийга алоҳида бир мактуб йўллаб, унда мадрасанинг Ислом оламидаги нуфузи ҳақида баён қилди. Халифа ҳам Абу Ҳомиднинг Бағдодга қайтишидан умидвор эди. Лекин Ғаззолий узр айтди ва Тусда қолиб, толиби илмларни тарбиялаш ва уларга дарс беришни давом эттирди.

Ғаззолий ўзининг узлатдаги ҳаёти ҳақида “Мунқиз миназ-золал” китобида шундай ёзади: “Ўн йилга яқин одамлардан айри ҳолда ва танҳоликда яшаганимдан кейин шу ўтган давр мобайнида баъзан айтиш билан туга-тиб бўлмайдиган кўпгина ажиб воқеалардан воқиф бўлгач, қатъий далил билан, баъзан эса имоним билан шуни англаб етдимки, инсон деганимиз вужуд-тана ва қалбдан яралган экан. “Қалб” деганда ўликлар ва ҳайвонларда ҳам бўладиган бир парча гўшт (юррак) ва қон тизимини ту-

шунмаслик керак. Қалбдан мақсадим, Аллоҳ таоло маърифатини идрок этиш жойи бўлган руҳдир. Тананинг соппа-соғлом бир ҳолати борки, бахтиёрлиги шунга боғлиқ. Шунингдек, хаста-бемор ҳоли ҳам борки, бу ҳолати ҳалокат ва йўқ бўлиб кетишнинг сабабидир.

Аллоҳ таоло “Фақат қалби салим ҳолатда Аллоҳга қайтганлар мустаснодирлар”, деб бу кабиларнинг нажот топишларини баён қилган. Қалбнинг шундай бемор бир ҳоли борки, бу инсон охиратининг абадий ҳалокатига сабаб бўлади. Чунончи, Аллоҳ таоло Қуръони каримда “Уларнинг қалбида хасталиги бордир”, деб марҳамат қилган. Аллоҳ таолони билмаслик, танимаслик ҳалок қилувчи бир заҳардир. Нафснинг орзуларига эргашиб, Аллоҳ таолонинг амрларига итоат этмаслик қалбни заиф қилувчи, ўлдирувчи бир хавfli хасталиқдир. Аллоҳ таолони таниш, Унинг маърифатига эришиш эса қалбни тирилтирувчи, яшнатувчи бир малҳамдир. Нафснинг орзуларига қарши чиқиб, Аллоҳ таолога бўйсунуш қалбни даволайдиган шифодир. Тандаги хасталикни кетказиш учун дори-дармонлар билан даволашга зарурат бўлганидай, қалб хасталигини кетказишда ҳам бир қанча “дори-дармонлар” керак бўлади. Вужудни даволаш учун ишлатилган бу дориларнинг таъсири ақл билан англаб етиб бўлмас хусусиятлардандир. Бу мавзуда нубувват (пайгамбарлик) фазилати сабаб нарсанинг ҳақиқатидан огоҳ бўлган, пайгамбарлардан маълумот олган (шунга мажбур бўлган) табибларга тақлид қилишга тўғри келади... Хулоса шуки, пайгамбарлар қалб хасталикларининг табибларидир”.

Имом Ғаззолий қолган умрини илми ёйиш билан ўтказди. У кишида илмий руҳ навқирон, гайрат жўшқин эди. Бир зум ҳам илмий фаолиятини тўхтатмас, китоблар ёзар, дарс беришдан чарчамас эди. Ҳатто, у киши вафот этишидан бир йил олдин, яъни 504 йилда Усулул фикҳ

илмининг асл китобларидан бири бўлган “Мустасфо фи илми Усулил-фикҳ” китобини ёзди.

Абу Ҳомид Ғаззолий навқиронлик йилларида ҳадис илмини ўрганишни охиригача етказа олмаган эди. Шунинг учун умри охирида маъқул илмини ўрганишга қатъий киришди. Абул Фатаян, яъни Умар ибн Ҳасан Ровасий Ҳофиз ат-Тусийни олдига чақиртирди. У кишига катта иззат-икром кўрсатиб, ундан Бухорий ва Муслимларнинг “Саҳиҳ”ларини тинглади. Абдулғофир Форисий айтади: “Абу Ҳомид Ғаззолий умрларининг охирини Мустафо соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳадисларини ўрганиш, муҳаддислар билан ҳамсуҳбат бўлиш ва Ислому ҳужжатлари аталмиш имом Муслим ва имом Бухорийнинг “Саҳиҳ”ларини мутолаа қилиш билан ўтказдилар”.

Абу Ҳомид Ғаззолий раҳматуллоҳи алайҳ ҳижрий 505 йилда, жумадул-охир ойининг 14-душанба куни Табаронда вафот этди. Аллома Ибн Жавзий имом Ғаззолийнинг акаси Аҳмаддан Абу Ҳомиднинг вафоти воқеасини шундай ҳикоя қилади: “Душанба куни саҳар чоғи укам таҳорат қилиб намоз ўқиди. Сўнгра: “Менга кафан келтиринглар”, деди. Кафанни олиб ўпди ва икки кўзига қўйиб: “Подшоҳнинг (Аллоҳнинг) ҳузурига киришга жоним билан тайёрман”, деди. Сўнгра икки оёғини чўзиб, қиблага юзланди ва Аллоҳ таолонинг розилиғи сари риҳлат қилди!”.

Юқорида зикр қилинган маълумотлардан шу нарса маълум бўладики, Абу Ҳомид Ғаззолий раҳматуллоҳи алайҳ толиби илмларга илм тарқатишда, нафс тарбиясида, диннинг фикрий душманларига қарши мужодалада машаққатли ва эврилишларга тўла узоқ ҳаётни бошдан кечирди. Натижада, сиддиқлик ва ихлос мақомига етди. Сўнгра, жамиятни ислоҳ қилишга киришиб, бу йўлда алоҳида жон куйдирди. Ғаззолий ўз фикрий инқилоби, илм йўлидаги мақсадли фидойилиғи, Аллоҳнинг динига

холислиги ва диний илмларни жонлантириш йўлидаги улкан жасорати билан ўзидан кейинги жамиятлар ва халқларнинг фикрий-маънавий салоҳиятига улкан таъсир ўтказган олим ва донишманд сифатида тарихдан муносиб ўрин олди.

## “ИХЁУ УЛУМИД-ДИН”

Ғаззолий ўзининг эллик уч йиллик умри давомида юзга яқин асар ёзиб қолдирди. Улар Ислом динининг турли тармоқларига тааллуқли бўлиб, далиллар қамрови жиҳатидан жуда катта мавқеда эга. Мазкур асарлар тафсир, ҳадис, тарих, фалсафа, фикҳ, тасаввуф олимлари учунгина эмас, оддий инсонлар учун ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Чунончи, фақиҳлар Ғаззолийнинг “ал-Басит”, “ал-Важиз”, “ал-Васит”, “Мустасфо фи илми Усулил-фикҳ”, “Арбаъун фи усулид-дин” каби асарларидан; муфассирлар, калом илмининг олимлари “Жавоҳирул Куръон ва дуруруху”, “Қавоидул-Ақоид”, “Рисолатул-Қудсия”, “Иқтисод фил-Эътиқод” сингари китобларидан; мутасаввуфлар ва умуман барча ҳақиқат ошиқлари “Ихёу улумид-дин” номли буюк асаридан, “Одобус-суфийя”, “Рисола ал-Ладунийя”, “Мишкотул-анвор”, “Минҳожул-Обидийн илал жаннати”, “Мийзонул-амал” каби китобларидан баҳраманд бўлиб, катта руҳий қувончни бошдан кечирадилар. “Мукошафатул-қулуб” каби ноёб асар Ғаззолийнинг неча асрлар илгари ёққан юзлаб машъалаларидан бир донасидир. Бу машъала сочган зиё замонлар оша сўнгсизлик сари оқиб боргусидир. Одам насли то қиёматгача мавжуд бўларкан, бу асар ҳам инсоният учун мангу зиё манбаи бўлиб, азоб-уқубатлар, ғам-ташвишлар ва беҳузурликлар ичида изтираб чекаётган шахслар, сиймолар ва миллатларга ҳу-

зур-ҳаловат, бахт-саодат йўлларини кўрсатажак. Ислом рақиблари билан курашда унинг “Ҳужжатул-Ҳақ”, “Муфассилул-Хилоф”, “Қавосимул-Ботиния” каби асарлари асқотиши шак-шубҳасиздир.

Ҳужжатул-ислом Абу Ҳомид Ғаззолий китобларининг энг салмоқлиси, муътабари ва олим номининг тарих саҳифаларига битилишига муяссар қилгани шубҳасиз кўп жилдли “Ихёу улумид-дин” – “Дин илмларини жонлантириш” китобидир. Бу асар мусулмонлар ҳаётига, уларнинг онгига улкан таъсир ўтказган ноёб китоблардан бири ҳисобланади. Бу китоб узоқ вақт давомида мусулмонларни тафаккурга ундаб, уларнинг ақлларига ҳукмронлик қилиб келган.

Инсоният тарихида шундай асарлар дунёга келганки, улар асрлар мобайнида қимматини йўқотмаган, эскирмаган, жаҳондаги халқлар ва миллатларнинг эътиборини бирдай қозониб келган. Ҳақ йўлни топишда, инсонларга Аллоҳни танитишда, Унинг амр-фармонларини бажаришга чорлашда бу китобларнинг аҳамияти ва фойдаси бениҳоядир. “Ҳужжатул-Ислом” Абу Ҳомид Ғаззолийнинг кўп жилдли “Ихёу улумид-дин” китоби исломий билимлар хазинасини бойитган шоҳ асарлардан саналади. Исломнинг икки нақдий асоси – Қуръони карим ва ҳадиси шарифга таянган ҳолда ёзилган, юксак маҳорат ва чуқур илмий салоҳият меваси бўлган бу ноёб асар мана, тўққиз асрдирки, инсониятнинг руҳий тарбиясига улкан хизматлар қилиб келаётир. Унинг аҳамияти шунчалар беқиёски, кўплаб номдор олимлар унга ўнлаб шарҳлар, мухтасарлар ёзишган.

Ғаззолий ушбу китобининг сўзбошисида шундай ёзади: “Йўл кўрсатувчи далиллар – пайғамбарлар вори си бўлган уламолардир. Замона улардан (олимлардан) бўшаб, фақат расмиятлиларигина қолдики, уларнинг ҳам

аксари устидан шайтон ғолиб бўлиб, тугён адаштириб қўйган, уларнинг ҳар бири (дунё) насибасини тез олишга ҳаракат қилишга одатланишган. Бунинг натижасида маъруф нарса мункарга, мункар эса маъруфга айланиб, дин илми ўчиб, ер юзида ҳидоят ёғдуси сўнди. Улар оммага илмни бебош одамлар ўртасида содир бўладиган тортишувни ҳал қилишда ҳукуматнинг қозилар фойдаланадиган фатвоси деб тасаввур қилдиришга интилдилар. Ёинки, одамларда илмни фахру насаб толиби ғалаба учун ҳимоя воситаси қилиб олган мужодала илми деб ёки авом халқ орасида даражага эришиш учун воиз фойдаланадиган чиройли сўзлар тўплами деган тасаввур пайдо қилдилар. Зеро, улар ҳаромни овлаб, ўзлаштириш ва дунё матосини қўлга киритиш учун бу уч нарсадан бошқасини билмасдилар.

Аммо салафи солиҳинлар юрган, Аллоҳ таоло Ўзининг Китобида, фикҳ, ҳикмат, илм, зиё, нур, ҳидоят ва тўғри йўл деб номлаган охират илми эса, халқ орасида ёпиқ-махфий қолиб, умуман унутилиб кетди. Бу иш диндаги бир халал ва катта шикаст бўлгани учун, дин илмларини қайта ихё қилиш (жонлантириш), ўтган имомларнинг йўлларини кўрсатиб бериш, пайғамбарлар ва салафи солиҳлар наздида фойдали деб билинган илмларни изоҳлаб бериш мақсадида бу китобни ёзиш билан машғул бўлдим.

Китобни тўрт чорак (руб) устига асослаб ёздим: ибодатлар чораги (рубъи ибодат), урф-одатлар чораги, ҳалок қилувчи амаллар ҳақидаги чорак (рубъи муҳликот) ва нажот берувчи амаллар чораги (рубъи мунжиёт). Сўзни илм ҳақидаги китобдан бошладим. Зеро, илм Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам тиллари билан Аллоҳ таоло барча одамлардан талаб этилиши ибодат ҳисобланиши эълон қилинган энг муҳим ғоя эканини очиб беришни мақсад қилдим. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи

ва саллам айтганлар: “Илм талаб қилиш ҳар бир мусулмонга фарздир” Бошқа бир ҳадисда умум илмлар сирасидан фойдали илми зарарлисидан ажратиб: “Фойдасиз илмдан Аллоҳ таоло паноҳ беришини сўраймиз”, дейилган. Китоб ёзишдан яна бир мақсадим, асримиз аҳли (замондошлар) тўғрилиқдан бурилиб, сораб билан алданиб юргани ва илмлар магзини қўйиб, қобиғи билан қаноатланганини очиб беришдир”.

Диний доираларда “Ихё” нинг бошқа китобларда бўлмаган нуфузини ҳамма тан олган, уламолар уни мақташар, улуғлиги ва таъсири кучли эканини эътироф қилишар эди. Мусталаҳул-ҳадис соҳасида “Алфия” номли китоб ёзган, Ироқий номи билан танилган ҳофиз, имом Зайниддин Абул Фазл: “Бу китоб исломий китобларнинг энг улуғларидандир”, дейди. Ғаззолийга ҳамаср олимлардан, Ҳарамайн Имомининг шогирди шайх Абдулғофир Форисий айтади: “Ихёу улумид-дин” китоби шундайин машҳур асарларданки, бирорта китоби ундан юқори бўла олмайди”. Шайх Абу Муҳаммад Казаруний айтади: “Агар ҳамма илмлар жамланадиган бўлса, бу илмлар албатта “Ихёу улумид-дин” дан чиқариб олинади”. Имом Нававий эса бу китобдан ҳайратга тушар ва унга қаттиқ қизиқар эди.

“Ихёу улумид-дин” китоби ҳақида юқорида айтиб ўтилган ва ҳаддан ташқари мақтовлар гарчи муболагадан холи бўлмаса-да, асарни инсонларга таъсири кучли бўлгани, уламоларнинг уни мутола қилишга, шарҳлашга, талхис қилишга (қисқача баён қилиш) қаттиқ киришганларини билиб олишимиз мумкин. Имом Ибн Жавзий Ғаззолийни бир неча ўринларда танқид қилиб ўтган. Яъни, “Ихёу улумид-дин” китоби муҳаддислар наздида собит ва саҳиҳ бўлмаган ҳадисларни ўз ичига олган, дейди. Лекин шу билан бирга Ибн Жавзий бу китобнинг

муслмонлар ўртасидаги таъсирини эътироф қилган ва “Ихёу улумид-дин”ни қисқартириб “Минҳожул-қосидин” номли китоб ҳам ёзган.

Олимнинг ушбу шоҳ асари ҳақида шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф раҳимаҳуллоҳ “Руҳий тарбия” китобида шундай ёзадилар: “Имом Ғаззолийнинг “Ихёу улумуд-дин” китоби алоҳида эътибор қозонган асардир. Бу китобни ҳамма олим ва толиби илмлар ўқиган ва ўқи-моқдалар. Имом Ғаззолий “Ихёу улумуд-дин” китобини ёзишда ўзидан олдин ўтган уламоларнинг китобларидан, хусусан, Абу Толиб Маккийнинг “Қуутул қулуб” ва Ҳорис ибн Асад Муҳосибийнинг “Ар-Риоя” китобларидан фойдаланганини мутахассислар алоҳида таъкидлашади. Бу ҳақда имом Ғаззолийнинг ўзи “Мифтаҳу дарис-саода” китобида: “Сўнгра уларнинг тасаввуфий илмларини Абу Толиб Маккийнинг “Қуутул қулуб” ва Ҳорис ал-Муҳосибийнинг китобларини ўқиш ила ҳосил қилишни бошладим”, дейди... У зотнинг “Ихёу улумуд-дин” асари катта шов-шувларга ва тортишувларга сабаб бўлган. Бу китобнинг ишқибозлари кўп бўлиши билан бирга, танқидчилари ҳам оз бўлмаган. Танқидчилар асосан китобга киритилган мавзу (сохта) ҳадислар ва баъзи ҳикояларга эътироз билдиришган. Ким нима деса десин, аммо “Ихёу улумуд-дин” китоби тенги йўқ асардир. У кишидан кейин келганлар бу китобдан унумли фойдаланишган ва фойдаланмоқдалар”.

Имом Ғаззолийнинг “Ихёу улумуд-дин” асаридан фойдаланиб китоб ёзган замондош уламолардан Саъид Ҳавво раҳматуллоҳи алайҳ ушбу китобни мақтаб, жумладан, қуйидагиларни ёзади: “Ихёу улумид-дин” китобига кўпчилик боғланган ва у Исломда таълифда ўхшаши йўқ китобдир. Менимча, “Ихёу улумид-дин”да Имом Ғаззолийдан бошқаларга насиб қилмаган маънолар бор. Унда яна бир хил мазмунлар бўлиб, улар гўзал тарзда ёзилган

ва кўпгина уламолар у кишига бунда шерик бўлганлар. “Ихёу улумид-дин”да яна бир хил маънолар борки, улар ихтилофларга сабаб бўлган. Керак жойини мутахассислар тадқиқ қилишлари учун ва бошқаларга шерик бўлган гапларини ҳам тарк этиб, “Ихё”нинг ўзига хос қисмини оладиган бўлсак, ўша нарсалар Ғаззолий давридаги мушкулотларнинг давоси эканини кўрамыз. Худди ўша даволар бугунги кунимизнинг муаммоларига ҳам хизмат қилишида шубҳа йўқдир. Асримиз иллатларининг энг кўзга кўринганлари руҳий бўшлиқ ва шаҳватларнинг голиб бўлишидир”.

Абу Ҳомид Ғаззолий “Ихёу улумид-дин” китобини Бағдоддан саодат ва яқийн илмини талаб қилиб чиққанидан кейин, инсонлардан узилиб, ибодат ва мужоҳадалар билан машғул бўлганидан сўнг, хавф ва ражо, зуҳд ва тарки дунё, маърифат ва яқийний сифатларни татиб кўрганидан кейин таълиф қилган. Шунинг учун ҳам китоб у кишини тааммулотлари ва ички кечинмаларига мос равишда ёзилган бўлиб, ўқувчига кучли таъсир қиларди.

Ғаззолий “Ихёу улумид-дин”нинг муқаддимасида шундай дейди: “Пайгамбарларнинг меросхўрлари ҳисобланмиш уламолар Исломиёнинг ҳужжатларидир. Вақт ўтиши билан улардан фақатгина амалиётчилар қолди, холос. Аксарини шайтон эгаллаб олди, туғёнга берилишди, улардан ҳар бири ўз насибаси билан қизиқиб кетди. Натижада, маъруф (яхши) ишларни мункар, мункар (ёмон) ишларни эса маъруф деб кўра бошлашди. Охири дин илми ўчиб, ер юзида ҳидоят нури сўна бошлади. Улар халққа фақат қозилар фойдаланадиган ҳукумат фатволари ёки турли баҳс-мунозаралар ёхуд воизлар кўллайдиган жимжимадор қофияларнигина “дин илми”, деб уқтира бошлашди. Аммо охират илми, ўтган салафлар ўрганган, Аллоҳ таоло ўз китобида фикҳ, ҳикмат, илм, зиё, нур, ҳидоят исмлари

билан номлаган илмлар халқ орасидан йўқолиб, бутунлай унутилиб кетди. Динда мана шундай бўшлиқлар пайдо бўлгач, “Ихёу улумид-дин” китобини ёзишга, мутақаддим имомлар юрган йўлларни очиб беришга, набийлар ва солиҳ салафлар наздидаги манфаатли илмларни ёритиб беришга киришдим”.

“Ихёу улумид-дин” китобининг бир жузи тарғиб ва таҳзиб (нафс тарбияси)ни ўз ичига олган бўлиб, Ғаззолий унда дунёга алданиш, охират абадийлиги, имон, солиҳ амал ва нафсни тарбия қилиш ҳақида сўз юритган. Китоб қалб хасталикларидан қўрқитади, нафсни тергаб, уни ҳимоя қилади, ҳақиқий ва қўлловчи дўст каби сабабларни келтириб, сўнгра уларга жавоб беради. Унга кучли қози каби чиройли ҳужжатларни келтиради. Сўнгра моҳир табиб ва меҳрибон мураббий каби юмшоқ каломлар билан унинг давосини айтади. Ажиб-ажиб нарсаларни келтирадики, ақллар сеҳрланиб, кўзлар ёшланади, қалблар эрийди. Бу нозик ҳикматлар кўнгилга таъсир қилиб, ҳаётда катта бурилиш ясайди.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, “Ихёу улумид-дин” – ислоҳ ва тарбия китобидир. Гўё мусанниф бу китобни муршид ва мураббий сингари бошқа нарсадан беҳожат, исломий мактабани ўрнини боса оладиган бўлишига ҳаракат қилган. Шунинг учун ҳам бу асар ақоид, фикҳ, нафсни поклаш, ахлоқ тарбияси ва эҳсон мартабаларига эга бўлиш каби муҳим мавзуларни ўз ичига олган.

Ушбу китобнинг айримларга ўзгача таъсири борлиги ҳақида турли мулоҳазалар ҳам бор. Бошқа илм ва мавзулардан беҳабар ҳолда “Ихёу улумид-дин” китобининг ўзинигина мутолаа қилиш билан чекланган ёки уни кўп ўқиб, берилиб кетган аксар кишиларда зуҳд ва таркидунёчиликка, мубоҳ нарсаларда нафсга хилоф қилишда, ҳаётни ёмон кўришга, риёзат ва мужоҳадларни

кўпайтиришга ружу қўйиш одати пайдо бўлиши мумкин. Ҳатто, бу нарсалар ўқувчининг сиҳати ва ақлига ҳам таъсир қилади. Айниқса, қобилият ва жисмлар заифлашган бу замонда асардан салибий таъсирланадиганлар ҳам топилиши мумкин. Шунинг учун ҳам баъзи ҳақим мураббийлар ўқувчи етарли илми бўлмаса ёки у ўта таъсирчан-ҳассос бўлса, ибтидода бу китобни мутолаа қилишдан қайтаришган. Сабаби, балки Ғаззолий бу китобни хавф ва ҳайбат ғолиб бўлиб, қаттиқ таъсирланган пайтларида ёзгандир? Натижада, у кишининг сўzlари ўз нафслари ва таъсирлари кўринишида чиққандир? Нима бўлганда ҳам мазкур шоҳ асарни маълум тайёргарликдан сўнг мутолаа қилган маъқул.

Ҳақиқатан ҳам Ғаззолий бу китобида зуҳд, нафсга қаҳр қилич унга қарши чиқиш борасида муболағали суратда кўп жумлаларни келтирган. Ҳақ гап шуки, набавий сийрат (у зотга салавот-саломлар бўлсин) ўз шогирдларини комил мўътадиллик ва соғлом мувозанат асосида тарбия қиладиган ягона мадрасадир. Имом Молик айтади: “Ҳар бир кишининг сўзи олинади ва рад қилинади, фақат бу қабр эгасининг сўзи бундай эмас”.

“Ихёу улумид-дин” китоби Имом Ғаззолийнинг ахлоқ уламолари ўртасида ўз мавқеига эга эканига далолат қилади. Олим ўз китобида хулқлар, унинг сабаблари, келиб чиқиш жойи ва турлари ҳақида чуқур баҳс қилади. Қалб хасталиклари, уларнинг сабаблари ва муолажаси ҳақида ҳикмат, илм, тажриба ва тартиб орасини жамлаган ҳолда сўз юритади. Ғаззолийнинг инсоният табиатан мартабани яхши кўриши, ундан қаттиқ кураш йўли билангина қутилиши мумкинлиги борасида пурмаъно баҳсларини ўқиган киши, у зотнинг зукколиги, илмий таҳлили ва теран ақлига тан беради. Имом ахлоқ ҳақидаги баҳслари ва буюк “Ихёу улумид-дин” китобини таълиф қилиши

билан ахлоқ уламолари ўртасида биринчи сафда туришга, ахлоқ ва нафс илмини баҳс қилувчилар ва шу мавзу тарихчиларининг диққат-эътибори марказида бўлишга чинакамига ҳақли эди.

Сўзимизнинг исботи учун китобдаги биргина дуо одобларига бағишланган фикрлар билан танишиб чиқишнинг ўзи кифоя қилади: “Имом Абу Ҳомид Ғаззолий “Ихёу улу-мид-дин” китобида дуо одоблари ўнтадир, дедилар:

Биринчиси: арафа куни, рамазон ойи, жума куни, кеча охирининг учдан бири, саҳар вақти каби шарафли пайтларни (дуо қилиш учун) кутмоқ.

Иккинчиси: сажда ҳолати, икки томон аскарлари тўқнашганда, ёмғир ёғаётганда, намоз қоим қилинганда ва намоздан кейинги шарафли ҳолатларда дуо қилишни ганимат билиш. Имом Нававий: “қалб юмшаганда ҳам”, деганлар.

Учинчиси: қиблага юзланиш, икки қўлни кўтариш ва дуо охирида иккисини юзига суриш.

Тўртинчиси: махфий ва жаҳрий орасида овозни пастлатиш.

Бешинчиси: дуони қофия билан қилмаслик. Буни дуодаги ҳаддан ошиш, деб тафсир қилишган. Энг яхшиси, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан маъсур бўлган дуолар билан кифояланишлиқдир. Ким дуони яхши қилса, унинг ҳаддан ошиш хавфи бор. Баъзилар хўрлик ва эҳтиёжмандлик тили билан дуо қил, фасоҳат ва эркинлик билан дуо қилма, дейишган. Албатта уламо ва абдоллар (чилтонлар) дуони етти калимадан оширишмайди. Аллоҳ таоло бирор ўринда бандалари бундан кўп дуо қилганларининг хабарини бермаган. Аммо Имом Нававийнинг фикрларича, етти калимадан зиёда қилишнинг кароҳияти йўқ. Балки мутлақ ҳолда дуони кўпайтириш мустаҳабдир.

Олтинчиси: хузу, тазарру ва қўрқиш билан дуо қилиш. Аллоҳ таоло бу ҳақда : **“Дарҳақиқат, улар (яъни, пайғамбарлар) яхши ишларни қилишга шошар ва Бизга рағбат ва қўрқув билан дуо илтижо қилар эдилар”** (Анбиё сураси, 90-оят).

Еттинчиси: талаб қилаётганда жазм қилиб, ижобат бўлишига ишониб, унга бўлган умидини тасдиқлайди. Бунга машҳур далиллар жуда кўп.

Суфён ибн Уйайна айтади: “Сизлардан бирингизни нафсидан билган нарсаси дуо қилишдан ман қилмасин (яъни, ноумид бўлмасин). Чунки Аллоҳ таоло махлуқотлар ёмони бўлган Иблиснинг ҳам (дуосини) ижобат қилди.

Саккизинчиси: дуода собит бўлмоғи, уч марта такрор қилмоғи ва ижобатга сабрсизлик этмаслиги лозим.

Тўққизинчиси: Аллоҳнинг зикри билан дуони бошламоқлиги. Имом Нававийнинг фикрларича, Аллоҳга ҳамду санодан кейин Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга салавот айтиб, яна шулар билан хотима ясайди.

Ўнинчиси: бу ижобат этилишига сабаб бўлувчи аҳамиятлисидир. Яъни, тавба қилиш, зулмни ўз эгасига қайтариш ва Аллоҳ таолога юзланиш”.

## ЖАМИЯТ ИСЛОҲОТИ МУАММОСИ

Имом Ғаззолийнинг ўз давридаги жамиятни ислоҳ қилиш йўлидаги хизматлари алоҳида таҳсинга лойиқдир. У олдинлари фалсафани танқид қилиш ва калом илмини янгилаш борасидаги саъй-ҳаракатлари билан жамиятда катта уйғонишга сабабчи бўлган бўлса, кейинчалик “Иҳёу улумид-дин” орқали ўша вақтдаги ижтимоий ҳаётни ислоҳ қилиш, руҳий тарбия ва ҳақиқатлар билан зийнатланишга даъват қилиш билан яна бир улкан маънавий

ислоҳотни бошлади. Олим жамиятни ислоҳ қилиш учун унинг заиф ўринларини ва бузилган жойларини, иллат ва хасталикларини билиши лозим эди. Бунинг учун эса турли қатламларнинг ҳолатини ўрганиб чиқиш керак: “Иблис уларни қандай алдаган? Улар қандай орзу-ҳаваслар билан яшашяпти? Қайси диний тушунчалар ўзгариб кетган? Қайси ҳақиқатлар бузиб кўрсатилган? Инсонлар зоҳирий нарсалар ва расм-русумлар билан қандай машғул бўлиб қолишяпти? Дин ҳақиқатлари ва мақсадлари ҳақида қандай бидъатлар тўқишган? Аллоҳ таоло сақлаган кишилардан ташқари барча инсонлар нега охират ишларидан чалғиб қолишди? Қиёмат ҳақида фикр юритувчилар ва Аллоҳ таолонинг розилигини истаб ҳаракат қилувчилар ҳам нега озчиликни ташкил қилишади?”

Имом Ғаззолий бу саволларда зикр этилган камчиликларни “Иҳёу улумид-дин”ни ёзишдан олдин ҳам билган эди. Шунинг учун у жамиятга соғлом дин мезони бўйича назар солди. Унга тўғри йўлдан тойишлар ва бидъату хурофотлар очиқ-ойдин кўринди. Кейин ҳар бир қатламга бирма-бир ёндашиб, уларнинг хасталиклари ва адашган жойларини кўрсатиб ўтди. Мақсад ва го-ялар, восита ва сабаблар орасидаги тафовутни ажратиб берди. Илмларни тақсимлаб, диний ва дунёвий илмлар орасини, мақталган ҳамда қораланган илмларни, фарзи айн ва фарзи кифояларни ажратиб чиқди. Ёзиш асносида олим ўша даврга фарз бўлган, инсон тарк қилиши мумкин бўлмаган, унчалик зарур ҳисобланмаган нарсаларга танбеҳ бериб ўтди. Бойларга хос бўлган иллатлар, уларнинг орзу-ҳаваслари ва гурурлари ҳақида огоҳлантирди. Подшоҳ ва амирларнинг зулмларини, шариатга хилоф ишларини ва динга зид қонунларини инкор қилди. Халқ оммасининг хасталиклари, турли қатламларда тарқаган мункар-ёмон ишлар, қораланган одатлар,

жоҳилият ишларининг қайтиши, бидъатларнинг тарқалишини ҳам айтиб ўтди. Шу тариқа бу китоб жамиятни тўғрилаш ва ислоҳ қилишда энг муътабар ўта фойдали асарлардан бири бўлиб қолди.

Имом Ғаззолий диннинг заифлашуви ва маънавий инқироздаги катта юк уламолар ва дин арбоблари зиммасига тушади, деб эътиқод қилар эди. Чунки булар умматнинг тузи эдилар. Туз айнийдиган бўлса, уни нима ҳам тузата олиши мумкин? Олимлар қалби ҳозир хаста эканини, уларнинг қиёмат кунидан ғафлатдалиги ва бунинг сабабларини зикр қила туриб, уламолар аслида, қалб табиблари бўлишига қарамай, ўзларининг иллатлардан халос эмаслигини айтиб, шундай дейди: “Табибнинг йўқлиги – энг бедаво касалдир, чунки табиб – уламолардир. Бу асрда уларнинг ўзлари қаттиқ касалга чалинишган, бунинг давосидан ҳозирча ожиз қолишмоқда. Уларни касаллик ўраб-эгаллаб олган. Бемор табибнинг касални даволаши жуда қийин. Шунинг учун касаллик бедавога айланди. Илм йўқ бўлиб кетди, қалб табиби ва унинг касаллиги тамоман инкор қилинди. Инсонлар дунё муҳаббатига юз тутишди. Амаллар зоҳирида ибодат кўринса-да, аслида одат ва машқларга айланиб қолди”.

Имом Ғаззолий ҳоким ва амирларнинг бузилиб кетиши сабабини уламоларнинг заифлигида ва ўз ишларида сусткашликка йўл қўйганликларида кўрарди. У уламоларнинг фарз бўлган амру маъруф, наҳйи мунқардан, золим ҳоким олдида ҳақ сўзни айтишдан тўхтаб қолишганини ҳам айтади. Бунга дин кишилари амирларнинг тўрига илиниб, дунёга муҳаббат ва мансаб илинжига тушиб қолганларини сабаб қилиб кўрсатади ҳамда салаф уламоларнинг шижоатлари, уларнинг умарога ҳақ сўзни айта олишларини келтириб ўтганидан сўнг шундай дейди: “Ҳозирги пайтда таъма уламоларнинг тилларини боғлаб

қўйди, уларнинг сўзлари аҳволларини яхшилашга олмади. Агар тўғри сўз бўлиб, ҳақиқий илмни қасд қилишганида эди, зафар топган бўлишарди. Халқ умаронинг бузилгани, умаро эса уламонинг бузилгани сабабли йўлдан оғди. Уламонинг бузилишига эса, уларнинг мол-дунё ва мансаб-мартаба муҳаббатига муккасидан кетганлари сабаб бўлди. Мол-дунёнинг муҳаббати қалбини эгаллаб олган киши паст табақадаги инсонларга ҳам чора-тадбир қўлашдан ожиз бўлиб қолади. Оддий одамларга сўзини ўтказма олмаган инсон қандай қилиб ҳоким ва амирларга гапира оларди. Ҳар қандай ҳолатда ҳам ёрдам сўралувчи Зот Аллоҳдир”.

“Ихёу улумид-дин” китобида Ғаззолий уламоларни шижоатга, ихлосга, илмий таҳлилга чорлайди. Уларнинг ғайрат ва шуурларини уйғотади. Чунки уламолар жамият ислоҳидаги асос ҳисобланишади. Улар ислоҳ бўлса, олам ислоҳ бўлади, улар бузилишса, олам бузилади.

Ғаззолий яшаган замонда мамлакатнинг тизгини вазирларнинг қўлида бўлар эди. Вазир ислоҳ бўлса, давлат ислоҳ бўлар, вазир бузилса, давлат ҳам бузилар эди. Ғаззолий буни жуда яхши биларди. Чунки у буюк салжуқийлар мамлакатининг вазири Низомул-Мулк Тусийга ва унинг ўғилларига ҳамаср бўлган эди. Шунинг учун подшоҳлардан кўра мамлакат вазирларига кўпроқ эътибор қаратдилар. Чунки улар мамлакатнинг калити, ишларнинг асосий бошқарувчиси эди. Ғаззолий мамлакат вазирларига мактуб ёзиб, унда қонун-қоидалар бузилишига эътибор қаратишни, ҳокимлар зулми, одамларнинг молларини ўзлаштириб олаётгани, масъул шахсларнинг гафлатда қолаётгани, амалдорларнинг таъмагир бўлиб кетгани баён қилинганди. Яна мактубда амалдорларни Аллоҳнинг азобидан қўрқитиш, ўтган вазирлар, золим

подшоҳларнинг қисматини эслатиш, маъмуриятларни ислоҳ қилишлар баён этилган эди. Амирлардан Мужириддинга ёзилган мактубда қуйидагилар айтилган эди: “Ҳаққа ёрдам бериш барчага вожибдир. Зулм ҳаддан ошиб кетди. Бу золимликларга тоқат қила олмасдан, хижрат қилдим. Борган еримда бундай қабиғликларга гувоҳ бўлмадим. Кейин баъзи ишлар сабаб, Тус зиёратига келдим. Унда зулм ҳали-ҳамон тўхтамаган экан”.

Шунингдек, Имом Ғаззолий олимлар ва илм толибларини фикҳий масалалар, хилофлар, калом ва жадал (баҳс-мунозара) илмларига, бундан ташқари наҳв, луғат, шеър каби билимларга берилиб кетганларини, сўфийларни эса машойихларнинг сўзлари ва улар ҳақидаги ҳикоялар билан кифояланиб қолаётганларини ҳам танқид қилади. У бу ҳақда мулоҳаза қилиб: “Юқорида зикри келган илмлар шариатга тааллуқли бўлгани учун, у билан шуғуланувчи кишилар гурурланиб қолишган. Аммо тиб, ҳисоб, ҳунар ва шариат илмларидан деб танилмаган кишилар эса, бу билан Аллоҳ таолонинг мағфиратига етамиз деб ўйламаганлари учун ҳам бу илмлар билан гурурланиш шариат илмлари билан гурурланишдан кўра камроқ бўлган”, дейди.

“Иҳёу улумид-дин”да жамиятни ислоҳ қилишнинг бошқа муаммолари ҳақида ҳам дадил, жўяли ва фойдали фикр-мулоҳазалар келтирилганки, буларнинг ҳаммаси омманинг барча табақаларини ушбу китобга бўлган қизиқиш ва эътиборларини кучайтиради, холос.

Имом Ғаззолийнинг барча илмларга ихлослари, хосатан, ҳақиқат ва охират талабидаги ҳимматлари юксак даражада эди. У зот қолдириб кетган илмий мерос Ислом тафаккури бойлиги ҳисобланиб, барча асрларда инсонлар бу хазинанинг фазлини тан олиб келишган.

Имом Ғаззолий жамиятни ислоҳ қилишда унинг аъзоларини жаҳолатдан қутқариш, билимли қилиш, Аллоҳ-

ни танитиш ўта муҳим иш эканини алоҳида таъкидлайди. Жоҳил кимсаларнинг асл қиёфаларини очиб берар экан, уларни тарбияламай туриб, жамиятни ўзгартиришда кўзланган мақсадга эришишнинг душворлигини ҳам кўрсатиб беради. Олим жаҳолат аҳли ҳақида шундай ёзади:

“Жоҳил ва адашган инсонлар ёмонлик нелигини биладилар, лекин яхши ишларга одатланмаганлари сабабли, қилаётган қабих амаллари ўзларига чиройли бўлиб кўринади. Дунё истакларига қул бўлиш билан улар тўғрилиқдан юз ўгирган бўлсалар-да, амалларидаги қусурлардан хабардорлар. Бу тоифанинг тарбияси оғирроқ бўлгани учун уларга бир неча вазифалар юкланади. Аввало, улар бузуқликка одатланиш натижасида ичларида маҳкам ўрнашган жуда кўп иллатларни нафсларидан суғуриб олишлари шарт. Кейин яхшилиқка ундайдиган сифатни қалбларига эймоқлари керак. Хуллас, энг шимариб, жидду жаҳд этилса, бу тоифа кишиларнинг тарбияси риёзат учун кенг майдондир.

Жоҳил, адашган ва фосиқ кимсалар ёмон ахлоқни яхши деб эътиқод қиладилар. Уларнинг наздида бу хулқ ҳақ ва энг гўзалдир. Ундаги бу қараш борган сари такомиллашади. Шунинг учун бу тоифадаги кишининг муолажаси мушкул, соғайишига деярли умид йўқ. Камдан-кам ҳолда у дардига даво топиши мумкин. Бу жиҳатларнинг барчаси залолатга кетиш имкониятини оширади.

Жоҳил, адашган, фосиқ ва ёвуз кимсалар нафақат бузуқ қарашда такомиллашадилар, балки улар ёмонликларини кўпайтиришни фазилат деб биладилар, бу билан фахрланадилар ва “бу ишлар қадримни оширади”, деб ўйлайдилар. Бу тоифадагиларнинг аҳволи оғир. Улар ҳақида донишмандлар: “Кексани тарбияламоқ – машаққат, бўрини тарбияламоқ – уни азобламоқдир”, деганлар”.

## ОЛИМ ҲАҚИДАГИ ИЛМИЙ ФИКРЛАР

Улуғ олимлардан Суютий Имом Ғаззолий ҳақида шундай ёзганди: “Агар Муҳаммад алайҳиссаломдан кейин яна бир пайғамбар дунёга келиши мумкин бўлганида, бундай саодат, шубҳасиз Ғаззолийга насиб этарди”.

Абдурахмон Жомийнинг “Нафаҳотул-унс” – Алишер Навоийнинг “Насойимул-муҳаббат” асарларида Ғаззолий ҳақида шундай дейилади: “Хужжатул-ислом Муҳаммад ибн Муҳаммад Ғаззолий Тусий – кунияси Абу-Ҳомиддур ва лақаби Зайниддин. Тасаввуфда интисоби шайх Абу Али Формадийдур... Имом Муҳаммад ҳолининг ибтидоси Тусда ва Нишобурда улум таҳсилига ва онинг такомилга иштиғол кўргузди. Ондин сўнгра Низомул мулк била мулоқот қилди. Жамоати фузало билаки, онинг суҳбатида бўлур эрдилар, мутааддид мажолисда мунозара ва мужодала қилди ва аларга голиб бўлди. Ва Бағдодда “Низомия” мадрасаси тадрисин анга тафвиз қилдилар. Тўрт юз ўттиз тўртда Бағдодга бориб, дарс айтди ва Ироқ аҳли барча анга шефта ва фирефта бўлдилар. Баланд қадр, аржуманд поя топди. Сўнгра борисин ихтиёри била тарк қилди ва зуҳду инқито тариқин илгари тутди ва ҳаж азимати қилди ҳамда тўрт юз саксон саккизда ҳажга мушарраф бўлуб, Шомга мурожаат қилди ва муддате анда эрди ва андин Байт ул-Муқаддасга борди ва андин Мисрға келди ва муддате Искандарияда эрди ва андин Шомга келиб, анча вақт турди ва ондин сўнгра ватан азимати қилди ва ўз ҳолига машгул бўлди ва халқдин хилват ихтиёр қилди ва муфид китоблар тасниф қилди: “Иҳёу улум”дек ва “Жавоҳирул-Қуръон” ва “Ёкутут-таъвил” тафсиридекки, қирқ мужалладур ва “Мишкотул-анвор”декки, барча машхур кутублардур ва бу барчадин сўнгра Нишобурга авд қилди ва сўфия учун ҳонақоҳи бино қилди ва илм та-

лабаси учун мадраса ҳам ихдос қилди ва авқотин хайр вазоифи тавзе этти, Қуръон хатмидин арбоби қулуб суҳбатидин ва улум тадрисидин ул замонгачаки, беш юз бешда жумодул охир ойининг ўн тўртида Тенгри таоло живори раҳматиға восил бўлди”.

Ғарб файласуфлари Ғаззолий асарларини XII асрдан бошлаб лотинчага қилинган таржималар орқали ўқиб-ўрганганлар. Ғарб фалсафасининг оталаридан бири Гегель Ғаззолийни “зеҳни ўткир скептик, улкан шарқона ақл-идрок эгаси”, деб таърифлайди.

Замонавий араб файласуфи, мисрлик Абдурраҳмон Бадавий “Ғаззолийнинг маънавий изланишлари” деган мақоласида шундай деб ёзади: “Ғаззолий асарларининг кейинги Ўрта асрлар ва Уйғониш даврлари мутафаккирларига таъсири ҳали охиригача ўрганилган эмас. Айни пайтда биз Ғаззолий ва баъзи Янги давр Оврўпа файласуфларининг (Ғаззолийча шак-шубҳаланиш билан Декартча мутлақо шубҳа остига олиш ёки Ғаззолий ва Дэвид Хьюмнинг сабабият концепциялари ўртасидаги) қиёслашлар – параллелларга қаршимиз. Булар бирор-бир асосга эга бўлмаган, куп-қуруқ ва бўш тахмин-фаразлардан бошқа нарса эмас”.

Машҳур ғарб файласуфи Д. Макдональд бундай ёзади: “Таҳофутул-философа” асарида Ғаззолий интеллектуал скептицизмнинг юксак даражасига кўтарилганини ва Хюм (ғарблик машҳур файласуф)дан етти аср олдин сабабият йўлларини ўз диалектикаси тиғи билан кесиб ташлаганини, “биз сабабни ҳам, оқибатини ҳам билмаймиз, фақат бир нарсадан сўнг иккинчи нарса келишинигина биламиз, холос”, деб эълон қилганини айтади.

Файласуфлардан Э. Ренан эса: “Ғаззолийдан кейин Хюмга айтадиган гап қолган эмас”, деб ёзади.

## ҒАЗЗОЛИЙ ҲИКМАТЛАРИДАН

Эртага ўладиган каби вужуд аъзоларингни ҳаромдан қўриқла.

\* \* \*

Ким иффат билан хулқланса, саховатли, ҳаёли, сабрли, кечиримли, қаноатли, парҳезкор, латиф, зариф, барчага кўмакчи, бетамъа бўлади. Агар иффат меъёридан ошса ёки кам бўлса, ҳирс ва очкўзлик, қўполлик ва беҳаёлик, исрофгарчилик ва хасислик, риёкорлик ва шармсизлик, ҳасад, ичқоралик, бойларга ялтоқланиб, камбағални камситиш каби иллатлар юзага чиқади.

\* \* \*

Ҳалол бўлмаган нарсаларга назар ташлашдан сақланиш керак. Чунки уларга қараш қалбни маънан ўлдирувчи ўқдир, унга зулм қилувчи султондир. Ҳикмат аҳлининг бу хусусдаги баъзи сўзлари шундай: “Ўнгда-сўлда дуч келганга назар ташлайверишинг кўп афсусларга сабаб бўлади”. Ўнгу сўлга қарайвериш гайриахлоқий ҳодисаларни юзага келтиради, инсонни разил қилади, жаҳаннамда узоқ муддат қолишга боисдир. Кўзларингга эгалик қил. Агар уларни эркин қўйиб юборсанг, охир бир кун сени ёмонликка олиб боради. Гар уларга эга экансан, бошқа барча аъзоларингга ҳам эга бўла оласан.

\* \* \*

Хасис ва қашшоқ бўлиб қолишдан қўрқиб яшовчи кишилар муҳтожларга ёрдам бермайди. Мол-мулкни ва пулини жуда эҳтиёт қилади. Хасис одам қўпроқ мол-мулк орттириш учун ҳирс билан ўзини тўрт тарафга уради, бутун кун турли ерларда ва кўчаларда изгиб юради. Кўчалар эса шайтонлар уя қурган жойлардир.

\*\*\*

Ким нафсга қарши жиддий жанг бошлай олмайётган экан, масалан, мансаб гамини бирданига тарк этолмаётган экан, ишни ундан кўра енгилрогини тарк этишидан бошласин. Кимдадир ейишига очкўзлик бор, унга рўза ва таомни кам ейиш буюрилади. Кейин унга тотли егуликларни тайёрлаш топширилади. Овқатлар муҳайё бўлгач, шундай лазиз ноз-неъматни ўзи емасдан ўзгага тақдим қилади. Шу йўл билан нафсини тияди, уни сабрга ўргатади, очкўзлигини сўндиради.

\*\*\*

Юрт ободлиги тўрт нарса сабабидан: раҳбарлар адолати, олимлар илми, бойлар саховати, муҳтожлар дуоси.

\*\*\*

Илмнинг аввали – сукут, сўнг эшитиш, сўнг амал қилиш, сўнг уни тарқатиш.

\*\*\*

Аллоҳни англашдан аввал ўзни англамоқ даркор.

\*\*\*

Кўрган нарсангнигина қабул эт, эшитганларингни унут: Куёш бош кўтаргач, Зуҳални томоша қилишдан бизни маҳрум қилади.

\*\*\*

Шубҳа ҳақиқатга олиб борувчи йўлдир. Ким шубҳаланмас экан, ҳеч нарсани кўра олмайди. Кўришдан маҳрум одам эса тушунолмайди. Тушунишдан маҳрум кимса мисоли сўқир каби йўлдан адашади.

\*\*\*

Айтадиларки, ҳақиқий севги-муҳаббат уч нарсадан билинади: бирида – севган суюклисининг сўзини бошқалар

гапидан устун қўяди. Иккинчисида – ошиқ суйганининг суҳбатини бошқаларникидан аъло билади. Учинчисида – севган суйганини мамнун этишни бошқаларни мамнун этишдан юқори ҳисоблайди. Бир олимдан сўрадилар: “Ошиқ деб кимга айтилади ва унинг ҳоли қандай бўлади?” Олим жавоб берди: “Инсонлар билан оз алоқада бўлади. Кўпроқ Парвардигори билан юзма-юз қолади. Кўриниши сассиз-садосиз, лекин узлуксиз тафаккур ҳолида бўлади. Қараганда кўрмайди, чақирганда эшитмайди, суҳбат чоғи ҳеч нарсани англамайди. Бошига бир фалокат тушса, эзилмайди. Оч қолса, очлигини ҳис этмайди. Кўриниши пажмурдадир. Аллоҳдан бошқасидан кўрқмайди. Узлатда Аллоҳга муножот этади. Дунёлик юзасидан олам аҳли билан олишмайди”.

\*\*\*

Тирик мавжудотларнинг қуйи даражадаги турлари: чумоли ва чивинларни ҳам фақат ўз жинсдошларигина англай олади. Афсуски, фақат инсон ўзи ҳақида чинакам билимга эга эмас. Биз ўзимизни фақат сиртдан – у ёки бу қилмишимиз ва ташқи қиёфамиз орқали биламиз. Руҳий моҳиятимизни билишга уринмаймиз.

\*\*\*

Учта олам мавжуддир: уларнинг бири зоҳирий, иккинчиси ботиний бўлиб, ҳар иккисининг орасидан яна бир дунё – руҳий олам ўрин олган.

\*\*\*

Илмга барча нарсангни бермагунингча, у сенга ҳеч нарсасини бермайди.

\*\*\*

Айтганига амал қилмаган олим игнага ўхшайди, игна ҳаммани кийинтириб, ўзи ялангоч қолади.

\*\*\*

Илм фикрнинг хос мевасидир. Агар у қалбда ҳосил бўлса, қалб ҳолати ўзгаради, унинг ҳолати ўзгарса, аъзоларнинг амали ўзгаради. Демак, амал ҳолатга, ҳолат илмга, илм фикрга қарамдир.

\*\*\*

Илм кўр қалб кўзини очувчи, қоронғу зулматда нур бағишловчи ва заиф баданларга куч-қувватдир. Илм билан банда яхшилар даражасига кўтарилади, олий мартабаларга етишади. Илм устида тафаккур қилиш кундузи рўза тутганга, уни музокара этиши кечани ибодат билан бедор ўтказганга тенгдир.

\*\*\*

Фикр дунё тотини кетказади ва охират лаззатларини бой бериш улкан йўқотиш эканини англатади.

\*\*\*

Ўлим вақтида дунёдан ажралиш азоби унга бўлган муҳаббатининг миқдорича бўлади.

\*\*\*

Дунё – гофиллар яхши кўрган бир мато. Маҳрум кишилар уни излаш билан овора. Эга бўлганлар эса уни йигиб, фойдаланиш билан машғул.

\*\*\*

Тижорат тирикчилик ўтказиш ёки бойлик орттириш мақсадига бўлади. Агар хайр ва ҳасанотни ўйламасдан,

фақат бойлик тўплаш учун қилинса, бу савдо мақбул эмас-  
дир. Зеро, фақат моддият учун ҳаракат қилмоқ хатолар-  
нинг боши бўлган дунёга ҳирс қўймоқдир.

\*\*\*

Балонинг йўқлиги неъматдур, неъматнинг йўқлиги эса  
балодур.

\*\*\*

Хусни хулқ азиятларга сабр қилишда, жафоларни  
кўтаришда синалади. Ким “фалончининг хулқи ёмон” деб  
шикоят қилса, бу ўзининг ахлоқи ёмонлигига далолат. Не-  
гаки, хусни хулқ азиятларни кўтаришдир.

\*\*\*

Қачонки савдогар кийимнинг яхши тарафини кўрса-  
тиб, ёмон жойини яшириб сотса, ўша – ёлгончидир. Шунинг-  
дек, молини қоронги жойда кўрсатса, шу каби маҳсининг  
энг яхши пойини кўрсатиб сотса, у – фирибгардир.

\*\*\*

Кишилардан қандай муомала кутсанг, уларга худди  
шундай муомала қилгин.

\*\*\*

Ёлвориб лаззати дунёвий неъмат эмас, балки у жан-  
нат завқларидандир. Аллоҳ бу завқни маҳбублари учун  
яратган. Ҳар кас (одам) уни ололмас.

\*\*\*

Илм ҳаё билан кибр орасида йўқ бўлиб кетади.

\*\*\*

Фарзандларингизнинг уятчан экани уларнинг кела-  
жакда яхши феъл-атворли бўлишидан хушхабардир.

Одамларни ўзлари йўғида ёмонламоқ қалбларга қилинган хиёнатдир.

Аллоҳ таолодан узоқлаштирувчи, ҳалокатга олиб борувчи бахилликнинг давоси молни сарфу инфоқ қилишидир. Лекин баъзида бу сарф исроф даражасига ўтиб кетади. На-тижада, бахиллик касаллигидан халос бўламан деб киши исроф дардини орттиради. Мисол учун, тананинг совиб кетиши ҳароратни кўтариши билан муолажа қилинади. Аммо, ҳароратни кўтариши ҳаддан ошса, бу ҳам касаллик. Аслида, ҳарорат ва совуқлик ўртасида тенглик бўлиши лозим эди. Шунингдек, исроф ва бахиллик орасида ҳам мўътадилликни сақлаш керак. Токи бизга керак нуқта икки тарафдан бир хил узоқликда жой олсин.

Ақл қувватининг мўътадиллиги тадбирнинг чиройли, зеҳннинг тиниқ, фикр-ўйларнинг тўғри ва ишончли бўлишини таъминлайди, амалларнинг нозик, нафс одатларининг махфий жиҳатларини англашни ўргатади. Ақлнинг ҳаддан ошиши макр-ҳийлага, фирибгарлигу айёрликка бошлайди. Агар ақл меъёрдан паст бўлса, бефаҳмлик, хом гайрат, аҳмоқлик ва жунун пайдо қилади. “Хом гайрат” деганда дунё ва охират ишларидаги тажрибасизлик, яъни фойда-зарарни фарқлаш қувватининг заифлиги назарда тутиляпти. Дарҳақиқат, инсоннинг тасаввур ва хаёл қилиши қуввати нечоғли соғлом бўлмасин, тажрибасизлиги туфайли баъзан касалга ўхшаб қолади. Аҳмоқлик ва жиннилик ўртасидаги фарқ шундаки, аҳмоқнинг мақсади тўғри, лекин уни амалга ошириш йўли нотўғри. Чунки, аҳмоқ мақсадга олиб борувчи йўл хусусида тўғри қарашга эга эмас. Жинни эса танлаш лозим бўлмаган нарсани танлайди. Аслида, жиннидаги танлов ихтиёрининг асоси бузуқ.

## ҒАЗЗОЛИЙ НАСИҲАТЛАРИДАН

- Йўл ва кўчаларда тўпланишиб турманг;
- Сухбатлашиш учун дўконларни танламанг;
- Одобсиз, тарбиясиз ва бадхулқ кишилар билан тортишманг;
- Фикр билдирганда: “Бу – менинг қарашим”, деб айтинг;
- Бирор нарсани ёки кишини мақтаганда ошириб юборманг;
- Йигинларда ўзингизгагина алоқадор ишлар билан машғул бўлманг;
- Яхши гапга диққат билан қулоқ солинг;
- Хушбўй нарсалардан фойдаланганда меъёрни билинг;
- Айрим орзулар рўёби учун ўзингизни ўтга-чўққа ураверманг;
- Сизга нисбатан муомала меъёрини бузганларга ҳам вазмин бўлинг;
- Бойлар саховати қошида ўзингизни зинҳор камситилгандек ҳис қилманг;
- Сўз бердингизми, бажаришга қатъийлик билан киришинг;
- Фақат ва фақат рост гапиринг;
- Ҳар ерда мақбул сўз айтинг, чиройли гапиришга ҳаракат қилинг;
- Вужудингиз роҳатини истасангиз, оз енг ва оз ичинг!
- Тингловчингиз бўлгандагина гапиринг;
- Битта сўзни қайтараверишдан сақланинг;
- Сотган нарсангизни ёқтирмай қайтариб олиб келишса, дарров қабул қилинг;
- Ёлгон сўзлашни тажриба қилманг ва бунга одатланманг;

- Чанқаганда сув ичишдан олдин оғзингизни чайқанг;
- Бозорларда юрганда ҳеч кимга озор берманг;
- Эгасининг рухсатини олмасдан бировнинг нарсасига тегманг;
- Оғзингизда луқма билан гапирманг;
- Гапирганда қўл, бармоқлар билан ортиқча ишоралар қилманг.

Қуйидагилар қўшнилик бурчлари жумласига киради: “Қўшни билан учрашганда салом билан сўз бошламоқ, гаплашганда каломни чўзмаслик, кўп савол бермаслик, касал бўлганда кўргани бориш, бошига мусибат тушганда таъзиясида қатнашиш, унга нисбатан бирга сабрли бўлиш, қувончли онларида қутлаш – унинг севинчи билан севиниш, хатоларини кўрмасликка олиш, уйини жосусларча кузатмаслик, деворига бир нарсалар қўйиб ёки осиб гашини келтирмаслик, унга тегишли жойдан сув олмаслик, уйининг олдига ахлат тўкмаслик, ўтиш йўлларини торайтирмаслик, бирон баҳона билан уйига қарамаслик, қулоққа чалинган оилавий сирларини ёймаслик, керагида шаънига ёмон сўз айтаётганларнинг гапини бўлиш, ўзи йўқлигида уйини қўриқлаш, унга қарши айтилган сўзларга қулоқ солмаслик, маҳрамига оид хусусларда кўз юммоқ, хизматчисига қарамаслик, боласига ширин сўзлар айтиш, диний ва дунёвий масалаларда билмаганларини билдириш...”





**МАШҲУР САРКАРДА ВА  
ҚУДДУС ХАЛОСКОРИ**

**(Салоҳиддин Айюбий раҳматуллоҳи алайҳ)**

## ТАҚДИМ

**А**сли исми-шарифи Юсуф ибн Айюб бўлган бу киши Салоҳиддин Айюбий номи билан дунёда машҳур саркарда эди. У кўп йиллар Миср ва Шом ҳукмдори бўлган. Ҳижрий 532 (милодий 1128) йили Ироқнинг Тикрит шаҳрида тугилган, миллати курд. Миср, Сурия, Яманни етмиш беш йил (1174–1249) идора қилган айюбийлар сулоласининг асосчиси. Исломотами уни Байтул-Мақдис (Қуддуси шариф)нинг иккинчи фотиҳи сифатида яхши танийди. Жасур, адолатпарвар саркарда, салибчиларга қарши курашда ном чиқарган ҳукмдорлардан эди. Ҳижрий 589 (милодий 1193) йили эрта баҳорда Дамашқда вафот этган.

## АЙЮБИЙЛАР КИМ БЎЛГАН?

Айюбийлар Ироқ шимолидаги Эрбилдан чиққан ва фотимийлар давлатини ағдариб, Миср устидан назорат ўрнатган курдлар сулоласи эди. Курдларнинг Хазбоний қабиласидан бўлган Нажмиддин Айюб ибн Шози унинг асосчиси бўлган. Мусул отабеки (ҳокими) Имодиддин Занжий ўз қўшинларини жангари курдлар ҳисобига тўлдирарди. Айюб ҳижрий 532 йили Имодиддин Занжийнинг қўшинига ҳарбий хизматга киради. Милодий 1139 йили Занжий Салоҳиддиннинг отаси Айюбни Баалбекка ҳоким қилиб юборди. 1146 йили Занжий вафот этганидан сўнг, Айюб Дамашққа кўчиб ўтди, унинг бевосита ёрдами ва таъсири остида 1154 йили Занжийнинг ўгли Нуриддин ҳокимият тепасига келди.

Айюбнинг акаси Асадиддин Ширкуҳ ҳижрий 564 йили Мисрдаги фотимийлар ҳукуматини ағдаради. Аммо ўзи тезда вафот этиб, ҳокимият унинг жияни Салоҳиддиннинг қўлига ўтади. 564 – 648 йиллари айюбийларнинг саккиз вакили Миср, Фаластин, Яман каби мамлакатларда ҳукмронлик қилган. Хиттиндаги жангда салибчиларни тор-мор этиб, Қуддусни озод қилган Салоҳиддин Айюбий уларнинг энг машҳурларидан эди.

Салоҳиддин ҳокимият тепасига келгач, Мисрдаги фотимийлар ҳукмронлигининг барча изларини йўқотишга киришди. Фотимийлар тахтда бўлганида шиаликни кенг тарғиб этиб, суннийларни таъқиб қилишга киришган эди. Салоҳиддин ана шу ҳолатни ислоҳ қилишга киришиб, дин ва таълим соҳасида суннийликни кенг тарғиб қила бошлади. Унинг яна буюк хизмати шунда эдики, салиб урушлари очиб, Ислом ерларининг каттагина қисмини эгаллаб олган насронийларга қарши курашга турклар, курдлар ва арабларни бирлаштира олди.

Ҳижрий 568 йили Салоҳиддин укаси Шамсиддин Туроншоҳ бошчилигида Нубияга қўшин юборди ва у стратегик жиҳатдан муҳим бўлган Ибрим қалъасини қўлга олишга муваффақ бўлди. Шамсиддин у ерга курд Иброҳимни ҳоким қилиб қолдирди. Иброҳим вақти-вақти билан Нубияга ҳужум қилар, ҳар гал бой ўлжалар билан қайтарди. Уша йили Салоҳиддин Ўрдундаги Керак қалъасини ҳам эгаллаб олди. Ана шу юриши пайтида отаси, жасур, яхши фазилатлар эгаси ва тақводор саркарда Нажмиддин Айюб ибн Шозининг вафот этгани ҳақидаги хабарни эшитди.

Салоҳиддин ҳижрий 569 йили укаси Туроншоҳ бошчилигидаги қўшинни Яманга жўнатди. Туроншоҳ мамлакатнинг катта қисмини қўлга киритиб, Зобидда маҳдийлар, Санода ҳотамийлар, Аданда зурайидлар ҳукмронлигини тугатди. У 570 йилгача Яманда турди, сўнгра ўрнига волий тайинлаб, ўзи Шомга жўнаб кетди. Орадан етти йил ўтиб, Туроншоҳ Искандарияда вафот этди ва шунда Салоҳиддин яна бир укаси Туғ-тегинни Яманга юборди. У Санони ўзига пойтахт қилиб, ҳокимиятини Ҳазрамавтгача ёйди.

Милодий 1169–1193 йиллари ҳукмронлик қилган Салоҳиддин Айюбий қудратли вазир бўлиб етишгач, са-либ юришларига чек қўйиш учун қўлидан келган барча ишларни қилди. Бунинг учун давлатга содиқ, қудратли қўшин зарур эди. Амалда Миср вазири бўлган Салоҳиддин подшоҳликни орзу қила бошлади. У 1174 йили Нуриддин Занжий вафоти муносабати билан ана шундай имконият юзага келганидан фойдаланиб, Мисрни мустақил деб эълон қилди.

Занжийлар унга қарши катта қўшин ташладилар. Қурун Ҳамоҳам атрофида Салоҳиддин уларни тор-мор келтириб, Шомни ўз ерларига қўшиб олди. Сўнгра укаси

Туроншоҳни қўшин билан Ҳижозга юбориб, 1175 йилда бу вилоятни ҳам забт этгач, юришини давом эттириб, Яманни қўлга киритди.

Шундан кейин Салоҳиддин Бағдоддаги аббосий халифадан ўзининг Миср султони сифатида эътироф этилишини талаб қилди. Халифа бунга мамнуният билан розилик берганининг сабаби шунда эдики, бунинг натижасида ҳатто шиаларга нисбатан ҳам кескин ҳаракатлар қилиш тарафдорлари ҳисобланмиш фотимийлар ҳукмронлиги барҳам топган бўларди. Шундай қилиб, У бирданига Миср, Ҳижоз, Яман ва Шом султонлигига мурассар бўлди.

Ўша пайтларда Яқин Шарқ учта асосий кучнинг таъсир доирасида тақсимланган минтақага айланиб қолган эди. Соҳил бўйлари, Қуддусни ҳам қўшганда Фаластиннинг бир қисми салибчилар назоратида эди; Миср ва унинг атрофидаги баъзи ерлар фотимийлар сулоласи ҳукмронлиги остида эди; Сурия ва Ироқнинг бир қисми эса занжийлар қўл остида эди.

Занжийлар ва фотимийларнинг ўзаро муносабатлари зиддиятли бўлган. Бир томондан булар турли мафкуравий йўналишларнинг вакиллари эди: занжийлар суннийлик анъаналарига содиқ бўлганлари ҳолда фотимийлар исмоилийлик гояларига эргашишарди. Бир вақтлар шиалиқдан ажралиб чиққан исмоилийлик оқими турли сирли ва яширин гояларни тарқатар, бу билан ўзини қолган барча мусулмонларга – суннийларга ҳам, шиаларга ҳам қарши қўяр эди (Аммо айти пайтда фотимийларнинг айрим ҳукмдорлари улардан фарқли ўлароқ ўртача йўл тутиб, бошқа мусулмонларга ён босар эди).

Ўз ҳукмронлигининг ниҳоясига келиб фотимийлар аслида бутун ҳокимиятни қўлга олган ўз вазирлари таъсирига тушиб қолишди. Айнан шу вазирлар ўша пайтда уму-

мий ганим ҳисобланган салибчиларга қарши курашда занжийлардан ёрдам сўраб, уларга мурожаат қилишди. Занжийлар Мисрнинг салибчилар томонидан босиб олинishi сўзсиз салибчилик ҳаракатининг кучайишига ва мусулмон дунёсини ҳалокат ёқасига келтириб қўйишига ишонишар эди. Шу мақсадда улар фотимийлар билан ягона жабҳага бирлашишди ва ҳар икки томоннинг ҳам умумий душманининг каттагина кучларини чалғитишга муваффақ бўлишди.

Бироқ фотимий вазирларнинг сиёсий ўйинлари доимий хавф солиб турарди: улар иттифоқчиларини тинмай алмаштиришар, ҳали мусулмонлар билан, ҳали салибчилар билан битим тузишар эди. Салибчилар бундан фойдаланиб, Миср ҳудудига бир неча марта бостириб киришди. Натижада занжийлар армияси бир қатор жанглардан кейин салибчиларни Мисрдан ҳайдаб чиқарибгина қолмай, балки унинг пойтахти Қоҳирада ўрнашиб қолишга муваффақ бўлишди. Шу туфайли фотимийларнинг вазири Шавир ибн Мужир вазифасидан четлатилиб, унинг ўрнини Салоҳиддин Айюбий эгаллади.

Қисқа вақт ичида Салоҳиддин Мисрда катта шуҳрат қозонди. Унинг адолатли сиёсати кўпчиликни ўзига жалб қилди ва у аксари мисрликларнинг севимли ва ҳурматли кишисига айланди. Бу эса охириги фотимий ҳукмдор Адиднинг ҳасади ва хавотирини кўзгади ҳамда у янги вазирни ўлдириш учун унга қарши фитна кўзгашига ҳаракат қилди. Аммо Салоҳиддин бу ҳийлани фoш қилиб, хатарни тезда бартараф қилди.

Шундан кейин мисрлик ва шомликларнинг қўшинлари салибчиларнинг навбатдаги ҳужумини даф қилишди ва уларга қаттиқ зарба бериб, чекинишга мажбур этишди. Қоҳирага қайтган Салоҳиддин охириги фотимий ҳукмдорни ҳокимиятдан четлатиш ва уни қўллаши

мумкин бўлган кишиларни вазифасидан олиб ташлашга қарор қилади. Натижада, бутун ҳокимият Салоҳиддиннинг қўл остига ўтади ва орадан кўп ўтмай Адиднинг ўзи ҳам вафот этади. Шундай қилиб, Салоҳиддин Мисрга ҳукмдор бўлиб қолади ва шу тариқа айюбийларнинг янги сулоласига асос солади.

## ЁШЛИК ЙИЛЛАРИ

Абу Музаффар Юсуф ибн Айюб ибн Шози, яъни тарихда Салоҳиддин Айюбий номи билан машҳур бўлган улуғ саркарда ва олижаноб ҳукмдор ҳижрий 532 (милодий 1138) йили Тикрит шаҳрида туғилган. Кейинчалик Миср ва Шом ерлари султони бўлган бу саркарданинг асл исми олдин Салоҳиддин бўлмаган. Бу ном унга берилган куня бўлиб, “Динни ислоҳ этувчи” маъносини англатади. Қайд этиш керакки, Салоҳиддин ўз ҳаёти орқали бу номга муносиб эканини исботлай олди. Унинг аждодлари жангчи ўтган бўлиб, бу нарса охир-оқибат қаҳрамонимизнинг тақдирида ҳам ўз аксини топди. У ўз уруғи бўлган айюбийлар билан фахрланар ва Аллоҳ аждодларига кўплаб галабаларни бергани ҳақида сўзлашни ёқтирарди.

Салоҳиддиннинг ҳасби ҳоли ҳақида унинг устози ва маслаҳатчиси Баҳоуддин ибн Рофе, мусуллик тарихчи Ибн Асир, шахсий котиби Қози Фозил қимматли маълумотларни ёзиб қолдиришган. Ана шу маълумотлардан аён бўлишича, Салоҳиддиннинг бобоси Шози Арманистонга қарашли Товин шаҳри яқинидаги қишлоқда яшаган ва бўлажак султоннинг отаси Айюб ана шу ерда таваллуд топган. Шози икки ўғли – Айюб ва Ширкуҳ туғилганидан кейин она ватанини тарк этиб, аввал Бағдодга, кейинчалик Тикритга кўчиб ўтган ва вафотига қадар шу ерда муқим яшаб қолган.

Салоҳиддиннинг отаси Айюб ва амакиси Ширкуҳ Му-сул отабеки (ҳокими) Занжийнинг хизматида бўлиб, иккови ҳам жасур саркардалардан эди. Тахминан ўн йиллардан кейин унинг оиласи Шомга кўчиб ўтди ва маҳаллий занжийлар сулоласи саройида нуфузли мавқени эгаллади.

Салоҳиддиннинг қандай ота-онадан дунёга келгани ҳақида муаррихлар ёзиб қолдирган гўзал бир ривоят бор: Тикрит амири бўлмиш Нажмиддин (дин юлдузи) Айюб узоқ муддат уйланмай юрди. Биродари Асадиддин ундан уйланмай юриши сабабини сўраганида “Ўзимга мос қизни тополмаяпман”, деб жавоб қилди. “Салжуқий Султон Муҳаммад ибн Маликшоҳнинг қизиданми ёки вазирининг қизиданми таклиф келмаганмиди?” деб сўради укасидан Асадиддин. “Таклиф бўлган эди, аммо улар менга мос эмас!” деб жавоб берди Айюб.

Укасининг бу жавобидан ажабланган Асадиддин унга булардан ортиқ яна ким мос бўлиши мумкинлигини сўради. Нажмиддин Айюб акасининг бу сўровига: “Аслида қўлимдан тутиб, жаннатга етаклайдиган солиҳа жуфтни хоҳлайман. Ундан бир фарзанд кўрсам, ўша фарзандни яхшилаб тарбия қилсак, у улғайиб моҳир чавандоз бўлиб етишса, кейин мусулмонларни Қуддуси шарифга қайтариб олиб борса, дейман!” деб жавоб берди.

Асадиддин укасининг бу гапига жиддий қарамади. “Бунақасини қаердан ҳам топардинг?!” деди эътиборсизлик билан. Айюб эса: “Ким ниятини Аллоҳ учун холис қилса, Ҳақ таоло уни ниятига ярашаси билан ризқлантиради!” деб жавоб берди...

Кунлардан бирида куни Айюб Тикрит масжидида Шайхлардан бири билан суҳбат қилиб ўтирган эди. Узоқдан бир қиз Шайхни чақириб келди-да, парда ортида тўхтади. Шайх Айюбдан изн сўраб, қиз билан гаплаша бошлади. Нажмиддин суҳбатни баралла эшитиб турарди: “Қўлингни сўраб борган, мен юборган йигитни нега

қайтардинг?” деди Шайх қизга. Шунда оқилад қиз: “Эй Шайхим, ўша йигитнинг жамоли ва мансаби нақадар ҳавасланарли бўлса-да, менга муносиб эмас!” деди. “Қанақасини хоҳлайсан?” дея ажабланиб сўради Шайх. Қиз эса: “Аслида, қўлимдан тутиб, жаннатга етаклайдиган солиҳ жуфтни хоҳлайман. Ундан бир фарзанд кўрсам, ўша фарзандни яхшилаб тарбия қилсак, у улғайиб моҳир чавандоз бўлиб етишса ва мусулмонларни Қуддуси шарифга қайтариб олиб борса, дейман!” деб жавоб берди!

Айюб қулоқларига ишонмасди: “Субҳаналлоҳ! Ахир бу калималарни айнан унинг ўзи айтмаганмиди? Ахир Нажмиддин Айюбнинг уйланиши ушбу орзу сабабидан кечикмаётганмиди?! Ахир, бу ўша орзунинг висоли, ўша ниятнинг ушалиш дебочаси эмасми?!”

Ҳа, айнан шундай эди. Айюб ўзининг улкан орзуси йўлида қанча-қанча казо-казоларнинг қизларини жуфт ўлароқ қабул қилмаган, қиз ҳам айнан шу орзу илинжида қанчалаб аслзодаларнинг уйланиш таклифларини рад этиб келаётган эди! Иккиси ҳам жаннатга етакловчи жуфтни ва мусулмонларни Қуддусга қайтариб олиб кирадиган қаҳрамон фарзандни орзу қилишаётган экан...

Ниятлар холис бўлганидан Аллоҳ икки буюк ният соҳибини ниҳоят учраштирди... Нажмиддин Айб фурсатни бой бермай, Шайхдан шу қизга уйланишини сўради ва ниятига етди. Бу икки ихлосли бандадан фарзанд дунёга келди. У ўсиб-улғайиб етук саркарда, моҳир чавандоз бўлди! Қуддуси шарифни фатҳ қилди ва мусулмонларни у ерга зафар билан бошлаб олиб кирди! Бу зот тарихнинг олтин саҳифаларига битиб қўйилган номи фахр билан эсланадиган Салоҳиддин Айюбий эди!

Салоҳиддиннинг болалиги ҳақида маълумотлар унча кўп сақланмаган. Шуниси қизиқки, ўзидан олдинги уч табақа аждодлари ёлланма аскар ва ҳарбий саркарда бўл-

ган Салоҳиддин ёшлик чоғларида ҳарбий санъатга унча қизиқмаган, бошқа илмларни ўрганишга иштиёқманд бўлган. Бироқ кейинчалик қариндошлари таъсирида ҳарбий ишга ҳам қизиқиб қолди. Хуллас, ёш Салоҳиддиннинг қизиқишларига қараб ундан саркарда чиқишини кутиш қийин эди. Аммо у ўз амакиси Асадиддин Ширкуҳ ибн Шози қўл остида ҳарб ишларини ўргана бошлади ҳамда милодий 1169 йилга келиб улар биргалликда Мисрни забт этишди.

Султоннинг ҳасби ҳолини ёзиб юрган котиблардан Ваҳромийнинг айтишича, Салоҳиддин ҳарбий санъатдан кўра, Эвклид ва Хоразмийларнинг асарларини яхши билар, ҳандасани чуқур ўрганган эди. У қуроли кўшин сафига киришдан кўра, дин илмларини ўрганишга кўпроқ мойил эди. Бунга балки насронийларнинг биринчи солиб юриши чоғида Қуддусни босиб олишгани ўз таъсирини кўрсатган бўлиши ҳам мумкин. Салоҳиддин Ислом дини асосларидан ташқари араблар шажараси, машҳур кишиларнинг ҳасби ҳоллари ва тарихи билан ҳам қизиқарди. У машҳур араб шоири Абу Таммомнинг “Хамас”сини (ун жилдли араб шеърояти сайланмаси) ёддан биларди.

Ибн Шаддоҳ куняси билан танилган Ҳалаб қозиси Баҳоуддин Абул Маҳасин Юсуф ибн Рофе ибн Тамимнинг “Наводирус Султонийя вал-маҳасинул-Юсуфийя” (“Султон ҳақида нодир ривоятлар ва Юсуфнинг гўзал сифатлари”) китобида зикр қилинишича, “Юсуф ёшлигиданоқ исломий билимлардан баҳраманд бўлган, Қуръони каримдан кўплаб сураларни ёд олган. Болалигида уни ҳарбий маҳоратдан кўра кўпроқ Ислом фикҳи ва шарият аҳкомлари қизиқтирарди.

Суннийларга мансуб Салоҳиддин яхши таълим кўрди, унинг Исломга меҳри жуда юксак эди. Шу боис ҳам у келгусида буюк Ислом халоскори, муттақий ва обид зот

бўлиб етишди. У Қуръон ўқишни, ўрганишни ва имомнинг тажвид билан қироат қилишини тинглашни ниҳоятда севар, ўзи ҳам кейинчалик Қуръонни тўла ёд олган эди. Бирорта мажлис ёки қабул маросимларини Қуръон тиловатисиз бошламас эди. Бир куни бир боланинг Аллоҳнинг Каломини жуда чиройли қироат қилаётганини эшитиб қолиб, ўзига келтирилган таомни унга тутган, бола ва унинг отасига катта ердаги экин ҳосилини тортиқ қилиб юборган эди.

Шайх Қутбиддин Найсобурий кейинчалик одил ва олижаноб ҳукмдор бўлиб етишган султон Салоҳиддиннинг ақидаси, тақвоси ва обидлиги ҳақида шундай ёзади: “Султон барча фарз намозларни жамоат билан адо этишга тиришар, равотибларни (суннатларни) ҳам қолдирмас, кечалари таҳажжуд намозини ҳам иложи борича адо этишга ҳаракат қиларди. У ҳаётида намозларини фақат уч кунгина, ўшанда ҳам умри охирида қаттиқ бетобланиб, ҳушдан кетиб қолгандагина адо этолмай қолган. Ҳарбий юришлар пайтида намозларини отдан махсус тушиб, хушу ва хузу билан ўқирди. Султон умри ниҳоясига қадар закот бериш учун нисобга етувчи мулкка эга бўлмаган, меросхўрларига бойлик қолдирмай омонатни Эгасига топширган”.

Султон Салоҳиддин даврида Аҳли сунна вал жаоманинг ақида имомларидан Ашъарий ақидаси тарқалган эди. Ашъарийларнинг таниқли имомларидан Муҳаммад ибн Ҳибатуллоҳ ал-Маккий ал-Бармакий султонга бағишлаб “Ақидаи Салоҳия” ақида китобини ёзади ва Салоҳиддинга тортиқ қилади. Султон китобни ўқиб чиқиб, уни ёшу қари ҳаммага ўргатишни буюради. Муслмонларнинг ақидани яхши ўрганишлари учун китобни ҳар куни муаззинлар баланд овозда ўқишлари жорий қилинади. Имом Жалолиддин Суютий ўзининг “Ал-Ва-

салил маърифатил-аваил” китобида шундай ёзади: “Салоҳиддин Айюбий ҳукмдор бўлгач, муаззинларга ашъарий ақидасини одамларга ўқиб етказишни буюрди ва муаззинлар буни бизнинг давримизгача давом эттириб келишди”.

## САЛИБ ЮРИШЛАРИ

324

Тарихдан маълумки, илоҳий диний таълимотларнинг асл маъноси унинг сохталаштирувчилари томонидан жуда кўп марта бузиб, нотўғри талқин қилиб келинган. Насронийлик тарихида инсоният учун энг фожиали ва аянчли давр ҳисобланган салиб юришлари бунга ёрқин мисол бўла олади.

Ун биринчи аср охирида Оврупа насронийлари Худонинг марҳаматига мушарраф бўлган Фаластинни “сақлаб қолиш” учун салиб юришлари ўтказишга қарор қилишди. Насоро динини “асраб қолиш” учун бутун Оврупадан тўпланган қўшинлар қадамлари етган жойга даҳшат ва шафқатсизликни олиб бордилар. Улар мусулмонлар қўл остида бўлганида тинчлик ва мусулмонлар, яҳудийлар ва насронийларнинг аҳиллиги таянчи бўлган Қуддусни эгаллаб олгач, шаҳар даҳшатли ваҳшийлик ва қонхўрлик майдонига айланади. Салибчилар шаҳардаги мусулмон ва яҳудийларни аёвсиз қиличдан ўтказишди.

Нима сабабдан одамлар устидан ҳар қандай шаклдаги зўравонлик қилишни тақиқлаган муҳаббат динига эътиқод қилувчи насроний салибчилар бу қадар даҳшатли ваҳшийликни содир этдилар? Бунинг сабаби шундаки, ўз динларини гўё ҳимоя қилмоқчи бўлган салибчи жангчилар аслида, бу дин ҳақида ҳеч нарса билмаганлар, Инжилни сира ўқимаганлар, насронийликнинг ахлоқий

тамойиллари билан таниш бўлмаганлар. Салибчиларнинг қўшинлари қаттиқ адаштирилган жоҳил ва нодон авомдан иборат эди. “Динни асраб қолиш учун” отилиб ичиб, чиққан бир гуруҳ мунофиқлар Парвардигор номига қасам ичиб, “Исо Масих шунга буюрган” шиори остида нодон, жоҳил одамлар оммасини разолат гирдобига улоқтирдилар. Ўзларининг гаразли мақсадлари йўлида, алдов ва динга тухмат билан одамларнинг гоят кўп қисмини дин мутлақо тақиқлаган ҳаракатларни содир этишга ундадилар.

Бутпараст насронийлар мусулмон оламига қарши жами етти марта ҳарбий юриш қилиб, мусулмонлар томонидан фатҳ қилинган ерларни тортиб олишга ҳаракат қилишган. Бу босқинчилик урушлари тарихга “салиб (хоч) урушлари” номи билан кирган. Салиб урушларининг биринчиси милодий 1096–1099 йилларда уюштирилган. Фарангистонда тўпланган насронийларнинг ҳарбий кучларига булонлик Годфрей, унинг укаси Болдвин, тулузалик граф Раймонд ҳамда Папанинг Пуядан келган вакили Адхемар бошчилик қилишди. Улар алоҳида-алоҳида бўлиб, Константинополь орқали Кичик Осиёга кириб боришга қарор қилишганди.

Иккинчи салиб юриши эса 1147–1149 йилларда бўлган. Руҳ шаҳри таслим бўлгани тўғрисидаги хабар Папа Евгениус Учинчи қулогига етгач, у авлиё Бернард Клейрваукдан навбатдаги салиб юришига даъват билан чиқишни сўрайди. Бу чақириққа тезда жавоб берган олмон императори Конрад Учинчи ва Фарангистон қироли Луис (Луи) Еттинчи 1147 йили иккинчи салиб юришини ташкил қилишди. Бу саркардаларнинг қўшинларининг ҳар қайсиси ўз йўли билан ҳали ҳам мусулмонларга қарам бўлган Дамашқ томон юра бошлади. Юриш иштирокчилари шаҳарни қуршовга олиб турган бўлсалар ҳам, муваффақи-

ят қозониш ўрнига мағлубиятга учрашди.

Милодий 1189–1192 йиллари насроний бутпарастларнинг учинчи салиб юриши бўлди. Бу юриш бевосита султон Салоҳиддиннинг шавкати ва галабаси билан боғлиқ. Қуддуснинг қўлдан кетгани тўғрисидаги хабар бутун Оврупани ҳаракатга келтирганди. Қитъадаги барча қироллар насронийлик шарафи учун курашиш ниятида оёққа қалқишди. Уларга қудратли қироллар учлиги бош бўлди. Англия қироли Ричард – Шерюрак, олмон императори Фредерик Барбаросса ва фаранг қироли Филипп Иккинчи шу учликни ташкил қилди. Фредерик қуруқликдан, бошқалар эса денгиз орқали олға интилишди. Куч-ғайратга тўлиб-тошган бўлса-да, Фредерик Шомгача етиб боролмай, Кичик Осиёдаги дарё кечувида сувга оқиб ҳалок бўлди. Ричард биринчи мусулмонлардан Қибрисни тортиб олгач, жойида тўхтаб қолди. Кейинчалик мазкур оролни у Қуддуснинг тахтдан ағдарилган қироли Гай Лусайнанскийга сотиб юборди. Шунинг учун Филипп Иккинчи аввал етиб келиб, истиқболга чиққан қирол Гайга қўшилди. Улар биргалашиб Фаластиннинг қуйи қисмидаги мусулмонларга тегишли бандаргоҳ шаҳар Акрани қамал қилишди.

Салибчиларнинг мазкур юришлари ва бунинг натижасида Қуддуснинг қўлдан кетиши Яқин Шарқдаги мусулмон ўлкаларига, айти пайтда Салоҳиддиннинг ўзига қаттиқ таъсир кўрсатди. Муқаддас шаҳарда насроний ва яҳудийларнинг ибодатхоналаридан ташқари мусулмонлар учун қадрли бўлган, Аллоҳ томонидан тунда Пайғамбаримиз алайҳиссалом сайр қилдирилган Масжидул-Ақсо, шунингдек, Қуббатус-сохра масжиди каби табаррук ибодат масканлари бор эди. Салибчилар шаҳарни эгаллагач улар насронийларнинг бутхоналарига айлантирилганди. Шу сабаб Шом ҳукмдори Нуриддин Занжий

уларни қайтариб олишга қасам ичди. Салоҳиддин бу ишда унга ёрдамчи бўлди. Мусулмонлар орасида бирлик йўқолган, Бағдод халифаси тарафдорлари фотимийларнинг шиа сулоалари билан душманлик кайфиятида эди. Салжуқларнинг турк салтанати эса бир неча қисмга бўлиниб, улар устидан назорат қилиш султоннинг мурабийлари – отабекларга қолиб кетганди.

Милодий 1202–1204 йиллари насроний хочпарастлар навбатдаги тўртинчи салиб юришини бошлади. У бевосита Папа хоҳишига зид равишда Константинополни босиб олишни мақсад қилганди.

Насроний хочпарастларнинг Ислом дунёсига қарши навбатдаги бешинчи юриши 1218–1221 йилларда бўлди. Юриш учун анча маблағ зарур бўлганидан Папа бу масалада Венеция ва Генуяга мурожаат қилди. Улар салиб юриши Мисрга қарши қаратилган тақдирдагина бунга қўшилишларини билдиришди. Бу билан улар ўзларининг майда манфаатларини кўзлаётганлари равшан бўлиб қолди. Ўша пайтда Мисрга ҳокимлик қилаётган айюбий Одилнинг ўғли Султон Комил отаси сингари жумҳуриятлар билан яхши муносабат ўрнатганди. Шунинг учун ҳам ўзининг дўстона муносабатлари бу савдогарлар учун арзимас бир нарса эканидан ажабланди. Салибчиларнинг денгиз кучлари Мисрдаги Димят (Димьетта) бандаргоҳини эгаллаганида у бунга жиддий эътибор берди. Мудофаа жангларини уюштирган Султон юриш қатнашчиларини қуруқликка чиқиб олишларига қўймади. Икки йиллик курашлардан кейин уларни бандаргоҳ шаҳардан бутунлай қувди.

Насроний салибчиларнинг 1228–1229 йилларда мусулмонларга қарши олиб борган олтинчи юриши бошқаларидан ўзгача ўтди. Мақсади Қуддусни қайтариб олиш бўлган юриш ташкилотчиси – Олмония императо-

ри ҳамда Неапол ва Сицилия қироли Фредерик Иккинчи бунга эришиш учун ўзига хос бир йўл танлади. Аслида, Қуддус подшоҳининг Иоланде исмли қизига уйланган бу яккаҳоким мусулмонлар ихтиёридаги шаҳарга даъвогарлик қилишга ҳақли эди. У арабларни дўст билар, араб маданиятидан завқланар, атрофига араб файласуфлари, табибларини тўплаган, ўзи эса асосан Сицилияда турар ва мутаассибликдан йироқ эди.

Салиб юришига бошчилик қилишни ундан Папа илтимос қилганди. Фредерик розилик берди, лекин йўлда бетоб бўлиб, уйига қайтди; иккинчи уринишни эса ўз нуқтаи назаридан келиб чиқиб кечиктирди. Таъна ва насиҳатлари Фредерикнинг бир қулоғидан кириб, иккинчи қулоғидан чиқиб кетаётганидан ташвишга тушган Папа уни черков марҳаматидан маҳрум этди. Ниҳоят Фредерик юришга жазм қилганига шу вазият сабаб бўлгани эҳтимолдан холи эмас. У жимгина ҳамма нарсасини йиғиштириб, ҳали ҳам Султон Салоҳиддиннинг невараси Комил ҳокимлик қилаётган Миср томон йўлга чиқди. Бу вақтда Комилнинг икки амакиваччаси – шомлик айюбийлар эса ўз амакиларига қарши курашни давом эттираётган эдилар. Шунинг учун у Фредерик Иккинчи билан иттифоққа киришиб, унга Қуддусни ва учинчи салиб юриши қатнашчилари қўлга киритган Акрадан бошланувчи йўналишдаги ерларни ҳам беришни ваъда қилди. Фақат бир шарт биланки, шомлик айюбийларга қарши курашда Фредерик унга мададкор бўлади. Фойдали шарт қабул қилинди: Фредерик Иккинчи Қуддусга эга бўлди, Комил эса рақиблари устидан ғалаба қозонди.

Комилнинг мазкур битимдаги мавқеи олижанобликка кўп ҳам тўғри келавермасди. Бу, аслида, умумий ишга хиёнат бўлгани сабабли уни оқлаш ҳам қийин. Чунки Салоҳиддиннинг невараси бобосига қанчалар қимматга

тушган нарсани оппа-осон ҳадя қилиб юборавергани ғайритабиий туюларди. Ун етти йилдан кейин Комил авлодининг вакили Султон Комил Хоразм туркларининг тарқоқ кучлари билан биргаликда жанг қилиб, улар ёрдамида яна шаҳарни қайтариб олди. Шу билан мусулмонлар орасида Байтул-Мақдис номи билан маълум бўлган Қуддуси ша-риф 1246 йили мусулмонлар ихтиёрига ўтди.

1240–1249 йилларда насронийларнинг мусулмонларга қарши олиб борган сўнгги, еттинчи уруши Султон Солиҳ подшоҳлигининг охирги йилида Фарангистон қироли руҳоний Люис бошчилигида ўтди. Авлиё Люис Димятни қўлга киритиб, Қоҳира томонга, Нил дарёсининг қуйилиш жойигача бостириб борди. У юриш учун йилнинг ноқулай мавсумини танлаган эди: тўлиб-тошиб оқаётган Нилнинг ҳатто ирмоқларидан ҳам кечиб бўлмасди. Люис лашкарлари ботқоқлик ичида қолиб кетди. Бу эса Солиҳнинг салибчиларга қарши юборган бир неча минг кишидан иборат аскарни босқинчиларни тор-мор қилиб, уларнинг йўлбошчисини кўплаб князлари ва бу жангда оғир ярадор бўлган насронийлар билан бирга қўлга тушириш учун етарли эди. Жанглар якунланай деб қолганда, Солиҳнинг ўзи қаттиқ ярадор бўлди. Қамоққа олиб келинган руҳоний Люис билан муомалада олижаноб қиролга кўрсатиладиган даражада илтифот намойиш қилди, бир ой ўтгач эса, унга ўз гуноҳини ювишга имкон бердилар. Салибчиларда ташаббус сўниб, жанг қилиш осон кечмаслигини ҳис қила бошлашди. Бундан ташқари Папада ҳам етарлича куч қолмаганди. Муқаддас жойларни қайтариб олиш учун бошқа катта уринишлар бўлмаганининг сабаби ҳам шунда эди.

Фаластин йигирманчи асрдаги биринчи жаҳон урушига қадар мусулмонлар тасарруфида бўлиб келди, шу

давдагина британияликлар уни турклар қўлидан тортиб олишди. Ҳозир унинг ярмида яҳудийлар давлати ташкил этилган.

Учинчи салиб юришлари чогида насронийлар Салоҳиддиннинг қудрати ва шавкати қаршисида қаттиқ кўрқиб қолишганди: кўзга кўринган лашкарбоши етакчилигида уларга қарши янги куч оёққа тураётган эди. Улар вужудга келган шароитдан чиқиб кетиш йўллари устида бош қотира бошлашди. Кимдир қотил ёллашни таклиф қилди. “Чиндан ҳам Салоҳиддинни ўлдиртирса бўлмасмикин? Бунга кимдир моддий жиҳатдан рағбатлантирилса бас, қолганини Шайхул-Жабал ўз зиммасига олади”.

Ана шу режалар натижаси ўлароқ олдиндан мукофотларини олиб қўйган икки қотил Салоҳиддинга ҳужум қилишди. Лекин Салоҳиддиннинг бахти бор экан, қотилларнинг зарбаларига чап бериб омон қолди, ёлланган кишилар эса қўлга тушди. Ҳужум қилган шубҳали мусулмонлар исмоилийлар жамоасидан экани, султонни жуда дарғазаб қилди. У Шайхул-Жабалнинг адабини бериб қўйиш мақсадида унга қарши қўшин юбориб, унинг истехкоми ва қалъасининг кулини кўкка совурди. Бундан кўрқиб, юраги ёрилаётган Шайх сулҳ сўради. Салоҳиддин бошқа ҳеч қачон қарши қўл кўтармасликка ваъда бергани учун унга сулҳ кафолати берадиган бўлди. Шартга кўнган Шайх сўзига амал қилди.

Шундан кейин насронийлар билан шуғулланган Салоҳиддин аввалига Тибермасга ҳужум уюштириб, 1187 йил 1 июлда уни ишғол қилди. Бунга жавобан насронийлар катта қўшин билан ҳужумга ўтдилар. 4 июлда Хиттин яқинида бўлиб ўтган олишувда насронийлар йигирма минг жангчи билан қатнашган бўлса, Салоҳиддинда улар сони анча кўп эди. У рақиблари

устига шундай важоҳат билан ёпирилдики, натижада улар тўда-тўда бўлиб қочиб қолдилар. Султон Қуддуснинг қўлга тушган қироли Гай Лусайнанскийга ҳақиқий қиролларга хос илтифот кўрсатди. Бироқ чатилонлик Режинальдга нисбатан насроний зодагонларидан чиққан хоин сифатида жуда қаттиқ муносабатда бўлди. Сабаби Режинальд Салоҳиддинга берган сўзи устидан чиқмасдан, мусулмонлар билан ёмон муомала қилар, зиёратчилар карвонини талаб, айбсиз ва бечора кишиларга зулм ўтказар эди. Салоҳиддиннинг шахсан ўзи унинг бошини танасидан жудо қилишга берган ваъдасини бажарди. У Қуддусга ҳужум қилиб, салкам юз йилдан бери насронийлар тасарруфида бўлиб келаётган шаҳарни ҳам босиб олди. Готфрей Буиллондан фарқли равишда у ҳеч кимни қатл эттирмади. Шундан кейин Қуддус қироллигининг насронийларга қарашли Антиох, Триполи ва Тир шаҳарларидан бошқа қисмларини ҳам ўзиники қилиб олди.

1150 йилларнинг бошида Фаластиндаги салибчи давлатларнинг аҳволи бирмунча яхшиланди: 1153 йили улар Асқалонни эгаллашга муваффақ бўлишди. Аммо 1170 йилларга келиб янги хатар билан рўбарў келишди: 1176 йили Мисрнинг янги султони Салоҳиддин Сурияни ўзига бўйсундирди ва салибчилар унинг ҳукмронлиги ҳалқаси ичида қолдилар. 1187 йили Қуддус қироллигининг энг йирик феодалларидан бири Рено Шатийонский Салоҳиддиннинг сингиси келаётган карвонни қўлга киритади, бу эса султоннинг насроний давлатига ҳужум қилишига сабаб бўлади. 1187 йил июнида мисрликлар Геннисарет кўли яқинида рицарларга бир қатор талофатлар етказишади. 5 июлда эса Хиттин ёнида уларнинг асосий кучларини тор-мор қилишади. 19 сентябрда Салоҳиддин Қуддусни қамал қилади ва 2 октябрда

уни таслим этишга муваффақ бўлади. Сўнг у Асқалон, Акра, Тивериаду ва Байрутни, Тараблус графлигининг бир қисмини ва Антиох князлигини эгаллайди.

Салибчиларнинг ярим ёввойи лашкари сарҳадлари Фаластиндан Антиохия (ҳозирги Туркиянинг жанубий-шарқий қисмидаги Антиокия шаҳри)гача чўзилиб кетган Қуддус подшоҳлигини ташкил этиб, Қуддусни ўз пойтахтларига айлантирди. Бироқ муқаддас Фаластин ерларига даҳшат ва қайгу-алам олиб келган бебош салибчиларнинг ҳукмронлиги узоқ давом этиши мумкин эмас эди. Таниқли саркарда, Миср султони Салоҳиддин Айюбий Яқин Шарқдаги барча мусулмон амирликларини бирлаштириб, 1187 йил 3 июлда Жалила (Генисарет) кўлидан гарбдаги Хиттин қишлоғи яқинида бўлган жангда салибчиларнинг қўшинларига қақшатқич зарба берди. Жангдан сўнг салибчилар қўшинларининг икки бош қўмондони Рено Шатильонский ва қирол Ги Салоҳиддин Айюбийнинг ҳузурига олиб келинди. Суддан кейин мусулмонларни қийноққа солиш ва қиргин қилиш билан ном чиқарган Рено Шатильонскийни қатл қилишга қарор қилинди. Қирол Гини эса, айби бўлмаганлиги учун озод қилиб юбордилар. Фаластин одамлар орасидаги чинакам адолатли муносабатга яна бир карра гувоҳ бўлди.

1190 йили Филипп Иккинчи Август ва Ричард Биринчи ўз қўшинларини Мессина (Сицилия)да жамлашди. Аммо улар ўртасида юзага келган низо салибчиларнинг кучи бўлинишига олиб келди. 1191 йилнинг мартада французлар Сицилияни тарк этишди ва тез орада Акрани қамал қилган немисларга қўшилишди. Уларга византиялик Исааку Комнин сулоласига тегишли Кипрни йўл-йўлакай забт этган англияликлар эргашишди. 1191 йил июнда улар Акра яқинига жойлашишди. Бир неча

ҳафтадан сўнг қалъа таслим бўлди. Ричард Биринчи билан юзага келган янги низо Филипп II Августни ўз қўшинини Фаластиндан олиб чиқиб кетишига мажбур қилди. 1191 йилнинг иккинчи ярми – 1192 йилнинг биринчи ярмида Ричард Биринчи Салоҳиддинга қарши бир неча ҳарбий операцияларни амалга оширди, аммо бирор муваффақиятга эришолмади: унинг Қуддусни забт этишга бўлган уч уриниши ҳам барбод бўлди. 1192 йилнинг сентябрида у Миср султони билан тинчлик суҳби тузди, унга кўра насронийлар Яффадан Тиргача бўлган соҳилбўйи ҳудудларни қайтариб олишди. Мусулмонлар Аскалонни вайрон қилиш мажбуриятини олишди, аммо Қуддусни ўзларида сақлаб қолишди. 1192 йилнинг 9 октябрида инглиз қўшинлари Фаластинни тарк этишди. Ричард Биринчи Кипрни мустақил Кипр қиролигига (1192–1489) асос солган Қуддуснинг собиқ қироли Ги де Лузиньянга инъом этди.

## УЛКАН САЛТАНАТ ОРЗУСИДА

Уша пайтларда аббосийлар халифалиги бир неча майда давлатларга парчаланиб кетган, Мисрни бошқараётган фотимийлар Бағдоддаги халифага бўйсунмасди. Салибчилар Ўрта ер денгизининг Кичик Осиёдан Синай ярим оролигача бўлган соҳилларини эгаллаб олишганди. Нуриддин Занжий эса Шом ва Бобилни назорат қиларди.

Имодиддин Занжийнинг вафотидан сўнг, 1146 йили Айюб Дамашққа кўчиб ўтди. Бу ерда унинг таъсири кучайиб кетди ва шунинг натижасида 1154 йили ўғли Нуриддин ҳокимият тепасига келди. У Айюбни мусулмон маданияти ва исломий илмларнинг машҳур

маркази бўлган Дамашқ волийи этиб тайинлади. Салоҳиддин бу ерда чуқур таълим олди, унинг катта олим бўлиб етишиши кутилаётган эди. Аммо улғайгач, Аллоҳнинг иродасига кўра ҳарбий соҳага кўнгили қўйди. У Нуриддин ўраусидаги энг яхши аскарлардан эди.

1164 йили амакиси Ширкуҳ Мисрга юборилганида ёш зобит Салоҳиддин унга ҳамроҳлик қилди. Ширкуҳ ва Салоҳиддиннинг ҳарбий ва сиёсий ҳаракатлари натижасида салибчиларнинг қўшинлари ва уларнинг иттифоқчилари Миср кетишга мажбур бўлишди. Ширкуҳ фотимий халифа саройида вазирликка тайинланди, айти пайтда у Нуриддинга ҳам содиқлигича қолди: қўлга киритилган ерларда унинг номидан ҳукмдорлик қилар эди.

Ҳижрий 564 (милодий 1169) йили Айюбнинг акаси Асаиддин Ширкуҳ фотимийлар сулоласининг охириги халифасини тахтдан тушириб, Мисрдаги ҳокимиятни тўла қўлга киритди. Ширкуҳ орадан кўп ўтмай вафот этгач, қўшинлар унинг жияни Салоҳиддинни ворис сифатида тан олишди. Дамашқнинг ўша вақтдаги амири Нуриддин Мисрда ҳокимиятни шиа эътиқодидаги Адидга топширди. Бироқ кутилмаганда, Адид бу рутбадан Салоҳиддин фойдасига воз кечди.

Шиа мазҳабидаги халифа Адиднинг нега сунний Салоҳиддинни ҳукмдорликка танлагани ҳанузгача мавҳум қолиб келяпти. Ибн Асирнинг таъкидлашича, ўз маслаҳатчиларининг “Салоҳиддиндан бошқа бўшроқ ва ёшроқ киши йўқлиги” ва “амирлардан бирортаси унга хизмат қилмаслиги” ҳақидаги ҳикояларидан сўнг халифа айнан уни танлаган бўлиши мумкин. Шу боис бир неча музокаралардан сўнг амирларнинг кўпчилиги Салоҳиддинга овоз берди. Адиднинг маслаҳатчилари шу йўл билан занжийлар сафини пароканда қилиб юборишни режалаштирган эди.

Аммо Ваҳронийнинг ёзишича, Салоҳиддин номзо-ди оиласининг обрў-эътибори, уларнинг олижаноблиги ва ҳарбий шавкати сабабли танланган эди. Имодиддин таъкидлайдики, Ширкуҳнинг таъзиясидан кейин “фикрлар иккига бўлиниб қолди: занжий халифалар тахтга Салоҳиддинни ўтқозиш, халифа Адидни “вазирликка тушириш” таклифини қўллашди”. Вазият икки мусулмон раҳнамонинг рақобати туфайли хийла мушуқлашган эса-да, Шом ҳукмдорларининг асосий қисми Салоҳиддиннинг Миср юришларидаги зафарларини, бунда унинг катта ҳарбий тажриба орттирганини қўлаб-қувватлашарди.

Баъзи тахминларга кўра, Адиднинг бу қарорга келишига унинг Салоҳиддинни заиф ва ўзига ишончи бўлмаган саркарда сифатида билгани сабаб бўлган. Адид бу орқали кейинчалик ёш ва тажрибасиз Салоҳиддин устидан ҳукмронлик қилишни, аста-секин унинг қўл остидаги жангчиларни ўзига бўйсундириб олишни кўзлаган бўлиши мумкин. Дарвоқе, Салоҳиддин охириги фотимий халифа Адидга олижаноблик билан муносабатда бўлиб, вафотигача – икки йил мобайнида унга кўп марҳаматлар кўрсатиб турди.

Милодий 1171 йили Адид вафот этгач, Салоҳиддин Мисрда тўлиқ ҳокимиятни қўлга киритиб, юртда аҳли сунна эътиқодини бирламчи ўринга кўтарди. Гарчи ҳокимият тўлиғича султоннинг қўлида бўлса-да, у расман Нуриддиннинг минтақадаги волийси бўлиб қолмоқда эди. Шундай бўлишига қарамай, Салоҳиддин Қуддус шаҳар қўргонига ҳужум қилишга қарор қилди. Бундан хабар топган Нуриддин ўз норозилигини билдиради. Салоҳиддин эса ўз қўшинини ортга қайтаришга мажбур бўлади. Шом амири кейинчалик ўтган иш учун узр сўраган бўлса-да, икки саркарда ўртасидаги муносабатга путур етиб бўлганди. 1173 йили Салоҳиддиннинг ота-

си вафот этгач, Нуриддин Миср томон ҳарбий юришни бошлайди. Миср қўмондони эса зудлик билан Қоҳирада аскар тўплайди. Бироқ, Мисрга яқинлашиб қолган амир Нуриддиннинг йўлда вафот этиши Салоҳиддинга тўлиқ мустақилликни олиб келади. Энди унинг олдида икки йўл: Шомга юриш қилиб, Сурия ва унинг атрофидаги ерларни бўйсундириш ёки салибчилар қўл остида қолган Қуддусга отланиб, уни душмандан халос қилиш вазифаси турарди.

Нуриддин Занжий вафоти олдидан Дамашқни ўғли Солиҳ Исмоилга топширди. Ҳалаб қалъаси Шамсуддин Али ибн Дайа ва Шодбахт Али ибн Дайа томонидан босиб олинди. Солиҳ Дамашқдан чиқиб, Ҳалабга қараб юрди ва муҳаррам ойининг 2-куни (1174 йил 3 августда) шаҳар деворлари остига етиб келди. Уни амир Саъдуддин Гумуштекин кузатиб келганди. Ҳалаб амири Бадриддин Солиҳни қаршилаш учун ташқарига чиқди ва Саъдуддинни қўлга туширди. Солиҳ эса қалъага бостириб кириб, Шамсуддин ибн Дайа ва унинг акаси Ҳасанни ҳибсга олиб, Шодбахт билан учовини қамоққа ташлади. Уша куни Ибн Хашаб Абул Фазл Ҳалабни қамраган тартибсизликлар чоғида ҳалок бўлди. Айтишларича, Дайанинг икки ўғлининг қамоққа олиниши олдидан ўлдирилган экан. Тахминларга кўра, ана шу икки ўғил Ибн Хашабнинг қотили.

Султон Нуриддиннинг ўлимига ишонч ҳосил қилганидан кейин ҳамда ёш амир Солиҳнинг давлат ишлари ва муаммолари билан шугулланишга ярамаслиги, мамлакатдан Аллоҳнинг душманларини қувиб чиқаришга умуман яроқсизлигини тушуниб етганидан сўнг, Салоҳиддин бутун мусулмонларнинг юраги бўлган Шом сари юришга тайёргарлик кўра бошлади. У катта бир қўшин билан Шомга отланди. Аммо мамлакатини ҳимоя қи-

лиш, унда тартиб ва ҳокимият обрусини сақлаш мақсадида Мисрда ҳам етарли лашкар қолдирган эди. Султон билан бирга жуда кўп қариндошлари ва хизматкорлари ҳам йўлга чиққанди.

Салоҳиддин ёш амир Солиҳга тарафдор бўлган, тарқоқ ҳолдаликлари учун аниқ режа туза олмаган Шом амирлари ва аҳолисига номалар юборди. Дамашқда адолат издан чиққан, одамлар ҳатто қўшнисига ҳам ишонмас, айримлар ўртоқлари томонидан ҳибсга олинган эди. Бу ҳолат бошқаларнинг кўнглига қўрқув-хавотир солган, одамлар қалбини ёш амирдан совутиб юборган эди. Ҳолатнинг бундай тус олиши Солиҳнинг валийси бўлган Шамсуддин ибн Муқаддамни шиддат билан келаётган Султонга мактуб йўллаб, Солиҳни ўзига беришларини талаб қилди. Бу орқали у амир тарбияси билан шугулланиш, мамлакатни бошқариш, тартиб ўрнатиш билан шахсан ўзи шугулланишини маълум қилганди.

Салоҳиддин Дамашққа юриш қилиб, собиқ амирнинг ворислари ўртасида кечаётган низога чек қўйиши ва осонлик билан ҳокимиятни ўз қўлига олиши мумкин эди. Бироқ унинг тақвоси, Ислом тарихидан ўқиб билганлари сабаб мусулмонлар устига юриш қилишга ҳаё қилди. Саркарда шуни ҳам билардики, агар у Дамашққа юриш қилса, ҳақиқий душманлари бўлган салибчилар нигоҳида шарафсизга айланарди. Шунда у Нуриддиннинг меросхўри бўлган ўн бир ёшли Солиҳ ибн Нуриддинга мактуб йўллайди. Номада Салоҳиддин ёш амирнинг “қиличи” бўлишга ваъда бериб, унга ўз ҳимоясини таклиф этади.

Айни вақтда Ҳалаб шаҳрига душманларнинг ҳужуми юз беради. Бу вақтда Солиҳ ибн Нуриддин Ҳалабда бўлиб турганди. Салоҳиддин зудлик билан ўзининг энг ишонган, хос 700 нафар отлиқ жангчисини Ҳалабнинг асосий қисмига бошлаб борди ва ғалабага эришди. У

шаҳарни душманлардан озод қилгач, аввал Нуриддиннинг қўл остида бўлган Ҳомс аҳли ҳам Салоҳиддинга содиқлик изҳор қилади. Унинг бу муваффақиятларига қўшинидаги мамлуклардан ташкил топган отлик-камончи қисмнинг ҳиссаси катта эди. Шомда аста-секинлик билан Салоҳиддиннинг нуфузи орта бошлади. 1176 йил Дамашқдан Қоҳирага қайтар экан, буюк саркарда ўз қўл остида минтақадаги мусулмон султон, амир ва бошқа катта-кичик қўмондонларни жамлаб бўлганди. Эндликда у мавқеи ва нуфузи борасида Қуддус қиролиги билан тенг ҳолатга етиб келганди.

Шу тариқа Салоҳиддин мусулмонларни салибчиларга қарши бирлаштира олди. Шом узра ҳокимиятини ўрнатгач, у фақатгина Қуддусни ислом душманларидан озод қилиш ҳақида фикр юрита бошлади. Бу борадаги ҳаракатларнинг тезлашиб кетишига қачонлардир Салоҳиддиннинг ўзи асирликдан озод этиб, қўйиб юборган Арнаут шаҳзодаси Рено де Шатилийоннинг қилмиши сабаб бўлди.

Салоҳиддин ҳокимиятни ўз қўлига олгач, ўзини қатъиятли саркарда сифатида кўрсата олди. Илк кунларда ноқ салибчиларга қарши юриш бошлади ва мусулмон кемалари учун хавф бўлиб турган Эйлат қалъасини қўлга киритди. Катта ҳокимиятни эгаллаб олган Салоҳиддин Нуриддин Занжий ҳокимиятидан тамоман мустақил бўлишга ҳаракат қилди. Танобини тортиб қўйиш учун Нуриддин унга қарши юришга тайёргарлик кўра бошлади, ammo 1174 йили туйқусдан вафот этди.

Шундан кейин Шом фатҳлари бошланиб кетди. Салоҳиддин раҳбарлигидаги яхши таълим олган мунтазам ўрау Сурияга кириб борди. Нуриддин ворисликка тайинлаган ёш ва иқтидорсиз волий вазифасидан четлатилиб, Салоҳиддин султонлик рутбасини олди.

1174 йили бўлган тўнтаришдан сўнг Салоҳиддин айюбийлар сулоласини тузди. Энг муҳим мансабларга у қариндошлари ёки яқин дўстларини тайинлади. У ўрдусини кучайтириб, кемалар флотини ҳам анча яхшилади. Мунтазам ўрду таркибига отлиқ камончилар ва найзакашлар киртилдики, бу кейинчалик катта зафарларни қўлга киритишда муҳим омил бўлди.

Сўнгги ўн йилликлар султон салтанатига ён-атрофдаги худудларни қўшиб олиш учун кураш билан ўтди. 1174 йили Ҳимс, Ҳом ва Дамашқ қўлга киритилди, орадан бир йил ўтиб Баалбек ва Ҳалаб султонликка қўшиб олинди. Яна бир йилдан сўнг Мусуллик Сайфиддин мусуллик қўшинлари Холма ёнида тор-мор қилиниб, суриялик ассасинлар билан сулҳ шартномаси тузилди. 1182 йилдан бошлаб уч сана мобайнида Мусул қамали бўлди. Бунинг натижасида Мусул отабеки Изиддин Салоҳиддиннинг ҳукмдорлигини тан олиб, унга содиқлик қасамёдини қилди.

Салоҳиддин ўн икки йил ичида Миср, Шом ва унча катта бўлмаган бир қатор Бобил давлатларини бирлаштирган бутун бир салтанатни тузди. Энди Салоҳиддин олдида яна бир муҳим вазифа: салибчиларни Фаластиндан ҳайдаб чиқариш қолган эди.

Ҳижрий 583 (милодий 1187) йили Салоҳиддин йигирма минглик қўшин билан Фаластинга қараб юриш бошлади. Шу йили ёзда бўлган Хиттин яқинидаги жангда Салоҳиддин қуддуслик ва триполилик насронийлар устидан ғалаба қозониб, Ислом шавкатини дунёга намойиш этди. Бунинг натижасида у Фаластиннинг каттагина қисмини, Акра ва Асқалон шаҳарларини эгаллаб олди ва 1187 йилнинг 2 октябрида Қуддусни қўлга киритди. У Қуддусда салкам тўқсон йилдан буён яшаб келатган насронийларни шаҳардан қувиб чиқарди ва мусулмонлар ҳукмронлигини ўрнатди.

Бироқ саркарданинг Тир шаҳрини қўлга кирита олмагани унинг энг катта стратегик хатоси эди. Тир насронийларнинг қудратли таянчи эди ва улар бу ерда Оврупадан янги кучларнинг ёрдамга келишини кутишарди.

1189 йилнинг июнида салибчилар Акра шаҳрини қамал қилишни бошлади. Кейинчалик Ричард Шерюрак деб атала бошлаган Англия қироли Ричард Биринчининг қўшинлари келиши билан учинчи салиб юриши бошланиб кетди. Бир ҳафтадан сўнг етиб келган инглиз қўшинлари Акра яқинига етиб келишди ва улар қамалдаги шаҳарга ёрдамга келган Салоҳиддин қўшинларини ҳайдаб юборишди.

Ёзнинг жазирама кунларида шаҳар насронийларга таслим бўлди. Ричарднинг қўшинлари Асқалонга ҳужумни давом эттирди ва Арсуфда катта галабани қўлга киритди. Жанг шиддатли, мусулмонларга ўта ноқулай ҳолатда кечди. Унда Ричард қўшинларидан бор-йўғи етти юз кишига талафот берилгани ҳолда Салоҳиддин лашкарлари ўн баравар кўп, етти минг аскардан ажради.

Кейинги 1191 ва 1192 йилларда Ричард Биринчи Салоҳиддинни таъқиб қилишни давом эттирди, бироқ у очиқ тўқнашувлардан ўзини олиб қочар, ортга чекинаётганида эса усталик билан душманнинг озиқ-овқат захираларини, отларнинг емини йўқ қилар, қудуқлар сувини заҳарлаб кетар эди. Шунда Ричард Қуддусни қамал қилиш ниятидан воз кечди, бу нарса бутун лашкарнинг қирилиб кетишига сабаб бўлиши мумкин эди. Шуни ҳисобга олиб, Ричард 1192 йилнинг 2 сентябрида Салоҳиддин билан уч йил муддатга сулҳ тузишга қарор қилди. Шартномага кўра, Қуддус Салоҳиддиннинг қўл остида қоладиган бўлди. Бу эса саркарданинг ҳеч шубҳасиз улуғ зафари эди. Шундан кейин Ричард Оврупага Салоҳиддин эса Дамашққа қайтишга қарор қилди.

## ЖАСУРЛИК ВА ШИЖОАТ ТИМСОЛИ

Салоҳиддиннинг саркардалик фаолиятини уч босқичга тақсимлаш мумкин: Мисрни эгаллаш (1164–1174), Шом ва Бобилни фатҳ қилиш (1174–1186), Қуддус қироллигини забт қилиш ва насронийларга қарши бошқа юришлар (1187–1192).

1169 йили Салоҳиддин амирлик вазифасига ўтирар экан, одатда ҳукмдорларга хос бўлган шароб ичиш, кўнгилхушлик қилиш ва бошқа фисқ ишлардан тамомила юз ўгириб, динни маҳкам тутди. У ўз ҳаётидаги катта мансаб ва мустақилликни қўлга киритганига қарамай, Адид билан Нуриддиннинг қай бирига кўпроқ садоқат кўрсатиш кераклиги муаммосига дуч келди. Нуриддин эса Салоҳиддиннинг катта мансабга тайинланишига қарши бўлиб, “Менинг буйруғимсиз бирор ишни қилишга қандай ҳадди сиғди?” деб гижинарди.

Уша йили Мисрнинг бир гуруҳ аскар ва амирлари Салоҳиддинни ўлдириш режасини тузишди, аммо унинг айғоқчилари бошлиғи Али ибн Суфённинг ҳаракатлари туфайли бош фитначи – суданлик бичилган қул, фотимийларнинг ҳарам оғаси Ножи Муътамин Хилофа ҳибсга олиниб, ўлдирилди. Эртасига саройдаги манфаатларини Ножи ҳимоя қилиб юрган эллик мингдан ортиқ суданликлар Салоҳиддинга қарши исён кўтарди. Кўп ўтмай исён бостирилди, шундан кейин Салоҳиддинга қарши ҳеч қандай куч исён қилишга ботинолмади.

Шу йилнинг охирига бориб Салоҳиддин Димят яқинида Нуриддин ёрдамида салибчилар ва византияликларга қарши қақшатқич зарба берди. Шундан кейин Салоҳиддин Мисрда катта мансабларни оила аъзоларига тақсимлаб бериб, ҳокимияти ва суннийлик таъсирини мустаҳкамлади. У Қоҳирада моликий мазҳабининг шўъ-

басини очди, бу эса Фустатда шофеъийлик мазҳабининг таъсирини камайтиришга олиб келди. Мисрда маҳкам ўрнашиб олгач Салоҳиддин 1170 йили салибчиларга қарши юриш қилиб, Дорумни ишғол қилди. Салибчилар раҳнамоси Амори Биринчи Дорумни ҳимоя қилиш учун Ғазодаги аскарларини олиб келди, бундан фойдаланган Салоҳиддин Дорумдан чекиниб, Ғазони эгаллаб олди. Тахминан ўша йили у мусулмонларга қарашли кемаларнинг бежавотир ўтишига тўсқинлик қилиб келаётган Эйлат қалъасига ҳужум уюштириб, уни ҳам қўлга киритди.

1171 йилнинг кузида Адид бетоб бўлиб қолди (балки, захарлашгандир). У Салоҳиддин билан кўришишни, ундан фарзандлари ҳақида ғамхўрлик қилиш ваъдасини олишни истади. Аммо Салоҳиддин аббосийларнинг назаридан қолмаслик учун Адид билан учрашувни рад этди. Кейинчалик унинг ниятини билганидан сўнг, қилган ишига қаттиқ афсусланди. Адид 13 сентябр куни вафот этди ва беш кундан сўнг жума намози хутбасида Мустадийнинг номини тилга олишни уламоларга буюрди. Бу шиалар халифалигини ҳокимиятдан четлатишни англатарди. Ўша пайтдан бошлаб Салоҳиддин Мисрнинг ҳукмдорига айланди. Ваҳоланки, у расман Бағдод халифалиги тан олган амир Нуриддиннинг бу минтақадаги ноиби саналарди.

“Парвардигор жасурликни ҳатто илон ўлдиришда бўлса ҳам суюди” деган ҳикмат бор. Султон Салоҳиддин жасурларнинг жасури эди: унинг ирода кучлилиги, мардлик табиати, ҳеч нарсадан қўрқмаслик сифатлари бошқалардан ажратиб турарди. Бу фазилатлари ҳақида Султоннинг ёнида юриб, юришларини батафсил ёзиб борган қози Абул Маҳосин Баҳоуддин (Ибн Шаддо) шундай сатрларни қолдирган:

“Мен унинг франклар (салибчилар) билан бўлган илк жанглрдаги ҳолатини кузатганман. Душманига тиним-

сиз ёрдам келар, сон-саноқсиз лашкар қўшилиб борарди. Бу хатарли манзара Салоҳиддинни асло хавотирга солмас, аксинча унинг жасорати ва шижоатини мустаҳкамларди. Бир куни кечқурун соҳилга етмишдан ортиқ душман кемаси лангар ташлади. Уларнинг сонини ҳисоблаб чиқиш учун аср билан шом намози орасидаги вақтим етмади. Бу ҳолат ҳар қандай одамни ваҳимага солиши мумкин эди, аммо Салоҳиддин пинагини бузмади, ҳатто иродаси янада қатъийлашди.

Яна бир воқеа ёмғир мавсуми бошланганида Султон қўшинга дам бериб, кичикроқ бир гуруҳ билан душманининг йирик лашкари қаршисида қолганида содир бўлганди. Сулҳ тузилганида соҳилбўйи ҳукмдорларидан Балиян ибн Барзан султон ҳузурида ўтирган эди. Мен ундан қўшинининг сони қанчалигини сўрадим. Тилмоч унинг жавобини таржима қилиб берди: “Ҳукмдор Сидон ва мен Акрани қамал қилиб турган қўшинга қўшилиб олиш учун Тирни тарк этганимизда тепалик устида туриб, лашкар сонини аниқламоқчи бўлдик. Ҳукмдор Сидон уларни беш юз минг деди, мен олти юз минг дедим”. Ундан қанча талафот берганини сўрадим. Унинг жавоби шундай бўлди: “Жанг майдонида юз минг одамдан ажрадик, қанчаси касалликдан, қанчаси чўкиб ўлгани ёлғиз Худога аён”. Ушанда ана шу кўп сонли ўрдудан саноқли кишигина ватанига қайтишга эришди.

Биз аста-секин душмани ўрай бошлаганимизда султон кунига бир-икки марта хуфяларнинг ганим ўрдусининг аҳволи ҳақида маълумот тўплаб келишларини талаб қиларди. Жангнинг авжи қизгин палласида эса олишувнинг икки қанотига бориб-келишни одат қилганди, бунда ёш аскар йигит унинг отини етаклаб борарди. У жангчиларнинг ҳолатини кузатар, уларни зафарга руҳлантирар, қаерда танглик юзага келса, бошқа қанотдаги аскарлардан ўша жойга ёрдамга ташларди.

Бир куни қўшинлар орасида юрганида ўзига ҳадислардан ўқиб беришларини сўраб қолди. Мен унга “ҳадисларни муборак ва тинч жойларда ўқилгани маъқул, икки урушаётган қўшин орасида уларни айтиш тўғри бўлармикин”, дедим-у, аммо бунинг ортидан “Агар ҳукмдоримизга бу нарса маъқул экан, унда рози бўламиз” деб қўшиб қўйдим. У гапларимни диққат билан эшитди. Кейин ҳадислар китобини келтиришиб, бир илмли киши султонга ўқиб бера бошлади. Аскарлар отлар устида гоҳ олдинга, гоҳ ортга боғриб-келишар экан, Пайгамбар алайҳиссалом ҳадисларини диққат билан эшитишни ҳам қанда қилишмасди.

Мен бирор марта Салоҳиддин Айюбийнинг душман лашкарининг сони ёки куч-қудрати юзасидан қўрқув ва хавотирга тушганини эшитмаганман. У жанг чоғида ўз фикрлари билан бандлигига қарамай, муҳорабанинг барча режаларини диққат билан тинглар, унинг афзалликларини эҳтиросга берилмай муҳокама қилар, бунда асло ўзини йўқотиб, эсанкираб қолмасди. Ҳатто Акра текислигида бўлган улкан жангда мусулмонлар ўрдуси деярли тор-мор қилиб ташланганда ҳам, қўшин марказидагилар ногора ва байроқларни ташлаб қочишга тушганида ҳам атрофида бир нечагина сафдошлари қолган султон эгаллаб турган жойидан асло чекинмади. Ниҳоят, у баланд тепаликка чиқиб олди ва қолган-қутган одамларини тўплади. Унинг шерикларига қилган ўринли таъна-маломатлари уларни шунчалик мулзам қилдики, охири унинг етакчилигида яна жангга кириб кетишдан бошқа чоралари қолмади. Натижада, мусулмонлар ушбу жангда зафар қозонишди. Душман етти минг пиёда ва отлиқ жангчисини бой берди.

Султон муҳорабани давом эттириш истагида эди, аммо душманнинг кучлилиги, мусулмонларнинг заифлигини сезиб, пировардида ғанимларининг сулҳ тузиш

ҳақидаги таклифига кўнди. Гап шунда эдики, душман бизга қараганда қаттиқ чарчаган, кўп қурбон берганди. Улар ўзларига ёрдам келишини ҳам кутишаётганди, аммо биз бу имкониятдан маҳрум эдик. Шунинг учун бу сулҳ тузилишидан фойда кўрардик. Бу ҳақиқат айниқса тақдирнинг бизга тайёрлаб турган ёзуқларини кўрсатганида тушунарли бўлди. Чунки ўша пайтда султон тез-тез хасталанар, шиддатли оғриқдан азобланар эди. Шунга қарамай, у жанг майдонини тарк этишни истамасди. Ҳар бир ўрду душман томон ёққан гулханларни кўриб турарди. Биз уларнинг қўнғироқлари овозини эшитар, уларнинг қулоғига эса бизларнинг азонларимиз етиб борарди. Бундай ҳолат маълум вақтгача давом этди, кейин ҳаммаси рисоладагидай якун топди, Аллоҳга мақтовларимиз бўлсин!”

## ХИТТИН МУҲОРАБАСИ

Айюбийлар давлати расман аббосийлар халифалигининг бир қисми ҳисобланса-да, (чунки хутбаларда айнан шу сулола вакиллари тилга олинарди), аслида бошданоқ мустақил давлат ҳисобланган. Ўша даврда Яқин Шарқ мусулмонларининг асосий душмани салибчилар, биринчи навбатда, Қуддус қиролиги эди. Бу вақтга келиб у ерда собиқ қирол Болдвин Тўртинчининг синглисига уйланган Гвидо Лузинян ҳукмдор бўлиб қолди. Ваҳоланки, Триполи графи Раймонд салибчилар орасида энг обрўлиси саналарди.

Аввал айтилганидек, Салоҳиддин Мисрда салибчиларга қарши муваффақиятли уруш олиб борди. Бу тажриба унга Фаластинда жанг қилишда ҳам ёрдам берди. Шунини таъкидлаш лозимки, айюбийларнинг қўшинлари

ўз душманлари устидан бирданига ғалаба қозонган эмас, бунгача улар бир неча марта мағлубиятга учрашган эди. Аммо ҳар гал янгидан куч тўплаб, яна олға ҳаракатни бошлаб юборишарди.

Салоҳиддиннинг ҳарбий юришларда бандлигидан фойдаланган католик салибчилар ўртадаги сулҳни бузиб, Хомга ҳужум уюштиришди. Улар мағлубиятга учраб, Харим қалъасига қайтишди, у ерда ҳам салибчиларни муваффақиятсизлик кутиб турган эди. 575 йили улар Шерни дарёси соҳилларида Салоҳиддин қўшинларига қарши жон-жаҳдлари билан ташланишди, бироқ салибчилар Маржи-Уюн учун бўлган жангларда яна Салоҳиддин томонидан тор-мор қилинди. Хижрий 577 йили Ҳалаб ҳукмдори Одил Исмоил вафот этгач, Салоҳиддин унинг ерларини ўз давлатига қўшиб олди. Шундай қилиб, Фаласстиндаги насронийлар қироллиги атрофидаги барча ерлар айюбийлар давлати таркибига киритилди.

Ўша даврларда Ақобанинг (Ўрдуннинг Қизил денгиз соҳилидаги порти) насроний ҳукмдори Рене де Шатийон ҳажга кетаётган бир гуруҳ ҳожиларни ушлаб қолди. Бунинг хабарини эшитган Салоҳиддин зудлик билан қўшинни тўплаб, де Шатийон ўрдусига жўнади. Натижасида Салоҳиддин бошчилигидаги мусулмонларнинг Хиттин яқинидаги жангда машҳур ва ҳалокатли ғалабани қўлга киритди.

Ҳал қилувчи жанг Хиттин тепалигида бўлиб ўтди. Салибчилар сув ва соясиз саҳрода қийин аҳволда қолганди. Бундан унумли фойдаланган қўшин душманга қақшатқич зарба берди ва Қуддус фатҳ этилди. Қирол ва унинг кўплаб содиқ рицарлари асирга олинди. Эйтиборли жиҳати, Салоҳиддин асирларнинг аксарига яхши муомала қилди. Фақатгина исломнинг ашаддий душманлари бўлган тамплиерлар ва ионитларга шафқат қилмади. Улар қатл қилинди.

Одатда, Салоҳиддин муҳим жанглари жума намо-  
зини адо этгандан кейин бошларди. Ўша кунги дуо-ил-  
тижолар ижобат бўлиб, унинг қўшини ҳамиша зафар  
қозонарди. Бу гал ҳам шундай бўлди: мусулмон жангчи-  
лар жума намозидан сўнг жангга отланишди. Улар ҳар  
сонияда душманга ташланишга тайёр эдилар. Ўз хуфяла-  
ри орқали Салоҳиддиннинг қўшин тортиб келаётганидан  
воқиф бўлган насронийлар Саффария текисликларида  
қўшинни тўплаб, жангга шай турарди. Бу Хиттиндан ўн  
олти чақирим нарида эди. Салоҳиддин эса Тивериада  
кўли соҳилида, Сабира деган қишлоқда жойлашган эди. У  
насронийларнинг ҳужум қилишини кутиб турарди, аммо  
дushman томон жойидан жилмасди. Душманининг нима-  
нидир кутаётганини сезган саркарда пиёдалар қўшинини  
Тивериада сари йўллаб, ўзи суворийлар сарияси (отря-  
ди) билан йўлга тушди. У шаҳарга ҳужум қилиб, бир соат  
ичидаёқ уни батамом эгаллади, душман аскарларини маҳв  
этиб, уларини вайрон қилди, молларини ўлжага олди.

Мусулмонлардан енгилар бошлаган насронийлар  
бор кучларини тўплаб, Хиттиндан уч чақирим нари-  
даги Лубя қишлоғида яна Салоҳиддини ўрдуси билан  
тўқнашди. Жанг ярим тунгача давом этди. Ўша тун ҳақ  
билан ботил курашининг чўққиси бўлди: мусулмонлар-  
нинг ҳам аҳволи танг. Ортларида Ўрдун, олдиларида эса  
дushman ерлари, бу ҳолатдан уларни фақат Аллоҳ қутқа-  
риши мумкин эди, холос.

Ҳақиқатан, Аллоҳ кофир қўшиннинг қалбига кўрқув  
солди. Мусулмонларнинг пиёда қўшинлари икки ёндан  
ҳужумга ўтар, марказдагилар баланд овоздаги такбир  
билан бир жон-бир тан бўлиб олишарди. Мусулмон қў-  
шинлари салибчиларнинг суворийларини пиёда қўшин-  
лардан ажратиб юборишга муваффақ бўлишди, кейин уни  
бутунлай тор-мор қилишди. Жангнинг самараси ниҳоят-

да улкан эди – унда ҳатто Қуддус қиролининг ўзи ҳам асир олинганди. Граф Раймон Триполийлик диндошлари устига бало ёпирилиб келаётганини кўриб, ваҳимага тушди. Қўшинни ўз ҳолига ташлаб, жонини асраб қолиш учун жанг майдонини ташлаб, Тир шаҳрига қочиб қолди. Шуниси қизиқки, кейинчалик унинг ҳарбий ҳаракатларда қатнашмаслик ҳақидаги ваъдаси олинганидан сўнг, озод қилиб юборишди.

Хиттин яқинидаги жанг мусулмон ўрдусининг жанговарлиги, стратегик жиҳатдан пухта режа тузгани ва жангчиларнинг ғалабага бўлган юксак иштиёқини намоён этди. Мусулмонлар мушрик ва кофирларга қарши қақшатқич равишда урушар, уларни камон ўқлари ва қилич тиглари билан савалаб, кўз очиришмасди. Душман лашкарининг каттагина отряди жанг майдонидан қочишга тушди. Шунда мусулмонлар улар ортидан ташланиб, битта ҳам қолдирмай ер тишлатишди. Бошқа бир отряд эса Хиттин қишлоғидаги пайғамбар Шуъайб алайҳиссаломнинг қабри жойлашган тепаликка кўтарилиб, ўша ерда жон асрамоқчи бўлди. Аммо улар бу ерда ҳам омонлик топишмади.

Мусулмонлар душманларини ҳар томондан ҳалқа қилиб ўраб олиб, улар атрофига гулхан ёқа бошлади. Бу билан душман аскарларини оч ва ташна ҳолда қамал қилиб, таслим бўлишга мажбурламоқчи эдилар. Салоҳиддин қўшинлари насроний аскарларнинг етакчиларини асир олишди, қолганларини ё асир қилишди, ё ўлдиришди. Асир тушганлар орасида қирол Готфрид, қиролнинг акаси, шаҳзода Арнаут (Рено де Шатилийон), Керак ва Шубакнинг ҳукмдорлари, Тивериада ҳукмдори Раймон Триполиликнинг ўғли, Жубайл ҳукмдори каби юқори мартабали амалдорлар ва аслзодалар бор эди.

Мусулмонларнинг ушбу жангда ғалаба қозонишларининг сабаблари орасида ўрдунинг юксак ахлоқий руҳи, муваффақиятли ҳарбий-стратегик режалаш, Са-

лоҳиддиннинг дипломатик маҳорати ҳам бор. Салоҳиддин солибчиларнинг бир қисми билан шунақанги битим тузган эдики, бу билан уларни келгусидаги курашдан четлатиб қўйган эди.

Хиттиндаги ғалаба жуда улкан аҳамиятга эга бўлиб, янги ғалабаларга туртки берди. Хиттин зафари туфайли қуйидаги натижалар қўлга киритилди:

– 1187 йилнинг ўзида Қуддуси шариф ва Ислом оламининг учинчи муқаддас ибодатхонаси – “Масжидул-Ақсо” озод қилинди;

– ўрта асрлардаги энг катта мустамлакачилик ҳаракатларидан бири сифатида солибчилик тугатила бошланди;

– Яқин Шарқда Ислом дунёсининг парчаланиши ва таназзули ниҳоясига етди, ҳеч бўлмаганда мўғуллар босқинигача йиқилаёзган байроқни яна мамлук ҳукмдорлари тиклаб олишди;

– умматнинг турли хавф-хатарларга қарши туришида бирлик нақадар муҳимлиги тасдиқланди;

– ғалаба солибчиларнинг мустамлакачилик юришларидан сўнг қисман йўқотилган мусулмонларнинг шаън-обрўсини қайтариб берди;

– мусулмонларнинг шавкати ва қаҳрамонлиги туфайли уларнинг душманлари қалбига кўрқув ўрнашди, айти пайтда таҳсин ва чуқур эҳтиром уйғотди. Бу эса Салоҳиддин томонидан кўрсатилган олижаноблик, ҳимматлилик ва кенгбағирлик туфайли пайдо бўлган эдики, буларнинг ҳаммаси саркардани бутун дунёда, хоссатан, Оврупанинг ўзида тан олинган ва ҳурматланган ҳақиқий афсонавий шахсга айлантириб юборди.

## ҚУДДУСНИНГ ОЗОД ҚИЛИНИШИ

Қуддусни эгаллаш олдидан султон Салоҳиддин Айюбий лашқарига ушбу хитобни қилди: “Азиз қадрдонларим, ўн олтинчи ҳижрий сананинг рабиъул аввал ойини бир эсга олинг. Ушанда Амр ибн Ос (Аллоҳ ундан рози бўлсин) ва унинг сафдошлари Қуддусни кофирлардан озод қилишганди. Халифа Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу ҳам бу муқаддас заминга ташриф буюрди. Ушанда унга Билол ҳамроҳлик қилган эди. Одамлар Билолнинг азонини эшитишни исташарди, чунки Муҳаммад солаллоҳу алайҳи васалламнинг вафотларидан кейин у азон айтмай қўйганди. Аммо Билол ҳамон сукутда эди. У Масжидул Ақсога кирганида халифа Умар унга: “Эй Билол, Ақсо масжиди ҳам, Байтул Мақдис ҳам анчадан буён азон садоларига ташна эди, улар озод бўлганидан кейинги илк азонни чақирмайсанми?” деди. Билол Пайгамбаримиз алайҳиссаломнинг иртихолларидан кейинги биринчи азонни чақирди. Азон ортидан “Тувохлик бераманки, Муҳаммад Аллоҳнинг элчисидир” деган сўзларни айтганида, масжид деворлари тўпланганларнинг фиғон ва фарёдларидан титраб кетгандек бўлди.

Бугун эса Ақсо масжиди яна азон товушига ташна тугрибди. Тўқсон икки йилки, масжид деворлари муаззиннинг овозини эшитгани йўқ. Эслаб қолинглар, Ақсодан янграган азонни энди бутун дунё эшитади. Салибчилар бу чақириқни тўсиб қолишга уринишяпти, шунинг учун жазавага тушган ҳолда бизларга қарши чиқишяпти. Бу оддийгина муҳораба бўлмайди, биз тарихнинг бу саҳифаларини Амр ибн Ос ва унинг сафдошлари каби битамиз. Агар сизлар Парвардигорингизга ёруғ юз билан рўбарў бўлишни истасанглар, агар авлодларнинг қабрларингизни гуллар билан безашини хоҳласанглар, бундан йигирма йил олдин Нуриддин Занжий айнан шу мақсад

учун тайёрлатган мана бу минбарни Ақсо хонақоҳига ўрнатасизлар”.

Асқалон шахрини ва Қуддус атрофини душманларидан озод қилган Салоҳиддин энди бутун куч ва имкониятларини бу муқаддас шаҳарни салибчилардан халос қилишга қаратди. У соҳил атрофидаги ҳудудларда жанг қилиб, катта ўлжалар билан қайтган қўшинларини тўплаб, Қуддус шахри томон бошлади. У ушбу юришларда Аллоҳнинг мусулмонларни зафарга эриштиришига қаттиқ ишонар, ҳақнинг ботил устидан ғалаба қозонишини чин дилдан истарди.

Салоҳиддин салибчилар кучини қирқиш учун иқтисодий қуршов йўлидан унумли фойдаланди. Саркарда денгиз бўйлаб самарадор тижорат тизимини ярата олганди. 1187 йили Арнаут шаҳзодаси бағрида Салоҳиддиннинг синглиси бўлган кемалар карвонига ҳужум қилади. Бироқ анчайин узоқни кўра олувчи инсон саналадиган қаҳрамонимиз тажовузга тажовуз билан жавоб бергиси келмайди. У Қуддус қироли Гидо де Люзенянга айбдорларни жазолашни ва келтирилган зарарни қоплашни талаб қилиб, нома йўллайди. Унинг талаблари жавобсиз қолдирилгач Салоҳиддин Қуддусга юриш эълон қилади.

Ҳижрий 583 йилнинг 15-ражаб куни (милодий 1187 йилнинг 2 сентябри) у шаҳарнинг ғарб томонида қўшинларини жангга ҳозирлади. Аммо шаҳар пиёда ва отлиқ жангчиларга тўла, уларнинг сони олтмиш мингдан ошарди. Бундан ташқари шаҳарда аёллар ва болалар ҳам кўп эди. Шунинг учун султон шаҳарнинг шарқий томонига ўтиб, жангчиларини жойлаштирди. Унинг лашкарида ўқни беҳато отадиган минглаб камончилар бор эди. Улар ёрдамида султон шаҳарни шунчалик қамал қилиб олдики, душман соқчилари Жаҳаннам водийсига чиқадиган томондангина деворни тешиб, қутилиб қолишлари мумкин эди.

Бунинг устига қамал қилинган шаҳар аҳолиси очликдан ва тутундан қаттиқ қийналарди. Салоҳиддин шаҳар қалъаси атрофида қуруқ шохларни тутатиб, тутунини шаҳарга ҳайдар, бу эса аскарларни ҳам қийнар, ҳам кўрқувга соларди.

Аллоҳнинг душманлари бошларига катта бало келаётганини, бундан осонликча қутула олмасликларини, шаҳар мусулмонлар қўлига сўзсиз ўтиб кетишини яхши билиб туришарди. Улар Қуддус атрофидаги бўлган жангларда энг яхши жангчиларининг ер тишлаб қолганини ёки асир тушганларини, мусулмонлар уларнинг мудофаа истеҳкомларини осонликча янчиб ташлаганини эслаб, қалблари кўрқувга тўлар эди. Улар мусулмонлар билан бўлган жангларда ҳалок бўлганларнинг қисмати бошларига келмаслиги, адолат шамшири ваҳший босқинчилар боши устида ялтираб турганини ўйлаб, бирдан-бир тўғри қарорга келишди. Нима қилиб бўлса ҳам, жонларини омонда қолдирадиган шартларни асос қилиб Салоҳиддин билан сулҳ шартномаси тузиш лозим.

Чопарлар шартнома бандларини келишиш учун ҳар икки томонга бир неча марта бориб-келганларидан сўнг, ниҳоят, ражаб ойининг 27-жума куни (милодий 1187 йил 2 октябрда) шартнома имзоланди ва Салоҳиддин Қуддуси шарифнинг ҳукмдори бўлиб қолди. Бу воқеа Аллоҳ таоло бандаси Муҳаммад алайҳиссаломни Ўз мўъжизасини кўрсатиш учун Маккадаги Масжидул-Ҳаромдан Қуддусдаги Ўзи баракотли қилиб қўйган Масжидул-Ақсога тунда сайр қилдирган муборак Исро кечасида содир бўлганди. Бу мусулмонларнинг Аллоҳнинг динини ҳимоя қилишдаги ихлос ва интилишларининг ҳикмати-га ишора эди. Аллоҳ таоло Ўз Пайгамбарининг тунги сайри амалга ошган саодатли кунда у зотнинг умматларига муҳим бир нусратни ато этганди. Бу зафар сул-

тон Салоҳиддиннинг атрофдаги шаҳарларни ва ниҳоят Қуддуси шарифни салибчи душманлар зулмидан халос қилишдаги музаффарона юришларини энтикиш билан кузатиб турган минглаб олимлар, дарвешлар, фақирларнинг орзуси рўёбга чиққанидан гўзал бир мужда эди.

Султоннинг Қуддуси шарифни озод қилганини ўз кўзлари билан кўриш учун дунёнинг ҳамма томонидан одамлар оқиб кела бошлади. Миср ва Шомнинг машҳур олимлари султонга қўшилиш учун етиб келишди, унинг чодирда энг кучли олимлар тўпланган эди. Ҳамма Аллоҳни улуғлаб, такбир ва тасбеҳлар айтарди. Шаҳар таслим бўлган куни жума намозида хатиб гўзал бир хутба қилди ва бу хутба Ибн Ҳалликоннинг китоби орқали бугунги кунимизгача етиб келди. Салибчилар Қуббатус-сохра масжиди минорасига ўрнатган улкан хоч ерга қулатилди. Султон Салоҳиддиннинг ихлоси ва саъй-ҳаракатлари эвазига Аллоҳ таоло Исломининг бу улуғ сарқардасига Ўз нусратини ато этганди.

Салоҳиддин салибчилар билан тузган шартномага кўра, ҳар бир эркак ҳаётини сақлаб қолиш учун мусулмонларга Тирнинг ўн динори миқдориди, аёли учун беш динор, қиз ва ўғил болалар учун эса бир динордан товон пули тўлаши керак эди. Ана шу пулни тўлаганлари заҳоти улар тамоман озод қилиб юбориларди. Шаҳарда асирликда сақланаётган уч мингдан ортиқ мусулмон ўша заҳотиёқ тутқунликдан қутилишди. Султон қўлга киритган барча ўлжаларини амирларга ва жангчиларга тарқатди. Шунингдек, чодирига келган фикҳ ва ҳадис олимларига, дарвешлар ва бошқа тоифаларга ўлжадан улуш ажратди. Унинг фармойишига кўра, товон пулини тўлаганлар ўзлари макон тутишни истаган Тир шаҳрига бежавотир кетишлари учун имконият яратилди.

Қирол ва Арнаут шаҳзодаси Салоҳиддин қошига олиб келинди. Қиролни яхши кутиб олган Салоҳиддин

аксинча Рено де Шатилийон билан кескин муносабатда бўлди. Аввал ундан Исломни қабул қилиши сўралди. Аммо у инкор этди. Шундан сўнг, унинг боши танасидан жудо этилди. Асирларнинг сони жуда кўп эди. Салоҳиддин уларга шафқат қилди ва ўзларини асирликдан озод қилишга имкон берди.

Қуръон оятларида буюрилганига кўра, огир айби бўлмаган кўплаб салибчилар товон пулисиз озод қилиб юборилди. Салоҳиддиннинг иниси Одил ишлатиш учун юзга яқин асирни сўраб олган эди, аммо кейинчалик уларнинг оғир руҳий ҳолатдалигини кўргач, ҳеч қандай товонсиз барча ҳарбий асирларга жавоб бериб юборди. Айрим бой насронийлар шаҳардан кетишга қарор қилдилар. Улар барча бойликларини ўзлари билан олиб, шаҳарни ҳеч қандай тўсиқсиз тарк этдилар. Ваҳоланки, ана шу бойликлар барча асирларни сотиб олиб, озод қилишга етарли эди. Епископ Гераклиус ўзи учун ўн динор тўлаб, тўплаган ҳамма мол-мулкини аравага юклаб, шаҳарни хотиржам тарк этди.

Султон Салоҳиддин ва унинг қўл остидаги мусулмон қўшинлари насронийларга чинакам адолат ва раҳм-шафқат билан муносабатда бўлдилар, мағлубиятга учраган жангчиларга уларнинг салибчи саркардаларига қараганда ҳам кўпроқ адолат кўрсатдилар. Фаластиннинг бошқа шаҳарлари ҳам салибчиларнинг ваҳшийлигига дучор бўлган эди. Шу тариқа Салоҳиддин Қуддусни салибчилардан озод этди ва бутун Фаластин устидан назоратни ўрнатди. Тарихчиларнинг сўзига қараганда, ўша кун Салоҳиддинга Қуддус хазинасида бўлган икки минг икки юз динор пул келтириб топширилганида, ундан бирор динорга тегмай, шаъбон ойининг 25-жума куни Қуддусдан жўнаб кетган.

## АКРА УЧУН ЖАНГЛАР

1191 йили кўпдан буён қуршовда ётган Акра шаҳри батамом таслим бўлди. Илгари асир тушиб, тўланган хун ва бошқа ҳеч қачон қарши курашмаслик тўғрисидаги ваъдаси учун Салоҳиддин томонидан озод этилган қирол Гай оврупалик қиролларнинг ҳужумга ўтганларини эшитиб, лафзидан кечди. У ўз одамлари ва Фредерик қўшини билан келиб, Филипп Иккинчига қўшилди. Салибчилар денгиздан, қирол Гай қуруқликдан туриб Акрага ташландилар. Буни эшитган Салоҳиддин насронийларнинг қуруқлик томонидаги қўшинларини йўл-йўлакай тор-мор қилиб, шаҳарга ёрдамга шошилди.

Лекин денгиз томондан қамал давом этарди. Шу аснода қуршов қатнашчиларига Ричард қўшинлари ҳам мададга етиб келиб, насронийларнинг қудрати янада ошиб кетди. Мусулмонларнинг ҳарбий кучлари шаҳар ичидан туриб, кураш олиб бораётган эдилар. Салоҳиддин эса уларга ташқаридан ёрдам кўрсатарди. Лекин барибир насронийларни қувиб чиқаришга муваффақ бўлинмади. Салоҳиддин ёрдам сўраб халифага ва бошқа мусулмон подшоҳларига мурожаат қилди. Бироқ ҳеч ким кўмакка етиб келмади. Икки йиллик қуршовдан кейин шаҳар таслим бўлиб, бу маглубият Султон Салоҳиддинни қаттиқ изтиробга солди.

Таслим бўлган Акра аҳолисига насронийларнинг учта шарти бўлиб, мусулмонлар уларни қабул қилишга рози эдилар: а) 200.000 песо пул тўлаш; б) насронийлар таълимотида айтилганидек, Исо чормих қилиб тортилган Муқаддас Хочни қайтариб бериш; в) пулларни бир ой муддат ичида тўлаб бўлиш.

Шундай катта қарздан қутулиш учун бир ой жуда оз муддат саналарди, Салоҳиддиннинг бунчалик катта

қарзни бирданига узиш имконияти йўқ эди. У яна ёрдам сўрашга мажбур бўлди, бироқ вақт жуда зиқ. Шунда Акра аҳолиси ўз бисотидаги бор пуллари ва бойликларини йигиб берди. Салоҳиддиннинг ўзи ҳам бутун мол-мулкини шунга бағишлади. Ойлик муддат эса ўтган эди. Натижада, Ричард Шерюрак уч минг шаҳарликни чопиб ташлашни буюрди. Қирол учун мутлақо номуносиб бу иши билан у ўз номига қора тортди.

Англия қироли Султоннинг танг аҳволда қолиб, товон пулини тўлашни пайсалга солаётганини кўриб, мусулмон асирларга нисбатан хоинларча йўл тутди. Бундан сал олдинроқ қирол агар мусулмонлар Акрани ташлаб чиқишса, уларнинг ҳаётини сақлаб қолишга сўз берганди. Бунга қўшимча қилиб, Султон билан шартлашилганига кўра уларга тўла ҳуррият бериш, хотин ва болаларини, олиб, кетишнинг имкони бўлган барча мол-мулкини қўшиб жўнатишга ваъда қилганди. Агар Султон шартномани бажара олмаса, у ҳолда асирларнинг бари қул қилинадиган бўлганди. Аммо қирол ваъдасини бажармади, олдинроқ дилига туғиб қўйган машъум режасини амалга оширишга киришди. У ваъда қилинган товон пулини қўлга киритгани ва мусулмонларга асир тушган салибчиларни қайтариб олгани заҳоти барча мусулмонларни тигдан ўтказишни мўлжаллаганди.

Ражаб ойининг йигирма еттинчи куни тушдан кейин қирол бутун ўрдусини бошлаб макон тутган лагердан чиқди ва Аядийя тепаликлари пойидаги булоқ ёнига чодирларини тиктирди. Насронийлар қўшини султон ўрдуси турган Талл Кийсон билан ўзлари жойлашган тепалик ўртасидаги катта майдонга асир тушган мусулмонларни олиб киришди. Ўша куни уч мингдан ортиқ мусулмоннинг эътиқоди йўлида мардларча шаҳид бўлиши Аллоҳнинг тақдирига битиб қўйилган экан. Барча асирларнинг

оёқ-қўллари пишиқ арқонлар билан маҳкам боғланган эди. Франклар уларга ваҳшийларча ташланиб, қўлларидаги ханжар ва найзалар билан асирларни қиймалай бошлади. Ушбу даҳшатли воқеадан сал олдинроқ Султон қўшинининг хуфялари душман аскарларининг отларига минаётгани хабарини берган эди. Шунда Салоҳиддин дарҳол уларга ёрдам жўнатди. Аммо мусулмонлар диндошларининг бари тигдан ўтказилгандан кейингина етиб келишди. Мусулмонлар қатлиом қилинган асирларнинг жасадлари ҳаммаёқда сочилиб ётганини кўриб, уларнинг эътиқод йўлида шарафли ўлим топишганига гувоҳ бўлишди. Улганлар ичида аскарларнинг танишлари, яқинлари ҳам бор эди. Бу уммат учун энг огир мусибатлардан бири бўлди.

Душман фақат аслзода кишиларни ва меҳнатга ярайдиган бақувват одамларнигина омон қолдирганди. Бу хоинларча қатлиомнинг сабабларини ҳамма ўзича шарҳлади: кимлардир бу олдин мусулмонлар томонидан ўлдирилган насроний жангчилар учун қасос бўлди деса, бошқалари Англия қироли Асқалонни эгаллаш учун юриш олдидан Акрада бунча кўп асирни омон қолдириши бемаънилик бўларди, деган мулоҳазани айтди.

Душманларининг ҳарбий асирларга қанчалик ёвузларча муносабатда бўлгани манзарасини кўришлари билан мусулмонлар насронийларга қарши шиддатли жанг бошлаб юборишди. Беаёв жанг ярим тунгача давом этди. Ҳар икки томондан ҳам кўплаб аскар ўлди ва ярадор бўлди.

Султон Салоҳиддин қўшин сафларини шахсан айланиб чиқиб, жангчиларни руҳлантирар, Аллоҳнинг дини учун кураш олиб боришаётганини қулоқларига тинмай қуярди. Эртасига эрталаб душман ўликлар ва ярадорларни ташлаб, ортга чекинди. Кўёш ботганидан сўнг мусулмонлар қайтадан бостириб келаётган душманларига

қарши чиқишди. Аёвсиз жангда гоҳ у томон, гоҳ бу томоннинг қўли баланд келарди.

Жангдаги асосий оғирлик Салоҳиддин қўшинига ёрдамга келиб қўшилган Диёрбакир лашкарларига тушди. Қаршисида душманнинг кўп сонли қўшини турганидан хавотирга тушган Диёрбакир лашкари ортга чекина бошлади. Кўп ўтмай вазиятнинг бутунлай чалкашиб кетганини сезиб, қочди. Ваҳима кучайиб, Салоҳиддин қўшинининг ўнг қаноти тартибсиз чекинишга тушди. Франклар қочоқларни Аядийгача қувиб боришди. Сўнг бу тоғни ўраб олиб, душманнинг бир отряди тепаликдаги султоннинг чодиргача чиқиб борди. Аммо чодирда султоннинг ўзини топа олишмагач, унинг мешкобчиларидан бирини ўлдиришди. Шу куни таниқли саркардалардан Исмоил Муқаббис ва Ибн Равоҳалар ҳам ҳалок бўлишди.

Салоҳиддин бутун жанг давомида у гуруҳдан бу гуруҳга ўтиб, уларни зафарга руҳлантирар, дин йўлидаги бу муҳорабанинг мукофоти фақат жаннат бўлиши ҳақида хушxabар берар эди. Қочоқлар Тивериада кўпригидан ўтиб, Дамашқгача етиб боришди. Душман суворийлари қолган мусулмонларни Аядийя тогигача қувиб боришди, аммо уларнинг тоғ тепасига чиқиб кетганини кўргач, таъқибни тўхтатиб, ортга қайтиб кетишди.

Султон бир неча киши ҳамроҳлигида тоғ этагида туриб, жангчиларини душман устига бостириб боришга йўлади. У аранг тўплаган кичикроқ гуруҳ тогдан бостириб тушиб, насронийлар устига ташланмоқчи бўлди, аммо Салоҳиддин уларни тўхтатиб қолди. У асосий ўрдуга қўшилмоқчи бўлиб йўлга тушган душман лашкарининг мусулмонларга ортини ўгиришини кутиб турарди. Душман ортини ўтирган ҳолда кетаётганида Салоҳиддин аскарларига такбир билан хитоб қилди ва мусулмонлар бирин-кетин душман аскарларини маҳв эта бошлади.

Франкларнинг асосий ўрдуси ортда қолган аскарларнинг кўп сонли мусулмонлар томонидан шиддатли таъқиб қилиб келинаётганини кўриб, “юборилган отряднинг бари қириб ташланибди-ю, омон қолган озгина аскарни мусулмонлар қувиб келаётган экан” деган фикрга борди ва улар ҳам пароканда ҳолда қочишга тушишди. Шунда Салоҳиддин лашкарлари чап томондан, Малик Музаффар аскарлари ўнг томондан насронийларга ҳужум бошлашди. Икки томон ҳам ҳаёт-мамот жангига киришган эди. Мусулмонлар душманнинг лагерига икки марта ҳужум уюштиришди ва ҳар гал насронийлар уларни ортга чекитишга мажбурлади.

Мусулмон аскарларнинг ҳам тинкаси қуриган, терга ботишган эди. Аср намозига азон айтилиши билан улар жанг майдонини ташлаб чиқишди ва баланд овозда такбир айтганча жасадга тўлган водийни тарк этиб, чодирларига қайтишди. Султон Салоҳиддин ҳам чодирига қайтди ва зобитларни қабулига чорлаб, улардан кимлар ҳалок бўлганини суриштиришга киришди. Зобитларнинг айтишича, жангга кирган ёшлардан бир юз эллик нафари дин йўлида шаҳид бўлганди. Ҳалок бўлганлар орасида ўрдунинг фақиҳи Исонинг укаси Заҳириддин ҳам бор эди. Жангчилар фақиҳга укасининг ўлими муносабати билан таъзия билдиришганида, у табассум қилганича: “Менга ҳамдардлик билдиришнинг кераги йўқ, бугун мусибат куни эмас, хурсандчилик кунидир”, деди.

Заҳириддин жангда отдан йиқилиб тушган эди, ёнида турганлар яна унинг отга миниб олишига кўмаклашишди. У ваҳшат билан олдинга ташланганида, дайди камон ўқи келиб кўксига санчилди. Унинг ёнида бўлган қариндошлари ҳам шу жангда шарафли ўлим топишди. Шу куни Мужалла амири ҳам шаҳодат топди. Мусулмонларнинг талафоти ана шулардан иборат эди. Насроний-

лар бу жангда жами етти мйнг аскардан ажраган эди. Уларнинг жангда ўлган сафдошларининг жасадларини йиғиштириб, денгизга ташлаб юбориш учун ташиб кетишаётганини кўрган тарихчилар қурбонлар сони бундан ҳам кўп бўлганини айтишади.

## БУЮК БАҒРИКЕНГЛИК

1187 йили мусулмонлар қўшини Қуддуси шарифни эгаллаш учун ҳужум бошлаганида қўшин бошида Ислон тарихида энг ёрқин из қолдирган мусулмон саркардалардан бири Салоҳиддин турган эди. Рим Папаси бошлаган фитна туфайли саксон саккиз йил олдин салибчиларга бой берилган муқаддас шаҳар аёвсиз жанглар натижасида яна мусулмонлар қўлига қайтиб ўтди. Қонхўр салибчилар шаҳарни босиб олганида ҳеч қимга: қарилару аёллар, ҳатто, ёш болаларга ҳам шафқат кўрсатмаган эди. Ўшанда муқаддас шаҳар кўчаларида мусулмонларнинг қони дарё бўлиб оққан эди. Бундай оммавий қотилликларни содир этишга қандайдир бир ҳарбий ё моддий эҳтиёж йўқ эди. Балки, бу ўзгаларни қўрқитиб қўйиш учун қилинган муҳиш бир хунрезлик эди. Шунинг учун ҳам Салоҳиддин шаҳарни озод қилиш учун келганида олдинги хунрезлик қайтарилишидан қаттиқ қўрққан шаҳар ичидаги одамлар даҳшатга тушишди, чунки уларнинг кўпи мусулмонлар шаҳарни ташлаб чиққан ги аянчли воқеаларни яхши эслашар эди.

Ислон қўшинларига зафар ёр бўлганида эса улар Қуддуси шарифга “Аллоҳу акбар” такбирлари остида кириб келишди. Муқаддас шаҳар яна мусулмонлар қўлига ўтди. Ушбу воқеаларнинг ўзиёқ Салоҳиддиннинг номи “Қуддуси шариф халоскори” сифатида тарих саҳифаларига ёзиб қўйиш учун кифоя қилади.

Бироқ уни машҳур қилган нарса бугина эмасди, Шаҳарнинг насроний аҳолисига кўрсатган муносабатлари уни афсонага айлантирди. Салоҳиддин саксон саккиз йил олдин насронийларнинг мусулмонлар ва яҳудийларнинг қонини дарё қилиб оқизгани каби Қуддуси шариф кўчаларини қонга ботирмоқчи эмас эди. Бунинг ўрнига музаффар мусулмон аскарлари зудлик билан шаҳарни босиб кетган нажас ва нопокликлардан тозалашга тушишди.

Буюк Ислом саркардаси қасосни тақиқлади, бунинг шарофати билан юз мингдан ошиқ насронийнинг ҳаёти сақлаб қолинди. Муқаддас шаҳардаги насронийларнинг муқаддас ибодатхоналарини зиёрат қилишга рухсат бериб қўйилди. Ҳолбуки, салибчилар шаҳарни босиб олганидан кейин мусулмон ва яҳудийларнинг шаҳарга киришини тақиқлаб қўйган эди.

Бир куни ўз қўшинини кўриқдан ўтказиб юрган Салоҳиддин кўксига муштлаганча хўнграб йиғлаётган аёлни кўриб қолди. У салибчи муҳолифларидан бирининг хотини экан. Салоҳиддин аёлга яқин бориб, ундан фиғон чекиши сабабини сўради. “Мусулмонлар чодиримга кириб, ёшгина қизалоғимни олиб кетишди”, деб жавоб берди аёл. Шунда кўзи ёшланган Салоҳиддин қизалоқни ва уни қул сифатида сотиб олган кишини қидириб топишни, тўланган пулни эгасига, болани эса онасига қайтаришни буюради. Орадан бир соат ўтар-ўтмай аскарлардан бири келиб, қизчани онасига топшириб кетади. Салоҳиддин ваҳший салибчиларга ана шундай инсонийлик сабогини берди. Озод қилинган шаҳар аҳолисига мурувват курсатиб, душманларидан қанчалар устун эканини кўрсатиб қўйди.

Тарих ҳанузгача Салоҳиддиннинг одамийлиги, бағрикенглиги, ўзга дин вакилларига меҳр-шафқати борасида

таажжуб ва ҳайратда қолиб келяпти. Ваҳоланки, салибчилар мусулмонлар ва яҳудийларни аёвсиз қатлиом қилгани ҳолда нега Салоҳиддин етакчилигидаги мусулмон аскарлар бирор кишидан қасос олмади, бировнинг қонини ноҳақ тўкмади? Бу саволга Салоҳиддин Айюбийнинг Қуддусдаги оламшумул ишлари энг яхши жавоб бўла олади.

Салоҳиддин озод қилинган шаҳар кўчаларидан ўтиб кетаётганида бўйнига тилло хоч тақиб олган бир қария уни тўхтади. “Эй буюк саркарда, бир нарса сўрашимга изн беринг?” дея унга мурожаат қилди. Изн олгач, қария ҳукмдорга шундай деди: “Сизга зафар ато қилинди, Қуддусни қўлга киритдингиз. Насронийлар шаҳарни эгаллаганида қарилар, аёллар ва болаларингизни сўйиб ташлашди-ку, ҳеч кимга раҳм-шафқат кўрсатишмади-ку? Ушанда насронийларнинг мусулмонларга қилган ваҳшийлиги учун қасос олишдан сизни нима тўсди?” Салоҳиддин: “Заифларга раҳмли бўлишни буюрган, қарилар, аёллар ва болаларни ўлдиришни тақиқлаган диним тўсди”, деб жавоб қилди. Лол қолган қария ҳозиргина эшитган сўзларига ишонмай қайтадан: “Сизнинг динингиз одамларингизни шафқатсиз равишда ўлдирганлардан қасос олишни тақиқлайдими?” деб сўради. “Ҳа, шундай. Динимиз кечиримли бўлишга ва солиҳ амаллар қилишга, ёмонликка яхшилик билан жавоб қайтаришга, аҳдга вафо қилишга, қасос олишга имкон бўлатуриб кечириб юборишга буюради”, деб жавоб қилди Салоҳиддин. “Нақадар гўзал экан бу дин. Қариганимда ва умрим ниҳоясида тўғри йўлга ҳидоят қилган Парвардигоримга мақтовлар айтаман. Динингизни қабул қилиш учун нималар қилишим керак?” деб сўради қария. Салоҳиддин эса унга шаҳодат калимасини ўргатди. Қария Ислонни қабул қилди ва ўлими келгунча Ислоннинг гўзал ҳаёти билан яшади. Унга жуда кўп қариндошлари ҳам эргашишди.

Салоҳиддин бундай олижанобликни, бундай меҳр-шафқатни кимдан мерос олган? Унга буларни ким ўргатган? Бундай олижаноблик сифатлари унга Ислом туфайли жо бўлди. Уни қаҳрамон ва раҳмдил аскар қилган ҳам Исломдир. У ҳар ишда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга тўлиқ эргашар эди. Хоссатан, у Қуддуси шарифни қайтадан фатҳ этганида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг Макка фатҳи куни мушрикларга қилган муносабатларига эргашганди. Ваҳоланки, Ислом келганидан сўнг мушриклар йигирма йилдан ортиқроқ вақт мобайнида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ва у зотнинг эргашувчиларига тазйиқ-озор бериб келишди, қанча-қанча саҳобалар шаҳид кэтди, динга ва рисолатга қарши уруш олиб борилди. Шунинг учун улар Макка фатҳи куни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам томонларидан шунга яраша жавоб берилишидан кўрқар эдилар. Бироқ Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам мушрикларнинг барини қириб ташлаш ўрнига уларни кечирдилар, уларга шафқат кўрсатиб, ҳаммасини авф қилдилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг кўрсатган бу марҳаматлари ҳатто мушрикларни ҳам лол қолдирганди. Қуддусга музаффарон кириб келган Салоҳиддиннинг шаҳардагиларга кўрсатган оламшумул бағрикенглиги набавий таълимнинг гўзал самараси эди.

## САЛОҲИДДИН ВА РИЧАРД ШЕРЮРАК

Салоҳиддиннинг оламшумул багрикенглиги ўз ганими, англиз қироли ва саркардаси Ричард Биринчи (жасурлиги учун кейин унга Шерюрак лақаби берилган) билан бўлган муносабатларида, айниқса, кенг намоён бўлди.

Ричард Биринчи 1191 йилнинг 8 июнида Акрага келди. Барча салибчилар унинг етакчилигини сўзсиз тан олишарди. У қамалдагиларга ёрдамга келган Салоҳиддин ўрдусини ҳайдаб юборди ва қамални шунчалик кучайтирдикки, шаҳардаги мусулмон гарнизони таслим бўлишга мажбур бўлди. Қалъа таслим бўлгандан кейин Ричард товон тўлаш ва сулҳ тақлифларининг биронтасига кўнмай, шаҳардаги деярли уч минг мусулмонни, ҳатто аёллар ва болаларни ҳам қўшиб қатл қилишга буйруқ беради.

Шаҳарни салибчилардан озод қилган мусулмон қўшинлари эса тинч аҳолининг ваҳшиёна қатл этилганини ўз кўзлари билан кўрдилар. Қариндошлар ва яқинларидан жудолик алами ҳам мусулмонларга ганимдан ўч олиб, зулм қилишга йўл қўймади. Чунки Парвардигор Куръонда мусулмонларга шундай буюрган: “Эй мўминлар, бирон қавмни ёмон кўришингиз ҳақдингиздан ошишингизга тортмасин” (Моида, 2). Мусулмонлар ҳеч қачон тинч аҳолига қарши ҳарбий куч ишлатмаганлар. Ҳаттоки, мағлуб бўлган салибчиларнинг қўшинларига нисбатан ҳам жазо ва шафқатсизлик қўлланилмаган. Чунки Ислом зўравонлик, зиддиятлар, урушлар ва террорни таг-томири билан йўқотиш йўли ҳамда адолат, тинчлик, диний багрикенглик ва фаровонлик кафолатидир.

Шундан кейин Ричард Асқалонни қўлга киритди, Арсуфда катта зафар қучди. Ушбу муҳорабада Салоҳиддин етти минг аскардан ажраган бўлса, салибчилардан

етти юзга яқин одам қурбон берилди. Ана шу жангдан кейин Салоҳиддин бошқа ҳеч қачон Ричард билан очик урушишга ботинмади. Кейинчалик ҳам бир неча кичик юришларда галабага эришган Ричард Қуддусни ўз қўлида тутиб туришга қодир бўлолмади. Сабаби сув ва отларга ем етишмаслиги, турли миллатлардан тўпланган салибчилар ўрдусидаги норозиликнинг кучайиб кетгани Ричардни аниқ ҳалокатга элтиши мумкин эди. Шунинг учун у Қуддусни қамал қилишдан воз кечиб, Асқалонни мустаҳкамлашга киришди. Ўша пайтда тузилган сулҳ Салоҳиддиннинг қўли баландлигини англатиб турарди. Қуддус қиролигидан соҳил чизиги ва насронийлар зиратчиларининг муқаддас жойларга хавотирсиз боришига хавфсиз ва очик йўл қолган эди. Ҳеч шубҳасиз, қироликнинг қулашига Ислом Шарқининг бирлиги сабаб бўлганди. Ричард Оврупасига, Салоҳиддин эса Дамашққа қайтишди.

Мусулмонлар, яҳудийлар, насронийларнинг ҳимоячиси, босқинчиларнинг кушандаси, Қуддусни салибчилардан халос этган Салоҳиддин Айюбий билан инглиз саркардаси Ричард Шерюрак ўртасидаги илиқ муносабатлар шу қадар чуқурлашиб кетдики, Ричард Ислом саркардасини “дўстим” деб атай бошлади. Икки дўстнинг асл инсонларга муносиб ушбу муносабатлари насроний ва мусулмон саркардаси ўртасидаги биргина ёзишмада ҳам аниқ кўриниб турибди:

“Англия қироли Рикардос Шерюракдан араблар қироли Салоҳиддинга. О жаноб, сенга мактубимни элтаётган бу одам жангларда юксак фидойилик кўрсатган жасур ва қўрқмас, сизларнинг қаҳрамонларингизни жанг майдонида қаршилаган қаҳрамон. Унинг синглиси эса асир тушиб қолибди, жангчиларингиз уни қалъангизга олиб кетишибди. Исмини ҳам ўзгартириб, Мария ўрни-

га Сария деб номлашибди. Англия қиролининг араблар қиролига илтимоси бор: ўша аёлни акасига қайтаринглар ёки акасини ҳам асирга олиб, сингласи билан бирга ушланглар, уларни ажратиб юборманглар. Қушчани уясидан олисда ушлаб қолманглар. Сизлардан жавоб кутарканман, шаҳзода дўстим Хорис Лубнонидан эшитганим халифа Умар ибн Хаттобнинг “Онаси ҳур туққан одамларни қачондан қул қилишни бошлагансизлар” деган сўзларини эслатиб қўймоқчиман”.

Энди Салоҳиддиннинг Ричардга ёзган жавоби билан танишинг: “Султон Салоҳиддиндан Англия қироли Ричардга. Қирол, сиз мактуб билан юборган жасоратли қаҳрамоннинг қўлини сиқиб қўйдим. Жанг майдонида сизнинг имкониятларингизни билиб олганнинг қул сиқишини сизга жўнатяпман.

Менинг ака-сингилни тутқунликда ушлаб қолмаслигимни билишингизни истардим. Чунки биз уйларимизда қўлга тушган ўлжадан бошқа нарсани ушлаб турмаймиз. Акасига сингласини қайтариб бердик. Агар Салоҳиддин Умар ибн Хаттобнинг сўзини бажарган бўлса, буни Ричард ҳам ўзи билган “Худоникини Худога қайтар, Қайсарникини (Рум ҳукмдори) Қайсарга қайтар” деган сўзни бажарсин, яъни Исо алайҳиссаломнинг сўзларини рўкач қилиб ўзинг босиб олган ерни эгаларига қайтар!”

Ричард Салоҳиддиннинг яна бир марҳаматига ҳам қойил қолди. Султон Қуддусни олганидан кейин у ердаги аҳолига шаҳардан чиқиб кетишга тайёргарлик учун қирқ кун муҳлат берганди. Ўша кунларда жуда кўп насрониялар унинг олдига келиб, боқувчилари бўлмиш эрлари, оталари ёки ўғилларидан ажраб қолишганидан шикоят қилишди. Уларга гамхўрлик қиладиган, яшашга жой топиб берадиган одамлари қолмаган эди. Оққўнги Салоҳиддин уларнинг илтимосларини кўзда ёш би-

лан тинглади. Ўз аскарларига аёлларнинг қариндошларини излаб топишни буюрди, агар улар ҳалок бўлгани аниқланса, аёлларга етарли бадал тўлади.

Султоннинг бундай меҳрибонлигини Ричард ўз тажрибасида ҳам синаб кўрди ва унга умрининг охиригача ҳурматда бўлди. Акра қамали чоғида Ричард касал бўлиб қолди. Шунда Салоҳиддин унга ўз табибини юборди, иситмасини тушириш учун муз ҳам, тезроқ тузалишига ёрдам берадиган меваларни ҳам жўнатиб турди. Яна бир воқеа султоннинг нақадар олижаноблигига яққол далил бўла олади: қирол Ричард Салоҳиддиннинг ўғли Зоҳир раҳбарлигидаги мусулмонлар гуруҳига ҳужум қилаётганди. Жангда Ричарднинг отига камон ўқи тегиб, ўлади ва саркарда уловсиз қолади. Бу манзарани кўриб турган Салоҳиддин Ричарднинг ноқулай ҳолда қолишини истамаганидан унга бошқа иккита отни юборди.

Ваҳоланки, шундан сал олдинроқ салибчиларнинг бошқа бир саркардаси Рено де Шатилийон билан Салоҳиддин ўртасида шундай гап бўлиб ўтганди: Салоҳиддин ундан: “Жаноб Рено, агар сиз менинг асирим бўлмай, мен сизнинг асирингизга айланиб қолсам, мени нима қилган бўлардингиз?” деб сўради. Рено ўзигагина хос бўлган сурбетлик билан шундай жавоб қайтарди: “Агар менинг асирим бўлганингизда каллангизни олган бўлардим”.

## ОЛИЖАНОБЛИК ШУНЧАЛАР БЎЛАР!

Салоҳиддиннинг олижаноблик сифатлари турли соҳаларда намоён бўлди. Масалан, унинг қўшини Қуддусга кирганида у шаҳарни тозалаш маросимини ўтказди. Бу маросимда жумладан қуйидаги ишларни амалга оширди: асирларнинг катта қисми ҳеч қандай эвазсиз озод қилиб юборилди; фақирлар, бевалар ва етимларга Салоҳиддиннинг шахсий жамғармасидан маблағ ажратилди; бунда уларнинг қайси динга эътиқод қилишига қаралмади ва бу истаган мамлакатларига етиб олишлари учун уларга катта имконият эди.

Черков ва монастырларга, уларнинг қўноқлари ва зиёратчи сайёҳларига зарар етказишни тақиқлаш қарори қатъий ва кескин бўлиб, насронийликнинг барча оқимлари, шу жумладан, католикларга ҳам тааллуқли эди. Насронийлар ўзларининг диний маросимларини бемалол адо қилишар, мусулмонлар муқаддас қадамжолар зиёратига келган зиёратчиларнинг хавфсизлигини тўла таъминлашган эди. Буларнинг ҳаммаси салибчиларнинг Қуддус аҳолисига етказган бемисл зулми олдида улуғ марҳамат эди...

Насронийлик тарихига қонли фожиа сифатида ёзилган салиб (хоч) урушлари муқаддас Фаластин ерларини “сақлаб қолиш” мақсадида қилинган энг мудҳиш жиноятлардан эди. Оврўпа насронийлари ўн биринчи аср охиридан бошлаб мусулмонлар ва бошқа халқларнинг бошига мисли кўрилмаган кулфат ёғдирди, минглаб бегуноҳ инсонларнинг қонини тўқди, обод шаҳарларни вайронага айлантирди. Салибчилар қадами етган жойларига даҳшат, шафқатсизлик, кулфат олиб боришди. Мусулмонлар қўл остида бўлганида тинчлик, барқарорлик, муслимлар ва аҳли китоблар аҳиллигининг рамзи бўлган

Қуддусни эгаллаб олгач, салибчилар уни ваҳшийлик ва қонхўрлик майдонига айлантиришди, мусулмон ва яхудийларни аёвсиз қиличдан ўтказишди. Насроний тарихчилардан бирининг ёзишича, улар шаҳарда учратган барча арабларни ва туркларни... эркак ёки аёллигига қарамай ўлдиришди, ҳеч нарсани ҳисобга олмай ёппасига қиришди.

Салибчилардан Раймонд Агийскийнинг йилнома-сида мана бундай мазмундаги мақтанчоқлик билан битилган ёзувлар бор эди: “Айрим одамларимиз душманларининг калласини сапчадек узишди, бошқалари эса уларни найза билан тинчитишарди. Аскарларимиз ганимларини тириклай ўтга ташлашар, кейин узоқ қийнаб, секин ўлдиришар эди. Шаҳар кўчалари танасидан узилган калла, қўл-оёқлар ғарамига тўлиб кетган эди. Ана шу тана аъзолари ва каллаларга қоқилмасдан кўчада юриш мушкул эди... Сулаймон подшоҳ ибодатхонаси олдида тўкилган қон дарёси одамларимизнинг тиззасидан юқорироққа чиқиб кетди”.

Йилномалардаги маълумотларга қараганда, салибчиларнинг қўшинлари шаҳарда икки кун ичида қирқ мингга яқин мусулмон ва яхудийни ёвузларча қиймалаб ўлдиришган. Уларнинг ваҳшийлиги шу даражага бориб етдики, тўртинчи салиб юриши чоғида ўз диндошларига қарашли Қустантания (Константинопол) шаҳрини ҳам талон-тарож қилишди. Шаҳар черковларига ички безак қилинган олтин зийнатларни, қимматбаҳо тошларни кўчириб олиб, ташиб кетишдан ҳам ҳазар қилишмади

Қуддус аҳолиси қуббасига омонлик байроги ўрнатилган Ақсо масжидига тўпланганида салибчилар бегуноҳ қариялар, аёллар ва болаларни қўй бўғизлагандек калласини узишди. Солномачиларнинг ёзишича, масжид ичида ўлдирилганларнинг адади етмиш мингга етди. Улар-

нинг орасида аёл ва гўдаклардан ташқари имомлар, обида ва зоҳидлар жамоаси ҳам бор эди. Бу ваҳшийликларни ғарб тарихчиларининг ўзлари ҳам инкор этишмайди.

Мана шу хунрезликлардан тўқсон йил ўтиб, Қоҳира султони Салоҳиддин Айюбий Байтул-Мақдисни фатҳ этди. У ўша пайтда Қуддусда бўлган юз мингдан ортиқ ғарбликнинг моллари ва жонларига омонлик берди. Қодир бўлганларига тўлашлари учун арзимас маблағ (фидя) белгилаб, ҳаммаларига шаҳардан чиқиб кетиш учун қирқ кун муҳлат тайинлади. Фақирлардан кўпини фидясиз қўйиб юборди. Фотиҳ Салоҳиддиннинг акаси Одил подшоҳ фақирлардан икки мингига ёнидан фидя тўлади. Султон фаранг патриархига шаҳардан чиқишни хоҳласа, ўзи билан Соҳра, Ақсо, Қиёмат ибодатхоналарининг беҳисоб бойликларини олиб чиқиб кетишига ижозат берди.

Салоҳиддиннинг олижаноблиги ҳақида шунчалар кўп ривоятлар борки, аниқ тарихий далилларга суянганда буларга ишонмаслик мумкин эмас эди. Масалан, мусулмон ҳукмдори билан инглиз қироли “Шерюрак Ричард” орасида шакланган ўзаро чуқур эҳтиромга асосланган муносабатлар маълуми машҳурдир. Шу муносабат билан бир ривоятни келтириб ўтайлик: Салоҳиддиннинг дипломатик иқтидори туфайли Ричард билан мусулмонлар ўртасида сулҳ тузилиб, шундан кейин қиролнинг Оврупага қайтиши мумкин бўлди.

Икки йил бурун Қуддусни қайтариб беришда Ричард Салоҳиддин тутган йўлга бутунлай тескари қилиқ кўрсатганди. Ричарддан фарқли равишда Салоҳиддин мусулмонларга ҳам, босиб олган шаҳрининг насроний аҳолисига ҳам бир хил ҳиммат кўрсатиб, гайридинларга жизя солиғи солишни хаёлига ҳам келтирмаган эди. Бу инсоният тарихида ноёб намуна бўлиб, Салоҳиддин

кўплаб марта ана шундай йўл тутди. Унинг табиатига хос бу олижаноблик фазилатларини ҳатто овруполик подшоҳлар ҳам юксак қадрларди.

Ричард Биринчи Салоҳиддиннинг бундай ишларидан қаттиқ ҳаяжонга тушиб, унинг укаси Одилга сингисини жуфти ҳалолликка олишни таклиф этди. Унинг амакиваччаси Комилни эса тантанали равишда рицарлар сафига қўшиб, “Бани” номли энг олий инглиз нишони билан тақдирлади. Икки саркарда ҳеч қачон бир-бирларини кўрмаган бўлса ҳам, совға-саломлар алмашдилар. Шу тарзда салибчиларнинг саркори билан Салоҳиддин ўртасида ўзаро ҳурмат ва самимият давом этиб, 1192 йилда тинчлик битими тузилишига олиб келди. Насроний зиёратчиларининг Қуддусга бемалол келиб-кетишларини таъминлаш ва олган ҳамма нарсаларини ҳамда зиёратчиларга аталган ерларни қайтариб бериш ваъдаси шу битимнинг асосий моддасини ташкил қилди.

Салоҳиддин ўз душманларига катта марҳаматлар кўрсатган, асирларга раҳмдил бўлган ҳақиқий инсон эди. У ҳаддан ташқари оққўнгил, биллурдай соф бўлган. Султон болаларни севар, огир ҳолатларда асло тушқунликка тушмас, аёлларга ва заифларга тинмай олижаноблик кўрсатарди. У қўлга киритган зафарларнинг манбаи кўп жиҳатдан унинг шахсиятига боғлиқ эди. Саркарда мусулмон ўлкаларни салибчи босқинчиларга қарши оёқлантира олди. Аммо кучли стратег бўлган Салоҳиддин тактикада ғаними Ричард билан тенглаша олмасди, бунинг устига унинг ўрдуси асосан қуллардан иборат бўлган. Салоҳиддиннинг ўзи “Агар аскарларимни ортимдан бошлаб юрмасам ва ҳар дақиқада назорат қилиб турмасам, менинг лашкарим ҳеч нарсага ярамайди”, деб зорланиб ҳам қўярди.

Салоҳиддин зиммасига олган мажбуриятларини сўзсиз бажарар, бунда ҳатто ганимларини ҳам истисно қилмасди. У таслим бўлган Қуддус қиролини озод қилиб юборди, унинг ўрдуси ҳеч қачон талончилик билан шуғулланмаган, насроний тинч аҳолига қўпол муносабат кўрсатмаган. Насроний зиёратчиларнинг Қуддусга бемалол киришларига ваъда берилди ва вақтлар ўтиши билан бу тўла рўёбга чиқарилди. Бундан ташқари Салоҳиддин муқаддас мақсадга чинакам садоқат кўрсата олди.

372

Турли жойлардан ҳар хил тоифадаги одамлар – бойлар ва фақирлар, эркаклар ва аёллар унинг ҳузурига ёрдам ва маслаҳат сўраб келишарди. Уларнинг ҳар бири ўз муаммосини изҳор қилар экан, адолатли ечим бўлишига ишонарди, чунки ҳукмдор олижаноб ва сахий, ҳалим, ҳоксор ва бардошли инсон эди. Унинг жаҳдини чиқариш, газабини қўзғаш жуда мушкул иш бўлган. Салоҳиддин буларнинг устига жўмардлик хислатига ҳам эга эди – ҳатто ўзининг душманларига ҳам шафқат ва олижаноблик кўрсатарди. Тарихда унга ўхшаган комил инсонлар кўп бўлмаган.

## ҲАЖ САФАРИГА ТАЙЁРГАРЛИК

Султон Салоҳиддин Ислом арконларидан бири бўлган ҳаж ибодатини ўташга қарор қилди. Шу мақсадда ҳузурига уламоларни бирин-кетин машваратга чорлади. Ана шундай олимлар орасида Ҳалаб қозиси, султон юришларининг доимий қатнашчиси Баҳоуддин Абул Маҳосин (Ибн Шаддо) ҳам бор эди. Қози шундай ҳикоя қилади: “Сафар ойининг 13-куни у мени ҳузурига чорлаб қолди. Етиб келганимда қабулхонада ким борлигини сўради. Мен: “Ўз эҳтиромини изҳор қилиш учун

ўғингиз малик Афзал, шунингдек, шу мақсадда келган кўпгина амирлар ва бошқа одамлар киришга изн беришингизни кутиб туришибди”, дедим. У Жамолиддин Иқболдан уларга чиқиб, бугун қабул қила олмаслигини етказишни илтимос қилди.

Эртасига тонгдаёқ у яна менга чопар жўнатди. Кириб, унинг каравотда ёш болалар қуршовида ўтирганини кўрдим. У ташқарида бирор киши кутиб турган-турмаганини сўради. Франкларнинг элчилари келганини, султоннинг амир ва амалдорлари билан бирга уларни қабул қилишини кутишаётганини айтишди. Элчиларни бошлаб киришга рухсат берди. Султоннинг ёнида у яхши кўрган ва ҳамиша ўйнатиб юрадиган ёш ўғилларидан бири Абу Бақр қолган экан. Бола соқоллари қиртилган, сочи калта олинган ва ғаройиб кийимларни кийиб олган одамларни кўриб, кўрқиб кетди ва йигини бошлаб юборди.

Султон элчилардан узр сўради, келтирган хабарларини охиригача ҳам эшитмай, уларга жавоб бериб юборди. Кейин менга қараб мулоийм овозда: “Бугунги кун ҳам ташвишли ўтди”, деди. Ортидан “таом тайёр бўлса, келтиринглар”, деб қўшиб қўйди. Унга сутда қайнатилган гуруч ва бошқа енгил таомлар келтиришди. Назаримда, у олдидаги овқатларни иштаҳасиз, ўзини мажбурлаб ерди.

Кейинги пайтларда Салоҳиддин юриши қийинлашгани сабабидан одамларни қабул қилмай қўйганди. Ҳақиқатан у ошқозонининг яхши ҳазм қилмаётгани, лоҳаслик ва нимжонликдан азият чекарди ва бу нарсалар унинг ич терлама хасталигига чалинганини билдирарди.

Овқатланишдан фориг бўлганимиздан сўнг, у ҳаж ҳақида нималар билишимни сўраб қолди. Мен: “Йўлда айрим мусофирларни кўриб қолдим, агар йўл ҳаддан ортиқ лой бўлмаганида улар бугун етиб келган бўлишарди,

балки, эртага келишса керак”, деб жавоб бердим. Султон шундай деди: “Агар Аллоҳ насиб қилса, эртага уларни кутиб олишга чиқамиз”. Шундан кейин у ҳажга отланганлар юриб келадиган йўлларни лой ва сувдан тозалашни буюрди. Уша йили ҳаддан ташқари кўп ёгингарчилик бўлиб, йўлларни сув босиб ётарди.

Султоннинг бошқа кунларга қараганда кайфияти яхши эмаслигини билганимдан ташқарига чиқиб кетдим. Жума тонгида у отга миниб қалъани тарк этди. Кўп ўтмай уловга миниб мен ҳам унинг ортидан йўлга чиқдим. У ҳажга кетаётган зиёратчилар билан учрашиб турганида султонга етиб олдим. Ҳажга кетаётганлар орасида Собиқиддин ва ал Яруқлар ҳам бўлиб, бу шайхлар чуқур эҳтиромга сазовор олимлардан эди. Шу пайт султоннинг ўғли Афзал отасига ҳамроҳлик қилиш учун келиб қолди ва мени бир четга бошлаб гаплашиб олмақчи бўлди. Шунда султоннинг эғнида от минганида ҳамиша кийиб юрадиган қазагонд (совут остидан кийиладиган, пахта қўшиб қавиладиган жанг кийими) йўқлигини сезиб қолдим.

Уша кунги манзара жуда ажойиб эди: шаҳар аҳолиси гуруҳ-гуруҳ бўлиб султонни қаршилагани ва уни кўриш учун оқиб кела бошлади. Мен ўзимни ортиқ тута олмай, унинг олдига шошқинч етиб бордим ва қазагонд кийишни унутганини эслатдим. У ўзини уйқудан сесканиб уйғонган одам каби тутарди. Кийимини келтиришларини буюрди. Аммо кийимларга масъул хизматчини топиб бўлмади. Иш мен кутгандан ҳам жиддий туюларди. Ўзимча шундай ўйлардим: “Султон олдинлари ҳеч қачон ажралмаган кийимини сўраяпти, аммо уни беришмаяпти. Мен хаёл суриб қолдим, бу нохуш шумланишга ўхшарди.

Шунда султонга қараб: “Шаҳарга қайтиш учун одамлар камроқ бошқа йўл борми?” деб сўрадим. У “бор”

дедию боглар оралаб, Дамашқ четидаги Муни томонга олиб борадиган йўлга бурилди. Биз ҳам унинг ортидан йўлга тушдик. Кўнглимда ғашлик ва хавотир ҳукмрон эди, унинг сиҳати ёмонлашаётганидан қаттиқ кўрқаётган эдим. Қалъага етиб келганимизда, Салоҳиддин ода-тига кўра унга кўприк орқали кириб борди. Бу унинг кўприкдан охирги марта ўтиши эди.

### ФАЗИЛАТЛИ ИНСОН

Султон Салоҳиддин Айюбийнинг гўзал инсоний фазилатлари, феълидаги ҳавасланарли хислатлар ҳануз-гача тилларда дoston бўлиб келяпти. Унинг олижаноблиги, раҳм-шафқати, қаҳрамонликлари, адолатпарварлиги, одамийлигига далолат қилувчи кўплаб воқеалар борки, булар ҳатто унинг муҳолифлари томонидан ҳам тан олинган. Ниҳоятда камтарлиги, ҳамма нарсада Аллоҳга таваккул қилиши унинг қуйидаги биргина сўзидан ҳам аён бўлиб турибди. Мисрдаги ҳокимиятни қўлга олганидан кейин у хотираларида шундай сатрларни битиб қўяди: “Мен учун барчаси амаким билан бўлган юришлардан бошланди. У Мисрни қўлга киритгач, вафот этди. Шундан сўнг Аллоҳ менга ўзим кутмаган ҳокимиятни берди”.

Айрим тарихий манбаларда ўша пайтдаги ҳукмдор Нуриддин Занжий билан Салоҳиддиннинг оралари бузилиб қолгани, Нуриддин ҳатто унга қарши уруш очмоқчи бўлганига ишоралар бор. Айрим муаррихлар эса “Нуриддинни заҳарлашган” деган тахмин ҳам қилишади. Салоҳиддиннинг ўзи кейинчалик бу ҳақда шундай сўзлаган: “Нуриддин бизга қарши юриш қилмоқчилиги ҳақидаги хабарни олдик. Кенгашимизнинг айрим аъзолари

унга қарши чиқишимиз ва у билан барча алоқаларни узишимиз керак, деб ҳисоблашарди. Улар: “Қаттиқ қурола-ниб, унга қарши жангга чиқайлик ва еримизга бостириб кириш ниятини билганимиз заҳоти уни бу ердан ҳайдаб чиқарайлик”, дейишди. Фақат менгина бу фикрга қарши эдим. Шунинг учун “Бу ҳақда ҳатто ўйлашга ҳам ҳаракат қилманглар”, дедим. Унинг ўлими ҳақида хабардор бўлганимизгача орамизда бундай баҳслар тўхтамади”.

Султон ўта адолатли, халқпарвар эди: ҳожатмандларга ёрдам кўрсатар, ожизларни ҳимоя қиларди. У одамларнинг муаммоларини тинглаш ва Парвардигорнинг адолати рўёбга чиқиши учун қарорлар чиқаришларни қабул қилар, қабулхонасидан ҳеч ким ҳайдаб чиқарилмасди. Унинг ҳузурига қариялар ва ёрдамга муҳтожлардан тортиб ҳуқуқи камситилган ҳақсизлик қурбонларигача оқиб келишарди. Унинг саройида халқнинг муаммоларини ҳал этишга қаратилган махсус ижтимоий ёрдам тизими бўлган.

Унинг шахсий қабулидан ташқари одамларнинг одил судлов учун ёрдам берувчи шикоятлари ва ҳужжатларини қабул қилиш ҳам йўлга қўйилганди. Султон одамларнинг арз-шикоятини тинглар экан, муаммони англаш учун ҳар бир одамнинг арзига қулоқ соларди. Ҳужжатлардан маълум бўлишича, Ибн Зухайр исми киши султоннинг жияни Тақиюддиннинг ўзига ҳақсизлик қилгани устидан шикоят билан келиб қолган. Султони жиянини қанчалар суюб, эҳтиром кўрсатмасин, аяб ўтирмади ва Тақиюддин маҳкамага тортилди.

Яна шундай воқеа ҳам бўлган. Бир қария султоннинг ўзидан шикоят қилиб келди. Маҳкама жараёнида маълум бўлишича, қария шунчаки султоннинг одамларга меҳрибонлигини текшириб кўрмоқчи бўлган экан. Шунда Салоҳиддин: “Э-э-э, унда бошқача иш тутамиз”, деди ва

қарияга ҳадялар берди. Бу билан у ўзининг ноёб олижаноблиги ва сахийлигини яна бир намоён қилди.

Сахийлик Салоҳиддиннинг бошқалардан ажратиб турадиган хислатларидан бири эди. Унинг бойлиги кўп бўлган, аммо вафотидан сўнг бир неча дирҳам пул ва битта қуйма олтин мерос қолдиргани айтилади. Сахийлиги чегара билмас эди: султон ёрдамчиларидан бирининг айтишича, Қуддус эгалланганидан кейин насронийларнинг элчиларига совгалар бериш учун ўзига қарашли ерни сотган, чунки бор пулини одамларга тарқатиб юбориб, совга учун пули қолмаган экан.

У одамлар сўраганидан ҳам кўпроғини берар, ҳатто иккинчи бор нарса сўраб келганларни ҳам қуруқ қайтармас эди. Ҳеч ким унинг “Ахир у олдинроқ ёрдам олганди-ку!” деганини эшитган эмас, ҳеч ким унинг ҳузуридан қуруқ қўл билан қайтган эмас. Бир куни девон бошлиги: “Биз бир шаҳарда султон ҳадя қилган отларнинг сонини ёзиб борардик, улар адади охири ўн мингдан ошиб кетди”. Аммо унинг бу саховатпешалигидан ўз бойлигини кўпайтириш йўлида фойдаланганлар ҳам чиққан.

Сабр-бардош бобида ҳам Салоҳиддин Айюбийга тенг келадигани бўлмаган. 1189 йили Акра текислигидаги душман қаршисида чодир тикди. Юриш пайтида у хасталаниб, ҳаммаёғига тошма тошиб кетганди. Аммо у оғриқларга дош берар, ўз вазифасини қойиллатиб бажариш пайдан бўларди. У эртадан кечгача эгардан тушмай қўшинни айланиб чиқиш ва бошқаришни қанда қилмасди. Бу пайтда вазиятнинг қалтислигига, оғриқларга сабр билан чидар ва шундай дер эди: “Эгар устидалигимда оғриқни ҳис қилмайман, ундан тушишим билангина у ўзининг борлигини билдириб қўяди”.

Салоҳиддин нафақат ҳарбий ва дипломатик иқтидор билан ажралиб турган, балки у юксак шахсий фази-

латларга ҳам эга бўлган. У гуноҳ ва тақиқланган ишларга яқин йўламас, художўй, Аллоҳдан қўрқувчи, серибодат, жамоат намозини иложи борича тарк этмайдиган киши эди. У ҳафтасига икки марта қозилар, уламолар, диний арбоблар иштирокида доимий мажлислар ўтказиб, юзага келган масалаларни адолат билан ҳал қиларди.

Салоҳиддинда чинакам мусулмонга хос бўлган сифат ва фазилатлар мавжуд эди. У Шомни босиб олган бутпарастларга ўта қаттиққўлик кўрсатган бўлса-да, бевосита ўзи муносабат ўрнатган насронийларга катта раҳм-шафқат ва меҳрибонлик кўрсатарди. Унинг номи насронийлар орасида ҳам, мусулмонлар ўртасида ҳам ҳақиқий олижаноблик тимсоли сифатида машҳур бўлиб кетди. Намоз, рўза каби ибодатларни канда қилмасди. Ўз аждодлари билан фахрланар, “Айюбийлар Аллоҳнинг нусратига сазовор бўлган биринчилардан эди” деб кўп гапирарди.

У Аллоҳнинг тақдирига кўнган, Унинг розилиги йўлида ҳеч нарсадан қайтмайдиган мард инсон эди. Ўгли Исмоилнинг ўлими ҳақида келган хабарни ўқир экан, унинг кўзлари ёшга тўлди, аммо руҳи чўкмади, имони сусайиб қолмади. Аллоҳнинг йўлида ҳамма нарсага тай-ёр эди: юртини босқинчилар ва зolimлардан озод қилиш учун ойлаб оиласидан, ватанидан узоқда, ҳарбий юришларда қолиб кетарди. У Парвардигорининг розилиги учун ҳаракат қилишнинг фазли ҳақидаги Қуръон оятларини, ҳадисни, тарихни севарди.

Султон Салоҳиддин муруввати, ҳаммага, ҳатто айб қилганларга ҳам бирдай олижаноблик кўрсатиши билан бошқа ҳукмдорлардан тамоман фарқланарди. Унинг ёрдамчиларидан бирининг ҳикоя қилишича, ёрдамчи бир кун тасодифан ҳукмдорнинг оёғини босиб олибди. Бунга жавобан у табассум қилиб қўя қолибди. Султондан ёрдам сўраб келганлар баъзан норозилиklarини

билдириб, гап сўзларида кўполликка ҳам ўтиб кетишарди. У бунга жавобан фақат кулиб кўяр, сўзларини охиригача тингларди.

Унинг ахлоқи ҳалимлик ва самимийликдан иборат эди. Султон билан кўрқмасдан ёқимли суҳбат қуриш, ўз фикрини англатиш мумкин бўлган. У ғамбодаларга тасалли берар, мусибатзадаларнинг дардини эшитар ва овутар, ҳаммасига маслаҳат берар ва ёрдамини аямасди. Ҳеч ким унинг бирор марта ёмон сўзларни гапирганига ёки ман этилган нарсаларга қўл урганига гувоҳ бўлмаган. Улкан салтанатнинг одил ҳукмдори, музаффар саркарда Салоҳиддин Айюбий ана шундай ажойиб инсон эди...

## АВАОДЛАРГА ЎРНАК САРКАРДА

Салоҳиддин аввалги араб халифалигини тиклаш мақсадида Бағдод сари юришга тайёргарлик кўраётган эди. Ўша жума оқшомида Салоҳиддин ўзида қаттиқ чарчоқ туяди. Ярим тунга бориб унда сариқ безгак аломатлари сезила бошлайди. Ҳижрий 589 йилнинг сафар ойи 16-куни (1193 йил 21 февраль) у тамоман ҳушини йўқотади. Беморликнинг тўртинчи куни табиблар ундан қон олиш кераклигини айтишади. Аммо бу нарса унинг аҳволини баттар огирлаштирди. Шундан кейин у тез-тез ҳушини йўқота бошлайди.

Вафот этишидан бир кун аввал тунда унинг ҳузурида қози Фозил ва шайх Абу Жаъфар бор эди. Абу Жаъфар султонга Қуръон сураларини қироат қилиб бераётганди. У Ҳашр сураси 22-оятининг: “У шундай Аллоҳдирки, Ундан ўзга илоҳ йўқдир” жумласига келганида беҳуш ётган ҳукмдор “Ҳаққос рост, ҳақиқатан шундай!” деб юборди.

Салоҳиддин эртасига, 589 йил сафар ойининг 27-чоршанба куни (1193 йил 4 мартда) бомдод намозидан сўнг омонатини Эгасига топширди. Бу воқеани Султон ҳасби ҳолини ёзиб юрган Ҳалаб қозиси Баҳодуддин (Ибн Шаддод) шундай тавсифлайди: “Султон вафот этаётганини эшитган Қози Фозил шошилинич қалъага етиб келди. Аммо бу пайтда Салоҳиддин Парвардигорига қовушиб бўлганди. Менга сўзлаб беришларича, султон ёнидан жилмаган шайх Абу Жаъфар унга Қуръон тиловат қилиб бераётган экан. Тавба сурасининг 129-оятдаги “Менга Аллоҳ кифоядир, Ундан ўзга илоҳ йўқдир. Унга таваккул қилдим” жумласига етиб келганида, бемор табассум қилган, юзлари ёришган, таскин топган ҳолда Раббисига омонатини топширибди.

Тўғри йўлдаги тўрт халифа вафотидан буён Ислом олами бошига султон вафот этган кундаги зарба тушмаган эди. Султон қалъаси ҳам, Қоҳира ҳам, бутун дунё гамга ботганди, гам-аламнинг миқёсини Аллоҳдан ўзгаси билмасди. Мен илгарилари яхши кўрган одами учун ҳатто жонини ҳам фидо қилиб юборадиганларнинг борлиги ҳақида эшитган эдим, аммо булар ҳақиқатдан йироқ, эҳтирос ортидан айтилган қуруқ сўзларгина эди. Аммо Аллоҳни гувоҳ қилиб айтаманки, ўша куни мабодо “Ким жонини султоннинг ҳаёти йўлида фидо қила олади?” деб савол берилганида, кўпларимиз “мен” дея олдинги сафга чиққан бўлардик.

Сўнг молик Афзал қалъа шимолидаги улкан залда ўз зобитларининг таъзиясини тинглаш учун қабул маросими ўтказди. Эшик олдида соқчилар қўйилган бўлиб, улар юқори мартабали амирларни, таниқли уламоларнигина ичкарига қўйишди, султон шаънига марсия ёзиб келган шоирларни эса киритишмади. Бугун ҳақиқий мотам куни эди, ҳамма шунчалар қайгуга ботган, кўз ёшларига чўмил-



ган, аччиқ ноаларга ғарқ бўлган эдики, мияга бошқа ҳеч нарса кирмас эди. Ҳатто ваъз-насиҳат ҳам, тасалли сўзлари ҳам ортиқча эди ҳозир. Султоннинг фарзандлари кўчаларга чиқиб, минг-минглаб одамларнинг таъзия ва ҳамдардлигини қабул қилишди.

Бу ҳолат пешин намозигача давом этди. Бу орада маййитни ювиб, кафанлашди. Дафн учун керакли ашёларни сотиб олишда бошқалардан қарз олишимизга тўғри келди. Султон ортиқча маблаг қолдирмагани сабаб ҳатто энг арзимас саналган қабр ғиштининг лойини қоришда ишлатиладиган сомон олишга ҳам пул йўқ эди. Фақиҳ Дулайя маййитни юваётганида мендан кузатиб туришни илтимос қилишди, аммо бу манзарани кўришга ярамайдиган ҳолатда эдим. Пешин намозидан сўнг жаноза ўқилиб, устига оддий йўл-йўл мато ва кийим ёпилган тобутни кўриб, аламли нола-афғонлар портлаб кетди, бўзлашлар еру осмонни тўлдирди.

Султон вафот этганида, ҳамма жойда мотам тутилди. У буюк жангчи, ажойиб подшоҳ, олижаноб рақиб, санъатнинг саховатли ҳомийси, маърифатли мусулмон ва Ислом учун толмас курашчи эди. Унинг бутун ҳаёти Ислом умматига фидойиларча хизмат қилиш билан кечди: янги йўللар қурдирди, суғориш шохобчаларини бунёд эттирди, мактаб ва мадрасалар очдириб, уларни барча зарур нарсалар билан таъминлади. Шунингдек, султоннинг Дамашқда таъсис этиб жиҳозлатган Айюбий дорилфунуни кўп асрлар давомида фан ва маърифатнинг машҳур ўчоғи бўлиб келди. Салоҳиддин Оврупа учун ҳам мангуга жувонмардлик намунаси бўлиб қолди.

Салоҳиддин фоний дунёни тарк этганида унинг вафотига нафақат мусулмонлар, балки бошқа диний таълимотларнинг вакиллари ҳам аза тутишган эди. Ҳатто овруपालиклар бу ўзига хос ноёб инсоннинг фазилатла-

рига ҳозиргача қойил қолиб, унинг номини шарафлаб келишади.

Жасур, адолатпарвар саркарда, салибчиларга қарши курашда ном чиқарган ҳукмдор ўзининг йигирма икки йиллик ҳукмронлиги даврида Мисрда ҳокимиятни марказлаштириш, салибчиларни тор-мор қилиш ва Шомни эгаллашга муваффақ бўлди. У Ислоом оламини бирлаштириб, салтанатдаги насронийлик руҳини шамолга учуришга эришди. Унинг насроний салибчиларга қақшатқич зарба берганига қарамай, олижаноблиги, адолати, суҳ ва келишувларга хайрихоҳлиги учун Шарқда ҳам, Ғарбда ҳам баравар ҳурмат қилишган.

Қоҳирадаги Салоҳиддин Айюбий кўрғони ва қалъаси улуғ саркарданинг мухташам шавкатидан хотира сифатида ҳозиргача сақланиб келяпти. Атрофи баланд девор билан ўралган кўпбурчакли бу кўрғон 1176 ва 1207 йилларда меъмор Қорақуш раҳбарлигида Муқаттам тоғи тизмаларида барпо қилинган. Аввалда қалъадан Нилга қараб Қоҳирани ўз ичига олган баланд деворлар қуриш режаланган, аммо кейинчалик бундан воз кечилган. Унинг ўрнида қадимий Юсуф алайҳиссалом девори бўлган, меъмор уни ковлатиб, кўрғон ичига қўшдириб юборган.

Миср ёзувчиларининг айтишича, кўрғон қурилишига ҳатто Жизадаги эҳромлардан (пирамидалардан) ташиб келтирилган палахса тошлар ҳам ишлатиб юборилган экан. Шуниси қизиқки, Салоҳиддин ушбу кўрғонни насроний салибчиларнинг ҳужумидан ҳимояланиш учун тиклатган бўлса-да, унинг қурилишида султон асосан асир тушган салибчилар меҳнатидан фойдаланган эди. Бундан ҳам қизиги, кўрғон ичига тоза сув йўли (водопровод) тортиб келинган, бу сув йўлидан ҳатто яқин-яқинларгача фойдаланиб келинган. Кўрғонда султон ва унинг оиласи, аъёнлар, саркардаларнинг қароргоҳлари, аскарлар учун казармалар, омборлар ва

масжидлар жойлашган, улар худди турфа гуллар каби бир-биридан гўзал ва кўркам саройларда яшашган. Салоҳиддиннинг шахсий котиби Ибн Шаддод ёзиб қолдирган хотираларга кўра, кўргон ичида оврупаликларнинг ҳатто тушига ҳам кирмаган муҳташам шифоҳона ҳам бўлган. Бу ерда дунёнинг турли ўлкаларидан таклиф қилинган мусулмон табиблар олий даражада хизмат кўрсатишган, беморларга таом ва дори-дармон бепул берилган.

Аммо Ислому уммати учун улкан хизматларни қилган саркарда ва фотиҳнинг қурдирган бу ҳашаматли иншооти унинг шоҳона яшаб ўтганини англамайди. У қудратли салтанатнинг ҳукмдори бўлган эса-да, дунёга қизиқмай, бойликни писанд қилмай ўтди. У “Шундай одамлар борки, улар учун пул қум каби қадрсиздир”, деярди. У ана шу қоидага муносиб яшаб ўтди, вафот этганида фарзандларига ундан битта олтин ёмби ва қирқ етти дирҳам пул мерос қолганди.

Кўлга киритган катта зафарларига қарамай, у хокисорларча ҳаёт кечирган, дунёнинг моли, лаззатларию шаҳватларига бепарволиги билан ажралиб турган. Унинг бу борадаги хислатини қуйидаги воқеа ҳам исботлайди: бир вақтлар унга атаб Дамашқда шоҳона қаср қуришадди. Буни кўрган Салоҳиддин: “Ҳақиқатан менинг уйим – тешикларидан шамол кириб турадиган чодирдир, у мен учун мана бу сарой ва дунёнинг бошқа ҳашамларидан қадрлироқдир”, деган эди. Сўнгра шундай саройни қурдирган ўз девони раҳбарини ишдан озод қилган эди.

Салоҳиддин Айюбийнинг номи тарихда Ғарбнинг мусулмон уммати устига бостириб келишини тўхта-тиб қолган улуғ халоскор, дунёдаги бир-бирига ғаним кучларни бир ҳамлада бирлаштира олган саркарда, ўз шахсида Исломининг олий мақсадларини рўёбга чиқариш учун курашнинг тимсолини шакллантирган инсон сифатида қолди.

## ВОРИСЛАР ҚИСМАТИ

Салоҳиддиннинг хотини Исматибдин Хотун ўз даврининг оққўнгил, фаросатли аёлларидан бўлган. Бундан ташқари художўй, тақволи, доно, сахий ва жасур аёл эди. У султонга кўплаб салоҳиятли фарзандларни тортиқ қилди. Имоиддинга кўра, Салоҳиддин 1174 йили Мисрни тарк этиш олдидан беш ўғилнинг отаси бўлган. 1170 йили тугилган тўнғич ўғил Афзал ва икки йилдан сўнг таваллуд топган Усмонни отаси Шом юришига олиб кетган эди. Султоннинг учинчи ўғли Зоҳир Ғозий кейинчалик Ҳалаб волийи бўлди. Афзалнинг онаси 1177 йили яна бир ўғил туғиб берди. Калгашандийнинг маълумотларига кўра, орадан бир йил ўтиб, султон ўн иккинчи ўғилни кўрган, Имоиддиннинг рўйхатида эса у еттинчи ўғил саналарди.

Султоннинг вафотидан сўнг ворислари унинг салтанатини тақсимлаб олишди: Азизга Миср тегди, Афзал Шомни олди, Зоҳир Ҳалаб волийлигида қолди. Салоҳиддин Айюбийдан кейин унинг ўғли Азиз Имодудин ҳижрий 589 йили тахтга ўтирди ва мамлакатни олти йил бошқарди. Шундан кейин айюбийлар салтанати ҳукмронлиги унинг ўғли Мансур Насриддинга ўтди. Орадан икки йил ўтмай Салоҳиддиннинг укаси вазир Одил Биринчи жиянини тахтдан тушириб, ўзи мамлакатни 615 йилгача бошқарди. Ўша йили салибчилар яна ҳужумга ўтиб қолишди ва Димятни босиб олишди. Малик Одил бу пайтда ўлим тўшагида ётган эди, шунинг учун ўғли Комил Биринчига салибчиларни қувиб юборишни васият қилди. Комил шу заҳоти жангга отланди, Шомдан унга қўшин ёрдамга келди. Мансура шаҳрида мусулмонлар душманларини янчиб ташлашди, уларнинг флоти Нилда чўктириб юборилди. Салибчилар Комил билан саккиз йилга сулҳ шартномаси тузгач, Мисрни тарк этишди.

Шундан кейин Қуддус қиролининг куёви, олмон императори Фридрих Иккинчи катта қўшин билан Фаластинга кириб келди. Ҳижрий 626 йили бўлган шиддатли жанглардан сўнг малик Комил император билан шартнома тузишга мажбур бўлди. Унга кўра, Қуддус устидан назорат яна насронийлар қўлига ўтади; мусулмонлар ихтиёрида фақат ҳазрати Умар масжиди ва унга туташ ерларгина қолди. Бунинг устига мусулмонлар асир тушган солибчиларни озод қилиш мажбуриятини ҳам олишганди.

Ҳижрий 635 йили Комил вафотидан сўнг ҳокимият тепасига унинг ўғли Одил Иккинчи Сайфиддин келди. Шу вақтдан бошлаб айюбийлар сулоласини тахт учун ўзаро курашлар эмира бошлади. 637 йили Сайфиддиннинг акиси Солиҳ Нажмиддин уни тахтдан тушириб, зиндонга ташлатди. Солиҳ ҳукмронлиги даврида Франция қироли Людовик Тўққизинчи Димятни босиб олди ва 647 йили Мансурага қараб юриш бошлади. Ана шу пайтда Солиҳ вафот этиб қолди ва унинг Шажаратуд-дур (Марварид дарахти) исми беваси эрининг ўлимини пинҳон тутиб, марҳум эрининг ўғли Туроншоҳ ёрдамида давлатни ўзи бошқармоқчи, таъсирини сақлаб қолмоқчи бўлди. Кўп ўтмай уларнинг муносабатига раҳна етди ва Туроншоҳ Қоҳирага кириб боришга ҳаракат қилди, аммо бунга эриша олмади. Бир йилдан сўнг қирқ кунгина ҳукмдорлик қилган Туроншоҳ мамлуқлар томонидан ўлдирилди.

Охирги айюбий ҳукмдор Ашраф Иккинчи Музаффариддин ҳам 650 йилгача икки сана ҳукм сурди, унинг ҳукмронлиги шунчаки расмиятчилик эди, ҳақиқий ҳукмдорлик Шажаратуд-дурга тегишли бўлган. Туркиядан келтирилган чўри бўлмиш хушрўй ва айёр бу аёл фитна ёрдамида султон Солиҳга тегиб олганди. Бироқ у мамлакатдаги аҳволни ўнглай олмади, Шом устидан назоратни ҳам қўлдан бой берди. Шунда у марҳум эрининг

хизматида бўлган мамлуқлар вазири Иззуддин Айбакка турмушга чиқди ва расман ҳокимиятни унга топшириб, ўз таъсирини сақлаб қолди. Султон хоним биринчи кунларданоқ эрини ёмон кўриб қолди ва куч билан уни биринчи хотинидан ажратиб юборди. Иззуддин ҳам маккоранинг фитнаси туфайли йўқотилди, уни ҳаммомнинг бўғхонасида бўғиб ўлдиришди.

Аммо Айбакнинг ўгли Мансур Нуриддин Али отасининг қасосини олди ва 655 йили Шажаратуд-дурни ўлдиртирди. Саксон кунгина тахтда ўтирган маккоранинг ўзи ҳам бошқаларга қилган фитнасининг қурбонига айланди. Уни Айбакнинг биринчи хотини қўлида ишлаган чўриларга хомталаш қилишга ташладилар. Аламга кирган чўрилар собиқ ҳукмдорни ёғоч бошмоқлар билан ўласи қилиб калтаклашди ва чалажон жасадини қалъа ёнидаги чуқурга итларнинг еб кетиши учун ташлашди. Мана шу воқеалардан сўнг айюбийлар салтанати мамлуқлар қўлига ўтиб кетди ва улар мамлакатни икки ярим аср мобайнида, Мисрнинг Усмонлилар салтанати ихтиёрига ўтгунига қадар бошқаришди.

## МУХОЛИФЛАР ЭЪТИРОФИ

Қалбларни раҳм-шафқат билан забт этган, вужудларни хорламай таслим қилган Салоҳиддин Айюбий илк ўрта асрлардан то бугунги кунимизгача минглаб одамлар учун барҳаёт намуна бўлиб келяпти. У гўзал ахлоқий фазилатлар, улкан ҳокимият ва катта бойлик эгаси бўлишига қарамай, қилинган сотқинлик ва ҳақсизликларга эътибор бермай, ҳамиша инсонлигича қолгани, ўз зафарларида ва иш-амалларида фақат Аллоҳ розилигини кўзлагани уни дунё ўз тарихида кўрган энг яхши ҳукмдорлардан бирига айлантирди. Буни Салоҳиддиннинг ғанимлари бўлмиш салибчи саркардалар, насронийларнинг раҳнамолари ҳам очиқ эътироф этишган. Қуйида Салоҳиддин Айюбийнинг салибчилар билан қилган мулоқотларидан айримларини эътиборингизга ҳавола қиламизки, булар ҳам Қуддус халоскорининг олижаноблиги, мардлиги ва бошқа инсоний фазилатларига энг яхши далиллардир:

– Мени фақат душман сифатида хотирлаб юришингдан умид қилсам бўладими?

– Сиз улуг подшоҳсиз, сизни ҳеч қачон унута олмасам керак.

\* \* \*

– Сизлар бу урушда мағлуб бўласизлар. Буни сен ҳам, мен ҳам яхши биламиз. Бироқ ҳаётимни сақлаб қолганинг учун сенга мурувват кўрсатмоқчиман. Қуддусни жангсиз топширинглар, ўшанда сен ҳам, тамплиер биродарларинг ҳам қачон хоҳласанглар, чиқиб кетишларинг мумкин.

– Қуддусни ҳимоя қилиш менинг бурчим. Агар қарор қабул қилиш менга боғлиқ бўлганида ҳам рад жавоби берган бўлардим.

- Унда ўлим топасан.  
– Тақдиримиз Парвардигорнинг қўлида.

\* \* \*

– Биз бир-биримизга ҳужум қилмасликка қасамёд қилгандик. Келинг, ҳалол бўлайлик, ахир сизлар ҳам биз каби жангчиларсиз-ку!

– Сен кимлигимни биласанми?

– Сен Салоҳиддин номи билан танилган Юсуф ибн Айюбсан.

– Қўрқмайсанми?

– Сен рост сўзга қасам ичгансан.

– Биродарларинг каби эмас экансан, виждонли киши экансан. Афсуски, бу урушда ютқазасан.

– Мен ғалабага қасам ичганман.

– Мен ҳам. Тезда қай биримиз ҳақ эканимизни кўра-миз.

\* \* \*

– Парвардигорнинг иши қизиқ экан. Бизнинг ҳаётимизни асраб қолиш учун нега душман юборгани ёлғиз Ўзигагина аён. Қароқчиларни ўлдирганингиз каби бизни ҳам йўқ қилишингиз мумкин эди.

– Ўша қароқчилар биз ҳеч кимга зарар етказмай муҳофаза қилишимиз керак бўлган қанчалаб ҳожиларни ўлдиришган.

\* \* \*

– Қуддус менинг қўлимда, агар хоҳласам, у қулаши мумкин.

– Марҳамат кўрсатиш – буюк ҳукмдорларнинг хислати.

– Насронийлар муқаддас заминни босиб олишганида ҳаммани ўлдиришган. Менинг одамларим ҳам шуни исташади.



– Агар сиз интиқом олсангиз, насронийлар янада каттароқ қўшин тортиб келишади ва бу уруш ҳеч қачон тугамайди.

– Тугри айтасиз, рицар. Агар барча рақиблар ҳам сизга ўхшаган бўлганида, балки, бу урушда биз галаба қозонмасдик. Эҳтимол, бир вақтлар келиб, ҳаммамиз ушбу заминда биргаликда яшашимиз мумкин. Тинчлик ва тотувликда яшаш ҳақидаги бу орзуни ўзингиз билан уйга олиб кетинг.





**БУЮК САРКАРДА  
ВА СОҲИБҚИРОН**

## ТАҚДИМ

**А**мир Темур Кўрагоний ибн Амир Тарагай ибн Амир Бурқул ҳижрий 736 йили рамазон ойида (милодий 1336 йил 9 апрелда) Кеш (ҳозирги Шаҳрисабз) нинг Хожа Илгор қишлоғида таваллуд топган. У ўрта асрларнинг йирик давлат арбоби, буюк саркардасидир. Амир Темур кучли, марказлашган давлатнинг асосчиси, илм-фан ва маданиятнинг ҳомийси бўлган. Отаси – Амир Тарагайбек барлос қабиласининг нуфузли оқсоқолларидан эди. Онаси Такинахотун бухоролик машҳур фақиҳ Тожуш-шариъа (шариат тожи) тахаллуси билан машҳур бўлган Убайдулла ибн Масъуднинг авлодидан. Темур ёшлигидан яхши илм олади, Аллоҳнинг Китобини тўла ёд олиб, ҳофизи Каломуллоҳ бўлади. Айни дамда чавандозликка ва овга ишқибоз бўлиб, камондан нишонга ўқ узиш, от чоптириш, турли машқлар ва ҳарбий ўйинлар билан шугулланди. Моҳир чавандоз, довурак баҳодир бўлиб вояга етди.

Амир Темур Мовароуннаҳр ва Хоразмда кучли давлат қурди. Сўнг, қўшни давлатлар устига юриш қилиб, уларни ўзига бўйсундириш ва марказлашган буюк салтанат барпо этишни мақсад қилди. Ҳарбий юриш-



ни Хуросондан бошлади ва Ҳирот-ни эгаллади. Сарахс, Жом ва Қавсия шаҳарлари жангсиз таслим бўлди. Эроннинг катта қисмини ҳам бўйсундирди.

Амир Темур Эрон, Озарбайжон, Ироқ ва Шом (Сурия) устига уч марта лашкар тортиб борди. Бу юришлар тарихда “уч йиллик”, “беш йиллик”, “етти йиллик уруш”лар номи билан машҳур. Амир Темурнинг Олтин Урда хони Тухтамиш устидан қозонган галабаси фақат Мовароуннаҳр учун эмас, балки бутун Шарқий Оврупа, шунингдек Рус князликлари учун ҳам буюк аҳамият касб этган эди.

Соҳибқирон Амир Темурнинг Усмонлилар султони Йилдирим Боязид билан жанги ҳам Темурнинг галабаси билан тугайди. Кичик Осиёдан Самарқандга зафар билан қайтган Амир Темур 1404 йилнинг кузида икки юз минг қўшин билан Самарқанддан Хитойга юриш бошлайди. Бироқ бу юриш Амир Темурнинг ҳижрий 807 йил шаъбон ойининг ўн еттисиди (1405 йил 18 февраль) касаллик туфайли Утрорда вафот этиши туфайли амалга ошмай қолади.

## АМИР ТЕМУР КИМ ЭДИ?

Атоқли саркарда ва шуҳратли соҳибқирон Амир Темур тарих саҳифаларидан мустаҳкам ўрин олган буюк шахслардан биридир. Унинг шахсияти ҳам ўта зиддиятли бўлиб, инсоният томонидан қабул қилинган замон ва макон қолипларига сигмаслиги табиий бир ҳол эди. Чунки бир томонда ўзи бостириб борган ўлкалардаги бўйсунмаган қавмларни шафқатсизларча маҳв этган қаҳри қаттиқ саркардани кўрамиз. Иккинчи томонда эса, бўйсунган ҳар бир юртни обод қилиш, раъият турмушини фаровон этиш учун салтанатнинг бутун бойлигини сочиб юборган улуг подшоҳ туради. Илм ва ҳунар аҳлига беқиёс марҳаматлар кўрсатган халқпарвар, илм-маърифат ҳомийси намоён бўлади.

Шу сабабли Амир Темур шахсиятига баҳо берилган кўплаб асарларда бир қанча ана шундай қарама-қаршиликларга дуч келамиз. Айрим шарқ манбаларида Амир Темур Ислом динига қарши турганликда айбланади. Манбаларда Усманийлар салтанатининг атоқли саркардаси Йилдирим Боязидни мағлуб этиб, Ислом динининг Ғарбда тарқалишига катта тўғаноқ бўлганлиги айтилади. Бошқа муаррихлар эса унинг Ислом шариатини жорий этиш, мусулмон маданиятини гуллаб-яшнатиш йўлидаги катта хизматлари эътироф этилган сатрларни битишади. Баъзи ғарб манбаларида унга юртларини зулм ва исканжадан қутқарган халоскор сифатида қаралса, бошқасида “босқинчи”, “золим”, “ланг” (чўлоқ) каби нохуш сифатлар тақалади.

Амир Темурнинг Аллоҳ тақдир қилган тарихий вазифасига (миссиясига) баҳо беришдаги фикрлар қарама-қаршилигининг ўзига хос сабаблари мавжуд. Бунда, бир томондан, мустамлакачиларнинг ҳукмрон мафкура-

си ўз зуғумини кўрсатган бўлса, иккинчи томондан, саркарда қисматига бўлган шахсий адоватлар ҳам алоҳида ўрин тутган. Бундан ташқари, тарихий воқеалар ва шахсларга ўз замонининг талаб-истакларидан келиб чиққан ҳолда баҳо берилади. Масалан, даҳрийликка асосланган шўро мафқураси кўп йиллар мобайнида саркарда Амир Темурни “қонхўр, ваҳший, асирларнинг калласидан минора ясаган золим” сифатида тасвирлади. Бу фикрни барчага зўрлаб ўтказишга уринди. Шўро тузумининг охириги даврларида (XX асрнинг 70 йиллари) саркарда ҳақида ҳолисона фикрларни ёзган академик Иброҳим Мўминов марказнинг топшириғига биноан ҳар томондан таъқиб этилиб, “ур-калтак” қилингани ҳаммага маълум. Юрт мустақил бўлганидан кейин эса, Амир Темурнинг барча камчиликларидан кўз юмиб, уни мутлақо хато қилмайдиган, комил инсон даражасига кўтариб юборишди. Энг қизиги, бу икки бир-бирига зид қарашларнинг асосий ижрочилари айнан бир замоннинг арбоблари ва тарихчи олимлари эдилар.

Хуллас, Амир Темур катта қарама-қаршиликлар, зиддиятлар, долғали ҳаёт қуршовидаги улуғ бир шахс бўлган. У тарих саҳнасидаги ўзига юкланган вазифани қўлидан келгунча адо этган. Унинг шаънига қилинган тўхмат-маломатларни миллионлаб бегуноҳ кишилар умрига зомин бўлган мустамлакачиларнинг виждонларига ҳавола этамиз. Амир Темурнинг ҳаёт йўлига, улуғ саркарда ва жамоат арбобининг асл шахсиятига ўзимиз ҳолис назар ташлашга уриниб кўраемиз.

Соҳибқирон Амир Темур ҳақида Шарқда ҳам, Ғарбда ҳам турли манбалар мавжуд. Кўплаб асарлар ёзилган. Улар ичида улуғ муаррих Шарафиддин Али Яздийнинг, айрим жиҳатларини истисно қилганда таниқли араб муаррихи Ибн Арабшоҳнинг асарлари каби ишончли,

396

холис нуқтаи назар билан ёзилганлари ҳам бор. Кимларнингдир буюртмаси ёки талаби билан сохта маълумотларга “кўмиб” битилганлари ҳам бор. Назаримизда, Амир Темурнинг ўз қаламига мансуб бўлган ёки айтиб ёздирган, дея ҳисобланган “Мен — фотиҳ Темур” асари соҳибқирон ҳақидаги асарларнинг энг муътабари ва ишончлиси бўлса керак. Асарнинг ўзбекча таржимаси муҳаррири ёзганидай: “Тарих китобларининг муътабари ўша тарих соҳибининг ўз қўли билан ёзилғонидир. Соҳибга яқин кишилар ёзган тарих (тарих соҳибининг ички асрори очилмағони учун) ҳақиқатнинг маъносига ёрдам беролмай қоладур. Тарих соҳибининг ўзи ёзгани, бошқа тарихлар (хаёлий, афсона, муболаға шаклига кириб қолгонлар)дан фарқ қиладур. Зеро, адоватчиларнинг ҳиқд-ҳасадлари тарих саҳифаларини булғаб кетаверади. Мана шундай ҳолларда соҳибнинг ўз ёзиғи (қўлёзмаси) ҳужжат тутуладур. Тарихшуносларнинг илмий натижаси шудур”.

Мазкур асарни Саудия Арабистонида истиқомат тутган марҳум ватандошимиз Абулқосим Абдурраҳим Учқун домла форсчадан ўзбек тилига гўзал таржима қилганлар. Уни атоқли ёзувчимиз Тоҳир Малик (Аллоҳ раҳмат қилсин) юртимизда бир неча бор нашр қилишга уриниб кўрган бўлсалар-да, қандайдир сабаблар билан ниятларига ета олмадилар. Бу орада француз ёзувчиси Марсель Брионнинг Амир Темур ҳақидаги асари ўзбек тилида босилиб ҳам чиқди. Бу айнан ўша Соҳибқирон қўли билан ёзилган асардир. “Мен – фотиҳ Темур” асари таржимасининг масъул муҳаррири шундай ёзади: “Асар Девиё деган кишининг ташаббуси билан Оксфорд илмий тадқиқотчиларидан профессор Войт ёрдами ила 1783 йилда инглиз тилида нашр этилиб, тарқатилган. Французча нусхасини тарихшунос Морсал Брайвон инглиз тилидан таржима қилган”.

Абдурраҳим Учқун домла асарни асл форсий (“Манам Темури жаҳонкушо”) нусхасидан ўзбекчага ўгирганлар. Ушбу китобимизда ана шу асардан бир қадар фойдаландик, бунинг учун мутаржим ҳақларига дуода бўлишга бурчлимиз.

## ТАВАЛЛУД ВА БОЛАЛИК

Юқорида зикр этилганидек, Амир Темур ҳижрий 736 йилнинг рамазон ойида (милодий 1336 йилнинг 9 апрелида) Кеш (ҳозирги Шаҳрисабз)нинг Хожа Илғор қишлоғида таваллуд топган. Ҳижрий 807 йил шаъбон ойида (милодий 1405 йил феввали) Утрор шаҳри яқинида вафот этган. Самарқандга келтирилиб, дафн қилинган.

Амир Темурнинг отаси Амир Тарагай барлос уруғининг нуфузли оқсоқоли эди. Тарагайбекнинг туғилган йили номаълум бўлиб, 1360 йилда вафот этган. У ҳарбий юришларга майли йўқ, тақводор мусулмон киши эди. Кўп вақтини сўфийлар билан ўтказарди. Шарафиддин Али Яздийнинг ёзишича, “Тарагайбек уламою сулаҳо ва муттақийларга мушфиқ ва меҳрибон эрди, буларнинг мажлисига борур эрди...”

Темурнинг онаси – Тегина Хотун Такина бегим, Такина Моҳбегим исмлари билан машҳур бўлган. Тахминан 1318 йили Бухорода туғилган. 1353 йилда Шаҳрисабзда вафот этган. Тегина Хотун Бухоро уламолари пешвоси, атоқли фақиҳ, садруш-шариъа мавлоно Убайдуллоҳ Бухорийнинг авлодидан эди. Тегина хотун милодий 1334 йили ўн олти ёшида Тарагайбекка узатилиб, орадан икки йил ўтгач, Темурбек таваллуд топган.

Атоқли Ислом муаррихларидан Маҳмуд Шокир ўзининг “Ислом тарихи” асарида Амир Темур (Темурбек)

нинг ҳасби ҳоли ҳақида ушбу сатрларни ёзади: “Тўлиқ исми Амир Темур Кўрагоний ибн Амир Тарагай ибн Амир Бурқулдир. Бу буюк тарихий шахс ўрта асрларнинг йирик давлат арбоби, кучли ва марказлашган давлатнинг асосчиси бўлган. У буюк саркарда, илм-фан ва маданият ҳомийси эди. Ёзма манбаларда уни Темурланг деб келтирадилар. Оврупа адабиётида Тамерлан номи билан таърифланади. Амир Темурнинг онаси Такинахотун бухоролик машҳур фақиҳ Тожуш-шариъа (шариат тожи) таҳаллуси билан машҳур бўлган Убайдулла ибн Масъуд (1350 йил вафот этган)нинг авлоди эди. Унинг отаси Амир Тарагай барлос уруғининг оқсоқолларидан бўлиб, Чигатой улусининг эътиборли бекаридан ҳисобланган. Аждодлари эса Чигатой саройи мулозимлари қаторидан ўрин тутганлар. Улар Кеш ва Насаф вилоятида ўз мулкларига эга бўлганлар ва бу юртда ҳокимлик қилганлар. Шу боисдан, Амир Темурнинг отаси Амир Тарагайбек ҳам йилда бир маротаба Или дарёси бўйида хон томонидан чақириладиган бек ва бийларнинг умумқурултойи йиғинларида қатнашар эди” (*Маҳмуд Шокир, “Ислом тарихи”, 5-жуз, 195-бет*).

Юқорида тилга олинган “Мен – фотиҳ Темур” асарида Темурнинг ўзи шундай ёзади: “Отамнинг оти Тарагай, Кеш шахрининг кам бизоат ерлик кишиларидан саналур эди. Шаҳар аҳли эҳтиром қилур эдилар. Менинг тугулишимдан илгари отам туш кўрмиш. Тушида отамнинг қаршисинда фариштасифат бир чиройли киши кўрунуб, қўлидаги қиличини отамга бермишдур. Отам у кишидан қилични олиб, тўрт томонга силта турган ҳолда уйгонадур. Эртаси отам, одат бўйича, пешин намозини маҳалла масжидида шайх Зайниддин орқасида ўқугандан кейин шайхнинг олдига бориб, кўрган тушини баён қилгандур. Шайх отамдан тушни тонг вақтида кўрганини сўраб

билгандан кейин бундай таъбир қилади: “Сенга Тангри таоло бир ўғул ато қилгайки, шамшири билан жаҳонни фатҳ қилгай ва Ислоом динини бутун дунёга тарқатгай. Ўғлунгнинг тарбиятида гофил бўлма, кичиклигидан бошлаб Қуръон ўқусун, хат ёзишни ўрганиб, салоҳ ишлатакни билсун”, деб жавоб таъбир қилмишдир. Шундан бир йил ўтуб тугулубман. Отам яна шайхнинг олдига бориб, унинг илқоси билан “Темур”, деб ном қўюбдирлар. Отамнинг менга сўзлашича, менинг номимни қўйиш олдига шайх Қуръон тиловат қилиб турган экан ва Қуръоннинг олтмиш еттинчи сураси бўлмиш “Ал-Мулк”нинг муборақ оятлари ўқулуб турганини сўзлар эдилар”.

Юртимиз тарихи билимдонларидан бири шундай ёзади: “Темурни кичик ёшиданоқ маҳалла мактабхонасига бердилар. Ўнгу чап қўлларида ҳам алифбони ёзиб турган болага ота-онаси таажжуб билан боқар эди. Темур маҳалла мактаби дастурини тезда тугатиб, мактабдан мактабга кўчиб, ўз истеъдодига лойиқ устозлардан таълим олар эди. Ўн олти ёшида ўша замоннинг улуми куллияларини битирди. Қуръони каримни шу даражада ёд олгон эдики, бошдан оёқга – оёқдан бошига қаратиб, оят-оят ўқугонда ҳам ғалат қилмас эди. Шу билан бир вақтда Қуръони карим маъносини билмак учун араб тилини яхши ўрганиб, тафсир, фикҳ илмларини мукаммаллаш қилди. Хатни икки қўлида ҳам чиройли ёзганидан ташқари тарих, адабиёт, мантиқ, фалсафани ҳам ўқугон эди. Ўзининг ёзганида, фақат тиб илми билан фалак илмидан бошқа илмларни тамом ўқудум, дейдур. Илми тугатиш муносабати билан бўлган йиғинда олимлар тарафидан имтиҳон олингач, “Ҳофиз” унвони берилади. Шу билан Темур “Қори Қўрагон” бўлди. Отасининг яйловдаги ўттуз адад йилқисини боқишмоқ учун ёрдамга бел боғлар экан, ўқ-ёй, қилич, найза, болга каби салоҳлар истеъмолини ўрганмоқни

ҳам қўймади. Ёввойи отларни тутушда қўлланадургон арғамчи ташлашни ўрганиб олишдан ташқари яхшигина камончи ҳам бўлиб олди. Устози Самар Тархоннинг тавсияси билан икки қўллаб салоҳ (қурол) ишлатмоққа ҳам моҳир бўлди”.

Амир Темурнинг ўзи “Мен – фотиҳ Темур” асарида болалигини шундай хотирлайди: “Ўша вақтларда отам эскигина бир масжидга олиб борди. Масжид ёнида бизнинг боболаримизнинг қабри бўлур эди. Отам менга оҳиста таништирди ва йўл-йўриқ кўрсата бошлади: “Эй ўғлим Темур, биз Чигатой аймағидан бўламиз. Дастваб-ки бобомиз эса Ёфас ибн Нуҳ алайҳиссаломнинг ўғулари дур. Бизлардан энг аввал мусулмон бўлган одам “Қарочор Нуён”, деган бир киши дур. Чигатойхонга куёв бўлгани учун Кўрагон атайдурлар. Бу лақаб бизнинг хонадонимизга хос бўлгани учун сен ҳам мендан кейин Кўрагон лақабини кўтарасан”, деди. Сўнгра қабрга ишора қилиб: “Булар бизнинг аждодларимиз бўладилар. Ҳаммалари мусулмон кишилар дур. Сен ҳам шулардек самимият билан дини мубини Исломга боғлиқ бўлишинг керак. Дунёда Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг динларидан ўзга яхши дин йўқ дур. Ислом дини дунё ва охиратни назарда тутган дин дур. Пайгамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламга умматликни бажо этмоқ учун суннатларини бажармоққа интилғил, уламои киромларни ҳурмат қилғил, оқил ва донишманда кишилар суҳбатида бўлғил. Қўлингдан келса, масжид ва мадрасалар бино қилғил, бойликларингдан масжид ва мадрасага вақф чиқарғил, бу дунёнинг зоҳирий жилвасига алданма, гар алдансанг, зар деб қувонганинг заҳар бўлуб чиқа дур”, деб айтди.

Амир Темурнинг ўзи болалик чоғларини шундай хотирлайди: “Мен мадрасага борганимда шу қадар кичик

эдимки, лавҳа-тахтамга мум суртуб ололмас эдим, бу ишни онам бажарар эди. Менинг аввалги домламининг номи мулла Алибек эди. Мактабимиз маҳалла масжидида бўлгани учун, болалар шўхлик қилиб намозга халал бермасун, деб намоз вақти бўлиши билан болаларни қўйиб юборар эди. Мен жуда кичик бўлганим боисидан мактабга онам билан ё қўшнилари каттароқ болалари ёки хизматчилардан бирортаси билан келиб-кетар эдим. Ўша замонларда от, хачир, туялар кўп эди, зич кўчалардан ва растаю бозорларнинг тўполонидан мени ҳимоя қилиб юрган болаларни улғайиб, салтанатга етганимда яхши хизматлар билан таъминладим. Улар ҳозиргача тирикдурлар”.

Амир Темурнинг ёшлиги она юрти Кешда кечди. У ёшлигидан чавандозлик ва овга ишқибоз бўлиб, камондан нишонга ўқ узиш, от чоптириш, турли ҳарбий машқлар ва жанговар ўйинлар билан машгул бўлишни ёқтирар эди. Шу тариқа Амир Темур моҳир чавандоз, кўрқмас ва жасур баҳодир сифатида вояга етади. У ўзининг илк ҳарбий фаолиятини қўл остидаги навкарлари билан айрим вилоят амирларига хизмат қилишдан бошлаган.

Унинг болалик йиллари ўз шахсиятини камол топтириш, гўзал одатлар билан хулқлантириш даври бўлгани аниқ. Шу тариқа у кучли ва матонатли, жасур ва тадбирли, оқил ва диёнатли, фазилат ва фаросат соҳиби бўлиб етишди. Соҳибқирон Амир Темурни ўз кўзи билан кўрган араб тарихчиси Ибн Арабшоҳ шундай ёзади: “Амир Темур ...тенги йўқ феъл-атворли, теран мулоҳазали, унинг тафаккур денгизининг қаъри йўқдир. У баланд қадли, узун бўйли, тик қоматли, қадимий паҳлавонлар авлодидан эди. Амир Темур кенг пешонали, катта бошли, ғоятда кучли ва салобатли, оқу қизил юзи доғсиз,

қўл-оёқлари бақувват, елкалари кенг, бармоқлари йўғон, пойчалари семиз, серсоқол киши эди. Унг оёқ-қўли чўлок ва шол бўлиб, икки кўзи бамисоли икки шамдек эрса-да, шодлиги билинмас эди. Овози йўғон, ўлимдан қўрқмас, ёши етмишга етса-да изтиробсиз, вазмин эди. Бадани тўла ва пишиқ, худди зич (қалин) тош мисоли қаттиқ эди. У ҳазил-мазах, ёлғонни ёқтирмас, ўйин-кулгию кўнгилахушликка майлсиз, гарчи сўзда ўзига озор етадиган бирор нарса бўлса ҳамки, садоқат унга ёқар эди; у бўлиб ўтган ишга азият чекмас ва ўзига ҳосил бўладиган ютуқдан шодланмас эди... Унинг мажлисида уятсиз сўзлар, қон тўкиш, асир олиш, нақбу горат қилиш ва ҳарам (ҳақиға) ҳақорат гаплар бўлмасди. У беҳато (нишонга ургувчи) фикрли, ажойиб фаросатли, мислсиз даражада бахтли, улуғворлиги ўзига мувофиқ, қатъий азм билан сўзловчи, бошига кулфат тушганда ҳам ҳақгўй киши эди...”

Турмуш кечиришда хийла қийналиб қолган оиланинг ташвишлари ёш Темурни бефарқ қолдирмасди. Йилқибонлик билан оиласини таъминлаш қийин бўлгани сабабли, қўшимча иқтисодий ёрдамга эҳтиёж сезди. Ўша вақтдаги Самарқанд амири Амир Ёхмоқ гайримуслим бўлишига қарамай, ундан хизмат талаб қилиб борди. Амир Ёхмоқнинг тавсияси билан ўн саккиз ёшли Темур қори Кўрагон қўшин бошлиғи этиб тайинланди ва умрининг охирига қадар қўшин бошлиғи бўлиб ўтди ва дунё тарихининг муҳим саҳифаларини ишғол этган улуғ Соҳибқирон бўлиб танилди.

Жанговар ўйинлар орқали бўлажак Соҳибқироннинг ҳарбий маҳорати ва салоҳияти ортиб боргани ҳеч кимга сир эмас. У ҳарбий соҳада эришган ютуқлари ҳақида шундай ҳикоя қилади: “Мен ўн олти ёшга борганимда тенгдошларимдан ҳеч қайси бирлари менинг билан мубораза майдонида куч синаша олмас эди. Ўқ

отишсак, менинг ўқимга еткузишга олмас эдилар. Камонимни кўтариб ўқ отган чоғимда ўқ кўздан ғойиб бўлуб, бир мунча вақтдан кейин ерга тушар эди. Менинг севганим – чаққонлик эди. Менинг кўнгул очиш ўйинларимдан бири – уч отни ёндоштириб чопиб, биринчидан учинчига ва учинчидан биринчисига сапчиб миниш эди. Яйловда юрган отларга тақа қоқмас эдик. Миниладиган отларни эса ўзум ёлғуз тақалар эдим. Бу ишнинг қанчалик огирлигини ҳамиша от миниб юрганлар биладилар.

Ўйинларимдан яна бири – бошормон чопиб кетиб турган отда эгар устидан отнинг ёнбошига тушуб, кўздан пинҳон бўлур эдим. Кейинги урушларда менга шу услуб асқотди. Душманнинг ўқидан от ўлса ҳам, мен ўзимни сақлаб қолар эдим.

Биргина от минмоқда эмас, сувда сузмоқда ҳам маҳоратим ортиқ эди. Масалан, Жайхун дарёси ҳар баҳор вақтларида тошқин бўлади. Тошқин замонларида дарёнинг у тарафидан бу тарафига сузуб ўтар эдим. Тошқиннинг ўйнаб оқишлари хатарли бўлса ҳам, оқимга қараб сузуб бориб қуруққа чиқиб олар эдим.

Яна бир турли ўйин эса каманд ташлаш эди. Ярим ёввойи отлардан бирини қасд қилганимда, унга тўғри от солиб бормасдан, ўзимни бошқа отнинг қасдида қилиб кўрсатардим. Лекин фурсатни қочирмасдан, ўша мўлжалланган от бўйнига камандни отардим ва жонивор каманд ҳалқалари бўйнига қандай тушиб қолганини сезмай қоларди.

Баъзи одамлар кун бўйи от қувлаб юриб, қасд қилганини тутолмай, вақт зое қилар эди. Менинг қўлимга тушган ярим ёввойи отлар ҳар қанча урунса ҳам, қўлумдан қочиб қутула олмас эдики, оғзига юган сўлиқ солиб, хоҳлаган жойимга олиб кетар эдим. Ўн олти ёшимда илми тиб билан илми нужумдан бошқа илмларни би-

лишга муваффақ бўлдум. Тиб ва нужум илмларига ёшлигимдан хоҳишсиз бўлганим учун, ҳоло ёшим етмишга етди, бу икки илмдан бебаҳрадурман”.

“Мен – фотиҳ Темур” асарининг мутаржими Абулқосим Абдурраҳим Учқун домла ёш соҳибқироннинг доҳиёна ишларига шундай баҳо беради: “Ун саккиз ёшинда Амир Ёҳмоқ қўшунига бош қўмондон бўлган ҳамон ўша замонга қадар бирлашишни билмаган аскарларни янгидан бирлаштириб, ўнбоши, юзбоши, туманбоши, деган рутбалар билан аскарий интизом қонунини эълон қилди. Ўша вақтлардаги аскарларни интизомга солиш бу ёш қўмондондан бошқа ҳеч кимнинг хаёлига ҳам келмас эди. Аскарларни жумъадан бошқа кунларда машқ қилдируб аскарий вазифаларни тамоман адо этмак учун истеъдодли афродлар (кишилар) ҳозирлай бошлади. Ўзи доим аскар билан бирга тургани учун чиқарган қонунлари татбиқ қилинмоғига диққат қилди. Натижада, Мовароуннаҳрда мисли кўрилмаган муаззам қўшин билан мамлакат мудофаасининг унсурлари пайдо бўлган эдики, ўзидан бир неча марта қувватли бўлган қўшунларга жавоб бера олгудек ҳолга келтирди... Эндигина йигирма ёшга тўлган бир йигитдан кўрулган ишлар, бу йигитнинг жасурлиги, руҳидаги қаҳрамонликни кўрган атрофидаги амирлар, ҳукмдорлар ҳайрон қолган эдилар. Собиқ Бухоро амирининг муттафиқларидан беш ҳукмдор юз минг аскар тузуб, ёш қўмондонни дунёдан маҳв этиб юбормоққа бир иттиҳод қилдилар. Буни англаган ёш қўмондон иттиҳодни бешиқдалик замонидаёқ тугатиб, ўз туфроғини улар тузатургон юз минг нафарлик қўшун оёқ ости қилишидан сақлаб қолди”.

## СОҲИБҚИРОННИНГ УЛУҒ ХИЗМАТЛАРИ

Амир Темур ва унинг ворислари бўлмиш темурийлар ҳижрий 771–907 (милодий 1370–1506) йиллар орасида ҳукмронлик қилган йирик ва қудратли сулола эди. Темур давлатининг пойтахти Самарқанд ва Ҳирот бўлган. Амир Темур ибн Тарағай Баҳодир асос солган бу салтанат Чиғатой улусида кучайиб кетган ўзаро урушлар даврида ҳокимият тепасига келган эди. Темурнинг ўзи ҳижрий 771–807 (милодий 1336–1405) йиллар мобайнида тахт тепасида турди. Дастлаб Мовароуннаҳр ва Хоразмда вужудга келган темурийлар давлати 1380–1507 йиллардаги урушлар натижасида Эрон, Ироқ, Озарбайжон, Ҳиндистоннинг шимолий қисмигача ёйилди. Кейинчалик бу давлат Мовароуннаҳрдаги ўлкалар, Ҳиндистон, Хуросон, Эрон, Ироқ, Шом ва Румга қарашли Онадўли каби мамлакатларни ўз ичига олган.

Саккизинчи ҳижрий асрнинг иккинчи ярмига келиб мўғуллар ҳамма ёққа тарқалиб кетишди. Уларнинг раҳбарлари ўзларига қарашли минтақага мустақил ҳукмрон бўлиб олдилар. Бунинг оқибатида тож-тахт талashiш, ўзаро урушлар кучайиб кетди. Амир Темур айнан мана шу даврда пайдо бўлди ва содир бўлаётган ўзаро келишмовчиликлар унга жуда қўл келди. Бу даврга келиб бутун Ўрта Шарқ майда подшоҳликларга айланиб кетган эди. Ер юзида бирорта йирик мусулмон давлати қолмаганди. Улуғ бир миллат бўлиб шаклланиб келаётган Усманийлар ўз салтанатини ташкил этишга ҳозирлик кўришарди. Улар куч-қудратда тобора зўрайиб бораётганига қарамай, уларнинг зафарли кунлари ҳали олдинда эди. Мусулмон Африқосида бўлгани каби Ҳиндистон минтақасини ҳам кичик подшоҳликлар ўзаро бўлишиб олган эдилар. Ислом олами буюк бир шахсга эҳтиёж сезаётганди. Бундай

қудратли ҳукмдор ва саркарда Самарқандда пайдо бўлди. Бу буюк шахс барлос уругидан чиққан Темурбек эди. Муғулларнинг улкан салтанати инқирозга учраганидан кейин ҳам, Чигатойхоннинг ўзи Чингизхоннинг мусулмонлашган авлодидан мерос қолган Ўрта Осиё хонлигига бош бўлиб турарди.

Темур ёш бўла туриб, Мовароуннаҳрга ҳоким этиб тайинланди. Ажойиб истеъдод эгаси бўлган бу инсон тез орада вазир даражасигача кўтарилди. Милодий 1369 йили сарой аъёнлари билан тил бириктириб, Амир Хусайнни тахтдан ағдараркан, ўзи Самарқандга ҳоким бўлди. Шундан кейин у Мовароуннаҳрнинг қолган қисмини эгаллади... У Чингизхонниқига ўхшаш буюк империяни вужудга келтириш орзуси билан ёнарди.

Амир Темур иқтидорли саркарда, моҳир ва узоқни кўра олган давлат арбоби, хуллас, буюк бир шахс эди... Унинг истеъдодли лашкарбоши, тадбирли ҳукмдор бўлганини ҳеч ким инкор эта олмайди. У ҳеч қачон жангда мағлуб бўлмаган, фавқулодда жасорати ва кўрқмаслиги билан донг таратган эди. Бу талабчан раҳбар ўрни келганида ҳаддан ортиқ шафқатсизлик ҳам кўрсатар, аммо айни пайтда ўз жонини аяшни ҳам билмасди. Буюк давлат арбоби бўлган Темур Ислом шарафини ҳамма нарсадан кўпроқ қадрларди.

Амир Темурнинг ҳарбий юришлари, жангу жадаллари келтирган самараларга баҳо беришда унинг фаолиятини мақсад ва режалари жиҳатидан шартли икки босқичга бўлиш мумкин. Биринчи босқичда (1360–1386 йиллар) Амир Темур Мовароуннаҳрда марказлашган давлат тузиш йўлида кураш олиб борди. Амир Темурнинг бу даврдаги фаолияти Ўрта Осиё халқларининг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаёти тараққиёти йўлида катта ижобий аҳамият касб этди. Амир Темур фао-

лиятининг иккинчи босқичида (1386–1405 йиллар) “уч йиллик”, “беш йиллик” ва “етти йиллик” ҳарбий юришларни амалга ошириб, Олтин Ўрда, Эрон, Ироқ, Кавказ, Кичик Осиё, Миср ва Ҳиндистонни забт этди.

Амир Темурнинг ҳар бир юришига туртки бўлувчи маълум сабаблар бўлган. Булар: ўз давлати сарҳадларини мустаҳкамлаш, ташқи душманлардан ҳимояланиш, карвон йўлларини турли қароқчи-йўлтўсарлардан тозалаш, хиёнатчи, сотқин, фитначиларни жазолаш, бўйсунмаган қавмларни ўзига бўйсундириш, ўз сиёсий таъсирини кенгайтириш кабилардан иборатдир. Масалан, Амир Темурнинг Тўхтамишхонга қарши юришини олайлик: Темур 1379 йилда Урусхонни енгиб, Тўхтамишхонга илтифот кўрсатиб, Оқ Ўрда тахтига уни ўтказган эди. Аммо Тўхтамишхон Амир Темурнинг умидларини пучга чиқарди. У бир неча бор талончилик ниятида Моваруннаҳрга бостириб кирганидан сўнг, Темурда ҳам унга қарши уруш очиш нияти пайдо бўлди ва 1395 йилнинг 15 апрелида Амир Темур билан Тўхтамишхон ўртасида ҳал қилувчи ҳаёт-мамот жанги бошланди. Жанг фақат Тўхтамишхоннинг тақдирини ҳал қилиб қўяқолмади, балки бутун Олтин Ўрда тақдирини ҳам ҳал этди. Тарих Темур зиммасига Олтин Ўрадек қудратли мўғул империясининг асосини емиришдек улкан вазифани қўйган экан, Соҳибқирон бу вазифани ҳам буюк жасорат билан адо этиб, Рус князликлари ва Шарқий Оврупа халқларини мўғуллар асоратидан халос бўлишларига йўл очиб берди.

Амир Темурнинг хизматлари фақат душманларига қарши ҳарбий юришлар қилиш ва уруш олиб бориш билан чеклангани йўқ. У замонасининг доно ва раъиятпарвар ҳукмдори, катта ободончилик ишлари олиб борган, халқига фаровон ва осуда ҳаётни таъминлаб берган раҳ-

бар сифатида ҳам ном қозонган. Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, Мовароуннаҳрда мўғулларнинг қарийб бир ярим асрлик ҳукмронлик даврида биронта ҳам кўзга кўринарли қурилиш ёки сув иншоотлари вужудга келмаганди. Амир Темурнинг ташаббуси билан 1365 йилда Қарши, 1370 йилда Самарқанд, 1380 йилда эса Кешнинг атрофи қайтадан мудофаа деворлари билан ўраб чиқилган. Шунингдек, халқ фаровонлиги, мамлакат ободлиги йўлида катта ишлар амалга оширилди, сув омборлари, тўғонлар қуришга, ариқлар қазишга, янги ерларни ўзлаштиришга алоҳида эътибор берилган. Мамлакатнинг иқтисодий аҳволини яхшилашда тижоратнинг аҳамияти беқиёс эканини тушунган Темур савдо қилинадиган бозорлар, расталар ва тимлар қурдирган. Турли-туман устахоналар барпо этиб, халқ ҳунармандчилиги санъатини тараққий эттирган.

Амир Темур илм-фан ва маънавият аҳлига катта эътибор қаратган. Уларга ҳомийлик кўрсатиб, жамият маданий ҳаётида фаол бўлишларига ҳаракат қилган. Тарихчи Ибн Арабшоҳ ёзганидек, “Темур олимларга хайрихоҳ эди, саййиду шарифларни ўзига яқин тутарди. Уламо ва фузалога тўла иззат-ҳурмат кўрсатиб, уларни ҳар қандай одамдан устун кўрарди. Уларнинг ҳар бирини ўз мартабасига қўйиб, иззату икромини унга изҳор қиларди”.

Амир Темур саройида кўплаб илм-маърифат аллоmaları мавлоно Абдуҷаббор Хоразмий, мавлоно Шамсиддин Мунший, Абдуллоҳ Лисон, Бадриддин Аҳмад, Нуъмониддин Хоразмий, Хожа Афзал, Алоуддин Кеший, Жалолиддин Ҳокийлар Соҳибқироннинг лутфу марҳаматидан баҳраманда бўлиб, унинг хизматида бўлдилар. Амир Темур илм-фаннинг риёзиёт, ҳандаса, меъморчилик, фалакиёт, адабиёт, тарих, мусиқа каби соҳалари равнақиға катта эътибор бергани, соҳиби ҳунарлар билан



қилган суҳбатлари ҳақида фаранг олимларидан Лянглэ шундай ёзади: “Темур олимларга серилтифот эди. Билимдонлиги билан бир қаторда софдиллигини кўрган кишиларига ишонч билдирарди. У тарихчилар, файласуфлар, шунингдек, илм-фан, идора ва бошқа ишларда истеъдодли бўлган барча кишилар билан суҳбатлашиш учун кўпинча тахтдан тушиб, уларнинг ёнига келарди. Чунки Темур бу соҳа вакилларга ғамхўрлик қилишга алоҳида эътибор берарди”.

Соҳибқирон ўзининг “Мен – фотиҳ Темур” асарида шундай ёзади: “Илгари ёзиб ўтганим туш воқеасидан кейин то ҳозиргача донишманд уламо, шуаро, аҳли санъат, яъни ҳунар одамларига мен тарафдан озор етмади. Ҳар вақт бир мустаҳкам шаҳарни ғалаба билан тасарруф этсам, аҳли илм, аҳли ҳунарни ўлумдан сақлашга амр берар эдим. Бирор ғалат билан бу одамларга азият етиб қолмаслиги учун шахсан ўзум муроқабада бўлур эдим. Баъзан бундай одамларни бир ерга тўплаб, уруш ҳаракатлари битгунча яхши сақлаб, кейин қўйиб юборар эдим. Ҳунармандлардан эса (ҳар маконда бўлсалар ҳам), яхши ҳаёт кечирмаклари учун ҳожатлари ижросида керакли бўлган моддий, маънавий ёрдамимни аямас эдим. Уларга таъкидлаб, ҳар жойда бўлсалар ҳам бемалол рафоҳият билан (бахтли) ҳаёт кечирмоқларининг орзуинда эканлигимни билдирар эдим. Ҳунармандларнингина эмас, кофир бўлсун, мусулмон бўлсун – уламоларни ўзимга яқин тутар, ҳурматларини бажо келтурур эдим. Масалан, Султониядаги масиҳийларнинг усқуфи менга кўп носазо гапларни ҳам қилди. Бу одам илгари Нахчивондаги арманилар пешвоси бўлуб турар эди. Кейинроқ, Султонияга келиб қолган экан. Шу жойда ҳузуримга келди, кўрушдим. Муҳаббат билан кутуб, ўз ёнимга ўлтургиздум. Уруш оқибатида Султонияда емак ашъёла-

ри камёблиги менга маълум эди. Бинобарин, унга газо (овқат) қўйдурдум. Емакни еб, қорнини тўйгузуб бўлганидан кейин миннатдорликнинг ўрнига носазо этиб бошлади: “Эй Амир Темур, сен: мусулмонман, Худога ақийдам бор, деб иддао қиласан. Нима учун мунчалар қон тўкасан, Худонинг бандаларини ўлдурасан?” деди. “Ҳар ким мусулмон бўлуб туруб диндан қайтган бўлса, Ислом динида буларни вожибул қатл (қатл этилиши шарт), деб биладурлар. Шунинг учун ўлдурдум ва ўлдураман”, деб жавоб бердим. Усқуф яна сўради: “Сен Арманистонда бир мунча кишиларни ўлдуруб юбординг. Улар ҳам диндан қайтган ҳисобланадими?” Унинг саволига шундай жавоб бердим: “Улар мусулмон эмас, ҳарбий кофир эдилар. Улар мусулмонларга ҳийла-найранг қилиб, уруш очгани учун ҳарбий кофир, деб аталадур. Қайси бир нарсаларни баҳона қилиб, мусулмонларга уруш очган кофирларни ўлдурмоқ лозимдур”. Сўнг илова қилиб айтдимки: “Сен масиҳий бўлсанг ҳам, уламолар табақасидан бўлганинг учун сени эҳтиром қиламан. Агар уламо бўлмасанг эди, амрим билан кўзумнинг олдида терингни сўйиб олар эдилар. Мендан бошқа жойда бир подшоҳни ихонат қилган кишилар нима жазога учраганини ўзинг яхши биласан. Уламоликни ҳурмат қилганим учун сени кечирдим”. Усқуф ўзининг номуносиб равияси учун менга узр баён қилди. Мувофақатим (ижозатим) билан Самарқандга борди. Бир неча замон Самарқандда турганидан кейин қўлига нома бериб, Магриб (Ғарбий Оврупа) ўлкаларидаги фаранг подшоҳларидан бирининг қошига элчи унвонида йўлладим”.

Амир Темурнинг жаҳон тарихидаги хизматлари ва тутган ўрни ҳақида шуни айтиш мумкинки, у Мовароуннаҳрни мўгуллар исканжасидан озод этишда барча юртпарвар кучларни уюштириб, уларни мустақиллик

учун курашга йўналтирган етакчи раҳбар, ерли халқнинг бу соҳадаги орзу-умидларини рўёбга чиқишига улкан ҳисса қўшган саркарда эди. Амир Темур кўп йиллар давомида мустамлака бўлиб, чет элик ҳукмдорларга бўйсуниб келган Мовароуннаҳр ва Хуросонда ўз юрти, халқининг куч-қудратига таянган мустақил ва ягона давлат барпо эта олди. Унинг ўзи ҳам турли сабабларга кўра бошқа мамлакатларга юришлар қилди ва Оврупа мамлакатлари ривожланишининг тезлашишига ўз ҳиссасини қўшди. Русияни Олтин Урда зулмидан, Оврупани Усмонлилар тажовузидан сақлаб қолди. Ўз сиёсатида маданият, ободончилик, ҳунармандчилик ҳомийси бўлиб танилди.

Амир Темур сиёсат майдонига кириб келган пайтда Мовароуннаҳр мўғуллар истибдоди остида бўлиб, Чингизхон ва Ботухон босиб ўтган шаҳар-қишлоқлар вайронага айланган, сув иншоотлари бузиб ташланган ёки ишга яроқсиз ҳолга келтирилган эди. Чингизхон Мовароуннаҳрни ўзининг иккинчи ўғли Чигатойхонга суюрғол (қадимда подшоҳ томонидан бир кишига совға тариқасида бўлиб берилган ер “суюрғол” дейилган, бу арабчада “қатийъа” дейилади) сифатида инъом қилган эди. Милодий 1360 йиллардан бошлаб Амир Темур Мовароуннаҳрдаги ички низо, урушларда иштирок эта бошлади ва Мўғулистон ҳукмдори Туглуқ Темурхон, унинг ўғли Илёсхўжага қарши курашлардан сўнг Амир Хусайн устидан ғалаба қозонгач, 1370 йилда Мовароуннаҳр тахтининг ҳақиқий соҳиби бўлди ва Самарқандни ҳокимият пойтахти этиб белгилади.

Амир Темур тахтга ўтиргач, Чигатой улусининг барча ерларига ўзини ворис деб билди ва Сирдарёнинг қуйи ҳавзасидаги ерларни, Тошкент вилоятини, Фарғона водийсини, Хоразмни ўз ҳукмронлиги остига киритди. Натижада, Мовароуннаҳр ва Хуросонда йирик марказлаш-

ган давлат вужудга келди. Соҳибқирон сўнги йилларда Эрон, Ироқ, Кавказ орти мамлакатлари, Ҳиндистон, Олтин Ўрда ва Туркия билан бўлган жангларда голиб чиқиб, салтанат ҳудудини шарқда Хитой деворига қадар, ғарбда Ўрта Ер денгизига, жанубда эса Ҳиндистон чегараларига қадар кенгайтирди.

Амир Темурнинг ҳарбий жабҳадаги ютуқлари уни нуфузли хонадонларга яқинлаштирди. Муаррих Маҳмуд Шокирнинг ёзишича, “Амир Темурнинг ақл-заковати, шижоати ва жасорати тўғрисидаги шухрати, уни Мовароуннаҳрнинг нуфузли амирларидан аввал Жоку Барлос, сўнгра Амир Қазоғон (1346–1358) билан яқинлаштирган. Отаси Амир Темурни аввал (1352) Амир Жоку Барлоснинг қизи Турмиш Оғога уйлантиради. 1362 йилда Амир Темур Қазоғоннинг набираси, Амир Ҳусайннинг синглиси Улжой Туркон Оғони ўз никоҳига олади. Кейинги никоҳ тўғрисида Балх амири билан боғланган қариндошлик алоқалари, шубҳасиз, Амир Темур билан Амир Ҳусайн ўртасидаги иттифоқни юзага келтирди ва мўғулларга қарши жиддий кураш бошланди”.

Амир Темурнинг зафарли юришлари, у олиб борган урушлар, албатта, катта қурбонлар ва вайронгарчиликларга сабаб бўлди. Иккинчи томондан эса, унинг ҳарбий ҳаракатлари катта тарихий эврилишларга ҳам олиб келдики, Аллоҳ таолонинг иродаси билан Темур ўз юришлари билан жаҳон тарихида катта ўзгаришларга сабабчи бўлиб қолди. Масалан, Соҳибқироннинг Хитойга юришлари, бу ерда Мин сулоласининг давлат бошига келиши мўғулларнинг Хитойга солаётган хавфини бартараф этди... Олтин Ўрда ҳоқони Тўхтамишхон билан олиб борилган шиддатли жанглар Русияни мўғуллар зулмидан халос қилди, рус халқига марказлашган давлат тузиш имкониятини яратди. Амир Темурнинг Усмонлилар им-

перияси устидан қозонган галабаси эса Оврупани Усмон-лилар томонидан эгалланишини ортга суриб юборди ва Темур ўзи билмаган ҳолда Оврупа халоскорига айланди, Византия империясининг умрига ярим аср умр кўшди. Фаранг тарихчиси Рене Груссе йигирманчи аср бошларида: “Амир Темурнинг Боязид устидан галабаси насроний оламини асраб қолди”, деб бежизга ёзмаган эди.

## УЛКАН САЛТАНАТ МЕЪМОРИ

Маълумки, Амир Темурнинг энг катта хизматларидан бири унинг Мовароуннаҳрни бирлаштириш йўлидаги ҳаракатлари эди. Ўша пайтларда Мовароуннаҳрда амирларнинг ўзаро кураши кучайиб, фитналар натижасида Амир Қазогон ўлдирилганди. Оқибатда, мамлакатда сиёсий парокандалик вужудга келиб, давлат бир қанча мустақил бекликларга бўлиниб кетганди. Еттисув ва Шарқий Туркистонда ҳукмронлик қилаётган мўғул хонлари Мовароуннаҳрдаги сиёсий вазиятдан фойдаланиб, бу ерда ўз ҳокимиятини ўрнатишга ҳаракат қила бошлашади. Жета хонларидан Туглуқ Темур ва унинг вориси Илёсхўжа милодий 1360–1361, 1365 йилларда Мовароуннаҳрга бир неча бор бостириб киришади. Бироқ Мовароуннаҳр аҳолиси уларга қарши курашга журъат эта олмайди. Кеш вилоятининг ҳукмдори Ҳожи Барлос Хуросонга қочади.

Мана шундай огир паллада Амир Темур кураш майдонига киради. Кучлар тенг эмаслигини ҳисобга олган Амир Темур 1360 йилнинг бошида Туглуқ Темур томонидан Кешга юборилган беклар билан келишади. Шароит тақозоси билан хон хизматига ўтиб, унинг ёрлиги билан ўз вилоятининг доругаси (ҳукм юритувчиси) этиб тайинланади. Бироқ кўп ўтмай Мовароуннаҳрнинг

хукмдори Илёсхўжа билан Амир Темур муроса қила олмайд қолишлари натижасида, Темур 1361 йилнинг охирида мамлакатни тарк этиб, Хоразмга йўл олади. У ерда амир Ҳусайн билан учрашади ва душманга қарши курашда икковлон бирлашиб, куч тўплашга киришадилар. Улар дастлаб Туглуқ Темурхоннинг фармониغا биноан Амир Темурни таъқиб қилишга киришган Хива доругаси Тўқол (Таваккал) билан жанг қилишади. Сўнг, 1362 йилнинг кузида Сейистонда вилоят ҳукмдори Малик Қутбиддиннинг тарафида туриб олиб борилган тўқнашувда Амир Темур ўнг кифти ва ўнг оёғидан жароҳатланади. Ниҳоят, 1364 йилнинг охирида Илёсхўжа бошлиқ Жета лашкарлари билан бир неча марта жанг қилиб, мўғулларни Мовароуннаҳр ҳудудидан қувиб чиқаришга муваффақ бўлади. Бироқ Илёсхўжа 1365 йилнинг баҳорида Туркистон устига қўшин тортади. Тошкент ва Чиноз ўртасида содир бўлган “Лой жанги”да амир Ҳусайннинг хиёлати оқибатида Амир Темур қўшинлари мағлубиятга учрайди.

Ислом тарихчиси Маҳмуд Шокирнинг китобида зикр қилинишича, “Халқ Самарқандни ўз қўлига олган мўғулларга қарши кўтарилиб, шаҳар мудофасини эгаллаган сарбадорлар душманни мамлакатдан бутунлай ҳайдаб чиқардилар. Бундан хабар топган амир Ҳусайн томонидан сарбадорларнинг бошлиқлари қатл эттирилади. Натижада 1366 йили амир Ҳусайн Мовароуннаҳрда бутун ҳокимиятни ўз қўлига олади. Аммо орадан кўп ўтмай амир Ҳусайн ва Амир Темур ўртасидаги муносабат кескинлашиб, очикдан-очик низога айланади. Улар ўртасида милодий 1366–1370 йилларда бир неча бор тўқнашувлар бўлиб ўтади. Амир Ҳусайнга қарши Балхга йўл олаётган Амир Темур Термиз яқинига келганида, маккалик аслзодалардан Саййид Барака Амир Темур фаолиятини қўллаб-қувватлаб, унга олий ҳокимият рамзи катта ноғора (табл) би-

лан ялов (байроқ) тортиқ қилади. 1370 йили 10 апрелда Балх шаҳри Амир Темурга таслим бўлади. Амир Ҳусайн қатл этилади. Бу ғалабадан сўнг Амир Темур чингизийлардан бўлган Қозонхоннинг қизи Сароймулкхонимни ўз никоҳига олади ва “кўрагон” унвонини олишга муяссар бўлади. Гарчи салтанат тахтига, анъанага кўра номигагина Суюрғатмиш (1370–1388), унинг вафотидан кейин эса Султон Маҳмуд (1388–1402) ўтказилган бўлса-да, амалда марказий ҳокимиятни Амир Темурнинг ўзи бошқарар, вилоятлардаги ҳокимиятни ўғиллари, набиралари ва яқин амирлари орқали идора қиларди”.

Ҳижрий 773 (милодий 1372) йили Амир Темур Хоразмга юриш қилиб, уни эгаллайди. Бироқ у ерда узоқ ҳукм сура олмайди. Маълумки, тарихий воқеалар тақозоси билан Амир Темур Хоразмга беш марта ҳарбий юриш қилади. Хоразм 1388 йилдагина узил-кесил Темур давлатига қўшилади. Соҳибқирон Мовароуннаҳр ва Хоразмда ҳокимият тарқоқлигига, ўзаро низоларга зарба бериб, Сирдарё воҳасидан то Орол денгизигача бўлган ерларда яшовчи халқларни ягона давлат тасарруфида бирлаштиради.

Мўғулларнинг доимий ҳужумини бартараф этиш учун Амир Темур йигирма йил (1371–1390) мобайнида мўғулларга қарши етти марта юриш қилди. Мўғул ҳукмдорлари Анқотўра ва Қамариддин устидан ғалаба қозонди. Шу зайдда Амир Темур Мовароуннаҳр ва Хоразмда ҳукм сурган тарқоқлик, ўзаро низолар ва мўғуллар томонидан бўлиб турган тазйиққа чек қўйди.

Соҳибқирон бу билан қаноатланмай, қўшни давлатлар устига юриш қилиб, уларни ўзига бўйсундириш ва марказлашган буюк салтанат барпо этишни ўз олдига мақсад қилиб қўйганди. Соҳибқирон ҳарбий юришни Хуросондан бошлайди. Милодий 1381 йили у Ҳирот-

ни эгаллайди. Сарахс, Жом ва Қавсия шаҳарлари эса жангсиз таслим бўлади. 1381–1384 йиллар давомида Эроннинг катта қисми бўйсундирилади. Аввал Калот, Туршиз ва Сабзавор, кейин Сейистоннинг Зирех, Зова, Фараҳ ва Буст қалъалари, 1384 йилда эса Астрабод вилояти ва Озарбайжоннинг Омул, Сори, Султония ва Табриз шаҳарлари бўйсундирилади. Амир Темур Эрон, Озарбайжон, Ироқ ва Шом (Сурия) устига уч марта лашкар тортиб боради. Уттиз беш йил (1370–1405) ҳукм сурган соҳибқирон Амир Темур Марказий Осиё ҳудудларини ягона марказлашган давлатга бирлаштирди, Ҳинд ва Гангдан то Орол денгизигача, Тянь-Шандан то Босфоргача улкан салтанат барпо этди.

Бу юришлар тарихда “уч йиллик”, “беш йиллик”, “етти йиллик уруш”лар номи билан машҳур. Уч йиллик (1386–1388) ҳарбий юришлар оқибатида Жанубий Озарбайжон, Ироқнинг шимолий қисми, Гуржистон ва Ван кўли атрофидаги ерлар эгалланди. Амир Темур шу билан бирга шимоли-гарбдан, яъни Олтин Ўрда томонидан бўлаётган тазйиққа барҳам бериш мақсадида Тўхтамишхонга қарши уч марта қўшин тортади. 1389 йилда Дизакнинг Аччиқ мавзеида, 1391 йили Қундузча жангида, 1395 йил Тарак дарёси бўйидаги жангларда ғалаба қозониб, душман қўшинини тор-мор этди. Амир Темурнинг Тўхтамиш устидан қозонган ғалабаси фақат Мовароуннаҳр учун эмас, балки бутун Шарқий Оврупа, шунингдек, Русь князликлари учун ҳам катта аҳамият касб этган эди.

Амир Темур беш йиллик (1392–1396) уруши давомида Ғарбий Эрон, Ажам Ироқи ва Кавказни эгаллайди. Амир Темурнинг Ҳиндистон устига қилган юриши 1398 йил майдан 1399 йил мартгача – қарийб ўн бир ой давом этади. Ҳиндистондан у катта ўлжа, жумладан, юзлаб жанговар филлар билан қайтади. Ўлжаларнинг бир

қисми қўшинга тарқатилиб, қолгани Самарқанд ва Кеш шаҳарларидаги қурилишларга ишлатилади.

1399–1404 йиллардаги етти йиллик уруш энг шиддатли ва энг йирик жанглардан бўлиб, унинг оқибатида Шомнинг Халаб, Хумс, Баалбек, Димишқ (Дамашқ) каби йирик шаҳарлари ва Араб Ироқининг Убулистон ўлкаси билан Бағдод, шунингдек, Туркиянинг каттагина қисми фатҳ этилади.

Жаҳоннинг деярли Ярмини босиб олган Амир Темури нега ёнгинасидаги рус ерларига ҳужум қилмаган, уларни эгаллашга интилмаган, деган савол кўпчиликни қизиқтириб келади. Рус заминига юриш қилишидан олдин Амир Темури дунёнинг кўпгина мамлакатларини эгаллаган машҳур саркардага айланган эди. Сира енгилмаган Соҳибқирон ўзининг куч-қудрати, жангарилиги ва мағлублар қаршисида мурасасизлиги билан ном чиқарган. Аммо шунчалик қудрат ва жасорат соҳиби бўлган Темури нега рус ерини босиб олмади, шундай улкан мамлакатни эгаллашга интилмади? Темури лашкарлари аввал Мамай ҳужуми, сўнгра Тўхтамишнинг юришлари натижасида ҳолдан тойган рус давлатини осонгина забт этишлари мумкин бўлгани ҳолда нега уни четлаб ўтиб кетишди? Бу саволлар ҳанузгача муаррихлар ва бошқа мутахассисларни ўйлантириб келяпти.

Тарихчиларнинг ёзишича, Амир Темурининг рус ерларига юриш қилишдан асосий мақсади ҳаддидан ошган Олтин Ўрда ҳукмдори Тўхтамишхонни таъқиб қилиш бўлган. Улар ўртасидаги ихтилоф бундан анча олдин бошланганди. Аввалида Тўхтамиш Соҳибқирон Темурининг қўллаб-қувватлаши ва ҳимояси остида эди. Темури унга Мамайга қарши жангларда ва Ўрда ичидаги фитналарда катта ёрдам берганди. Аммо Тўхтамиш ҳокимиятини мустаҳкамлаб олганидан кейин ўз ҳимоячисидан

қутилиш йўллари излай бошлади. Милодий 1391 йили Тўхтамиш Ҳрданинг бутун қўшинини тўплаб, Амир Темурга қарши чиқди. Амир Темур эса ношукр саркардага шунчалик қақшатқич зарба бердики, энг оддий аскарлар ҳам зафар ўлжасидан бебаҳра қолишмади. Уч йилдан сўнг Тўхтамиш бунинг қасдини олишга бел боглади. Бу сафар ҳам унинг омади чопмади. Ҳазабга минган Темур Ҳрдани бутунлай ер билан яксон қилишга киришди: қўшин тўплаб Тўхтамишнинг саркардаларини, қўшинини бирма-бир қира бошлади. Олтин Ҳрдани тор-мор қилган Темур рус сари юрди ва Елец шаҳрига етиб бориб, унча катта бўлмаган бу шаҳарни яксон қилди.

Рус тарихчиси Сергей Соловьёвнинг ёзишича, “Темурланг Елец ҳукмдорини барча боярлари билан банди қилди, сўнг Дон дарёси соҳили бўйлаб юриш қиларкан, йўлида учраган қишлоқларни шип-шийдам қилиб кетаверди”. Саркарда Москва сари йўлга чиқди, аммо уни камал қилиб ўтирмай қўшинни қайтариб, рус сарҳадларини тарк этди.

Амир Темурнинг нега рус ерларини босиб олмаганига сабаб қилиб бир неча омилларни кўрсатишади. Тарихчи Сергей Соловьёв бунга “Елец ва Рязань князлигининг бошқа шаҳарларидан тушган ўлпон ўз юришларида катта ўлжаларни қўлга киритишга ўрганиб қолган Соҳибқиронни қониқтирмаган бўлса керак”, деган тахминни илгари суради. Араб манбаларида эса, аксинча, Темур Дон соҳиллари бўйлаб кетаётганида мўйна, ҳарир матолар, кумуш ва олтин ёмбиларини қўлга киритгани келтирилган. Темур юришларининг солномачиси, машҳур муаррих Шарафиддин Али Яздий жуда катта ўлжалар ҳақида ёзади-ю, аммо бирорта жанг тафсилотларини келтирмайди. Эҳтимол, Соҳибқиронга ҳадяларни ўз ерларини босқинлардан ҳимоя қилишга интилган князлар келти-

риб берган бўлишлари ҳам мумкин. Бунинг устига табиий шароитларни ҳам эсдан чиқармаслик керак бўлади. Куз яқинлашиб келаётгани учун рус заминида узоқ муддатли юришларга иқлим шароитлари катта тўғаноқ бўлиши мумкин эди. Темурнинг Русга юришидан асосий мақсади Олтин Ўрдани узил-кесил яксон қилиш эди, холос. Хурсон ва Форс ерларини эгаллаган саркардага рус унчалик аҳамиятли эмас эди. Унинг Елецга юриш қилишдан бирдан-бир муроди ҳам Ўрда саркардаларидан бири Бек Ёриқ Ўғлонни қўлга тушириш эди. У Днепр яқинида Темур лашкарларидан қочиб, Елецга яширинганди. Шаҳар таслим бўлганидан кейин у рус ичкарисига қочди. Солномаларнинг ёзишича, Темур Елец яқинида келгусидаги режалар ҳақида фикр юритиб, икки ҳафтача қолиб кетади. Тарихчиларга кўра, бу имиллаш қўшинга ёқмайди, аскарлар орасида безовталиқ бошланади. Шунда Соҳибқирон Қрим яримороли орқали Кавказортига йўл оларкан, Ўрданинг бир неча муҳим шаҳарларини яксон қилади. Бу шаҳарлардан катта ўлжани қўлга киритиб, Самарқандга музаффарона қайтиб келади.

Маҳмуд Шокирнинг ёзишича, “Кичик Осиёдан Самарқандга қайтган Амир Темур ҳижрий 807 йилнинг жумадул-охир ойида (милодий 1404 йилнинг 27 ноябрида) икки юз мингли қўшин билан Самарқанддан Хитой сафарига чиқди. Бироқ Хитой устига юриш Амир Темурнинг тўсатдан вафот этиб қолиши (1405 йил 18 февраль) туфайли амалга ошмай қолди. Тарихий маълумотларга қараганда, Амир Темур вафот этганда, унинг хотинларидан тўрт нафари – Сароймулк хоним, Туманого хоним, Тукал хоним ва Рух Парварого хонимлар ҳали ҳаёт эдилар. Шунингдек, Амир Темур вафот қилган вақтда ундан икки ўғил, ўн тўққиз неvara ва ўн беш чевара, жами ўттиз олти шаҳзода ҳаёт эди. Булардан ташқа-

ри соҳибқироннинг кичик қизи Султон Бахт бегим, катта қизи Ого бегимдан туғилган невараси Султон Ҳусайн Мирзо номли ҳам бор эди. Тарихий маълумотларнинг далолат беришича, соҳибқирон Амир Темур жами ўн саккиз марта уйланган. Бундан ташқари, у йигирма икки нафар хос канизақларини ҳам ўз шабистонига маҳрам қилган” (*Маҳмуд Шокир, “Ислом тарихи”, 5-жуз, 196-бет*).

Амир Темур мамлакатни ўттиз беш йил давомида бошқарди. Кўпдан-кўп ҳарбий юришлар ва жангу жадаллар қилиб, бир қанча мамлакатларни забт этди. Натижада, Ҳиндистон ва Хитойдан Қора денгизга қадар ҳамда Орол денгизидан Форс қўлтиғига қадар бўлган ғоят бепоён ҳудудни қамраб олган улкан салтанатни вужудга келтирди. Бундан ташқари, Кичик Осиё, Сурия, Миср ва Қўйи Волга, Дон бўйлари, Балхаш кўли ва Ила дарёси, Шимолий Ҳиндистонгача бўлган мамлакатларни ҳам ўзига бўйсундирди.

Бу мамлакатлардан Амир Темур катта ўлжалар билан қайтди. Шу билан бир қаторда, кўзга кўринган олимлар, хунармандлар ва моҳир усталарни Самарқанд, Шаҳрисабз ва Бухорога кўчириб олиб келди. Уларнинг куч ва иқтидори туфайли бу шаҳар-қишлоқлар обод қилинди. У нафақат Мовароуннаҳр ва Туркистонни обод қилди, балки бўйсундирилган мамлакатларнинг шаҳарларини ҳам қайта қурдирди. Бағдод, Дарбанд ва Байлакон шаҳарларини қайта тиклади. Карвон йўлларида рабоблар, қалъалар, кўприклар, шаҳарларда масжид ва медресалар ҳамда боғу бўстонлар барпо этди. Энг муҳими, Эрон, Озарбайжон, Ироқдаги тарқоқлик ва бошбошдоқликка барҳам бериб, Шарқ билан Ғарбни боғловчи қадимий карвон йўлларини тиклади. Бу билан нафақат Мовароуннаҳр, балки Узоқ ва Яқин Шарқ мамлакатларининг иқтисодий-маданий тараққиётига улкан ҳисса қўшди.

Амир Темур жаҳоннинг тўрт машҳур саркардаларидан бири, кураги ерга тегмаган буюк лашкарбоши, Аллоҳ берган салоҳиятини тўла-тўқис намоён эта олган, ўхшаши йўқ буюк армия қўмондони эди. Жанггоҳлар санъати, уруш йўллари, лашкар тутиш қондаси, сафлар расм-русуми Соҳибқироннинг “Темур тузуқлари” китобида батафсил ёритилган. Соҳибқирон дунёнинг йигирма етти мамлакатини ўзига бўйсундирди. Таҳминан мингдан ортиқ жанг ўтказди, уларда зафар ҳамиша Соҳибқирон томонида бўлди. Бу жангларнинг энг машҳурлари Олтин Урда хони Тўхтамишхон билан олиб борилган икки жанг ва Усмонлилар султони Йилдирим Боязид устидан қозонилган зафар эди.

Соҳибқирон Амир Темур адолатли, раъиятнинг бахту саодатини ўйлайдиган, ночор ва муҳтожларнинг ҳолидан ҳамиша хабардор ҳукмдор бўлишга интиланган ва шундай бўлган ҳам. У узуги кўзига “Куч – адолатда” сўзларини ўйиб ёздирган, давлати муҳрига ҳам шу сўзларни битган эди. “Тузуқлар”да шундай ёзади: “Мамлакат зулмга чидаши мумкин, аммо адолатсизликка чидай олмайди”. У тузган салтанатда адолатнинг кучи шунчалар катта эдики, агар мамлакатда бирор одам бир товоқ олтин ё кумушни бошига қўйиб, мағрибдан машриққача борса, ҳеч ким унга қўл чўзмас, олтин ё кумушдан биттаси ҳам камаймас эди. Ҳукмдор ҳар ишга, хоҳ ўзининг фарзандлари бўлсин, хоҳ бошқа фуқаро – барчага бирдай адолат кўзи билан қарарди. Сафарлардан қайтиб келганда шахсан ўзи бозорни текширар, агар қассобу баққол, новвойлар ва ҳоказолар фойда топаман, деб нарх-навони ошириб юборган бўлсалар, адолат бузилганини кўрса, эл олдида ўша гуноҳкорнинг жазосини берарди. Ёлғон гапни ёмон кўрарди. Адолат тамойилларини бузгани учун ўғли амирзода Мироншоҳ, набиралари амирзода

Пирмуҳаммад, Султон Хусайн Мирзолар жазоланганлари тарих китобларидан маълум. Муаррих Низомиддин Шомий “Зафарнома”да Амир Темурнинг 1366 йилда, ҳали давлат тахтига чиқмасдан тўрт йил аввал айтган шундай сўзларини келтиради: “Қайси бир подшоҳ ўз ишини гаддорлик ва бевафолик асосига қурса, кишиларга озор бериш ва ҳалок қилишга ошиқса, унинг давлати чайқалиб, қарорсизликка юз тутди... Биз ўз салтанатимизни одамларга эътибор бериш ва уларни ҳимоя қилиш асосига қураётганлигимиз сабабли уларни юпантириб, хотиржам қиламиз...”

Амир Темур шунчалар иқтидорли, салоҳиятли ва олижаноб ҳукмдор эдики, унинг шаън-шавкати, шуҳрати қаршисида ҳатто ажнабий тарихчилар ҳам ижобий фикрлар билдиришдан ўзларини тия олмаганлар. У ўрта асрнинг атоқли давлат ва ҳарбий арбобларидан бўлиб, Оврупа олимлари ўз асарларида унинг салбий томонлари билан бирга муҳим фазилатларини ҳам таъкидлаб ўтишган. Немис олими Ф.Шлоссер ўзининг “Жаҳон тарихи” асарида: “Бахтиёр жангчи, жаҳонгир, Узоқ Шарқда қонуншунос бўлиш билан бирга ўзида, Осиёда кам учрайдиган тактик ва стратегик билимларни ифодалади”, деб ёзса, атоқли немис олими ва тарихшуноси М.Вебер: “Темур ўз душманларига нисбатан жуда бераҳм, лекин саркардалик, давлатни бошқариш ва қонунчилик соҳасида буюк талантга эга эди”, деб таърифлайди. Амир Темур илм-фаннинг риёзиёт, ҳандаса, меъморчилик, фалакиёт, адабиёт, тарих, мусиқа каби соҳалари равнақига катта эътибор берган. Унинг олимлар ва соҳиби хунарлар билан қилган суҳбатлари ҳақида француз олими Лянглэ шундай ёзади: “Темур олимларга серилтифот эди. Билимдонлиги билан бир қаторда софдиллигини кўрган кишиларга ишонч билдирарди. У тарихчилар, файла-

суфлар, шунингдек, илм-фан, идора ва бошқа ишларда истеъдодли бўлган барча кишилар билан суҳбатлашиш учун кўпинча тахтдан тушиб, уларнинг ёнига келарди. Чунки Темур бу соҳаларга ғамхўрлик килишга алоҳида эътибор берарди”. Ҳатто ўн олтинчи асрда машҳур инглиз драматурги Марло томонидан “Соҳибқирон Темурланг” фожиаси ёзилиб, Лондонда ҳар йили театр мавсуми шу асар билан бошланиши одатга айланган эди.

Ғарб дунёси Темур ҳақида ижобий фикрларни билдиргани ҳолда ў туғилиб-ўсган заминда Соҳибқиронни қоралаш авжига чиқди. Бошқалар уни кўкларга кўтариб мақтагани ҳолда ўзимизда ёмонлаш, унинг шаънига маломатлар ёғдириш одатга айланди (Академик Иброҳим Мўминовдек ғайратли олимнинг Амир Темурни Оврупани икки марта ҳужумдан сақлаб қолган саркарда сифатида таърифлаб, у ҳақида илиқ сатрларни ёзиши ҳам мустамлакачиларга ёқмади: улар ўзимиздаги югурдаклари ёрдамида олимни тазйиққа олиб, таъзирини беришди. Худди шундай муносабатни “Гулистон” журналида “Темур тузуклари” асари илк марта чоп этила бошлаганда ҳам кўриш мумкин эди. Асар таржимонига тухматлар уюштирилди, таржимани “Гулистон” журналида чоп қилишда жонбозлик кўрсатган журнал таҳририяти ходимлари қувғин остига олинди).

Амир Темур тарихда илм-маърифатнинг мухлиси ва ҳомийси сифатида ҳам ном қолдирди. У илм-фаннинг қадрига етадиган, унинг равнақи ҳақида ҳамиша ўйлайдиган, дунёнинг энг етук олимлари, тарихчилари билан бемалол суҳбатлаша оладиган донишманд ҳукмдор эди. Илм-фанга қизиқиш Амир Темурнинг хонадонидан бошланган эди, десак тўғрироқ бўлади. Соҳибқирон хонадонидан фарзандлар (шаҳзодалар, маликалар)га

илм-фаннинг турли соҳаларидан кўп сабоқлар берилар, мадрасаларда таҳсил олишлар давом эттириларди. Бу эса кейинчалик ўзининг катта самарасини берди. Масалан, Соҳибқирон даври тарихини тўлиқ ва ишонарли ёритиб берган Шарафиддин Али Яздийнинг “Зафарнома” асари Соҳибқироннинг набираси, Шероз ҳокими, шоир ва хаттот Иброҳим Султоннинг раҳбарлиги, фидойилиги ва ҳомийлиги остида дунёга келди. 1519 йилда Улуғбек Мирзонинг набираси Кўчкунчихон топшириғига бинотан мазкур “Зафарнома” ва Рашидиддиннинг “Жомеъ-ут-таворих” асарлари ўзбек тилига таржима қилинди. Қолаверса, шеърят мулкининг султони Алишер Навоий ижоди, Лутфий ва Ҳусайн Бойқаролар шеърятти, алломалар Қозизода Румий ва Али Қўшчининг машҳур илмий ишлари, мусаввир Камолиддин Беҳзоднинг нодир расмлари, Заҳриддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома”си ва ашъорлари, илмий асарлари, муаррихлардан Ғиёсиддин Алий, Низомиддин Шомий, Ҳофизи Абрўй, Шарафиддин Али Яздий, Мирхонд, Хондамирларнинг солномалари – буларнинг бари Темур ва темурийлар даврининг ажойиб маҳсуллариدير.

## УРУШЛАРДАГИ ТАДБИРЛАРИ

Амир Темур дунё тан олган, барча жангларида деярли маглуб бўлмаган, ҳар бир юриш олдидан машварат ва катта тайёргарликлар ўтказиб, пухта тадбирлар кўрадиган тажрибали саркарда эди. У Аллоҳ берган иқтидори, салоҳияти, жанговар руҳиятини тўла-тўқис намоён эта оладиган кучли лашкарбошилاردан бўлган. Муаррихлар, ҳарбий мутахассислар унинг жанг олиб бориш санъатини, лашкар тутиш ва унда темир интизом ўрнатиш бора-

сидаги тажрибаларини кенг баён этиб беришган. Унинг жанговар ишларда орттирган улкан тажрибаси, ҳарбий юришлар ва ҳаракатлар олиб боришдаги ўзига хос бўлган тадбир ва ютуқлари Соҳибқироннинг ўзи ёзган “Мен – фотиҳ Темур” ҳамда “Темур тузуқлари” китобларида батафсил васф қилинган.

Милодий 1365 йили мўғуллар билан бўлган машҳур “Лой жанги”да Амир Ҳусайн бошчилигидаги Амир Темур лашкарбоши бўлган Турон лашкари ютқзади. Бу мағлубият ҳали ўттизга ҳам кирмаган Амир Темурнинг ҳаётидаги биринчи ва охириги мағлубият эди. Шундан кейин жасур ва шижоатли Амир Темур олиб борган барча жангларида бирин-кетин ғалабаларни қўлга кирита бошлади. У 1366 йили Қаршида атиги 243 киши билан ўн икки минг кишилиқ душманга қарши жанг қилди ва Аллоҳнинг лутфу-инояти, ўзининг саркардалиқ салоҳияти билан зафар қозонди. 1368 йилда Бадахшонда устунлик кўрсатган душман Соҳибқирон аскарларининг кўпини қириб ташлади ва 130 кишини асир қилди. Ёнида бор-йўғи ўн уч навкар билан қолган Амир Темур Добон тепалигига чиқиб, душманнинг йўлини мардларча тўсди ва кўп жангу-жадаллар, қонли уринишлар эвазига ўз аскарларини душмандан қутқариб олди. Кейинчалик, Амир Темур ўша жангни эслаб: “Кўп жанглар қилдим ва кўп воқеаларни бошдан кечирдим-у, аммо бу жангдан оғирини кўрмадим...” деган эди.

Унинг Олтин Ўрда хони Тўхтамишхон ва турк султони Боязид билан олиб борган урушлари ўзининг қўлами, жанговар миқёси ва лашкар фидойилиги билан тарих саҳифаларига битиб қўйилди. Айниқса, 1391 йил, ёзда Самара ҳудудидаги Кандирча дарёси бўйида Олтин Ўрда хони Тўхтамишхон устидан қозонилган ғалаба Амир Темурнинг шуҳратини кўтариб юборди. Жангда ҳар икки

томондан икки юз мингдан ортиқ аскар иштирок этган. Бу галаба Турон давлати мустақиллигини янада мустаҳкамлади. 1395 йил апрелида Олтин Ўрта хони Тўхтамишхонга қарши иккинчи жанг Терек дарёси бўйида юз берди. Турон томонидан 250 минг сипоҳий қатнашди. Жанг Амир Темурнинг узил-кесил галабаси билан якунланди. Боязид билан олиб борилган Анқара жанги ҳақида келгуси бобларда батафсил сўз юритилади.

Соҳибқирон олиб борган ҳар бир жанг ўзига хос санъат, инсон тафаккурининг намоиши, ақл-заковат ва иқтидорнинг маҳсули эди. Соҳибқироннинг ўзи бу ҳақда “Мен – фотиҳ Темур” асарида кенг тўхталиб ўтган. Қуйида шу асардан Амир Темурнинг асл қиёфасини очиб беришга хизмат қилувчи Бухоро амирини қўлга олиш воқеасини эътиборингизга ҳавола этамиз: “Ҳижрий 758 йилда йигирма икки ёшда эдим. Шу вақтларда чўлда кузатувчилик қилиб юрган йигитларимдан олти нафарини Бухоро амирининг йигитлари ўлдуриб кетибдур. Мен бу ҳақда шариат қонунларига мурожаат қилиб: “Бир киши саҳван ўлдурилса, бир юз туя хун баҳоси тўламоғи буюрилса, қасддан ўлдурилган одамнинг хун баҳоси ворисларнинг талабига боғлиқдур” деган мазмунга таяниб, Бухоро амирига хат ёздим. Мактуб ўз номимдан бўлиб, тубандагилар ёзилган эди: “Воқеани ўз кўзлари билан кўрган шоҳидларнинг шаҳодатига қараганда, сизга қарашли йигитларингиздан элик нафари иштироки билан менга қарашли йигитлардан олти нафари ўлдуриб кетилгандур. Ўлган йигитларининг ҳар бир нафари учун уч минг тиллодан ҳисоблаб, хун баҳосини юборишингиз керак. Бунинг имкони бўлмаганда ўша элик кишини менга юборурсиз. Уларни шариат амрига мувофиқ ўлдуруб, қасос олмогим лозимдур”, дедим.

Бухоро амири менга юборган номасида: “Туноҳ сизнинг йигитларингиздадур. Бу мунозаъни қўзғамасалар

ўлдурулмас эдилар”, деб жавоб берди. “Бухоро амири ўз сўзида ҳақлимикан?” деган фикр билан воқеани қайтадан текширдим. Аввалда гумон қилинган эдики, сарбозлари ўз амирига ёлгон маълумот еткарганмикин, деб. Натижада, гумоним тўғри бўлиб чиқди. Мен ўз эътиқодимда ноҳақ бўхтонни улуғ гуноҳ деб биламан. Мен каби Ислом динига чин эътиқод билан бўйин эгиб тургувчи бир киши бировларга бўхтон қилмоқдан чекинмогим лозим келур эди. Бухоро амири ўз сарбозларидан ўтган гуноҳ масъулиятини тан олмай, ёлгон сўзлар билан уларни мудофаа қилмоқчи бўлди. Ҳақиқатга шариат назари билан қаралгудек бўлса, шариат ўғри, қотилни Худонинг душмани демасдан, ёлгончини Худонинг душмани, деб таъбир қилгандур. Ислом динида ёлгончиликдан улут гуноҳ йўқ. Шундай бўла туриб, иккинчи мактубимга жавоб ҳам бермади. Шунинг учун мен Бухорога ҳамла қилмоққа қарор бердим.

Шаввол (барот) ойининг учинчи куни 758 ҳижрийда Самарқанддан Бухорога қўшун сурдум. Аскарларнинг минган отидан бошқа ҳар бирига яна бир донадан етак от бердимки, аскарний юришда эҳтиёт шундай бўлмоғи лозим эди. Балки, бир отга бир мунча йўлни бир кунда босдуруш оғир келади, шундай вақтларда етакни алмаштириш мумкиндур. Ўз тажрибаларимга асосан тез юрдум. Ҳеч ким хабар тополмасиданоқ Бухорога етиб боришни қасд қилдим. Бухоронинг мустаҳкам қалъаси бизнинг боришимиздан хабар топса, шаҳар дарвозасини беркитишини, йўлларда ҳам хабар олғувчи қоровуллари бўлишини билар эдим. Бинобарин, сарбозларимга кечаси Бухорога ҳужум қилиш амрини берган эдим. Кечада отларни кишнатмаслик учун “сунбулўт тойиб” деган гиёҳдан аскарларга тарқатган эдимки, лозим вақтда отларнинг бурнига шул гиёҳдан ҳидлатиб қўйулса, от

кишнамас эди. Аскар тарбиясидаги от беҳуда кишнамаса ҳам, узоғ йўлдан ободликка кирган ҳайвоннинг кишнаб юбориши Бухоро қалъасидаги посбонларнинг диққат билан ташқарига мулоҳаза қилишларига сабаб бўлур эди. Мабодо дарвозани беркитиб олсалар ҳам, қўчқорбош (қўчқорбош-қаттиқ ёғочдан ҳозирланган харилар. 40-50 киши харини шиддат билан дарвозага урса, дарвоза ағдарилиб тушади) билан уруб, дарвозани синдириб, ичкарига кириш учун аскарларда истеъдод комил эди.

Бухоро шаҳрига яқин борганимиздан ҳеч ким хабар топмади. Отлар ҳам кишнамадилар. Кечаликда шаҳар дарвозаси банд бўлгани учун дарвозани қўчқорбош билан уруб синдиришга буюрдим. Аскарларнинг бир қисми дарвозани синдиришди, яна бир қисми шотилар билан ҳисор устига чиқа бошладилар. Бизнинг Бухоро шаҳрига киришимиз шундай кутилмаган воқеа бўлдики, қаршимизда ҳеч қандай муқовамат кўрмадик. Аммо дарвозадан кирган, қалъа устида юрган сарбозларнинг ғавғоси арқда тинчгина ётган Бухоро амирини безовта қилди. У арқ дарвозаларини маҳкамлашга амр берган бўлса ҳам, мен эрта кундаёқ арқни муҳосара (қамал) қилиш, атрофни жиддий муроқабат қилишни (кузатишни) сарбозларимга амр қилган эдим. Уруш ва муҳосара тўғрисида илмим етарли бўлгани учун ҳар бир ҳукумат истиқоматгоҳи арқларнинг ер остидан ташқарига очган яширин йўли ҳам бўлишини эҳтимодан узоқда тутмаган эдим. Бу ер ости йўллари орқали ташқаридан ёрдам олиб кириш, емак-ичмак ташиш ёки ичкаридан ташқарига қочиб кетиш чоралари кўрилмаган қалъалар ҳарбий нуқтаи назарда аҳамиятсиз ҳисобланади. Бухоро қалъаси аҳамиятли қалъаларнинг бири бўлиб танилгани учун шаҳар ташқарисидан ер ости йўлининг чиқиш учини топишга, ундан чиқувчини отишга буйруқ берган бўлсам ҳам,

Бухоро амирини ўша кечадаёқ қочиб кетмаса керак, деб ўйлаган эдим. Чунки кечаси бўлгани учун бирор соатлик муддат ичида қўшунимнинг ҳисобини олиб бўлмас, буни таъкидламоқ учун ҳеч бўлмаганда тонггача сабр қилмоғи лозим тутилар эди. Агар ўз қувватини ожиз кўрса, ундан кейин қочиш ҳаракатини кўрса керак, деб тахмин қилган эдим.

Эртаси кун ёришганда Бухоро амири аркнинг буржида туриб менга хитоб қилди: “Бу ерга нимага келдинг? Мендан нима тилайсан?!” Мен унга жавобан: “Сенга мактуб йўлаб, сарбозларимнинг хун баҳосини сўрадим. Сен эса унинг адосига ҳозирлигингни билдирмай, инкор қилдинг ва мени бу ерга қўшун тортиб келишга мажбур этдинг. Эмди қайтиб чиқиб кетмоғимни истасанг, беш юз минг мисқол тилло таъвиз беришинг керак ёки шу маблағ муқобилинда амлок-амволларингни ҳисоблаб бермоғинг керак”, дедим.

Бухоро амири: “Сўраган молларингни бермасам, нима қиласан?” деб сўради. Мен дарҳол жавоб бердим: “Агар шу нарсаларни топшурмасанг, сарбозларимни ўлдурган қотил, деб қасос учун ўзингни ўлдураман”. У эса: “Сарбозларингни мен ўлдурмадим”, деди.

“Сен ўз қўлинг билан сарбозларимни ўлдурмаган бўлсанг ҳам, сенинг амринг билан юрадургон аскарларинг ўлдургондур. Сен эса у қотилларга паноҳ бериш билан уларнинг жарималарига шерик бўлганинг учун ўлдурулишинг керак. Сени ўлдургандан кейин Бухоронинг ҳокими сифатим билан бутун амволларингни тасарруф қилишга комил ҳақлиқ бўламан”, дедим. Бухоро амири “Агар мени ўлдурушга қудратинг етса, ўлдуриб амволимни тасарруф қил”, деб бурждан ғойиб бўлди.

Икки соатдан кейин бир тарафдан гавго овози эшитилди. Сарбозларим шаҳар ташқарисидан бир мунча ки-

шини тутуб олиб келдилар. Асирлар орасидаги Бухоро амирини танидим. Қалъа ташқарисидаги ер ости йўлини пойлаб турган аскарларимдан хабарсиз ҳолда ўз атрофидаги мансабдорлари билан ушбу нақбдан (ер ости йўлидан) қочиб қутулмоқчи экан, сарбозларимнинг қўлига тушибди. Бухоро амири ўзини асир сифатида билмай, эски ҳукмронлиги эътибори билан мен талаб қилган беш юз минг мисқол тиллонинг муқобилида ўз амвол ва амлокларидан бериш билан ўзини озод этмогимни ва Бухоро шаҳрини бўшатиб чиқиб кетмоғимни талаб қилди. Мен унга айтдим: “Бугун эрта билан хун баҳоси ва аскарый чиқимларим эвазига беш юз минг мисқол тилло талаб қилганимда, сен Бухоронинг озод амири эдинг, ҳозир эса менга асирдурсан. Жонинг, молинг, ҳукмингнинг ҳаммаси менга тааллуқлидур. Бу ҳақда мен ўз қароримни бермакда озоддурман. Вақт ўтгандан кейинги сўзларинг ўринсиздур”. Сарбозларимга амр бердим, Бухоро амири бошлиқ мансабдорларни, ўзимга қарашли мансабдорлар мажмуаси назарида ерга ўтқиздилар. Дастлаб Бухоро амири ўлдурилди. Амирларига берилган жазодан интибоҳ олган бухороликларнинг менга итоат қилишдан бош тортмасликларини тушунар эдим. Амир жазолангач, тамом амволлари тасарруф қилинди. Нақл қилиш (кўчириш) мумкин бўлган молларни Самарқандга жўнатдим ва Бухоро шаҳри қалъасини бузуб юборишга буйруқ бердим, токи бундан кейин менинг муқобилимда ҳеч киши тараддуд қилиб қалъада банд бўла олмасун. Бу усулни сўнги футуҳотларимда ҳам ишлатиб, қайси бир қалъани олсам, бузуб юборишни қўладим. Бухоро ҳукуматига мансабдорларимдан бирини тайинлаб, Ислом қонунига мувофиқ идора қилишни тавсия этдим. Мабодо бирор мушқула рўй бериб, нима қилишни билмаган тақдирда мендан сўраб ҳал қилишни таъкидладим”.

Амир Темурнинг Олтин Ўрда хони Тўхтамиш қўшини билан олиб борган жанг ҳаракатлари ҳам кўлами, жанговарлиги ва ҳарбий ҳийлаларга бойлиги билан жанг манзаралари ҳақида тўла тасаввур берувчи солномаларга безак бўлғусидир. Соҳибқироннинг ўзи бу ҳақда шундай ҳикоя қилади: “Исфаҳон урушини тугатиб, Форсдаги менга носазо айтган султоннинг бурнини ерга ишқаш қасдим бор эди. Аммо Самарқанддан келган чопарнинг топширган мактубидан билдимки, менинг йўқлигимдан истифода қилиб, Тўхтамиш Мовароуннаҳрга ҳамла қилиб келиб, кўп кишиларни ўлдуриб, бир миқдор чорваларни ўзи билан бирга ҳайдаб кетибдур. Бу Тўхтамиш деган одам Қипчоқ ўлкаларининг султони эди. Кўҳиқофнинг (Қафқаз) орқасида турар эди. Унинг юртига бормоқ учун Исфаҳондан Озарбайжонга, ундан Тўхтамиш ўлкасига бормоққа тўғри келар эди...

Тўхтамиш тўғрисида тўплаган маълумотларимга қараганда, Тўхтамиш қадди-қомати менга ўхшаб тушармиш. Сарбозлари тоғ қабоилидан бўлуб, ҳаммалари Кўҳиқоф минтақасидан эмиш. Салоҳлари ўқ-ёй, “шошка” исминда ингичка, эгри қиличдан иборат эмиш, шошканинг енгил бўлиши, кескурлиги ишлаткувчига осонлик туғдирадур. Қўллар қалтираб қолмас эди. Унинг аскарлари шошкани ишлатишда хийла маҳоратли эди...

Олдиндан берилган хабарлардан аниқландики, мўғуллар менинг ўзларига яқинлашиб бораётганимдан бутунлай хабарсиз эканлар. Улар турган ери билан Мовароуннаҳрнинг орасида узоғ фосила борлиги учун олдинга хабар олувчилар чиқармаган эканлар. Биздан душман хабардор бўлиб қолмасин, деб улар тарафга чиқадургон йўлларни тўсуб ташладим. Олдиндаги икки даста хабарчи қисмлар бошлиқларига тайинладим: ҳар соатда олинган хабарлардан мени хабардор қилиб ту-

риш ва тажрибакор одамлар қўшундан икки тош илгарида юришларини тафсиз қилдим (топшириқ бердим). Бу ҳолда икки номуносиб сабаб бўлмаса, душманга шабхун урмоғим лозим эди. Сабабнинг бири, бир юз йигирма минг қадар душман қўшунига кечаси ҳужум қилганимда, сарбозларимда низомсизлик рўй бериб, қоронғуда дўст-душманни фарқ эта олмай қолишлари мумкин эди. Иккинчиси эса, Бил Ургунни тирик тутуб, қайси журъат билан бизга қасд қилганлигини сўрамоқчи эдим. Душманга тўрт тошлик масофа қолганида ҳам душман биздан беҳабар тургани учун ортуқча отларни айириб орқага жўнатдим. Аскарларни яхши ором олишга буюрдим. Ярим кечада йўлга тушдим. Уртада етарли вақт бор бўлганидан секин-секин йўл олдим. Тонг отар вақтида иккови жаноҳнинг менинг икки томонимда ўз ўрунларини ишгол қилишларига буйруқ бердим.

Эй биродар, агар сен бир кун уруш бошлиғи бўлгудек бўлсанг, билгилким, аскарни майдонга лойиқ тузиш муҳим бир ишдур. Қўмондоннинг лаёқатидан ташқари, машқ ва муморасат (ҳаракат) ҳам талаб қилинади. Агар бир даста таълим кўрмаган аскарни ҳар қанча муназзам қилиб турсанг ҳам, бир кунлик урушда ўз жойларида туролмасликларининг ҳам эҳтимоли бор. Аммо таълим кўрган сарбозлар бўлса, ҳар қанча уруш жиддийлашса ҳам, қайси ерда турушлари муносиб эканлигига тушунади.

Икковига жаноҳда ўз жойларида турмоққа амр берганимдан бир соат кейин уруш тартиби тузулиб бўлган эди. Душман тараф отлиқ бўлгани учун уларнинг отларини тезроқ ишдан чиқариш қасдида, аскарларимни қилич, каманд, ўқ-ёйлар ва найза билан салоҳлантирдим.

Офтоб чиққанда биз яп-яланг бир даштга чиқиб қолгон эдик. Ўзимизни душман кўзидан ёшуриб туриш имкони ҳам йўқ эди. Мўғуллар эса ҳануз ўзларини тўп-

лаб ололгани йўқ эди. Офтоб кўтарилса ҳам, уруш тузуми нари турсин, ўз ўрдугоҳини тўплай олмади. Бу вақт душманнинг эпсиз эканлигига воқиф бўлдим ва унинг енгилишига жазм қилдим.

Отлиқларим қўшуннинг икки қаноти ва қалбида ҳаракатга кирди. Ўзум ҳам найза, қилич, каманд, ўқ-ёй билан қуролландим, бошимда магфар, эгнимда зирҳ бор эди. Очиқ даштда урушган аскарнинг кўзи офтоб нури билан қамашиб қолмасин, деб бир кеча аввал қўшун сайрини жанубдан шимолга қаратиб ўзгартириб олган эдим.

Қирқ беш минг отлиқнинг шарқдан ғарбга ёйилиб, жанубдан шимолга қараб қўзғолишини ҳеч қандай қилиб ўқуғувчиларимга тасвирлаб беролмайман. Ҳатто Тус шоири ҳам ўз китобида бундай бир ҳолни тасвирлаб кўрсатолмаган эди. Гумонимча, бизнинг ўша ҳаракатимизни осмондан туруб офтоб бемалол томоша қила олур эди. Биз илгари бормоқда эдик. Йигирма минг отлиқ ҳам орқа тараф эҳтиёти сифати билан орқамиздан келар эди. Биз билан душман орасида чорак тош фосола қолган эди.

Аскарларнинг муназзам юриши, гўзал тартибланиши билан руҳланганларидан ерлар ларзага келаётир, деб ҳис қилар эдим. Аскарларимга қараб қувониб, дилимга бир шавқ тушдики, ўзимни тўхтатолмай, огзимдан узундан-узоқ бир наъра чиқди. Қалбдаги сарбозлар ҳам бирдан наъра тортиб юборишди. Ўнг ва сўлдаги жангчиларнинг ҳам наъралари қўшулгандан кейин аскарларимда улуғ руҳ уйғонди. Албатта, бу наъра қўшуннинг хурсандлиги, ютуқларига эътимод қилганларидан ҳосил бўлган эди. Қўшунда ҳам эр кишининг урушдаги маҳоратидан қимматбаҳо нарса дунёда топилмаслигини тушунганликлари маъноси чиқар эди. Менимча, бутун дунёдаги хурсандлик бир тарафга қўйилса, урушдаги кутулажак галабанинг хурсандлигига баробар келмайди. Бир эр

киши ўзини бошқа хушликларга машгул қилар экан, ўз мардоналигини қўлдан бериб, хотунлар сафига қўшулуб қоладур. Чунки хотунлар ҳам ўзларини турли хурсандликларга машгул қилишлари мумкиндур.

Мўғуллар бизни кўргандан кейин ўз сафларини тутатмоқчи бўдилар. Уларга фурсат бермасданоқ устига бостириб бориб қолдик. Икки жаноҳдаги қўмондонларга мўғулларни муҳосира қилиш амрини бердим. Бизнинг мўғул ўрдугоҳига қилган ҳужумимиз тасвирини қўйларга ҳамла қилган бўри мисолида билдирсам, балки ишонмасиз. Нима учунки, уларнинг “мўғул” номини эшитгандурсиз. Ҳар бир мўғулни Чингиз бўлиши керак, деб хаёл қилгайсиз. Бу мўғулларнинг баъзилари шу қадар нотавон эдиларки, қиличларини гилофидан ҳам чиқаролмади. Фақат ўрдугоҳнинг баъзи жойларида бизга қарши муқовамат қилишди. Аввалги берган амримга мувофиқ Бил Ургун бир мунча мўғул аскарлари билан асирга олинди”.

## ХАЛҚПАРВАРЛИК МАНЗАРАЛАРИ

Амир Темур қўл остидаги юртларда адолат ва халқпарварлик билан ҳукм юритди. У оддий фуқароларнинг эҳтиёж ва талабларига риоя қилиб, улар ҳолидан ҳамиша хабардорлик ҳисси билан яшагани ҳолда оддий халққа зулм ва тошбағирлик кўрсатган, адолат мезонларини бузган волий ва саркардаларга аёвсиз қаттиққўллик билан муносабат кўрсатар эди. Биргина мисол: Тошқанд вилоятининг ҳокими Ўлжойту Муҳаммад Қуллуқ Амир Темур тарафидан масъул вазифага қўйилган зобитлардан бири эди. Ишонган кишисидан исён чиқиши Амир Темурнинг ғазабини қўзғаб юборди. Тошқандни Ўлжойтудан тозалаш ҳарбида бир оёғидан яраланиб, чўлоқ ҳам бўлди. Ўзининг

тарбиясини олган Ўлжойту валийнеъматини билан охирги нафасигача уришди. Ниҳоят, Тошқанд шаҳри бутунлай вайрон қилганидан кейингина таслим бўлиб, ўлиб кетди. Албатта, Амир Темур исёнчига қаттиқ жазо бермай қўймасди, унинг юртини харобага айлантириб ташлаш ҳам қўлидан келарди. Аммо Соҳибқирон Тошқанд шаҳрини қайта обод қилиш учун кўп пул сарфлаб аввалгидан яхшироқ қуриб қўйди. Бу нарса ҳам унинг ватанпарварлигидан бир нишонадир.

Ҳижрий 770–777 йилгача Амир Темур Мовароуннаҳрдан ташқарига чиқмади. Бу йиллар ичида давлатнинг кутиб турган ички ишларидан бир қанчасини қилиб олди. Масалан, Амударёгача ёйилган ҳудуд ичида амният (тинчлик-осойишталик) ўрнатди. Йўлларни ўғри, қароқчилардан тозалаб, савдо қарвонлари юрадиган манзилларни беҳавотир қилиб қўйди. Ўша кундан бошлаб Мовароуннаҳр ичида асрлар бўйи ўғрилик, қароқчилик қайталанмади.

Амир Темурнинг эл-улус фаровонлиги йўлида қилган хизматларидан яна бири у юртдаги икки дарё – Сайхун ва Жайхундан сув чиқариб, экин майдонларини янгидан очди ва бу ерларни халққа тақсим қилиб бериб, зироат, чорвачилик ишларини ривожлантириб юборди. Ҳунармандчилик ва ишлаб чиқаришга аҳамият бериб, усталардан кўпроқ шогирд чиқаришни талаб этди. Соҳибқирон кўплаб шаҳарлар солди, ариқлар чиқарди. Масжид, мадрасалар бино қилиб, ўқув масканларини зарур воситалар билан таъминлади. Шу вақтларда ташқи мусулмон мамлакатларидан келган мударрисларгина эмас, талабалар адади ҳам ниҳоятда кўпайди.

Бир йили Мовароуннаҳрга келган чигиртка офати бутун ўрмонлар, боғлар, экинзорларни қип-қизил саҳрога айлантириб кетган эди. Бунинг оқибатида Мовароуннаҳр аҳолиси, жонзот-ҳайвонлари очарчиликка кирди.

Очарчилик туфайли одамлар нобуд бўлдилар, ҳайвонлар ёппасига ўла бошлади. Бозорларда нон топилмай қолди: мамлакатга қаҳатчилик келди. Шундай вақтда халқи учун фидокор Соҳибқирон олти ойгача бир жойда тиниб ўтирмади. Қишлоқларга бориб, деҳқонларнинг кўнглини кўтариш билан бирга ўзи бекор турмай, нўхат, ловия, мош каби дуккакли донларни ҳам экишга тарғиб қилди. Баъзиларга қўшилиб кетмон чопди, деҳқонга ёрдамлашиш билан уларнинг кўнглини кўтарди. Зарафшон суви пастлаб кетгани учун тўғон боғлаб, дарё сувини далаларга чиқариб, деҳқонларни бугдой, арпа экишга тарғиб қилди. Бозорларга четдан дон сотиб олиш билан нонни сероб қилди. Амир Темур ҳолатдан чиқиш учун масжидлар орқали қўлида егулик заҳираси бор одамларни яхши нарх эвазига ўзидаги донларини сотишга даъват қила бошлади. Соҳибқирон жангу жадалларда бўлгани каби раъиятнинг аҳволини ўнглашда ҳам қаҳрамонлик кўрсатди. Сунбула ойларида ҳосиллар йиғиштирилиб, халқ ҳалокатли қаҳатчиликдан эсон-омон чиқиб олди. Чорвалар чет ўлкалардан яна ўз яйловларига қайтди.

Ҳижрий 777 йили Мовароуннаҳрда аҳвол бироз ўзгарганидан кейин, Соҳибқирон ўз айбларини билди, гуноҳларини эътироф этиб, истиғфор айтди. Ўйин-кулги билан ўтган кунларига надомат қилди. Шаҳардан ташқаридаги лашкаргоҳда туриш билан мақсадга эришиб бўлмаслигини тушиниб, дарҳол қароргоҳини саҳродаги чодирга кўчиртирди. Заруратсиз шаҳарда турмасликка, ҳафтанинг жума кунда аскарлар билан барабар бир кун дам олганда, навбати келган хотинининг қасрига тушишга аҳд қилди. Эртаси яна саҳрода аскарлари билан ҳарбий таълимда барабар иштирок этишга, футуҳот ишларини юртдан ташқарида олиб боришга қарор қилди.

Амир Темур ўз футуҳотларида тутган сиёсатини ўзгартирмади. Масалан, бир мамлакат қалъасига ҳужум

бошланар экан, улар таслим бўлса, шаҳар халқи, мол-ҳоллари саломат қолишини олдиндан билдирар эди. Акс ҳолда, яъни қаршилиқ қилинса, шаҳарнинг қатлиом қилиниши, молларини талон-тарож бўлиши аниқ эди.

Темурнинг раият қувонч ва ташвишларига қизиқиши юқоридаги ишлар билангина чекланиб қолмайди. У Аллоҳга маъсият бўлувчи гуноҳ ишларни ман қилиш, халқини бундай ишларга яқинлашишдан қайтариш борасида ҳам бир қанча тадбирларни амалга оширди. Шулардан бири – ҳукмдор мамлакатда май ичишни тақиқловчи фармонга имзо чекди. Унга кўра, одамларни фойдали ишлардан қайтарадиган, гуноҳ ишларга етакловчи ва оқибатда турли ёвузликларни келтириб чиқарадиган ичкиликбозлик иллоти мамлакатнинг осуда ҳаётига катта раҳна солиши мумкин эди.

Соҳибқирон жамият ҳаётидаги энг муҳим масалалар бўйича бир қарорга келишдан олдин ҳокимлар, етакчи саркардалар, атоқли уламолар, сарой аъёнлари ва аслзода, солиҳ кишилардан иборат ҳайъат аъзолари иштирокида курултой ўтказар эди. Ўша масалани кўпчилик ҳукмига ҳавола этганидан сўнг, уларнинг фикр-мулоҳазаларини инобатга олган ҳолда ҳал қилувчи охириги қарорни чиқарарди.

Амир Темурнинг буюк хизмати шунда эдики, у жанглар ва юришлари билан салтанатни кенгайтириш ва бойлигини кўпайтириш баробарида мамлакатининг равнақи, раиятнинг фаровон ҳаёти йўлида кўп хайрли ишларни қилди. Айниқса, унинг салтанатда саноат-ҳунармандчилик ишларини ривож топтириш, жаҳоннинг турли бурчакларидан ўз ишининг моҳир устаси бўлган ҳунар аҳлини Самарқандга келтириш учун қилган саъй-ҳаракатларини муаррихлар завқ билан ёзишади. Ғарб сайёҳи Ҳерман Вамберининг ҳикоя қилишича, “Темурнинг амри билан Дамашқнинг энг моҳир тўқувчилари, Ҳалабнинг машҳур

пахта йигирувчи корхоналари, Анқаранинг мовут корхоналари, Туркия ҳамда Гуржистон заргарлари, хуллас, саноатда қанча моҳир ишчилар бор бўлса, ҳаммаси Самарқандга кўчдилар. Чунончи, Самарқандда барча дин ва миллат кишилари жам эдилар. Ғарб элчиси Клавихо бу ерда яшовчи аҳолини санаб, 130.000 дегани хато бўлмаса керак. Ушбу аҳволга кўра, Самарқанднинг бутун Осиё савдосида мол омбори ўрнини эгаллаганини фаҳмлаш жуда осон, деб ўйлайман. Хусусан, бунда ички савдо яхши тараққий этган, катта аҳамиятга молик бўлиб, ниҳоятда улуғ миқдорга эришган эди. Бу ерга Ҳиндистондан жуда кўп атторлик ва бўёқ тижорати карвонлари келиб турарди. Хитой ипак газламалар, чинни косалар, қадаҳлар, мушк, қимматбаҳо ақиқ тошлар юборарди. Мамлакатнинг шимол тарафидан ноёб пўстинлар келар эди. Ушбу турли иқлимларнинг моллари Самарқанд бозорларида той-той бойланиб, Осиёнинг энг катта шаҳарларига ва Буюк ипак йўли орқали Ғарбий Европага жўнатилад эди. Савдогарлар бу йўл орқали Хоразм, Астробод, Нижний Новгород, Москвадан Генза кўлига борар эдилар. Иккинчи Ҳирот – Қазвин–Табриз–Трабзун йўли билан генуяликларнинг, венецияликларнинг, пизаликларнинг савдо кемаларига тушиб, Европага етардилар. Ниҳоятда қўрқинчли, жангу жадаллар замонлари бўлишига қарамай, Темур ҳокимиятининг сояси тушган ерларнинг барчасида савдо жуда жонли ва хавфсиз эди. Биз қайта-қайта зикр этган Испания элчилари бунга энг ишончли шоҳиддилар. Бу элчилар ҳайъати Трабзундан йўлга тушиб, баъзи душман вилоятлари орқали Самарқандга борганлар. Атрофида деярли соқчилари йўқ ҳолда, ғарбнинг ноёб ашёси юкланган кажавали карвонни манзилга безарар етказишган. Бу воқеа Анқарадаги қатъий тўқнашувдан

кейин ва Ғарбий Осиёда бошбошдоқлик ҳукм сурган вақтда содир бўлган эди. Темурнинг зуҳури билан кечган Ўрта Осиё маънавий тараққиёти Темурнинг авлод ва аждодларининг, яъни темурзодаларнинг хизматларига мансубдир”.

Тарихчилардан бири шундай ёзади: “Диний ишлар ҳамда бошқаришнинг бошқа турли қисмларига ҳам Амир Темур қўшинга қаратган эътиборидан кам эътибор қаратмасди. “Тажриба менга шуни кўрсатдики, деган эди у, қонун ва дин томонидан қўллаб-қувватланмаган давлат, ҳар қандай разил одам ҳам кира оладиган, томи, эшиги ва қулфи бўлмаган уйга ўхшайди. Шунинг учун мен ислом динини тиклаб, унга қонун ва қарорлар қўшишни лозим топдим”. Амир Темур босиб олинган ерларда эътиқод ишларини бошқариш учун Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам авлодларига мансуб кишилардан бош муфтийлар тайинларди. Дин назоратига тегишли мол-мулкдан, масжидлардан хабар олиб туриш учун махсус назоратчилар қўйган эди. Пайғамбаримизнинг авлодлари, олимлар ва барча хизмат кўрсатган, ҳурматга сазовор кишиларга нафақалар белгиланган эди. Амир Темур шаҳарларда масжид, мадраса, шифона ва етимхона (лангархона)лар, шаҳарни бошқариш ва қозилар учун бинолар (дорул-аморат ва дорул-адолат), йўлларда карвонсаройлар, дарёларга кўприклар ва ҳоказолар қурдирар эди. Амир Темур илм-фанга ҳомийлик қилар, олимлар билан халқлар тарихи ва буюк ҳукмдорлар ҳасби ҳоли ҳақида суҳбатлар ўтказишни хуш кўрарди. Ўтган даврдаги буюк шахсларнинг ижобий ишларига тақлид қилар, хатоларни қайтармаслик учун уларнинг муваффақиятсизликларини қунт билан ўрганар эди”.

Амир Темур ҳақида тарқатилган шов-шувлар бошқа давлатлардаги эътиборли одамларни, ўрдалар ҳокимла-

рини, ҳатто қароқчи тўдалар йўлбошчиларини ҳам ўзи-га жалб этарди. Унинг Ислом дини арконларига ҳамшираио я қилиши, жанг олдида жамоат билан намоз ўқиши, кечалари чодирда нафл намозларни ўқиши тўғрисида мулоҳаза юритишлари жангчиларга мардлик ва муҳорабаларнинг муваффақиятли тугашига ишонч бағишларди. Қўшиннинг руҳиятига таъсир қилувчи бундай чора-тадбирларни қўллашдан ташқари, Амир Темур бўйсундирган давлатларини муваффақиятли бошқариш лозимлигини яхши тушунар ва бошқаришга лойиқ кишиларни маҳорат билан танлашни бунинг биринчи шarti, деб ҳисобларди.

Амир Темур бошқаришнинг турли соҳаларига одамларни ўзи танлар, ҳар бир нарсани шахсан назорат қилиб турар эди. У одамларга меҳрибонлик ва сабр-тоқат билан муомала қилар, улар орасида тартиб ўрнатиб, кўрсатмаларининг бажарилишини талаб қилар эди. Амир Темур ўз хизматидагиларни рағбатлантиришда бойликни аямас, уларни ўзи билан овқатланишга таклиф қилар, эҳтиёжларини қондиришга ҳаракат қилар эди. Адолатли тарзда қўшинни ҳам, фуқароларни ҳам, ўз таъбири билан айтганда, қўрқув ва умид ўртасида ушлаб турар эди.

Амир Темур ёрдамчиларини ақлли кишилар орасидан танларди. Вилоятларга ҳалол, инсофли одамларни ҳоким қилиб қўяр, улар эса ўз навбатида халқ ва қўшиннинг феъл-атвори, умуман диққатга сазовор ҳар бир нарс ҳақида унга ҳисобот бериб турар эдилар. Ёлғон хабар, зулм ва зўрлик, шафқатсизлик учун раҳбарларни қаттиқ жазоларди.

Махсус ишончли кишилар Амир Темурга халқнинг ҳолати ҳақида хабар бериб туришар, ўзи ҳам шу халқнинг урф-одатларига амал қилиш, умуман, халқ муҳаббатини қозонишга ҳаракат қилар эди. У халқ ва қўшин орасида бўлиб турадиган келишмовчиликларни ҳал қилиш учун

махсус ҳакамлар тайинларди. Агар қўшин ва уларнинг бошлиқлари жойлашган шаҳар ва вилоятлардан нафақа оладиган бўлсалар, унда вилоятлар қисмларга бўлинарди. Қўшинга халқдан керагидан ортиқ нарсаларни талаб қилиш тақиқланарди. Буни назорат қилиб туриш учун ҳар бир қисмга иккитадан назоратчи (садр) ажратилган эди. Уларнинг бири халқни зўравонлик ва ортиқча солиқлардан ҳимоя қиларди. Қўшинга берилаётган ҳар бир нарсани аниқлар эди. Иккинчиси эса, қўшин халқдан олаётган нарсаларнинг ҳисобини оларди.

Ҳар бир бошлиқ (амир ёки мингбоши) учун уч йилга унга тегишли қўшинни таъминлаш жойи (шаҳар, қишлоқ, вилоят) бериларди. Бу муддат тугаганидан сўнг, аҳолининг бошлиқдан мамнунлиги ёки хурсанд эмаслиги, уларнинг турмуши яхши ёки ёмон томонга ўзгарганини билиш учун махсус назоратчи юборилар эди. Агар аҳоли бошлиқдан мамнун бўлса, у бу ерда кейинги муддатга қолар, мамнун бўлмаса, халқдан олинган ортиқча нарсаларнинг ҳаммаси ундан тортиб олиниб, уч йилгача ҳеч қандай маош берилмас эди.

Амир Темур солиқ солишда жисмоний жазо қўллашни тақиқларди. Унинг айтишича, ҳокимияти қамчи ёки хипчиндан кучсиз бўлган бошлиқ эгаллаб турган лавозимига лойиқ эмасдир. Амир Темур бошлиқлардан зулм ўтказиш ва товламачилик қилишдан ўзларини тийишни талаб қиларди. Мансабини суистеъмол қилиш очлик ва ҳар хил фалокатларга олиб келишини, халқни ўзга ерларга қочиб кетишга мажбур этишини билар эди. Соҳибқирон халқни талон-тарож қилиш давлат даромадининг камайишига олиб келади, бу эса ўз навбатида, қўшиннинг камайишига ва давлатнинг қулашига сабаб бўлади, дер эди.

Раиятнинг зиммасида бўлган жангчиларни боқиш ёки махсус солиқ тўлаш мажбуриятига кўра икки хил қўшин тури бўлган, деб хулоса чиқариш мумкин:

Биринчиси доимий турар жойларда жойлашган эди.

Иккинчиси ўрдаларда ё Амир Темур бошчилигидаги юришларда бўлар эди. Доимий ҳаракатдаги қўшин аҳolidан озик-овқат ололмагани учун махсус нафақа билан таъминланар эди.

Босиб олинган ерларнинг кенгайиб бориши билан Амир Темур қўшинлари сони ҳам ортиб бораверди. Қўлга олинган вилоятлардаги қурол кўтарган ҳар бир киши Амир Темур лашкарига қабул қилинар ва амалига қараб маош оларди. Жасур жангчиларнинг фарзандларига ҳам нафақа тўланар, агарда улар жасорат кўрсатсалар, юқори мансабларга кўтарилишлари ҳам мумкин эди. Душман томон қўшинлари ҳам шу асосда хизматга қабул қилинарди.

### “ТЕМУР ТУЗУКЛАРИ”

Амир Темур ҳаётлик давридаёқ унинг ҳарбий санъати ва давлат бошқариш услубига бағишланган махсус асар яратилиб, у “Темур тузуклари” номи остида шухрат топади. Бу асар шахсан Темурнинг оғзидан ёзиб олинган, деб ҳисобланади. Унда давлатни бошқаришда кимларга таяниш, тожу тахт эгаларининг йўналиши ва вазифалари, вазир ва қўшин бошлиқларини сайлаш, сипоҳларнинг маоши, мамлакатни идора этиш тартиби кўрсатиб берилади. Давлат арбоблари, қўшин бошлиқларининг бурчи ва вазифалари, тожу-тахт олдида кўрсатган алоҳида хизматларини тақдирлаш тартиби хусусида баён этилади. Амир Темур имом Саййид Баракани ўзининг пири, деб билган. Саййид Барака Темур қилич билан ниманики қўлга киритган бўлса, шуларни тоат-ибодат ҳамда фатволар бериб, дуоғўйлик билан муштаҳкамлаб беришга ҳаракат қилар эди.

Амир Темур турк, араб ва эронликлар тарихини чуқур билган. Амалий жиҳатдан фойда келтира оладиган ҳар қандай билимни қадрлаган. У давлат ишлари учун ҳамма нарсанинг фойдали томонларини олишга ҳаракат қилган. Темур қўл остидаги давлатни бошқаришга катта эътибор берди. Янги давлат тизими бўйича девони бузругдан ташқари, ҳар бир вилоятда алоҳида девонлар тузилган. Улар одамларга хизмат кўрсатувчи бозорлар, ҳаммомлар, йўллар барпо этилишини назорат қилганлар. Солиқ йиғиш, тартиб сақлаш, суғориш тармоқларига қараб туриш, аҳолининг эҳтиёжларини ўрганиш ва ҳал этиш каби ишлар билан шуғулланганлар. У давлатни бошқариш, раиятнинг эҳтиёж ва талабларини ижро этиш соҳасидаги тажриба ва мақсадларини ўзининг “Темур тузуклари” (“Тузуки Темурий”) асарида батафсил баён этиб берган.

Амир Темур “Темур тузуклари”да давлатни бошқаришдаги ўз тажрибалари ҳақида шундай ёзади: “Яна тажрибада кўриб билдимки, давлат агар дину диёнат асосида қурилмас экан, тўғри йўл-тузукка боғланмас экан, ундай салтанатнинг шуқуҳи, қудрати ва тартиби йўқолади. Бундай салтанат яланғоч одамга ўхшарким, уни кўрган ҳар кимса, назарини олиб қочади. Ёхуд касу нокас тап тортмай кириб чиқадиган томсиз, эшиги-тўсиғи йўқ уйга ўхшайди”.

Соҳибқирон давлат ишларини чиройли юритишда ҳар бир ҳукмдор алоҳида эътибор қаратиши лозим бўлган тоифаларни “Тузуқлар”да шундай васф этади: “Салтанатим ишларини қонун-қоида ва интизомга солиб, салтанатим мартабасига зебу зийнат бердим. Уни ўн икки тоифага бўлиб, уларга таянган ҳолда иш юргиздим. Салтанатим қонун-қоидаларини ҳам шу ўн икки тоифага боғлаб туздим. Бу ўн икки тоифани салтанатим фалакининг ўн икки буржи ва давлатим корхонасининг ўн икки ойи, деб ҳисобладим.

Биринчи тоифа – саййидлар, уламо, шайхлар, фозиларни ўзимга яқинлаштирдим. Улар саройимга доимо келиб-кейтиб, мажлисимни безаб туришди. Диний, ҳуқуқий, ақлий масалаларни ўртага ташлаб, қимматли фикрлар билдиришарди. Ҳалол ва ҳаромга оид масалаларни мен улардан ўргандим.

Иккинчи тоифа – ақлли кишилар ва кенгаш соҳиблари, эҳтиёткор арбоблар, сергак ва кейинини ўйлаб, олисни кўриб иш юритувчи, кекса ва тажрибали кишиларни хос мажлисимга киритиб, суҳбатларидан, ишларидан наф олиб, тажриба ҳосил қилардим.

444  
Учинчи тоифа – дуоғўй кишиларни қадрладим. Улар билан хилватда суҳбат қуриб, кўнглимдаги мақсадимни айтиб, дуо тилардим. Мажлисларда, базмларда, жанг майдонларида улардан кўп баракотлар топдим. Тўхтамишхон билан бўлган жангда ганим лашкари кўплигидан ва менинг лашкарим эса озлиги, очлигидан кўп азият тортган эдим. Шу пайт соҳиби дуо бўлмиш Мир Зиёвуддин Сабзаворий бошидан салласини олди, қўларини дуога очиб (мен учун) Тангридан зафар тилади. Ҳали дуо си тугамай туриб, дуо таъсири кўринди (лашкарларим ёғийни қочирдилар).

Тўртинчи тоифа – амирлар, сарҳанглар, сипоҳсолорларга мажлисимдан ўрин бериб, мартабаларини юқори кўтардим. Улар билан суҳбатлашиб, маслаҳатлар олдим. Жанг майдонларида мардона қиличлашган шижоат аҳлини дўст тутардим. Бу майдонларга от чоптириб килиб-чиқиш усулларини, ганим лашкари тўпини бузиб, сафларини синдиришни, найза санчиб, қилич чопқилашни, бутун уруш-талаш ишларини улардан сўрар эдим. Сипоҳгарлик ишларида уларга таяниб, улардан кенгаш тилар эдим.

Бешинчи тоифа – сипоҳ ва райят бўлиб, ҳар иккисига бир кўз билан қарадим. Сипоҳийлардан чиққан баҳодир-

лар, довюракларга махсус фахрли утога, камар ва таркаш тақдим этиб, мартабаларини кўтардим. Ҳар эл ва ҳар мамлакатнинг улуғларини, бошлиқ-оқсоқолларини қадрладим, уларга совға-саломлар бериб, хизматларидан фойдаландим. Сипоҳийларимни ҳамиша жангга тайёр ҳолда тутдим, ойлик ҳақларини сўраттирмай вақтида берардим. Чунончи, Рум юришида сипоҳийларимга ўтган ва келажакда қиладиган хизматлари учун етти йиллик озуқаларини бирданига бердим. Сипоҳ ва раъиятни шундай тутдимки, биронтаси иккинчисидан устунлик қилиб, қаттиқ гапиролмас эди. Бошқа сипоҳийларни ўз мартабаларига ва даражаларига қараб шундай сақладимки, ҳаддидан ташқари бирон қадам кўя олмас эди. Уларнинг мартабаларини на кўп кўтариб, ҳовлиқтирдим ва на кўп тушуриб юбориб, кўнгилларини чўктирдим. Қай бири кўзга кўринарли бирор хизмат кўрсатар экан, инъомлар бериб, бошқалардан айрича ҳурматладим. Кимнинг ақли ва шижоатини синов тарозусида тортиб кўриб, бошқаларникидан ортиқроқ кўрсам, уни тарбия қилиб, амирлик даражасига чиқарар эдим. Сўнгра кўрсатган хизматига яраша мартабасини янада кўтарар эдим.

Олтинчи тоифа – ақлли, тажрибали, энг ишончли кишиларки, салтанат ишларини, сирларини уларга очиб, (улар билан) кенгаш қилишимга лойиқ кишилар эди. Булар билан сирдошлик қилиб, яширин ишлар, махфий сирларни шуларга топширар эдим.

Еттинчи тоифа – вазирлар, бош котиблар, девон муншийларики, салтанатим саройини шулар билан безатдим. Буларни менга тобеъ мамлакатлар (уйлари)нинг кўзгуси, деб билдим. Чунки улар эл орасида бўлаётган кундалик воқеаларни, сипоҳ ва раият туриш-турмушини менга билдириб турар эдилар. Булар давлат хазинаси, сипоҳ ва раъиятга оид ишларни тартибга солиб юрит-

дилар. Салтанат мулкига тушган рахналарни беркитишнинг лойиқ чора-тадбирларини кўрдилар. Салтанатим корхонаси хазинасининг кирим ва чиқимига оид ишларни тўғри олиб бордилар. Ҳамиша мамлакат тўқинчилиги ва ободлиги учун ҳаракат қилдилар.

Саккизинчи тоифа – ҳакимлар, табиблар, мунажжимлар (астрономлар) ва муҳандисларки, улар салтанат корхонасига ривож берувчилардир. Уларни ўз атрофимга тўпладим. Ҳакимлар ва табиблар билан иттифоқда беморларни даволатар эдим. Мунажжимлардан сайёралар (кавокиб)нинг қутлуғ ва қутсиз кунлари, уларнинг ҳаракати ва осмонда айланишини аниқлаб олардим. Муҳандислар билан иттифоқда олий иморатлар барпо этиб, боғу бўстонларнинг лойиҳа-тарҳини чиздирдим.

Тўққизинчи тоифа – муҳаддислар, пайгамбаримиз алайҳиссалом авлодлари ва саҳобалари ҳақида ривоятлар нақл қилувчилар (тарихчилар) ҳамда қиссахонлар бўлиб, уларни ҳам ўзимга яқинлаштирдим. Пайгамбарлар ва авлиёлар ҳақидаги қиссаларни, ўтган подшоҳлар тўғрисидаги хабарларни, уларнинг салтанат тахтига қандай етишганларини, давлатларининг қандай сабабларга кўра завола топганини булардан сўраб билардим. Ҳар қайсисининг қиссалари ва хабарларини, ишлари-ю сўзларини эшитиб, тажрибам ортди. Оламда бўлаётган воқеаларни улардан эшитардим ва олам аҳволидан хабар топар эдим.

Ўнинчи тоифа – машойихлар, сўфийлар, Худони таниган орифлардир. Уларнинг хизматларида бўлиб, суҳбатлар қурдим ва охираат фойдаларини олдим. Улардан Тангри таолонинг сўзларини эшитиб, кароматлар кўрдим, фавқулодда одатларини мушоҳада этдим ва суҳбатларидан роҳатланиб, ҳузур қилдим.

Ўн биринчи тоифа – касбу ҳунар эгаларидир; буларнинг ҳар тоифа ва синфидан бўлганларини давлат-

хонамга олиб келиб, ўз ўрдамдан ўрин белгиладимки, сафарда ва ҳазарда сипоҳимга керак яроқларни ҳамда бошқа нарсаларни ҳозирладилар.

Ўн иккинчи тоифа – ҳар мамлакат ва диёр саёҳатчиларию мусофирларининг бошини силадимки, турли мамлакатлардан менга хабар келтириб турдилар. Ҳар бир мамлакатга ва диёрга савдогарлар ва карвонбошилар тайинладимки, улар қаерга боришмасин: Хитой, Хўтан, Ҳиндистон, Араб мамлакатлари, Миср, Шом, Рум, Жазоир, Фарангистон (Оврупа) у ерларнинг нафис матолари ва муносиб тухфаларидан келтиришсин. Ўша мамлакатларда яшовчи кишиларнинг ҳол-аҳволи, туриш-турмушлари ҳақида менга хабар олиб келсинлар. Ҳар бир мамлакат ҳукмдорининг ўз раиятига қандай муомалаю муносабатда эканлигини аниқласинлар”.

Мазкур асарда давлат тизими ва мафкураси, бошқарувдаги турли лавозимларнинг вазифаси, ундаги тоифалар ва уларга муносабат, давлатни бошқаришга асос бўлган қоидалар ёритилган. Қўшиннинг тузилиши, тартиби, уни бошқариш, таъминлаш, рағбатлантириш, қўшин турларининг тутган ўрни ва ўзаро муносабати каби масалалар баён этилган. Мафкурага Ислом дини асос қилиб олингани учун давлат ишларини ҳамиша Ислом шариати ҳукмлари асосида олиб борилгани алоҳида таъкидланган. “Салтанатим мартабасини, деб ёзади Амир Темур, қонун-қоидалар асосида шундай сақладимки, салтанатим ишларига аралашиб, зиён етказишга ҳеч бир кимсанинг қурби етмасди”.

Можор сайёҳи Ҳерман Вамбери ўзининг “Бухоро ёки Мовароуннаҳр тарихи” китобида шундай ёзади: “Ҳар ҳолда Темур душманлари тасвирлаганча ваҳший бўлмаган. “Темур тузуқлари”даги маълумотлар, мамлакатни маъмурий бошқариш тартиби бу фикримизга далилдир.

Маъмурият бошида девонбеги (бош вазир), унинг ёнида аркбеги (маросимларни ўтказувчи) ҳамда тўрт вазир бўлган. Буларнинг биринчиси ер солиқларини, кўпроқ чегара божини ундириш ҳамда миршаб ишларини бошқарган. Иккинчиси аскарларнинг маоши, озиқ-овқат ва бошқа таъминотлар билан шуғулланган. Учинчиси аскарларга, уларнинг лавозиму мансабларга тайинланишига ҳамда мерос ишларига қараган. Тўртинчиси хоқон саройининг харажатларини бошқарган. Улуғ амалдорлар ўз вазифаларини бажарган пайтда, солиқлар йиғиш вақтида юмшоқ муомала қилишлари шарт бўлган. Қамчи ишлатиш ман қилинган. Бу тўғрида Темурнинг ўзи айтади: “Ҳар бир волий ўзининг қамчиси каби аҳамиятга эга бўлмаса, у киши тўралик мансабига лойиқ эмас”. Тўғри, юз йилга яқин бошбошдоқлик ҳукм сурган мамлакатда қонунни жорий қилиш осон иш эмасди. Уни оз-оздан амалга ошириш мумкин эди”.

Бундан ташқари, асарда жамият ишларидаги одамларнинг ўн икки тоифага бўлиниши, салтанатни бошқаришда ўн икки қоидага амал қилингани, салтанат тўрт қатъий қоидага асосланиши каби масалалар ҳам баён этилган. Унинг бу нодир асари Шарқда ҳам, Ғарбда ҳам эътибор қозонди. “Темур тузуқлари”ни инглизчадан француз тилига таржима қилиб, 1787 йилда нашр этган француз олими Лянглэ Темур ҳақида шундай ёзади: “Темурхон (Темур) сиёсий ва ҳарбий тактика ҳақида рисола ёзган ва ўз авлодларига жуда доно тизим қолдирган. Биз буни тасаввур ҳам қилмаган, унинг урушларини босқинчилик ва талон-тарож қилиш, деб баҳолаб келган эдик. Деярли енгиб бўлмайдиган икки тўсиқ – биздаги таассуб ҳамда тарихий ноҳақлик Темурни билишимизга ва тўғри баҳолашимизга халақит бериб келди”.

Темур ўз асарида давлатни бошқаришда юрт ободончилиги масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратади:

“...Амр этдимки, деб ёзади Амир Темур “Тузуклар”да, катта-кичик ҳар бир шаҳар, ҳар бир қишлоқда масжид, мадраса ва хонақоҳлар бино қилсунлар, фақир у мискинларга лангархона (мусофирхона) солсунлар, касаллар учун шифохона қурдирсунлар ва уларда ишлаш учун табиблар тайинласунлар. Ҳар бир шаҳарда дорул-аморат (ҳукмдор саройи) ва дорул-адолат (адолат саройи) қурсунлар...”

Шу тариқа Амир Темур мамлакатда улкан ободончилик ишлари ўтказди, янги йўллар қурдирди, борлари кенгайтирилди, кўприклар солинди, бозорлар, работлар тикланди, кўплаб боғлар барпо этилди. Темур давлатидаги испан элчиси Руи Гонсалес де Клавихонинг ўз кундаликларида Гулбоғ, Боғи Дилкушо, Боғи Чинор, Боғи Нав ва бошқа боғлар ҳақида шавқ билан ҳикоя қилган эди. Булардан ташқари, Самарқандда Кўксарой, Амир Темур жоме масжиди, Бибихоним мадрасаси ва масжиди, Қусам ибн Аббос мақбараси, Шаҳрисабзда Дорут-тиловат мажмуи, муҳташам Оқсарой, Туркистон шаҳридаги Хожа Аҳмад Яссавий хонақоҳ-мақбараси каби иншоотлар қурилиши, Озарбайжондаги Муғон чўлларида сув чиқарилиши, Шохруҳия, Байлақон шаҳарларининг бунёд этилиши, Табриз, Бағдод ва Гурганж шаҳарларининг қайта тикланиши Амир Темур амалга оширган катта ишларнинг тўлиқ бўлмаган рўйхатидир. Атоқли олим Шарафиддин Али Яздий: “Соҳибқирон ҳар ердаким, иморатқа қобил ер кўрса эрди, ул ерда, албатта, бир иморат солур эрди...” деб бежизга ёзмаган эди.

## АНҚАРА ЖАНГИ

Юқорида зикр қилинган, Амир Темурнинг “етти йиллик уруши” натижасида Туркиянинг каттагина қисми Темур аскарлари томонидан эгаллаб олинган эди. Натижада, икки буюк саркарда – соҳибқирон Амир Темур билан султон Йилдирим Боязиднинг ўзаро тўқнашуви муқаррар бўлиб қолади. Чунки ҳамма жиҳатдан тобора кучайиб бораётган бу икки туркий ва мусулмон салтанатнинг ҳар бири иккинчиси учун ниҳоятда кучли рақибга айланган эди. Бир томондан, Оврупа аскарларига қақшатқич зарба бериб, Болқон ярим ороли бўйлаб гарбга томон ўз ҳудудларини кенгайтираётган Усмонлилар давлати учун Амир Темурнинг марказлашган кучли давлати қарор топиши қанчалик хавfli туюлса, иккинчи томондан Кичик Осиёда барпо этилган қудратли Усмонлилар давлатининг кучайишидан Амир Темур ҳам шунчалик хавотирда эди.

Шу ўринда мухтарам ўқувчи эътиборини нозик бир нуқтага қаратмоқчи эдик. Ҳар бир оқилга яхши маълумки, замон Аллоҳникидир. Замонларни Аллоҳгина ўзгартиради ва бошқаради, бир қавмни голиб қилса, иккинчисини мағлуб этади ёки аксинча. Барча инсонлар каби ҳукмдор ва саркардалар ҳам Аллоҳ таоло тақдир қилган замон ўзгаришларининг ихтиёрсиз ижрочиларидир. Тарихий жараёнларнинг бир кўринишдан бошқасига ўтиши, уларнинг қай тарзда кечиши ёлғиз Аллоҳ таолонинг иродасига, олдиндан белгилаган қадарига боғлиқдир.

Гап шундаки, ҳозиргача бўлган, ҳозирда мавжуд ва келажақда бўладиган ҳамма нарса – Аллоҳнинг қўлидадир. Аллоҳ учун ҳеч қандай сир қолмаган, У барча нарсани билувчи, ҳикмат эгасидир. Қай бир қавм ёки халқ Аллоҳнинг амрларидан чекинса, Унга куфр ва ширк



келтирса, Унинг ҳадларини бузса, Аллоҳ ўша халқнинг бошига улкан бало-мусибатлар солади, ҳаётини ўзгартириб, ўзини золимнинг зулмига рўбарў қилади. Ана шундай итоатсиз, бузилган салтанатлар ва халқлар бошига Аллоҳ таолонинг Ўзи қасоскор “аскарлари”ни юбориб, уларни муқаррар жазолагани бутун инсоният тарихидан маълум. Мақдуниялик Искандарнинг дунёнинг ярмини эгаллаб, қонга ботиргани, мўғуларнинг Ислом оламига бостириб келиб, чидаб бўлмас мусибатлар етказгани, Амир Темурнинг Султон Боязидни енгиб, Усмонлилар салтанатига тузалмас зарба бергани, рус босқинчиларининг Туркистон ерларига юриш қилиб, юз йиллар мобайнида истилода тутиб тургани, Ҳитлернинг дунёдаги миллионлаб одамларни қириб ташлагани каби воқеалар ана шу илоҳий муқаддатнинг бир кўринишларидир. Ҳақиқатан, инсон ёки бутун бир халқ Аллоҳдан юз ўгирган куни бошига улкан бало, мусибат тезда етиб келади.

Масалан, Мовароуннаҳрнинг бошқа шаҳарлари каби Бухорои шарифни босиб олиб, улкан вайронагарчиликлар олиб келган Чингизхон ҳайит намози ўқиладиган мусаллода тўпланган аҳолига шундай хитоб қилади: “Эй одамлар! Билингки, сизлар оғир гуноҳ қилдингиз. Бунга асосий сабабчи сизларнинг хонларингиздир. “Сен ўзинг кимсанки, биз билан бундай гаплашмоқдасан, деб сўрарсизлар? Билингки, мен Тангрининг бандасиман. Агар сизлар гуноҳкор бўлмасангиз, Тангри жазоингизни бериш учун мени юбормас эди. Энди сизларнинг ер устидаги бойликларингиз ҳақида сира маълумот сўрамаймиз, аммо ерга яширганларингизни айтишингиз ва уларни топиб беришингиз керак”.

Амир Темур ҳам Анқара жангида мағлуб бўлган Боязиднинг қаршисида худди шу мазмундаги сўзларни айтади. Яъни тарихчиларнинг ёзишича, Боязиднинг қўлга ту-



шиб, қўллари кишанланган ҳолда ночор бир кўринишда ҳузурида турганини кўрган Амир Темур мийиғида кулиб қўяди. Бундан иззат-нафси койиган Боязид “Сен каби жаҳонгирлик даъвосида юрган йигитга, мендек Аллоҳнинг ер юзидаги султонини масхара қилиш ярашмайди, бахтсизлик устидан кулиш одобдан эмас”, деб дашном беради. Шунда Темур: “Йўқ, ҳаргиз устингдан кулиш ниятим йўқ! Фақат дунё ишларини бошқаришни мен каби чўлоқ ва сен каби кўрга топширган Аллоҳнинг ҳикматига ажабланиб кулдим”, дейди.

• Амир Темур ўз хотираларида шундай ёзади: “Султон Боязид Йилдиримни ҳузуримга чақиртирдим, олдимга кирганда семиз бир одам эканини кўрдим. Унга: “Сени истиқбол қилиб, тавозеъ билан қарши олмаганим адабсизликдан эмас, балки уруш майдонидаги менга берган заҳмларингдандур. Ҳозирга қадар сени истиқбол қилишга лойиқ суҳбатга улашолмадим. Қани, марҳамат қилиб ўтирмоғингни рижо этаман”, дедим. Боязид Йилдирим ўлтурди, сўнгра юборган номасини олганимдан башорат бериб, давом этдим: “Нома мазмуни гурур қулласидан қуйи тушганингни кўрсатадур. Темур Кўрагон билан куч синашмоққа иштибоҳ билан қараган эдинг, ҳақиқатни кўриб турибсан”, дедим. Йилдирим Боязид: “Эй улуғвор амир, қайси бир ажнабий подшоҳ мамлакатингизга кириб сизни салтанатдан тушурмоқчи бўлса, урушмас эдингизми? Агар мен мамлакатингизга ҳамла қилиб, сиз билан урушсам, менга газабланишга ҳақлик эдингиз. Аммо мен мамлакатингизга ҳамла қилмадим. Бу сиз эдингизким, мамлакатимга ҳамла қилдингиз. Менинг қилган ишим фақат ўз мамлакатимни мудофаа қилдим. Аммо иқболсизлигимдан енгилдим”, деди. Мен: “Сўзларинг тўғри ва маъқулдур, юртингнинг мудофааси учун мен билан урушмоққа мажбур бўлганингни биланман ва тасдиқ қиламан. Аммо мен сени ўлдурмоқчи эмас-

ман, фақат сендан икки нарсани сурайман. Ундан бири, хазиналарингни топширасан, хазинадаги бутун нақдиналар тамоми мужоҳоротлар менга тааллуқ топгай”, дедим. Йилдирим Боязид: “Сўзингизга итоат қиламан ва бутун хазиналаримни сизга топшираман”, деди”. Демак, Ислом дунёсининг мўғул босқинчилари зулмига учраши боиси Аллоҳга итоатсизлик сабаб бўлгани каби турк султонининг ҳам айрим қилмишлари Аллоҳ томонидан Темур орқали юборилган илоҳий жазога тортилган бўлиши мумкин.

Муаррихлар ушбу жангнинг келиб чиқишига асосий сабаб қилиб қуйидаги омилларни кўрсатишади: Ироқ, Шом, Дашти Қипчоқ, Хуросон, Ҳиндистон каби юртларни ўз давлатига қўшиб олган Амир Темур салтанатининг жанубий-ғарбий сарҳадларига яқин жойлашган Болқон яримороли ва Кичик Осиёда барпо этилган қудратли Усмонлилар давлатининг кучайиб кетаётганидан хавотирда эди. Чунки Ғарбий Оврупа рицарларидан ташкил топган катта армияни тор-мор этган, Болқон давлатларини эгаллаган Усманий турклар Амир Темурнинг қўл остида бўлган ўлкаларга ҳам вақти-вақти билан таҳдид солиб турарди. Бу ҳолат ўз-ўзидан жуда катта минтақада ўз ҳукмронлигини ўрнатган Амир Темур каби улкан саркарданинг тинчини бузиб, ҳаловатини олгани табиий эди.

Дарҳақиқат, Амир Темур ва султон Боязид ўртасидаги охири катта муҳораба билан тугаган ихтилоф ҳам илоҳий тақдир белгилаган ишлардан эди. Хулафои рошидин даврида икки атоқли саҳобий – Шом волиий Муовия ибн Абу Суфён билан янги сайланган халифа Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳумо ўртасида фитна туфайли бошланиб кетган Сиффин жангида ҳар икки томондан мингларча мусулмоннинг қони тўкилган эди. Бундан эса учинчи томон манфаатдор бўлганди.

Замон эврилишлари ва турли фитналар сабабидан яна Ислом оламининг икки улуг саркардаси, икки турк

хукмдори Темур ва Боязиднинг тўқнашувчидан учинчи томон ютди. Ғарбга қаратилган Ислоом фатҳи бир неча асрга кечикди. Темурнинг Чин-Мочин ва бошқа ўлкаларни фатҳ этиш режалари амалга ошмай қолди. Тарихнинг биттагина қозонига икки кучли “қўчқор”нинг боши “сиғмади”. Буни икки буюк саркарда ўртасидаги ёзишмалар ҳам аниқ англатиб туради.

Амир Темур ўртадаги тушунмовчиликларни барта-раф этиш мақсадида Усмонлилар султони Боязид Йилдиримга қуйидаги мазмунда мактуб юборади: “Эй Рум эли диёрининг подшоҳи Йилдирим Боязид! Аввало, шуни уқиб олки, биз ўз куч-қудрати ва иқтидори ила инсониятнинг катта бир қисмини ўзимизга тобеъ қилган ҳукмдорлармиз. Бундай мисли кўрилмаган ишни ўз жидду-жаҳдимиз билан қилдик, сен каби иқтидорни (ҳокимиятни) ота-боболаримиздан мерос қилиб олмадик. Яхшиликча, Қора Юсуф билан Аҳмад Жалойирни юртингдан сургун қилиб, чиқариб юбор. Бизга ва буйруқларимизга бўйсунмаган ҳукмдорларнинг оқибатлари ҳақида эшитган бўлсанг керак. Сенга ҳам уларнинг бошига келган мусибатлар келишидан эҳтиёт бўл!”

Бу мактубдан ниҳоятда газабланган Боязид Йилдирим эса Амир Темурга шундай жавоб ёзади: “Эй қари кўппак! Сен золим кофирларнинг энг ашаддийсисан. Мактубингда бизни қўрқитиб, ҳийла билан чув туширмоқчи бўлибсан. Усмонли султонларини ажамларнинг подшоҳларига ўхшата кўрма. Усмонли аскарлари Қипчоқ ўлкасидаги татарлар каби нимжон, ҳиндлар каби бўшанг, аҳмоқ ва ялқов эмасдирлар. Усмонли аскарлари Ироқ ва Хуросон аскарларига ўхшаган ҳамиятсиз ва паришон эмас, балки ниҳоятда ғурурли аскардирлар. Шунингдек, сен Усмонли аскарларини Шом ва Ҳалаб (Мамлук) аскарларига ҳам ўхшатма... Бу мактуб қўлингга

етиб борганидан кейин кимда-ким жанг майдонига келмай ортга чекинса, унинг хотини уч талоқ бўлгай!

Ҳақоратомуз сўзларга тўла бу мактубга Амир Темур йўллаган жавоб билан танишинг: “Сен ўзингни Аллох йўлидаги мужоҳид, бизларни эса ноҳақдан қон тўкувчи кофир ҳамда мени мункиллаб қолган бир жангчи, деб ўйлайсан, чоғи?! Билки, мен ўтган умримнинг қирқ йилини Худо учун жиҳод қилишга сарфлаган одамман. Фаолиятим давомида қанчадан-қанча қалъалар ва ўлкаларни фатҳ қилиб, ер юзини чиркинлик ва ифлосликлардан тозалаш билан машгулман. Аммо шу онда ўтган кунларимдан кўра янада қатъиятли, янада жиддийроқман. Олиб борилган курашлар асносида қанчадан қанчасини итоат қилдирганмиз, кўпчилик бу йўлда биз учун жонларини фидо қилдилар. Шундай экан, нега сизлар бизга итоат қилишдан, бўйсунушдан бош тортмоқдасиз? Устига-устак менинг ёшим сеникидан кўра улўғроқ. Бугунга қадар қаерга юриш қилмайин, жуда ҳам қисқа муддатда ўша ерни қўлга олганман. Сивасни ҳам қисқа муддатда босиб олдим. Сен эса Малатияни қуршаб олдинг, тўрт ойлаб қамал қилдинг ва лекин барибир босиб ололмасдан чекинишга мажбур бўлдинг. Айни дамда ҳам Синоп қалъасига ҳужум қилиб, ҳамон босиб ололмаёпсан.

Илк мактубингдаги каби таҳдид ва гурурга берилма, ақл олмас сўзларни ишлатишга жасорат қила кўрма. Ваҳоланки, Сивасда асир олган одамларинг орқали ҳозирги аҳволингдан хабардорман. Қолаверса, мусулмон мусулмонни ранжитиши, молларини хароб қилиши жоиз бўлмаган ишдир. Шундай экан, тўғри жавоб ёзишни фазилат билиб, ўзингни ва халқингни хароб бўлишдан қутқариб қол.

Биз билан сулҳ тузиб, маъзурингни ифода қилган жавоб мактуби ёзсанг, сен билан орамизда дўсту биродар-

лик ришталари боғланади. Натижада, кофир Франкка қулай фурсат бермаган бўласан, биз ҳам Сивасни тарк этиб, орқага қайтамиз. Бизнинг ниятимиз сизларни кучсиз ҳолга солиб, ўзингиз билан ўзингизни овора қилиб, кофирнинг динига ёрдам бериш эмас! Бизни ҳам, аскарларимизни ҳам кофир, динсиз, бузуқ эътиқодли мазҳаб эгалари ва хунук одатли инсонлар, деб хомтама бўлма! Аскарларимизнинг ота-боболари мусулмон бўлишган, улар мусулмонларнинг фарзандларидир. Қандай қилиб улар ҳидоятда бўлмасликлари мумкин? Қолаверса, Усмонли аскарларининг аксари кофирлардан ташкил топгани ҳеч кимга сир эмас. Олий мақсадимиз: Жаҳонни фатҳ қилишдир. Салтанатимиз номига хутбалар ўқилиб, тангалар босилаётир. Мусулмонларнинг энг буюклари – Улу-амр эканлигимизга заррача шак-шубҳа йўқдир! Бизнинг насл-насабимиз Эл Хони Оли шаън (эл хонларининг шонли оиласи)га бориб тақалади. Агар самимий салом ила гўзал ифодалар акс этган мактуб юборсанг, ҳар икки томонда ҳам бироз илиқлик ва ҳурмат пайдо бўлади. Акс ҳолда, қаламлар ўз ишини қиличга топширади. Вассалом!”

Шундан кейинги воқеалар икки буюк лашкарбоши ўртасидаги зиддиятларни янада чуқурлаштириб юборди. Воқеалар силсиласи катта тўқнашувга олиб боришини ҳамма ҳис этиб турарди. Араб муаррихи Ибн Арабшоҳнинг ёзишича, Амир Темур қўшин билан Шарқий Онадўли чегараларига 1386 йилда етиб боради ва Эрзинжон шаҳри яқинида туркларнинг катта қўшинини тор-мор этади. 1395 йилда Соҳибқирон бу ерларга иккинчи марта юриш қилади ва Сивас шаҳрини осонгина ўз давлатига қўшиб олади. Темур қўшинлари Туркиянинг Сивас қалъасини эгаллагач, Боязиднинг ўгли Сулаймон Темур ҳимоясида бўлган туркман ҳукм-

дори Қора Юсуфга ҳужум қилиб, унинг ўзини асирга олди. Темур Боязиднинг бу қилмишидан қаттиқ газабга минди. Соҳибқироннинг эчилари султон саройига келиб, Боязиддан таслим бўлишни талаб қилишди. Боязид рақибининг кучини аниқ ҳисобга олмай, ҳукмдор Темурга ҳақоратли мактуб юборди.

Кўриниб турибдики, икки йил бурун бошланган Темур билан Боязид ўртасидаги ёзишмалар охири чўққисига чиққан эди. Шом юришида экан, Темур яна бир мактуб жўнатган ва Боязиддан ўзига итоат қилишни талаб қилган эди. Бунга жавобан Боязид “Ким кимга тобе бўлишини жанг ҳал қилсин, мен жангга тайёрман”, маъносида жавоб берди. Амир Темур эса яна мактуб йўллаб, ўзаро иттифоқ бўлишса, кофирларга қарши Ислом куч-қудратини оширажагини айтиб, агар Боязид ўғилларидан бирини ўз ҳузурига омонат тарзида юборса, йўлланган хилъатни қабул қилса, Румга юриш қилишдан қайтажагини билдирди. Амир Темурнинг бу сўзларини Боязид кескин равишда рад этди.

Темурнинг Кичик Осиёни забт этишига Усманийлар султони Боязид Биринчининг узоқни кўзламай тутган йўли ва Аллоҳнинг йўлидан чекингани сабаб бўлганди. Бир аср давомида византияликлар билан уруш олиб борган Усманийлар улкан салтанатни қўлга киритай, деб турган эдилар. Темурнинг шухратини эшитган Султон Боязид унинг қачондир ўзига ҳужум қилишидан қўрқиб, бунинг олдини олиш мақсадида Кичик Осиё ҳисобига ўз ерларини кенгайтиришга қарор қилади. Ўша даврда у ерда кўплаб подшоҳликлар мавжуд бўлиб, айримлари Темурга қарам эди. Боязид уларнинг ҳаммасини: Кирмон, Қайсара, Тоқат, Сивас ва Костамунани босиб олди. Улардан баъзиларининг ҳокимлари ёрдам сўраб, Темур томонга қочиб ўтадилар. Шижоатли султон Боязид ўзига

тобе бўлган арман ҳукмдори Эрзиняннинг мамлакатини ҳам эгаллаб олади. Буни Темур ўз обрўсига тажовуз сифатида қабул қилиб, Ғарбга қўшин йўллашга қарор қилади. 1400 йили Амир Темур қўшин билан Сивасни забт этиб, у ерда ҳоким бўлган Боязиднинг ўғли Эртўғрулни асир олади, аскарлар бўйсунмаганларни қиличдан ўтказишади.

Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, Амир Темур Анқара жангига қарийб икки йилдан ортиқ тайёргарлик кўради: 1399 йилда у Рум сари юриш бошлаб, олдинроқ Боязид Йилдирим томонидан фатҳ қилинган ўта аҳамиятли Қамоҳ калъасини қамал қилиб босиб олади. Қамоҳ қўлга киритилгач, кўп ўтмай Амир Темур Анқара шаҳрини ҳам қамалга олади. Соҳибқироннинг бу иши аслида ҳарбий ҳийла бўлиб, тажрибали саркарданнинг асосий мақсади Боязиднинг асосий кучларини шаҳар мудофаасига ташлашга мажбур этиш ва унга қақшатқич зарба бериш эди. Тўқот шаҳри яқинида асосий ҳарбий кучларини тўплаб, Амир Темурни кутиб турган Боязид Соҳибқирон қўшинининг Анқарани қамалда тутиб турганидан хабар топади ва қамалдагиларга ёрдамга ошиқади. Ҳийласи фойда берганини тушунган Амир Темур Анқара қамалини шу заҳоти тўхтатиб, ғаними Боязидни камондан отилган ўқлар билан кутиб олишга киришади. Ўз қўшинларини жанг майдонининг энг қулай ерларига жойлаштиради. Қўшин турган жойдан сал нарида хандақлар қазилиб, хавфсизлик чоралари кўрилади. Натижада Боязид Йилдирим қўшини ўзи учун ўта ноқулай шарт-шароитларда жанг қилишга мажбур бўлади. Бунинг устига Боязид лашкарлари бир қанча вақтдан буён узлуксиз давом этаётган урушларда чарчаган, қўшиннинг жанговар руҳи анча сусайган эди. Лашкарнинг каттагина қисми урушларда асир олинган ёки бошқа йўллар билан тобе қилинган татарлар ва

болқонликлардан иборат бўлиб, уларнинг садоқатига кўпда ишониб бўлмасди. Айниқса, шу куни Султоннинг қўшини сув танқислиги туфайли вужудга келган ташналикдан азоб чекади. Соҳибқирон аскарлари одатдаги анъанавий жанговар тартибида ҳаракат қилади. Лашкарнинг қирқ гуруҳдан иборат марказий қисмига Амир Темурнинг ўзи бошчилик қилади. Жангда Амир Темур томонидан Шоҳрух мирзо ва Халил Султон мирзо, Султон Ҳусайн мирзо, Мироншоҳ мирзо, Абу Бакр мирзо, Умаршайх мирзонинг ўғли Аҳмад мирзо, Тоштемур ўғлон, Шоҳсувор каби ўнлаб тажрибали саркардалар қатнашадилар. Амир Темур қўшинининг сафлари олдида ўттизта жанговар фил муҳорабага шай қилиб қўйилади.

Боязид томонида эса, Рум ва Фаранг мамлакатларидан жамланган ёлланма аскарлар жангга тайёр турарди. Жанг Мироншоҳ мирзо қўл остидаги сараланган аскарларнинг душманга қарши шиддатли ҳужуми билан бошланди. Йилдирим Боязид аскарлари Мироншоҳ берган зарбага дош бера олмай, жанг майдонини ташлаб қочади. Душман қўшини сафларида пайдо бўлган саросимани пайқаган Амир Темур барча амирзодалари ва саркардаларига душманга бир бўлиб ташланишни буюради. Шиддатли тўқнашув узоқ ва таҳликали кечди. Ниҳоят, Амир Темур қўшинининг кучли босимига бардоши қолмаган султон Боязид аскарлари чекина бошлайди. Шундай бўлса-да, султон қўмондонлигидаги жангчилар сўнгги нафасгача қаттиқ қаршилиқ кўрсатишади. Яничарлар битта қолдирмай қириб ташлангандан сўнг, Соҳибқирон Боязид қўшинларининг қолган-қутган қисмларини таъқиб қила бориб, Бурса ва Измир шаҳарларини эгаллайди. Шу тариқа Темур қўшини Мармара денгизи соҳилларига етиб боради.

Амир Темур билан Султон Боязид қўшинлари ўртасидаги бу сўнгги ва ҳал қилувчи жанг 1402 йил 20 июлда Анқара яқинида Чибукобод мавзеида содир бўлади. Бу муҳораба тарихга “Анқара жанги” номи билан кирди. Унда Амир Темурнинг тахминан 200 минг, турк султони Боязиднинг 160 минг аскарлари катнашган. Бир неча кунгина давом этган бу урушда Амир Темур Боязид устидан ишончли ғалаба қозониб, унинг ўзини асирга олади. Амир Темур ўз одатига кўра асир олинган Боязидга шафқат ва меҳрибонлик билан муносабатда бўлади, унинг яқинларини ва хотинларини озод қилиб юборди. Боязиднинг ўзи Амир Темурнинг кўрсатган марҳаматлари ва унинг соғлиғи ҳақида жиддий қайғурганига қарамай, бир йилдан сўнг бандиликда ҳаёт билан видолашади. Шарафиддин Али Яздийнинг ёзишича, “Саккиз юз бешинчи йилнинг ўн тўртинчи шаъбон ойи, пайшанба кунида Боязид Йилдирим нафас қисиши ва қон босимининг кўтарилиб кетишидан вафот этди”. Бу 1403 йилнинг 17 (баъзи манбаларга кўра 8 ёки 9) мартга тўғри келади.

Амир Темур Усмонли турклари давлатини сақлаб қолди ва Боязид ворисларига мурувват қўлини чўзди. Аммо икки мусулмон ҳукмдор ўртасидаги бу тўқнашув Оврупага жуда қўл келган эди, чунки Анқара жанги Усмонли салтанатнинг кўҳна қитъа устига юришини тўхтатиб қўйганди. Шу боис Франция қироли Карл VI, Англия қироли Генрих IV ҳамда Кастилия ва Леон қироли Генрих III Амир Темурни Боязид устидан қозонилган буюк ғалаба билан табриклаб, унга ўз муборак номаларини юбордилар. Чунки Соҳибқирон эндигина уйғонаётган Оврупага улкан хавф солиб турган Усмонли турклар давлатига зарба бериб, бутун Оврупанинг ихтиёрсиз халоскорига айланган эди.

## АМИР ТЕМУР ВА ИСЛОМ

Кўхна тарих ўз кечмишида жуда кўп ҳукмдорлар, фотиҳлар ва саркардаларнинг турфа ишларига гувоҳ бўлган, уларнинг хизматлари ва қилмишларини ўз саҳифаларига абадий муҳрлаб қўйган. Мовароуннаҳр замида ҳам қанчадан-қанча ҳукмдорлар, подшоҳлар, саркардалар ўтган. Булар ичида соҳибқирон Амир Темурдек машҳури, қудратлиси, фозили ва ҳайбатлиси, улкан салтанатни қуриб, унга моҳирона раҳбарлик қилгани кам топилади. Бироқ Амир Темурдек ноҳақдан кўп маломат ва танқидларга учрагани, турли салбий сифатлар билан васф қилингани ҳам бўлмаса керак. Айниқса, муаррихлар салоҳиятли ва юксак иқтидорли саркардани диний аҳкомларга бепарволик қилишда, Ислому дунёсига катта зарар етказишда, Ислому фатҳларига тайёргарлик кўраётган Усмоли салтанат ҳукмдори Боязидга қарши қилган юришларда қаттиқ танқид қилишган.

Аслида ҳам шундай бўлганмикин? Амир Темурни динсизликда, Ислому шариятига қарши иш тутишда айб-лаш тўғримикин? Унинг жанговар юришлари Ислому шавкатини сўндиришга қаратилганмиди? Агар бу саволларга холис жавоб берадиган бўлсак, бу ишлар тамоман бошқача юз берганига гувоҳ бўламиз. Амир Темурнинг қилмишларига ўз замони ва маконидан айри ҳолда баҳо беришга шошилмаслик керак, назаримизда. Қисқаси шуки, Соҳибқирон ўзи яшаган замон таомилига ва талабига кўра иш тутган. Эҳтимол, ушбу таомилда бошқалардан устун бўлгани учун кўпчилик замондош подшоҳлар устидан ғолиб келгандир? У ҳам бошқалар каби уруш қилган, у ҳам бошқа саркардалар каби ўзга мамлакатларни ўзига бўйсундиришга ҳаракат қилган, итоат этмаганларни жазолаган. Амир Темур ҳам бошқаларга ўх-

шаб ўзига қарши кўтарилган итоатсизлик ва исёнларни шафқатсизларча бостирган, бу ишда балки бошқалардан қаттиққўлроқ ҳам бўлгандир?

Амир Темурга кўп маломат тошлари отилишининг маълум сабаблари бор. Булардан бири унинг араб ерларига қилган юришлари ҳамда Усмонли турк султони Боязид Йилдирымни енгиб, асир олишидир. Ҳа пайтларда араблар ва Усмонли турклар салтанати ўзига хос ташвиқот марказлари бўлиб, улар хоҳлаган фикрларини дунёга ёйиш, тарғибот қилиш имконига эга бўлишган. Амир Темурнинг зарбасига учраган бу икки тараф уни мақтамасликлари, аксинча қоралаб, камчиликларини фош этишлари табиий бир ҳол эди. Айнан шу омил дунёда Амир Темур ҳақида салбий фикрларнинг кенг тарқалишига сабаб бўлган дейилса, ҳақиқатга хилоф бўлмайди.

Амир Темурни динсизликда айблаш кўпроқ Мовароуннаҳр ерларини босиб олиб, узоқ вақт истибдодда ушлаб турган рус истилочилари томонидан амалга оширилди. Бу ҳам табиий ҳол эди. Маълумки, рус истилочилари қўл остидаги юртларни паст, халқларни қолоқ санаш асосида иш олиб боришди, ўз мустамлакасида бўлганларга “Сизлар ҳеч ким эмас эдинглар, биз сизларга илм-маърифат, фан-маданиятни ўргатгани келдик”, деб даъво қилишди. Улар бу даъволарининг пуч эканини яшириш мақсадида тарихни бузиб кўрсатишга урунишди. Устоз шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф “Тарих омонатдир” китобларида шундай сатрларни келтирадилар: “Рус истилочилари Мовароуннаҳрнинг исломий тарихини бузишга, сохталаштириб, қолоқ қилиб кўрсатишга ҳаракат қилишарди. Мовароуннаҳр тупроғидан чиққан буюк давлат арбоби, муҳташам салтанат асосчиси Амир Темурнинг шуҳрати мустамлакачиларга тинчлик бермаслиги турган гап эди. Шунинг учун ҳам, улар Амир

Темурни қоралашда, “ёвуз, маданиятсиз, йиртқич, одам ўлдиришдан бошқани билмайдиган шахс”, сифатида кўрсатишда ҳеч нарсадан қайтмадилар. Чор Русияси ўрнини олган большавой мустамлакачилар эса динни “халқлар афюни”, деб эълон қилишди, динга боғлиқ ҳамма нарса-ни зарарли, эскилик сарқити”, дейишди, диндорларни эси паст санашди. Шу билан Ислом асосида дунёга донг таратган Мовароуннаҳр маданияти, давлатчилиги, буюк шахслари, жумладан, Амир Темур ва унинг ишлари ҳам афюн, қолоқлик, даҳшат, деб васф этила бошлади”.

Соҳибқирон Амир Темурни мусулмон экани, унинг Ислом юрти ҳисобланган Мовароуннаҳрдек заминда туғилиб-яшагани ҳам дин душманларига ёқмас, шу боис уни Исломга қарши, унинг равнақиға тўғаноқ бўлган лашкарбоши сифатида кўрсатиш ҳам мустамлакачилар режасида асосий ўринни эгаллар эди. Агар ҳақиқатнинг кўзига тик қарайдиган бўлсак, Амир Темур асло динга қарши бўлмагани, аксинча бутун ҳаётида, ҳар бир қада-мида Ислом шариятига огишмай амал қилгани, динни ҳар томонлама ҳимоя қилгани яққол аён бўлади.

Юқорида айтилганидай, Амир Темур болалигиданоқ диний илмларни ихлос билан ўрганди, Исломнинг бош масдари Қуръони каримни уч йил ичида шу даражада ёд олдики, ҳозиргача Амир Темур қилган тажрибани бошқа одам қила олган эмас. Амир Темур ҳар бир сура-ни аввалидан охиригача бехато ўқиганидек, охиридан аввалигача ҳам, яъни тескарисига ҳам бехато ўқир эди. Бу иш ҳеч ким томонидан рағбатлантирилмаса ҳам, бу Соҳибқироннинг қанчалик пухта қори эканини кўрса-тиб турувчи далилдир. Бундан ташқари, у фикҳ, ҳадис, ақийда каби исломий илмларни ҳам пухта эгаллади. Ота-си Амир Темурни маҳалладаги бошланғич мадрасага берганида у энг ёш талаба эди. Бироқ у ёшлигига қара-

май, ақл-заковати ва ўткир зеҳни билан ҳаммадан ажралиб турарди. У берилган вазифаларни тез ёдлаб олар, мударрислар томонидан берилган саволларга ҳаммадан кўра пухтароқ ва аниқлик билан жавоб берарди.

Энг муҳими, Амир Темур тилда эмас, ҳақиқатда, гапда эмас, амалда чин мусулмон эди. Унинг ўзи мустаҳкам исломий ақийда соҳиби бўлиши билан бирга, бошқаларнинг ҳам бу ақийдага путур етказишига йўл қўймасликка ҳаракат қиларди. Амир Темур кўпчилик қатнашган бир илмий мажлисда машҳур шоир Ҳофиз Шерозийнинг баъзи байтларини ўқигач, ақийдага зарарли эканини айтиб, уни танқид қилгани маълум ва машҳур. Бу Амир Темурга мусулмон инсон, олим сифатида вазифа бўлса, подшоҳ сифатида ҳам вазифа, ҳам обрў келтирар, халқ оммасининг унга бўлган муҳаббати, эҳтироми ва итоатини жўштирар эди.

Аслида, Амир Темур ақийда бобида ҳам кучли бўлган, Ислом ақийдасини қаттиқ туриб ҳимоя қилган, ундан чекинганларга эса муросасиз бўлган. У Исломнинг барча дин ва тузумлардан устун эканига тўла ишонган инсон эди. У бу маънода “ҳамма мазҳаблар, динлар ҳам бир”, деган ғояни илгари сурган Жалолиддин Румийни танқид қилади. Таассуб жиҳатидан эмас, илмга ва тажрибага суянган ҳолда Исломнинг устун эканини таъкидлайди. У “Мен – фотиҳ Темур” асарида ушбу сўзларни келтиради: “Куния шаҳрида “Маснавий” деган китобни ёзган Жалолиддин Румийнинг қабри бор экани маълум эди. Мен “Маснавий” ва соҳибини севмайман. Чунки бу одам ёзган китобида барча динларни барабар дейдур. Ҳеч қайси диннинг яна бирига ортуқлиги йўқ дегай, “Иннад-дина индаллоҳил-ислам”, деб кўрсатилган ягона ва мўътабар динни бошқаларга баробар қилиб таълим беради. Мен Ислом динининг

ўзга динлардан ортуғ ва ҳақиқат, деб биламан. Аллоҳ таолонинг ояти билан улуғланган Ислом динининг устунлигини инкор қилишнинг ҳеч ўрни йўқдур. Йўл ҳам йўқдур. Менинг “Маснавий”га нафратим борлигидан ҳошиямдаги (атрофимдаги) кишилар Кунияга келганимиздан кейин Мавлавийнинг қабрини бузиб, сўнгақларини чиқариб ташламоққа маслаҳат бердилар. Лекин мен Темур Кўрагон бўлиб туриб бир ўлик билан урушиб, унинг мозорини бузмайман. Унинг қабрини бузсам, ўзимни ўзим айблайман. Шунинг учун уларга: “Мен ўликлар билан урушгани келганим йўқ, балки менинг муқобилимда урушишга қобилиятлик, таслим бўлишга ҳам рози бўлмайдиган кишилар билан урушаман. Ҳатто таслим бўлғувчиларга ҳам тиг кўтармайман”, дедим”.

Ҳукмдор динлар тарихини яхши билгани учун Исломнинг Аллоҳ томонидан юборилган охирги ҳақ дин эканини таъкидлаб, бу диннинг моҳиятини бошқаларга ҳам етказишга уринарди. Амир Темурнинг ўзи “Мен – фотиҳ Темур” асарида шундай ёзади: “Мен эса таассуб юзасидан эмас, балки далил юзасидан дини Исломни барча динлардан юқори, деб биламан. Исломнинг аҳком ва қонунларини мусавий (яхудий), исавий (насроний) динларининг қонунларига солиштириб кўрилса, Исломнинг олий мартабада эканлиги яққол кўрунуб туради. Мусавий динида фақат дунёга таважжуҳ (юзланиш) бўлиб, ўлимдан сўнг ҳаёт йўқ, деб тушунадилар. Исавийлар эса фақат охиратга таважжуҳлари боғланиб, умури дунёвийга ҳеч қандай ўрун қўйилмаган. Дунё ҳаёти ёлғиз бир ваҳм – хаёл, деб эътиқод қиладурлар. Ислом қонунлари бўйича, Пайгамбаримиз алайҳиссаломнинг уммати исломияга берган таълимларида, дунё ва охиратнинг фикрида бўлмоқлик тавсия қилингандур”.

Соҳибқирон ҳаётда, амалда чин мусулмон эди, мукаллаф мусулмон сифатида диний аҳкомларни тўлиқ адо этарди. Амир Темурнинг етук олим эканини, диний талабларни оғишмай бажариб келганини, ҳатто ашаддий душманлари ва танқидчилари ҳам тан олишади. Уларнинг таъкидлашича, Соҳибқирон намозини вақтида ўқир, рўзасини тутар, ёлғон сўзламас, ҳаром ичкиликлар ичмас, ҳаром юрмас, аҳдини бузмас эди. Амир Темур ўз ҳаётининг энг тубанлик билан ўтган даврида, айшу ишратга берилган, деб васф қилинган пайтида ҳам шариятга хилоф ишлар қилмаган. Албатта, Ислом динининг ҳукмларига амал қилиш билан ҳукмдор аввало ўзининг бандалик бурчини адо этар, Аллоҳ таоло томонидан ҳар бир бандага фарз-вожиб этилган амрларни бажарар эди. Шу билан бирга, бу исломий сифатлар унинг халқ ўртасида обрўсини кучайтирар, ҳукмини мустаҳкамлашга омил бўларди.

Соҳибқироннинг тақвоси шунчалар кучли бўлганки, у Аллоҳ ҳаром этган ишларни қилувчиларга мутлақо муросасиз бўлган. “Мен – фотиҳ Темур” асарида у биргина ёлғончиларга бўлган салбий муносабатини шундай ифодалайди: “Мен ўз эътиқодимда ноҳақ бўхтонни улуғ гуноҳ, деб биламан. Мен каби Ислом динига чин эътиқод билан бўйин эгиб тургувчи бир киши бировларга бўхтон қилмоқдан чекинмогим лозим келур эди. Бухоро амири ўз сарбозларидан ўтган гуноҳ масъулиятини тан олмай, ёлғон сўзлар билан уларни мудофаа қилмоқчи бўлди. Ҳақиқатга шарият назари билан қарагудек бўлса, шарият ўғри, қотилни Худонинг душмани демасдан, ёлғончини Худонинг душмани, деб таъбир қилгандур. Ислом динида ёлғончиликдан улуғ гуноҳ йўқ. Шундай бўла туриб, иккинчи мактубимга жавоб ҳам бермади. Шунинг учун мен Бухорога ҳамла қилмоққа қарор бердим”.

Соҳибқирон Амир Темур Исломни фақат шахс би-

лан Аллоҳ орасидаги яширин алоқа воситаси деб қарамаган, балки Ислом ижтимоий алоқаларда ҳамма нарсадан устун туриши лозим эканини яхши тушунган. Шунинг учун, у фарзандларини, яқинларини, фуқароларини ҳаммаша Исломни ўрганишга, унга амал қилишга чақирар эди. Соҳибқироннинг бу борадаги насиҳатларини кўпгина тарихчилар зикр қилиб ўтишган. Биргина мисол келтирайлик. Бир куни саҳрода ҳарбий машқ ўтказилаётганида қор ёғиб қолади. Машқларни тўхтатишга тўғри келади. Шунда Амир Темур ўз одамларини чодирга тўплаб, ким Қуръони каримдан қор ҳақидаги оятни топиб берса, бир миқдор олтин мукофот беришини эълон қилади. Одамлар чодирларга тарқалиб, кун бўйи Қуръон ўқиш билан овора бўлишади. Сўнг Соҳибқирон уларни қайта тўплаб, Қуръони каримга алоҳида эътибор билан ёндашмаганликда айблайди. Қуръони карим иссиқ, қор ёғмайдиган ўлкада нозил бўлгани учун унда қор ҳақида оят бўлиши мумкин эмаслигига эътибор бермаганларини эслатади. Уларни Қуръони каримга, Ислом динига ихлосларини ортишини истайди ва турли диний саволларига жавоб беради.

Соҳибқирон Ислом дини арконларига оғишмай амал қилишда ҳам пешқадам эди. У ҳаммаша жамоат намозидан қолмасликка ҳаракат қилар эди. Доимо ўз юришларида кўчма масжид олиб юрар, қаерга бориб қўнишса, махсус кишилар дарҳол ўша кўчма масжидни ўрнатишар ва ҳамма Амир Темур бошчилигида бирга жамоат билан намоз ўқир эди. Бу ҳақда “Мен – фотиҳ Темур” асарида шундай келтирилади: “Мен футуҳотларим асносида бир кўчма масжид ясамоқ учун усталарга амр қилдим. Бу кўчма масжид яғочдан солиниб битказилди. Йигирма беш аравага юклатиб юрар эдим. Арава юра олмайдиган жойларга эса, тўрт юз от ёки хачирга юкланар эди. Масжиднинг икки минораси бор эди. Бириси ранги кўк

бўлуб, маънода Аллоҳнинг қудратнамолигига таъбир бўлса, иккинчиси қирмизи бўлуб, ер юзи ва бани башар ҳокимиятининг белгиси эди. Худди шу каби масжид ҳам икки хил ранг билан бўялган эди. Бориб тушган ерларимда муаззин минорага чиқиб азон айтар, мен эса жамоат билан масжидда намозимни ўтар эдим. Ҳозир ушбуни, ҳаётимда кечирган воқеотларни ёзиб турган вақтимда Чин юртларига бормоқ қасдидадурман. Чин бутхоналарини масжидларга айлантирарман, иншааллоҳ! Мен билан бирга урушда ўлганларнинг шаҳидлар даражасида эканлигига ишонаман. Уларнинг мартабалари садри Ислом шаҳидлари билан баробардур. Чунки мен Ислом динининг тавсиси (кенгайиши) учун урушмоқдаман. Мен билан бирга урушганлар, албатта, мужоҳиди фийсабилиллоҳдурлар (Аллоҳ йўлида холисона курашувчилардур).

Ёки Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф роҳимаҳуллоҳ ҳазратлари ёзиб қолдирган мана бу мисолни олиб кўрайлик: “Соҳибқирон ўз сафарларидан бирида бир шаҳар билан танишаётиб, ўша ернинг раҳбари билан юрган пайтида намозга азон айтиб қолинади. Раҳбар бориб, жамоат билан намоз ўқиб келишга изн сўрайди. Шунда Амир Темур “мен ҳам жамоат билан намоз ўқийман”, деб бирга жўнайди. Бошқа бир жойга жума куни боришади. Жума намози яқинлашишига қарамай одамлар кўринмаётганини сезган Соҳибқирон таажжубга тушиб, ўша ернинг диний раҳнамосини топиб келишга амр қилади. Салла кийган бир кишини олиб келадилар. Амир Темур ундан аҳоли қайси динга эътиқод ва амал қилишини сўрайди. У одам “мусулмончиликка”, деб жавоб беради. Амир Темур: “Намоз ўқийсизларми?” деб сўрайди. У: “Ҳа, ўқиймиз”, дейди. Амир Темур: “бугун жума, аммо ҳеч ким кўринмайди, нима, жума намози ўқимайсизларми?” дейди. Ҳалиги одам: “Ҳар ким ўз уй-

ида ўқийди”, деб жавоб беради. Шунда Соҳибқирон гап нимада эканини тушуниб етади-да, ҳалиги одамни дин орқали қорин тўйғизишни одат қилиб олганликда айблаб, анча койийди. Аллоҳ жума намозини жамоат билан ўқишга амр қилганини айтиб, Қуръони каримдан бу ҳақдаги оятни ўқиб тушунтиради. Кейин азон айттириб, ўзи одамларга жума ўқиб беради”.

Амир Темур дин уламоларини ҳаддан зиёд ҳурматлар, уларни ўзига яраша тақдирлар эди. Бу борада Амир ўзи амал қилган Аҳли сунна вал жамоа мазҳаби уламоларидан ташқари шиа, рофизий мазҳаблари вакиллари, ҳатто насронийлик ёки бошқа динларнинг уламоларига ҳам марҳаматлар кўрсатиб турарди. У уламолар зиёратини қанда қилмас, уларга сахийлик кўрсатар, мукофот ва ҳадялар берар эди. Қаерга борса, машҳур устозлар, ўзи китобини ўқиган уламоларнинг қабрини ҳам зиёрат қилар эди. Соҳибқирон ҳатто уруш бўлган жойларда яшайдиган уламоларнинг уйига кирган фуқароларга омонлик берар, уларга тегмас эди. Амир Темурнинг ўзи ҳам олим сифатида даврининг машҳур китобларини ўқиб, таҳлил қилиб борарди. Ўша ўзи китобини ўқиган уламолар тирик бўлса ҳам, вафот этган бўлишса ҳам барабар ҳурматларини жойига қўярди. Соҳибқирон Фирдавсийнинг “Шоҳнома”-сини ҳам ўқиган эди. Унинг юртига борганида қаровсиз қолиб кетган қабрини излаб топиб, зиёрат қилади.

Соҳибқироннинг уламолар фикрини ҳамиша эътиборга олгани борасида шундай воқеани келтиришади: бир пайтлар Амир Темур Дамашқда ўша вақтнинг машҳур уламоларига таклифнома юбориб, катта йигилиш ўтказди. Бу йигилишда ўша даврнинг атоқли олимларидан Имодиддин Мағрибий, Сирож Искандарий, Баҳоуддин Ҳалабий, Ибн Халдун, Низомиддин Шомий ва Ибн Арабшоҳ кабилар қатнашишади. Амир Темур йигилиш авва-

лида уламоларни қутлаб, уларнинг ҳар бирига алоҳида саволлар бериб синаб кўради. Сўнгра асосий масалага кўчиб, Куръони карим оятларини нозил бўлиш тартибига кўра қайта ёзиб чиқишни таклиф қилади. Уламолар бу масалани бир неча кун баҳс қилишиб, охири ҳозирги тартибни ўзгартириб бўлмайди, деган қарорга келишади ва буни охирги йигилишда Амир Темурга етказишади. Соҳибқирон ўз фикрини қувватлаб, уламолар билан тортишади. Кейин эса уламоларнинг гапларидан қониқиш ҳосил қилиб, ўз фикридан қайтади ва Куръон оятлари тартиби бундан кейин асл ҳолида қолажагини ҳаммага эълон қилади.

Очиқчасига айтиш керак, Амир Темур қурган давлат соф исломий салтанат бўлган эмас. Соф исломий давлат хулафои рошидин (тўғри йўлдаги тўрт халифа) даврида ва юзинчи ҳижрий йилларда қисқа муддат халифа бўлган Умар ибн Абдулазиз замонида бўлгани Ислому оламида маълум ва машҳур. Шундан кейин бу давлатнинг соф исломийлиги бузилиб, оилавий мулкка, меросхўрликка айланган. Вақт ўтиши билан кўпроқ бузилиб бораверган. Ўз замонасининг одами сифатида Амир Темур ҳам ўзи қурган давлатда ўша замоннинг услубларидан фойдаланади. Шу билан бирга, ўша давр одати ва ўз илмига биноан исломий омиллардан ҳам фойдаланади. У қурган салтанатнинг ривожини ва зафарларида айнан ушбу исломий омиллар асосий аҳамиятга эга бўлгани сир эмас.

Аввало, Амир Темур эътиқод масаласида маҳкам турган. Аҳли сунна вал жамоа ақийдасини маҳкам тутар, турли бузғунчи фикрларни қаттиқ қоралар эди. Соҳибқирон ўз юришлари давомида учраган турли динларга эътимод қилувчилар билан гаплашар, уларнинг эътиқодлари ҳақида сўрар ва хатоларини баён қилар эди. Турли бузуқ мазҳабларга нисбатан ҳам шундай йўл тутар

эди. У киши эътиқоднинг соф бўлиши, турли бидъат-хурофотлар бўлмаслиги тарафдори эди. Тарих саҳифаларида муҳрланган мана бу воқеа сўзимизга яхши далил бўла олади:

“Амир Темур Шерозга юриш қилганида ўша ернинг амири Султон Шоҳ Мансур Музаффарий шаҳардаги эски масжидга кириб олиб, Амир Темур устидан ғолиб бўлишини тилаб ўтираверади. Соҳибқирон эса унинг юртини эгаллаб олади ва амирнинг бу ишини танқид қилади. Амир Темурнинг фикрича, фақат дуо билан иш битмайди. Агар фақат дуо билан иш битадиган бўлганида Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам дуо билан иш битирар эдилар. Аммо у зот алайҳиссалом дуо қилиш билан бирга аскар тўплаб, совут кийиб, қурол-аслаҳаларини олиб жангга кирганлар”.

Амир Темур ўз тасарруфларини Қуръони карим оятлари ва Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг суннатларига тўғри келган жойларини эслатиш билан Қуръон ва суннатга мувофиқ иш кўришга ҳаракат қилганини баён этади. У урушлардан бирида “Ким шайх Ҳисомиддин Сабзаворийнинг уйига кириб олса, омонда қолади”, деган фармон чиқаради. Ҳолбуки, ўша шайх Ҳисомиддин Сабзаворий шиа эди. Соҳибқироннинг “унинг уйига кирганлар омонда бўлади”, дейиши эса шайх учун катта обрў эди. Табиийки, ўша давр ўлчовига кўра, бир шиа одамга нима учун шунчалик ҳурмат, деган савол пайдо бўлади. Амир Темур буни Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ишларига мослаб қилганини баён этади. Темур: “У зот алайҳиссалом Маккани фатҳ қилган кунлари “Ким Абу Суфённинг уйига кирса, омон қолади”, деб эълон қилган эдилар. Абу Суфён ўша пайтда мушрик эди. Шундай бўлса ҳам Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам унинг уйини омонлик жойи, деб

эълон қилдилар. Мен бир шиа одамнинг уйини омонлик жойи, десам нима бўлибди?” дейди”.

Устозимиз, фазилатли шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф роҳимахуллоҳ китобларининг бирида Амир Темурнинг Ислоом динига бўлган муносабати ҳақида ажойиб бир ривоятни келтирадилар: “Амир Темур Ислоом ҳукмига амал қилувчиларни кўрса, жуда мамнун бўлар эди. Бу нарса, айниқса, унинг Хуросон жанубидаги Бишравайҳ шаҳрига бўлган муносабатида яққол кўринади. Соҳибқирон бу шаҳарга яқинлашганида уни йўл четида содда кийинган бир неча одам кутиб олади. Амир Темур улардан: “Шаҳарнинг амири ким?” деб сўрайди. Улар “Амиримиз йўқ, ўзимиз қўлдан келганича Қуръону суннатга амал қилиб яшаяпмиз”, дейишади. Бу гап Соҳибқиронни қизиқтириб қолади-да, шаҳар билан яқиндан танишишга қарор қилади. Ўша ернинг имоми Хусайн ибн Исҳоқ билан бирга шаҳар ҳаётининг ҳамма томони билан яқиндан танишиб чиқади. Аҳолининг барчаси, яъни ёшу қариси, эркагу аёли илми бўлиб, ўқиш-ёзишдан хабардор, бўш вақтини илмга сарфлайдиган кишилар экан. Ҳамма ҳалол меҳнат билан машғул бўлар экан. Амир Темур уларга олтин берганида: “Ҳурмат қилганингиз учун раҳмат, аммо бу тиллаларга ҳожатимиз йўқ, ўзимиз ишлаб топганимиз етади”, дейишади. Шаҳарликларнинг йўлбошчиси имом Хусайн ибн Исҳоқ ҳам қўлига кетмон олиб, деҳқончилик қилар экан. Амир Темур унга бир от совга қилса, узр айтиб олмайди, “от мина олмайман, эшакка ўрганиб қолганман”, дейди. Бу нарсалардан хурсанд бўлган Амир Темур шароит билан янада яқинроқ танишади. Соҳибқирон бир дўкондорнинг аёл харидорга нарса тортиб бераётиб: “Байлул лил-мутоффиийн” (“Тарозидан уриб қолувчиларга вой бўлсин”) оятини ўқиганини эшитади. Аёл кетганидан кейин бориб дўкон-

дордан: "Ўзинг ўқиган оятнинг маъносини биласанми?" деб сўрайди. У "Биламан" деб, оят маъносини айтиб беради. Бир оз савол-жавобдан сўнг дўкандор: "Тарози тортишда хиёнат қилиб қўймай, деб ҳар кимга бир нарса тортганимда шу оятни ўқиб тураман", дейди. Шунингдек, Амир Темур бир атторнинг олдидан ўтиб кетаётиб, унинг "Вазину бил қистосил-муस्ताқим" яъни "тўғри тарози билан ўлчанглар" оятини ўқиганини эшитиб қолади ва ўша аттор билан ҳам юқоридагига ўхшаш суҳбат ва савол-жавоб қилади. Бунда ҳам Амир Темурни хурсанд қиладиган кўп нарсалар аён бўлади.

Масалан, Бишравайҳдаги эшикларда қулф ва қоровул умуман йўқ экан. Исломга амал қилиб яшашгани учун одамларнинг бунга эҳтиёжлари ҳам йўқ экан. Шунингдек, шаҳарнинг қозиси ҳам йўқ экан. Ёши улуғ бўлиб қолган Ҳусайн ибн Исҳоқ бировнинг сўкишганини ёки уришганини эслай олмаслигини айтади. Бу ерда оила бузилиши ҳам, талоқ ҳам, бировнинг ҳаққини тортиб олиш ҳам йўқ экан. Бу ҳақиқатларни билиб, Амир Темур ниҳоятда хурсанд бўлади. Қуръон ва суннатга амал қилиб яшаётган бу мухлис мусулмон аҳолини тақдирлашга қарор қилади. Амалдорларини тўплаб мажлис ўтказди. Бишравайҳни "Дорул илми вал-омон", деб эълон қилади. "Модомики, Темур хонадонига мансуб ҳокимлар бор экан, бу шаҳардан хирож олинмайди, ҳеч ким, ҳеч қандай баҳона билан бу ерга ҳужум қилмайди", деб фармон чиқаради. Мана шунинг ўзи ҳам Амир Темурнинг Исломга бўлган муҳаббатини, Қуръон ва суннатга амал қилиб яшашни қанчалик улуғлашини кўрсатиб туради. Амир Темурнинг мазкур фармони ўша шаҳар аҳолисининг Қуръон ва суннатга амал қилиб яшаётганларини муносиб тақдирлаш бўлиши билан бирга, бошқа шаҳар ва қишлоқлар аҳолисини ҳам шундай яшашга тарғиб қилиш ҳамдир".

– Диний ишлар ҳамда бошқаришнинг бошқа турли қисмларига эътибор Амир Темур қўшига қаратганидан кам эмасди. “Тажриба менга шуни кўрсатдики, деган эди у, қонун ва дин томонидан қўллаб-қувватланмаган давлат, ҳар қандай разил одам ҳам кира оладиган томи, эшиги ва қулфи бўлмаган уйга ўхшайди. Шунинг учун, мен ислом динини тиклаб, унга қонун ва қарорлар қўшишни лозим топдим”.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, Амир Темур босиб олинган ерларда эътиқод ишларини бошқариш учун Муҳаммад пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам авлодларига мансуб кишилардан бош муфтийлар тайинлар эди.

## АМИР ТЕМУР ҲИКМАТЛАРИ

Амир Темур ёшлигидан чуқур билим олгани, ҳаётининг катта қисмини оқил ва фозил кишилар, дин ва фан олимлари билан ўтказгани учун ҳам сўзлаганда ҳикмат билан гапирар, нутқи ҳикмат ва чиройли насихатларга тўла бўлар эди. Қуйида Соҳибқироннинг ана шундай ҳикматли сўзларидан айримлари билан танишинг:

*Билаги зўр бирни йиқар, билими зўр – мингни.*

*Илм ва диннинг машҳур кишилари ўз маслаҳатлари билан подшоҳларга ёрдам бериб келганлар.*

*Агар икки хатарлик ёки бир хатарлик ишни қилишга тўғри келгудек бўлса, икковидан баробар қутулиш чораси топилмагач, бир хатарини ихтиёр этмоқ керак.*

*Бир ишга киришмай туриб, ундан қутулиб чиқиш йўларини мўлжаллаб қўй.*

*Қилмоқчи бўлган ишларини қилмасдан қолдирмасин-*

лар. Агар бирор ишни қилмасликка сўз берар эканлар, яқинига ҳам йўламасинлар. Хотирдан чиқмасинким, Тангри таоло жасур кишиларни ардоқлайди.

Барча ишларимнинг тўққиз улушини кенгаш, тадбир ва машварат билан, қолган бир улушини эса қилич ила бажо келтирдим.

Юз минг отлиқ аскар қила олмаган ишни бир тўғри тадбир билан амалга ошириш мумкин.

Уламо билан суҳбатда бўл ва пок ниятли, тоза қалбли кишиларга талпин. Буларнинг ҳимматларидан улуш тиланиб, муборак нафаслари билан дуо-фотиҳа беришларини илтимос қил.

Ҳар кимнинг қадр-қимматини, тутган мавқеини ва ҳар нарсанинг ўлчовини белгилаб олишинг ва шунга мувофиқ иш юритишинг керак.

Ақли душман жоҳил-у нодон дўстдан яхшироқ.

Чин дўст улдирки, дўстидан ҳеч қачон ранжимайди, агар ранжиса ҳам, узрини қабул қилади.

Чораси бўлмаган ишга киришма, чунки ундан қутулиб бўлмайди.

Бир кунлик адолат – юз кунлик тоат-ибодатдан афзал.

Бир кун келадикки, золим ўз бармоқларини тишлайди.

Ёзилган нарса авлодлар хотирасида қилинган ишдан ҳам узоқроқ яшайди.

Бўридан қўрққан ўрмонга кирмайди.

Вақт ўтгандан кейин қиличингни тошга чоп.

Ваҳима – душманнинг йўлдоши.

Душманнинг кулгани – сирингни билгани.

Душмандан қўрқма, мунофиқдан қўрқ.

Емсиз от доvon ошолмайди.

Номуссиз ҳаётдан номусли ўлим яхши.

Олтмишга кирган отадан ош сўрама.

От минган отасини унутади.

Огзингга қон тўлса ҳам, душман олдида тупурма.  
Қилич ўткир бўлса-да ўз сопини кесмагай.  
Сўзлагувчи гар нодон эрур, тинглагувчи доно ўлсин.  
Той минган от ҳам минади.  
Туя минган одам қўй орасига бекинмас.  
Кечира олишлик – мардлик, кечира билмаслик номард-  
лик саналади.  
Қонни қон билан эмас, сув билан ювишни ўрган.  
Энг баланд минора ҳам ердан кўтарилгай.

## ТЕМУРНИНГ ОХИРГИ ЮРИШИ

Амир Темур юришларини давом эттириб, жануби-гарбда Шомни, жануби-шарқда эса Деҳлини ўз тасарруфига олганидан кейин милодий 1405 йили Хитойни истило қилишга чоғланди. Самарқандга қайтиб келганидан кейин етмиш ёшли Соҳибқирон Хитой билан бўладиган урушга астойдил тайёргарлик кўра бошлади. Мўлжаллаётган юришидан на кекса ёши, на уч минг чақиримли оғир йўл сафари, на бу тадбирнинг ўта хавфлилиги уни тўхта-та олмади. Бу урушни у Ҳиндистон юришидан аввалроқ режа қилган эди.

Бўлажак урушда энг катта қийинчилик қўшинни озиқ-овқат билан таъминлаш эди. Шу сабабли Амир Темур 1397 йилдаёқ чегара шаҳарларидан бўлган Ашира (Қорашаҳар)га қирқ минг отга эга бўлган минглаб одамларни кўчириш, бу жойда деҳқончилик ва савдони ривожлантириш, қалъалар қуриш ва иложи борича кўплаб озиқ-овқат захиралари тўплаш ҳақида кўрсатма берди. Шу билан бирга, Темур Самарқанддан Хитойга элтувчи йўлнинг шимолидаги ерларни, Ғарбий Мўғулистонни босиб олишни режалаштирган эди. Бу ўлкаларнинг йўлларини



яхшилаб ўрганиш, Мўғулистонда ўзига содиқ гуруҳларни тўплаш мақсадида режадаги юришдан бир неча йил аввал ўша давлатларга ўз лашкарбошилари билан бирини юборган. У бу топшириқни муваффақият билан бажарган эди.

Бундай узоқ юришга отланишдан аввал Амир Темур мўлжаллаган тадбирларга аёнлар эътиборини жалб қилмоқчи бўлди. Бунинг учун набираларининг тўйини ўтказиш баҳонасида 1404 йилнинг кузида Самарқанддаги вилоятларнинг ҳукмдорларини, қўшин бошлиқларини, аслзода ва амалдорларни таклиф этиб, икки ой давом этган зиёфатлар орасида машварат қурултойи чақирди. Қурултойда у Хитойда Ислом динини тарқатиш нияти борлигини айтди. Бу фикрни тўпланганларнинг миясига синдириб олдиндан боргани учун Темурнинг нияти мажлис қатнашчилари томонидан сўзсиз қабул қилинди, бўлажак уруш “муқаддас”, деб эълон қилинди.

Амир Темур ўз режаларини амалга оширишда шошмасдан, чуқур мулоҳаза қилар, лекин жуда тез, ғайрат билан ижро этарди. Шу йилнинг қишидаёқ улус амирлари ва вилоят ҳокимларига қўшинни етарли қурола-аслаҳа билан таъминлаб, урушга керакли барча захираларни шай қилган ҳолда белгиланган жойда тўплаш ҳақида буйруқ берилди. Умумий йигилиш жойи Тошкент, деб келишилди. Темур Хитой юриши учун икки юз минг пиёда ва отликдан иборат сара қўшинни ажратди. Қўшиннинг ўнг қаноти қишлаш учун Тошкент, Шохруҳия (Чингизхон буйруғи билан вайрон қилинган аввалги Фанокант шаҳри) ва Сайрамда, сўл қаноти Ясси ва Сабронда жойлашди. Амир Темур эса қолган қўшини билан Ўтрор ва унинг атрофида қишлашни мўлжаллади.

Муаррих Шарофиддин Али Яздийнинг ёзишича, Темур Хитойга борувчи йўллар ҳақида аниқ ва тўлиқ маълумотларга эга бўлган. Унга йўл, сув, ўт-ўланлар хосияти,

ўтиш керак бўлган чўл ва тоғларнинг хусусияти ҳам маълум бўлган. Темур қўшиннинг Тошкентдан Ўтроргача жойлашишига қараб (Шарофиддин Али Яздий изоҳлаган йўлдан), Аширагача фақат Тошкентда жойлашган ўнг қанот жангчиларини юборишни мўлжаллаган эди. Улар Тошкентдан чиқиб, Қошғар орқали Оқсув, Куча ва Букурга боришлари, Аширани қўлга киритишлари, асосий кучлар етиб келгунча ўша ерда туришлари керак эди. Амир Темур улар ортидан оғир юк ортилган аравалар билан Ўтрордан Ғулжага, у ердан Юлдуз дарёси орқали Музтоғ қияликларининг жанубий қисмига боришни мўлжал қилган бўлиши мумкин.

Қўшинга кўпроқ қулайлик яратиш ҳамда ҳарбий юришга керакли нарсаларни харид қилишлари учун қишлоқларга савдогарлар таклиф қилинди (улар турли хил молларни олиб келишди). Темур улардан минглаб отлар, қурол-яроғ, умуман ҳарбий юриш учун керакли барча жиҳозларни сотиб олиб, таъминланмаган жангчиларга улашди. Шу билан бирга, бошлиқларга қўл остларидаги жангчилар аҳволи ҳақида аниқ маълумот тўплашни тайинлади. Иложи борича кўпроқ қўшимча озиқ-овқат ва аслаҳалар олишни, юриш пайтида жангчилар ҳеч нарсадан қийналмасликлари учун ҳамма шароитларни яратишни буюрди. Амир Темур фармонига биноан қўшин орқасидан уруғлик дон ортилган минглаб аравалар бориши, кейинчалик қулай ерларга қўшин қайтишида ҳосилидан фойдаланиш учун экилиши керак эди. Бундан ташқари, кутилмаган шароитлар учун мингдан ортиқ ургочи туялар лашкар орқасидан бориши керак эди; мушкул ҳолларда уларнинг сутидан озуқа сифатида фойдаланиш кўзда тутилганди.

Тажрибали саркарда Амир Темур қирқ йил мобайнида олиб борилган урушлари олдидан машаққатли ва узоқ



сафарларга пухта тайёрланишга бодатланган, шубҳасиз, бу юриш учун ҳам у ўзининг бутун маҳорати ва тадбир-корлигини ишга солган эди.

Амир Темур Улуғ Тугни кўтариб, Самарқанддан ҳижрий 807 йил ражаб ойида (милодий 1405 йил январ) йўлга чиқди. Саркарда қишнинг қаттиқ келганига қарамай, қўшинни тўхтовсиз ҳаракат қилишга буюрарди. Кечалари тунаш учун чўл ўртасида чодирлар тикдириб, унинг атрофини қамиш билан ўратар эди. Музлаган Сирдарёдан Зарнуқ шаҳри яқинида ўтиб олишди. Қиш шунчалик совуқ эдики, Шарофиддин Али Яздийнинг гувоҳлик беришича, дарё устидаги музнинг қалинлиги икки-уч тирсакка тенг бўлиб, Амударё ва Сирдарёнинг исталган еридан юриб ўтиш мумкин эди. Қорнинг қалинлиги эса баъзи ерларда икки найза узунлигига тенг келарди. Ўша кезлари совуқ ва бўронларда кўплаб одамлар, отлар ҳалок бўлди.

Хитой сари ҳарбий ҳаракатларни давом эттираётган Амир Темур Сирдарё соҳилидаги Ўтрор шаҳрига етиб келди. Шу ерда қўшинига тўхташга буйруқ берди. Хотинлари ва қизлари билан хайрлашиб, уларни Самарқандга қайтариб юборди. Қишнинг охирги кунларидан бирида безгак касалига чалиниб, иситмаси кўтарилди бошлади. Касаллик кундан-кун кучайиб борарди, аммо Соҳибқироннинг эс-ҳуши, ақли жойида эди. У ўзининг барча гуноҳлари учун тавба қилди. Ҳарам аҳлини ва улуг бекларни ҳузурига чорлаб, васиятга оғиз очди: "...Ҳазрат Ҳақдин умидим борки, агарчи гуноҳим кўб турур, аммо бу жиҳатдин менга раҳмат қилгайким, золимларнинг эликларин мазлумлардин қисқа қилибдурмен. Ва қўймадимким, менинг давримда қавийдан (зўравондан), заиф куч егай. Эмдиким, Пирмуҳаммад Жаҳонгирким, валиаҳд қилибмен ва ўрнумга қойиммақом этибменким,

Самарқанд вилояти аники бўлғай. ...Анга муте бўлуб, иттифоқ била анинг ишига машғул бўлғайсиз, то олам бузулмагай ва мусулмонларга ташвиш ва заҳмат бўлмагай... Раъийо ва фуқароу мискин ҳолатидин гофил бўлмагайсиз... Нечукким мен адду эҳсон била оламни обод этибмен... Агар менинг васиятим била амал қилиб, адду дод қилсангиз, кўб йиллар давлат ва мамлакат сизларда қолғуси турур. Ва агар сизлар аросида мухолифат бўлса, яхши бўлмағусидур...”

Соҳибқирон Амир Темур Кўрагон ҳижрий 807 йил шаъбон ойининг ўн еттисида чоршанба куни (1405 йил 18 февраль), шом ва хуфтон намозлари орасида жон омонатини етмиш икки ёшида Эгасига топширди... Самарқандда дафн этилган.

Тарихчиларнинг ёзишича, “У умрининг ярим муддатида Мовароуннаҳрда мустақил ҳукмдорлик қилди, сўнгра бутун мусулмон шарқига ҳоким бўлди. Шон-шуҳрати, ҳарбий даҳолик ва қатъиятлилик хислатлари билан у жуда ҳақли равишда мақдуниялик Искандар, Цезарь, Чингиз ва ундан сўнг ўтган Наполеон билан бир сафда тура олади... Темурнинг тузуми Мовароуннаҳр учун ҳеч шубҳасиз, энг дабдабали давр бўлиб, турк халқига шундайин зиё бердики, баъзи қавмлар, эллар ҳозиргача ундан ҳарорат оладилар. Юз мингларча турк ҳарбчилари учун инсоният бешиги саналган Мовароуннаҳрдан Ғарбий Осиёгача чўзилган ўлка вояга етказган қаҳрамонларнинг энг охиргиси Темурдир. Унинг бахтли толеи билан алданиб, кейин истилочилик қиличи билан Жайҳунни кечиб ўтганларнинг ҳеч бири башариятнинг бу жанговар ватанида унингдек уруш туғини кўтаришга муваффақ бўла олмадилар”.

## ТЕМУРИЙЛАРНИНГ КЕЙИНГИ ҲУКМРОНЛИГИ

Ҳерман Вамберининг “Бухоро ёки Мовароуннаҳр тарихи” китобида келтирилишича, Темур ворислари билан жаҳонгирлик майдонида ўзидан илгари ҳукмронлик қилган мўғуллар сингари бахтли бўла олмади. Мўғул ҳукмдори катта бир мамлакатнинг асосини тузди, ўғиллари ва ворислари воситасида уни кучайтирди ҳамда кенгайтди. Темур эса ҳокимиятнинг биносини баланд кўтарди, аммо унинг фарзандлари кучли суянчиқ бўлиш ўрнига, ноаҳиллик ва ўзаро урушлар қилиб, бу иморатнинг нураши ва емирилишига олиб келдилар. Чингизийлар Ўрта ва Ғарбий Осиёда икки асрга яқин ҳукм сурди, Темурнинг ворислари эса гарчи улар орасида ҳокимият ишларидаги маҳорати, порлоқ истеъдоди ва олижаноблиги билан келажак насларни узоқ давр ҳайратга соладиган зотлар бўлса-да, салтанатни атиги бир асрга яқин бошқариб турдилар, холос”.

Амир Темур ҳаётлик чоғидаёқ салтанатни асосан тўрт қисмга (улусга) бўлиб, ўғиллари ва набираларига тақсимлаб берганди: Маркази Ҳирот шаҳри бўлган Хуросон, Журжон, Мозандарон ва Сейистон Шохруҳга тегди. Маркази Табриз бўлган Ғарбий Эрон, Озарбайжон, Ироқ ва Арманистон Мироншоҳга берилди. Форс, яъни Эроннинг жанубий қисми (маркази Шероз) – Умаршайхга, Афғонистон ва Шимолий Ҳиндистон (маркази Ғазна, кейинчалик Балх) – Пирмуҳаммадга суюргол қилиб берилган.

Амир Темур давлати ўзига хос тартиб-қоидаларга асосланган, майда улусларга бўлган ҳолда идора қилинган. Темурийлар давлати Хуросон ва Мовароуннаҳрда милодий ўн олтинчи аср бошигача мавжуд бўлиб, Шайбонийхон томонидан тугатилади.

Маълумки, Темурийлар давлати кучли турк (ўзбек) давлати бўлиб, улар даврида давлатнинг ҳарбий-сиёсий ва иқтисодий мавқеи ниҳоятда баланд бўлган, илм-фан, савдо ва ҳунармандчилик беқиёс ривожланган. Темурий ҳукмдорлар: Амир Темур ибн Тарағай Баҳодир, Халил Султон ибн Мироншоҳ, Шоҳруҳ ибн Амир Темур, Улуғбек ибн Шоҳруҳ, Абдулатиф ибн Улуғбек, Абулқосим Бобир, Абдуллоҳ мирзо ибн Иброҳим Султон, Султон Маҳмуд ибн Абулқосим Бобур, Абу Саид ибн Султон Муҳаммад, Султон Аҳмад ибн Абу Саид, Султон Али ибн Султон Маҳмуд, Ҳусайн Бойқаро, Заҳириддин Муҳаммад Бобур.

Амир Темур ўзига валиаҳд қилиб бошқа ўғлини мўлжаллаб қўйганди, лекин ўша пайтда Хуросон ҳокими бўлиб турган Шоҳруҳ мирзо (1404–1447) тезкор ҳаракатлари туфайли темурийлар салтанатининг Темурдан кейинги биринчи ҳукмдори бўлишга эришди. У ҳукмронлик йилларида шухрат қозониб, буюк Темурга муносиб ворис эканини исботлади. Падари бузрукворининг юришлари пайтида бутунлай издан чиқарилган Форс ва Мовароуннаҳрнинг барча жабҳалардаги ҳаётини қайта тиклашда алоҳида жонбозлик кўрсатди. У асосий эътиборини Хуросон шаҳарларига, Марв ва Ҳиротга қаратди. Ўғли Улуғбекни Самарқандга Мовароуннаҳр ҳокими қилиб жўнатиб, шу пайтдан эътиборан салтанатининг ушбу жавониби ишига умуман аралашмади. Шу боисдан ажойиб шаҳзода Улуғбек мустақил ҳукмдор сифатида Самарқандни жамият тараққийсининг олий даражасига кўтарди. Шоҳруҳ иқтидорли меъмор эди, унинг хотини Гавҳаршод ҳам Машҳадда форс меъморчилигининг шон-шухрати бўлиб келган масжид қурдирди. Шоҳруҳ саройи ўша даврда Осиёдаги энг жозибали ва улуғвор маскан ҳисобланарди. У кўпгина мамлакатлар, жумладан,

Хитой хонлиги билан ҳам алоқалар ўрнатди. Жангчи сифатида ҳам пешқадамлардан бўлган Шохруҳ ўша пайтда тобора кучайиб бораётган қора қуюнли туркманларни кўп марта мағлубиятга учратди. 1447 йилда Шохруҳ вафот этгач, ўрнига ўгли Улуғбек тахтга ўтирди.

Мирзо Улуғбек милодий 1394 йили Эрон Озарбайжонидаги Султония шаҳрида туғилиб, 1449 йил октябрида Самарқандда вафот этган. Улуғбек ўзбек халқи тарихида буюк фалакиёт олими ва математик, қирқ йил ҳукмдорлик қилган салоҳиятли давлат арбоби сифатида из қолдирган. Бобоси Амир Темур Улуғбек тарбиясига алоҳида эътибор берган ва уни давлат аҳамиятига эга бўлган тадбирларда ўзи билан олиб юрган.

Элчи Клавихонинг қайд этишича, Улуғбек бобосининг хорижий эчиларни қабул қилиш маросимларида ҳам иштирок этган. 1404 йили Кониғилда ўтказилган тантаналарда Амир Темур олтига набираси (жумладан, Улуғбек)нинг никоҳ тўйларини ўтказган. Тўйда Соҳибқирон Улуғбекка Тошкент, Сайрам, Тароз ва Мўғулистонни то Хитой ҳудудигача суюрғол қилиб берган. Амир Темур Ўтрорда вафот этган чоғда Улуғбек ҳам ўша ерда бўлган.

Соҳибқироннинг вафотидан кейиноқ Темурийлар ўртасида тож-тахт учун кураш бошланиб кетган. Ўтрордан қайтган Шохруҳнинг фарзандлари Улуғбек ва Иброҳим Султонни амирлар пойтахт Самарқандга киритишмайди, улар ноилож Бухородан паноҳ топишади. Самарқанд тахтини Халил Султон эгаллаб олади. Хуросонни бошқариб турган Шохруҳ Улуғбекка дастлаб Андхўй билан Шибиргонни, кейинчалик Хуросоннинг Тус, Хабушон, Калот, Бовард, Нисо, Ёзир, Сабзавор ва Нишопурдан иборат қисмини бошқаришни топширган. 1410 йили Шохруҳ Мовароуннахрни тасарруфига олгач, уни идора этишни Туркистон вилоя-

ти билан бирга Улуғбекка топшириб, Соҳибқироннинг васиятини қайта тиклайди. Улуғбек ёш бўлгани сабабли амир Шоҳмалик унга ҳомий этиб белгиланган. Лекин Шоҳмаликнинг рақиби Ўтрордаги Шайх Нуриддин ва Муҳаммад Жаҳонгирнинг Ҳисордаги волийлари 1410 йил баҳорида Улуғбек ва Шоҳмаликка қарши чиқишади. Шу йилнинг ёзида Шоҳруҳ иштирокида бўлган жангда Шоҳмалик ва Улуғбек ғалаба қилишади. 1411 йилнинг сентябрида Шоҳруҳ Самарқандга келиб, Шоҳмаликни ўзи билан Ҳиротга олиб кетади ва кейинчалик Хоразмга ҳоким қилиб юборади. Шу вақтдан бошлаб Улуғбек Мовароуннаҳрни мустақил идора этишга киришган.

Шоҳруҳ вафотидан (милодий 1447 йил 12 март) кейин Улуғбекнинг катта ўғли Абдуллатиф ворис сифатида Темурийлар ҳукмдори бўлиб қолади. Лекин Шоҳруҳнинг қаттиққўл хотини Гавҳаршодбегим бунга рози эмас эди. У Шоҳруҳ давридаёқ Темурийларнинг пойтахти бўлган Ҳирот тахтига марҳумнинг учинчи ўғли бўлмиш Бойсунғур мирзонинг ўғли, суюкли набираси Алоуддавла мирзони ўтқазिश тарафдори эди. Гавҳаршодбегимнинг Ҳирот тахтига Алоуддаврани ўтқазishi Улуғбекка нисбатан исён эди. Шунинг учун Улуғбек 1448 йилнинг баҳорида Абдуллатиф билан биргаликда тўқсон мингли лашкар билан Хуросонга келиб, Ҳирот яқинида бўлган жангда Алоуддаврани тор-мор қилади. Ғалаба Абдуллатифнинг шахсий шижоати ва лашкарбошилиқ истеъдоди туфайли эришилган бўлса-да, Улуғбек ёрликни кичик ўғли Абдулазиз номидан эълон қилади. Бундан ташқари, бобоси Шоҳруҳ томонидан Абдуллатифга васият қилинган Ҳиротдаги Ихтиёриддин қалъаси ва унинг ичидаги бойликларини ҳам Улуғбек Абдулазизга беради. Шундан сўнг Улуғбек билан Абдуллатиф ўртасидаги муносабат очиқ душманлик тусини олади.

Улугбек Самарқандда Абдулазизни қолдириб, лашкар билан катта ўғлига қарши юриш бошлайди. Абдуллатиф ҳам ўз лашкари билан Амударё ёқасига келиб туради. Иккала қўшин ҳам дарёнинг икки соҳилида узоқ муддат туриб қолади, сувдан кечиб ўтишга ботинмайди. Бу орада Улугбек “Абдулазиз лашкардаги амирларнинг оилаларини таъқиб этаётир”, деган хабарни эшитиб, Самарқандга қайтиб келишга мажбур бўлади ва шаҳар аҳолисининг Абдулазизга қарши исён кўтарганига гувоҳ бўлади. Тезда шаҳарда тартиб ўрнатиб, яна Абдуллатифга қарши жангга отланади. Бироқ Самарқанд яқинида ўғли Улугбекни мағлуб қилади.

Улугбек даврида давлатнинг куч-қудрати ошган, мавқеи анча мустаҳкамланган, бошқа мамлакатлар билан савдо алоқалари яхшиланган. Самарқанд шаҳри янада равнақ топган. Шаҳарда ҳунармандчилик, меъморлик, адабиёт, умуман илм-фан юксалган, савдо тараққий этган эди. Бухоро, Самарқанд, Ғиждувонда мадрасалар ва Марвда хайрия муассасалари қурилди. Мадрасаларда диний фанлар билан бирга дунёвий фанлар ҳам ўқитилди, кўпроқ аниқ фанларга аҳамият берилди. Бибиҳоним масжиди, Амир Темур мақбараси, Шоҳизинда ва Регистон мажмуалари қурилишлари поёнига етказилди. Бундан ташқари, мамлакатда кўплаб жамоат иншоотлари (карвонсарой), тим, чорсу, ҳаммомлар ҳам бунёд этилган.

Улугбек Мовароуннаҳр халқлари илм-фани ва маданиятини ўрта аср шароитида дунё фанининг энг юқори поғонасига олиб чиқди. Унинг қилган энг буюк иши – Самарқанд илмий мактабини, ўша давр академиясини барпо этгани бўлди. Бу илмий мактабда икки юздан ортиқ таниқли олим фаолият олиб борган. Улар орасида Қозизода Румий, Ғиёсиддин Жамшид Коший каби атоқли олимлар бор эди. Улугбек яна Самарқанд яқинида расадхона барпо қилиб, фалакиёт илмини ўрганишга

катта ҳисса қўшди, осмон жисмларининг жойлашуви ҳисоб-китоб қилинган машҳур “Зижи Кўрагоний” ни тузди.

Улуғбекнинг вафотидан сўнг, милодий 1452 йили те-мурийлардан Абу Саид тахтга чиқди. Ҳақиқий те-мурий-зода бўлган Абу Саид Темурнинг Фурот дарёсигача давом этадиган салтанатини ҳиндлардан тортиб олди. Бироқ унинг подшоҳлиги охирлаб қолган пайтда, Диёрбакирда оқ қуюнли туркманлар пайдо бўлишди. Улар ўз раҳнамо-лари Амир Узун Ҳасан бошчилигида Курдистон ва Арма-нистонни босиб олишди. 1461 йили Усманийлардан зар-ба еган Узун Ҳасан Шарққа қайтиб келиб, те-мурийларга қарашли ерларни шип-шийдам қилишга киришди. Бу қобилиятли ҳарбий саркарда ўшангача Форсни забт этиб, анчадан бери ўзига ёрдам бериб келаётган қора қуюнли туркманларни ҳам тор-мор қилган эди. Те-мурий ҳукмдор Абу Саид унга қарши курашга киришиб, енгилди ва Узун Ҳасан бир йўла Форс ва Озарбайжонни эгаллайди. Шу та-риқа те-мурийлар салтанати барбод бўлади.

Салтанат асосчиси Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳижрий 932–937 йилларда ҳукмдор бўлган. Амир Те-му-ринг набираларидан бўлмиш Заҳириддин Бобур ҳижрий 883 йилнинг муҳаррам ойида (милодий 1483 йилнинг 14 февралда) Андижонда, Фарғона улусининг ҳокими Умар шайх Мирзо оиласида туғилган. 1494 йили отадан етим қолган Заҳириддин ўн икки ёшида отаси ўрнига Фарғона улусининг ҳокими этиб тайинланди. Бунгача ашъор би-тишда танилган Бобур қаламни қиличга алмаштириб, Ан-дижон тахти учун укаси Жаҳонгир Мирзо, амакиси Сул-тон Аҳмад Мирзо, тогаси Султон Маҳмудхон ва бошқа рақибларга қарши курашишга мажбур бўлди. У Фарғона ва Самарқанд учун ҳам жанглар олиб борди. Бир неча йил давом этган бу урушда катта ҳарбий куч билан ара-лашган Шайбонийхоннинг қўли баланд келди ва Бобур

Самарқандни ташлаб кетишга мажбур бўлди. 1504 йили Шайбонийхон Андижонни ҳам қўлга киритгандан сўнг, Бобур жанубга қараб йўл олди ва Кобул улусида ўз ҳокимиятини ўрнатди.

Милодий 1505–1515 йилларда у юртига қайтишга бир неча бор уриниб кўрди, аммо бу уринишлардан ҳеч қандай натижа чиқмади. Сўнг ўз мавқеини янада мустаҳкамлаш мақсадида 1519-1525 йиллар давомида Ҳиндистонни қўлга киритиш учун бир неча бор жанглар олиб борди. 1526 йил апрелида Панипатда Ҳиндистон султони Иброҳим Лўди ва 1527 йилнинг мартада Читора ҳокими Рано Санго билан бўлган жангларида Бобурнинг қўли баланд келди. Тарихий маълумотларда келишича, Бобурнинг Ҳиндистонга юришида Деҳли ҳукмдори Иброҳим Султон сиёсатидан норози бўлган Панжоб ҳокимлари ҳам Бобурни қўллашган ва Сикри жангидаги бу ғалаба Бобурга Ҳиндистонда ўз ҳукмронлигини узил-кесил ўрнатиш ва Бобурийлар сулоласини барпо этиш имкониятини берди. Бобур бу ғалабадан кейин узоқ яшамади. 1530 йил декабр ойида, Агра шаҳрида вафот этди ва кейинроқ васиятига кўра фарзандлари унинг ҳокими Кобулга олиб келиб дафн этилди.

Бобурийларнинг кейинги ҳукмдори Ҳумоюн шоҳ Насриддин Муҳаммад ҳижрий 937–963 (милодий 1530–1556) йилларда ҳукмронлик қилди. У ўн икки ёшида Бадахшон ҳокими этиб тайинланган, ўн саккиз ёшида отасининг Ҳиндистонга қилган юришида аскарбоши сифатида қатнашган. Ҳумоюндан подшоҳликни солиҳ ва мартабали ҳукмдорлардан Шершоҳ олди. Ҳумоюн ўн беш йилдан кейин ундан яна мулкани қайтариб олди.

Акбаршоҳ Жалолиддин Муҳаммад ҳижрий 963–1014 (милодий 1556–1605) йилларда Ҳиндистондаги бобурийлар салтанатининг ҳукмдори бўлди. У Бобурнинг набира-

си Хумоюннинг ўгли эди, ун уч ёшида тахтга ўтирган. Дастлаб вазири Байрамхон (туркман) оталиқ ёрдамида тахтни бошқарган, сўнгра балоғатга етгач, мамлакатни қаттиққўллик билан идора эта бошлади. Салтанатини кенгайтириш учун муттасил кураш олиб борди.

Акбаршоҳ даврида Бобурийлар салтанати шимолда Балхдан тортиб жанубда Годовари дарёсигача (Кашмир ва Афғонистон ҳудудлари билан), ғарбда Арабистон денгизидан, шарқда Бенгалия қўлтигигача бўлган улкан ҳудудни қамраб олган. Марказлашган салтанат тузиш мақсадида 1574 йилдан ички ислоҳотлар ўтказишга киришди: қўшин устидан назоратни кучайтирди ва уни қайта ташкил этиб, янгидан қуроллантирди, мамлакатни янги маъмурий туманларга бўлди. Никоҳ ришталари орқали Ражпут князликлари билан алоқаларни мустақамлади. Ражпутларнинг суворий қўшини Акбаршоҳ лашкарининг асосини ташкил қилган. Акбаршоҳ аҳоли орасида диний жиҳатдан ўзаро бирдамликка эришиш мақсадида ҳиндларни юқори мансабларга тайинлай бошлаган. Ислом, ҳиндукийлик ва бошқа эътиқодларни қориштириб, янги эътиқод шаклини яратмоқчи бўлган. Бу “дин” га эргашганлар Акбаршоҳнинг марҳаматига сазовор бўлишган, кейинчалик бу “янги дин” ўз таъсирини йўқотган.

Акбардан кейин тахтга Жаҳонгиршоҳ Нуриддин ўтирди. Асли исми Султон Салим бўлган бу йигит Акбарнинг ўгли эди. У ҳижрий 1014–1037 (милодий 1605–1627) йиллар мобайнида Ҳиндистондаги Бобурийлар давлатининг тўртинчи ҳукмдори бўлди. Жаҳонгир давлатни идора этиш бўйича “Ун икки дастур”ини эълон қилган. Бу дастурга асосан деҳқонларга ношаръий солиқлар солиш, маҳаллий ҳокимларга савдогарларнинг молларини очиб қўриш, гуноҳкорларнинг қулоқ-бурунларини кесиш, шароб ичиш, маълум кундан бўлак вақтда жониворларни

сўйиш, янги туғилган қизларни уддириш (Рожастонда), солиқ ҳисобига болаларни тортиб олиш (Бенгалияда) ва бошқалар ман этилган.

Жаҳонгир даврида империя таркибига Мевар, Аҳмаднажар, Бижапур ва Голконда ҳамда Панжоб (бир қисми) қўшиб олинди. Жаҳонгир давлатни ҳинд рожалари билан келишиб идора қилишга интилади. Жаҳонгирнинг ўзи ҳам шеърлар ёзган. Унинг “Жаҳонгирнома” асари машҳурдир. Салтанатининг сўнгги йилларида давлат ишларини хотини Нуржаҳон бегим бошқарган. Жаҳонгир ақийдаси тўғри инсон бўлиб, отасининг адашган йўлидан юрмади. Жаҳонгирнинг даврида Ҳиндистонда оврупаликларнинг таъсири бошланган. Португаллар, инглизлар ва голландлар Ҳиндистонни ўзаро тижорий жиҳатдан таллашиб юришарди.

“Иккинчи соҳибқирон” лақабини олган Абул Музаффар Шаҳобиддин Хуррам (Шоҳжаҳон) Жаҳонгирнинг ўғли бўлиб, милодий 1628–1658 йилларда буюк Бобурийлар давлатининг бешинчи ҳукмдори бўлди. Шаҳзода Хуррам оилада учинчи ўғил бўлса-да, бобоси Акбарнинг энг севимли набираси бўлгани учун ёшлигидан ҳарбий соҳага иқтидорли шахс бўлиб тарбия топди. Отаси Жаҳонгир тахтга ўтирганидан сўнг, шаҳзода Хуррамни Ҳиндистондаги энг саркаш ва исёнли жойларга ҳарбий юришларга тайин қилган. Жангари ражпут рожалари, тоглик Кангри қалъаси ҳам Хуррамнинг кучли хужумларига дош беролмаган. Улар ҳам бобурийлар давлатига қўшиб олинган. Декандаги ҳарбий зафарлари учун Хуррамга подшоҳ томонидан Шоҳжаҳон лақаби берилган. Унинг ҳарбий юришлардаги галабалари ва шижоатини улў саркарда Амир Темурга қиёслаб, “Соҳибқирони Соний” унвони билан ҳам аташган.

Шоҳжаҳон 1612 йилда малика Нуржаҳоннинг жияни

Аржумандбонуга уйланган. Кейинчалик Тож Маҳал номи билан шуҳрат қозонган Аржумандбону Шоҳжаҳоннинг учинчи хотини бўлса-да, энг сеvimли маликага айланган ва ҳамиша эрининг ҳарбий сафарларида ҳамроҳ бўлган. Малика ўн тўққиз йиллик турмуши давомида ўн тўртта фарзанд туққан ва охири фарзандини туғиш чогида ҳаётдан кўз юмган. Шоҳжаҳон унинг хотираси учун Агра шаҳрида дунёда тенгсиз мақбара қурдирган.

1605 йилнинг охирида Жаҳонгир вафот этгач, шаҳзода Шаҳриёр Лоҳурда ўзини подшоҳ деб эълон қилган. Аградаги саройда Хусравнинг ўгли Доварбахш тахтга ўтиради. Бу пайтда Деканда бўлган Шоҳжаҳон уч ойдан сўнг, Аграга етиб келади ва тахтни эгаллайди. Шоҳжаҳон давлатни бошқариш тизимида ислоҳотлар (пул ислоҳотлари) ўтказган. Шоҳжаҳоннинг ҳукмронлик йиллари бобурийлар тарихида олтин давр саналади. У мамлакатнинг турли бурчакларида йирик меъморий обидалар ва боғлар қурдирган. Аградаги Тожмаҳал мақбараси, Деҳлидаги Қизил қалъа ва Жоме масжид, Лоҳур ва Тҳаттадаги йирик масжидлар, Товус тахт, Кашмир ва Лоҳурдаги Шалимар боғлари шулар жумласидандир. У Бобур бошлаб берган боғдорчилик санъатини янада кенг ёйган. Биргина Кашмирда 777 та боғ бунёд эттирган.

1658 йили қаттиқ касалликка чалинган Шоҳжаҳон ўзи учун Жамна дарёсининг ўнг қиргоғида қора мрамрдан мақбара қуришни тайинлаган. Отаси вафот этмасдан туриб, унинг ўғиллари ўртасида тахт талashiш бошланади ва бу курашда Аврангзеб ғолиб чиқади. Гарчи Шоҳжаҳон тузалиб кетса-да, Аврангзеб уни тахтдан четлатиб, Аградаги Қизил қалъага жойлаштиради. То умрининг охиригача қизи малика Жаҳоноробегим унинг хизматида бўлган. Барча ҳуқуқлардан марҳум этилган Шоҳжаҳон фақат дарча орқали Тожмаҳал мақбарасига қараш имконига эга

бўлган. Собиқ подшоҳ вафотининг эртасига Тожмаҳал мақбарасида мархума хотини ёнига дафн қилинган.

Ҳижрий 1069–1119 йилларда Бобурийлар сулоласига Абу Музаффар Муҳйиддин Муҳаммад (Аврангзеб Оламгир) подшоҳлик қилди. “Аврангзеб” лақаби тахтнинг зийнати маъносини, “Оламгир” эса оламини эгаллаб олувчи маъносини билдиради. У Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг набираси ва Шоҳжаҳоннинг ўғлидир. Аврангзеб ҳижрий 1028 (милодий 1619) йили туғилиб, салкам эллик йиллик ҳукмронликдан сўнг ҳижрий 1118 (милодий 1707 йили) 89 ёшида Аҳмадобод шаҳрида вафот этди. Онаси Мумтоз Маҳалбегим ёш Аврангзебни Имом Раббонийнинг ўғли шайх Муҳаммад Маъсум Сарҳандий тарбиясига беради. Шайх қўлида у Қуръони каримни ёд олади, ҳанафий мазҳаби фикҳини, тасаввуфни, хаттотлик илмини ўрганади.

Араб, форс ва турк тилларини яхши билган Аврангзеб адабиёт муҳлиси бўлиб, ўзи ҳам газаллар ёзарди. У одил ва зоҳид ҳукмдор сифатида Ислом шариати талабларига жуда қаттиқ турар эди. Аврангзеб Оламгир барча юртларда шариат қонунларига амал қилиш йўлида қозиларга енгиллик яратиш учун фикҳий масалаларни тартибга солиш ва бир китоб таълиф қилишни буюрди. У бу ишни амалга ошириш учун шайх Низомиддин Бурҳонпурий бошчилигида ўша вақтнинг кўзга кўринган уламоларидан бир ижодий гуруҳ тузди. У киши ҳанафий фикҳининг кўзга кўринган алломаларидан йигирма кишини танлаб олди. Машаққатли уринишлардан кейин катта, олти жилдли ажойиб илмий асар дунёга келди. Бу ноёб фикҳий асар Ҳиндистон ва унга яқин минтақаларда ҳукмдорга ҳурмат юзасидан “Ал Фатавий ал-Оламгирия” деб, Миср, Шом ва Туркияда “Ал Фатавий ал Ҳиндия”, деб аталади.

Султон Муҳйиддин Аврангзеб Оламгирнинг вафотидан кейинги ҳолатлар изтиробли бўлди. Бобурий султонлар Ҳинд юртида қолмади, уларнинг номи унутилди. Ҳижрий 1152 (милодий 1739) йили Нодиршоҳ Эрондан Ҳиндистонга бостириб кирди. Жуда катта ғалабаларга эришиб, Деҳлигача етиб келди ва шаҳарда қирғинбарот қилиб, уни вайронага айлантирди, кўп нарсаларни талон-тарож қилди. Шундан кейин у Эронга қайтиб кетди. 1162 ҳижрий 1748 милодий йилда Афғонистон подшоҳи Аҳмадшоҳ Абадди Ҳиндистонга юриш қилди. Лоҳур, Деҳли ва бошқа минтақаларни эгаллаб олди. Шундан кейин бобурий подшоҳлар ҳиндлар ва инглизларнинг таъсири остида юрадиган бўлишди.

Аврангзеб Оламгир ўзидан кейин диннинг ҳимоячиси, қўрғони ва мусулмон умматнинг таянчи бўлиш ўрнига динни бузувчи, йўқ қилувчи ҳар тарафлама заиф валиаҳдларни қолдирди. Гуё улар Аврангзеб Оламгир тарафидан йўл қўйилган динни сақлаш, уни ҳимоя қилиш, ислом шариятини ёйиш, набавий суннатни жорий қилиш каби “хатоларни” ва мамлакат ҳудудини кенгайтириш, бошқарув тизимини мустаҳкамлаш, шаҳарларни обод қилиш, мамлакат идорасини тартибга солиш, ҳушёрлик, ғайрат, жидди-жаҳд, матонат, масъулиятни ҳис қилиш, жинойтчи ва фитначи кишиларнинг қалбларига қўрқув ва ҳайбат киргизиш сабабли ҳукумат пойдеворини мустаҳкамлаш каби “жинойтларни” тўғирлашга киришди. Улар дангаса, ишни эплай олмайдиган, давлат бошқарувини бутунлай вазирлар, мансаб ва мартабага ўч бўлган сарой аёнларига топшириб қўйган ва давлат ишлари, мамлакат бошқарувидан мутлақо беҳабар ворислар эдилар.

Бобурийлар салтанатининг, балки бутун ислом умматининг, хоссатан ҳинд диёрининг энг аянчли даври

ҳам айнан Аврангзеб Оламгир давридан кейин бошланди. Чунки бирин-кетин бир-биридан заиф ва қобилиятсиз шоҳлар мамлакат тахтига ўтириши Бобурийлар салтанати таназзулининг бошланиши эди. Тарихнинг ажойиботларидан ва Аллоҳ таоло бутун оламлардан беҳожат эканига далиллардан бири Аврангзеб Оламгирнинг валиаҳди Шоҳи Олам Баҳодиршоҳ Биринчининг ўзиёқ отаси олиб борган сиёсатни айнан тескарисини олиб борди.

Бобурийлар салтанатини Имом Деҳлавий ҳижрий (ҳижрий 1114–1176) яшаган даврда Аврангзеб Оламгирдан сўнг ўн бир султон бошқарди:

Муҳаммад Муаззам Баҳодиршоҳ; Муиззуддин Жаҳондоршоҳ; Фаррух Сияр ибн Азимуш-шаън; Шамсиддин Рифиъуд-даражот ибн Рафиъул Қадр; Рифъуд-давла Шоҳ Жаҳон II ибн Рафиул Қадр; Нигу Сияр; Носириддин Муҳаммадшоҳ ибн Жаҳоншоҳ; Аҳмадшоҳ Баҳодир ибн Муҳаммадшоҳ; Азизиддин Оламгир II ибн Жаҳондоршоҳ; Муҳйиссунна ибн Ком Бахш ибн Оламгир I; Шоҳи Олам II ибн Азизуддин Оламгир II.

Аврангзеб Оламгиршоҳ вафотидан то Имом Деҳлавий умрининг охиригача бўлган ярим асрдан кам муддатда, бобурийлар тахтида ўн бир султон алмашди. Бу султонлардан баъзиси ўн ой атрофида ҳукмронлик қилган бўлса, баъзисининг подшоҳлиги тўрт ойга ҳам етиб бормади. Яна баъзилари бир неча ҳафта, бошқалари эса бир неча кун ҳукмронлик қилди, холос. Пировардида инглизлар охириги император Баҳодиршоҳни тутиб, ҳижрий 1275 (милодий 1858) йили Бирмага сургун қилишди ва унинг ўша ердаги ўлими билан бобурийларнинг Ҳиндистондаги салтанати тугатилди.





**АВРАНГЗЕБ  
ОЛАМГИР**

## ТАҚДИМ

Аврангзеб Оламгир номи билан бутун дунёга танилган бобурий ҳукмдор ва саркарда Абу Музаффар Муҳйиддин Муҳаммад (Биринчи Оламгир ҳам дейишади) милодий 1618 йилнинг 4 ноябрида (баъзи маълумотларда 24 октябрда) Ҳиндистоннинг Гужарот вилоятидаги Доҳад шаҳрида туғилган. У Заҳриддин Муҳаммад Бобурнинг авлодларидан Шоҳ Жаҳон ва унинг рафиқаси Мумтоз Маҳалбегимнинг ўғли эди. Форсча “Аврангзеб” сўзи “тож-тахт беағи” маъносини билдирса, “Оламгир” эса “оламни забт этувчи” маъносидadır. У жуда эрта Куръонни тўлиқ ёд олди, болалигидаёқ ҳадис ва фикҳ илмини ҳамда араб, турк, форс, ҳинд тилларини чуқур ўрганди. 1658 – 1707 йилларда Ҳиндистоннинг ярмини эгаллаган, тарихга “Буюк мўеулар салтанати” номи билан кирган бобурийлар давлатига салкам ярим аср ҳукмдорлик қилди. Тарихчиларнинг яқдил фикрига кўра, унинг ҳукмронлиги “салтанат тарихидаги олтин давр, энг олий чўққи” бўлди. Ислом оламида ҳанафий фикҳининг қомуси ҳисобланган “Фатавоийи Оламгирия” асари бевосита унинг ташаббуси ва раҳбарлигида тасниф қилинган. Россияда нашр этилган “100 буюк қўмондон” китобидан Амир Темур ва Аврангзебгина жой олган. Аврангзеб 1707 йилнинг 3 мартида тўқсон ёшида вафот этган.

## БОБУРИЙЛАР ҲАҚИДА ҚИСҚАЧА МАЪЛУМОТ

Асосий мавзуга ўтиш олдидан Бобурийлар сулоласи ҳақида қисқача маълумот беришни лозим кўрдик. Бу ҳақда “Ўзбекистон Миллий энциклопедияси”да ушбу сатрларни ўқиймиз: “Бобурийлар – Ҳиндистонда (1526–1858) ҳукмронлик қилган сулола. Темурийлардан Заҳриддин Муҳаммад Бобур асос солган. Чет элларда, мамлакатимизда, ҳатто Ҳиндистонда ҳам Бобурни ва унинг авлодларини “буюк мўғуллар” деб аташ одат бўлиб қолган. “Буюк мўғуллар” деган ибора Чингизхон ва ундан кейинги мўғул қонлари (Ўқтой қоон, Гуюк қоон, Мунка қоон)га тааллуқли бўлиб, Бобурийлар аслида Амир Темур ва Мирзо Бобур авлодларидир. Улар тарихий ҳужжатларда ўзларини “бобурий мирзолар” деб юритишган. В.В.Бартольд дунёда тарқалган “буюк мўғуллар” иборасининг хато эканлигини кўрсатиб, “Европаликлар Темурни ва унинг ўғиллари ҳамда набираларини мўғуллардан тарқалган деб ҳисоблаб, (Бобур) салтанати учун “буюк мўғуллар” деган ном тўқидилар”, деб ёзади. Бу ибора эса Европадан Ҳиндистонга “кучиб” келиб, ҳиндлар орасига инглизча китоблар воситаси билан тарқалгандир. Сўнгги йилларда “буюк мўғуллар” деган хато ибора ўрнига “бобурийлар” ибораси қўлланила бошладики, бу ибора тарихий ҳақиқатни тўғри акс эттиради. Бобурийлар Ҳиндистонда 332 йил ҳукмронлик қилдилар. Бобурийларнинг вакиллари: Заҳриддин Муҳаммад Бобур (1526–1530), Ҳумоюн (1530–39; 1555–56), Акбар (1556–1605), Жаҳонгиршоҳ (1605–27), Шоҳ Жаҳон (1627–58), Аврангзеб Оламгир (1658–1707), Баҳодиршоҳ I (1707–12), Жаҳондоршоҳ (1712–13), Фаррух Сияр (1713–19), Муҳаммадшоҳ (1719–48), Аҳмадшоҳ (1748–54), Оламгир II (1754–59), Шоҳ Олам II (1759–1806), Акбар II (1806–37), Баҳодиршоҳ II (1837–58)”.

## АВРАНГЗЕБНИНГ БОЛАЛИГИ

Аврангзебнинг отаси – Ҳиндистонда Бобуршоҳ асос солган сулоланинг учинчи ҳукмдори Акбаршоҳнинг невараси бўлмиш Шоҳ Жаҳон, онаси – машҳур малика Мумтоз Маҳал эди. Аградаги машҳур Тожмаҳал ёдгорлиги ана шу малика шарафига қурилган. Эр-хотиннинг тўрт ўғли бўлган: Доро Шуқуҳ, Шоҳ Шужоъ, Аврангзеб ва Мурад Бахш.

Шоҳ Жаҳон анча заковатли ва зийрак учинчи ўғлининг таълими ҳақида жиддий қайгуриб, бунинг учун юртдаги энг машҳур олим ва устозларни саройга таклиф этади. Бола саккиз ёшида Қуръони каримни ёд олади, ҳадис ва фикҳ илмларидан чуқур таҳсил олади. У расмий давлат тили бўлган форсчадан ташқари араб, ҳинд-урду, бобокалонлари тили бўлмиш турк (чигатой) тилларини пухта билиб олади. Катта бобоси – Бобур каби адабиётга катта меҳр қўйган, ўзи ҳам ғазаллар битиб турарди. Аврангзеб хаттотликка ҳам қизиқиб, бу соҳада ҳам анча ютуқларга эришади, араб хатининг настаълиқ ва шикаста усуларида моҳир хаттотлардан қолишмасди. Унинг хаттотлик санъати намуналари ҳозиргача сақланиб қолган.

Бола саройдаги ҳашам, мол-дунё ва мансаб фитналарига қизиқмас, аксар вақтини китоб мутолааси ва ҳарбий санъатни ўрганиш билан ўтказарди. У қурол ишлатиш ва ҳарбий маҳоратини оширишда ҳам катта натижаларга эришиб, бу нарса унинг кейинчалик бошлаган ҳарбий юришларида ниҳоятда қўл келди. У кейинроқ Марказий Осиё ва Қандаҳорга қилган юришларида, Гужарот ва Деккон ўлкасининг тўрт вилоятида ҳокимлик қилиб турган пайтларида ҳарбий соҳада катта тажриба орттирди ва унинг бу тажрибаси салтанат тахти учун олиб борган курашларида унинг фойдасига ишлади. Илоҳий муқаддатрот гўё уни улкан салтанатнинг доно ва жасур ҳукмдори бўлиб етишишига замин тайёрлаётган эди.

## АВРАНГЗЕБ – ҲОКИМ

Аврангзеб ўсмирлик чоғиданок, ҳали тахтга чиқмай туриб Бобурийлар салтанатида ўз ўрнини топишга уринган шаҳзода эди. 1636 йили, у энди ўн саккизга кирганида отаси Шоҳ Жаҳон томонидан маркази Аврангбод шаҳри бўлган Деккон вилоятига ҳоким этиб тайинланади. 1644 йили бироз муддат ота-бола ўртасидаги муносабатлар ёмонлашиб, Шоҳ Жаҳон ўғлини ўз вазифасидан бўшатади. Бунинг сабабини тарихчилар турлича изоҳлашса-да, масаланинг асл моҳиятини англаш учун Амир Темур вафотидан кейинги ота ва ўғил, ака ва укалар ўртасидаги тахт учун курашда юзага келган қаттиқ зиддият-мурокасизликлар ва буларнинг оқибатида улкан салтанатларнинг кучсизланиб, парчаланиб кетганини эслаш кифоя.

1645 йили Аврангзеб яна ота ишончини қозонди ва Шоҳ Жаҳон ўғлини аввал Гужаротга, сўнгра Балх ва Бадахшонга ҳоким қилиб жўнатди. У ўзининг саркардалик ва ҳукмдорлик иқтидори билан бу шаҳарларда муносиб тартиб ва ҳокимлик ўрнатган бўлса-да, Балх ва Бадахшонда бўйсунмас ўзбеклар билан самарасиз уруш олиб боришга тўғри келди. Улар Амударёдан кечиб ўтиб, Аврангзеб қалъаларига тўсатдан ҳужум қилар, қўшиннинг тинқасини қуритар эди. 1647 йили бобурийлар охири Балхни ташлаб чиқишга мажбур бўлишди. Орадан икки йил ўтгач, оғир қурооларга эга бўлган форслар улардан Қандаҳорни ҳам торттиб олишди. Уша йилнинг баҳорида Аврангзеб эллик минг кишилик қўшин билан бу шаҳарни қамал қилди, аммо қурол жиҳатидан оқсагани сабабли қамал чўзилиб кетди, Қандаҳор таслим бўлмади. 1652 йили отаси Шоҳ Жаҳон Аврангзебни яна Декконга қайтарди. Шу даврда у яна Деккон вилояти ҳокими этиб тайинланади ва бу вазифада 1657 йилгача қолади.

Аврангзеб Декконга иккинчи бор ҳоким бўлиб келганида вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволи хийла танглигини, хазинага солиқ тушиши камайиб кетганини, экин майдонлари анча қисқарганини кўрди. Бунинг устига Деккон чегара минтақаси бўлгани учун бу ерда бир қанча қўшинни ушлаб туришга тўғри келарди. Вилоятдан олинаётган фойда харажатларни қоплай олмасди Бахтига шахзода бу вилоятда форслардан бўлган Муршид Қулихон исмли салоҳиятли бир амалдорни учратди ва бу киши қисқа вақт ичида муҳим солиқ ислоҳотини ўтказишга эришди. Унча оғир бўлмаган янги солиқ тизими деҳқончиликни ривожлантиришга, қаровсиз ерларни ўзлаштиришга туртки бўлди. Аҳолининг катта қатлами ташландиқ қишлоқларга қайтиб келди, у ерларда рисоладагидай ҳаёт бошланиб кетди.

Ўрду (армия)сини мустаҳкамлаб олган Аврангзеб 1656 йили Гўлкандага кириб, Ҳайдаробод шахрини эгаллади. Ўлка ҳукмдори Абдуллоҳ Қутбшоҳ Гўлкандага яшириниб олиб, қаттиқ мудофаага киришади. Ғанимларининг фитнаси туфайли Аврангзеб бу урушни охирига етказиб, ғалаба қозона олмайди. Уша йилнинг баҳорида Шоҳ Жаҳоннинг талаби билан сулҳ тузилади ва Қутбшоҳ Аврангзебга ўн миллион рупий товон пули тўлайди. Бу орада салтанат ерларида бобурий ҳукмдорларнинг сиёсатидан норози бўлган ҳинд рожалари фитнаси билан халқ қўзғолонлари ҳам бошланиб кетди. Уларни бостириш катта маблағ талаб қиларди. Аврангзеб давлат хазинасини тўлдириш учун орадан бир йил ўтиб Бижопурга юриш қилди. Бижопур маркази қамал қилинди, атрофлари харобага айлантирилди, аммо бир ярим йилгача уни эгаллаш имкони бўлмади. Охири очарчилик ва вабо тинкасини қуритган Бижопур таслим бўлди, Аврангзеб бу ердаги мағлублардан ҳам ўн миллион миқдорида товон пули ундирди.

Салтанат подшоҳи Шоҳ Жаҳон Бижопурни босиб олишни аввал ўгли Аврангзеб ихтиёрига топширган эди. Кейинроқ эса Шоҳ Жаҳон Аврангзеб бошлаган жанг ҳаракатларини тўхтатиб, бу ишни катта ўгли Доро Шукуҳга топширади. Мана шу воқеадан кейин ака-ука ҳамда ота-ўғил ўртасида келишмовчилик янада кучайиб кетади. Шоҳ Жаҳон Доро Шукуҳни бошқа ўғилларидан кўра кўпроқ яхши кўрар, кўп ҳолларда унинг ёнини олар эди. Аммо Доро Шукуҳнинг ҳарбий ва сиёсий салоҳияти Аврангзебга нисбатан анчагина паст эди. Шунга қарамай, Шоҳ Жаҳон Доро Шукуҳни ўзининг валиаҳди деб эълон қилади.

Шунингдек, отасининг Ислом дини талабларига ҳилоф ўлароқ шон-шухрат, ҳашам ва исрофга ўчилиги ҳам ота билан фарзанд орасида келишмовчиликка сабаб бўлади. Ҳукмдорнинг сеvimли хотини Мумтоз Маҳал шарафига Аграда ҳашаматли мақбара – Тожмаҳални қурдиргани ҳам Аврангзебга ёқмади. У бунчалик маҳобатли мақбара қурилишини давлат хазинасини совуриш – катта исрофгарчилик деб атаб, бунинг Исломга зид эканини айтади. Бунинг устига Шоҳ Жаҳон Тожмаҳалдан ташқари ўзи учун яна бир муҳташам мақбара қуриш тараддудида эди. Бу эса давлат хазинасини батамом бўшаб қолишига ҳамда салтанатнинг барбод бўлишига олиб келиши тайин эди. Аврангзеб бобурийлар салтанатини сақлаб қолиш ва уни ҳар томонлама тараққий эттириш йўлида отасига қарши боришга мажбур бўлади. Аврангзеб сўфийлар қабрларини ҳаддан ташқари улуғлаш, серҳашам мақбаралар қуришни ҳам халқ ичида қоралагани учун отасига ёқмай қолади.

Аврангзебнинг ҳокимлиги бобурийлар салтанатининг ниҳоятда кенгайган даврига тўғри келди. Салтанат бутун Ҳиндистон ҳудудини эгаллаб олган, жанубда Пеннар

ва Тунгабхадра дарёларигача ястаниб ётар, шимолда эса Кашмир ва афгонларнинг Кобул ва Газна ерларини қамраган эди. Фақат Қандаҳор форсларнинг қўл остида эди.

## ТАХТ УЧУН КУРАШ

Соҳибқирон Амир Темур вафотидан сўнг темурий шаҳзодалар мамлакат тахтини эгаллаш учун бир-бирлари билан қанчалик шиддатли кураш олиб боришган бўлса, 1657 йилнинг кузида Шоҳ Жаҳоннинг оғир бетоб бўлиб қолиши унинг тўрт ўғли ўртасида тахт талашишдаги қонли урушларнинг бошланиб кетишига сабаб бўлди. Тўрт ака-уканинг бари етарли ҳарбий кучга эга бўлиб, улардан ҳар бирининг ота саройида ўз тарафдорлари бор эди. Шоҳ Жаҳон ўғилларининг тўнғичи Доро Шукӯҳ Аллоҳобод, Панжоб ва Мултоннинг ҳокими эди. Унинг ихтиёрида қирқ минг отлиқ аскардан иборат қўшин бор эди. Отаси валиаҳд этиб тайинлагани учун унинг мавқеи Шоҳ Жаҳонники билан деярли барабар бўлган. Салтанат ҳукмдорининг иккинчи ўғли Шоҳ Шужоъ ўн етти йилдан буён Бенгалиянинг ҳокими эди. У табиатан танбал киши бўлиб, гоҳида бироз гайратга кириб қолар, лекин узоқ вақт жидду жаҳд кўрсатишга қодир эмас эди. Ўғилларнинг кенжаси – қизиққон, тиниб-тинчимас, кайфу сафони яхши кўрадиган Мурад Бахш эса Гужарот ҳукмдори бўлган.

1657 йилнинг декабрида Мурад Бахш Аҳмадободда ўзини подшоҳ деб эълон қилади. Шужоъ ҳам ундан намуна олиб, Бенгалияда подшоҳлик даъвоси билан чиқади. Шундан кейин Аврангзеб ва Мурад Бахш бирлашиб, катта акалари валиаҳд шаҳзода Доро Шукӯҳга қарши ўзаро иттифоқ тузишади. 1658 йилнинг феввалида Банорас яқинидаги Баҳодирпур шаҳрида ака-укалар ўрта-



сидаги биринчи тўқнашув бўлди. Бу орада Доро Шукуҳ ўгли Сулаймон Шукуҳ бошчилигидаги катта бир қўшинни укаси Шоҳ Шужоъга қарши жўнатади. Шаҳзода Сулаймон Шукуҳ бу жангда Шужоъни мағлубиятга учратади ва у жанг майдонини ташлаб қочишга мажбур бўлади.

Тахт учун ҳал қилувчи жангларнинг бири 1658 йилнинг 29 май куни Агра яқинидаги Самугарҳда бўлиб ўтади. Доронинг эллик минг кишилиқ ўрдуси икки укасининг ўрдусига қарши жангга киради. Бу муҳорабада Аврангзеб ва Мурод тўла ғалаба қозонишади. Аврангзеб ҳукмронлиги даврида Ҳиндистонда ўн икки йил яшаб, бобурийларнинг ҳарбий-сиёсий фаолиятини яхши ўрганган франциялик тарихчи Ф.Берньенинг хабар беришича, Самугарҳ яқинидаги жангда Доро Шукуҳнинг армияси 100 минг отлиқ ва 20 минг атрофида пиёда, шунингдек, кўплаб жанговар филлар ва 80 га яқин артиллерия қуролига эга бўлган. Яна бир манбада таъкидланишича, Самугарҳ жангида Доро Шукуҳ 60 минг аскарга қўмондонлик қилган. Аврангзеб қўшини эса 35-40 мингга яқин аскарни ташкил этган. Бу маълумотлардан яққол кўриниб турибдики, иккала манбада келтирилганидай, Доро Шукуҳнинг қўшини ҳар жиҳатдан устун бўлган. Бироқ шуни қайд этиш керакки, Доро Шукуҳнинг кўп сонли қўшини орасида бирдамлик ва жанговар елкадошлик йўқ эди. Шу боис ҳам мазкур жанг – Аврангзебнинг тўла ғалабаси билан якунланади.

Ушбу жангда Доронинг ўн минг тарафдори ҳалок бўлди, унинг ўзи эса Панжобга қараб қочди. 1658 йилнинг ёзида Аврангзеб Аграга кириб борди ва отасини тахтдан тушириб, қамаб қўйди. Ўша пайтда Мурод ҳам зиндонга ташланди ва 1661 йили унинг бошини танасидан жудо қилишди. Қўшинини тартибга келтириб олган Аврангзеб яна Дорога қарши юриш бошлади. Аммо Доро урушга

кирмай, яна қочиб кетди. 1659 йилнинг январида Аврангзеб Хажва яқинида Шоҳ Шужоъга қақшатқич зарба берди. Ўша йилнинг мартада эса Доронинг иккинчи марта адабини бериб қўйди. Орадан кўп ўтмай, у асирга олинди ва қатл қилинди. Шоҳ Шужоъ Бенгалияга чекинди, аммо у ерда ҳам ўрнаша олмай, Араканга қараб қочди. У ўша ерда туриб ҳам ҳукмронликка интилишини бас қилмай, исён кўтарди. Аврангзеб унга мактублар юбориб, инсофга, муросага чақирмоқчи бўлди, аммо Шужоъ ўз фикридан қайтмади. Уламолар уни муртадлиқда айблаб фатво чиқаришади. Бу ҳақда Аврангзебнинг ёнида юриб, ўша давр воқеаларининг бевосита иштирокчиси бўлган муаррих Муҳаммад Мустаъидхон Соқийнинг 2013 йили Тошкентда ўзбек тилида нашр этилган (мутаржим Илёс Низомиддинов) “Маъосири Оламгирий” (“Оламгирийнинг хайрли ишлари”) китобида қуйидаги сатрларни ўқиймиз: “Шоҳ Шужоънинг исён кўтаргани ҳақида хабар етиб келди. (Аслида) пурнур (ҳазрат) кўнглида, агар мумкин бўлса, (ўтган ишларга нисбатан) билмаган киши бўлиб қўяқолиш бор эди. Бироқ Шоҳ Шужоъ жасорат билан то Банорас ҳудудигача яқинлашиб келиб, жангу жадал қилишга қасд этди... Кўп ўтмай Шоҳ Шужоънинг Банорас ҳудудидан йўлга чиққанлиги ҳақида устма-уст хабарлар етиб келди. Маслаҳат билан шунга қарор қилиндики, (хоқон) Сурун шикоргоҳи томон таважжуҳ этадилар ва Шоҳ Шужоънинг яқинлашиши хабарини кутиб турадилар... Ва жаҳон шаҳаншоҳи шикорчилар манзили томон йўл олиб, учинчи рабиул-охирда Сурун қишлоғига етдилар ва шу ердан бошлаб Шоҳ Шужоъни муросаи мадорага келтиришликни поёнига етказишни хоҳладилар (ва) бир неча бор насиҳатомуз саҳифалар юбордилар, токим унинг кўнгли кайфияти равшан тортсин. Ва лекин унинг муросаи мадорадан ҳеч бир наф ол-

маслиги аниқ бўлиб қолди. Шунинг учун мазкур ойнинг бешида унга қаршилик кўрсатиш учун Сурундан туғларини баланд кўтардилар...”

Хулласи, Шужоъни ўша ерда 1661 йили магхийлар ўлдиришди. Ноёб бир касаллиги туфайли тахтдан четлатилган Шоҳ Жаҳон эса Агра қалъасида тутқунликда сақлаб турилди ва у 1666 йилнинг январида вафот этди. Шоҳ Жаҳон хона дарчасидан бир маҳаллар ўзи қурдирган Тожмаҳал мақбарасига маҳдиё бўлганича ўлимини қарши олди. Аврангзеб отасини Тожмаҳал мақбарасига дафн қилдирди.

1658 йил июнь ойида Аврангзеб салтанат пойтахти Аграга кириб келади ва тахтга даъвогар бўлиши мумкин бўлган сулола вакиллариининг барчасини йўқотади. Ҳатто ўз иттифоқчиси бўлган укаси Мурад Бахшни ҳам зиндонга ташлайди. У салтанат тахтини эгаллаб, ўзини бобурийлар салтанатининг подшоҳи Абул Музаффар Муҳйиддин Муҳаммад Аврангзеб Баҳодир Оламгир Подшоҳи Ғозий деб эълон қилади.

Шу ўринда бир савол туғилади: салкам элик йил бобурийлар салтанатига ҳукмронлик қилган тақволи, художўй, адолатпарвар ҳукмдор Аврангзеб нега тахтни эгаллашда бу қадар ёвузликка йўл қўйди? Ака-укалари, ҳатто отасини ҳам аяб ўтирмади? Назаримизда, ёшлигидан эътиқоди мустаҳкам бўлган, Аллоҳдан қаттиқ қўрққан бўлажак ҳукмдор бутун умри давомида ҳамма нарсага имон ва тақво, Аллоҳнинг розилигини топиш, Унга холис итоатда бўлиш нуқтаи назаридан ёндашган. Ҳинд ва Ғарб тарихчилари уни ёвузликда, бошқа дин вакилларига мурасасизликда, бутхоналарни буздиришда, эътиқод масаласида ҳеч ким билан келишмасликда айб-лашса-да, мусулмон муаррихлар ва холис фикрли олимлар бунни бошқача изоҳлашади.

Ҳиндистон ва Покистон тарихининг етук тадқиқотчиларидан филология фанлари доктори, профессор Нажмиддин Низомиддиновнинг “Тафаккур” журналида босилган мақоласидаги мулоҳазалари бу масалага бироз ойдинлик киритади: “Бинобарин, ҳиндуизм, ислом ва насроний динидаги олимлар айна масалада (Аврангзеб ҳукмронлиги даврига муносабатда) уч тоифага бўлинади: Аврангзебга давлат дини ҳимоячиси сифатида қаровчилар; унинг ҳиндуизмга бўлган муносабати асосида фикр юритувчилар; мавжуд миллий ва диний муаммолар ечими масаласига тарихий зарурият нуқтаи назаридан ёндашувчилар... Аврангзебнинг шахсияти ва давлатчилик фаолиятига ҳолис баҳо бериш учун, бизнингча, дастлаб мозийга қайтиб, унинг тахтни эгаллаши бўсағасидаги воқеаларга назар ташлаш керак. Бунинг учун эса сўзни Шоҳ Жаҳон ҳукмронлигининг сўнгги йиллари ҳамда тахтга даъвогарлар тарихидан бошлаган маъқул. Шоҳ Жаҳон нафақат ҳиндуистлар (ҳиндукийлар), балки уларнинг кўҳна маданиятига нисбатан ҳам салафлари сиёсатини давом эттирган. Санскритни ўрганиш ва манбаларни форс ва араб тилларига ағдариш анъанаси унинг даврида янада ривожланди. Ушбу масалада подшоҳнинг тўнгич ўғли Доро Шукуҳнинг илмий-ижодий изланишлари жуда самарали бўлди. У илм-фанда камолга етган шахзода ва Ҳиндистон тахтининг расмий вориси эди. У анъанавий исломий илмлар қатори ҳинд диний фалсафаси, унинг асосий манбалари ҳамда кўҳна маданиятини чуқур ўрганди. Бироқ Доро Шукуҳнинг дунёқараши, унинг ёзган асарлари замонаси аҳлига кўп-да маъқул келмаган. Бу борада Муҳаммад Мустаидхон Соқийнинг “Маосири Оламгирий” асарида келтирилган баёнлар фикримизнинг далилидир: “Доро Шукуҳ ...таъбининг хоҳиши ҳинд урф-одатларини тарқатиш ва динсизлик

ҳамда куфр йўлини ёритишдан иборат эди. Шу туфайли дин ва давлат номусини сақлаб қолишликни ўзларига вожиб билган Аврангзеб олийҳазрат ҳузурига Мурод Бахшни ҳам олиб боришга қарор қилдилар”.

## ТАҚВОДОР ҲУКМДОР

Барча ғанимларини даф қилиб бўлганидан кейин Аврангзеб тахтга мустаҳкам ўрнашиб олди ва салкам эллик йил улкан салтанатни адолат билан моҳирона бошқарди. Иқтидорли саркарда, тадбирли раҳбар, бошқарувнинг миридан-сиригача яхши билувчи бу ҳукмдор айти пайтда қаттиққўл ҳам эди. У, айниқса, шариат талабларига қатъий риоя этилишини талаб қилар, бу борада мурасага боришни асло истамас эди. Ёшлигидан камтар, ҳашамлардан узоқда яшашга ўрганган Аврангзеб тахтга ўтирганидан бошлаб то умрининг охиригача бу одатини тарк этмади. У шароб ичмас, мол гўшти емас, фақат сув ва камбағал кишилар ейдиган арпа нони билан кифояланарди. У қуруқ ерда ухлар, оддий кийинар, кўпинча рўза тутиб юрар эди. Тарихчилар унинг саройида қимматбаҳо олтин ва кумуш идишлар мутлақо бўлмаганини ёзишади. Ҳукмдор ахлоқ масаласида ўта мурасасиз бўлиб, иродаси кучли бўлгани учун ҳеч қачон ўз аъёнлари ва маликаларнинг таъсирига берилмасди. Харажат қилишда ўта тежамкор, ҳатто хасис бўлган Аврангзеб сахийларча садақа-эҳсон улашар, ўз жангларини эътиқод учун урушга айлантирган эди.

Аврангзеб Оламгирнинг тақводорлиги, яъни Аллоҳдан қўрқиши унинг фаолиятида ҳар қадамда кўриниб турарди. Мамлакатда Аллоҳ таоло ҳаром қилган майпарастлик, гиёҳвандлик, қимор ўйнаш каби ишларга чек қўйилди. Мамлакатда унинг ҳукмронлигидан олдин урф бўлган

зарб қилинажак танга пулларга Куръони карим оятларини ўйиб ёзиш одатидан воз кечилиб, бу иш тақиқланди. Фаҳш ишларнинг олдини олиш мақсадида бева аёлларга эрга тегиш, акс ҳолда мамлакат ҳудудидан чиқиб кетиш талаби қўйилди. Саройда гайридинларнинг ҳозиргача нишонланиб келинган турли маросимларини, шу жумладан, ҳукмдорнинг туғилган кунини тантана қилишни ўтказишга барҳам берилди. Ҳатто у Акбар давридан буён урфда бўлган ҳиндларнинг миллий кийимини кийишни ҳам тарк этди.

Шунингдек, аҳоли орасида шаръий аҳкомларни бажариш, шариат тақиқлаган ишлар билан шуғуланмасликларини текшириб, назорат қилиб турувчи махсус лавозим – муҳтасиблик таъсис этилди. Муҳтасибларга чексиз ҳуқуқлар, жумладан, шариат талабларини бузувчиларни жазолаш ҳуқуқи берилди.

Аврангзеб масжид ва мадрасалар, хонақоҳларни таъмирлаш, янгиларини қуриш ҳақида фармон бергани ҳолда гайридинларнинг бутхоналари ва мактабларини таъмирлаш, янгиларини қуришни тўхтатиб қўйди. 1679 йилдан бошлаб мусулмон бўлмаган ҳиндлардан жизя (мусулмон мамлакат ҳимоясида яшаётган номусулмонлардан олинадиган жон солиғи) ундириш, уларнинг муқаддас қадамжоларини зиёрат қилганлари учун қўшимча солиқ тўлашлари тартиби жорий қилинди.

Мусулмон савдогарлардан тижорат молининг беш фоизи миқдорида олинадиган солиқ бекор қилингани ҳолда гайридин савдогарлар учун бу солиқ тури сақланиб қолди. Солиқ, закот йиғувчи идораларда мусулмон бўлмаган кишиларнинг ишлаши тақиқлаб қўйилди. 1688 йилдан бошлаб эса мансабдор гайридинларнинг тахтиравонда ва чиройли отларда юришлари ҳам чеклаб қўйилди. Бундай тадбирлардан кутилган мақсад, уларнинг

ҳақ-ҳуқуларини чеклаш эмас, балки маҳаллий ҳиндларни мусулмон бўлишга ундаш эди. Айни пайтда Ислом динига ўтишни истаган ҳиндларга катта имтиёзлар ҳам белгилаб қўйилган эди: уларга лавозимлар, катта миқдорда пул, ер-мулк, нафақа ва бошқалар бериладиган бўлди.

Ҳукмдор давлатни бошқаришда дин одимлари ва арбобларига таянган ҳолда иш олиб борди. У кундалик фаолиятини, ҳар бир тадбирини, бошлаган ислоҳотларини Ислом шариати талабларига мувофиқ бўлиши ҳақида қайгурар, беқиёс ҳокимиятга эга бўлган подшоҳлигидан динни тарғиб қилишда фойдаланар эди. Ўз навбатида, динга кенг йўл очилиши, унинг аҳқомларига қатъий риоя этилиши мамлакат равнақиға, давлатни одилонга бошқаришга катта имкониятлар очиб берарди.

Унинг тақвоси, художўйлиги ва обидлиги ҳақида ўша даврнинг воқеанависи Муҳаммад Мустаидхон Соқий ўзининг “Маъосири Оламгирий” асарида шундай ёзади: “(Онҳазрат) саодаттаъблик тақозоси билан динни ривожлантиришда камоли қатъиятлик хислатига эга эдилар. Исломнинг беш биниси омилқори Имоми Аъзам – Абу Ҳанифанинг ҳаниф мазҳабини жорий этдилар ва мустаҳкамладилар. Таҳорат сувидан ажралмас, ширинсухан ҳамда бошқа вақтда иш ва саломлашиш борасида майинсўз эдилар. Фарз намозни масжидда, масжид бўлмаган жойда жамоат ва барча суннатлари билан ҳамда навофил, мустаҳабларни итоаткорлик ва бўйсунган ҳолда адо этардилар. Ой ва қуёш ҳисобидаги кўп кунларда ҳамда ҳафтанинг душанба, пайшанба ва жума кунларида рўза тутиб, жума намозини жомеъ масжидида барча мусулмонлар ва умуммўминлар билан бирга ўқир эдилар. Муқаддас кечаларда тунни бедор ўтқариб, Аллоҳнинг дини ва давлат равнақини орттирувчи файз нуридан баҳраманд бўлардилар. Ниҳоятда ҳақиқатпарастлик юза-

сидан кечалари давлатхона масжидининг мақсурасида (энг муқаддас ерида) Аллоҳ дўстлари билан суҳбатда бўлардилар...”

Абул Ҳасан Надавий “Фикр ва даъват кишилари” китобида шундай ёзади: “Қуйида шаръий аҳкомлар амалиёти ва Ислом шариати қонунчилигига тааллуқли Султоннинг фармон ва ҳукмларига қисқача тўхталиб ўтамиз: Тарихчи Закауллоҳ ҳижрий 1069 йили, Султон Аврангзеб тахтга ўтирганининг иккинчи йилида содир бўлган баъзи ҳодисаларни келтириб ўтади: “Султон Жалолиддин Акбар давридан бери идора ва бошқарув тизимида расмий тусга кириб, ишлатилиб келинаётган “фарвардий” ой бошига асосланган тақвимга ўзгартириш киритди. Биринчи ойни “фарвардий” дан “исфандаёр” ойига кўчирди. Ойлар номларини илоҳийлаштириш дўзахий султонлар ишига ўхшаб қолишини билган Аврангзеб Исломий шариат асосида ой ва йиллар учун арабча ҳилолий тақвимни йўлга қўйди. Бунини мажлислар, бошқарувлар тизимида ҳамда йил бошиларни ҳисоблашда қўлланишини таъминлади. Қолаверса, амалиётда ҳилолий тақвимни шамсий тақвимдан устун қўйди. Маълумки, ҳилолий ойлар доимо ўзгариб туради. Бу тарздаги тақвимни қўллашда бир қанча ноқулайликлар ва мушкул ҳолатлар юзага келади. Лекин Султон Аврангзеб бу каби ҳолатларга асло парво қилмади ҳамда мажусийлар йўлига ўхшамаслик учун Меҳржон (Наврўз) тантанасини нишонлашни бекор қилди. Тахтга ўтиришининг иккинчи йили бошланишини Рамазон ойдан деб қарор қилди. Мана шу ишдан тахтга ўтиришнинг янгича тақвимига асос солинди. Наврўз меҳржонини Ййд Фитр меҳржонига алмаштирди” (“Тарихи Ҳиндистон”, 83-84-бетлар).

Тарихчи ўша асарида Султон шаръий бўлмаган йўл билан давлатга кирадиган катта даромадларни тўхтат-

ганини ҳам келтириб ўтди: “Султон Аврангзеб “роҳидорий”ни бекор қилди. У соҳил ва чегаралардан олинадиган йўл солиғи бўлиб, барча тушумлари давлат хазинасига тушар эди. Бунинг ва “тиҳбозорий” деб номланган “бандарий” солигининг даромади Султон хазинасига юз мингдан зиёд фойдани олиб келарди. Яна Султон бир қатор ишлар сингари ароқхўрлик, кўнгилхушликлардан тушадиган даромадларни ҳамда жарима сифатида устама фоизлардан тушадиган фойдаларни ва амалдор, мансабдорларга “раҳмат” сифатида бериладиган тушумларни бекор қилди. Буларнинг барчаси давлат захирасида миллиондан ортиқ рупияларни ташкил қилар эди”.

Шаръий ҳукуматда тош-тарози назорати хатарли касб бўлса-да, исломий халифаликнинг очиқ-ойдин шиорларидан бири эди. Бу касбнинг нақадар масъулиятли, эҳтиёткор, муҳим касб экани, хатарлари, турлари ҳақида кўп уламолар “Исломда тош-тарози назоратчиси” мавзуида китоблар ёзганлар. Бу каби масъулиятли, хатарли вазифа ҳинд-мусулмон ҳукуматида унутилган, қўлланилмайдиган соҳа эди. Султон Аврангзеб шу суннатни ҳам тирилтирди. “Султон Шайх Авз Важиҳни назоратчи қилди ва унга инсонларни барча ҳаром амаллардан, хоссатан, ароқ ичиш, маст қилувчи нарсаларни истеъмол қилиш, фаҳш ишларнинг ҳар турига берилишдан қайтаришга буйруқ берди. Имкон қадар инсонларни гуноҳ ишлардан қайтаришга масъул қилди” (“Тарихи Ҳиндистон”, 90-бет).

Муаррих Султон тахтга ўтирганининг 11 йилидан 21 йилигача (яъни 1078 йилгача) бўлган воқеа ва ҳодисаларни сўзлаб шундай дейди: “Султон Аврангзеб ҳар куни шаръий ҳукмлар ижроси, амалга оширилиши, илоҳий буйруқлар риоясига эътибор қилар эди. Юз минглаб фойда келтирадиган “роҳидорий” ва “бандарий” солиғини бекор қилишга доир муфассал фармон имзолади. Майхона,

кўнгилхушлик қиладиган жойлар ва рибо-фасод маконларини ёпишга буйруқлар берди”.

Яна Султон рақс ва қўшиқ айтишни бекор қилди. Одамлар қаср олдига зиёрат учун тўпланишларини, қасрнинг тепасидаги дарчадан подшоҳ кўриниш бериши каби ишларга иккиюзламачи подшоҳларга тақлид бўлмасин учун ва Ислом шариатига зид эканлиги эътиборидан яқун ясади.

Ҳинд-мусулмон султонлар аввалги эътиқод, одатлари бўйича юлдузлар ва мунажжимларга катта ишонч билдиришар эдилар. Бирор бир ишларини мунажжимлар юлдузларга асосланиб башорат бергани бўйича режалаштирар, ой-кунларини белгилар эдилар. Султон Оламгир бу каби кўр-кўрона эргашишлар ва ақидаларга чек қўйди. Энг аҳамиятлиси, ҳуқуқий ҳукмлар ечимини ҳоким ва амирларга топширмай, шаръий қозилик лавозимини йўлга қўйди ҳамда уларга ваколати доирасида юқори даражадаги ҳуқуқларни берди.

“Шоирлар ва мунажжимлар давлат эътиборидаги одамлар эди. Булар Султон (Шоҳ Жаҳон) даврида фаолиятларини тўхтатишга буюрилгандилар. Қозилар мамлакат ички ишларини ҳамда фуқароларнинг катта-ю кичик ҳуқуқий масалаларини ҳал қилишга тайин қилинган бўлиб, уларга юқорида келтирилганидек бир қанча имкониятлар яратиб берилган эди. Бунга эса баъзи амалдор аъёнларни ҳаваси келса, баъзиларини ҳасади ортар эди” (“Тарихи Ҳиндистон”, 277-бет).

Султон Аврангзеб бошқа шаҳарларда ҳам шариат қонунчилигини амалга ошириш ва қозилик ишларига кўплаб енгилликлар яратиш мақсадида фикҳий масалаларни тартиблашни ҳамда янгитдан китоб қилишни ўз вазифаси деб билди. Бунинг учун ўлкадаги ўз илми билимдонлари бўлган уламолар иттифоқини тузди. Бунга

аввалида ҳанафий фикҳи устозларидан Шайх Низомиддин Бурҳонбурийни раис этиб сайлади. Китобни тартиб-лаш асносида масалаларни “Зоҳирур Ривоя” асосида олдилар, фақат зарурий ўринлардагина “Наводир”га мурожаат қилдилар. Иқтибос олинган китобларнинг ҳаволасини ҳам келтириб ўтдилар. Китоб олти жилд қилинди. Унга давлат томонидан икки юз минг рупия (ҳозирги кунда бу икки миллион рупияни ташкил қилади) ажратилди. Бу буюк иш ҳинд диёрида “Фатавои Оламгирия”, Миср ва Шом каби бошқа ўлкаларда эса “Фатавои Ҳиндия” номи билан танилди. Ўз навбатида, бошқа фикҳ-фатво китоблардан ўз хусусияти ва аниқликлари билан ажраб, довруғ қозонди.

Охирги жараёнлар бир мунча журъатли ҳамда шижоатлироқ кечди. Сабаби Султон халққа ҳатто ўзига қарши даъво билан маҳкамага чиқишга ва Ислом шариятига мувофиқ ҳукм қилишни талаб қилишга изн берди. Бу иши учун махсус шарият адвокатларини тайинлади. Ҳинд тарихчиси Закауллоҳ айтади: “Султон 1082 ҳижрий санада барча шаҳар, қишлоқ аҳолисига жарчи йўллади. Унга кўра: кимда Султонга қарши шаръий даъво бўлса, Султоннинг вакилига мурожаат этиши мумкин эди. Агар даъвоси ўринли бўлса, ҳаққини тўла-тўқис олар эди. Бу йўлда сарой ва узоқ-яқин шаҳар, қишлоқларда адвокатлар, Султон вакиллари иш олиб боришга тайинландилар. Ҳатто саройга етиб келолмаганлар ҳам ўз даъвосини тақдим қилиб, ҳаққини талаб қила олишлари учун шу каби ишлар амалга оширилди” (“Тарихи Ҳиндистон”).

Саломлашиш борасидаги жоҳилона тақлид ва одоб ислом шариятига анчагина зид эди. Аллоҳдан бошқага дуруст бўлмайдиган кўринишдаги таъзим шайтоний султонлар ва уларнинг саройларида етакчилик қиларди. Саломатлик, тинчлик сўраб саломлашиш (“Ассалому алайкум” дейиш) эса аён-у амирлар у ёқда турсин, уламо-ю

машойихларнинг одатидан ташқари, урфга кирмаган ҳолат эди. Сарой муҳитида ҳам бу нарса амалда эмас эди. Султон буни ҳам гўзал суратда татбиқ қилди ва ҳаммага “Ассалому алайкум” дейишни амр этди. Тарихчи айтади: “Ўша кунлари буйруқ чиқарилди. Мусулмонлар Султон ҳузурида кофирлар сингари қўлларини бошларига қўйиб эмас, балки “Ассалому алайка” дейишлари кифоя эди. Ҳокиму амирларга ҳам ҳамма билан шундай саломлашиш вожиб бўлди”.

“Роваиъу Иқбол” китобида келтирилишича, “Султон Аврангзебга олиб борган ислоҳотлари эътибори билан уламолар “Муҳйиддин” (динни тирилтирувчи) номини берганлар. Ҳинд фалсафаси, низоларини чуқур ўрганиб, ҳиндлар ва шариат ўртасида чиққан тортишув ҳамда жангларни чуқур магзининг чаққан олим, доктор Муҳаммад Иқбол ҳам Султон Аврангзебни ҳинд диёридаги турли хил динлар орасида Ислом динини сақлаш ва мусулмонлар ҳимояси йўлида фидокорона ишлар олиб борган шахс эканини таъкидлаб ўтган. Камина доктор Муҳаммад Иқбол билан 1937 йил 22 ноябрда Аохурда кўришганман. Биргаликда бир неча соат суҳбатлашганмиз. Бу ҳақда “Ҳинд олими билан бир неча соат” номли мақолам ҳам бор. Унда қуйидагиларни баён этганман: “Гап ҳинд диёридаги жадиличилик ислоҳотларига қараб бурилди. Шунда Доктор иккинчи минг йиллик мужаддиди Имом Сарҳиндий ва Имом Валиюллоҳ Деҳлавий ҳамда Султон Муҳйиддин Оламгир раҳматуллоҳи алайҳимга кўплаб мақтовлар айтди. Яна айтди: “Мен доим айтаман, агар бу каби одамлар ва уларнинг Аллоҳ муваффақ қилган сайй-ҳаракатлари бўлмаганида Ислом дини Ҳиндистон динлари ва маданияти олдида кўринмай кетарди”.

Надавий яна шундай ёзади: “Доктор Султоннинг ҳинд диёри тарихидаги ўрни, Ислом ривожига қўшган ҳисса-

сини гапириб, бу ҳақда бир шеърни айтиб берди. Унинг таржимасини қуйида келтиришга ҳаракат қилдим: “Бу Султон Аврангзеб, улугвор ва фидокорлик рамзи. Ислом у билан азизлик ва улуглик чўққисига чиқди. Ислом ва куфр ўртасида мусулмонларнинг ҳимоячиси бўлди. Умнат Акбар сепиб кетган зиндиқлик ва куфр уруғлари сабабидан оғир ва машаққатли меҳнатга дуч келганди. Султон уларнинг фасод ва ҳалокат сабабли қоронғу зулмат қаърида қолиб кетган қалбларини аста-секинлик ила Ислом нури билан сугорди, ўстирди.

Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло мана шундай тақводор, парҳезкор, гаюр, жасур ва фаросатли инсон Султон Аврангзебни пешонасига динни тирилтириш, имон ва ишончни уйғотиш ҳамда янгилаш масъулиятини битган экан. У қиличини кофир ва зиндиқларга қарши ўлароқ қинидан чиқарди. Мусулмонлар орасида Ислом динининг учқунларини алангалатди. У ҳақда калтабин ёлғончилар заиф нафсларига эргашиб, бир қанча ёлғонлар ўйлаб топишган, уни золим деб, турли хил уйдирмалар чиқаришган. Аслида, улар Султоннинг идроки, фикрини англашдан анча йироқда эдилар. У Тавҳид нури атрофида айланаётган парвона мисол, ширк ва бутпарастлик авж олган диёрда Намруд оловига тушган Иброҳим алайҳиссалом сингари эди. Зуҳд-тақвода подшоҳ ва султонлар ичра ягона, бемисл шахс эди” (“Румузи Беҳвадий”, форсча девон).

Ва ниҳоят, Имом Сарҳиндийнинг икки буюк раббоний ўринбосари шайх Муҳаммад Маъсум ва шайх Саййид Одам Баннурийнинг жидду-жаҳдлари меваси ўлароқ, бу ўлка ўн биринчи ҳамда ўн иккинчи асрларда фикрий таназзул ва қора булутлар остидан нур сари интилиб, секин-аста Ислом оламининг илмий ва руҳий марказига айланди. Ислом оламининг чекка-чеккаларидан ҳам одамлар жамоа-жамоа бўлиб бу юртнинг руҳий

ва илмий булоғидан симириш, диний тарбия олиш ҳамда раббоний машойихлар силсиласидан бир бўлак бўлиб, ҳадисларни асл муҳаддислардан олиш учун кела бошладилар. Бу юртнинг ҳар бир ҳудудига янгилашни йўлининг руҳияти киритилиб, Китоб ва суннат таълими ҳамда узоқ-яқиндан келувчилар истифода қилишлари учун илмий марказлар очилди”.

Аврангзебнинг дин йўлидаги хизматлари бу билан чекланмайди. Оламгир мусулмонларнинг бош шаҳарлари Маккаи мукаррама, Мадинаи мунаввара, бошқа табаррук марказларни доимо қўллаб-қувватлаб турди, ионалар берди. Ўша пайтларда Аврангзеб бошчилигидаги салтанат дунё мусулмонларининг ишончли таянчларидан бири сифатида хизмат қилди.

Аммо унинг бу сиёсати ҳаммага ҳам бирдай маъқул келавермади. Бошқа динларга ва уларнинг вакилларига нисбатан олиб борилган диний сиёсатнинг баъзи кескин тадбирлари натижасида мамлакатнинг кўпчилигини ташкил этувчи ғайримусулмон, буддапараст, бутпараст ҳиндлар ва уларнинг турли мазҳаблари вакиллари томонидан қаршилик билан кутиб олинди. Ҳиндларнинг аксарият қисми милодий бешинчи асрда Ҳиндистонда пайдо бўлган фалсафий оқим бўлмиш буддавийликка эътиқод қилишарди. Бу оқим унинг асосчиси Будда номи билан аталган. Бу фалсафа бошда тасаввуф ва зоҳидликка чақирган. Будда вафотидан кейин эса бутпарастлик диёнатига айланиб кетди. Буддавийликка эргашувчилар Буддани Аллоҳнинг ўғли, муқаддас руҳ пок қиз Майяга тушиб, Будда дунёга келган, дейишади. Уни башариятни азоб-уқубатлардан халос этувчи, кишиларнинг гуноҳини ўзига олувчи, деб эътиқод қилишади. Бу гаплар бузилган масиҳийликдан олдин ҳам бўлгани эътиборга лойиқ. Оқибатда ҳиндлар подшоҳнинг итоаткор фуқароларига эмас, эътиқоди камситилган ганимларига айланиб қолишди.

Олимлардан бири шундай ёзади: “Ҳиндистондаги бобурийлар сулоласидан бўлмиш ҳукмдор Аврангзеб Оламгир ўзининг Аҳли суннат ва жамоа эътиқодига ҳамда ҳанафийлик мазҳабига мустаҳкам амал қилиши билан танилган эди. У ўз қизи Зебуннисо бегимни ҳам худди шундай тарбия қилгани аниқ. Ана шу Зебуннисо “Зебат-тафосир” Қуръони каримнинг форс тилидаги бир неча жилдли тафсирини ёзган”.

## ПОДШОҲЛИКНИНГ ДАСТАБКИ ЙИЛЛАРИ

517

Аврангзеб ҳукмдорлигининг илк йилларида унинг эътибори шимолий сарҳадларни мустаҳкамлашга қаратилди. Сабаби 1672 йили бу ерда афгон қабилаларидан афридийлар ва ҳаттақлар қўзғолон кўтаришди. Тоғларда оғир жанглар бошланиб кетди ва унда бобурийлар мағлубиятга учраб туришди. 1674 йилнинг ёзида подшоҳнинг ўзи саркардаларига ёрдамга келди. Бир ярим йил давом этган тинимсиз жанглардан сўнг у сезиларли зафар қозониб, ўзи Деҳлига қайтишни режалаб қўйди. Аврангзеб шимолга эпчил ва гайратли Амирхонни ҳоким қилиб қолдирди. У афгон доҳийларини тинчитишга муваффақ бўлди. Бир қабилани бошқасига қайраш, ҳадя ва эҳсонлар улашиш ҳисобига у қабилаларнинг ўзаро иттифоқини бузиб, довларни ҳаракат учун очиқ ҳолда ушлаб турарди.

Ҳукмронлигининг аввалиданоқ Аврангзеб ўз давлатига исломий тус беришга уринди. Унинг бу борадаги қарашлари аслида ҳеч кимга сир эмасди. У ҳали шаҳзодалик пайтидаёқ бутпараст ҳиндларга душманлик назари билан қараган, уларнинг бир неча бутхоналарини бузириб ҳам ташлаган эди. Аҳволини ўнглаб, тахтини мус-

тахкамлаб олган подшоҳ мусулмон бўлмаган аҳолининг Акбар Биринчи томонидан ҳаё қилинган барча имтиёзларини аста-секин йўқота бошлади. Хукмдорлигининг ўн биринчи йилига келиб саройда мусиқа тақиқлаб қўйилди. Шундан кейин “кофирларнинг ибодатхона ва мактабларини бузиш” ҳақида фармон чиқарилди ва бу фармон ҳиндларнинг бутхоналарини йўқ қилишни бошлашга йўл очди. Шу тариқа Банорасдаги машҳур Висванатха, Матхурдаги Кешава Раи ва кўп устунли Сомната ибодатхоналари бузиб ташланди. 1679 йилдан мусулмон бўлмаган ҳиндларга давлат томонидан солинадиган жон солиги (жизя) ва номусулмонларга солинадиган бошқа айрим солиқлар қайтадан тикланди.

Бунга жавобан ҳиндларнинг кучли кўзғолонлари бошланиб кетди. Айниқса, тоғли Ражпутандаги уруш Аврангзеб қўшинига оғир кечди. Бу ерда юз берган шиддатли, қонли тўқнашувлар жуда катта маблағ талаб қиларди. Бунинг устига подшоҳ энг яхши ва садоқатли жангчилар ҳисобланган ражпутлар билан ўрдусини тўлдириш имкониятидан ҳам маҳрум бўлиб қолди. Бобурийлар ўрдусининг жанговарлиги йил сайин пасайиб борарди. Айни пайтда уларнинг душманлари тобора куч тўплаб, такомиллашиб кетаётганди.

Тўлконда ва Бижопур султонликлари худди Берар, Аҳмаднагор, Бидар каби Ҳиндистон жанубидаги биринчи мусулмон давлати бўлган Баҳмонининг бир қисми эди. У 1347 йил Декконнинг ғарбида Деҳли султонлигига қарши курашган ҳарбий қўмондонлар томонидан ташкил қилинганди. Умрининг катта қисмини Деккондаги урушларга сарфлаган Шоҳ Жаҳон ушбу минтақада боболари Акбар ва Жаҳонгирларнинг сиёсатини олиб боришга ҳаракат қилганди. Шунга кўра, бу минтақадаги Деҳли султонлиги харобалари узра ташкил қилинган

мустақил мусулмон амирликлари устидан бобурийлар ҳукмронлигини ўрнатиш зарур эди.

Бобурийлар салтанатининг жанубий сарҳадларида ҳиндларнинг Маратҳа давлати ташкил топиб, тезлик билан куч тўплаётган эди. Мамлакатининг шимолий чегараларида уруш билан банд бўлган Аврангзеб бошда жануб томонга анчагача эътибор қаратмай юрди, маратҳалар ҳатто бобурийларга қарашли муҳим ўлкаларни босиб олишга ҳам улгуришди. Бироқ 1682 йилга келиб унинг ташқи сиёсатида кескин ўзгариш юз берди. Ҳаммаси подшоҳнинг ўғли Муҳаммад Акбарнинг отасининг ҳукуматига қарши қўзғолон кўтариб, маратҳаларнинг ҳукмдори Самбхужининг паноҳига қочганидан бошланиб кетди. Бу воқеа Аврангзебнинг сабр косасини тўлдирган охириги томчи бўлди. У шахсан Декконга қараб юришга, Самбхужини яқсон этиб, Муҳаммад Акбарни таслим этишга қарор қилди.

Маратҳаларга қарши тўрт йил (1682–1686) давом этган уруш деярли самарасиз кечди. Шунда подшоҳ уларга иттифоқчи бўлган Деккондаги шиа давлатини йўқ қилишга қарор қилди. 1685 йилнинг апрелида Аврангзеб Бижопур ҳудудига бостириб кирди ва шаҳарни узоқ қамал қилганидан сўнг келгуси йилнинг октябрида бу бой шаҳарни эгаллади. Абдуллоҳ Қутбшоҳнинг пойтахти саналган Гўлканда 1687 йилнинг январидида қамалга олиниб, ўша йил сентябрида таслим бўлди. Бижопур ва Гўлкандани қўлга олган Аврангзеб маратҳалар давлатига юриш бошлади. Қисқа вақт ичида жуда кўп маратҳа қалъалари, жумладан, Райгарҳ эгалланди. Муҳаммад Акбар Эронга қочишга мажбур бўлди. Самбхужининг ўзи бутун оила аъзолари билан қўлга олинди ва қийноқ-азоблардан сўнг 1689 йили қата қилинди.

Шундай қилиб, улуғ бобурийлар салтанати Аврангзеб даврида энг улкан давлатга айланди ва бутун Ҳиндистон ҳудудини қамраб олди. Бироқ юртларни фатҳ этиш иштиёқи шу билан сўниб қолди. Босиб олинган ерларни ушлаб қолиш бобурийлар салтанатига тобора қимматга тушар, бу иш ўта оғир вазифага айланиб борарди. Улар ўз қудрати ва шавкатининг чўққисига чиқишган бўлса-да, аммо салтанат шиддат билан ҳолсизланиб борарди. Подшоҳнинг узоқ вақт пойтахтда бўлмагани бошқарув марказий тизимини бузилиш сари етакларди. Давлат мансабдорлари орасида ришвахўрлик (порахўрлик) урчиб кетди. Айрим вилоятларнинг ҳокимлари куч тўплаб олиб, итоатсизлик кўринишларини намоиш қила бошлашди.

Аврангзеб салтанатининг аста-секин инқирозга юз тутаётганини кўриб-англаб турарди. Бироқ у бу жараённи тўхтатиб қолишга, ҳеч бўлмаганда, секинлатишга қодир ҳам эмас эди. Умрининг сўнгги йиллари ҳар томондан бош кўтараётган ганимларига қарши шиддатли жанглар, қонли урушлар билан ўтди. Маратҳалар унинг энг мурасасиз душманлари бўлиб қолди. Улар Самбхужининг укаси Ражамара атрофига бирлашиб, бобурийларга қарши чинакамига умумхалқ уруши бошлаб юборишди. Кўплаб партизан гуруҳлари салтанат қўшинларига мардларча ҳужум қилар, уларга бирор дақиқа тинчлик беришмас эди. 1690 йили саркарда Рустамхон бошчилигидаги бобурийларнинг улкан армияси маратҳалар томонидан яксон қилинди. Подшоҳ бир неча марта тоғли вилоятларга йирик миқёсда жазолаш юришлари уюштирди. Ҳисобсиз лашкарини жангга ташлаб, маратҳаларнинг кўпгина муҳим қалъаларини эгаллаб олишга эришди. Бироқ бир неча йилдан кейин мусулмон қўшинлар яна ҳиндлар томонидан улоқтириб ташланди. Самарасиз

урушлардан тинкаси қуриган Аврангзеб қаттиқ касал бўлиб қолди. 1705 йили унинг яхшигина ҳолдан тойган ўрдуси Аҳмаднагорга қайтиб кетди.

Аммо Аврангзеб ташқи ва ички сиёсатининг дастлабки муваффақиятлари салтанат пойдеворини мустаҳкамлаш учун етарли эмасди. Хусусан, бобурийлар олдинлари қўлаб келган ички сиёсатдан огиш мусулмон бўлмаган ер-мулк эгаларининг манфаатларига, айниқса, зид келиб, мавжуд қарама-қаршиликларни янада кескинлаштирди. Бинобарин, ҳинд феодалларининг олдинига ҳақ-ҳуқуқлари, кейин эса мол-мулкларига даҳл қилиниши, уларнинг давлат вазифаларидан четлатилиши одатий ҳолга айланиб қолган эди.

Аврангзебнинг ташқаридан равнақ топган бўлиб кўринган салтанати аслида, ичдан мустаҳкам эмасди. Шунингдек, баъзи чекка вилоятлардаги унга тобе, ҳукмдорлар подшоҳни чалғитиб, нима қилиб бўлса-да, бойлик орттириш билан овора эдилар. Натижада, мамлакатда юзага келган оғир вазият, қўзғолонлар ва вилоят ҳокимларининг ўзбошимчаликлари дарғазаб подшоҳнинг янги-янги қонли юришларига сабаб бўлди. Солномачи Хафийхоннинг маълумотида ёзилишича, “Салтанатнинг ақалли бирор вилоятида на жогирдор, на фоуждор (ҳарбий саркарда) ва на заминдор юрагида ҳукуматга нисбатан қўрқув туйғуси сезилмасди”.

Бунинг устига маратҳалар, сикҳлар ва ҳатто сунний мазҳабидаги афгонлар ҳам бош кўтардилар. Ўз эркига қўйиб берилган сикҳларнинг сони ортиб, йирик диний ва ҳарбий кучга айланиши хавотирли тус олди. Аврангзебнинг тўққизинчи Гуруни жазога тортиши сўнгги ўнинчи Гуру Говинда бошчилигида кўтарилган қўзғолон билан тугади.

## ЎРДУДАГИ ИСЛОҲОТЛАР

522

Ҳар бир ҳукмдор ўз салтанати сарҳадлари мустаҳкам-лигини таъминлаш учун, энг аввало, ўрдусини (армияни) кучайтиришга, уни қурол-аслаҳа, улов билан таъминлашга, аскарларнинг жанговарлиги ва маҳоратини оширишга эътибор қаратади. Бобурийлар сулоласининг доно ва тадбирли ҳукмдори Аврангзеб Оламгир ҳам салтанат ҳудудини кенгайтириш мақсадидаги ҳарбий юришларни бош-лашдан аввал ўз ўрдусида бир қанча ислоҳотлар ўтказди. Унинг қудратли ва жангларда тобланган қўшини туб аҳоли, туркий ва бошқа миллат вакилларида ёлланма аскарлардан иборат эди. Мусулмон аскарлардан ташкил топган қўшин салтанатнинг асосий ҳарбий кучи ҳисобланган. Туб халқ ҳисобланган ҳинд аскарлар аҳамияти жиҳатидан мусулмонлардан кейинги ўринда турган. Тарихчи Ф.Бернъенинг маълумот беришича, туб аҳоли вакилларида иборат бўлган аскарларни рожалар (Ҳиндистондаги феодал ҳукмдорлар) бошқарган. Аврангзеб Оламгир давлатида юзга яқин йирик рожаларни санаш мумкин эди. Уларнинг орасида беш-олти нафар шундай рожалар бўлганки, уруш даврида бу саркардалар йигирма минггача бўлган отлик ражпутларни сафга чиқара олганлар.

Рожаларни итоатда ушлаб туриш учун муқобил қўшин сифатида Аврангзеб Оламгир ихтиёрида турклар, форслар, араблар ва оврупаликлар (инглизлар, португаллар, голландлар, немислар, французлар)дан ташкил топган ёлланма аскарлар ҳам бўлган. Аврангзебнинг асосан туркий мусулмонлар тўпланган қўшини от минишда барчадан моҳир, тиг санчиш, кесиш ва чопиш орқали бериладиган зарбаларда, шунингдек, камондан ўқ узишда жуда абжир бўлган. Улар жанг пайтида филлардан ҳам маҳорат билан фойдаланишган. Аврангзеб пиёда аскар-

ларининг маълум бир қисми пилта милтиқлар билан қуроолантирилган бўлса-да, мерганликда уларни унча моҳир, чапдаст деб бўлмас эди. Оғир артиллерия асосан чўяндан қуйилган етмишта катта тўпдан иборат бўлган. Аврангзебнинг нисбатан кўп сонли енгил артиллерияси туяларда ташилган. Кўшин ихтиёрида бир неча ўнлаб бронза замбараклар бўлиб, улар махсус араваларда олиб юрилган. Саркарда кўшини дарёлардан кечиб ўтишда вақтинча қурилган кўчма кўприк – понтонлардан ҳам фойдаланган.

Аврангзебнинг ёлланма аскарлардан иборат бўлган кўшини асосан икки қисмга бўлинган: биринчиси – ҳаммиша шоҳнинг ёнида, пойтахтда хизмат қилган. Иккинчи қисми эса маҳаллий рожалар ва амирларни итоатда ушлаб туриш мақсадида вилоятларга жойлаштирилган. Деҳли ва Агра шаҳарларида икки-уч минг атрофида миниладиган ажойиб отлар, саккиз юз-тўққиз юзтача фил, кўплаб туя, от, буқа ва хачирлар ҳарбий ҳаракатларга доимо тайёр турган. Шуниси аҳамиятлики, буюк саркарда Аврангзеб Оламгир катта юришлар вақтида икки юз-уч юз минг нафар ҳақиқий ҳарбийларни тўплай олган.

## САЛТАНАТНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙЎЛИДА

Аврангзеб Оламгир ўзининг буюк фатҳ юришларини Ҳиндистоннинг шарқий ҳудудларидан бошлайди. 1661–1663 йилларда Аврангзеб бошчилигидаги кўп сонли лашкар Ассам ўлкасини босиб олади. 1666 йилда Банголадаги порт шаҳар Читтагонг ва унга туташ бўлган ҳудудлар ҳам жанг билан эгалланади. Буюк саркарда салтанатнинг шимолидаги Қандаҳор ва Балхни форслардан қайтариб олишга яна бир бор ҳаракат қилади.

Хуллас, 1680–1681 йилларгача Аврангзеб асосан шимолий-ғарбий ва шимолий-шарқий Ҳиндистондаги ҳарбий-сиёсий ҳаракатларда фаол иштирок этади. У бу ерда айрим исёнкор ражпутларга қарши жанглар олиб бориш ҳамда Ҳиндистоннинг шарқий ва ғарбий чегараларини мустаҳкамлаш билан овора бўлган.

Жанубий Ҳиндистонни фатҳ этиш секинлик билан борарди. 1686–1687 йилларда Аврангзеб Бижопурни ва олмос конларига бой Гўлкондани эгаллади, бу қалъани кенг миқёсда қамал қилиш муваффақиятли тугади. Аврангзебнинг узоқ ва зафарли ҳукмронлиги салтанатнинг гуллаб-яшнаши ва фатҳларнинг чуққига чиқиши даври бўлди. Бу пайтда бобурийлар салтанати энг жанубий минтақадан ташқари Танжавурдан Тируччирапаллигача бўлган бутун Ҳиндистон ярим оролини қамраб олган эди.

Худди шу даврда бобурийлар салтанатининг яна бир ганими пайдо бўлди: Матхур деҳқон-жатлари ва Панжоб сикҳлари бобурий подшоҳларнинг душманига айланишган эди. Бунга уларнинг диний раҳнаmolари Аржуннинг Жаҳонгирнинг фармониغا биноан қатл этилиши сабаб бўлди.

Аврангзеб ҳукмдорлигининг охирига келиб, айрим вилоятларда унга қарши исёнлар бошланиб кетди. Бу 1680 йилдан кейин Аврангзебнинг айрим ўлкаларда Ислом динини қурол кучи билан ёйиш сиёсатидан норозилик туфайли юзага келганди. 1681 йилнинг январида Аврангзебнинг Ражпутандаги ўрдусида бир йилдан буён қўмондонлик қилаётган тўртинчи ва сеvimли ўгли шаҳзода Султон Муҳаммад Акбар исён кўтарди. Исён ражпутлар йўлбошчилари томонидан ташкил этилган ва қўллаб-қувватланган эди. Аммо кўп ўтмай исён бостирилди ва шаҳзода Самбхажини маратҳалари олдига қочиб борди.

1689 йилдан 1707 йилгача Аврангзеб доимий равишда бобурийлар армиясининг ҳарбий ҳаракатларига бевосита бош бўлган. Мамлакатнинг турли ҳудудларида тез-тез халқ қўзғолонлари, ҳокимлар фитнаси ҳамда амалдорлар исёни кўтарилиб турган. Ушбу мураккаб ҳарбий-сиёсий вазият туфайли салтанат парчаланиб кетиш ёқасида турган бўлса-да, Аврангзеб ўзининг саркардалик истеъдоди ҳамда тинмай олиб борган чора-тадбирлари натижасидагина давлатнинг яхлитлигини бирмунча вақт сақлаб қола олган.

1690 йилга келиб Аврангзеб салтанати ўзининг энг юқори чўққисига чиққан эди. Бутун Ҳиндистон ўлкаси Аврангзеб Оламгирнинг оёқлари остида турар эди. Афсуски, бу ҳолат узоққа чўзилмади. 1700 йиллардан бошлаб Аврангзеб салтанатининг денгиз соҳилида оверупаликларнинг савдо компаниялари пайдо бўлади. Бу компаниялар замонавий ўқотар қуруллар билан таъминланган қўшинга ҳам эга эди. 1700 йилда Бенгалияда инглизларнинг таъсир доираси кучайиб кетади. Аврангзеб Оламгир салтанатига қутқу солиб турган бу таҳдидни англаб етади ва умрининг охирларида қўшинга эга бўлган инглиз савдогарларини порт шаҳар Бомбайдан ҳайдаб чиқаришга ҳаракат қилиб кўради. Аммо унинг бу ҳаракати муваффақиятсизликка учрайди.

Тахтни мустаҳкамлаш учун курашда Аврангзебга Мир Жумла катта ёрдам кўрсатган эди. Ҳукмдорликни қўлга киритган Аврангзеб омма орасида таъсири кучли бўлган мансабдор Мир Жумлани пойтахтдан узоқлаштириб, Бенгалияга ҳоким қилиб жўнатди. Бу ерда Мир Жумла фаолиятини кучайтириб юборди. У ўзига қўшни бўлган Ассамга қарашли Ахомни босиб олди. Мир Жумланинг вафотидан сўнг ассамликлар қўзғолон кўтариб, бобурийларнинг лашкарларини мамлакатларидан ҳайдаб чиқаришди.

Аврангзеб ўзининг узоқ давом этган ҳукмронлиги даврида гоҳ шимолдаги, гоҳ шарқдаги юртларга қўшин юборар, гоҳо эса мунтазам чиқиб турган қўзғолонларни бостиришга ҳаракат қилар эди. Унинг қўшини тобора катталашиб борарди, ўшанда 170 минг отлик суворийси, бир неча юз минглик пиёда қўшини бор эди. Аммо шу билан бирга, унинг ўрдусида жанговарлик хусусиятлари пасайиб борарди. Аврангзеб кўпинча ҳарбий маҳорат билан эмас, қўмондонларни ўз томонига ағдариб олиш ҳисобига зафар қозонарди. Бунинг учун эса унга катта маблағ керак бўларди.

Ҳарбий саркардалар ва ўрдунинг фуқаролардан иборат хизматчилари Аврангзеб даврида олдингидан кўпайиб кетди ва ҳатто уларга жогир тақсимлашда ер майдонлари етмай ҳам қолди. “Жогир” сўзининг лугавий маъноси “жой ол” бўлиб, жогир ерлари подшоҳ томонидан саркардалар ва амалдорларга ҳарбий ҳамда давлат ишларида кўрсатган хизматлари эвазига ҳады сифатида, меросхўри бўлмаслик шарти билан берилган. Аслида, жогир эгаларига ернинг ўзи эмас, балки ундан олинадиган рента солиғи ҳады қилинган. Бунинг эвазига жогирдор муайян миқдордаги қуролланган отлик, бўлинмалар, қурол-аслаҳалар, уларни ташувчи улов воситалари, шунингдек, кўприк, қалъа, сугориш иншоотлари қуриш-таъмирлаш мажбуриятини олган. Тинимсиз давом этган ҳарбий юришлар оқибатида жогирдорлар қашшоқлашиб, етарли миқдордаги отлиқларни ушлаб туришда қийналиб қолишди. Илгаригидай жогирдор вафотидан сўнг унинг бор мол-мулки узил-кесил ҳисоб-китобдан сўнг хазинага келиб тушарди. Бу ишга узоқ вақт кетгани учун жогирдорлар бунинг ўрнига хазинадан маош белгилашни талаб қила бошладилар. Аммо ҳукмдор бунга розилик бермади.

Хазинаси қуриган подшоҳлик, даромадининг каттагина қисмидан ажраган жогирдорлар ва узоқ вақт маошсиз қолган ўрду – ҳаммалари ўз ишларини асосан деҳқонлар ҳисобига ўнглаб олишга ҳаракат қила бошлашди. Акбар Шоҳ пайтида ҳосилнинг учдан бири миқдорида ер солиғи олинган бўлса, Аврангзеб даврига келиб ҳосилнинг ярми солиққа кетадиган бўлди. Бошқа солиқлар ҳам пайдо бўлди. Деҳқонларга солинадиган солиқ миқдори қанчалик кўпайса, уни ундириш ҳам шунчалик қийинлаша борди. Кўп жойларда деҳқонлар хўжаликларини юрита олмай, ўрганган жойларини ташлаб кета бошлашди. Ўша даврнинг солномаларида синиб-хароб бўлган ва ташлаб кетилган қишлоқларнинг аҳволи ҳақидаги шикоятлар жуда кўп учрайди.

Бутун огирлик қолган деҳқонларнинг зиммасига тушди. Шунинг учун ҳали у вилоятда, ҳали бунисида очарчилик юзага келарди. Айниқса, 1702–1704 йилларда Декконда бўлган қаттиқ очарчилик икки миллион кишининг ҳаётига зомин бўлди. Иқтисодий аҳволни фақат солиқларни камайтириш ҳисобига ва деҳқонларнинг меҳнатини оз-моз фойда келтирадиган қилибгина ўнглаш мумкин бўларди. Аммо подшоҳ ўрду харажатлари учун маблағ топишни солиқ огирлигини камайтиришдан устун кўрди. Заминдорлар эса, аксинча, деҳқонларга нисбатан солиқ талабини тобора кучайтириш билан банд эди.

## МАРАТҲАЛАРГА ҚАРШИ УРУШААР

1675 йили Исломни қабул қилишдан бош тортган Тег-ха Баҳодирнинг қатл қилиниши сикҳларнинг Аврангзебга қарши қуроли қўзғолон кўтаришига сабаб бўлди. 1680 – 1681 йиллардаги ражпутлар қўзғолонига эса подшоҳнинг Акбар исмли кенжа ўғли қўшилиб қолди. Яна бир ҳинд қабиласи – маратҳалар бутун Деккон бўйлаб қасоскорлик уруши бошлаб юборишди. Уларнинг қалъаларини тинимсиз қамал қилиш бобурийларнинг хазинасини қуритиб ташлаган бўлса ҳам айтарли, натижа келтирмади.

Маратҳалар доҳийси Шохжи Декконда муҳим сиёсий кучга эга бўлган. У ўз аскарлари билан гоҳ Аҳмаднагор, гоҳ Бижопур султонлари хизматига кириб, Пуна ва Мавала ерларига эга бўлиб олди. Унинг ўғли Шиважи эса маратҳа жангчиларидан қўшин тўплаб, маратҳаларнинг таниқли аслзодаларига қарашли қалъаларга ҳужум қилар, куч ишлатиб, кўпроқ ҳийла билан уларни қўлга киритарди.

Аврангзеб маратҳаларга қарши шиддатли уруш олиб борди. Уларга 1674 йили маратҳалар давлатини тузган ёш иқтидорли саркарда Шиважи бош бўлган. Маратҳалар Ҳиндистон жанубидаги қишлоқ аҳолисидан келиб чиққан ҳинд қабиласи эди. Улар бобурийларга қарши урушган Аҳмаднагор ва Бижопур султонларининг доимий иттифоқчилари бўлишган. Ўз мансабини эгаллагунга қадар Шиважи Бижопур султонига хизмат қиларди. Ҳукмдор бўлиб, ўз ўрдусига қўмондон бўлгач, Шиважининг Жанубий Ҳиндистон султонлари ва бобурийлардан иборат мусулмон фотиҳларга қарши чиқишга ҳадди сигди. Шиважи ўта қаттиққўл саркарда эди, у ўзига бўйсунмаган шаҳар ва қишлоқларни ҳеч иккиланмай яқсон қиларди.

Шиважининг кучайиб кетиши Бижопурнинг осойишталигини бузди. Подшоҳ 1658 йили кекса Афзал-

хон бошчилигидаги катта қўшинни маратҳаларга қарши юборди. Тор дарада ўз ўрдусининг ҳаракат қилиши қийинлигини, маратҳалар бу ерда афзалликка эгаллигини тушунган Афзалхон бир тепалик устига дўстона учрашувга таклиф қилди. Бу ерга фақат иккала қўмондон чиқиши керак эди. Афзалхон Шиважини қучоқламоқчи бўлиб, энгида яшириб келган ханжарни унга тиқишга уринди. Лекин Шиважи совут кийиб олгани учун ўлимдан омонда қолди. Кейин унинг ўзи Афзалхонни қучмоқчи бўлиб, энгидаги темир “тирноқ”ни унга ботирди. Сўнг тепалик ортида яшириниб турган аскарларини чақирди ва улар бобурий саркарданинг бошини танасидан жудо қилишди. Қўмондонсиз қолган Бижопур жангчилари яксон қилиб ташланди. Шундан сўнг маратҳалар Бижопурга ҳужумлар уюштиришиб, у ердан катта ўлжалар билан қайта бошлашди.

Аврангзеб ўзи нафрат билан “тоғ каламушлари” деб номлаган маратҳаларни йўқ қилиш мақсадида уларга қарши Шойистахон бошчилигида қўшин юборди ва Пунани эгаллади. Лекин Шиважининг тундаги қўққис ҳамласи натижасида Шойистахон қўшини янчиб ташланди ва жон талвасасида турган жойидан қочишга тушди. Бобурий аскарлар ортга чекинишди. 1664 йили Шиважининг яхши қўриқланмаётган Сурат портига ҳужум қилиши натижасида савдогарлар талон-тарожга учради, уйлар ва мол омборлари вайрон бўлди ва бутун Гужарот тижорати издан чиқди, бу ҳодиса салтанатга оғир зарба бўлиб тушди.

Шунда Аврангзеб Шиважига қарши ўзининг энг яхши саркардаларидан ражпут Жай Сингхни юборди. Шиважи таслим бўлишга розилик билдирди. У 1665 йили Пурандхар тинчлик сулҳини тузиб, ўзининг йирик қалъаларини бобурийларга берди ва ўзи ҳам уларнинг хизматига кирди. Жай Сингх маратҳаларнинг доҳийси-

ни Аграга, унга омонлик ваъда қилган подшоҳ ҳузурига таъзимга боришга кўндирди. Бироқ салтанат пойтахтига келган Шиважи ва унинг ўғлини подшоҳ ҳибсга олди. Улар минг машаққат билан қамоқдан қочишга муваффақ бўлишди. Ватанига қайтган Шиважи 1670 йили ўз ҳужумларини қайтадан бошлади. У иккинчи марта Сурат портини талади, унинг иқтисодий аҳамиятини сўндирди, чунки нотинч бўлиб қолган портга хорижий юртларнинг савдогарлари ва кемалари киришга қўрқиб қолди.

Бижопур, Берар, Хандеш, Гужарот, Карнатик вилоятлари Шиважи ҳужумларининг саҳнасига айланиб қолди. Унинг эпчил чавандозлари тез ҳаракатланиши билан машҳур эди. Улар бобурийларнинг қўшинларига ҳужум қилгач, ўлжаларни қўлга киритиб, яшин тезлигида кўздан ғойиб бўларди. Ўша пайтдаги барча ҳинд ўрдулари каби Шиважи қўшини ҳам асосан ёлланма аскарлардан иборат эди, уларга давлат хазинасидан пул тўланарди. Аммо бир йилда саккиз ой мобайнида бўладиган ҳарбий юришлар чоғида аскарлар ҳам, қўмондонлар ҳам маош олишмасди, ўрду аҳоли ҳисобига кун кўрарди. Душман ўлкаларнинг аҳолисидан фарқли равишда маратҳа деҳқонларини талаш тақиқланган эди. Ёмғир мавсуми бошланиши билан уйга қайтган ўрду барча қўлга киритган ўлжаларини хазинага топширишга мажбур эди. Шунда ҳар бир жангчига ҳиссасига қараб пул тақсимланар, ортгани хазинага бериларди.

1674 йили Шиважи Пунада тантанали равишда тож кийиб, бобурийлардан ва Бижопурдан мустақил бўлган маратҳалар давлатини тузди. Бу эса келгиндиларнинг зулмидан халос бўлган маратҳаларнинг миллий ғурурини жўштириб юборди. Шиважи маратҳаларнинг асосий вилоятларини қамраган Махараштрада деҳқонлардан нисбатан енгил солиқ олинишини йўлга қўйди: хазинани

у ўлжалар ва чаутха солиғидан келадиған тушумлар ҳисобига тўлдиради. Чаутха бобурийларга хирож тўлайдиган вилоятлардан олинадиған солиқнинг тўртдан бирини ташкил қиларди.

Шиважи 1677 йили Гўлконда билан иттифоқ тузди ва Карнатикка босқин уюштиради. Ўрду ортидан талончилар тўдаси борар, юртларни талон-тарож қилишни улар охирига етказарди. Маратҳаларнинг яқинлашиб келатганини эшитган тинч аҳоли ҳамма нарсасини ташлаб қочарди. Маратҳалар ўрдуси бу ерга босқинчилар сифатида кириб келарди.

Шиважининг сафдошлари миллий ғоя ва ўз халқининг диний озодлиги учун кураш олиб борар, моддий манфаатни четга суриб қўйган эди. Агар улар бобурийлар қўшинида хизмат қилганида ҳозиргидан анча кўп пул топган бўлишарди. Кейинчалик ер ва ҳокимиятни қўлга киритгач, фақат ўз манфаатини ўйлайдиган оддий мулкдорларга айлана бошлашди. 1680 йили Шиважи вафотидан сўнг, унинг ишини ўғли Самбхажи давом эттиради. Кейинчалик у ҳам Аврангзеб томонидан қўлга олиниб, қатл қилинди.

Шиважининг ўлиmidан кейин маратҳалардаги ер эгаларининг имкониятларини чекловчи фавқулодда қонунларга деярли амал қилинмай қўйилди. Маратҳа саркардалари ҳарбий ўлжаларнинг каттагина қисмини ўзларига ола бошлашди ва шу тариқа маратҳа жангчилари ва ҳарбий қўмондонлари ўртасидаги муносабат кун сайин кескинлаша бошлади. Самбхажи ва унинг аъёнлари ҳарбий ҳаракатлар ўрнига кўпроқ кўнгилхушликлар ва ўйин-кулги ҳақида ўйлай бошлашди. Маратҳаларнинг 1680–1682 йиллардаги ҳабашларнинг Сидди сулоласи қўл остида бўлган Жонжир оролини босиб олиш ва 1683 йили португалларнинг Чдул портини эгаллашга бўлган

уринишлари чиппакка чиқди. 1689 йилда бобурий салтанат қўшинлари кутилмаганда Самбхажининг қароргоҳига ҳужум қилишди, бунинг натижаси Самбхажи ва ўғли Шахунинг асирга тушиши билан якун топди. Шундай қилиб, Махараштра яна бобурийлар салтанати тасарруфига ўтди.

Маратҳалар давлати қулаганидан сўнг, уларнинг қаршилик ҳаракатлари кучайди ва бу кейинчалик чинакам халқ урушига айланиб кетди. Шиважининг кенжа ўғли Ражарам маратҳаларнинг расмий ҳукмдори сифатида Жинжида яшар, бу эса маратҳаларнинг саркардалари ҳаракатларига қонуний тус бериб турарди. Бироқ маратҳа қўшинлари аста-секин аввалги шавкати ва қиёфасини йўқота бошлади. Маратҳаларнинг кўплари бобурийлар хизматига кирди. Маратҳа лашкарбошилари орасида зиддиятлар чиқа бошлади, булар баъзида қонли тўқнашувлар билан якунланди. Маратҳалар ўрдуси ягона жанговар куч бўлиш имкониятини қўлдан бой берди.

Аврангзеб ўрдуси маратҳаларнинг айрим гуруҳлари билан жангга кириб, уларнинг қалъаларини қамал қила бошлади. Лекин маратҳаларнинг қалъаларини зафар билан қўлга киритиш ҳам бобурийларга фойда бермади: уларнинг аскарлари кичикроқ қўшинни қолдириб, пойтахтга қайтиши биланоқ маратҳалар қалъани қайтадан эгаллаб олишарди. Ҳинд тарихчиларидан бирининг чиройли ўхшатишига кўра, Аврангзебнинг ҳаракатлари дарёдаги қайиқнинг изларига ўхшаб кетарди: қайиқ ўтиб кетиши билан сув яна ўз ўрнини эгалларди.

## ЭЪТИҚОД САРЧАШМАЛАРИ

Бобурийларнинг Ҳиндистондаги ҳукмронлигини тарихчи ва мутахассислар ўша даврдаги вазиятдан келиб чиқиб турлича баҳолашади. Уларнинг айримлари мусулмон ҳукмдорларни буюк маърифатпарвар ва адолатли подшоҳлар деб баҳоласа, бошқалари наздида улар шафқатсиз мустабид ва золим подшоҳлардир. Аммо бобурийлардан бирортаси 1658 – 1707 йилларда салтанат тахтида бўлган Аврангзеб Оламгир каби ўтмиш ва ҳозирги тарихчиларнинг қарама-қарши, бир-бирига зид баҳоларига муносиб кўрилмаган. Ҳиндлар ва сикҳлар уни эркинликни жиловлаб қўйган, халқни зулм кишанларида тутиб турган қаттиққўл, шафқат билмас император деб ҳисоблашган. Мусулмон бўлмаган муаррихлар наздида у ҳинд бутхоналарини буздириб ташлаган, ғайримусулмонларни таъқиб ва тазйиққа олган шафқатсиз раҳбар сифатида талқин қилинган. Мусулмонлар учун эса Аврангзеб олижаноб, тақводор ва адолатпарвар султон бўлган. Тарихий ҳақиқатга хиёнат қилмаслик учун бу масалага инсоф билан ёндашилса, ҳукмдор ҳақида салбий фикрларни келтирган тарихчилар унга баҳо беришда кўпинча ўша даврдаги ижтимоий-сиёсий ҳолатни эътиборга олмаганлари ёки шахсий манфаатлар нуқтаи назаридан ёндашганлари ёхуд шунчаки бирёқлама фикр юритганлари маълум бўлади.

Аслини олганда, Аврангзебнинг ҳиндлар ва сикҳларга муносабати умуман унинг эътиқодига ёки истак-хоҳишига боғлиқ бўлмаган. У маҳаллий халқ вакилларига яхши муносабатда бўлган, уларнинг урф-одатлари ва эътиқодларини қаттиқ ҳурмат қилган. Унинг саройида ўнлаб ҳиндлар мансабларни эгаллашган, маслаҳатчилик қилишган. Тарихчиларнинг эътирофича, Аврангзеб са-

ройида хизмат қилувчи мусулмон бўлмаган амалдорлар бобурий ҳукмдорлар ичида энг бағрикенги ҳисобланган Акбар саройидагидан анча кўп бўлган. Аврангзеб ўрду-сида ҳам ҳиндлар ва сикҳлар кўпчиликни ташкил этиши инобатга олинса, уни ўз фуқароларининг хизматлари-ни тан олмайдиган диний мутаассиб деб аташ ҳам хато бўлар эди.

Иккинчидан, исёнларга аралашиб қолган ҳинд ман-сабдорлари айбини тан олиб тавба қилса, улар афв эти-либ, аввалги мавқеи тикланган. Боз устига, улар вафот этса, оила аъзолари маош ва бошқа турдаги моддий ёр-дам билан таъминланган. Буни биргина Аврангзебнинг ашаддий душмани Сабанҳо зурриётлари ва укалари тақдири мисолида ҳам кўриш мумкин: “Сабанҳо қўлга туширилмасдан аввал Эътиқодхонга ёвузнинг ватани ва гўри (бўламиш) Роҳири қалъасини босиб олишга рухсат этилган эди, ушбу зафармазмун йилнинг ўн бешинчи муҳаррамида мазкур қалъа давлат волийларининг тасар-руфига киритилди. Ва у паст ҳамда беном хонадонининг барча хотин-қизлари, унинг ўғиллари ва ул лаънатининг қувилган укаси Роно асирга тушдилар. Ғарибпарвар ва ожизнавоз хоқоннинг ҳукми чиқдики, Сабанҳонинг онаси, Сивонинг хотини ва ул жаҳаннам маконга тегиш-ли кишиларга хазинадан эҳтиёжларига яраша таъминот белгиланиб, ҳар бир киши йиллик маош (тайинланиши) билан эъвозланди. Сабанҳонинг тўққиз ёшли катта ўғли Соҳу етти минг суворли мансаб, рожалик хитобига сар-фароз этилиши ҳамда хилъат ва олтин суви юритилган жамдҳар ва от ва фил ва нақора ва байроқ (иноят қили-ниши) билан барча рожалар орасида иззат байроғини баланд кўтарди. Унинг укалари Надн Сингҳ (Бади Син-гҳ) ва Удху Сингҳ мансаб ва илтифотлар билан эъвозла-ниб (уларга) навозишлар кўрсатилди. Ҳукм бўлдики, улар ўз она ва бувилари ҳузурида бўлсинлар”.

У ҳолда Оламгир ўз ҳукмронлиги даврида нима учун ҳиндлар ва сикҳларнинг ибодатхоналарини буздиришга йўл қўйди, янгиларини қуришни тақиқлаб қўйди? Бу нарса исбот талаб қилмайдиган тарихий ҳақиқат бўлиб, буни оқлаш ҳам анча мушкул иш. Чунки Ҳиндистонга кириб келган ислом дини тамойилларида ибодатхоналарнинг дахлсизлиги кафолатлаб қўйилган эди. Муҳаммад ибн Қосим бошчилигида 711 йили Ҳиндистонга кириб келган мусулмонларнинг биринчи ўрдуси ҳам ҳиндлар ва буддавийларга эътиқод эркинлиги ҳамда ибодатларни муҳофаза қилишга ваъда берган эди. Уч юз йил мобайнида улкан салтанатни бошқарган бобурий ҳукмдорлар ҳам худди шу сиёсатга содиқ қолишди. Унда Аврангзеб диний озчиликни ҳимоя қилиш ҳақидаги Ислом қонунларининг бузилишига нега йўл қўйди?

Персивал Спиар қаламига мансуб “Ҳиндистоннинг мухтасар тарихи” асарида Аврангзеб шахсияти ва давлатчилик фаолияти нисбатан ижобий баҳоланган: “Аврангзеб давлат сарҳадларини хийла кенгайтирди. У қаттиққўл бўлганидан эмас, балки йўлбошчилик тажрибаси ва бошқарувнинг самарадорлиги туфайли муваффақият қозонди... Унинг маҳаллий аҳолига муносабати Акбарнинг муросасозлигидан фарқ қилса-да, унинг “муросасизлиги” ҳақидаги тасаввурлар Банорас ибодатхонаси ўрнида барпо этилган масжид воқеасига асосланган эди, холос”. “Маъосири Оламгирий” асарида эса, Аврангзебнинг ҳиндлар ибодатхоналарини буздириши фақат Банорас ибодатхонаси билангина чекланмагани қайд этилган. Аммо бу ҳукмдорнинг ҳиндлар ва уларнинг эътиқодига бўлган муносабатини англатмайди. Зеро, воқеанавис Муҳаммад Мустаидхон Соқий фикрича, фуқаролик масъулиятига бефарқ ёхуд норози ҳиндларга қўлланган жазолар муайян даражада чекланган, кези келганда, гуноҳкорлар афв этилган.

Аслида, ҳукмдор бу борада Ислоҳ қонунларига асло зид иш қилмаган эди. Бунинг устига у 1659 йили Ислоҳ нуқтаи назаридан ибодатхоналарни таҳқирлаш мумкин эмаслиги ҳақида шахсан шундай ёзган эди: “Шариатга кўра, қадимий ибодатхоналарни бузишга йўл қўйилмайдди...” Агар Аврангзеб ибодатхоналарни диний сабабларга кўра буздирмаган бўлса, унда нима учун шундай қилинишига йўл қўйди? Бу саволнинг жавоби мазкур ибодатхоналарнинг милодий ўн еттинчи асрдаги сиёсий аҳамиятига бориб тақалади.

536

Ҳиндлар ва сикҳларнинг ибодатхоналари мусулмонларнинг масжидларидан фарқли равишда фақат ибодат жойлари бўлибгина қолмай, улар сиёсий аҳамиятга ҳам эга эди. Улар сиёсий марказ ва давлат мулки ҳисобланар, диний раҳбарлари эса давлат хизматида туришарди. Баъзи масалаларда ҳиндларнинг қўллаб-қувватлашларидан умид қилган бобурий ҳукмдорлар, ҳатто улар қўл остида бўлмаган ҳудудларнинг ҳинд подшоҳлари ҳам ибодатхоналардаги аҳолини тарғиб қилишда дин ходимларига суянишар эди. Аслида, ибодатхоналар оддий диний бино бўлмай, айна пайтда кучли сиёсий таъсир қуроли ҳам эди. Мана шу нуқтаи назардан келиб чиқилса, Аврангзебнинг айрим ибодатхоналарни буздиришга буюргани сабаблари бироз ойдинлашади. Ҳукмдорнинг бутун Ҳиндистондаги ҳинд ибодатхоналарини сўраб-суриштирмай бирваракайига буздиргани ҳақида ҳеч қандай исбот-далил йўқ. Аврангзеб кўп сонли ибодатхоналардан баъзиларинигина, шунда ҳам диний сабабдан эмас, сиёсий сабаблар туфайли буздирган.

Аврангзебнинг отаси Шоҳ Жаҳон даврида ҳукмдорларнинг ҳашамга ўчилиги ва бунинг оқибатида давлат хазинаси бўшаб қолиб, бутун огирлик халқ оммаси бошига тушганидан кўплаб ҳокимлар ва маҳаллий дин арбобла-



ри бобурийлар ҳукуматига қарши қўзғолон кўтаришга қарор қилишди. Ана шу қўзғолонлар тақдир тақозоси билан Аврангзеб ҳукмронлиги даврига тўғри келиб қолди. Салтанатнинг бир бурчида қўзғолон кўтарилгудай бўлса, ўз-ўзидан ўшга ердаги ибодатхона табиий равишда бунинг сиёсий марказига айланиб қолган. Шунинг учун ҳам қўзғолончиларнинг етакчилари ва уларнинг қўзғолончиларга таъсир ўтказиш ўчоғи бўлмиш ибодатхоналар мавжуд экан, улар бобурийлар салтанатига хавф солаверган.

Шу тариқа подшоҳ ҳукмронлигига қарши норозилик исёнларини бостиришда уларни “йўргаклаб эмизган” ибодатхоналар ҳам йўқ қилинган. Масалан, 1669 йили Аврангзебнинг сиёсий мухолифи Шиважи бошчилигида Банорасда кўтарилган қўзғолонда унга маҳаллий ибодатхона сиёсий таянч бўлиб хизмат қилган. Аврангзеб Шиважини қўлга туширгач, мавжуд ҳокимиятга қарши сиёсий ғанимларни ёллашда фойдаланилган Банорас ибодатхонасини буздириб ташлади. Бошқа бир мисол: Матхурда 1670 йили бўлган қўзғолон чоғида жаттилар маҳаллий имомни ўлдиришди. Қўзғолонни бостириш мақсадида Аврангзеб бу гал ҳам исённинг мафкуравий маркази бўлган ибодатхонани бузишга фармон берди.

Умуман ҳинд ибодатхоналарини йўқ қилиш сиёсати айрим тарихчилар иддао қилганларидай, Аврангзебнинг бошқа динларга муросасизлиги билан эмас, балки ҳукмдорга хиёнат қилган ҳинд амалдорларини жазолаш воситаси бўлгани билан аҳамиятлидир. Ҳукмдорнинг ноҳолислиги сабаби қилиб кўрсатилган “Масжидлар бузилмади-ку” маъносига эътирозларга жавоб шуки, бошқа ибодатхоналардан фарқли ўлароқ, улар ҳеч қачон сиёсий муассаса бўлиб хизмат қилмаган.

Сиёсий мухолифларининг қароргоҳи бўлмиш ибодатхоналарни йўқ қилиш сиёсати кўпчиликка ёқмаган

бўлса ҳам, уни диний мутаассибликда айблашга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Аксинча, у ўта диндор ҳукмдор сифатида фақат Ислом дини тамойилларига риоя қилган ҳолда ҳаракат қилишга бор кучи билан интилган. Аммо бу нарса диний мурасасизликка сабаб бўлмаган, чунки Аврангзеб Ислом дини талаб қилганидай, мусулмон бўлмаган халқларни ҳимоя қилиш қондасига тўла амал қилган.

Аврангзеб даврида бир юз эллик ёшли салтанат ўзининг энг гуллаб-яшнаган даврини бошдан кечираётган эди. У Ҳиндистон ярим оролининг каттагина қисмини эгаллаган, муболағасиз айтиш мумкинки, дунёдаги энг бой мамлакатлардан эди. Аврангзебнинг бош мақсадларидан бири бобурийлар салтанатида ҳақиқий исломий бошқарувни жорий қилиш бўлган. Олдинги ҳукмдорларнинг барчалари мусулмон бўлсалар-да, ҳаммалари ҳам мамлакатни Ислом шарияти асосида бошқаришдан йироқ эди. Масалан, унинг бобокалони Акбар Биринчи шахсий ҳаётда ҳам, давлат ишларида ҳам Исломга алоқаси бўлмаган диний анъаналар ва урф-одатларга риоя қилар, бу билан мунтазам равишда Исломга зид йўл тутар эди. Аммо болалигидан диний тарбия, таълим олган, эътиқоди мустаҳкам Аврангзеб исломий бошқарув тарафдори эди.

Буюк саркарда Аврангзеб ҳукмронлиги Ҳиндистонда бобурийлар салтанати тарихида энг юқори чўққи ҳисобланади. Аниқроқ қилиб айтганда, Аврангзебдан олдин ҳам, ундан кейин ҳам ҳеч бир бобурий ҳукмдор Ҳиндистонда у каби муваффақият ва ютуқларга эриша олмаган.

Бобурий подшоҳлар даврида Ҳиндистонда асосий давлат дини Ислом бўлишига қарамай, ҳиндикуйлик, буддавийлик эътиқодларининг тарафдорлари ҳам, айрим ҳолларни истисно қилганда, деярли таъқиб остига олинмас эди. Мусулмонларнинг ўзлари ҳам сунний

ва шиаликка бўлинган, бундан ташқари муҳаддислар, маҳдавийлар каби бир неча мазҳаблар бўлган. Ўша пайтдаги бобурийлар салтанатида тасаввуф ҳам кенг тарқалган, унинг ёйилишида ҳукмдорларнинг ўзлари ташаббускорлик қилишган. Масалан, сўфийликнинг Бобуршоҳ ҳукмронлиги даврида кенг илдиз отган нақш-бандия, шунингдек, чиштия, қодирия тариқатларининг тарафдорлари кўпчиликни ташкил қиларди. Шоҳ Жаҳон даврига келиб унинг тўнгич ўғли Доро Шукуҳ динларни қиёслаш асосида бир таълимот пайдо қилди, барча диний таълимотлар охири битта Худога олиб бориши ғоясини илгари суриб, дин ва мазҳабларни умумлаштириш таклифини ўртага ташлади. Аврангзеб ҳукмронлиги даврида бундай бирлаштириш ғоясига кескин зарба берилди ва давлат ишларини фақат Ислом дини асосида бошқаришга ўтилди. Аврангзеб акаси Доро Шукуҳнинг ана шу ғояси учун кофирликда айблаб, уни қата қилдирган. Шоҳ Жаҳоннинг ўзи бобоси Жалолиддин Муҳаммад Акбар ва отаси Нуриддин Жаҳонгирларга нисбатан динга кўпроқ берилганига қарамай, бу борада ўртача йўл тутишга интилар, шунинг учун насронийлик ва ҳиндикуйликни тақиқламаган эди. Бобоси ва отасининг диний сиёсатига содиқ қолгани учун маҳаллий ҳиндлар унга алоҳида эҳтиром кўрсатишган.

Бобурий подшоҳларнинг ҳукмронлиги даврида салтанат ҳукмдорларининг динга муносабати борасида 1658 – 1707 йиллар мобайнида тахтда бўлган Аврангзеб Оламгир алоҳида ўрин тутарди. Аврангзеб ёшлигидан ўта тақволи, художўй, гуноҳ ишлардан тийилган, адолатпарвар мусулмон эди. Бошқа ҳукмдорлар саройларида бир неча хотин, ўнлаб канизакларни сақлагани ҳолда унинг хотинлари сони шариатдаги тўрт нафардан ортмаган, биттагина канизак сақлаган. Аврангзеб ибодатга қаттиқ

эди, намозларини канда қилмас, рамазон ойи рўзасини тутар, нафл ибодатларга ҳам вақт ажратарди. Ҳиндистонлик тадқиқотчи Сри Шарманинг ёзишича, Марказий Осиё ўлкаларига қилинган ҳарбий юришлардан бирида бўлиб ўтган шиддатли жангда муҳораба роса қизгин паллага кирган пайтда отдан тушиб, пешин намозини адо қилган ва сўнг яна отига миниб, жангга кириб кетган.

Аврангзеб тахтга ўтирган кундан бошлаб мамлакатни одилона бошқариш билан бирга Ислом динини, айниқса, унинг сунний мазҳаби ақидаларини қаттиқ ҳимоя қилди. Дин таъсирини бошқа ўлкаларга ҳам ёйишни ўзига асосий мақсад қилиб олди. Унинг ҳукмдорликдаги асосий мақсади – “дорул ҳарб” ўлкаси бўлмиш Ҳиндистонни “дорул-Ислом”га айлантириш бўлган (Ислом таълимоти ва тамойиллари амал қиладиган, мусулмонлар ўз динлари арконларини эмин-эркин бажара оладиган ҳар қандай ҳудуд “Дорул-ислом” ҳисобланади. “Дорул-ҳарб” деганда мусулмон ўлкаси билан тинчлик битими тузмаган номусулмон юрт тушунилади. “Дунё уламолари иттиҳоди” раисининг ноиби шайх Абдуллоҳ ибн Байя бу ҳақда шундай дейди: “Дорул ислом – мусулмонлар ҳукмрон бўлган юртдир. Баъзи уламолар “Ислом қонун-қоидалари билан сифатланган юртдир” ҳам дейишади. Умуман олганда, аксар аҳолиси мусулмон бўлган юрт, иншааллоҳ, дорул исломдир”). Аврангзеб ўзининг салкам эллик йиллик ҳукмдорлиги даврида ана шу ниятига содиқ қолди ва бу эътиқодидан асло чекинмади.

Буюк аллома Абул Ҳасан Надавийнинг “Фикр ва даъват кишилари” китобида Аврангзеб Оламгирнинг салоҳияти, унинг ҳукмдорликдаги адолати ва тақвоси ҳақида батафсил сўз юритилади. Асарда, жумладан, шундай сатрлар бор: “Султон Аврангзеб Имом Сарҳиндийнинг ўгли шайх Муҳаммад Маъсум билан байъат ва сулук муносабатида

доимий алоқада, даъват ва мазҳабда хайрихоҳ бўлган. Сарҳиндийнинг оила аъзоларини эҳтиром қилиб, улуғлаган. Асрлар оша ўтган тарихнинг гувоҳлик беришича, Султон билан шайх Муҳаммад Маъсумнинг алоқадорлик жиҳати оддийгина улуғлаш ёки ҳурматини жойига қўйиш бўлмаган, балки улар орасидаги муносабат рушду-ҳидоят, одоб-тарбия алоқадорлиги ҳамда Шайхи ҳузурда сулук илмини таҳсил қилишда бўлган. Шайх Муҳаммад Маъсум Султон валиаҳд бўлган кундан бошлаб унга хос тарзда эътибор қаратган ҳамда бўлажак Султоннинг буюк келажигига пойдевор ўлароқ яхши ниятлар билан уни “Ислом шаъни ҳимоячиси” деб номлаган эди. Шайх Сайфуддин отаси Шайх Муҳаммад Маъсумга ёзган хатида шундай деган: “Ислом шаъни ҳимоячиси бўлиши Султоннинг саййидим Шайхга ихлоси ўзгача. Дарҳақиқат, у олти латоиф зикри, зикрлар султони мақомидан борлик ва йўқлик зикри мақомига ўтди. У васвасалар мутлақ қўрқитмаётгани, борди-ю, кичик васваса келса ҳам муқаррар турмаётгани, хатаридан омонда эканини айтиб берди. Яна у авваллари васваса ва хатарларга қарши кураш заҳматларидан изтироб чеккани ҳақида ҳам айтиб, ҳозирги неъматларга шукрлар айтишини баён этди”.

Шайх Муҳаммад Маъсум Аллоҳ таолога санолар айтди. Шайх Сайфуддинга Аллоҳ таоло Султонга олий руҳий мақомни инъом этганига шукрлар, ҳамдлар айтган ҳолда жавоб хати йўллади. Бу хатдан яна бир нарсани англаш мумкинки, Султон сулукнинг энг баланд мақомларидан бири “Фанаул қолбий” мартабасига етганди.

Профессор Муҳаммад Асламнинг “Тарихий маданиятлар” китобида ёзилишича, Абул Фатҳ “Оламгирга хос одоблар” ҳақида шундай деган: “Шайх Муҳаммад Маъсум ва акаси Шайх Муҳаммад Саъийд Султон Аврангзеб давлат тахтига ўтириши биланоқ ҳузурига,

саройга келдилар. Аврангзеб бу муносабат билан уларга уч юз тиллоли узук ҳадя қилди. Профессор Муҳаммад Аслам “Аврангзеб султонлигида машойих-уламолар ҳолати” номли мақоласида “Олам кўзгуси” ва “Оламгир фатҳлари” китобларидан бир неча воқеаларни келтириб ўтган. Муҳаммад Асламнинг келтирганлари Имом Сарҳиндийнинг оиласи, фарзандлари ва Султон орасидаги муносабатлар чуқур ва мустаҳкам эканини кўрсатади. Улар Султонни кўп бора қарши олар эдилар, Аврангзеб уларга фахр ўлароқ тортиқлар ҳадя қилар эди. Шахсан ўзи шайх Муҳаммад Маъсумни ёки оиладан бирор кишини Сарҳиндада бир неча бор кутиб олган. Деҳлидан Лоҳурга кетувчиси бўлсин ёки Деҳлига қайтувчиси бўлсин, ўзи хизматда турган”.

Шайх Сайфуддиннинг Султон Аврангзебга юборган жўнатмаларини яхшилаб ўрганишдан шу маълум бўладики, Шайх Сайфуддин билан Султоннинг ўзаро алоқаси ўзига хос хусусиятга, Имом Сарҳиндий оиласи билан эса умумий кўринишда бўлган. Бу бошқа подшоҳлар ўз олиму фузолаларини эъзозлагани сингари фақатгина ҳурмат қилиш ёки эъзозлаш маъносида эмас, балки ҳиссий тушунчалардан кўра амалий боғлиқлик муносабати, эҳтиромлаш ва улуғлашдан кўра нафс ислоҳоти, тарбияси чуқурроқ акс этганди. Шайх Сайфуддиннинг бу мактуб ёзишмалари “Мактуботус-Сайфийя” номи билан чоп этилган. Шайх Сайфуддин отасига ёзган учинчи рақам остидаги мактубида шундай баён қилади: “Саййидим отам, шу кунларда бир рисола устида диққат-эйтибор билан музокаралар олиб боряпмиз, узундан-узун мажлислар ичра тунни тонгга улаяпмиз. Султон буларнинг барчасини ғоят ихлос ва осудалик билан эшитмоқда”.

Шайх Сайфуддин бир юз қирқ иккинчи рақам остида белгиланган, Шайх Муҳаммад Боқир Лоҳурий раҳматул-

лоҳи алайҳга юборган рисоласида шундай ёзган: “Шанба кеч пайт, бу ойда учинчи бор Султон бизларни ўз хонадонида меҳмон қилди. Ҳар турлик таомлар ҳозирлатди. Сухбат аҳён-аҳёнда сукут аралаш, узоқ давом этди. Шахсан мен муҳлис бандалар умид қилганларидек олий йўлни зоҳир бўлишидан умидворман” (168-169-бетлар).

Бу боғлиқликлар, алоқалар ҳамда мана шундай таассуротлар Султон Аврангзеб вафотига қадар давом этди. Низомия Чиштия тариқати устози шайх Калимуллоҳ Жаҳнободийнинг (ваф. 1143 ҳиж.) хос халифаси шайх Низомиддин Аврангбодийга ёзган рисолаларида бир қанча танбеҳ ҳамда Султон ва Сарҳиндий оиласи билан боғлиқликлар мавжудлигига ишоралар бор. Мактубда шундай келтирилади: “Шу кунларда Султонга Имом Сарҳиндий фарзандлари ҳамроҳлик қилмоқда. Сизлар базмлар ўтказишда уларни ранжитмаслик ҳамда соф фикрларини булғамаслик учун нашида ва ашулалардан сақланишингиз лозимдир”. Бундан маълум бўладики, бу оила вакиллари доимо Султонга ҳамроҳлик қила оладиган олий мақомда бўлганлар. Ғазотларида ҳам Декканга кўчиб боришида ҳам, у ерда узоқ муддат туришида ҳам бошидан охиригача бирга бўлганлар. Улар ўз фикр ва дуолари билан Султон ишларига ҳиссаларини қўшганлар.

“Ҳазийнатул-асфие” китобининг муаллифи муфтий Ғулом Сарварнинг ҳикоя қилишича, Султон шайх Муҳаммад Маъсумдан кўп бора ўз сафар ва муқимлигида бирга бўлишини илтимос қилган. Лекин Шайх бу илтимосни отасининг васиятига биноан бажаролмаган бўлса-да, ўрнига ўгли шайх Сайфулдинни Деҳлига, Султон ҳузурига жўнатган. Султонга йўлланган “Мактуботул-Маъсумийя”даги рисолалар шуни кўрсатадики, Султоннинг Шайх билан муносабати муриднинг ўз шайхи билан боғлиқлиги каби бўлган.

Шайх Сайфуддин жидду жаҳдини Султон билан бирга суннатни тирилтиришга, Ислом шариатини амалга оширишга қаратган, бу йўлга астойдил енг шимариб киришган эди. “Мактубот ус-Сайфийя”да Султонга ёзилган ўн саккизта рисоалалар мажмуасини учратиш мумкин. Уларда асосий ургу мункар ва бидъат ишларни йўқотишга, суннатни тирилтиришга, Аллоҳ калимасини доимо олий тутишга, бу юртларида Ислом динини қарор топтиришга қаратилган эди.

Қайси бир давлатнинг ҳокими ёки султонига хос бўлмасин, Ислом таълимотининг барча амал-арконларига, одоб-ахлоқларига, аҳкомлар ва уларнинг ижроларига ҳукм қилиш қийин бўлади. Бу ҳолат юзтадан биттасида муваффақиятли бўлиши мумкин. Хулафои рошидинлар ва Умар ибн Абдулазиздек халифалар эса бундан мустасно. Зеро, улар набавий йўриқнома асосида халифаликни бошқарган, исломий таълимотлар ва шаръий аҳкомлар тўлиқ амалда бўлишини татбиқ этган зотлардир. Шунингдек, яна диннинг зарурий ишларини чуқур англаш ҳам қийинлашиб бораверади. Айниқса, сиёсат ва бошқарувни мана шу зарурий ишлар асосида олиб бориш чогида фикрлар турфа хиллиги келиб чиқади. Модомики, тарихчилар баёноти ва тушунтиришлари остида асл воқеъий амаллар, ҳукмлар ижроси жилоланиб кўриниш бериб тураркан, бу ҳолат қачонгача асл ўзлигини йўқотмай, воқеълик ва ишончлиликка мувофиқ туриши мумкин? Шунча узоқ муддат ўтгандан сўнг, қолаверса, муътабар, ишончли тарих манбалари камайиб, борларининг ҳам ишончсизлилик даражаси ортиб боргани сайин юқорида айтилган ҳолатни юзтадан биттада чиқиши ҳам амримаҳол ишдир.

Шунча ишларга қарамай, қўлимиздаги Султон ҳақидаги энг ишончли тарихий манбаларнинг хабар бериши-

ча, Аврангзеб Имом Сарҳиндийнинг бир қанча ишларидан ижобий тарзда қаттиқ таъсирланган. Имомнинг жадидчилик ислоҳотлари, давлатчиликнинг асосий негизларига ўзгартиришлар киритишга уриниши, Исломнинг нураши ва дарз кетишига қарши ўлароқ уни барпо этиш ва қарор топтириш йўлида амалга оширилган ишлари шулар жумласидандир. Қолаверса, Султон Имом Раббоний фарзандларидан ҳам гоятда ажиб таассуротларни олган. Уларнинг ихлоси, нафслар софлиги, қалбларни улфат қилувчи шахсиятлари шулар жумласидандир. Султоннинг ҳаракату мақсадлари Имомнинг даъвати, ҳаракати ва мақсадларига тўлақонли мос ва ҳамоҳанг бўлган. У мардонавор қадам ташлаб, давлат тартиб-интизомида ва мусулмонларни бу низомга итоатда ушлаб, узоқни кўзланган, катта ислоҳотларни ўтказишни мақсад қилди. Бунда аввало, давлат иқтисодиётига доир жадал ислоҳотлар қилиш учун баъзи ишларни амалга оширди. Албатта, буни исломий шариятнинг ҳукмларига мувофиқ тарзда олиб борди.

Султон Аврангзебнинг шахсий ҳаётига бирров назар ташларканмиз, тарихчилар унинг нақадар парҳезкор ва динни маҳкам ушлаган обид бандалардан бўлганини келтиришганига гувоҳ бўламиз. Гапимизга тасдиқ ўлароқ, унинг диний ҳаётидан бир қанча намуналарни келтириб ўтишни лозим топдик.

Ҳинд тарихчиси устоз Закауллоҳ Дехлавий “Тарихи Ҳиндистон” китобида шундай сатрларни келтирган: “Рамазон кунлари эди. Жазирама иссиқ. Кундузлари узун эди. Лекин Султон кундузлари рўза тутар, Қуръон тиловат қилар, уни ёд олар, ўқир, ёзар, давлат ишлари билан машғул бўлар, салтанат ва қозилик маҳкамасига доир ишлар билан шуғулланар эди. Қизил қалъанинг кириш қисмидаги таниқли “Масжид ғусли хона”га ёки “Масжидуд дарра”га

кирганда фарз намозларини, таровех намозларни ўқир эди. Нафл намозларни ўқиганда тун ярим бўлар эди. Озроқ таом еб, бироз мизғирди-да, туннинг қолган қисмини уйғоқ ҳолда ибодат билан ўтказар эди. Баъзи кечалар тўлигича хайрият ва баракаларга бурканган ҳолда кечар эди. Рамазон ойини шундай қаршилар эди”.

У ҳатто Ислому фикҳи талабларининг қатъий ва аниқ бажарилишини таъминлаш мақсадида мамлакатда ҳанафий фикҳининг барча фатволарини бирлаштириб, ягона бир манба (китоб) қилиб қўйишга қарор қилди. Натижада “Фатавои Оламгирия” (“Фатавои ҳиндия”) номи билан ҳанафий мазҳаби фатволарининг ягона қомуси юзага келди.

## “ФАТАВОИ ОЛАМГИРИЯ”

Аврагзеб ўз салтанатида барча соҳаларда Ислому шариатиға мувофиқ иш юритилиши имкониятларидан усталик ва тадбир билан фойдаланди. Унгача жамият ҳаётининг бирор соҳасида савол туғилиб қолгудай бўлса, муфтийларга мурожаат қилинар, кўп ҳолларда бир масалада уларнинг фикри турлича чиқиб қолар эди. Ана шунга барҳам беришда, шаръий фатволарни ўзлаштиришни янада осонлаштиришда барча фатволарни бир китобга жамлаш, уларни тасниф ва таҳқиқ қилиш эҳтиёжи туғилди. Бу ишни ҳукмдор ўз зиммасига олди.

Аврагзеб Оламгир “Фатавои Оламгирия” номи билан машҳур бўлган “Фатавои Ҳиндия” асарини тузиш учун лажна туздиреди. Бу лажнага ҳинд диёрида ҳанафий мазҳаби бўйича кўзга кўринган таниқли олим, мударрис, етук фақиҳларни тўплади. Унга раис ва мудир этиб Шайх Низомиддин Бурҳонпурий тайинланади. Ав-

рангзеб Оламгир бу ишларга икки юз минг рупия сарфлайди. “Ҳинд диёрида исломий маданият” асарининг муаллифи узоқ изланиш ва тадқиқотлардан сўнг бу лажнада иштирок этган олимларнинг сони ва номини топади. “Фатавои Ҳиндия” асарини ёзишда иштирок этган олимлар 22 нафар бўлган.

Имом Дехлавий айтади: “Аврангзеб Оламгир бу вақтда “Фатавои Ҳиндия” асарини ёзиш ва тартиблаш ишларига қаттиқ эътибор қаратган эди. Шайх Мулла Низомиддин Аврангзеб Оламгирга ҳар куни китобнинг тайёр бўлган қисмини ўқиб берар эди. Кунларнинг бирида Шайх Мулла Ҳомид тайёрлаган қисмни Аврангзеб Оламгирга ўқиб беради. Шайх Мулла Ҳомид бир масала борасида икки китобдан олинган икки жумлани бир-бирига аралаштириб юборади. Натижада, жумлада мубҳамлик ва чигаллик пайдо бўлади. Шайх Абдурахимнинг кўзи ногаҳон ушбу гапга тушиб қолади. Бу масалани ўрганиб кўрса, икки иборани аралаштириб юборган бўлади. Шунда иборанинг ҳошиясига: “Ким фикҳни чуқур билмаса, аралаштириб юбориши мумкин. Бу хато бўлиб, тўғриси бундай бўлади”, деб ёзиб қўяди. Шайх Мулла Низомиддин матнни ушбу ҳошияси билан тезгина ўқиб кетгани сабаб иборанинг ҳақиқатига эътибор бермайди. Аммо ўта аҳамият ва қизиқиш билан эшитиб турган Султон бу иборага тушунмай қолади. Султон: “Бу қандай ибора?” деб сўрайди. Шунда шайх Мулла Низомиддин қаттиқ хижолат бўлади. Сўнггра ўзини тутиб шундай дейди: “Мен бу жойларни аввал ўқимаган эдим. Эртага батафсил шарҳлаб келаман”, деб айтади. Сўнггра Шайх Мулла Ҳомиднинг олдига келиб: “Сенга бўлган ишончим ва эътимодим сабабли сен тайёрлаган қисмни ўқимаган эдим. Султонни олдида мени хижолатга қўйдинг”, деб таъна қилди. Шайх Мулла Ҳо-

мид бу нарсага бирор оғиз сўз айтолмай қолди. Сўнгра шайх Абдурраҳимга бу борада шикоят қилганида дарҳол китобни очиб, хато бўлган жойини ва иборадаги мубҳамликни кўрсатиб беради. Шу сабаб Шайх Абдурраҳим билан ўртада ҳасад пайдо бўлади. Кейинчалик ишлар ўз ўрнига тушганидан сўнг шайх Абдурраҳим лажнадан четлаштирилди.

Аврангзеб Оламгирнинг кўрсатмасига биноан мамлакатнинг қирқдан ортиқ салоҳиятли фикҳ олимлари шу тариқа ҳанафий мазҳабининг фатволарини саралаб, тўпламни тузиб чиқишди. Ҳиндистонда “Фатавои Оламгирия”, ундан ташқарида “Фатавои ҳиндия” номи билан машҳур бўлган фатволар тўплами ана шу тарзда юзага келди. Ҳанафий мазҳабининг ўзига хос бу фикҳий қомуси Низомиддин Бурҳонпурий (Шайх Низом) бошлиқ йигирма тўрт нафар олим томонидан Куръон, Суннат, ижмо ва қиёсга мувофиқлиги текшириб чиқилди. Тўпламни яратишда тўрт гуруҳга бўлиниб ишланган: аввалги тўртдан бирига Шайх Важиҳиддин, иккинчи қисмига Шайх Жалолиддин, учинчи қисмига Қози Муҳаммад Ҳасан, охириги бўлагига Мулла Ҳамид Жунпурий бошчилик қилган ҳамда Шайх Низом раҳбарлиги ва муҳаррирлигида муваффақиятли тугатилган. Шундан кейингина Аврангзеб мазкур китобни барча амалдорларга тарқатиб, бундан кейин барча давлат ва қозилик ишларида ана шу фатволарга қатъий риоя қилишни, Ислом шариати талабларининг ҳар қандай бузилишига қарши кураш олиб боришни топширди. Шу тариқа мамлакатда хийла иддиз отган хамр ичиш, қиморбозлик ва фаҳш каби иллатларга шариат талабларига биноан кураш олиб боришга киришилди. Шунингдек, Ислом шариатига зид бўлган айрим солиқлар ҳам бекор қилинди. Бу тадбирлар салтанат ҳудудида яшаб турган минг-минглаб аҳоли томонидан кенг қўллаб-қувватлан-

ди. Кейинчалик “Фатавои Оламгирия” арабчадан урду тилига таржима қилиниб, 1889 йили Лакнавада нашр қилинди. Бу асар Ҳиндистон ва Байрутда ҳам бир неча бор нашр этилган. Мазкур китобнинг бир неча нусхаси Ўзбекистон кутубхоналарида ҳам сақланмоқда.

## ҲУНАРМАНДЧИЛИК ВА САНОАТ

Ун саккизинчи асрга келиб, Аврангзеб салтанатида ҳунармандчилик, айниқса, тўқимачилик авж олиб, ривожланди. Бунга Оврупа ва Осиё мамлакатларида ҳинд газламаларига талабнинг кучайгани сабаб бўлди. Айни пайтда тўқувчилик соҳасига боғлиқ бўлган ип йигириш, гул босиш, бўяш, чармдўзлик каби соҳалар ҳам равнақ топа бошлади. Кичик шаҳарчаларда ҳунармандларнинг сони кўпайди. Масалан, Мадрас унча катта бўлмаган қишлоқдан бутун Жанубий Ҳиндистондаги йирик савдо ўчоги ва тўқимачилик марказига айланди. Шаҳарга мамлакатнинг ҳамма томонидан турли касб эгалари, ҳунармандлар оқиб кела бошлади. Савдо гумашталари уларнинг молларини сотиб олиб, портларга келган ғарб тожирларига етказиб берарди. Бир неча майда шаҳарлар ўзаро бирлашиб, йирик марказ ташкил қилишди ва шу тариқа ўзига хос иқтисодий ҳудуд юзага келди.

Бироқ ҳунармандчиликнинг тараққий этиши ва иқтисодий марказларнинг ташкил бўлиши жараёни секинлик билан борарди, бу нарса асосан соҳилбўйи ҳудудларда пайдо бўлаётган эди. Ички портлар ўртасида мол айирбошлаш ишлари кучая бошлади.

Ҳиндистоннинг бу пайтдаги ташқи савдоси яхшигина ривожлангани ҳолда келадиган даромад текинхўр аъёнларнинг қўлида тўпланиб қоларди. Улар бу маблағлар-

ни қимматбаҳо ашёлар сотиб олишга ёки олтин-кумушга айлантириб, босиб қўйишга ҳаракат қилишарди. Хорижга чиқарилган маҳсулотни ишлаб чиқарганлар эса кўпинча даромаддан қуруқ қолишарди.

Майда ишлаб чиқаришнинг ҳукмронлиги ҳолатида товар-пул муносабатларининг сезиларли ўсиши муқаррар равишда олибсотарларнинг пайдо бўлишига олиб келади. Улар ҳали тайёрланмаган маҳсулотга бўнак (аванс) бериш йўли билан ҳунармандларнинг оёқ-қўлидан жилолаб олишарди. Ҳинд олибсотарларининг хизматидан ажнабий савдогарларнинг мустамлака мамлакатигади савдо-таъминот идоралари ҳам фойдаланишарди. Олибсотарларнинг “ўз” ҳунармандлари устидан ҳукмронлиги шу даражага етдики, улар ўз хоҳишларига кўра ҳатто усталарни бошқа жойга ҳам кўчиришарди.

Ўша даврда Ҳиндистонда тожирларнинг юқори қатлами билан ҳукмрон доираларнинг қўшилиб кетиши жараёни бошланди. Ер эгалари тижоратдан ўз фойдаларини кўпайтиришда, тожирлар ўз даромадларини кўпайтириш учун деҳқонлар меҳнатидан унумли фойдаланишар эди. Пулдор кишилар гоҳида қуроли аскарлар гуруҳига эга бўлиб, жогирдорлик қилишар, жогирдорлар эса, ўз навбатида, савдо кемалари, дўкон ва карвонсаройларни қўлга киритиб, тижоратда фаол қатнашишар эди. Мамлакатда ишлаб чиқариладиган энг қимматли маҳсулотлар подшоҳликнинг рақобатсиз моли ҳисобланиб, уларни харид қилиш ёки сотиш учун махсус рухсатнома талаб қилинади.

Ўн еттинчи аср охирига келиб, марказий ҳокимиятнинг заифлашуви шароитида феодал амалдорлар ва заминдорлар ўз фойдаларига аҳолининг савдогарчилик ва ҳунармандчилик билан шугулланувчи қатламини қўшимча солиққа тортишди ва бирор хил молга якка хўжайин

сифатида турли тўсиқлар қўя бошлашди. Бобурийлар салтанатидаги ҳунарманд ва тожирларнинг асосий қисми ҳиндлар бўлгани учун бу ҳолатдан “Аврангзеб бизларни эътиқодимиз учун таъқиб қиляпти” деган фикрга бориб, ҳатто мусулмон ҳукмдорларнинг ўз мамлакатигаги ғайри мусулмонлардан оладиган жон солиғи – жизя жорий қилинишини ҳам қаттиқ норозилик билан кутиб олишди.

## ИЛМ ВА МАДАНИЯТ ҲОМИЙСИ

Аврангзебни тарихчилар салтанатда илм-фан, маданият, меъморчиликнинг саховатли ҳомийси сифатида тилга олишади. Унинг, айниқса, боболари тили бўлмиш турк (чигатой) тилининг равнақи йўлида хизматлари алоҳида таҳсинга лойиқдир. Ҳиндистонда форсий ва ҳинд тиллари устун бўлса-да, Аврангзеб туркий (чигатой-ўзбек) адабиёт ривожини қўллаб-қувватлайди, туркий тил луғатлари тузилади. Бобоси Бобурдек адабиётга ҳавас қўйгани ҳамда ғазаллар ёзгани, шунингдек, хаттотлик ва хат-ёзувда моҳир бўлгани ҳам унинг саводли бўлганлигидан далолат беради. Аврангзебнинг қизи Зебунисо бегим ҳам истеъдодли шоира, тасаввуф фалсафаси билан шуғулланган етук олима, танбур созандаси ҳамда қобилиятли хаттот сифатида ном қозонган.

Шоҳ Жаҳон ҳукмронлиги даврида маълум даражада ўз мавқеини йўқота бошлаган чигатой туркий тили Аврангзеб даврига келиб қайта тикланган. Чунки туркий тилни тадқиқ ва ташвиқ қилишда Аврангзебнинг ўзи ҳам муайян ҳисса қўшган, бевосита унинг кўрсатмасига биноан Муҳаммад Ёқуб Чангийнинг туркий тил грамматикаси масалаларига багишланган ўн беш қисмли

“Келурнома” ёки Касабан Барбаланинг шу анъана руҳидаги “Ҳафт ахтар” асарлари ёзилган. Ҳинд тарихчиси Жадунатх Саркорнинг маълумотига кўра, Аврангзеб араб ва форс тилларида дурустгина ёза олган. У Ҳинд тилида гапирганида, ўша кезлари кенг тарқалган ҳикмати сўзлардан эркин фойдаланган. Балх ва Қандаҳордаги аксар ўртаоСИёликлардан ташкил топган кўшинда хизмат қилганидан бўлса керак, у, айниқса, чигатой туркийсини пухта биларди.

Хукмдорнинг юртда олиб борган ободончилик, меъморлик соҳасидаги ишлари ҳам сезиларли раvнақ топган. Аврангзеб Оламгир темурий боболаридек қурилиш ва меъморчилик ишларини давом эттиради. Аврангзеб 1674 йилда Лоҳур шаҳрида бутун дунёга машҳур бўлган Бадшоҳий масжидини қуриб битказди. Бу масжид уч асрдан кўпроқ вақт давомида жаҳоннинг энг катта масжиди саналиб келди. Бадшоҳий масжиди бугунги кунда ҳам ана шундай мақомга эга. Деҳли ва Лоҳурда ҳам йирик жоме масжидлари қуриб битказилди.

Аврангзеб ўзининг номи билан аталган, кейинчалик салтанат марказларидан бири бўлган Аврангобод шаҳрида ҳам кенг кўламда қурилиш ва ободончилик ишларини олиб борган. Аврангзеб ва унинг ўгли Аъзам Шоҳдар бу шаҳарда темурий боболаридек Аврангзебнинг суюкли рафиқаси Дилрасбону бегимга (Аъзам Шоҳнинг онаси) атаб машҳур Бибика мақбарасини қурдиради. Бу ажойиб меъморий ёдгорлик ҳажми ва унга ишлатилган қимматбаҳо тошларни ҳисобга олмаганда буюк Тожмаҳалнинг айнан нусхасидир.

Мамлакатдаги адабий жараён борасида Мавлоно Иброҳим Ҳисорий, Мунъим Самарқандий, Мулла Муфид Балхий, Мирсаид Жалол, Носир, Шамим ва Саодатга ўхшаш мовароуннаҳрлик олим ва шоирларнинг Ҳинди-

стонга келганларини қайд этиш мумкин. Ҳали ҳаётли-  
гидаёқ Ўрта Осиё, Ҳиндистон, Эрон ва Озарбайжонда  
чуқур ҳурмат ва эътибор қозонган мутафаккир ва мута-  
саввиф шоир Мирзо Бедил ҳам мазкур давр адабиёти-  
нинг ёрқин сиймоси эди.

Ҳукмдорнинг салтанатда амалга оширган диний-  
ижтимоий ислоҳот ва жорий этган қонун-қоидаларидан  
қалам аҳлидан ташқари, санъат ва маданият соҳалари  
ҳам четда қолмади. Масалан, мусиқа санъати Аврангзеб  
ҳукмронлигининг дастлабки йиллари ўз маромида риво-  
жланган. Муҳаммад Муस्ताидхон Соқий шундай ёзади:  
“Хилофат тахти пояси хушовоз мутриб (ашулачи)лар ва  
дилнавоз созандалардан иборат хурсандчилик базмини  
ораста этувчилар, севинч-қувонч бисотини шодиёна орт-  
дирувчиларнинг жамланган жойи бўлишига қарамай ва  
гарчи жулуснинг биринчи йиллари гоҳ-гоҳ хурсандчилик-  
ни оширувчи (ашула ва куйлар) эшитган бўлсалар ва бу  
фанда ниҳоятда баркамол ва қиқаёб (тухумнинг ички пар-  
дасини қидирувчи, яъни нозик дид ва серзавқ) бўлсалар  
ҳамки, камоли таваззуъ ва парҳезкорлик юзасидан ҳамма  
нарсадан (ўзларини) тортиб турар эдилар... Мусиқий  
фанининг моҳирларидан бўлмиш Мирза Мукаррамхон  
Сафавий Ҳазратдан қўшиқ (ва оҳанг) ҳақида нима дейсиз,  
деб сўради. Гавҳар сочувчи тил деди: Аҳл (авом халқ) учун  
мумкин...” Иқтибосдан аён бўлдики, ҳинд халқи диний  
эътиқодининг муҳим қисми, хусусан, “Самаведа” тарона-  
лари – мусиқа авом учун ман этилмаган. Борди-ю ушбу  
хусусда ислоҳотдан олдинги ва кейинги ҳолатни аниқ та-  
саввур қилмоқчи бўлсак, юқоридаги асарнинг қуйидаги  
парчалари билан танишишнинг ўзи етарли: “Кўнгил очув-  
чи томошалар, киши гайратини келтирувчи мушакбозли-  
қлар авжга минди. Қандайин тўй ва тантана ва хушнудлик  
ва сурурлик маросими лозим бўлмасин, ҳаммаси яхши-

лик ва гўзаллик билан амалга оширилди. Ва муборакбод қилиш базми бошланиб кетди... (Лекин) бора-бора (бу хил ишлар) бутунлай ман қилинди; ашула этиш нақши узоқ ва яқинлар хотирасидан қилич воситаси билан ўчириб ташланди”.

554

Ҳинд-мусулмон маданиятининг Аврангзеб давридаги ҳолати ҳақида сўз юритилганида қачонлардир бобурийлар саройининг кўрки бўлган мусиқа ва рақс санъати Аврангзеб саройида тақиқланганини тан олиш керак. Санъаткорлардан кейин мусаввирлар пойтахтни тарк этишди. Лекин бу салтанатда маданий тараққиётга буткул путур етди, дегани эмас эди. Жумладан, Ҳиндистондаги туркий тил тараққиёти билан боғлиқ баъзи ишлар ўша пайтдаги бирорта салтанатда кузатилмаган ноёб ҳодиса эди. Масалан, Русиянинг Аврангзеб давлатидаги элчиси Семен Маленький божсиз савдо-сотик қилишга ҳуқуқ берувчи туркий тилда ёзилган фармон билан тақдирлангани бир жиҳатдан туркий тилнинг Ҳиндистон давлат маҳкамаларидаги мавқеини белгиласа, бошқа томондан унинг ўша вақтдаги Бухоро ва Балх билан дипломатик алоқаларга боғлиқлигини ифода этади.

Аврангзеб вафотидан сўнг бобурийлар расман яна бир юз эллик йил тахтга эгаллик қилишди. Ҳатто сулоланинг сўнгги вакили заиф ва танг аҳволда қолганида ҳам инглизлар тазйиқига қарши бош кўтарган авом ўз раҳнамоси этиб тахтнинг ҳақиқий эгасини танлади. Аммо исён бостирилгач, сўнгги бобурий ҳукмдор ўз оиласи билан Бирманинг Рангун шаҳрига бадарға қилинди. Профессор Нажмиддин Низомиддинов “Аврангзеб: камол ва завол” мақоласида ёзганидай: “Муаррихларнинг аксарияти бобурийлар сулоласининг таназзулга юз тутиш сабабларини, аввало, ички сиёсатнинг диний мурасосозликдан юз ўгиришида кўрадилар. Агар масалага

фақат ана шу жиҳатдан қаралса – тўғри, Акбар ҳукмронлиги вақтида мамлакат юксалишни бошдан кечирган. Аммо яхлит тарихий давр нуқтаи назаридан, бобурийлар салтанати, Маҳатма Ганди таърифлаганидек, “бир миллат – икки эътиқод”дан иборат янги ҳинд давлатчилиги шаклланишида етакчи омиллардан бири бўлди. Шу боис Ҳиндистонда шаклан ва мазмунан янги, на ҳиндларники ва на мусулмонларники бўлган ҳинд-мусулмон маданияти тугал қарор топди.

Аврангзебнинг бобурийлар бобокалони Амир Темур мақбарасини таъмирлаш мақсадида хазинадан маблағ ажратиб, бир неча бор Бухоро хонлигига элчиларни жўнатгани алоҳида аҳамиятга моликдир. Унинг бу ҳаракатларидан бобоси Бобуршоҳ сингари тарихий ватани Туркистонни ардоқлаганини кўриш мумкин. Булардан ташқари, Аврангзеб ҳарбий ва давлат бошқаруви билимларини ҳам ёшлигидан яхши ўрганиб, ака-укаларига нисбатан анча уддабурон ва қобилиятли бўлиб вояга етган эди.

## ХАЛҚ ҚЎЗҒОЛОНЛАРИ

Ун еттинчи асрнинг иккинчи ярмига келиб бобурийлар салтанатининг турли нуқталарида тез-тез халқ қўзғолонлари бўлиб турди. Лекин улар келиб чиқишига кўра ҳам, ҳаракатлантирувчи кучлари ва ғояларига кўра ҳам турлича бўлиб, бир-бирига мутлақо боғлиқлиги йўқ эди. Масалан, агар қўзғолон кўтарган жатларнинг асосий қисми деҳқонлардан иборат бўлса, сикҳлар ҳаракатида кўпроқ шаҳарликлар қатнашган. Маратҳа, ражпут ва сикҳлар учун миллатни сиқувга олишга қарши, диний эътиқодларини ҳимоя қилиш учун курашга асосий эътибор қаратиш катта аҳамият касб этган бўлса, ўз мус-

тақиллиги учун курашаётган афгонлар учун бу масала муҳим бўлмаган. Чунки улар ҳам худди Аврангзеб каби сунний мусулмонлар эди.

Бу қўзғолонлар Ҳиндистондаги айрим халқларнинг миллий онги уйғонаётганидан дарак берарди. Масалан, Агра минтақасидаги Деҳлида жат-деҳқонлар солиқларнинг катталигига қарши қўзғолон бошлашди. Улар ўз раҳнамолари Гўкла бошчилигида 1669 йили махсус қалъа қуриб, Аградан Деҳлига келадиган карвон йўлини тўсиб қўйишди. Бироқ жатлар бобурийларнинг катта ўрдусига бас кела олмади, қаттиқ қаршилик кўрсатганига қарамай, батамом янчиб ташланди. Гўклани Аграда қатл қилишди.

1672 йили ўша минтақадаги Нарнол шаҳрида жатларнинг сатнамчи оқими қўзғолон кўтарди. Қўзғолончи жатлар Аврангзебни ағдариб, ўрнига адолат салтанатини ўрнатмоқчи бўлишди. Бу қўзғолон ўнг минг кишилик ўрду билан бостирилди. Жатлар қўзғолони кейинчалик ҳам икки марта – 1685–1691 йилларда ва 1704 йили эса Чавраман етакчилигида бош кўтарди.

Бу пайтда афгонларнинг турли қабилалари ҳам кетма-кет исён қилиб туришарди. Улар тор тоғ йўлларида баъзан бутун бошли бобурийлар ўрдусини тор-мор қилишарди. 1667 ва 1674 йилларда худди шундай бўлди. Бироқ Аврангзеб ўрдуга ўзи қўмондонлик қилиб, айрим афгон доҳийларини ўзига оғдира бошлади, у афгон қўмондонлари орасига ихтилоф солиб қўйди. Натижада, 1676 йилга келиб афгон қабилаларининг иттифоқига путур етди. Фақат ўз юртининг фидойиси ва атоқли шоири Хушқолхонгина Аврангзебга бўйсунитганини ис-тамай, хаттаклар диёрида мустақил давлат тузишга муваффақ бўлди. Аммо бу давлат Хушқолхон вафотидан кейиноқ, 1689 йили қабилалараро урушлар оқибатида парчаланиб кетди.

Бобурийлар салтанатига қарши сикҳларнинг қақшатқич кураши тинмай давом этиб турди. Уларга кун сайин Панжоб аҳолисининг турли қатламлари келиб қўшилди. Сикҳларнинг еттинчи гуруси (доҳийси) Тег Баҳодир уларни бирлаштириб, Анандапур қалъасини қурдирди. Унинг атрофига Панжоб деҳқонлари ҳам бирлашишди. Аммо охирида у ҳам Аврангзебнинг қўлига тушди ва 1675 йили Деҳлида қатл қилинди. Унинг ўғли гуру Гобинд бутун сикҳ ташкилотларини ҳарбийлаштирди. Ўша пайтдан бошлаб сикҳчилик оқими тожир-ҳунармандларнинг мазҳабидан исёнкор деҳқонларнинг заминдорларга қарши кураш мафкурасига айланиб кетди. Гуру Гобинд ҳокимияти бундан кейин бутун сикҳ жамоасига (халсуга) ёйилишини эълон қилди. Энди сикҳ ўзининг олдинги табақаси ва диний алоқаларидан воз кечиб, бошқа сикҳлар билан иттифоқнигина тан олиши керак эди. Сикҳлар учун уларни ҳиндлар ва мусулмонлардан фарқлаб турадиган алоҳида қоидалар ишлаб чиқилди. Сикҳларнинг ҳатто либослари, соч турмаклари ва диний рамзлари ҳам уларни кидан тубдан фарқ қиларди.

Бу тадбирлар натижасида гуру Гобинд сикҳларни Панжобда Аврангзеб салтанатига жиддий хавф солувчи қудратли ташкилотга бирлаштира олди. Сикҳлар асосан панжобликлардан иборат эди, аммо Ҳиндистоннинг бошқа жойида яшовчи истаган киши уларга келиб қўшилиши мумкин эди. Гобинд Панжобнинг бир неча жойида қалъалар қурдирди, тоғли заминдорларнинг бир неча майда рожалари билан иттифоқ тузди. Лекин у барибир бобурийларнинг қудратли ўрдусига қарши боришга кучи етмади: узоқ қаршиликдан сўнг Анандапул барибир таслим бўлди. Гобинднинг қочиб жон асрашига тўғри келди. У узоқ вақт сарсон-саргардонликда юргач, 1708 йили ўлдирилди. Аммо бу билан сикҳларнинг кураши тўхтагани йўқ.

Аврангзеб қўшинларининг асосий таянчи бўлган ражпутлар орасида ҳам норозилик бошланиб кетди. 1678 йили Аврангзебнинг собиқ амалдори – Марвар князи вафотидан кейин ўлкадаги бобурий ҳоким билан унинг бобурийлар салтанатига қарши курашнинг байроқдори саналган норасида ўгли тарафдорлари ўртасида кураш авж олиб кетди. Аврангзеб Марварга қараб юриш қилди. Уруш ўз номи билан уруш эди, бунинг оқибатида қишлоқ ва шаҳарлар вайрон бўлди, аҳоли таланди, ҳиндларнинг муқаддас ибодатхоналари харобага айланди. Кўп ўтмай, қўшни Мевар князи Раж Сингх қўзғолон кўтарди. Аврангзеб унга қарши ўгли Акбар бошчилигидаги қўшинни юборди. Ражпутлар Акбар ўрдусини тор-мор қилишди, лекин айна пайтда у билан яширин музокаралар бошланди: агар у отасини ағдариб ташласа, ҳамиша ражпутларнинг ардоғида бўлади. Акбар отасига қарши исён кўтарди, аммо ота ҳийла ишлатиб, ўгли билан ражпутларнинг иттифоқини барбод қилди. Охири исёнкор ўғил Акбар маратҳалар юртига қочиб, жонини асради.

Аврангзеб Мевар князлиги билан сулҳ тузди, Марвар бўлса, Аврангзебга бўйсунмай, 1709 йилгача курашни давом эттирди. Ражпутларнинг икки йирик князлигининг биргаликда ҳаракат қилишига уларнинг феодал тарқоқлиги халақит берарди. Ражпутларга қарши олиб борилган жанг ҳаракатлари Аврангзеб салтанатини ҳолдан тойдирди. Ражастонда катта қўшинни ушлаб туриш уларнинг маратҳаларга қарши курашдан чалғитиб турарди.

## ФАЗИЛАТЛАРИ

Ҳамиша Аврангзебнинг ёнида юриб, унинг ҳар бир қадами ва ишига шахсан гувоҳ бўлган Муҳаммад Мустаид-хон Соқий ўзининг “Маъосири Оламгирий” (“Оламгирийнинг хайрли ишлари”) хотира китобида улуғ салтанат раҳбарининг ажойиб фазилатлари ҳақида гўзал сатрларни ёзиб қолдирган: “Онҳазрат саодаттаъблик тақозоси билан динни ривожлантиришда камоли қатъиятлик хислатига эга эдилар. Ислоннинг беш биноси омилкори Имоми Аъзам – Абу Ҳанифанинг ҳаниф мазҳабини жорий этдилар ва мустаҳкамладилар. Таҳорат сувидан ажралмас, ширинсухан ҳамда бошқа вақтда иш ва саломлашиш борасида мулойимсўз эдилар. Фарз намозларини масжидда, масжид бўлмаган жойда жамоа билан, барча суннатлари, нафл ва мустаҳабларини итоткорлик-бўйсунган ҳолда адо этардилар. Ой ва қуёш ҳисобидаги кўп кунларда ҳамда ҳафтанинг пайшанба, жума, душанба кунларида рўза тутиб, жума намозини жомеъ масжидида барча мўмин-мусулмонлар билан биргаликда ўқир эдилар. Муборак кечаларда тунни бедор ўтказиб, Аллоҳнинг дин ва давлат равнақини орттирувчи файзи нуридан баҳраманд бўлардилар. Ниҳоятда ҳақиқатпарастлик юзасидан кечалари давлатхона масжидининг мақсурасида Аллоҳ дўстлари билан суҳбатда бўлардилар. Хилватда асло тахтга қарамаганлар...

Муборак рамазон ойини рўза тутиш билан ўтказиб, то ой охирига қадар суннатни адо этиш, камол топтириш, Каломуллоҳнинг хатми ва то туннинг иккинчи қисмига қадар солиҳлар ва фузалолар билан биргаликда жамоага Қуръони каримни тушунтириш билан шуғулланганлар. Суҳбат сўнггида масжидда эътикоф қилардилар. Муқаддас хотирда ҳаж қилиш расм-одатини ижро этиш тўла-

тўқис ва кераклигича зухур топган эди... Салтанат даврида икки Ҳарами шариф мувожирларига гоҳ йилда, гоҳ икки-уч йилда катта маблағлар юбориб турдилар...

Инсониятга қанчалик соҳиби фозиллик ва ахлоқи комиллик керак бўлса, (буларнинг барчаси ул ахлоқи) ҳасанотни (ўзида) мужассам қилган зотда, ҳақиқий подшоҳи ҳоқонда мавжуд эди. Онҳазрат ақл-идрок субҳи чиққанидан бошлаб барча ношаръий айш-ишрат ва гуноҳ ишлардан ўзларини холи тутиб, камоли иффатнафслик туфайли муҳтарам ҳалол хотинларидан бошқа ҳеч ким билан яқинлашмас эдилар. Камоли тавозуъ ва парҳезкорлик юзасидан ҳамма нарсадан ўзларини тортиб турардилар...

Асло ношаръий кийимларни киймаганлар ва кумуш-олтин зеб-зийнатлардан мутлақо фойдаланмаганлар. Муқаддам манзил ҳисобланмиш саройда ҳеч вақт бирор гийбат ва фисқу фасод ҳамда ёлғондан иборат ношоиста сўз сўзланмаган ва мунаввар макон – сарой хизматкорлари агар арз қилинган пайтда сўзда гийбат аралашса, уни ажойиб иборалар билан таъбирласинлар, деб ўргатилган эдилар. Ҳар куни икки-уч маҳал девони адл ва додда очиқ чехра ва мулојимлик билан туриб, адолат даргоҳига ҳеч бир монесиз тўда-тўда бўлиб келиб турувчи ҳамда Онҳазратнинг ниҳоятда диққат билан эшитишидан ҳеч бир қўрқув ва ҳадиксиз ўз мақсадларини арз этувчи адолатталабларга одиллик бахш этардилар...

Фоҳиша тоифаларнинг ҳаммаси дорул-хилофатдан ҳайдаб чиқарилди. Шаҳаншоҳликнинг барча мамлакатлари, ўлка ва вилоятларида бу қатъий ҳукм жорий этилди. Қилинадиган ишлар ҳисобидан бутун аҳолига – ҳос ва авомга фармонлар тарқатиларди. Шундай кенг мамлакатнинг тартиб ва идора ишида шариат сиёсати ва чегарасидан ташқари ҳеч бир иш қилмасдилар. Ҳеч қачон газаб кучининг ва нафс ҳукмининг тақозоси билан би-

рор-бир кишини ўлдиришга ва инсон боласининг ҳаёт биносини барбод қилишга ҳукм чиқармаганлар. (Инсон) қадрига етиш ва қадрдонлик тақозосига кўра улуг саййидлар, ҳурматли шайхлар, уламо ва фузалоларга нисбатан эъзоз-эҳтиромни ўрнига қўйганлар.

Онҳазратнинг файзмакон фикри таважжуҳларининг самараси кўплиги билан саводи аъзам Ҳиндистонда ҳанафийлик мазҳаби, улуг миллати шу даражада ривожланиб-кучайдик, бошқа ҳеч бир аввалги ҳокимлар замонида бундай иш амалга ошмаган эди. Яккалам аҳли қалам ҳиндлар амалдан узоқлаштирилган эди. Кофирларнинг жами маъбудалари ва уларнинг азим бутхоналари қўпориб ва бузиб ташланиб, улар ўрнига олий масжидлар қурилган эдики, шу каби душвор ишнинг ривож топишидан ақл ҳайронликда эди. Онҳазрат ўз саодат тонгларининг далолати билан Ислом шарафига муяссар бўлиши учун ҳидоятхузур саройга келган барча кофирларга калимаи тоййибани талқин этиб, уларни хилъатлар ва бошқа иноятлар билан бахтиёр қилардилар...

Хайр-саховат, марҳамат, лутф-карам шу даражада амалга ошиб содир бўлдики, ўтган султонлар, подшоҳлардан бунинг ўндан бири ҳам воқеъ бўлмаган эди. Ва муборақ рамазон ойида олтмиш минг рупия ва бошқа ойларда бундан бироз камроқ пул ҳақдорларга юбориб туриларди. Ожиз ва мискинлар таомланиши учун дорул-хилофат (пойтахт) ва бошқа шаҳарларда кўпдан-кўп таомхоналар мавжуд эди. Қаерда мусофир ва сайёҳлар қўнадиган работ ва саройлар йўқ бўлса, дарҳол пайдо қилинди. Салтанатдаги масжидларни таъмирлаш учун файзасар саройдан имом-хатиблар, муаззинлар тайинланди, шунга кўра бу ишлар учун катта маблағ ва кўп олтин-зарлар сарф этилди. Ушбу улкан мамлакатнинг барча шаҳар-қишлоқларидаги фозиллар, мударрисларни вазифаларига яраша кундалик

маош, ер-сув билан таъминлаб, толиби илмларга юқори даражадаги маиший ҳолат ва воситаларни белгилаб қўйган эдилар...

Онҳазратнинг касби камолларидан бири Тангри ато қилган ҳолатга зийнат бахш этиб, тафсир, ҳадис ва фикҳдан иборат диний илмларни ўрганиш эди. Хужжатул-ислом Муҳаммад Ғаззолий ва бошқа улуғ шайхларнинг китобларини доимо мутолаадан ўтказар эдилар. Ул хужжатул-исломнинг улуғ фазилатларидан яна бири Мулки аллом Аллоҳ таоло Каломи ҳифзини ривожлантириш эди. Агар давлат ва иқболнинг дастлабки ҳолатида шарофатли Қуръоннинг баъзи бир сураларигина зўр диққат билан хотир томонидан қироат қилиниб ёд олинган бўлса, Аллоҳ Каломининг тўла ёд олинishi салтанат тахтига ўтирилганидан сўнг амалга оширилди ва бутун жаҳду жадал ҳамда шоҳона азм билан шарофатли хотирда нур сочиб жилоланди...

Дунё ва халқлар танлаган ул шоҳ латиф ахлоқининг мазмуни таҳрир кўламига сиғмайди ва баёнининг чегараси ниҳоятда поёнсиздир. Ақли-заковати буткул ноқис мендай фақирга ул ҳар қандай мақтовга сазоворни таъриф этиб тушунтириш қаяқда дейсиз?!”

Имом Деҳлавий Аврангзеб Оламгирнинг вафотидан тўрт йил олдин ҳижрий 1114 йили таваллуд топди. Тарихдан маълумки, Аврангзеб Оламгир Ҳинд яриморалининг Ашукодан (Ҳиндистон тарихидан энг буюк ҳукмдорлардан) кейинги энг катта подшоҳларидандир. Аврангзеб Оламгирнинг салтанати Ҳиндистон тарихида энг катта мамлакат бўлган.

“Ҳиндистон тарихи” асарининг муаллифлари: “Аврангзеб Оламгир Ғазвиндан Шатағунгача, Кашмирдан Карнатаккача ҳукмронлик қилган”, деб ёзишган. Бошқа тарихчилар эса: “Ҳиндистоннинг қадимги тарихидан то инглизлар босқини ва уларнинг галабасига қадар Авранг-

зеб Оламгир бунёд этган давлатдек давлат бўлмаган. Чунки унинг ерлари кенг, сарҳади бепоён эди”. Мир Жумла Аврангзеб Оламгир фармони билан биринчи маротаба Ассом ноҳиясини (штатини) фатҳ қилиб, Ҳиндистонга қўшиб олади. Бу ҳудуд тили, маданияти, диёнати ва сулолалари жиҳатидан Ҳиндистондан мустақил ҳудуд ҳисобланар эди.

Ғарб ва ҳинд тарихнависларининг танқид ва изоҳотларига қарамасдан айтадиган бўлсак, Аврангзеб Оламгирни бунга ундаган нарса, унинг ҳамияти ва исломнинг ҳимояси учун эди. Чунки, кучли иродаси, бошқарувдаги ва сиёсатдаги қобилияти, оддийгина зоҳидона ҳаёти, қаҳрамонликлари ва унинг шижоати бошқаларда топилмайдиган беназир экани ва буларни барча муаррихлар эътироф қилгани тарихий ҳақиқатдир.

Аврангзеб Оламгир тахтга ўтириши биланоқ барча эътиборини Акбаршоҳ даврида йўл қўйилган хатоларни тузатишга ва шиаларнинг таъсирини узишга қаратади. Зеро, Ҳиндистоннинг жануби уларнинг асосий марказларидан бири эди. Шунинг учун Аврангзеб Оламгир асосий эътиборини, умрини ва қудратини Акбаршоҳ даврида кириб қолган мажусийлик билан аралашиб кетган маданиятнинг таъсирини Ҳиндистондан чиқариб юборишга қаратади.

Аврангзеб Оламгир мамлакатда Исломи ёйишга ҳаракат қилади. Бунинг учун муҳтасибларнинг шаръий мансабини жорий қилади. Улар кўча-кўйларда, бозор ва дўконларда айланиб юриб, ҳаром ишлардан қайтарар, қилмишларига яраша одамларни жазолар эди. Турли хил бемани одатлар, хусусан, ўйин-кулгу ва рақслар, султонни зиёрат қилиш маросими бекор қилинди.

Оламгир шаръий қозиликни таъсис қилиб, қозилар шаръий иш олиб боришлари, дин аҳкомларини тат-

биқ қилишлари ва мамлакатнинг бошқа ҳудудларида ҳам жорий қилиш учун кенг имконият ва катта куч берди. Фикҳий масалаларни тўплаш ва янгича услубда тартиб-лашга амр қилди. Ислом шариатига ва тавҳидга терс бўлган барча ишларни, хусусан, саломлашиш ва кўришиш вақтида остонани ёки оёқни ўпиш одатини бекор қилади. Амалга исломнинг саломлашув одатини жорий этади.

Ўлкан диний қийматга эга бўлган туб ислоҳотлар натижаларига қўшимча равишда унинг ўзига хос фазилатлари бўлиб: хушёрлиги, зийраклиги, ҳаракатчанлиги, ғайратли экани, масъулиятга талабчанлиги, давлатнинг ҳар бир катта ва кичик ишларига эътиборли бўлиши ва шаҳарни идора қилиш ва унинг низомида умумий бошқарувга интилиш шулар жумласидандир. Қолаверса, бундай кенг сарҳадга эга мамлакатнинг ҳар бир ҳокими эътиборга олиши керак бўлган энг муҳим нукта Аврангзебнинг бепарво ва дангаса бўлмаганидир. Буни отасига ёзган мактуби ва ҳаёт тарзидан англаш ҳам мумкин. Отаси Шоҳжаҳонга ёзган мактубида: “Албатта, мен бепарво ва дангасалик билан айбланишим мумкин эмас”, деган эди.

Амирлардан бири унинг соғлигига зарар етишидан қўрқиб, давлатнинг оғир ва ҳолдан тойдирадиган қийин ишларини ўзига юклаб олмаслик маслаҳатини беради. Шунда Аврангзеб: “Албатта, Раббим мени инсонлар учун машаққат чекиш ва ҳаракат қилиш учун юборган” деб, Саъдийнинг қуйидаги маънодаги шеърини келтиради: “Ғафлатда ётмагин, чунки қавмнинг йўлбошчисига уйқу ҳаромдир”. Мамлакат бошқаруви ва шу каби ишлардан чуқур хабардор бўлишга, уларни нозик жиҳатларини билишга фақатгина иродаси метин, жисми бақувват, масъулиятни яхши ҳис қила оладиган ва Аллоҳ таолодан ошкора-ю махфий ҳолатларда ҳам қўрққан кишиларгина муваффақ бўлади.

Яна бир ҳайратланарли нарса, Аврангзеб давлатнинг муҳим ва катта ишларини билганидек, майда ишларидан ҳам гафлатда қолган эмасди. Балки катта ва муҳим ишларни кузатиб турганидек, кичик ишлардан ҳам назарини узмаган эди. Шахсан ўзи ёзиб боришга одатлангани учун идоравий ишларнинг тафсилотларини текшириб турар эди. Шунинг учун амалдорлар доимо кўрқувда бўлган. Котиб ва муҳаррирларни ўзи тайинларди. Бу байт билан қалби ва масъулиятни ҳис қилишидан таъбир бериб, ўзига дуч келган мушқилот ва чигалликларни тасвирлаб берар эди: “Албатта, дунёнинг ғамлари ва ташвишлари кўпдир. Мен фақат битта қалбнигина кўтара оламан. Саҳронинг қумларини бир вақтнинг ўзида битта косада қандай кўтаришим мумкин”. Гоҳида эса қўйидаги маънодаги шеърни такрорлаб юрар эди: “Мен сенга зое қил ёки манфаатинг тўғрисида ўйла, демайман. Эй қўлидаги қулай фурсатдан ғофил бўлган киши, қандай бўлишни хуш кўрсанг, шундай бўлишга урин”.

## ЗУРРИЁТЛАРИ

Аврангзеб Оламгирнинг ўзи гўзал фазилатлар, юксак ахлоқ ва комил маърифатга сазовор бўлибгина қолмай, зурриётларини ҳам Қуръон ва суннатга мувофиқ тарбия этиб, камолга етказган эди. Аврангзебнинг турли аёлларидан беш ўғли ва беш қизи бор эди. Уларнинг бари мақтовли хислатларга эга подшоҳзодалар ва ифбат соҳибаси бўлган бегимлар бўлиб тарбия топишганди. Бу ҳақда “Маъосири Оламгирий” хотира китобининг муаллифи шундай сатрларни битган:

“Хукмдорнинг тўнғич ўғли подшоҳзода Муҳаммад Султон ҳижрий 1049 йил рамазон ойининг тўртинчи

куни таваллуд топган. Одоб ва хайр-саховатда беназир бўлиб, Қуръони мажидни тўлиқ ёд олган эди. Арабий, форсий, туркий тилларда ўқиш-ёзиш камолотига эришган эди. Отаси тахтга ўтиришидан олдин давлат душманларига қарши олиб борилган муҳорабаларда иштирок этиб, шижоат ва мардлик намуналарини кўрсатди. Ҳоқон тахтга ўтирганининг йигирма биринчи йилида охират боғининг сайрига жўнади, яъни жонни Ҳаққа топширди.

Иккинчи ўғил, салтанат осмонининг қуёши, мамлакатларни фатҳ этиш туғларининг байроқдори, машҳур подшоҳзода Муҳаммад Муаззам Шоҳиолам бир минг эллик учинчи йили ражаб ойининг охирги куни ифбатли муҳтарама аёлдан туғилди ва тонг нуриддек балқиб, оламни чарогон этди. У ҳам Аллоҳ Каломини ёд олиб, қироат ва тажвидда етарли малака ҳосил қилган. Замоннинг бу нодир зоти ёшлик айёмидан кўпроқ илм таҳсил қилишга машғул бўлиб, амаллари илмига мосдир. Ҳадиси шариф илмида асрнинг эътиборли кишилари уни “муҳаддислар етакчиси” деб аташди. Фикҳда Қуръон ва ҳадислардаги масалалардан ўз ўрнида далиллар келтиради. Араб тилида фасоҳат билан сўзлаши арабларнинг ўзларига ҳам ёқимлидир. Туркий ва форсий тилларда ҳам жуда чиройли сўзлаб, ҳар хил хат турларини ёзишда маҳорат ва устозлик даражасига етган. Ҳозирда ҳам у Қуръони мажид қироати ва ҳадис, тафсир, фикҳга оид китоблар мутолаасини асло қилмайди. Бомдод намозини ўз вақтида адо этиб, қуёш икки найза бўйи кўтарилгунча жойнамозда ўтирганидан сўнг хонага кириб, ситамдийдаларнинг илтимосларини эшитиб, инсоф юзасидан ҳукм чиқаради. Вақти тақозо қилгунча бу ишларга машғул бўлгач, девони хос ёки девони омга бориб, девон ходимлари, аъёнлар ва бошқа мутасаддилар билан солиқлар, мулкларга оид ишларни адо қилади.

Шу тарзда намоздан сўнг олам аҳли ҳожатларини раво қилгач, ҳарамсарога юзланиб, таом тановул қилади ва бадан сихати учун истироҳатга машгул бўлади. Аср намози адосидан сўнг мазлумларнинг дил дардларига даво буюриб, кун ботгандан чироқларни ёқтириб, туннинг учдан бирини ибодатга бағишлайди, сўнгра иззат шабистонига киради. Тунни шу тарзда ўтказиб, эрта туриб, кеч ётади. Худованди карим бу азиз ва таббаррук зот соясини олам аҳлининг боши устида барқарор қилсин.

Учинчи ўғли мақтовли хулқ-атвор соҳиби Муҳаммад Аъзам бир минг отмиш учинчи йилнинг шаъбон ойида Шоҳнавозхон Сафавийнинг қизи Дилрасбону бегимдан тугилди, кичик ёшидан тарбия аҳволига таъсир кўрғазиб, маъно ва суратда камолга етиб, турли илмлардан баҳра топди. Онҳазрат хилофат кони бу гавҳарининг яхши авзойи ва хайрли атворидан завқланиб, сурурга тўлар эди. Шижоат ва ғайрат кўрсатишда ўз тенгқурларига кўра собитқадам, кўрқмас ва олийҳиммат эти. Онҳазрат донолик дафтارينинг дебочаси бўлган бу шаҳзода билан суҳбат қуришни яхши кўрарди. Онҳазрат вафотидан сўнг уч ой ва йигирма кун ўтгач, ўн саккизинчи рабиъул-аввалда жанг майдонида шижоат кўрсатиб, қурбон бўлди ҳамда Ҳақ раҳмати ва мағфиратига эришди.

Тўртинчи ўғли Муҳаммад Акбар 1067 йили 12-зулҳижжада таваллуд топди. Онҳазрат уни яхши фазилатлар эгаси қилиб тарбиялади. Сарварлик тахтининг орзуманди бўлган бу шаҳзода Оламгирий санасининг қирқ саккизинчи йили Эрон диёрида вафот этди. Гарчанд у улугвор отаси даргоҳидан нокомлик биёбонига қочиб кетган бўлса-да, бироқ икки нарса унинг нажот топишига далилдир. Биринчиси, Онҳазрат таъкидлаганларидек, жамоат билан намоз ўқишни тарк этмаслиги ва дин душманларидан кўрқмаслиги. Иккинчиси, муқаддас шаҳар Машҳадда ҳаз-

рат саккизинчи имом Мусо Ризонинг (унга саломлар ва санолар бўлсин) муборак равзасига дафн этилгандир...

Бешинчи ўғли подшоҳзода Муҳаммад Комбахш 1077 йили рамазон ойининг ўнинчисида Удипур маликасидан тугилди. Дину давлат саодати бўлган бу шаҳзода Каломи мажидни ёд олиш, турли китобларни мунтазам мутолаа қилишда бошқа биродарларидан ўзиб кетди. Айниқса, туркий тилда ва ҳар хил хатларни ёзишда маҳорат касб этганди. Бундан ташқари, етукликда беназир бу зот турма ахлоқ, шижоат ва саховат соҳиби эди.

Онҳазратнинг аёл авлоди, ҳашамат ва иқбол боғининг ниҳоли Зебуннисо бегим 1048 йили ўнинчи шавволда таваллуд топди. Худоогоҳ подшоҳнинг иршод ва ҳидояти туфайли бегим Каломи мажидни тўла ёд олди ва бу саодатнинг мукофоти сифатида Онҳазрат хазинасидан ўттиз минг ашрафий инъомга сазовор бўлди. У арабий ва форсий илмлар таҳсилида тўла баҳра топиб, хат турларидан настаълиқ, насх ва шикастани ёзишда юксак маҳорат касб этди. Илм ва санъатнинг турли соҳалари, китобларни жам этиш, асарлар яратиш ишларига шу қадар киришган эдики, фазлу камол арбобларининг аҳволларини яхшилашга интилганидан улар унинг кутубхонасига йиғилишарди. Жуда кўп олимлар, фозиллар, солиҳлар, шоирлар, етук муншийлар ва соҳирқалам хаттотлар шу тарзда ул иззат ва улуғлик ойининг саховат нурларидан комёб бўлишди. Чунончи, фармонга кўра, Мулла Сайфиддин Деҳлидан Кашмирга бориб ўрнашгач, “Тафсири кабир” ёки “Зебут – тафосир” деб номланган тафсир китоби таржима-сига машғул бўлди. Шунингдек, бу сиймо (Зебуннисо) яна бир қанча рисола ва китоблар ёзди. У Онҳазрат ҳаётлигида, ҳижрий 1113 йилга тўғри келган қирқ олтинчи Оламгирий санада вафот этди.

Иккинчи қизи Зийнатуннисо (Зийнатнисо) бегим 1053 йили шаъбон ойининг биринчи кунда таваллуд топди. Яхши тарбиялар туфайли у ҳанафия ақоиди ва бошқа зарур диний аҳкомларни етарли даражада эгаллаган. Анчагина халқ унинг эҳсон ва саховат дастурхонидан баҳраманддир.

Учинчи қизи Бадруннисо бегим 1057 йили йигирма тўққизинчи шавволда таваллуд топди. Онҳазрат шаҳаншоҳнинг тақозосига кўра, у Каломуллоҳни ёдлаш ва диний илмларни ўрганишга машғул бўлди. Солиҳ амаллар билан шуғулланиб, баракотлар топди. Улуг отаси тахтга ўтирганининг ўн ўчинчи йили йигирма саккизинчи зулҳижжада уни Ҳақ раҳматига олди.

Тўртинчи қизи Зубайданисо бегим 1061 йили йигирма учинчи рамазонда борлик оламига ташриф буюрди. Тоат-ибодат ва илм таҳсилига машғул бўлди. Доро Шукуҳ ўғли Сипеҳр Шукуҳнинг завжаси эди. Онҳазрат риҳлат қилган ойда у ҳам дорул бақога юзланди ва вафотининг хабари Онҳазратга маълум бўлмади.

Бешинчи қизи Мехруннисо бегим 1072 йили сафар ойининг учинчи кун саройдаги хос канизакларнинг биридан тугилди. Отаси тахтга ўтирганининг қирқ саккизинчи йили, яъни ҳижрий 1116 йилда охират саройига кўчиб ўтди”.

## ВАФОТИ

Аврангзеб Оламгир салкам эллик йиллик ҳукмронликдан сўнг 1707 йили 89 ёшида Аҳмадобод шаҳрида вафот этди. У Аврангобод яқинида дафн этилди. Кейинчалик унинг жасади Давлатободга кўчирилиб, ҳашамдор мақбарага эмас, мрамор лавҳ қўйилган оддийгина қабрга қўйилди.

Аврангзеб ўлими олдидан ўғилларига шундай васиятни ёзиб қолдирди: “Мен бу дунёга якка келдим ва якка кетмоқдаман. Ўзимнинг кимлигимни ва нималар қилганимни ҳам билмайман. Сарф қилинган кунлар ўз ортидан фақат надоматлар қолдирди. Мен ҳеч қандай давлат бошқарувини туза олмадим, раият ҳақида гамхўрликни ҳам таъминлай олмадим. Ниҳоятда қимматли ҳаёт бекфойда нарсаларга сарф бўлиб кетди”.

Ҳинд тарихчиси Закауллоҳ Деҳлавий Султоннинг ўлими яқинлашган ҳолатларини шундай сифатлаган: “Султон тахтга ўтирганининг эллик биринчи йилида қаттиқ иситма чиқа бошлади. Бу воқеа ҳижрий 1118 йилда бўлган эди. Касали қаттиқлигига қарамай тақво-си ва парҳезкорлиги комиллигидан тўрт кун жамоат билан намоз ўқиди. Вафоти олдидан васият қолдирган бўлиб, унга кўра ўз меҳнати билан бош кийим тикиб топган пулидан қолгани, яъни тўрт ярим рупия пулини инфоқ қилиш ёзилган эди. У пулдан кафанлаш ва дафн харажатларига керакли нарсалар сотиб олинди. Ва яна саккиз юз беш рупияни бўлиб берилиши айтилган эди. Бу фақир ва мискинларга мусҳафлар ёзиб берганига ҳақ сифатида олинган пуллар эди. Ҳижрий 1118 йили, тахтга ўтирганига эллик бир йил бўлганда, йигирма саккизинчи зулқаъда ойининг жума кунида бомдод намозини ўқиб бўлгач, таҳлил айтишга машғул бўлган пайтида, кун ёришган чоғда фоний дунёдан ажраб, дорул қарорга абадийлик сари риҳлат қилди” (“Ҳиндистон тарихи”).

Шундай қилиб, Аврангзеб Оламгир Ҳиндистон минтақасида улкан салтанатга асос солган бобокалони Заҳридин Муҳаммад Бобурдан бир юз эллик йил кейин тахтга ўтирган бўлса, ушбу сулола Аврангзебдан кейин яна бир юз эллик йил ҳукмронлик қилди. Аврангзеб вафотидан кейин унинг ўғиллари бобурийлар салтанатига

ҳукмронлик қилишди. Аммо 1707–1712 йилларда подшоҳ бўлган Баҳодиршоҳ ҳам, 1719–1748 йиллари тахтда бўлган Муҳаммадшоҳ ҳам, 1748–1754 йилларда ҳукмронлик қилган Аҳмадшоҳ ҳам бир-бири билан кураш олиб борган турли феодал гуруҳларнинг қўғирчоқ ҳукмдорларига ҳамда ожиз гумашталарига айланиб қолишди. Бу пайтларда инглиз мустамлакачилари бой ва гўзал бобурий салтанатни қўлга киритиш мақсадида маккорона хатарли “уйин”ларини бошлаб юборишган эди.

## АВРАНГЗЕБ ОЛАМГИРНИНГ ВОРИСЛАРИ

571

Аврангзеб Оламгир ўзидан кейин диннинг ҳимоячиси, кўргони ва мусулмонлар умматнинг таянчи бўлиш ўрнига динни бузувчи, йўқ қилувчи ҳар тарафлама заиф валиаҳдларни қолдирди. Гуё улар Аврангзеб Оламгир тарафидан йўл қўйилган динни сақлаш, уни ҳимоя қилиш, ислом шариатини ёйиш, набавий суннатни жорий қилиш каби “хатоларни” ва мамлакат ҳудудини кенгайтириш, бошқарув тизимини мустаҳкамлаш, шаҳарларни обод қилиш, мамлакат идорасини тартибга солиш, хушёрлик, ғайрат, жидди-жаҳд, матонат, масъулиятни ҳис қилиш, жиноятчи ва фитначи кишиларнинг қалбларига кўрқув ва ҳайбат киргизиш сабабли ҳукумат пойдеворини мустаҳкамлаш каби “жиноят”ларни тўғрилашга киришди. Улар дангаса, ишни эплай олмайдиган, давлат бошқарувини бутунлай вазирлар, мансаб ва мартабага ўч бўлган сарой аъёнларига топшириб қўйган ва давлат ишлари, мамлакат бошқарувидан мутлақо беҳабар ворислар эдилар.

Бобурийлар империясининг, балки, ислом умматининг, хоссатан, ҳинд диёрининг энг аянчли даври ҳам айнан Аврангзеб Оламгир давридан кейин бошланди. Чун-

ки бирин-кетин бир-биридан заиф ва қобилиятсиз шаҳзодаларнинг мамлакат тахтига ўтириши Бобурийлар империяси таназзулининг бошланиши эди. Тарихнинг ажойиботлари ва Аллоҳ таоло бутун оламлардан беҳожат эканига далилларида бири Аврангзеб Оламгининг валиаҳди Шоҳи Олам Баҳодиршоҳ Биринчининг ўзиёқ отаси олиб борган сиёсатнинг тескарисини амалга оширилганидир.

Бобурийлар салтанатини Имом Дехлавий (1114-1176) яшаган даврда Аврангзеб Оламгирдан сўнг ўн бир султон бошқарди.

Улар:

1. Муҳаммад Муаззам Баҳодиршоҳ
2. Муъиззуддин Жаҳондоршоҳ
3. Фаррух Сияр ибн Азимуш-шаън
4. Шамсиддин Рифиъуд даражот ибн Рафиъул Қадр
5. Рифъуд давла Шоҳ Жаҳон II ибн Рафиъул Қадр
6. Нигу Сияр
7. Носируддин Муҳаммадшоҳ ибн Жаҳоншоҳ
8. Аҳмадшоҳ Баҳодир ибн Муҳаммадшоҳ
9. Азизуддин Оламгир II ибн Жаҳондоршоҳ
10. Муҳйиссунна ибн Ком Бахш ибн Оламгир I
11. Шоҳи Олам II ибн Азизуддин Оламгир II

Аврангзеб Оламгиршоҳ вафотидан то Имом Дехлавий умрининг охиригача бўлган вақт ярим асрдан кам муддат бўлса-да, бобурийлар тахтида ўн бир султон алмашди. Бу султонлардан баъзиси ўн ой атрофида ҳукмронлик қилган бўлса, баъзисининг подшоҳлиги тўрт ойга ҳам етиб бормади. Яна баъзилари бир неча ҳафта, бошқалари эса бир неча кун ҳукмронлик қилди, холос.

## АВРАНГЗЕБ ҲАҚИДАГИ ХОЛИС ФИКРЛАР

Ғарб тарихчиларидан Персивал Спиарнинг “Ҳиндистоннинг қисқача тарихи” китобида Аврангзеб ҳукмронлигининг диний, ижтимоий-сиёсий масалаларда бобурийлар сулоласининг дастлабки вакилларида фарқланиши бошқа тадқиқотчиларга нисбатан анча холис баҳоланади: “У ўздан кейин салтанат чегараларини тахт эгалланган вақтдагидан анча кенгайтириб юборди. Унинг тахтни эгаллашдаги йўл қўйган фожиалари бошқаларникидан кам бўлса бўлганки, асло кўп бўлмаган. У бошқарувда қаттиққўлик билан эмас, балки давлатни юритишда тажриба ва ишнинг фойдаси билан муваффақият қозонган. Аврангзеб ҳеч қачон кераксиз жойда қон тўкмаган, отасини ҳам тутқунликда ушлаш учун эмас, тахтга кўз олайтирганларнинг кўзидан панада сақлаган. Тахт эгаси ўзининг зарбардаст подшоҳ эканини амалда исботлаш учун дунёдан кетгунича қудратини, заковатини, иродасини йўқотмаган. Унга фақатгина ота-боболарида бўлган жозибадорлик етишмасди. Кундалик шахсий ҳаётида у буюк аждодларига нисбатан камтарона ва дарвешона ҳаёт тарзи билан ажралиб турарди. Унинг ҳиндларга бўлган муомала-муносабати, албатта, Акбарнинг муросасозлигидан фарқ қиларди”.

Ҳинд тарихчиси Жадунатҳ Саркорнинг маълумотига кўра, Аврангзеб араб ва форс тилларида дурустгина ёза олган. У ҳинд тилида гапирганида, ўша кезлари кенг тарқалган ҳикматли сўзлардан эркин фойдаланган. Балх ва Қандаҳордаги аксар ўртаоСИёликлардан ташкил топган қўшинда хизмат қилганидан бўлса керак, айниқса, чигатоЙ туркийсини пухта билган.

Таниқли ўзбек олими, филология фанлари доктори Нажмиддин Низомиддинов шундай ёзади: “Аврангзеб

иқтисодий жиҳатдан заифлаша бошлаган салтанат қудратини тиклаш учун мусулмонпарвар хоқон сифатида маҳаллий ҳинд феодаллари қўлидаги ерларни қисқартирди, улар учун зиёрат ва жизя солиғини қайта жорий қилди. У янги ҳарбий юришлар ҳисобига хазинани бойитиш ниятида 1686–1687 йиллари Бижояпур ва Голкондани ўз тасарруфига олиб, марказий ҳокимият таъсирини бутун Ҳиндистонга ўтказишга эришди. Аммо Аврангзеб ташқи ва ички сиёсатининг дастлабки муваффақиятлари салтанат пойдеворини мустаҳкамлаш учун етарли эмасди. Хусусан, муқаддам бобурийлар қўлаб келган ички сиёсатдан огиш, айниқса, мусулмон бўлмаган ер-мулк эгаларининг манфаатларига зид келиб, мавжуд қарама-қаршиликларни янада кескинлаштирди. Бинобарин, ҳинд феодалларининг аввалига ҳуқуқи, кейин эса мол-мулкига дахл қилиниши, уларнинг давлат вазифаларидан четлатилиши одатий ҳолга айланиб қолган эди.

Фаранг тарихчиси Энтони Тауро ўз кундаликларида ушбу сатрларни битиб қўйган: “Аврангзеб кучли ҳукмдор эди, у узок йиллар Ҳиндистон ярим оролининг каттагина қисмини бошқарди. Бу борада унга камдан-кам ҳукмдорларгина тенглаша олишади. Унинг вафотидан кейин бобурийларнинг улкан салтанати кучсизланиб, парчаланиб кетди. Аврангзебнинг 49 йиллик ҳукмронлиги даврида салтанат тинчлик-хотиржамликда яшайди, унинг ерлари кенгайиб, даромадлари кўпая борди. Оламгир даврида Ҳиндистонда ишлаб чиқариш ва ҳарбий қурол-аслаҳалар тайёрлаш мисли кўрилмаган равнаққа эришди. Унинг қўшинлари Бидарда жангда биринчи бўлиб ракетаардан фойдаланишди. Уша пайтда йигилган солиқлар ҳисобланганда, унинг қўл остидаги ҳиндлар ўз вақтида дунёнинг энг бадавлат халқи санал-

ган. Голкондада топилган олмос конлари мамлакат хазинасини бойликка тўлдириб ташлаганди. Айрим муваффақиятсизликларга қарамай, Аврангзебнинг ўрдуси (армияси) дунёдаги энг кучли қўшинлардан ҳисобланган. Унинг вафотидан элик йил ўтиб, бобурийларга қарши ҳарбий фитна уюштирган Британия қўшинлари бунга ўз тажрибаларида шоҳид бўлишди”.

Банорас губернатори Абул Ҳасаннинг шундай сўзлари бор: “Ҳукмдор Аврангзеб ҳиндларга яхши муносабатда бўларди. У: “Бизларнинг бутун саъй-ҳаракатларимиз аҳолининг барча қатламлари – бойларга ҳам, камбағалларга ҳам бирдай муносабатда бўлишга, халқнинг фаровонлигини оширишга қаратилиши лозим”, деб ҳисобларди. Шунинг учун у Ислом таълимотига кўра, қадимий ибодатхоналарни буздирмаган, аммо янгисини қуришга ҳам йўл қўймаган эди. Унинг кўрсатмасига биноан бирор кишининг брахманларнинг ибодатларини ўтказишига қаршилик кўрсатишига имкон берилмас эди”.

## “МАЪОСИРИ ОЛАМГИРИЙ”ДАН

“Моликул-мулк Онҳазрат бизнинг олий ҳикматимизни рубъи маскун (ер юзи) фармонфармолигининг фармони этди ва қаердаки золимдан мазлумларга ситам етса, у адолатсизлик борасида бизларга шикоят қилишдан умидвор ва (ул зот) албатта, додига етади. Дунёнинг баъзи бахтсиз воқеалари барабарида бирон-бир шахсга бизнинг қўлимиздан зулм етганича йўқ ва ханузгача (шундай) вақт келмадики, биз (мазлумни учратиб, уни зулмдан) халос қилмайлик, Худо даргоҳига бу (каби) хабар ҳали бориб етмаган бўлса керак. Умидвор бўлмоқ ло-

зимдирки, биз умид йўлини ресмаймиз, (ҳеч ким биздан) Худога шикоят-нола қилмайди. Акс ҳолда бизга қочгани жой топилмас.

\* \* \*

Тангри иқтидорли султонларни Ислом дини тараққий топган давлат саройини барпо қилиш ҳамда куфр ва зулмга асосланган бадбахтликни қўпориб ташлаш ишига номзод этди. Ва (Тангри) бу файз нурини таратувчи жамоа орасида пешволик ва сарафрозликнинг чароғон қуёши, иш ва ҳаракатни танлаган Оламгир гозий подшоҳни шон-шуҳрат ва улуғлик тахтининг равнақини кучайтирувчи қилди.

\* \* \*

Онҳазрат саъй-ҳаракат ва уринишлар билан етишилган мартабаларни камтарлик юзасидан ўз қудрат кучларига нисбат бермай, балки Ҳақ тилида ифода қилдилар: “Бу фатҳларнинг зуҳури Коинот сарварининг (Ҳазрати Муҳаммад алайҳиссаломнинг) баракали муъжизаларидандир, деб биламиз”. Ва Аллоҳга тоат-ибодат қилиш ва Рисолатпаноҳ шариатига ривож бериш ҳамда бидъат ва жаҳолатни тағ-томиригача қуритиш билан бу азиз-аржуманд шукрини бажо келтирдилар. Беҳисоб шаъну шавкати ва қудратлилигига қарамай, ўзининг муқаддас таъблиги орқасида ғафлат ва роҳатга берилмай, огоҳлик, ҳудожўйлик, адолатпарастлигу раият ва сипоҳ аҳволига лутф ила боқишда давом этиб, хилофат юлдузига инсоф ва тенглик қонунини бахш этдилар”.

\* \* \*

Инсониятга қанчалик соҳиби фозиллик ва ахлоқи комиллик керак бўлса, (буларнинг барчаси ул ахлоқи) ҳасанотни (ўзида) мужассам қилган зотда, ҳақиқий подшоҳи ҳоқонда мавжуд эди.

\*\*\*

Бу подшоҳ подшоҳи Оламгирдирки, ҳокимият жиловини мустаҳкамлаш ва бошқа ишлар мулоҳазаси юзасидан унинг фалакка юриш жазмида ҳам ҳеч бир нарса йўлига монезлик қилолмайди. Бу лашкар (шундай) лашкардирки, у ўз ишини қилмагунча иш оёқ остидан (қаддини) кўтармайди... “Аллоҳ уларнинг дилларига қўрқинч солди” ояти тақозосига кўра, (душманлар) ўз ном ва номусларидан қўрқиб, ожиз ҳолларига ҳимоя сўрашдан бўлак нарсани билмадилар.

577

\*\*\*

Бутун дунё ва халқлар танлаган ул (шоҳ) латиф ахлоқининг мазмуни таҳрир қўламига сиғмайди ва баённинг чегараси бепоёндр.

\*\*\*

Ҳар икки сарой ҳоқони, аввал ва оқибат ҳокими мақтовга сазовор табиат билан ёшлари тўқсондан ошган бўлишига қарамай, тоат ва ибодат адосини бажо келтирдилар ва халойиқни бахтиёр ва саодатманд этдилар.

\*\*\*

Қимматли умрининг муддати тўқсон бир йилу ўн уч кун, ҳукмронлик даври эллик йилу икки ой ва йигирма етти кун бўлди... Агар ул самадият даргоҳидаги ягона (Аврангзеб Оламгир)нинг умри ҳисоблаб-жамланса, гўё кимдир абадий турмуш ва мангу ҳаёт топгандек бўлади... Бундай руҳан бедорларга нисбатан ўлим (“ўлган”) сўзининг қўлланмаслиги Тангри буйруқларидандир.

## МУНДАРИЖА

Сўзбоши.....	3
<b>ҲАСАН БАСРИЙ</b> атоқли донишманд.....	9
Тақдим.....	10
Таваллуди ва болалиги.....	11
Басрадаги йиллар.....	16
Бебаҳо насиҳатлар.....	23
Бир куни Ҳасан Басрий ...	33
Одамлар билан муносабати.....	43
Ҳакимини топди.....	44
Истиффор айт!.....	45
Аёлнинг сўзи ҳайратга солди.....	46
“Аллоҳни кўрамизми?”.....	46
Икки кун ва икки тун.....	47
Йигирма йиллик сабр.....	47
Нима уни Аллоҳдан тўсиб қўйди?.....	48
“Эслатиб юбординг”.....	48
Охират гами.....	49
Ҳали Раббимнинг ибодатига тўймаган эдим.....	50
Чинакам эҳсон.....	50
Нечунйиғламайсиз?.....	51
Ҳасан Басрийнинг дуоси.....	53
Миннатдорлик.....	53
Сукутдаги насиҳат.....	54
Тақволига бер!.....	54
Меҳрибонлик сабаби.....	54
Диннинг асоси.....	55
Замондошлари ҳасан басрий ҳақида.....	55
Шахсият жилолари.....	58

Пурмаъно ҳикматлари.....	68
Олимнинг вафоти.....	84

## **ИККИНЧИ УМАР .....87**

Тақдим.....	88
Ёшлик йиллари.....	89
Халифаликка сайланиши.....	96
Улкан ислоҳотлар.....	101
Тақвонинг кўлами.....	108
Гўзал фазилатлар эгаси.....	118
Одамлар орасида.....	131
Халифа ва Ҳасан Басрий.....	136
Самарқанд элчиси билан учрашув.....	139
Умарнинг адолати.....	145
Замондошларининг фикрлари.....	148
Халифанинг вафоти.....	152
Умар ибн Абдулазиз ҳикматлари.....	158

## **БУЮК МУҲАДДИС ВА ФАҚИҲ..... 161**

Тақдим.....	162
Таваллуд ва талабалик.....	163
Алломаижаҳон.....	168
Устоз ва шогирдлар даврасида.....	175
Хулқи гўзал эди.....	181
Тақвода ягона.....	190
Ҳиммат ва саховатни кўринг!.....	197
Уламолар наздида ибн Муборак.....	207
Муҳаддислар амири.....	214
Ибн муборак дейдики.....	223
Вафоти.....	230

<b>АБУ ҲОМИД ҒАЗЗОЛИЙ</b> .....	235
Тақдим.....	236
Ғаззолий яшаган даврга бир назар.....	237
Олимнинг болалиги.....	242
Илм сарҳадлари сари.....	245
Саодат талабидаги риҳлатлар.....	249
Калом илмига муносабат.....	255
Ғаззолий файласуфми?.....	262
Фалсафани танқид қилиши.....	270
Тасаввуфий ҳаёт.....	276
Сўнгги кунлар.....	284
“Иҳёу улумид-дин”.....	287
Жамият ислоҳоти муаммоси.....	296
Олим ҳақидаги илмий фикрлар.....	302
Ғаззолий ҳикматларидан.....	304
Ғаззолий насиҳатларидан.....	310

<b>МАШҲУР САРКАРДА ВА ҚУДДУС ХАЛОСКОРИ</b>	
<b>САЛОҲИДДИН АЙҮБИЙ</b> .....	313
Тақдим.....	314
Айюбийлар ким бўлган?.....	315
Ёшлик йиллари.....	319
Салиб юришлари.....	324
Улкан салтанат орзусида.....	333
Жасурлик ва шижоат тимсоли.....	341
Хиттин муҳорабаси.....	345
Қуддуснинг озод қилиниши.....	350
Акра учун жанглар.....	355
Буюк бағрикенглик.....	360
Салоҳиддин ва Ричард Шерюрак.....	364

Олижаноблик шунчалар бўлар!.....	368
Ҳаж сафарига тайёргарлик.....	372
Ғазилатли инсон.....	375
Авлодларга ўрнак саркарда.....	379
Ворислар қисмати.....	384
Муҳолифлар эътирофи.....	387

## **БУЮК САРКАРДА ВА СОҲИБҚИРОН.....**

Тақдим.....	392
Амир Темур ким эди?.....	394
Таваллуд ва болалик.....	397
Соҳибқироннинг улуғ хизматлари.....	405
Улкан салтанат меъмори.....	413
Урушлардаги тадбирлари.....	424
Халқпарварлик манзаралари.....	434
“Темур тузуклари”.....	442
Анқара жанги.....	450
Амир Темур ва ислом.....	461
Амир Темур ҳикматлари.....	474
Темурнинг охирги юриши.....	476
Темурийларнинг кейинги ҳукмронлиги.....	481

## **АВРАНГЗЕБ ОЛАМГИР.....**

Тақдим.....	496
Бобурийлар ҳақида қисқача маълумот.....	497
Аврангзебнинг болалиги.....	498
Аврангзеб – ҳоким.....	499
Тахт учун кураш.....	502
Тақводор ҳукмдор.....	507
Подшоҳликнинг дастлабки йиллари.....	517

Ўрдадаги ислохотлар.....	522
Салтанатни мустақкамлаш йўлида.....	523
Маратҳаларга қарши урушлар.....	528
Эътиқод сарчашмалари.....	533
“Фатавои оламгирия”.....	546
Ҳунармандчилик ва саноат.....	549
Илм ва маданият ҳомийси.....	551
Халққўзғолонлари.....	555
Фазилатлари.....	559
Зурриётлари.....	565
Вафоти.....	569
Аврангзеб оламгирнинг ворислари.....	571
Аврангзеб ҳақидаги холис фикрлар.....	573
“Маъосири оламгирий”дан.....	575

Қайдлар учун

Аҳмад Муҳаммад Турсун

## Дунёни тебратган буюклар

Нашриёт раҳбари  
Нуъмон Абдулмажид  
Муҳаррир  
Хусан Мақсуд  
Мусаҳҳиҳ  
Давронбек Орипов  
Дизайнер  
Муҳриддин Ҳамроев

**Тасдиқнома рақами №6732**

Босишга 2021 йил 6 майда

рухсат этилди.

Бичими 84x108<sup>1/32</sup>.

“Arno Pro” гарнитураси.

Офсет босма усулида босилди.

36,5 босма тобоқ.

Адади 2000 нусха.

149-сон буюртма.

Баҳоси келишилган нарҳда.

**“Azon kitoblari”**

нашриётида тайёрланди.

Тошкент шаҳри, Қатортол

2-муюлиш, 1-а уй.

+99897805090

**“Azon kitoblari”** МЧЖ босмахонасида чоп этилди.

Тошкент шаҳри, Юнусов кўчаси, 3-уй.

[www.azonkitoblari.uz](http://www.azonkitoblari.uz)

Электрон почта: [azonkitoblari@gmail.com](mailto:azonkitoblari@gmail.com)

Тел.: (+99890) 347-96-00



**A Z O N**

KITOB LARI

ISBN 978-9943-6619-4-3



9 789943 661943